

В. ЯН

„СҮНГТИ ДЕНГИЗГАЧА“

роман



ЎЗСР ДАВЛАТ БАДИИҒ АДАБИЁТ НАШРИЯТИ
Тошкент—1963

Бу роман трилогиянинг сўнгги китоби бўлиб, унда Чингизхон невараси Ботухон бошчилигида мўғул истиклочиларининг Жапубий Россияни забт этишлари, Киевнинг кўпаякун қилиниши, Ботухоннинг Ғарбий Европага юриши ҳақида, душманга қарши курашда рус кишилари курсатган мислсиз қаҳрамонликлар тўғрисида ҳикоя қилинади.

ФУЗАҒИЛ ИСЛОМ
таржимаси

Ян В.

«Сўнгги денгиз» гача. Тарихий трилогиянинг
учинчи қисми. Т., Узадабийнашр, 1963.
376 бет.

1. Ботухон, ҳақида.

Ян В. К «последнему морю». Роман.

P2

Россияга муътабар бир вазифа пасиб
булган эди... Унинг ноёнсиз саҳролари
муғул кучларини ютиб юбориб, уларнинг
истилосини худди Европанинг чегара-
сида тўхтатиб қўйган; ваҳшийлар ўз
асоратлари остида қолган Россияни ор-
қада қолдириб олга юришга журъат
қиллолмай, Шарқдаги ўз дашт-саҳрола-
рига қайтиб кетган. Шундай қилиб, ву-
жудга келаётган ғалм-маърифатини пар-
чалаган ва жон олиб жон бераётган
Россия қутқариб қолган...

А. С. Пушкин.

«Мен сўнгги денгизгача бораман, шун-
дагина бутун олам меннинг қўли остида
булади».

(Чингизхон ҳақидаги тарихдан)



I

«ВОҚЕА БАҒДОДДА БУЛГАН ЭДИ...»

Биринчи боб

МУҲР УЮВЧИ ТАҚВОДОР ДУДА

Бағдод масжиди жомиининг олдидаги майдонда, кенг зинапояннинг бир четида, Тақводор Дуда олдига кичкина хонтахта қўйиб, тарашланган ёқутга муҳр ўйиб ўтирарди. У муҳрларга чиройли шикаст ҳарфлар билан буюртмачиларнинг номларини ўяр, узук кўзларига эгасига қувват ва соғлиқ ато қиладиган ёки уни ёмон кўз ва қарғишлардан сақлайдиган хосиятли дуолар ёзиб берарди.

Бу муҳр ўювчини «Тақводор Дуда» деб аташарди... Масжиди жомига келувчилар қалди букик, қўнғир соқол, бароқ қора қошлари ва қора кўзлари ички сирларини пинҳон тутгандай кўринган бу устани танирди.

Бир куни бу устанинг олдига ўнгиб қолган қимматли чакмон кийган, хотиржам чехрасида табассум акс этиб турган хушсурат бир киши келди. У хонтахтага «ойтош» деб аталган кўкиш бир тошни қўйиб, шунга: «Халифа ҳазратларининг сартароши Ҳасан Зийрак» деган сўзни ўйиб беришни илтимос қилди.

— Ишингизга аралашганим учун кечирасиз,— деди Дуда ишидан кўз узмай.— Аммо бундай ёзувдан кўнгилисиз бир ҳодиса чиқиши ва ҳатто сиз учун оқибати хунук бўлиши мумкин. Бундан кўра бошқачароқ ёзиш керак. Ҳазрати халифа жаноби олийлари соч-соқолларини олдирмай қўйиб, бундан халқ гашвишга тушиб қолмаса дейман. Бундай воқеадан худо сақласин!

— Сиз нима ёзишни маслаҳат берасиз?— деб сўради бу сўздан ҳайрон қолган ва ташвишга тушган Ҳасан.

— Сиздан илгари шу мансабда турган киши бундан беш йил муқаддам вафот этган. Унинг номи «Халифа ҳазратларининг соч-соқолларини муҳофизат қилувчи Абдулло Барбар» экан... «Соч-соқолни муҳофизат қилувчи!» деган ёзув ҳеч қандай шубҳага сабаб бўлмас,— деб ишорат бармоғини кўтариб қўйди Дуда.— У вақтда халифа ҳазратлари, илоҳи соғ-саломат, бахту саодатли бўлсинлар! Сизнинг зийраклигингизга қойил қоладилар.

— Ундай бўлса, сиз айтганча бўла қолсин!— деди Ҳасан муҳр ўювчига ва кетмоқчи бўлиб турганда, бирдан бир тилла узукка кўзи тушиб қолиб, унинг ёзувлари негадир Ҳасаннинг диққатини жалб қилди-да:— Бу қанақа муҳр?— деб сўради ва қўлини узукка чўзди.

Шу вақт Тақводор Дуда тилла узукни лип этиб олиб, қўйнидаги бошқа буюртмачиларнинг қимматли буюмлари сақланадиган чарм халтачага солиб қўйди-да:

— Мен ҳали бу узукни пардозлаб бўлганим йўқ. Битмаган ишни бировга кўрсатишни ёмон кўраман,— деди.

Шу вақт ўйноқлаб турган жийрон от минган бир йигит масжидга яқин келиб, отдан тушмай:

— Салом, муҳтарам устоз! Узук тайёрми?— деб сўради.

Ҳар доим хотиржам ва салобатли бир қиёфада ўти-

радиган Дуда, безовталаниб қолди, чарм халтачани очиб тилла узукни олди-да, зинапоядан тез-тез юриб отлиқ йигит олдига тушди. Сувори ҳам, унинг оти ҳам ёш, келишган эди.

Сувори йигирма беш ёшларда эди. У оддий кўчманчи бадавийлар каби одмигина кийинган бўлса-да, қўсқи кийимлар ичида ҳам эркин, жасур кишининг қадди-басти кўриниб турарди. Йигитлик жозибаси ва ички бир кучдан ёришиб турган юзлари уни жуда гўзал ва дилбар қилиб кўрсатарди.

— Ким бу?— деб сўради Ҳасан сартарош, сувори узукни олиб, майдондан чопиб ўтиб, чанг ичида кўздан ғойиб бўлгандан кейин.

Дуда титроқ бир товуш билан:

— Нима қилди?— деди.— Сиз соқол қирасиз, у асов отларни ўргатади. Бу арабларнинг пойгаларида энг эпчил йигит, унинг қўлларида ювош бўлмаган арғумоқ йўқ.

— Тилла узукнинг унга нима кераги бор экан?

Тақводор Дуда бу гапдан ғазабланиб, қўлларини пахса қилиб, хириллаб бақирди. Зинапоядан чиқиб келаётган намозхонлар таажжубланиб, тўхтаб қолишди.

— Нега сен ҳадеб бу узукни суриштириб қолдинг? Нима ишинг бор у билан? Агар сен шаҳар ҳокимининг айғоқчиси бўлсанг, мен сенга жавоб қилардим, яхшиси, ҳозир олдимдан жўнаб қол!..

Сартарош Ҳасан орқасига тисарилиб, дарров жўнаб қолди. У кўрганларини сарой вакилига айтиш учун тўғри сарой томон югурди.

— Ахир у, Ал-Мансурнинг¹ узугига ўхшайди-ку,— деди унга безовталаниб.— Сиз буни маълум қилиб қўйинг. Бунда қандайдир бир сир борга ўхшайди.

Иккинчи боб

ХУДДИ ЯРИМ КЕЧАДА

Бағдодга кўз очиб-юмгунча қоронғилик тушиб қолади. Дуда, тор кўчалардан қатор-қатор кетаётган бошқа

¹ Ал-Мансур — ўрта асрдаги Европа тарихларида, Қуртоба халифалигидаги қуллар гвардияси бошлигининг номи, бу ном Алмансор деб бузиб ҳам юритилган.

йўловчилар кетидан катта-катта қадам ташлаб шошиб кетаётганида кўп дўконларда чироқлар ёқилган эди.

Пастқам бир кўчада у кичикроқ бир эшикни тақиллатди. Маълум бир ишора билан тақиллатилгандан кейин, уни бир кўзи кўр, бадқовоқ бир хизматкор очди-да, Дуда, икки ёлдиракли аравалар тиқилиб ётган торгина бир ҳовлига кирди. Бир-бирига яқин турган туялар орасидан аста ўтиб, ниҳоят, болохоналик иморатнинг ертўласидаги кичкина ҳужрасига кирди. Бу ерда Маҳмуд урганжий деган савдогарнинг моллари сақланар эди.

Уй эгаси Хоразм шойи ва кашталари билан савдо қилувчи намозхон ва мусофирпарвар бой савдогар бўлиб, бундан бир неча йил илгари унга Дуда, бир тилла узукка Сулаймон пайғамбар дуосини ёзиб берганида савдоси ривожланиб, у мамнун бўлганидан, бу муҳр ўювчининг шу уйга келиб туришига рухсат берган эди.

Уй ичи қоронғи бўлса ҳам, Дуда ўз одатича хонтахтани пайпаслаб топди ва унинг олдидаги токчага қўлидаги асбоблар солинган чарм тўрвани қўйди-да, қайтиб ҳовлига чиқди. У эшик олдидаги ёғоч ёўлага ўтирди ва қоронғи осмондаги ёруғ юлдузларга кўз тикиб, сабр билан бировни узоқ кутди.

Оғизлари кўпириб турган туяларнинг баъзилари ётар ва баъзилари тик турарди, шунинг учун ҳовли ўртасига туякашлар ёққан гулхан алангаси, гўё туяларнинг оёқлари орасида ёнаётгандек кўринарди.

Ниҳоят, кутилган кишининг қораси ҳам кўриниб қолди ва Дуданинг олдига келди. Ундан хушбўй атир ҳиди анқиб турарди. У майин бир товуш билан:

— Муҳтарам хўжайинимиз сизга салом айтдилар ва у кишини дуо қилишингизни сўрадилар,— деб шивирлади.

Иссиқ нон ва сопол косадаги қайноқ шўрвани олаётиб, Дуда кумуш узук таққан кичкина бармоқларни сизди ва қизнинг бошидаги рўмолнинг бир чети унинг юзига ҳам тегиб кетди. Чўғ келтириб беришни ваъда қилган қизнинг қораси кўздан йўқолгунча Дуда унинг орқасидан суқланиб қараб қолди ва қайтиб келишини кутиб индамай ўтирди. Орадан кўп ўтмай, қиз чўғни пуфлаб-пуфлаб етиб келди, шунда чўғнинг яллиғи унинг малоҳатли чеҳрасини, ўсма қўйилган қошларини ва манглайдаги каштали пешонабоғини ёритиб юборди. Қиз, булбулдек ёқимли овоз билан, гўё мазах қилгандек сўради:

— Овқатни олганингизда нега қўлингиз титрайди? Тўкиб юборасизми деб ҳар сафар қўрқиб тураман.

Қиз шундай деб, ҳиринглаб кулиб, қоронғида кўздан ғойиб бўлди.

Дуда ҳужрасига кирганидан кейин, чўғни пуфлаб, уочоққа шох-шаббаларни ёқди. Милтиллаб турган ёруғда у, қалин қуръон варақлари ҳошиясига ёзишга тутинди. Дуда, икки марта ингичка пичоқчасини олиб, қамиш қаламнинг учини чиқарди. У бир нималар деб гўнғиллаб, биров билан баҳслашаётгандек қўлини пахса қиларди.

— Ярим кеча... Бугун ярим кечада! Бу менинг қўлимдан келмайди! Юрак ортиқ тоқат қилолмайди. Энди тентирашларга хотима бериш керак... Лекин умидим ҳамон узилгани йўқ... Менга ҳеч ким панд беролмайди. Ҳаёт шахмат тахтасида «от юриши»гина жонни қутқариб қололади! Шайтон йўлни тош билан тўсиб қўйган бўлса, тўғри йўлдан юриш ҳам нодонлик бўлади. Эртага эрта-лаб донолигим ҳамма ёққа нур сочиши лозим. Кишилар атрофимга тўпланиб, менинг оддий ва ожизона нағорамга шох ташлаб, ўйин тушади. Фақат кучим етса бас, фақат бахту омадим келган вақтда, бахтсизлик чаёни қалбимга ниш уриб, ҳалокат тўлқинига улоқтирмаса бўлгани.

Дуда эшикни тамбалаб қўйди. Уй ўртасидаги намати қайирди. Намат тагида ертўлага тушадиган кичкина бир эшик кўринди.

Дуда шитирлатмай, аста қоронғи тешикка тушди. Қоронғида пайпаслаб бир неча қадам юрди-да, юқорига чиқиладиган яна бир нарвонга яқинлашди. Бу нарвондан эҳтиёт билан, ўртасига торроқ хонтахта қўйилган ҳужрага чиқди. Кичкина деразадан хирагина юлдуз шуъласи тушиб турарди.

Дуда тиз чўкиб, сажда қилди. У олдин арабчалаб, кейин бошқа бир тилда пичирлаб дуо ўқиди.

У бошини кўтариб, чўзинчоқ деразага қараб олди-да, яна дуо ўқишга тутинди. Ўпқасининг тўлиб келиши уни ларзага солар, тунги жимликни бузмаслик учун у ўзини арағ тутиб турарди.

Ниҳоят, деразадан ўз йўлида юриб кетаётган, қиздирилган баркашчадек ярқироқ тўлин ойнинг бир чети кўринди.

Дуда қаддини ростлаб, хонтахтанинг четини чангал-

лади... Оқиш хира ёруғ хонтахта устида турган торгина бир замбилга тушди.

Замбилда қора шойи кўйлак кийган бир аёлнинг жасади ётарди. У шундай ориқлаб кетган эдики, кўйлак остидан жасади аранг сезиларди. Икки нозик қўли кўкрагида чалишган бўлиб, унда кумуш узук ялтирарди.

Дуда орқасига тисланиб ва титраб кутиб турди...

Ойнинг гардиши деразага тўла тушганда унинг ёруғида нозик юзининг бир тарафи аниқ кўришди.

Дуда телбанома бир эҳтирос билан:

— Мен шу ердаман, сенинг содиқ хизматкоринг... Мен шу ердаман, ҳар қачондагидек ёнингдаман!. Эй, шафқатли, маъсума Марям! Сўзларимни эшитяпсанми? Кичкина қўлларингни чўзиб, пешонамни силагин! Менга мадад бергин!— деб шивирлади.

У жасаднинг юзига ҳамон тикилар, жон кириб, кўзлари очилиб қолар, деб умид қиларди.

— Тақдир! Ҳамма ёқда шум толе! Даҳшатли тақдир, менинг мустаҳкам иродам ҳам унга бас келолмайди. Тақдир мўлжаллаган нарсаларимнинг ҳаммасини, тайёрлаган нарсаларимнинг ҳаммасини совуряпти, афсунларимнинг ҳаммасини беҳудага чиқаряпти, аммо барибир мен таслим бўлмайман!..

Ой аста сузмоқда. Мана у кўздан ҳам йўқолди ва нафис чеҳра зулматга чўмди.

Дуда тиз чўкиб, фарёдини босишга уриниб, бармоқларини тишлади.

— Покиза, бегуноҳ Марям вафот этди. Мен у билан сўнгги марта дийдор кўришяпман. Эртага уни абадий сукунат қаърига элтиб қўядилар!..

Шу вақт ҳовлида кўтарилган шовқин унинг ҳушига келтирди:

— Муҳр ўювчи Дуда! Эшикни оч, бўлмаса бузиб кирамиз!

Дуда бир нафас тараддудланиб турди; кейин лип этиб ўрнидан турди-да, ўз ҳужрасига чиқиб, ертўланинг эшигини эски наomat билан ёпиб қўйди.

Эшикни ғазаб билан қоқишаверди. У эшикнинг тамбасини суриб қўйди.

Бир ҳабаш қўлидаги ловиллаб турган машъала билан ҳужрага ҳатлаб кирди-да, уй ичини тутунга тўлдириб

юборди. Унинг орқасида олабайроқ чопон кийгай бир киши остонада турарди. Дуда бу одамнинг халифа жаллодлари орасида энг даҳшатлиси эканини биларди.

— Тақводор лақабли, муҳр ўювчи Дуда сенмисан?

— Эй, халифа тахтининг устун ва адолат ҳукмининг шамшири муҳтарам Мансур, аини ҳақиқатни айтдилар!

— Ҳозир сен биз билан бирга юрасан ва биз сенинг қанчалик тақводор эканингни кўрамиз. Ҳой қуллар, бу кишини қўлидан тутиб олиб юринглар, тагин қоронғида қочиб қолмасин. Эҳтиёт бўлинглар, у жодугар, кўршапалакка айланиб, учиб кетади.

— Шундай ҳам мен сўзсиз итоат қиламан, жаноби олий!— деб Дуда қўлларини тутиб берди, икки ҳабаш қул эса унинг қўлларини бирпасда орқасига қайириб, дағал арғамчи билан боғлаб олди.

Учинчи боб

БУЮК ХАЛИФА САРОИДА

Дуданинг қўлидан ушлаб олган икки ҳабаш уни ертўладан ҳовлига олиб чиққанларида у шундай қаттиқ қичқириб юбордики, томда ухлаб ётган кишилар уйғоғиниб кетди ва ҳар тарафдан:

— Тақводор бир чолни нега қийнайсизлар? Қўйиб юборинглар уни! Ёвузлар!— деган товуш эшитилди.

Мансур ҳабашларни:

— Тезроқ, тезроқ юринглар!— деб қистади.

Дуда твхирлик қилиб:

— Бу думсиз маймунлар қўлимни нега қайирадилар? Ахир қўлларим мени боқади-ку! Мен шундай, ўзим ҳам бораверамай!— деди.

У сирли бир куч билан ҳабашлардан бирига ўгирилиб:

— Кўзимга қара, сурланган чўчқа гўшти! Ҳозир шу ерда, туя қумалоқлари устида ерга ётиб ухлагинг келяпти! Ёт! Дарров донг қотиб ухла!— деди.

“Ола чопон кийган, бурнида жез булоқиси бор азамат ҳабаш, гандираклаб ерга ўтирди, ёнбошлаб ётиб қолди.

Шундан кейин Дуда иккинчи ҳабашга ўгирилиб, унга тикилиб:

— Ҳой, ичи тушган ошқовоқ, сенинг ҳам уйқунг ке-

либ қолди! Дангаса йўлдошинг ёнида ёт. Мана шу қора ҳўкиздеқ хуррақ от!— деди.

Иккинчи ҳабаш ҳам гандирақлаб-гандирақлаб ерда ётган йўлдоши олдиға келди-да, ёниға ётди, энди уларнинг иккови ҳам қаттиқ хуррақ отиб ухларди.

Мансур дарғазаб бўлиб ухлаб ётган ҳабашларға ҳамла қилиб, уларни тепди, қаттиқ сўқди. Сўнг бўз белбоғининг учи билан пешона терини артди-да, қўлини фотиҳаға кўтариб, индамай турган Дудаға ўгирилди.

— Эй, гавҳарий моҳитоб!— деди Дуда.— Сен каттаға ҳам, кичикка ҳам, доноға ҳам, нодонға ҳам бараваар нур сочасан. Гап уқмас кишиларнинг кўнглини ҳам ёритгин, токи улар Тақводор Дудани ҳам қўйнинг нимтасидай судраб юрмасинлар!

Кейин у Мансурға таъзим қилиб:

— Сиз мени энг бахтли ва адолатли бир зот ҳузурига олиб борасиз. Зот олийнинг хизматларига керак бўладиган шундай нозик, ингичка қўлни нега бураб синдиришадди, ахир? Ўзим ҳам бораверамаи. Мана бу икки қўпол туя бу ерда бир кеча-кўндуз думаланиб ётмаслиги учун нима қилиш кераклигини уларға ўзим ҳозир айтаман. Ҳой қашқир ўлаксалари! Уйларингға бориб, эртаға эр-талабгача ўша ерда ухланглар!

Шу гапдан кейин икки ҳабаш ўрнидан сакраб туриб, қўллари билан рўдапо чалворларининг оғини кўтариб, жон-жаҳдлари билан дарвоза томон чопиб кетдилар.

— Эй, эзгу маслаҳатгўй Мансур жаноблари, сиз олдинға ўтиб юринг!— деди Дуда, халифанинг элчисига.— Мен сизнинг кетингизда юрай.

Шундан кейин машъала кўтарган қора қул олдинда, унинг кетидан теваарак-атрофига аланглаб, ҳассасини дўқиллатиб Мансур, ундан кейин ингичка, узун оёқларини илдам босиб Тақводор Дуда юрди.

Улар Бағдоднинг қоронғи, қинғир-қийшиқ тор кўчаларидан юриб кетдилар. Кундузлари бу кўчалар ҳар доим серқатнов ва шовқин-суронли бўларди. Ҳозир эса гала-гала итлар муюш-момушда ташландиқ суякларни талашиб уришмоқда ва қоровуллар шақилдоқларини ча-либ, йўловчиларнинг йўлини тўсмоқда ва узоқдан:

— Ким у, келаётган? Айт, бўлмаса чопиб ташлайман!— деб бақаришарди.

Қоровуллар, халифанинг жаллодлари бошлиғи, хун-хор Мансур келаётганини эшитиб йўлнинг четига чиқиш-

ди, икки букилиб таъзим қилишди ва ғўлдираб салом беришди.

Улар юра-юра улуғ Дажла дарёси бўйидан чиқишди. Шу ерда уларни халифанинг қайиғи кутиб турган эди, улар қайиққа ўтиришди-да, дарёнинг нариги лабига ўтишди, бу ерда уларни вакил билан бир неча қуролли аскарлар кутиб олди.

— Халифай рўйи замин газабланияптилар,— деди вакил,— ухламай ўтирибдилар. Халифа ўша хавфли ёвуз одамни ҳузури олийларига дарҳол етказишни буюрдилар.

— Э, буюк Ал-Мансур!— деб нидо қилди Дуда, қўлини ойга қараб фотиҳага кўтариб.— Ҳамма гапни эшитдинг ва ҳаммасига фурсат келганда қасос олгайсан!

Мансур вакилнинг ёнига келиб, уни четга олиб чиқди ва қўрқа-писа шивирлаб, деди:

— Мана шу новча, қўнғир соқол чол ўткир жодугарга ўхшайди: унинг гашига тегмай, эҳтиёт билан саройга етказиш керак, токи у ҳаммамизни кўршапалакка айлантириб қўймасин. У ҳабашларни ухлатиб қўйди, улар худди маст кишидек бир онда ерга думалаб тушди, кейин чолнинг амри билан ўринларидан сакраб туришди-ю, худди устларидан қайнаган сув қуйилгандек, чопиб кетишди!

— Тушундим, тушундим!.. Марҳамат қилиб, Тақводор Дуда, орқамдан юринг. Жаноби олий ҳазратлари, илоҳий саломат бўлсинлар! Сизни кутиб ўтирибдилар. Тезроқ боришимиз керак.

Халифанинг саройи билан боғи жуда кенг майдонни, шаҳарнинг ярмича жойни эгаллаб ётарди. Баланд қўрғон ортидан сершоҳ хурмо дарахтлари, сарв дарахтлари ва бу дарахтлар орасида сон-саноксиз ясси томли бинолар кўриниб турарди, бу иморатлар ичида, кўз юммай кузатиб турган мингларча ҳарам оғалари¹ назорати остида Мустансир халифанинг «дурдоналари»— унинг етти юз хотини турарди. Бу бинолардан нарироқда ингичка найзадек сарой миноралари қад кўтарган. Қўрғон устида у ер-бу ерда найзаларига таяниб қотиб қолган соқчилар кўринарди.

Икки тарафи мезанали дарвозанинг ёнида турган

¹ Халифанинг хотинларини назорат қилиб турадиган бичилган қуллар (*Тарж.*).

посбонлар доим тажанг ва серзарда жаллодлар бошлигининг қайтиб келишини сабрсизланиб кутиб туришарди.

Улар келгач, посбонлар четлашди, шундан кейин Тақводор Дуда халифанинг чаманзор боғидан совлат тўкиб ва тантана билан, у ёқ-бу ёғига қарамай юриб кетди.

Вакил билан Мансур тез-тез юриб олдинга ўтишди-да, саройнинг зинапоясидан юқори чиқишди, бу ерда уларни улуғ вазир ўймакор жез фонус тутган икки хизматкори билан кутиб турар эди.

— Сен ким бўласан?— деб сўради улуғ вазир оқариб қолган соқолини тутамлаб туриб.

— Ҳазрати Одамнинг боласи, муҳр ўювчи Тақводор Дудаман.

— Сен ҳозир халифа Мустансир ҳазратларининг ҳузури олийларига кирасан. Шуни яхши билгинки, сен у зотдан ҳеч қандай савол сўрамаслигинг ва фақат сўралган сўроққа жавоб беришинг керак.

— Жаноби ҳазрати олийлари истаган нарсаларнинг ҳаммасини сўзлаб бераман!— деб гўлдиради Дуда.

Шундан кейин ҳаммалари айланма зинапоядан юмшоқ гиламлар тўшалган сарой томига чиқишди. Том устини олмосдек товланиб турган юлдузлар сочилган кўмкўк мовий осмон поёнсиз гумбаздек қоплаб турарди.

Томнинг бир бурчида Бағдоднинг машҳур қизил саҳтиёнидан тикилган бир гўп ёстиқ уйилиб ётарди. Ёстиқлар орасида бошига катта оқ салла ўраган, соқолини қоп-қора қилиб бўяган ўрта ёшли бир киши ўтирар, қизил шойи чопонининг елкасига заррин гуллар тикилган эди. Бир неча мулозим ярим давра олиб чўкка тушиб, қўлларини тиззаларига қўйиб ўтиришарди.

Дуда узоқ кутиб туриб қолди ва бир ёнига бурилиб узоқларга тикилди.

Дарёнинг нарёғидаги шаҳарнинг катта бозор қисми сийрак туман билан қопланган, ҳар ер-ҳар ерда ҳали чироқлар милтиллларди. Дажла дарёси ойнинг кумушсимон шуъласида сал-пал жимирлаб турар, сутдек ойдин кечада дарёнинг Эрон кўрфазига томон қанчалик чўзилиб кетганини аниқ кўриш мумкин эди..

«Ниҳоят мен, қудратли халифа саройига келдим,— деб ўйлади Дуда, ташвишдан энтикиб, лекин ўзини хотиржам ва улуғвор тутиб.— Бу саодатли дамни тўққиз йилдан бери кутаман. Ҳаммадан қудратлироқ ҳукмдорнинг шу афсонавий саройида бугун қўлингга қўнадиган

бахт қушини тағин учириб юборма! Хўш, бундан кейин нима қолади? Ўз саёю ҳаракатинг билан эриша оладиган иш қолади, холос...»

— Менга қаранг, ҳурматли зот,— деди вакил яқин келиб.— Сиз ҳозир он ҳазратнинг ҳузури олийларига бориб тиз чўкасиз-да, индамай кутиб турасиз.

Дуда гиламнинг четига кавушини ечиб, халифанинг олдига келди, тиз чўкиб сажда қилди ва ерни ўпди.

— Хуш кўрдик, кел, қўнғир соқол!— деди халифа.— Эшитишимча, сен бир сирни билар эмишсан!

— Айни каромат қилдингиз, жаноби олий ҳазратлари, илоҳи шону шуҳратингиз ва салтанатингиз бундан ҳам зиёда бўлсин! Аммо мен билган муҳим сирни ёлғиз жанобингизга хилватда сўзлашим лозим. Ал-Мансурнинг васияти шундай.

— Содиқ дўстларим,— деди халифа ўтирганларга.— Сизлар саройга кириб истироҳат қилинглар, ёнимда ва-зир аъзам қолсалар бас.

Шундан кейин ҳамма ўрнидан туриб, қўлларини кўксиларига қовуштириб, одоб билан секин-секин чиқиб кетди.

Дуда халифага индамай қараб туриб кўнглидан кечирди:

«Мана мусулмонлар орасидаги энг қудратли одам, пайгамбарнинг ўринбосари қаршимда ўтирибди. Бу араб, кўринишда оддий бўлса ҳам, исломнинг маънавий қудрати шу одамда мужассамланган. Муҳаммад динига эътиқод қиладиган етти иқлимдаги ҳамманинг ихлоси ва таважжуҳи шу кишида. Ҳозир у киши мени улуғлаши ва омаду бахтнинг юксак поғоналарига кўтариши ёки чуқур чоҳга ташлаб юбориши мумкин».

Халифа ўймакор кумуш қутичадан бир олтин узук олиб:

— Бу узукнинг нақшиви сен ўйганмисан?— деб сўради.

— Ижозат берсалар уни мен бир кўрсам.

— Олиб кўр!

Дуда эмаклаб бориб узукни олди ва халифанинг юмшоқ қўлига қўли тегиши билан исломнинг маънавий қуввати ўз вужудига ўтиб, танини куйдиргандек бўлди.

Дуда узукнинг у ёқ-бу ёғини кўриб:

— Беш йил муқаддам унга мен нақш солган эдим,— деди.

— Узукнинг юзидаги хат учун каллангни олиш лозим эканини биласанми?

— Амрингизга мунтазирман, э шариат ҳомийси, у вақтда, жанобингиз бу сирдан воқиф бўлмай, ҳаётингиз хавф остида қолади.

Халифа сесканиб кетиб:

— Билганларингни гапир, мен сени муҳофизат қилишга таявда бераман, бир тола мўйинг ҳам бўлмайди,— деди.

Тўртинчи боб

«ОТ ЮРИШИ»

Дуда кетига сурилиб, намоз ўқиётган кишидек чўкка тушди-да, бурилиб орқасига қаради. Том саҳнида соқчилардан биронтаси ҳам қолмаган эди. У олдин хотиржам гапириб, кейин қизишиб кетди:

— Жаноби ҳазрати олийлари жуда яхши биладиларки, донишманд халифа Ҳорунар Рашид вафотларидан кейин буюк араб қабилаларининг қудрати ва шуҳрати ларзага келиб, кетма-кет мағлубиятга учради.

— Буни билмай бўладими! Бунга қайғурмай бўладими!

— Букилмас шонли араб қиличининг кучи билан тузилган ва ўз чегараларини серҳосил Мавритания¹ заминларидан тортиб Чин мамлакати Қошғарнинг сувсиз чўлу биёбонларига қадар кенгайтирган буюк давлат ички тартибсизликлар ҳамда ваҳший мўғул галаларидан иборат душманларнинг бостириб кириши натижасида ларзага келиб қолди.

— Бу гаплар ҳам менга маълум!

— Биз мусулмонлар шуларга рози бўлиб, араблар салтанатининг ожизланиши натижасида рўй берадиган қайғули воқеани кутиб ётишимиз лозимми ёки пайғамбарнинг муқаддас яшил туғини тағин ҳамма ерда ғолибона ҳилпиратиш учун бутун куч-қудратимизни тўплаб олишимиз лозимми?..

— Бу фикр кўнглимни кўпдан бери безовта қилиб келади.

¹ Мавритания — ўрта асрларда Африканинг ғарби шимолида жойлашган мамлакатлар (Тарж.).

— Сизни, ўлдирилган бир жангчининг, буюк саркарда Абдурахмоннинг сўнги наслининг қўлидан топилган узук ташвишлангирмоқда. Балки, унинг бирор ўгли қолмаганмикин? Ўткир зеҳн соҳиби, кўркам ва лаёқатли бир ўғил бор эмасмикин?.. Араблар ҳар вақт ўз қабила бошлиқлари — шайхларнинг ўзаро жанжалларидан жафо чекиб келдилар.

— Ҳа, бу бизнинг қадимий бир фалокатимиздир!— деб хўрсиниб қўйди халифа.

— Улуғ одамлар улуғ ишларни қилиш учун ўз атрофларига муносиб ёрдамчилар йиғиб олишлари керак. Агар фарангларни мағлуб қилган ва бутун «мағриб заминни» фатҳ қилиш хавфи остида қолдирган буюк саркарда Абдурахмоннинг энг сўнги насли мавжуд бўлса... агар жанобингиз бино қилган мадрасада илму маърифат ўрганиб камол топган, осмондаги ойдек кўркам ва мард, асов отларни ўргатадиган, яшиндек ўткир қилични қўлида ўйната оладиган йигит барҳаёт бўлса, қудратли халифа жаноби олийлари, шундай йигитнинг сиз ўз ўғлингиздек яқин, фидокор, покиза ва оллоҳнинг каломидек содиқ бўлишини истармидингиз? Уша йигитнинг қўшинларингизви янги ғалабаларга бошлашини, араб қаҳрамонлиги шону шуҳратининг тагин қадимги замонлардагидек равшан порлашини хоҳлармидингиз?..

Халифа бу гапларга ҳайрон қолиб, вазир аъзамига қаради. Вазир секин ва одоб билан бундай деди:

— Бундай довюрак жангини, яшириниб юрган маккор душман ҳолида қолдиргандан кўра, ўзимизга фидокор дўст ва муҳофизатчи қилиб олиш, албатта, яхши. Қимки араб номининг шону шуҳрати ошишига ёрдам қила олса, у, албатта, азиз ва муқаддас Бағдод халифасининг ҳимояси ва олқишига сазовор бўлиши керак.

— Қани ўша жангчи, агар у бозордаги сергап маддоҳнинг хаёлида тўқилган бемаъни афсона бўлмай, тирик одам бўлса, менга кўрсатгин уни.

— Мен уни сизга кўрсата оламан. Аммо мен бунинг оқибатида, унинг ҳалокатига мен сабаб бўлдим, деб пуншаймон қилиб, кўз ёшлари тўкиб, қайғудан сочларимни юлиб юрмасмиканман деб қўрқаман.

— Мен сенга ваъда бераманки,— деди халифа.—

Агар ўша йигит сен таърифлагандек бўлса, агар у ҳеч қандай хиёнат қилмаган ва бундан кейин хиёнат қилмайдиган бўлса, у доим менинг паноҳимда бўлади. Хўш, бу тўғрида сиз нима дейсиз, садоқатли, доно вазири аъзам?

— Мен шундай маслаҳат бермоқчиман, сизга бу тағин одобсизлик ва бемаънилик бўлиб кўринмасин...

— Сўзлайверинг!— деб буюрди халифа.

— Ёввойи мўғул ёки татар галалари билан Машрикдан келган ва Хоразмга ўз набирасини қўйиб кетган янги даҳшатли буюк фотиҳ Темучин Чингизхон тўғрисидаги гапларни жаноблари эшитган бўлсалар керак?..

— Албатта! Сиз даҳшатли Ботухон тўғрисида гапирётган бўлсангиз керак? Нега у тўғрида сўраясиз?

— Мен сизга ана шу баҳодир йигитни,— агар бу ҳақиқатан Тақводор Дуда таърифлагандек бўлса,— даҳшатли татар хонига салом мактуби ва ҳадялар билан элчи қилиб юборишингизни маслаҳат бераман. Бу йигитга буюргайсизки, у Ботухоннинг ёнида юриб, унинг бутун сафарларида бирга бўлғай ва хонни халифанинг ерларини босиб олиш ниятидан чалғитиб, «мағриб заминни» мағлуб қилиб босиб олишга уни кўндиргай... Қудратли Ботухоннинг қандай фикру хаёллари борлигини ҳали биз билмаймиз. Балки татарлар бизнинг бахтиёр юртларимизга ҳам чанг солиш учун ҳаракат қилмоқчидирлар?.. У вақтда сизнинг элчингиз татарларнинг бутун тайёргарлигини билиб олиб, бизнинг ҳам шонли қўшинларимизнинг тайёр туришлари учун олдиндан сизни хабардор қилиб қўяди.

Халифа бир оз сукут қилганидан кейин, бундай деди:

— Сиз менинг содиқ хизматчимсиз, ҳар вақт фойдали маслаҳатлар берасиз, Демакки, Ал-Мансурнинг ёш наслини олдин бир имтихон қилиб кўриш керак. Шунинг учун сен, Тақводор Дуда, уни бу ерга, тўппа-тўғри менинг ҳузуримга олиб келгин, шундан кейин мен у йигитни татар хони олдига юбораманми ёки унга бошқа вазифа топшираманми, уни ўзим биламан.

— Фармони олийларини бажо келтирурмен,— деди Дуда,— ва ёш Абдурахмонни тез фурсат ичида ҳузурини олийингизга бошлаб келурмен.

— Хўш, Тақводор Дуда, бу йигитни сен қандай қилиб топганинг ва унинг тўғрисида билганларингни бизга энди бирма-бир сўзлаб бер.

ЭРКИН ОВЧИНИНГ СИРИ

Тақводор Дуда қўлларини қовуштириб баён қилишга киришди:

— Бундан беш юз йил муқаддам бўлиб ўтган зўр қирғин ҳақида, яъни енгилмас шонли араб қўшинлари Испанияни истило қилиб, Пиреней тоғларидан ошиб ўтганларини, фарангларнинг яшнаб турган юртларига чайқалган денгиздек ёйилганларини эшитгандирсиз, албатта?.. Доно ва зийрак сиз жаноби олийнинг албатта эсларида бўлса керакки, ўша жанг олдин бизнинг арслонларимиз учун ғолибиятли бўлган эди, аммо фаранглар ҳам қутурган қашқирдек урушдилар, шунинг учун ғалаба байроғи гоҳ у тарафга, гоҳ бу тарафга оғиб турди... Фаранг қўшинларига совут кийган Карл Мартел, яъни «болға» исмли паҳлавон бир саркарда бошчилик қилган эди... Худонинг марҳамати билан мусулмонлар ҳар ёқда ғалаба қозониб турган эдилар... Аммо шу вақт қалтис бир ҳодиса рўй берди: жанг қизиб турган бир пайтда шонли саркардамиз Абдураҳмон оти билан бирга ҳалок бўлди, шунда унинг содиқ байроқдори ҳам шаҳид бўлди. Пайғамбарнинг шаҳидлар устида ҳилпираб турган муборак яшил туғи жанг тўзонлари орасида отларнинг туёғи остида қолди.

— Э воҳ! Нақадар бахтсизлик!..— деди халифа.

— Ўз байроғининг ғойиб бўлганини кўриб бизнинг сувориларимиз саросимага тушдилар ва уларнинг бир қисми ўз ҳужумларини тўхтатиб, эртаги кунни кутди. Жуда кўп қурбон берган фаранглар, қаттиқ жангда толиқиб қолган эдилар, шунинг учун бу урушда ўзларини мағлуб бўлган деб ўйлаб, кечаси Шарқ тарафга қараб кетишди... Абдураҳмоннинг жасадини қидириб, бизнинг содиқ паҳлавонларимиз жанг майдонида беҳуда чопиб юрдилар: улар на уни, на аслаҳасини ва на отини тополдилар.. Эҳтимолки, Азроил уни тириклай арши аълога олиб кетган бўлса... Агар шу вақтда жасур саркарда топилиб, лашкарларимизни тўплаб, чекинаётган фарангларнинг кетидан қувлаганда, бизлар осонгина ғалаба қозонган ва фарангларнинг ҳамма ерларини олган бўлар эдик. Аммо, тунги кенгашга йиғилган саркардалар узоқ муҳокама қилишгандан кейин:

«Қофирларни батамом мағлуб қилиб, бўйсундириш учун аскарларимизни тўплаб, сафларимизни тартибга солишга ва фарангларнинг ерига яна қайтиб келишга ҳар вақт улгурамиз» деган бир қарорга келдилар. Э воҳ! Аскарларимиз орқага қайтдилар.

— Бу, халқимизга номуносиб қарор бўлган эди!

— Орадан беш аср ўтиб кетди,— деб давом этди Дуда.— Араб шайхлари бир-бирларига душман бўлишди ва ораларидан кофирларнинг гуллаб ётган юртларига денгиздек босиб бориш учун уларнинг ҳаммасини ўзининг қудратли қўли остига, буюк яшил байроқ тагига тўплайдиган янги бир Абдурахмон чиқмади...

— Шонли Абдурахмон ҳақида бирор маълумот қолмаганми?— деб сўради халифа ўйга толиб.

— Мен ҳар хил табақа кишиларидан хўп суриштирдим,— деди Дуда қўлини кериб,— кекса имомлар, мадрасалардаги доно мударрислар, жаҳонгашта ҳофизлар ва қадимги эртақларни биладиган дарвишлардан суриштирдим... уларнинг ҳаммаси ҳам ҳар хил гапларни айтди-ю, лекин ҳеч бири аниқ бир нарса айтолмади. Илоҳи шону шавкатингиз абадий барқарор бўлсинки, жанобингизнинг ҳимматингиз соясида бино қилинган масжид зинапоясида ўтирган киши етти иқлимдан келган ҳар хил кишиларни кўради ва ажойиб хабарларни эшитади...

— Мана энди сен менга ўша ажойиб хабарлардан сўзлаб бергин.

— Бир куни олдимга бадқовоқ, кўзлари ёниб турган бир сайёҳ келди. Мени ҳайрон қолдирган нарса шу бўлдики, у тилла узукка бир хат ўйиб беришни буюрди...— деб сукут қилди Дуда.

— Қандай хат? Тезроқ айт!— деди халифа ғазабдан титраган, бўғиқ овоз билан.

— У менга: «Фарангларни қирғин қилган мўминлар умиди Абдурахмон» деб ёзиб беришни буюрди...

— Сен шундай хатни ўйиб бердингми?

— Менга нима буюрсалар, шуни қиламан.

— Унинг афти қандай эди? Сен уни кейин яна кўрддингми? У шу ерда, Бағдоддами ёки бошқа юртларга кетиб қолдимми?

— Мен уни бир неча марта кўрдим. Мен ўзимнинг узоқ умримда нималарни кўрмадим! Мен энг сўнгги марта бу кишини жуда қариб қолганда, масжидга кириб кетаётганида кўрдим. Ёнида каломи шариф кўта-

риб олган қувноқ бир йигит ҳам бор эди. йигитни таниб олдим. У мадрасага серқатнов бўлиб қолди. Бир куни мен уни чақирдим. У олдимга келиб, ёнимга ўтирди. Мен уни янги хурмо билан сийладим. Биз суҳбатлашиб ўтириб, оғайни бўлиб қолдик. У ҳатто уйимга келиб, ётиб қоладиган бўлди. Бу қувноқ, назокатли йигит бутун қилиқлари, катталар олдида одоб сақлаши, ўткир зеҳни, қадимги қўшиқларга қизиқиши билан менга ёқиб қолди. У кўпроқ диний китобларга эмас, қадимги ривоятлар ва арабларнинг улуғ зафарлари ҳақидаги дostonларга қизиқар эди.

— Ўша йигит қаёқда? Сен ишлайдиган жой яқинига тажрибали бир кишини қўяман, ўша киши унинг юриш-туришини кузатади.

— Жанобингизга ожизона бир маслаҳат айтишимга ижозат бергайсиз. Ҳозир унинг қаерда туришини биламан. У мадрасани аъло даражада таҳсинлар билан битиргандан кейин, эски ўтови билан Бинни Абайёд қабиласининг яйловига кўчиб чиқиб кетди. Ҳозир ачаси билан ўша ерда туради, ачаси унинг ош-овқатини пишириб, унга қадимги дostonларни айтиб беради. Ўша яйловдаги йигитлар орасида энг довуораги шу йигитдир. У китобларини гиламга ўраб беркитиб ташлаган, ҳозир асов отларни ўргатиш ва ёввойи ҳайвонларни овлаш билан тирикчилик қилади. Баъзан у Бағдодга, менинг олдимга келади ва менга гоҳ қурт, гоҳ хурмо билан узум олиб келади. Уйимда қолиб, қадимги замондаги воқеалар ҳақидаги ҳикояларимни эшитади. Агар жаноби олийлари уни кўрмоқчи бўлганингизни билса, тахтингизнинг поясини ўпиш билан ўзини бахтиёр билади.

Халифа ўйланиб туриб:

— Агар у сен айтгандек ҳақиқатан олим, кўнгли шон-шуҳратга мойил бўлса, у вақтда мен уни...— деди-ю, халифанинг тили тутилиб қолди-да, кейин:— Балки мен унга улуғ мансаб берарман,— деб қўйди.

Орадан бир неча кун ўтгандан кейин Тақводор Дуда халифа саройига ўзи таърифлаган йигитни бошлаб келди. Халифа уларни гулзорлар орасида бир неча фонтан ингичка тиниқ сув отиб, ҳамма ёқни салқин қилиб турган айвонида қабул қилди.

Йигит келишган ва чиройли эди. У ўзини улугвор ва содда тутарди.

Йигитнинг энида кўчманчилар киядиган оддийгина ола чопон, белида қадимий дамашқ ханжари бор эди.

Халифа йигитни рўпарасига, гиламга ўтқазиб, унга меҳрибонлик билан қараб ўтирарди, лекин Дуда халифанинг сузилган кўзларида баъзан машъум, хунук учқунлар чақнаётганини пайқаб қолди. Халифа йигитдан от тўғрисида ва ачасининг қайси қабиладан эканини ҳамда арслон ови ҳақида сўради.

Абдураҳмон ҳамма нарса тўғрисида содда ва самимият билан гапирди:

— Мен аминманки, уруш бўлади, шунда менга ҳам пайғамбаримизнинг туғини муҳофизат қилиш учун қиличимни қинидан суғуриш насиб бўлади. Мен узоқ юртларга, айниқса кун ботиш тарафларга, у ёқларда бизнинг буюк фотиҳларимизнинг жасур авлодлари қолган-қолмаганлигини билиш учун Андалисга¹ боргим келади.

— Энди Андалисга боришнинг ҳеч бир ҳожати йўқ, аксинча, шарққа ва шимолга бориш керак. У ёқларда улуг воқеалар рўй берапти ва ҳозиргача кўрилмаган қаттиқ урушларга тайёргарлик кўриляпти,— деб огоҳлангирди Дуда.

— Нимага асосланиб шундай деб ўйлайсан?— деб сўради халифа ва хушбўй шероз майидан келтиришни буюрди. Дуда билан йигитни меҳмон қилиб, халифа уларнинг жавобларига қунт билан қулоқ солди.

Дуда соқолини силаб туриб, одоб билан жавоб берди:

— Узоқ мамлакатлардан келган йўловчилар, буюк Итил² дарёсининг этагида татар, яна бир номи мунгал деган аллақандай ғайри дин қудратли бир эл лашкаргоҳ қуриб, қўр тўкиб ётибди, дейди.

— Бу жуда муҳим гап. Мен у ерга элчи ҳамда ишончли айғоқчиларимни юборишим керак.

— Агар Абдураҳмонни татар хонининг олдига юборадиган бўлсангиз, мен унинг ёнида мирза ҳамда табиб бўлиб борар эдим, мен ишонманки, бу йигит тезда

¹ Қадим араблар Испанияни Андалис деб атарди. (Тарж.).

² Итил — Волга дарёси.

даҳшатли татар хонининг илтифотига сазовор бўлади, бундан ташқари, мен ҳам хоннинг сарой табиби бўлиб олардим. У вақтда биз жаноби олийингизга ишончли одамлар орқали шимол ваҳший халқлари подшоҳининг қандай мақсади борлиги, аскарлари қанчалигини ва уни қандай бартараф қилиш кераклиги ва бошқа ҳамма ишлари тўғрисида маълумот юбориб турардик.

— Мен бу тўғрида ўйлаб кўраман, ҳозирча сен меҳмонхонамизга бориб тургин. У ерда Абдурахмонни қадрли меҳмон қаторида кутиб, муҳофизат қилиб туришади. Сен ҳам у билан бирга бўлгин. Элчи юборадиган бўлсак, вазири аъзам сизларга сафар жабдуғини ҳозирлатиб берурлар.

Шундан кейин Дуда халифа олдида икки букилиб таъзим қилди-да:


— Оллоҳ сизни ҳар вақт ўз паноҳида сақласин, ўзингиз ва буюк боболарингиз шону шуҳрати зиёда бўлсин!— деб дуо қилди.

Дуда билан Абдурахмон чиқиб кетганларидан кейин вазири аъзам гап бошлади.

— Ҳозир бу йигитнинг бошида бахт юлдузи чарақлаб турибди. Жанобингиз уни мунгал хони ёнига юбориб, жуда яхши иш қиляпсиз, агар даҳшатли Ботухон дунёнинг нариги чеккасига уни ҳам олиб кетса, ундан ҳам яхши бўлади, чунки у ёқдан уларнинг иккови ҳам қайтиб келмай, ота-боболарининг ёнига жўнаб кетишади.

Халифа бошини чайқаб:

— Биз учун энг яхшиси нималар бўлишини ёлғиз оллоҳ билади,— деди.



II

ИТИЛ ДАРЕСИ ЭТАКЛАРИДА

Биринчи боб

«ЕЛ ЭРКАСИ»

Қўш мачтали, тик ёнлари қорамой билан бўялган «Ел эркаси» номли кема, даҳшатли Обескун¹ денгизида аста чайқалиб Шимолга қараб борарди. Кул ранг ва қизил матодан худди шахмат тахтасига ўхшатиб қураб тикилган елканни шамол дўмбира қилиб кетарди. Оёқ-

¹ *Обескун* — Каспий денгизининг қадимги номи.

лари кишанланган, ориқ, оч эшкакчилар узун қуруқ эшкаклар ёнидаги тахталарда жим ётишарди.

Кеманинг қўйруғида турган бақалоқ рулчи кўк салласини қаншарига суриб қўйиб, рулнинг дастасига кўксини қўйиб суянди-да, кеманинг йиртқич қуш бошига ўхшатиб ишланган баланд тумшуғи орқали олдинга, узоқ жойларга тикилиб қаради.

Денгиз сатҳининг охирида ва қора булутлар қоплаган туманли олисларда қамишзор кўринди. Ўша жойда буюк Итил дарёси Обескун денгизига жуда кўп ўзанларга бўлиниб қуяди.

Кеманинг тумшуғидаги ёғоч қуш бўйинининг букилган жойига бир ҳабаш бола миниб олиб, рулчининг овозига қулоқ солиб ўтирарди.

— Ҳо Сайид, қора бақа, ахир ҳали ҳам дарёнинг мансабини кўрмадингми? Қамишлар орасида денгиздан дарёга ўтиладиган бўғоз топдингми?— деб бақириб сўради рулчи.

— Жуда кўп бўғоз кўринади!— деб бақирди Сайид.

— Қирғоқда бир тепа бор, шуни излаб топ! Унинг устида тош худо бор. Сен нега уни кўрмаяпсан? Ҳа, илон боласи! Кўзингни оч!

— Тош худо йўқ-ку... Ҳеч қанақа тош худони кўрмайман.

— Мачтага чиқ, энг учига чиқ! Тез бўл!

Кеманинг четида, узоқ юртлардан олиб келинаётган дориворларнинг ҳиди анқиб турган хурмо ёғочидан қилинган бир сандиқ устида йўл-йўл қизил чопон кийиб, белини гулдор белбоғ билан боғлаган бир араб йигит ўтирарди. Унинг кенг кўк чалворининг почалари сариқ теридан тикилган дағал кавушининг ичига тушиб турарди. Шамол унинг қоп-қора кокиллари, олимлик белгиси бўлган оппоқ салласининг чап елкасига тушиб турган печини ҳилпиратиб учирарди.

Гала-гала ботқоқлик қушлари қалин қамишзор тепасидан учиб ўтди.

— Итилнинг мансаби қаерда?— деб бақирди араб.

— Буюк Итилнинг етмишта мансаби бор,— деб жавоб берди рулчи.— Булардан энг каттасини топиб олишимиз керак. Бошқа бир жойдан кириб қолсак, кема тўқайлардаги ороллар орасида адашиб, ботқоққа ботиб қолади... Сайид, тош худони излаб топ!

Ҳабаш бола мачта тепасидан қичқирди:

— Тўдаланиб ётган тош кўриняпти! Уша ерда бир тош худо ёнбошлаб ётибди!

— Эски худолар ўлган! Эски худолар ботқоқликлар орасига бекинишган!— деб кулди араб.— Кекса оламда энди, даҳшатли татар хони билан бирга учиб келган янги худолар ҳукмронлик қияпти. Мунгалларга омад келтираётган ана шулар.

— Эшкаклар!— деб қаттиқ бақирди рулчи.— Ҳой, назоратчи, кўзингни оч! Эшкакларга зўр бер тезроқ! Сувга қаранг, шайх Абдурахмон!— деб давом этди рулчи, арабга қараб.— Энди биз шўр денгиздан эмас, буюк Итилнинг тотли сувидан сузиб кетяпмиз. Кумушсимон балиқлар галаси сузиб юришини кўряпсизми? Ана, уларнинг тепасида балиқчи қушлар айланиб юрибди... Тезроқ ҳайданглар! Итил яқин!

— Эшкакларни олинглар!— деди кўзини очиб, йўғон арқонлар устида офтобда мудраб ўтирган қизил, жулдур саллали бадқовоқ назоратчи. У тасмаси узун қамчинини эпчиллик билан шақиллатиб, ҳорғин ҳолда ўринларидан зўрға тураётган эшкакчиларнинг яланғоч танларини савалади ва ёғоч тўқмоқ билан тахтани бир оҳангда дўқиллата бошлади.

— Ҳаромхўрлар! Шамол ўнгидан эсганда хўб ухлаб олдинглар... Энди жадал ишга киришинглар. Дангасаларга овқат йўқ!

— Барибир берасан!— деб бақирди, бир неча киши.— Бизсиз етиб боролмайсан!

Эшкаклар, назоратчи тўқмоғининг борган сари тезроқ дўқиллашига мос бир маромда сувдан чиқиб, сувга ботиб, лойқа сувни кўпиртириб борарди. Эшкакчилар бор кучлари билан ишга тушиб, гоҳ олдинга энгашар, гоҳ елкалари ерга теккудек бўлиб ўзларини орқага ташлар эди.

Энди бўшашиб қолган кул ранг-қизил катак елкан ўқтин-ўқтин эсган кучсиз шамолдан сал-пал ҳилпираб борарди.

— Ҳожи Тархон!¹... Ҳов ана, Ҳожи Тархон кўриняпти!— деб бақирди ҳабаш бола, мачта устида туриб.

— Ҳой, Ислом ога, туринг энди!— деб бақирди рул-

¹ Ҳожи Тархон — Астрахань шаҳрининг қадимги номи. Бу ерда илгари князь Святослав Киевский мағлуб қилган Хазар хонлигининг обод пойтахти бор эди.

чи, кемачининг ҳужрасига қараб.— Ҳожи Тархонга яқинлашиб қолдик!

Торгина эшикли ҳужрадан бўкириш, сўкиниш ва бир хотиннинг қаттиқ чинқирагани эшитилди.

— Тўппа-тўғри юравер, Махсум! Ҳожи Тархонга бурилма!— деган бўғиқ овоз эшитилди ҳалиги ҳужрадан.— Кемага ҳеч кимни йўлатма! Қелган қайиқчиларни ҳайдаб юбор! Итилнинг юқорисига қараб юр!

Шундан кейин Махсум узун рулга гавдаси билан ёпишиб олди-да, кемани бир тарафга қараб сал бурди.

Кема кичикроқ бир қишлоқнинг қаршисидан секин сузиб ўтди, бир вақтлар ҳазарларнинг ҳашаматли пойтахти мана шу эди. Қирғоқда йўғон-йўғон қозиқлар устида сувга бино қилинган ва томи қорайиброқ қолган қамиш билан ёпилган кулбалар кўринди. Қишилар, дарёнинг ўртасига томон анча жойга чўзилиб келадиган кўприкдан югуришди, қўлларидаги гулдор латталарни силкитиб бақирди. Кўплари торгина узун қайиқчаларга ўтириб, эшкакларини тез-тез эшиб кемага томон сузишди.

Матрослар кема чеккасида қўлларига узун дастали чангакларни тутиб, кемага чиқишга хезланган кишиларни сувга итариб юборишга тайёр бўлиб турди.

Савдогарга ўхшаган, хушсурат, узун соқол бир киши, бир неча эшкакчилари бор катта бир қайиқда сузиб келди.

— Ҳой, Ислом оға! Ислом оғани чақиринглар!— деб бақирди у.— Ислом оға бормилар, саломатмилар? Мен у кишининг қадимги дўстиман ва мусофирпарварман. «Ел эркаси»да неча марта сафар қилганман. Хўжайинга айтинглар, мен Абдулфаттоҳ Бағдодийман.

Ёш араб элчиси ўймакор эшикни қаттиқ тақиллатиб:

— Ислом оға! Бу кишини кемага туширишсин! Мен бу киши ҳақида эшитганман, у билан гаплашишим керак,— деди.

Ўймакор эшик очилди. Ундан тиззасига тушгудай узун қора кўк кўйлак кийиб, белига белбоғ ҳам боғламаган, кенг елкали, кема эгаси — семиз Ислом оға чиқди. Унинг дағал қора соқоли, салқиган юзи, қизариб турган кўзлари туни билан ичкиликбозлик қилиб чиққанидан дарак берарди. Кемачи секил босган панжаси билан қорнини қашиди, тумшуғи қайрилган сап-сарик

мирзойи кавушини сарпойчан кийди-да, кеманинг лаби-га келди.

Араб йигит очиқ қолган эшикка диққат билан қаради. Қоронғидан ранги бўзарган кичкина бир хотин чиқди. Унинг устидаги монахча тикилган, ёқа ва этакларига қизил тутилган кул ранг кийими византия бичимида эди. Салгина очиқ ингичка бўйнида марварид шодалари осилиб турарди. Қоп-қора ювош кўзлар ўқдек киприкларини кўтариб, ёш арабга ажабланган ва савол бергандек бирпас тикилди. Аёлнинг чиройли боши денгиз томон ўгирилди-ю, ўймоқдек оғзи очилиб, оҳиста:

— Ёт ёввойи юртлар! Тўқай ва ботқоқликлар! Эй бечора Дафни, бошингдан яна бир қуллик кечаркан!..— деди.

Ўймакор кумуш билагузукли оппоқ нозик қўл кўзларини ёпди-да, кичкина аёл қоронғи ҳужрага кириб, кўздан ғойиб бўлди.

Иккинчи боб

А Ж О Й И Б И Ш Л А Р

Кекса Нурали Човдурнинг кичикроқ кўчманчи уруғи эрталаб барқ уриб чиқиб келаётган қуёш нурлари остида кўм-кўк саҳродан чиқди-да, айқириб оқаётган азим Итил дарёси ёқасига келиб қолди. Ярим яланғоч қора болалар, ҳайдаб келаётган қўйлар қирғоқдаги сўқмоқ йўлларда ёйилиб, оҳиста келарди. Буйдаси тумшуғидан ўтказилиб, олдингисининг думига боғланган туялар катта карвондек чўзилиб келарди. Устига ортилган рўзгор ашёлари ва йиғиштириб боғланган ўтовлар — юклар устида, қўлларига чақалоқ кўтариб олган, афтлари қора, тинка-мадори қуриган кампирлар туяларга миниб келарди.

Айниб кетган қизил камзул кийган хотинлар ғурур билан талтанглаб, карвоннинг бир ёнида борарди. Эркаклар бошқа юрар, ўзаро ғўнғиллашиб гаплашар ва ташвишланиб қўлларини силкитишарди. Баъзилари қум тепаларнинг устига буқиб чиқар ва дарров қайтиб тушарди. Ҳаммаларини ваҳима босган эди.

Таниш ерлар... Ҳар йили кўкламда кекса Нурали Човдурнинг уруғи бу ерлардаги қалин майсазорларда

тўхтаб, молларини боқиб ўтарди. Қадим бу ерларда ҳар вақт сариқ сайғоқ (бўкан)лар тўда-тўда бўлиб югуришиб ўтар, баъзан ҳуркович ёввойи йилқи уюрлари ёйилиб юрарди.

Бу даҳшатли йил баҳорида, бир тепаликнинг этагида доим бўш ётадиган сайҳонликда, баҳорги чиройли саҳро чечагидек ўймакор нақшлар билан безатилган баланд, ингичка минорали, олтиндек ялтираб турган ажойиб бир уй пайдо бўлиб қолибди. Бунинг устига, ҳамма сўқмоқ йўлларда ва узоқ-яқиндаги тепалар устида, жуни айиқникидек узун, чопқир тотти отлар миниб юрган ғалати суворилар кўриниб қолибди.

Нурали Човдурнинг ҳамма болалари — энди соқоли кўкрагига тушган ўғиллари, қалқонтўш, пўлатоёқ набиралари, кичкина шўх эвара-чеваралари ҳаммаси бўлиб (худо ёмон кўздан асрасин!) тўқсон тўққиз эркак эди. Бир-бирлари билан иноқ Човдур уруғидан бўлган бу кишилар чарақлаб турган шу эрта тонгда саросимага тушиб, бир-бирларига қарашарди. Каттароқлари эса:

— Бу нима ўзи? Жинларнинг ўйинимикин?.. Бундай олтин саройлар фақат худонинг жаннатида бўларди! Еки қудратли Ифрит дев мана шу саҳрода ўзига тилсимотли сарой қурганмикин-а?.. Бундай уйда ким тура олади ахир?— дейишарди.

Ҳаммалари уруғнинг кекса бошлиғи доно боболарининг нима дейишини кутиб, сабрсизлик билан унга қарашарди. Бошига катта оқ салма ўраб, устига офтобда куйган жул чакмон кийган Нурали Човдур эса тутилавериб сийқаланиб кетган кумуш дастали ҳассасини эгарга кўндаланг қўйиб, хол ташлаб човқар бўлиб қолган қари бўз от устида индамай борар ва ҳамон ўзига ўзи ишонмагандек, умрида ҳеч бир кўрмаган афсонавий заррин сарой томон шилпиқ кўзларини тикиб қарарди.

Ниҳоят, Човдур отнинг жиловини тортди. Бақириб-чақириб карвонни тўхтатишди. Ўғиллар билан набиралар югуриб келиб, табаррук уруғ бошлиғини қуршаб олишди. Шамол унинг оппоқ соқолини селкилатиб ўйнар, чол эса бўғилиб қайғу-ҳасрат билан аста шундай деди:

— Яна оғир замонлар келди!.. Атрофимизда кўринган нарсалар бизни қувонтирмайди! Ҳар ерда ҳозир нозир худонинг иродаси билан булар шу ерга келган экан, астойдил ҳаракат қилиб, қутулиш йўлини излаши-

миз керак.. Бу ерда туришимиз хатарли... Биз қадимдан мол боқиб келган яйловларда ёт кишиларнинг йилқилари ўтлаб юрибди!.. Энди бизнинг покиза аёлларимиз бадном қилинади, молларимиз ҳайдаб кетилади, бизнинг бутун умид-орзумиз бўлган севикли болаларимиз асир қилинади ва ёт юртларга элтиб сотилади!.. Қани, молларни тезроқ Улуғтош¹ тарафдаги узоқ дала-ларга қараб ҳайданглар... Бу даҳшатли ерлардан, шафқатсиз, золим мунгаллардан олисроқ кетайлик!.. Бу ёввойи лашкарларни ота-боболаримиздан қолган ерларимизга узоқ кун чиқардан худонинг қарғиши ҳайдаб келган. Тезроқ жўнайлик бу ерлардан!.. У ёқда хайрли бўлармикан?.. Йўлимизни қора булутлар қоплаяпти. Оҳ, қандай замонларга қолдик!— Шундан кейин Нурали Човдур оҳ тортиб, ҳасса тутган қўлларини қалтираб туриб кўкка кўтарди-да, кавуши билан қари отнинг биқинига ниқтаб, ўғиллари, нева-р-чевараларига раҳму шафқат қилиб ўз паноҳида сақлашни худодан йиғлаб илтижо қилди.

Учинчи боб

МУҒУЛ ҚОРОВУЛИ

Олдинги мачтанинг кўндаланг ёғочида осилиб турган жингалак сочили ҳабаш бола — Сайид шув этиб пастга тушди-да, ҳовлиқиб кеманинг саҳнидан югуриб келиб:

— Ислом оға! Олдимизда тиллакор бир сарой ва бир шаҳар пайдо бўлди!— деди.

— Қовоқ каллангни тошга уриб олганга ўхшайсан! Шаҳарни тушингда кўргандирсан! Қани у?— деди Ислом оға.

— Бола тўғри айтади!— деб гапга аралашди рулда турган ёш бир матрос.— Олдимизда янги татар шаҳри, саҳрони от-аравада босиб келаётган даҳшатли шаҳар пайдо бўлди.

— Менга кўринмаяпти-ку!— деди кемачи, кўк кўйлагининг кенг енги билан кўзларини артиб.— Бу ботқоқлик тумани ичида ҳамманг маст кишидек алаҳлаяпсанлар.

¹ Улуғтош — Жанубий Урал.

— Ана у ёққа қаранг, оға!— деди яна ҳабаш бола ва турган жойида бўйинини чўзиб сакради.— Ана кўринг, тепаликлар остида ялтироқ бир уй турибди. Дирҳамни беринг.

— Кўряпман, гулханлар-ку.

— Гулханлар эмас! У тоза олтиндан қилинган уй. У офтобда ўтдек товланяпти.

— Қўй-э, ёлғон айтяпсан, қурбақа! Ахир бу чўлу биёбонда олтиндан ясалган уй нима қилади?

— Бу чўл қароқчиларининг тузоғи,— деди ҳалиги матрос.— Улар Маккага кетаётган ҳожиларни талайди. Қароқчилар мана шу ерда уларнинг молларини олиб, жасадларини дарёга ташлайди.

Кишанларининг бир учи тахтага михланган ярим яланғоч қуллар эшкакларни эсларидан чиқариб, кеманинг қирғоғига ёпишдилар-да, узоқларга, чўғдек ялтираб турган олтин бинога тикилишди.

— Тоза олтиндан қилинган уй-а!— деб бақирди хириллаган овоз билан эшкакчилар ва занжирларини шалдиратиб интилишди.— Агар ундан бир парчасини ушатиб олсак, ҳар биримиз озодлигимизни сотиб ололамиз. Юринглар, оллоҳ инояти билан бизларга берган бу олтин уйдан бир парчадан синдириб олайлик.

— Бу шаҳар демабмидим! Рост айтган эдим! Шаҳар бу!— деди сакраб-сакраб хурсанд бўлган ҳабаш бола.— Ислом оға! Сиз, татар шаҳарининг кўргонини дастлаб кўрган кишига кумуш дирҳам беришни ваъда қилган эдингиз. Уни ҳаммадан олдин мен кўрдим, қани энди тезроқ беринг дирҳамни!

— Уринларингга ўтириб, эшкакни қўлга олинглар!— деб бақирди ғазаб билан кемачи.

Назоратчи узун қамчиси билан эшкакчиларнинг яланғоч баданларига савалаб қолди. Бандилар қамчи зарбидан чинқириб, войвойлаб, дарров жой-жойларига келиб ўтирди-да, эшкакларга ёпишишди.

— Балки бу бир мақбарадир,— деди аччиғланиб кемачи.— Бу биргина бинони бирор саҳройи хон ўз ота-бобосининг қабри устига мақбара қилгандир... Бу мозор, мақбара! Лекин шаҳар эмас! Шаҳар бўлса масжидлари, мадрасалари қани? Ҳаммоми, савдогарларнинг дўконлари қани? Аҳоли уйлари қани? Буни киши қандай шаҳар десин! Кумуш дирҳамни олиб бўпсан, итвачча!

— Ахир бу татарларнинг шаҳари-ку!— деди рулчи ишонч билан. Ҳамма халқларга ваҳима солиб кун чиқиш тарафдан келган даҳшатли, енгилмас элнинг янги пойтахти-ку бу. Улар аравалар устига ўрнатилган чодирларда яшайдилар, шунингдек уларнинг шаҳарлари ҳам гоҳ у ерда-гоҳ бу ерда кўчиб юради, гоҳ моллари учун яхши яйловлар излаб, даштга кириб кетади. Бу тиллакор уйда эса, калласи дош қозондек келадиган уларнинг энг катта хоқонлари туради. Қимики унинг яқинига келиб қолгудай бўлса, кўз қири билан бир қарайди-ю, уни турган жойида тўхтатиб қўяди ва оёғини осмондан келтиради...

— Эшкакларга зўр беринглар! Олға!— деди аччиғланиб кемачи.— Ҳой назоратчи, ур, бу дангаса ҳайвонларни!

Елкалари тердан ялтираб кетган эшкакчилар кучлари борича ғайрат қилмоқда. Ёнлари тик икки мачтали гўзал кема азим дарёнинг кучли оқимига қарши юқорига қараб бормоқда. Кеманинг икки четида турган матрослар узун, ингичка ходачалар билан дарёнинг чуқурлигини ўлчаб келмоқда.

— Саёзлик! Кема сувнинг тубига тегиб, қириб кетяпти!..

— Лангар ташла!— деб бақирди кемачи...

Икки лангар сув юзига шалоплаб тушиб, арқонлари таранг бўлиб қолди-да, кема ёнларида сув қайнагандек бўлиб кетди. Дарё оқими совуқ тўлқинларни олиб келди, булар бетида чўп-чорлар ва яшил бутоқчалар гир айланиб оқиб ўтди.

Кема баланд бўйли қамишлар ўсган қирғоққа яқин келиб қолган эди.

Сайҳонликда узун пўстин ва учи ингичка мўйна қалпоқ кийган отлиқлар кўринди. Улар отларининг бошини дарё тарафга буриб, сувга тушишди-да, қумлоққа келиб тўхташди ва қисқа найзаларини силкитиб, бир нималар деб бақиришди. Сув ўйиб кетган чуқур ўпқонлар уларнинг кемага яқинлашишига ҳалақит берарди. Кекса ва ёш отлиқларнинг қорамтир кўса юзларини шамол ялаб, офтоб куйдириб юборган. Уларнинг бўйни йўғон, ёлдор тоти отлари, тез оқиб бораётган сувни искаб-искаб, пишқирарди.

Отлиқларнинг орасидан сариқ алача чопон кийган бир чол ажралиб чиқди. Чолнинг бошида тулки тери-

сидан тикилган кенг кимхоб тумоқ бор эди. Чол сувдан юриб келди-да, гоҳ форсчалаб, гоҳ арабчалаб, гоҳ қипчоқчалаб бақириб:

— Кимсизлар? Қаёқдан келдинглар? Бу елкан кимники? Бу ёққа нега келдинглар? Кемангларда нима бор? Жавоб қилинглар! Мен бутун олам буюк Фотиҳининг таржимониман,— деди.

Кўп мамлакатларни кўрган рулчи қипчоқчалаб жавоб қайтарди:

— Бу кема «Темирқопқалик»¹ машҳур савдогар Ислом оғаники. Кемада Бағдод халифаси ҳазрат олийларининг муътабар элчилари келмоқда. Ўзларингиз кимсизлар?.. Бутун оламнинг буюк Фотиҳи Хоқон ҳазратларининг пойтахтларигача тагин қанча йўл юрамиз? Кема эгаси Хоқон ҳазратлари тахтининг поясини ўпиб, у зотга қимматли тортиқлар ҳадя қилмоқчи.

Узангисигача сувга ботиб турган кекса таржимон газаб билан бақирди:

— Қайиқларни туширинглар! Қирғоққа чиқинглар! Мўғул подшоҳи заминига келишга ижозат берилган фармонни кўрсатинглар.

Бошқа отлиқлар ҳам бақириб:

— Жаҳонгирнинг аскарларига нима олиб келганларингни кўрсатинглар.

Кемачи Ислом оға лаблари титраб, шошиб-пишиб матросларга буйруқ берди:

— Яшириш мумкин бўлган ҳамма нарсани кеманинг пастки қаватига жойланглар! Туйнуқларни беркитинглар!

Қирғоқдаги қалин қамишзор орасидан қорамойга бўялган торгина бир қайиқ чиқиб келди. Қайиқда қурол-яроғли татар аскарлари ўтирарди. Кела солиб улар учига чангак ўрнатилган найзалари билан кеманинг қирғоғига ёпишди-да, арқон нарвончани ташлаб, кеманинг устига чиқишди. Татарлар дарров кеманинг ҳар тарафига югуришиб кетди ва қопларни ағдар-тўнтар қилиб, учи қайрилма пичоқлари билан ёриб кўришди, пўстин ва бошқа кийимларни бир жойга, хурмо би-

¹ Темирқопқа — Каспий денгизининг ғарбий қирғоғидаги Дербент шаҳридир. Бу шаҳар Эронга борадиган қуруқлик йўлини муҳофизат қиладиган кўрғон бўлгани учун форсча — Дарабанд, қипчоқча Темирқопқа дейилади.

лан майиз солинган тойларни яна бир жойга уйиб қўйишди.

Бу ғалвадан уйғониб кетган бир неча йўловчи кеманинг пастки қаватидан устига чиқишди. Улар, чарақлаб турган офтобдан кўзлари қамашиб, нотаниш, ғалати аскарларнинг кема устида чошиб юришларига қўрқап-писа қараб туришди.

Ёш араб элчиси кенг белбоғининг орасига тикиб қўйилган ханжарининг дастасини ушлаб, мачта яқинига борди. Унинг қиёфасидан ғурур ва жасурлик кўри-ниб турарди. Унинг орқасида гилам хуржун, катта қуръон кўтарган қўнғир соқол мирзо ҳам бор эди.

Буларнинг орқасидан икки татар аскарни буқиб келиб, элчининг устидаги чакмонини ечиб олмоқчи бўлди. Элчи бу татар жангчиларини осонгина улоқтириб ташлади-да, ханжарини қўлига олиб даф қила бошлади.

Шу пайтда, арқон нарвонга осилиб кемага нуроний кекса таржимон чиқди. У улуғвор бир ишорат-ла кемачи билан саломлашди ва айтган сўзи хато кетмаслигини билган кишидек ишонч билан қаттиқ хитоб қилди:

— Буюк жаҳонгир ҳузурига келган машҳур элчини ранжитмоқчи бўлган ким ўзи? Олий насаб қаҳрамон жангчилар, хорижий кишиларга дахл қилманглар! Ким экан ўзи? Уз номини айтсин.

— Булар тўполон қилиб, Бағдод халифасининг элчисига озор беришяпти!— деб бақирди кемачи кўзларини олайтириб.— Мана бу қароқчилар уни талаяптилар.

— Булар қароқчи эмас!— деди таржимон даҳшат билан.— Булар буюк татар ҳукмдори Ботухоннинг энгилмас ботирлари.

Таржимоннинг олдида устига пўлат совут, дубулғасининг кумуш тили қаншарига тушиб турган ёш бир жангчи келди-да, ваҳшат билан бақирди:

— Айғоқ бўл, ҳушёр бўл!

— Айғоқмиз, ҳушёрмиз!— деб ҳамма мўғул жангчилари бирдан жавоб қайтарди, улар шу ондаёқ югур-югурдан тўхтаб, ҳар ким турган жойида қотиб қолди. Ҳамма ҳалиги ёш жангчига қаради.

— Ҳой, қирон бургутлар ва ғолиблар, ёрлиғимга қулоқ солинглар! Тўхтанглар!— деди ёш жангчи. Шу пайтда кемачи бошини қуйи солиб, елкасини қисиб, ту-

шиб кетаётган чалворини кўтариб, ғазаб билан ер остидан қараб турар эди. У йигит кемачига қараб:

— Буюк хоннинг аскарлари билан олишишга ботинган бу беандиша ким ўзи?— деди.

Кемачининг лаблари очилди-ю, тили дудуқланиб жавоб берди:

— Бу Бағдод халифасининг элчиси,— деди.

Ёш араб йигит сўкина-сўкина дабдала бўлган чакмонининг у ёқ-бу ёғини тортар, яқинида турган мўғулларга ваҳшат билан кўз қирини ташлар эди. Аскарларнинг бошлиғи сўзида давом этди:

— Сиз, баҳодирлар, яхши биласизларки, бошқа мамлакат ҳукуматларининг элчилари азиз ва дахлсиздир. Уларга дахл қилиш ва кийимларини шилиш ярамайди. Бағдод халифасининг элчисига ва бу кеманинг эгасига улардан олган тортиқларингиз учун раҳмат айтинглар.

— Берган тортиқларингиз учун раҳмат!— деб жавоб беришди мўғуллар.

— Дастлабки ўн аскар шу ерда, кемада қолсин. Бошқалар тортиқларни қирғоққа олиб ўтиб, Ботухоннинг қароргоҳига олиб боринглар.

Шу пайт кемачининг ҳужрасидан ранги ўчган кичкина бир хотиннинг қўлидаги гулдор гилам хуржунни тортқилаб, қисик кўз кекса бир мўғул чиқиб келди. Хотиннинг оёғидаги кумуш занжир шилдираб кетди. Чол бошқа ҳамма жангчиларнинг қотиб турганини кўриб, қўлидаги хуржунини қўйиб юборди-да, у ҳам тик туриб қолди.

— Араб элчиси, кемачи ва бу кемада келаётган ҳамма йўловчилар!— деб сўзида давом этди ҳалиги дубулға кийган жангчи.— Ҳеч бирингиз менинг аскарларимдан сира ҳам шикоят қилмассизлар, албатта? Улар сизларни ҳеч бир ранжитганлари йўқ-а?

— Нега шикоят қилмас эканмиз!— деб хитоб қилди кемачи.— Ахир улар кемада кўзларига кўринган ҳамма нарсани таладилар-ку...

— Тўхта!— деб унинг сўзини бўлди мўғул.— Шуни эсингда яхши тутгинки, буюк татар ҳукмдорининг голиб, ботир жангчилари ҳеч қачон ҳеч кимни таламайдилар, фақат бутун оламнинг фотиҳи бўлганликлари учун ўзларининг ҳалол ўлжаларини оладилар. Аммо сен менинг аскарларимни талончи деб ҳақорат қилганинг учун ҳозир сенинг устингдан кесим чиқарилади. Кесимни

мапа шу жойнинг ўзида, ўзим айтаман... Аскарларимизга тухмат қилиб қоралаганинг учун сен буюк Ясанинг¹ қонунларига мувофиқ жазоланасан... Сенга биргина ошиғич жазо: яъни гурзи билан каллангга уриш жазо-си берилади. Буни фақат кеманинг мачтасига осиш билан алмаштириш мумкин.

— Аскарларни ҳеч ким айблаётгани йўқ! Оллоҳ шоҳид,— деди титроқ овоз билан кемачи, қуриб қолган лабларини ялаб туриб.—Агар бизнинг бу арзимас ҳадыларимиз улуғ ва ҳаққоний татар ҳукмдорининг шонли аскарларига мақбул бўлса, ҳаммамизнинг ҳам бошимиз кўкка егади.

Ёш бошлиқ кемачига хотиржам қаради ва бир оз жим тургач, деди:

— Мен кесимни ўзгартаман. Мен нима десам шунга сўз қайтармай бўйсунинглар! Элчидан бошқа кемадаги ҳамма йўловчилар: кемачи ҳам, матрослар ҳам, бир қаторга тизилиб туринглар... Элчи бунга кирмасин. Сен иккинчи тарафда турасан. Хони билан Мунка йўловчиларни яхшилаб тинтиб чиқинглар.

Ажин босган ваҳшиёна юзли ва бит кўзли кекса бир мўғул қатор тизилиб турган йўловчиларнинг чеккасидаги одам олдига келди. У йўловчининг қалами белбоғини, белбоғининг қатига қистириб қўйилган ҳамёнини, кўрсаткич бармоғидаги фируза кўзли тилла узугини, сап-сариқ кавушини секингина ечиб олди.

Қаторда турганларнинг ҳаммаси мўғулнинг елкасига тасмага осиб қўйилган темир қуббали гурзига қўрқа-писа қараб турарди. Иккинчи мўғул узун қўй тери пўстинини ерга ёзиб, унга тортиб олинган нарсаларни тўпларди.

Кекса таржимон ҳаммага бир хил савол бериб:

— Қимсан? Қаердан келяпсан? Қаёққа борасан? Нимага келдинг? Сафарда қанча вақт юрасан?— деб сўрарди.

— Мен савдогарман. Буюк Хоразмнинг Урганж шаҳриданман,— деди мош-гуруч соқолли, ясанган йўловчи. У устига беқасам тўн, қизил чалвор кийиб, бошига зангори салла ўраган эди.— Мен ипак, қимматбаҳо тошлар ва чеккан кишига кайф қиладиган наша олиб келаётирман. Марҳум Чингизхоннинг адолатли Яса қо-

¹ Яса — Чингизхон қолдирган қонулар тўплами.

нунларига мувофиқ, мен молларимни нима қилишим керак?

— Сен олдин молларингнинг бешдан бир улушини бизнинг одил жаҳонгирга атаб ажратасан, кейин яна бешдан бир улушини бутун мўғулнинг буюк хоқонига ажратиб, ундан қолган ҳаммасини шу ерда баҳазўр сотаверасан. Хоқон ҳазратларининг улуши пойтахт Қорақурумга юборилади.

Устига айниб кетган кенг жанда, бошига дарвиш кулоҳи қўндириб, жуда фақирона кийинган иккинчи йўдовчи қироат билан гапирди:

— Мен оламнинг текис баркаши устида кезиб юрган сайёҳман. Номим Шайх Муслиҳиддиндир. Мен чиройли ғазаллар ёзаман. Менинг солиқ тўлаш учун маконим ҳам, боғу бўстоним ҳам йўқ. Менинг барча молу мулким мана шу туришим. Мен ўзимга керак бойликни мана шу жез довотим билан топаман.

Гурзи таққан мўғул, дарвишни тинтиб, унинг қўйнидан бир неча кумуш танга солинган ҳамён топиб олди, белбоғига осиб қўйилган жез довотни узиб олди ва довотнинг оғзини очиб бармоқларини сиёҳга булғади.

Дарвиш қўлларини кўкка кўтариб зорланиб:

— Агар довотим мендан олиб қўйилса, у вақтда мен жигар-бағримни ҳам қарғалар олдига ташлашим керак бўлади,— деди.

Гурзи таққан мўғул зарда билан жавоб бериб:

— Сенинг жез хазинанг бизнинг мирзоларга керак бўлади,— деди.

Иккинчи мўғул дарвишнинг айниб кетган кенг жандасини ечиб олди-да, кеманинг устига ёзиб қўйиб, тортиб олинган нарсаларни шунинг устига ташлай бошлади.

Шайх Муслиҳиддин тиз чўкиб, кафтлари билан юзини бекитди-да, тебраниб, тушуниб бўлмас сўзларни ғўнғиллаб фигон қила бошлади. Шундан кейин ёш мўғул бошлиқ унинг олдига келиб унга қўлини теккизди.

— Сен кимсан ўзинг: гадоймисан, шомонми ёки мунажжимми? Нега йиғлаяпсан?

— Мен гадой эмасман. Энг қудратли ҳукмдордан ҳам бой эдим, энди эса йиртқич ҳайвон ва қушдан ҳам ожизроқ бўлиб қолдим. Мен мана шу жандамни кийиб, ўттиз йил оламини кезганман. Йиртқич ҳайвон устида мўйнали териси бор, қушнинг пати бор, менинг эса ма-

на шу жандамдан бошқа нарсам йўқ. У менинг ҳам кўрпа-тўшагим, ҳам қоқ нош билан қаттиқ қуртни ёзиб ейдиган дастурхоним, тунларда эса бир барини тўшак қилиб тагимга соламан, бир барини устимга кўрпа қилиб ёпаман. Бошимни гурзи билан ёриб ташласанг ҳам барибир мен: Чингизхоннинг буюк ҳаққоний Ясаси, халқларнинг буюк ҳукмдорлари қаҳрамонлигини куйлаб юрадиган фақир бир шоирнинг довати билан биттагина эски жандасини тортиб олишга рухсат бермайди, дейман!

Шу орада гурзи осган мўғул жанданинг енг ва этакларини боғлаб, тугунни кўтариб эди, жанданинг йиртиқларидан тангалар, узук ва йўловчилардан тортиб олинган майда нарсалар тўкилиб кетди.

Мўғил бошлиқ деди:

— Сен мен билан бизнинг адолатли хонимизнинг олдига борасан. Сени нима қилишни хон ҳазратларининг ўзлари биладилар. Хони, унинг йиртиқ жандаси билан жез довотини қайтариб бер. Сен кимсан?— мўғул устига арабий қора йўлли оқ жун чакмон кийган сариқ, пахмоқ соқол қотма кишини қўли билан кўрсатди.

— У менинг мирзам. У жуда доно табиб, билимдон мунажжим ва ромчи,— деб тушунтирди араб элчиси, мўғил бошлиққа.

— Табиб дейсанми?! Менга билимдон, уста табиб жуда зарур. Сенинг чарм хуржунингда нималар бор?— деб сўради соқолли кишидан мўғул бошлиқ.

— Бунда менинг тақводор мусулмонларни касал ва ўлимдан сақлайдиган дориларим бор. Бу эски китоб пайғамбар алайҳиссаломнинг каломи шарифлари.

Мўғуллар тортиб олинган нарсаларни бир қайиққа юклашди. Қайиқ қирғоққа бир неча марта келиб, тортиб олинган нарсаларни олиб кетди. Мўғуллар билан бирга оёғида кумуш занжири бор хотин, дарвиш ва ҳабаш бола қайиқда кетди.

Кемада ўнга мўғул қоровул бўлиб қолди. Улар кеманинг қуйруқ тарафида тиғиз давра қуриб ўтиришдида, ғамгин бир қўшиқни чўзиб айтишга киришди.

Кемачи Ислом оға, кеманинг четида кўз ёшларини икки юздан шашқатор оқизиб турар эди. У муштуми билан кўзини артиб:

— Офатижон, заҳри илон қўлимдан кетди!— деди гўнгиллаб.

Араб элчиси ачиниб унинг елкасига қўлини қўйди:

— Шунга ҳам гам еб ўтирибсанми! Ҳозир ҳар бир бозордан чўри топилади. Хафа бўлма, бундан яхшироқ чўри топиб оласан.

— Лекин бунга ўхшаган олий насаб Комнен¹ подшолари уруғидан топиб бўлмайди-да. Бунга ўхшаганни энди мен сира ҳам тополмайман. Мен уни қайтариб олиш учун юз тилла пул билан бир қоп шафтолиқоқи беришга тайёрман. Нима учун уни мендан тортиб олишди?!

— Нимаси яхши унинг? Қичкинагина, афти хунук, чиллакдек қотма бир хотин. Тагин ҳар вақт сен билан жанжаллашар, афти башарангни юмдалар ва сени ўлдираман деб дўқ қиларди...

— Тўғри!— деди кемачи ва энгашиб унинг қулоғига шивирлади:— Аммо у, кишининг ҳирс-эҳтиросини қўзғатишга уста эди.

— Субҳоналлоҳ!— деб юборди элчи.— Бу жуда нодир фазилат!

Туртинчи боб

АБДУРАҲМОН ФОЛБИН ҲУЗУРИДА

Абдураҳмон қайиқдан қиргоққа сакраб ўтди. Саҳройи халқларнинг мана шу сирли ерларига у кўпдан бери келишга ҳаракат қилиб, Курдистон тоғлари орқали Бағдоддан, хавфу хатарлари кўп узоқ ва қийин йўлларни босиб келган эди.

Мана энди у қоронғида қаттиқ ерда турибди. Унинг оёқларига чўғир ўтлар ботмоқда, бироқ у, буларни унчалик сезмайди.

— Ҳасан! Ҳо Ҳасан?— деб бақирди у қоронғида юкларини карвонсаройга элтиб қўйишни ваъда қилган матросни чақириб.

— Лаббай, шу ердан!— деган овоз эшитилди.— Тура туринг, оға. Қайиқдаги нарсаларимни ҳам олай, бўлмаса бу ердаги муттаҳамлар қоронғида келиб ташиб кетади. Мен битта бекорчини топдим, у юкларни

¹ *Комненлар* — Византия императорларининг сулоласи (1057—1204).

кўтариб боришга рози бўлди, бироқ қочиб кетмаслиги учун мен унинг бўйнига сиртмоқ солиб юришим керак.

Абдураҳмон уни кутиб турди. Унинг кўзлари қоронғиликда ҳам илғай бошлади. Икки киши унга яқинлашиб келди, булар, халифанинг қимматбаҳо ҳадялари солинган хуржунларни елкаларига ортиб келаётган матрос билан «бекорчи» эди. Кемачи унга араб савдогарлари турган жойга олиб борувчи ишончли бир кишини қўшиб юбормоқчи эди. Қоронғида, олаговур бошланиб, ҳамма аралаш-қуралаш бўлиб кетди.

Энди қаёққа бориш керак? Совуқ шамол юзу кўзни ачитиб, енгил чангни олиб келиб урарди. Олдинда, анча узоқда чироқлар милтиллар, ўтиб бораётган одамларнинг қораси кўриниб қоларди. Эҳтиёт бўлиш керак эди, атрофда ёлғиз-ярим кишини ўлдириб, молини олиб кетадиган ваҳший одамлар изғиб юрарди. Содиқ хизматкори Адсумни мўғул қоровуллари олиб кетди, энди ёлғиз юриш ваҳимали ва ноқулай... Шунинг учун Абдураҳмон қайғуриб қолди.

Мана шу сокин оқаётган дарё қирғоғида тонг ёришгунча кутиб ўтириб, меҳмондўст ватандошлари, араб савдогарларини эрталаб ёруғда излагани яхшимикан?.. Ватандошлари унга жой, хатарсиз чодир, чаққон хизматкорлар беришади ва гиламлар устига ранг-баранг ипак билан кашта тикилган дастурхонлар ёзиб, халифа ҳазрати олийларининг элчиси шарафига турли-туман мевалар қўйиб меҳмон қилишади.

У шундай қайғуриб турганда болаларнинг қўлидай кичкина бир қўл Абдураҳмоннинг йўғон, бақувват қўлини ушлади-да, нозик, ширали овоз нотаниш тилда сўзлади, кейин арабчалаб бундай деди:

— Азиз меҳмон! Борадиган тайин жойингиз бўлма-са, совуқ тунда бу ерда турмай, мен билан юринг, иссиқ меҳмонхонамиз бор. Сиздек бегона меҳмонга ҳар хил қабилаларнинг шафқатсиз аскарлари турган бу жойда тунаш хавфли. Мана шу яқингинада сизга жуда яхши меҳмонхона тайёр. У ерда сизни дўстона кутиб олишади, сиз учун юмшоқ гиламлар, шойи ёстиқлар, иссиқ таомлар тайёрланган, хоҳлаганингизча дам оласиз, гапимга ишонаверинг!

Матрос бир ёқдан туриб:

— Кимсан ўзинг? Биз сени танимасак, қоронғиликдан чиққан қандай қизсан ўзинг?!— деб тўнғиллади.

— Менга қулоқ солинг, меҳмон! Мен сизга яхшилик қилай дейман: дарё бўйида тунаб қолманг! Бизникида тунаб кетиш учун атиги уч кумуш дирҳам тўлайсиз.

— Ҳасан, юр, шу қиз билан бирга борамиз! Барибир, бир жойга боришимиз керак-да, ахир! Мен таваккал қилдим.

— Бажону дил, оға! Сизни тўқсон тўққиз балодан оллоҳнинг ўзи сақласин!

Кичкина қўл Абдураҳмонни маҳкам ушлаб номаълум томонга тортди.

— Мен сен билан бирга бораман! Агар сўзинг рост чиқса, сенга беш кумуш дирҳам ҳадя бераман. Сен ўзингни бахтли қила оладиган бир кишини етаклаб бормоқдасан.

— Сиз яна кечани айшу ишратда ўтказасиз...— деб жавоб берди ёқимли, жозибадор товуш билан қиз.

Улар дўнгликда буталар орасидан юриб боришарди. Аланга гоҳ йўқолиб, гоҳ кўринарди. Қияликдан тепанинг устига чиқишди. Йўл узоқ кўриниб кетди.

Ниҳоят, қаршида кўзга таниш, қорамтир юнг матодан тикилган араб чодирлари кўринди. Чодирларнинг йиртиқ тешиклари орасидан аланга шуъласи кўриниб қоларди.

— Мана етиб келдик!— деди ҳалиги кичкини қиз ва чодир пардасини кўтарди.

Чодир ўртасида кичикроқ гулхан ёниб, қорайиб кетган жез қумғон қайнаб турарди.

Чодирнинг тепасидаги ис босиб айнаиб кетган қора матони ёғоч бақанлар¹ билан кўтариб қўйилган бўлиб, ёғочлардан бирига осиб қўйилган сопол қора чироқ чодир ичини хира ёритиб турарди.

Абдураҳмон патли гулдор гиламга хуржуни, ўқдонни ва кумуш қинли эгри қилич тақилган камарини ечиб қўйди. Кейин гиламга чўкка тушиб, қўлини кўтарди-да, фотиҳа ўқиди.

Еш матрос билан кўзлари олазарак жулдур кийимли «бекорчи» кираверишда устларидаги юкларини ерга

¹ Бақан — кигиз уйларнинг чанғароғини кўтариб қўйиладиган ходача (Тарж.).

қўйиб ва терлаган юзларини енглари билан артиб, ҳақларини кутиб туришди.

— Озроқ қўшиб беринг, хўжайин, юкингиз жуда оғир экан!— деди инқиллаб «бекорчи».— Меҳмон бу хуржунларда миҳ олиб келганга ўхшайдилар, ким билади, балки олтиндир. Худо омадингизни берсин, молларингиз кўпайсин!

Абдураҳмон «бекорчи»га синчиклаб қаради: у узун қирғий бурун, мош-гуруч пахмоқ соқолли бўлиб, бошига думалоқ бўрк кийган эди.

— Отинг нима?— деб сўради ундан Абдураҳмон ҳар бирининг олдига бир неча танга ташлаб.

«Бекорчи» елкасини қисди ва букчайиб ердаги тангаларни териб оларкан:

— Отимми?— деб сўради.— Ҳозир мени Самуил Йиғлоқи дейишади. Бир вақтда мен Самуил бинни Абрам эдим, Иерушалаймда¹ апельсинзор боғли бир ҳовлим ва нодир моллар билан савдо қиладиган дўканим бор эди. Юзлаб йиғлоқи хизматкорлар қўлимда ишлар эди. Мана энди ўзим ўшалардан бири бўлиб қолдим. Бу аҳволга тушиб қолишимга фаранглар — аҳли салибларнинг² урушлари сабаб бўлди. Улар ўз юртларидан тинч ўтиришмади. Улар Иерушалайм аҳолисини безовта қилиб, «Ҳазрати Исонинг» тобутини халос қилмоқчи бўлишди. Нимадан халос қилишар экан? Тобут-ку, ахир, уни нимадан халос қилинади. Шу баҳона билан кўп одамлар хонавайрон бўлди ва кўплар ҳалокатга учради. Олдин мени фаранглар тутиб асир олишди. Кейин битта барон³ мени ўзига ошпаз қилиб олди. Фақат қайнатишу қовуриш бўлса майли-я, масаллиҳни ҳам ўзим топишим, бунинг учун кўпинча хўжайинимга тез-тез қўй гўшти билан хурмолар ўғирлаб келишим керак эди... Кейин мен арабларнинг қўлига асир тушдим, улар мени шунчалик узоқларга сотиб юборишдики, мана энди, келиб-келиб, шу ерда, Итил қирғоғида турибман...

— Сенга тағин қанча қўшиб берай, ҳурматли Самуил бинни Абрам?

¹ *Иерушалайм* — Иерусалим — Қуддус шаҳри (*Тарж.*).

² *Фаранглар* — илгари умуман европалик ва французларни араблар шундай деб атарди. Аҳли салиб — ўрта асрда ислом динига қарши салиб урушлари қилган христианлар. (*Тарж.*).

³ Барон — Ғарбий Европада дворянлик унвони. (*Тарж.*).

— Қанча эмиш? Менга қанча кўп бўлса шунча яхши!— деди Самуил Йиғлоқи қўлларини кериб.

— Бу ерда ўзи қандай пул юради ва қандай хизматга қанча тўланади? Мен билмайман-да, буни.

— Бу ерда ҳар қанақа пул юради, у чинакам жарақлаган кумушу олтин бўлса бас... Оҳ олтин! Кўп вақтдан бери қўлимга олтин динор тушмади! Бир вақтлар менинг ҳам олтинни кумушга ушатиб келадиган, кумушни олтинга йириклаб келадиган махсус хизматкорим бор эди. Бир гап айтайми сизга?

— Айт, айт, Самуил бинни Абрам!

— Агар бир ҳовуч олтинингиз бўлса, бу ерда уни бир неча кун ичида уч ҳовуч олтин қилиб оласиз. Бу ерда жуда кўп талаб олинган... Вой, нима деяпман-а! Талаб олинган эмас, Ботухоннинг қаҳрамон аскарлари бошқа мамлакатлардан супуриб-сидириб олиб келган моллар жуда кўп. Бу аскарлар қўлларидаги молларнинг қимматини билмайдилар. Ҳозир энг яхши иш: улар олиб келган молларни арзон баҳога сотиб олиш, кейинроқ уни қимматроқ баҳога сотиш. Бундай яхши савдо қиладиган жой бу ердан бошқа жойда борми?.. Эртага сиз бу ерда катта шаҳар, ажойиб бир шаҳар қуришга киришилганини кўрасиз, унда жуда кўп кишилар бўлади, ҳаммаси ҳам яхши еб, яхши ичадиган кишилар. Эҳ, бечора Самуил бинни Абрам! Оҳ, агар сенинг ҳам эркинг ўзингда бўлиб, қулоғингда қуллик ҳалқаси ва ўнг биқинингда темири қиздириб босилган хўжайиннинг тамғаси бўлмаганда, сен ҳам мана шу янги мўғул пойтахтида савдо-сотиқ қилиб, энг катта савдогар бўлиб қолардинг!

— Хўжайиннинг ким ўзи?

— Хўжайин эмас, бекам биби Қундуз... жим!.. У киши шу ерда турадилар. Вой, қандай доно хотин-а! Бир қарашдаёқ ҳар қандай одамнинг кўнглидагини билиб олади ва орзуларини айтиб беради. Кишиларнинг орзуларини билиб, тўғри айтиб бергани учун одамлар унга жуда кўп пул беришади.

— Сенинг баҳонг қанча? Сени қулликдан қутқариб олиш учун қанча пул керак?

— Пулми? Бекам мени сотмайдилар. Мен у кишига керакман. У киши мен билан ҳамма нарса тўғрисида: нима олиш ва нима сотиш тўғрисида кенгашиб турадилар. У киши мени ўзлари озод қилиб юборишга ваъда

қилганлар.— деди-да, кейин шивирлаб давом этди:— Хотин кишига ишониб бўладими? Жим!.. Ана, ўзлари бу ёққа келяптилар.

Бешинчи боб

ДОНО БИБИ ҚУНДУЗ

Чодирнинг гилам пардасини қия очиб узун, қизил шойи кийим кийган, бошига гулдор дакана¹ қўйган бир хотин кирди.

— Ассалому алайкўм, хуш келибсиз, машаққатли йўллардан ўтиб келган азиз меҳмон!

Бека бўйранинг бир четига чўкка тушиб чақнаб турган ўткир кўзларини меҳмонга ташлади. Унинг тик ва ўткир қарашлари гўё: «Мен сендан ақллироқман» дегандай бўларди. Унинг арабча чиройи очилиб кетиб, яшнаб турган кўзлари қорамтир бўйнидаги шода-шоода зумрад ва олмос кўзли зиракларнинг жилваси билан рақобат қилаётгандек бўлди.

— Сиз муборак Арабистондан ёки шонли узоқ Бағдоддан келган бўлсангиз керак? Қийимларингиз ҳам, гулдор гилам хуржунларингиз ҳам буни айтиб турибди.

— Ҳаммасига кўзингиз етди, ҳаммасини тўғри топдингиз!— деб гўнғиллади Самуил Йиғлоқи.

Хизматкорининг гапига эътибор бермай, ҳамон боёги табассум билан гапни давом эттираверди бека:

— Бу ерда, бу янги шаҳарда муҳим ишларингиз бўлса, менинг гапимдан чиқмасангиз, ишингиз ўнгидан келади. Бу лашкаргоҳда ҳамма нарса янги, ҳамма нарса нотаниш, шунинг учун мен, сизнинг оқибати хунук бирор хато қилиб қўймаслигингизни истайман. Энг тўғри йўлни топишда шошилмай, сабр билан иш қилган киши орзусига етади... Ўз ҳаракатларини ақл тарозусида ўлчамай шошилган киши пушаймон бўлади... Бу ерда, мана шу, ғалати халқнинг ажойиб қароргоҳида уларнинг ўз қонунлари, ўз урфу одатлари бор. Хунук бир хато қилиб қўймаслик учун уларни яхши билиб олиш керак. Бу ерда татарлар ҳукмрон, мабодо уларга

¹ Дакана — хотинлар рўмол устидан бошларига ўрайдиган саллача. (Тарж.).

ёқмай қолсангиз, улар сизни тутиб олади-ю, бор-йўғингизни олиб, кейин сиз Итилнинг совуқ сувлари қаърида бедарак йўқолиб кетасиз.

— Аммо улар менга тега олмайдилар!— деди Абдурахмон ғазабланиб.— Мени халифайи Бағдод ҳазрати олийлари элчи қилиб юборганлар, давлатлари барқарор бўлсин!

— Мен ҳам шундайдир деб ўйлаган эдим,— деди биби Қундуз. Адурахмон унинг тешиб юборгудек тикилиши, хуш табассумига бардош бера олмай, ўзини тик туриб қурбонини авраётган илон олдида тургандек сизди.

— Самуил, энг азиз меҳмонларга тортиладиган кабобдан тайёрлагин!— деди бека меҳмондан кўзини узмай.

Абдурахмон кекса хизматкорга қаради. Хизматкор бир боғлам темир сихни олди ва ичида майда тўғралган гўшти бор қизил олача дастурхонни гиламга ёзди.

Биби Қундуз ҳамон қимирламай туриб хизматкорига буюрди:

— Самуил, соч оқаришдан сақлайдиган, оқ узумдан қилинган ширин шероз шароби солинган оғзи ёпиқ кўзани келтир. Азиз меҳмон, кўнглингиз хоҳласа, овқат тайёр бўлгунча, чўримиз Зулфия сизга ўзимизнинг ашулаларимиздан айтиб берсин. Мен сизни ташвишдан холироқ бўлсангиз деган эдим... Ҳеч бир ташвиш тортманг. Бошингиз устида бахт юлдузи порлаб турганини кўриб турибман...

Абдурахмон сесканиб кетди. Биби Қундуз сўзида давом этиб:

— Қизим булбулдай сайрайди. Йўқ демамг, айтиб берсин,— деди.

— Ашулани кўя турайлик!. Агар ўткир идрокингиз истиқбол пардасини очиб кўра олса, сиз бу йил менга нималар насиб бўлишини айтиб беринг,— деди Абдурахмон.

Шу гапдан кейин биби Қундузнинг юзидаги табассум ғойиб бўлди, чақнаб турган, ўткир кўзларини ерга тикди.

— Пешонангизга ёзилганларни сизга айтиб ўғирмоқчи эмасман,— деди биби Қундуз, энди ғамгин бўлиб қолган кўзларини кўтариб қаради.— Хоҳласангиз, мен сизга ғалабаларингиз ҳақида гапириб бераману, қайғули ва оғир куилар ҳақида сукут қиламан.

— Оғир?!— деб хитоб қилди Абдурахмон.— Менинг йўлимда қандай оғир кун бўлиши мумкин? Мен ҳеч қачон номуносиб ишга йўл қўймайман. Айтаверинг, мени ҳеч нарса қўрқитолмайди. Айтганларингизнинг рост ёки ёлгонлигини келажак кўрсатади. Юмуқ кўз билан жарликка қадам қўймаслик учун йўлимда қандай хавф-хатар борлигини билиб олишим керак.

— Ҳийлакорлик ҳам, жасурлик ҳам «пешонага ёзилганини» рад эта олмайди, сиз бу мусибатлардан қочиб қутула олмайсиз. Зулфия!— деб чақирди биби Қундуз.

Абдурахмонни бошлаб келган қиз, ҳар ерига зар қадалган қора чойшапга бурканиб чодирнинг бир бурчагида гужанак бўлиб ўтирарди. У чойшапни ташлаб, назик бир ҳаракат билан тери халта, қамиш таёқча, сув солинган бир сопол коса олиб келди.

Биби Қундуз косани олдига қўйди. Халтадан рангбаранг майда тошларни олди-да, сувга қараб туриб уларни гиламга сочиб юборди.

Абдурахмон, фолбин энди унга тикилиб турмаганини кўриб, енгил тортди. Фолбиннинг тошларни йиғиб, яна сочиб юбораётганига қараб турди. Фолбин косага энгашиб сувга қаради, гўё тагида ўт бордек сув қайнаб кетди, фолбин пичирлай бошлади.

— Мен қирғинларни кўряпман, кўп жанглар... чопиб кетаётиб отларидан йиқилиб тушаётган суворилар... Енгин алангаси... Бутун-бутун шаҳарлар ўртаниб, қоп-қора тутунга ўралиб қоляпти... Тутун жигар ранг булутларга етади... Шунчалик кўп қон тўкиладики, ер юзи қип-қизил бўлиб қолади... Бошингизга қора кун тушгунча сизга на ўқ ва на қилич тегмайди. Кўзимга қоядан ўйилган зинапоядан сизга ўхшаш ёш бир йигит юқори қараб чиқиб кетаётгани кўриняпти. У юқорига, жуда юқорига, нақ тоғнинг қор босган чўққисигача кўтарилиб кетяпти... Сизни асрайдиган тилла туморингиз бор... Аммо булутлар шундай бўрон бўлиб учадики, ундан сиз гандираклаб, жарликка йиқилиб тушмаслик учун ўзингизни араб тутиб борасиз... Мен бир минора кўряпман... Ҳа, у тош минора... Унинг тепасидаги текис жойда ёш бир жангчи турибди. Унинг ёнида тилла ранг сочли бир хотин ҳам бор... Жангчи уни севиб қолган, унга ишонай-ишонай деб турибди, лекин ундан ҳазар қилинг... У сизни жарликка итариб юбормоқчи бўляпти. Сизга

ҳалокат хавфи бор. Тилла ранг сочли хотиндан ҳазар қилинг!

— Ажалим шу хотиннинг қўлида эканми?— деб сўради Абдураҳмон титроқ товуш билан.

— Мен огоҳлантирибгина қўяман...

— Мен бой бўламанми?

— Бой?.. Йўқ! Сиз бойлик эмас, шон-шуҳрат излаб юрибсиз... Умр бўйи ер юзида сафар қиласиз ва узоқ юртларни кўрасиз... Бойлик панжангизнинг орасидан қумдек оқиб ўтади, аммо сиз қаноат хирқасига бурканиб, темир ирода совутини кийиб, даҳшатли бир жангчи бўлиб қолаверасиз.

Абдураҳмон гиламда ётарди. Гулхан ёниб тугаб бор-япти. Қип-қизил чўғларни кул босиб, ўчай деб қолди. Чодирнинг ичи қоп-қоронғи. Чодирнинг йиртиғидан икита хира юлдуз милтиллаб кўринарди. Уйқу келмасди... Кўнгил хавотир... Эртага татар хони билан учрашмоқчи эканлиги уни ташвишга солиб қўйди... Ўзи ишонишини ҳам, ишонмаслигини ҳам билмай турган ҳалиги фолбиннинг гаплари эсига тушди... Босиб ўтилган машаққатли йўл, ундаги хавфу хатарлар, кутилмаганда нажот топганлари ҳаёлидан кечди... Фолбин билан бирга ейилган кечки таом, унинг тикилиб қарашлари... Хушбўй, ўткир май қуйилган қадаҳларни узатишдаги Зулфиянинг назокатли ҳаракатлари... Самуил Йиғлоқи, унинг пахмоқ соқоли, жизиллаб пишаётган кабоб сихлари... Уйқу элтиб бораётганда буларнинг ҳаммаси эсига тушиб, кўз олдидан оҳиста сузиб ўтди...

Ҳавонинг салгина кўзғалиши, уни огоҳлантириб, кичкина ипакдай юмшоқ бир кафт юзини пайпаслаб лабларига тегди-ю, кўзларини сийпади.

У қўлини чўзган эди, қўли аёл елкасига, икки ўрим қилиб қўйилган ипакдек сочга тегиб кетди... Қалампир мунчоқнинг хушбўй ҳиди димоғига кирди... Сўзсиз, товушсиз ўзига чақираётган ярим очиқ, кичкина нафис лаблар...

Унг оёғининг бошмалдоғини биров қаттиқ сиқди. Абдураҳмон дарров ҳушини йиғиб олди. Уйқу хумори гўё учиб кетди. Чодирда гулханнинг чўғлари милтиллаб, кишига роҳат ва фароғат бахш этадиган бир иссиқлик уриб турарди.

— Ким бу?

— Адсум! Мен, ё сайидий!¹ Сизни олиб келиш учун от юборишибди. Татар хони мени Бағдод халифаси элчисининг садоқатли хизматкори эканимни билиб бўшатиб юборди.

Тунгги хотиралар Абдурахмоннинг кўнглини ўртарди. У, алаанглаб бошини кўтарди: қалампир мунчоқнинг хушбўй ҳиди келиб турган аёл қаёқда қолди экан-а?

Хизматкор гиламнинг бир четида тиз чўкиб, мис жом билан гулли қумғон ушлаб турарди.

— Ё сайидий, мен сизга сув келтирдим. Таҳорат олиб, намоз ўқиб олсангиз ҳам бўлади.

— Отларни ким юборибди?

Чодир орқасидан биров:

— Янги дўстларингиз,— деб жавоб берди.— Узоқ ватанга сиздан бирор хабар эшитармикинми деб сизни кутиб турибмиз.

Абдурахмон гиламдан тушмай уч ракаат намоз ўқиб олди. У безовта, кўзлари тунги хушбўй гўзални қидирар эди.

Хизматкор катта бир сопол лаганда ичига майиз ва товук гўшти солиб пиширилган шовла келтирди-да, чўккалаб лаганни меҳмон олдидаги дастурхонга, қўйнидан тахланган қизил сочиқ олиб лаганнинг ёнига қўйди.

— Фармонингизга муштазирман.

— Ҳалиги...— деб Абдурахмон дудуқланиб қолди, кейин ўзини тутиб олиб, сиполик билан давом этди:— Уй эгаси — бека қаёқда?

Биби Қундуз ҳар вақтдагидек зумрад ва олмослар тақиб, кишини мафтун қилувчи табассум билан дарҳол ҳозир бўлди.

Биби Қундуз кенг шойи кийимнинг чиройли бурмаларини тўғрилаб, гиламга ўтирди. Унинг бошидаги марварид қадалган, тўқ-сарик йўлли зангори дакапаси унга бошқача ҳусн бериб турар эди.

Абдурахмон унга бир неча савол бермоқчи бўлди-ю, лекин ўзини тутиб: «Кўнгилни ўртаётган сирни савол билан ошкора қилиш ярамайди» деб ўйлаб, ниҳоят у:

— Отлар қаёқдан? Мени кимлар кутаётган эмиш?— деб сўради.

¹ Ё сайидий — арабча жаноб, хўжайин, деган маъноларда (Тарж.)

Биби Қундуз эшик олдида одоб сақлаб, қўл қовуштириб турган кўркам кишини ишорат билан кўрсатди.

— Мапа бу кишини араб савдогарларининг оқсоқоли юборибди. Нима ваздан келганини ўзлари гапириб беради.

Хизматкор Адсум, ёстиқни тузатган бўлиб энгашдида, Абдурахмонга шивирлаб:

— Ёлғиз борманг. Мени ҳам бирга олиб кетинг. Қийин пайтда ёрдамлашаман.

Абдурахмон жавоб кутиб турган ҳалиги кишига қараб:

— Мирзамга ҳам бир от топиладими?— деб сўради.

— Топилади, жаноби олий! Сизга ярашадиган чиройли ва ўтқир отлар.

Адсум ғўнғиллаб:

— Мен ўтқир отларни эмас, ўтқир қаҳва ҳамда шўрвани яхши кўраман. Мен шўх сарбоз эмас, тинчликка ва китобга одатланган бир фақиҳман¹,— деди.

Абдурахмон ўрнидан туриб, буйруқ берди:

— Ҳой, Дуда! Сен бу ерда қолиб, юкларимнинг ёнидан нари жилма!

— Хўп бўлади!— деди хизматкор. У ўз халтасидан чарм муқовали китоб ва довтени зарда билан олди-да, гулхан бошига яқин, гилам устига қўйди. Кейин сафарда кийиладиган жул чакмонни олиб, хўжайиннинг камарига яшил қинли эгри қилични тақишга ёрдамлашиб, икки ханжарни белбоғига қистириб қўйди. Пошnasi қизил ва ингичка тумшуғи қайрилма яшил мирзойи сахтиён этигини кийдириб қўйгапдан кейин Дуда, пайғамбарзодалиқ нишонasi бўлган ва жуда чиройли қилиб ўралган саллани қимматбаҳо бир ҳадядек, камол эҳтиром билан узатди.

— Эсингдан чиқарма, юк ёнидан нари силжима. Балки улар менга ҳозироқ керак бўлиб қолар,— деди Абдурахмон чодирдан чиқаётиб.

Эшикка чиқиб у, бирдан тўхтаб қолди. Бошларига қизил салла ўраган, новча икки ҳабаш қул ўйноқлаб турган жуда камёб қора ёл, қора дум чиройли жийрон аргумоқни оёқларини ерга қаттиқ тираб, аранг ушлаб

¹ Фақиҳ — мусулмон диний қонунларини яхши билган қонуншунос, ҳуқуқшунос.

турарди. Баланд арғумоқ гижинглаб сувлиқни чайнар ва олдинги оёқлари билан ер тепиниб, узун қора думини човига қисиб кўкка сакрамоқчи бўларди.

Абдурахмон кўзини қисиб, ҳабашларнинг ҳаракатини томоша қиларди.

«Улар мени синамоқчи бўлса керак: бу ёввойи отни минсаммикин? Абдурахмон иккиланмайди ҳам, қўрқмайди ҳам. Асов отларни ўргатиб юрган йигит ўз кучини яна бир марта синаб кўради, холос...»

Кумуш умулдуруқ тақилган отнинг умровига кўпик сачради. Энди чиқиб келаётган қуёшнинг уфқда паст сузиб юрган қора булутлар орасидан тушиб турган найзадек, қизил шуъласида арғумоқ яна ҳам чиройли кўриниб кетди.

Ҳозир Абдурахмоннинг диққатини ўзига от эмас, арғумоқнинг орқасидаги бир уюм тош устида, хаёлий бир кўланкадек елкасига кўза кўтариб турган қиз тортган эди... «Қалампир мунчоқ ҳиди...»

Абдурахмоннинг назаридан яна тун уйқусининг кўланкалари учиб ўтди... У, қоп-қора кўзларини олайтириб турган от олдига шахдам юриб борди-ю, сўл кўли билан тизгинни ушлаб, ердан осонгина кўтарилиб ўзини кенг узангили арабий эгар устига олди.

Олтинчи боб

АРАБ САВДОГАРЛАРИНИКИДА

Хизматкорлар, усти қамиш билан ёпилган пастак кулбалар орасидаги сўқмоқ йўлдан юриб, олдинда борншарди. Чор атрофда сон-саноқсиз катта соябон аравалар турарди. Мўғул аскарларининг бола-чақалари, араваларнинг бутун бир дарахтдан эгиб ясалган катта гилдираклари олдида ўт ёқиб, сопол хурма ва мис қозонларда овқат қилар, сув иситар ва парча-парча гўштларни ўтга тоблаб пиширишарди.

Сарғайиб қолган дарахтлар билан ўралган муъжазроқ уй олдида араб савдогарлари тўпланган. Уларнинг ҳар бири ўз оқсоқоллари олдига бир неча гумашта ва хизматкорлари билан келган. Ҳаммаси ҳам муқаддас Бағдод шаҳари ҳақида, буюк халифа ҳақида янги хабарлар эшитгиси келар, халифанинг татарлар ва татар

босқинчилиги ҳақида қандай фикрда эканини билгилари келарди.

Азиз меҳмон шарафига уй олдига кичик-кичик гиламлардан поёндоз ёзилган эди. Узун барра телпаги устида ҳожилик нишонаси бўлган, оқ салла ўраган савдогарлар оқсоқоли ҳамманинг олдида турарди. Унинг ёнида баркашда узум кўтариб икки кичкина набираси ҳам турар эди.

Абдурахмон отдан ирғиб тушиб, тизгинни хизматкорлар қўлига берди. Оқсоқол Абдурахмонни қатор икки букилиб турган араб савдогарлари олдидан бошлаб ўтди, меҳмон уларнинг ҳар бирига бир неча оғиз сўз ташлаб ҳол-аҳвол сўради. Баъзилар Абдурахмонни болалик чоғидан билганларини айтишди, кексароқлари ғайри динлар билан бўлган жангда отасининг шаҳид бўлганини гапиришди.

Оқсоқол, азиз меҳмонни уйга таклиф этди, ичкарига савдогарлардан энг обрўли ва нуфузли бир неча кишигина кирди; у ерда ҳаммалари патли гилам устида ярим давра қуриб ўтиришди, хизматкорлар эса ҳар кимнинг ёнбошига биттадан гилам болиш ва гулдор шойи ёстиқ қўйишди.

— Бизлар бундан сўнг қандай йўл тутишимиз кераклигини билмоқчимиз,— деб паст товуш билан ҳадиксираб гапиришди кексалар.— Шу ерда қолиб савдо-сотик қилаверайликми ёки қайтиб кетайликми? Бизлар ҳали мўғулларни яхши билмаймиз, Ботухонга унчалик ишонмаймиз. У бизларга баҳузур савдо қилаверинглар, дейди-ю, лекин ҳар бир мўғул бошлиқ тап тортмай истаган нарчасини биздан тортиб олади. Агар бу ерларда тартиб ва осойишталик ўрнатилса, бизлар савдони авж олдириб юбора оламиз. Фақат қаттиқ тартиб ўрнатилса бас!..

— Қадрли элчи жаноблари, бу гапларга жанобингиз нима дейсиз? Халифа ҳазрати олийлари бу ҳақда нима дейдилар?! Шу ерда тураверайликми ёки молларимизни арзон-гаров сотиб, бошқа қулайроқ ва тинчроқ шаҳар излаб тезроқ жўнаб қолайликми?

Абдурахмон ўйланиб туриб жавоб қилди:

— Амирал мўъминин ҳазратлари бу ҳақда кўп гап айтганлари йўғу, лекин жуда бамаъни сўз айтдилар. Халифа ҳазратлари бундан беш юз йил аввал бўлганидек арабларнинг номи ҳозир ҳам ҳамма ерда муътабар

бўлишини истайдилар. У зот, араб шамшири пайгамбаримизнинг табаррук туғларини баланд кўтариб, душманларни ер билан яксон қилишини, довюрак араб савдогарлари эса, бутун денгиз ва қуруқликда тўғриликлари, лабзи ҳалолликлари ва молларининг аъло сифатлилиги билан шуҳрат қозонишини истайдилар.

Савдогарлар жуда эҳтиёткорлик билан секин-аста гапириб, Ботухон бўлажак пойтахти учун катта савдо йўллари туташган қулай жойни таълаганини, бу йўллар: Хоразм, Ҳиндистон ва Хитойдан Румга ва «фараңларнинг мағриб замин юртлари»га борадиган ва шунингдек Эрон, Арабистон ва узоқ Ҳиндистон билан Итилнинг юқори оқимидаги юртлар орасида қатнайдиған катта карвон йўллари устида эканини тушунтирдилар... Шундай қилиб, Ботухон ўз пойтахтини оламнинг марказига айлантирмоқчи, дарҳақиқат, у дунёнинг энг катта пойтахтларидан бири бўлиб қолади. Аммо бу шаҳарда тартиб ўрнатилган, савдогарлар ва уларнинг моллари учун ҳеч қандай хавфу хатар йўқлигига ишонч ҳосил қилингандагина бу ерларга катта кемалар ва туя карвонлари келишини айтдилар.

Абдурахмон улардан сўради:

— Ватанимизнинг азиз кекса фарзандлари! Сизлар машриқ ва мағрибдаги кўп мамлакатларни кўргансизлар. Ўз фикрларингизни очиқ айтинлар: татарлар фараңлар, румлар ва бошқа халқларнинг совутларга ўралган қудратли аскарларини енгиб, «мағриб мамлакатларини» босиб ола оладими?

Оқсоқол бунга жавобан:

— Татар аскарларининг ўз бошлиқларига сўзсиз итоат қилиши, уларнинг жангдаги жасорати, бундан ташқари, уларнинг тинч аҳоли юрагига солган ваҳима уларга ёрдам бермоқда. Агар «мағриб мамлакатлари» халқлари иттифоқ бўлмаса, улар орасида бурунгидек ўзаро низо ва адоват ҳукм сурса, у вақтда бу кўп мингли ваҳший татар галалари «мағриб мамлакатлари»нинг яшнаб турган ерларини даҳшатли бўрондек поймол қилиб ташлайди ва ҳамма ерда Чингизхон Ясаси қонун бўлиб қолади.

→ Ботухоннинг ўзи қандай одам? Бобосига ўхшаш доно ҳукмдорми ёки Эронни фатҳ этган буюк Искандарни Зулқарнайнга ўхшаш жасоратли ва омади юришган саркардами?— деб сўради Абдурахмон.

Араб савдогарларининг оқсоқоли жавоб қилди:

— Ботухонга шубҳасиз, жини парилар ҳомий бўлиб келмоқда. У қандай ишга қўл урса, омади юришмоқда... Шунинг учун ҳам бу ерда фақат муъжизани кўриб турибмиз ёки унинг ишларига иродаси, жасорати ва ўткир ақли мадад бераётганмикин? Бу саволга ким ва қандай донишманд жавоб бера олади?

— Унинг сафдошлари қандай одамлар? Одам ўз атрофига унинг ҳукмини қаттиқ туриб бажарадиган фидокор ва ҳар ишга қобил кишиларни тўплай олсагина улук киши бўла олади.

Оқсоқол деди:

— Албатта, Ботухонга унинг сафдошлари ёрдам қилади, ахир уларни ўзи танлаб олган-да! Қўшин унга ҳеч бир сўзсиз итоат қилади, чунки ҳаммаси унга ишонади, шунинг учун уни шавкатли, саховатли, олижаноб «Сайинхон» деб атайди. Шу сабабли, агар Ботухон мағриб мамлакатига юриш қилса, бўшашмаса, иккиланмаса ғолиб чиқади ва йўлида учраган халқларни бўйсундиради, сўнгга унинг ҳукронлиги бутун ер юзига, сўнгги денгизгача ёйилади, деб ўйлайман.

Абдурахмон яна савол ташлади:

— Мен унинг сафарларида ҳамроҳ бўлишим керак. Шундай қилсаммикин?

— Албатта! Албатта!— дейишди ўтирганлар.— Бу билан сиз Ботухон очган ҳамма йўлларда араблар савдосини ривожлантиришимизга ёрдам берасиз. Бизларни унутманг!

Савдогарлар азиз меҳмонни хурсандлик билан катта зиёфат қилдилар. Гилам устига ёзилган дастурхонларда турли тансиқ таомлар шу қадар мўл эдики, улар билан ўн элчини мулозимлари ила меҳмон қилса бўлар эди.

Араб урф-одатига риоя қилиб Абдурахмон жуда оз таом еди, шундай бўлса ҳам, ҳар қайси идишдан оз-оз тотиб кўриб, таомларни мақтади ва мезбонларга миннатдорлик билдирди.

— Бизнинг ноҳўя саволларимиз учун кечиргайсиз, элчи жаноблари,— деди оқсоқол.— Жанобингизга дўстона маслаҳат билан ёрдам бермоқчимиз, холос. Татар хонига қандай тухфалар олиб келганингизни билсак майлими?

Абдурахмон, кўзига қимматбаҳо тош қўйилган ва Сулаймон пайғамбарнинг ҳикматли сўзи ёзилган олтин

узук, юзи гулдор пўлатдан ясалган Дамашқ қиличи, заҳарланишдан сақловчи дуо ёзилган олтин қадаҳ ва бошқа қимматбаҳо ҳадялар келтирганини айтди.

— Сизга бир фойдали маслаҳат беришга ижозат бергайсиз,— деди оқсоқол.— Ўзингизга маълумки, араблар Дамашқ қиличидан бошқа наслдор ажойиб отлар билан ҳам донг чиқарганлар...

— Мен бу ерда отни қаёқдан оламан, ахир? Халифа мени бу ёққа элчи қилиб юборганларида, менга от берганлари йўқ.

— Биз сизга ёрдам берамиз. Сиз, Ботухон ҳузурига бу ерга ўзингиз миниб келган наслдор араб отида борасиз, уни сиз жуда усталик билан эплаб келдингиз. Бундай асов отга ҳар ким ҳам мина олмайди. Сиз, Ботухон чодиригача асъаса-ю дабдаба билан боришингиз керак. Ҳар бир одам унинг чодирини олдига пиёда бориши керак. Ясовулларга, Бағдод халифаси дўстлик нишонаси тарзида ҳадя қилган бу от билан сиз Сайинхон ҳазратларининг муборак назарларига кўришимиз керак, деб айтасиз. Башарти, татар хони ғазабланса, бу ажойиб чиройли отни кўриб, сизни кечиради ва яхши кўриб ҳам қолади.

Бошқа савдогарлар бунга қўшимча қилиб:

— Бизлардан яна, унинг «жаҳон зийнати» хотинлари учун тўп-тўп ранг-баранг шойи ва унинг суюкли ёш хотини Юлдуз учун йигирма еттита асл марварид шодасини ҳам қабул қилгайсиз,— дейишди.

Абдураҳмон:

— Қадрли ватандошларим, сизларга миннатдорлик изҳор қилиш учун муносиб сўз тополмай қолдим. Ораблардан энг кичик бўлсам ҳам, сизлар мени кўкларга кўтардингиз. Бу менинг хизматларим учун эмас, албатта, сизларнинг халифа ҳазратларига кўрсатган ҳурматларингизнинг нишонасидир. Илоҳий жаноби олийларининг салтанатлари яна ҳам зиёда ва ўзлари саломат бўлсинлар!

Кейин савдогарлар оқсоқоли, Абдураҳмонни татар хони қабул қилиши учун ўзи ҳаракат қилишини ва тантанали қабул маросимигача унинг уйида туришни таклиф этди.



III

БОТУХОН ҚАРОРҒОҲИДА

Биринчи боб

«ОЛТИН УЙЧА»

«Кўк ғолиблар» тумани буюк Итил дарёсининг Обескун денгизига қуядиган жойига яқин от қўйиб келди ва терлаб-пишган отларига қуриб қолган ковилларнинг учини едириш учун ечиб юбориб, тарқалиб кетди.

Жаҳонгирни қўриқловчи бўз отли шахсий сарбозлардан бири юз аскар дарёнинг чуқур тармоғини сузиб ўтди-да, ингичка ва узун бир оролда ўз қароргоҳини қурди. Оролнинг юқорисида, шимолий бурчида, тошлоқ

тепалик устида ҳамма ёғи ўймакор нақшлар билан безалган кичикроқ мезанаси бор ажойиб серҳашам бир уйча ранг-баранг товланиб турарди. Бинонинг ҳар бир ғиштига серҳашам ўйма нақшлар билан гуллар солиниб, унинг атрофига жимжимадор жияк чизилган ва ҳар бир гулга қизил тилладан юпқа бир пулакча ўрна-тилган эди. Бутун уй эрталабки ёруғ қуёш нурида гўё лахча чўғдан ясалгандек ярқираб турарди.

Бу ўйинчоқ кичкина уйни ёш ҳукмдор Ботухоннинг ёрлиғи билан қадимги бир шаҳар вайронаси устига жуда қисқа бир муддат ичида, бутун жаҳонни титратган Чингизхон Хитойдан чақиртириб келтирган ажойиб Хитой устаси, меъмор ва эҳтирочи Ли Тун-по қурган эди. Бу ерга қул хитой усталари узоқ чўл босиб келдилар, уч минг устандан Итилга жуда оз қисми етиб келди.

Ли Тун-по шу ажойиб уйча эшиги олдида турар, у, йўғон, барваста қоматига кенг, товонигача тушадиган узун қора шойи чопон кийган, гарданига қўндирилган кичкина қалпоқчасидаги узун товус паги букчайиброқ қолган кенг елкасига тушиб турарди. Ли Тун-понинг ҳар вақт хотиржам кўса юзи салқиган, даҳанининг икки тарафидан оқ мўйлови осилиб турар, унинг бу фалсафий-ижодкор кайфияти билан буюк орзулар эгасининг зебу зийнат, ҳаёт ва хаёлий эртақлар билан жилваланиб турган дабдабали қурилишлари ўртасида ғалати бир номуносиблик борлиги кўриниб тургандек эди.

Ли Тун-по ранг-баранг гулдор тахталардан ясалган эшик олдида қотиб турар, қўлларини катта қорни устига қовуштириб, йўл ёқасида икки қатор бўлиб зич саф тортган ва ғазаб билан вағирлашаётган қулларга бепарво назар ташларди.

Хитойнинг ёнига ёш бир татар жангчиси келди. Унинг нозик белини яшил қинли эгри қилич осилган кумуш камар сиқиб турарди. Қиличнинг дастасидаги фируза ва олмос зийнатлари унинг хон илтифотига сазовор бўлган йигит эканидан дарак берарди. У шитоб билан жимгина юриб келди: унинг ҳаракатларида мушуксимон эпчиллик сезилиб турарди.

— Дунё тургунча туринг, эй, доно ва моҳир Ли Тун-по! — деди йигит, унинг офтобда қорайган юзи табассумдан ёришиб.

Ли Тун-по, ерга ётқизилган тош тахтага бармоқларининг учини тегизиб ранг таъзим қилди.

— Сизнинг ҳам минг йил умр кўриб, жанг майдонларида шараф билан жон таслим қилишингизни тилайман. Мушук тайжи!¹ «Жаноби олий» яқин келиб қолганга ўхшайдиларми?

— Кун ботгунча етиб келадилар!— деди жангчи.— Сиз энди, балки хотиржам ва хурсандирсиз, доно Ли Тун-по?

— Мен буюк жаҳонгирнинг амрларини бажо келтираётганимда хурсанд эдим,— деди хитой ва бошини ғамгинлик билан чайқаб оқ тортди.— Энди нимага ҳам қувонай? Ажойиб сарой бино қилаётгандаги хурсандчилик кунлари ўтиб кетди... Энди кишини толиқтирувчи, қон кечиб юриладиган сафар олдимизда турибди. Менга тагин, кишилар бошига бало-қазо ёғдирадиган тошотар машиналар қуришни буюрадилар... Ушанда сиз мени ташлаб кетасизми?

— Жаҳонгир мени,— деб жавоб берди Мушук,— бир тўда юракли разведкачилар билан бирга олдинга юборадилар. Ўзим ҳам шуни илтимос қиламан. Жаҳонгир мени ўз қароргоҳларида учратишга хушлари йўқ.

— У зот сизни тadbирли ботир навкар деб қадрлайдилар, шу ваддан кечки зиёфатларгагина боп серзавқ мулозимлари қаторига қўшгилари келмайди.

Мушук тайжининг қовоғи солиниб, қўл силтаб:

— Балки бунинг учун эмасдир!..— деди.— Бу тўғрида гапириш оғир. Яхшиси, жаҳонгир топширган ишни вақтида бажо келтирмоқ учун сиз билан бирга кучимизнинг борича ҳаракат қилганимизни эслайлик. Бироқ, у зот хизматларимизни қадрлармикинлар?..

Улар «Олтин уйча» қурилишида ўтказган вақтларини эслашди. Ли Тун-по буйруқни бажо келтирди: жаҳонгирнинг кичкина ажойиб сафар саройи тўққиз ойда чалароқ битди, албатта, буни яхшиликдан дарак, деб билиш керак эди. Кулолчилик ишхонаси қуриш, сирланган гулдор нақшларни пишириш, сирланган идишлар, сув ўтказиш ва ҳамма уйларнинг тагидан ўтиб иситадиган хитойча «кон ўчоқ» лар қуриш, сопол қувурлар пишириш учун тўққиз ой вақт кетди... фаросатли ишчилар топиш учун кам вақт кетди дейсизми! Мана шу ажойиб уйчани қуриш вақтида қамчи зарбидан кўп асирлар ҳалок бўлди. Уларнинг озгин жасадлари улуг дарёга таш-

¹ Т а й ж и — мўғул шаҳзодаларининг унвони.

ланди. Бу дарё ҳар қандай ғамни ювиб кетади! Шундай қилиб, ҳалок бўлганларнинг жасадлари орқасидан га-ла-гала чийилдоқ балиқчи қушлар эргашиб, тўлқинда чайқала-чайқала жўшқин Обескун денгизига оқиб кетарди.

Мана энди моҳир уста Ли Тун-по, жаҳонгирнинг ўз қўлидан энг олий мукофот — ватанига қайтиш ҳуқуқини олиши мумкин!.. Бошқалар ҳам раҳматнома оладилар, албатта. Мана, қулларни назорат қилиб турган сержаҳл дарғачилар ҳам уч ўрим қамчиларини белларига осиб қатор тизилишди. Булар ҳам сарой қурилишида зор қақшаб ишлаган ишчиларни кундузлари ҳам, кечалари гулхан ёруғида ҳам дам олмай ишлашга мажбур қилиб, анча ҳаракат қилишган. Шунинг учун улар аллақачон мукофот олишган... Жаҳонгир саҳий, у ишчиларни ҳам мукофотлайди, албатта. Жаҳонгирнинг муборак кўнгилларини ўзларининг кир-чир кўринишлари билан хира қилмаслик учун ишчиларга ҳам ҳар хил катта-кичик, ранг-баранг чопонлар кийгизиб қўйишди. Бу чопонлар жаҳонгирнинг ҳарбий ўлжалари сақланадиган омборидан келтирилди. Ишчилар сариқ, қирмизи, қизил, йўл-йўл чопонларга ўралиб олишган, чопонлари остидан кир оёқлари билан йиртиқ чалворларининг почаси кўриниб турарди.

Хўш, Ботухон қаёқда? Ундан ҳамон дарак йўқ. Хув, олисда Ботухоннинг бир тўда нуқул човкар, бир тўда қизил жийрон, яна бир тўда тўриқ от минган бир минг соқчиларидан уч юзи чанг-тўзон билан ўтиб, тепаликлар орасида кўздан ғойиб бўлди.

Ниҳоят бир мўғул суворийси терлаб кўпириб кетган отни чоптириб келди-да, энтика-энтика бақирди.

— Хон қаттиқ бетоб! Ут ёқинлар! Ҳамма ёқда гулхан гурилласин! Шомонлар афсун ўқиб, дуо қилсин! Жаҳонгирни иситиш керак. У киши музлаб боряптилар!..

Иккинчи боб

БОТУХОН СЎЗЛАЙДИ..

Отлиқлар қўриқлаб келаётган узун туя карвони саҳродан келарди. Булар орасида баланд бўйли бир неча нор туя айниқса кўзга чалиниб турар, бу туялар устига

ярқираган гулдор маофалар¹ ўрнатилган бўлиб, маофа пардаларининг ичида «қимматли дурдоналар» — Ботухоннинг еттига хогини ўтирарди. Улар бақриб тилла саройни бино қилган қув, ўжар хитой уста Ли Тун-пони чақирди.

Уста дарҳол қайиққа ўтириб дарё тармоғидан сузиб ўтди ва маофа ўрнатилган ҳар бир туя олдига бориб, тиз чўкиб таъзим қилди. Шунда маофадагиларнинг қичқирди:

— Бизлар янги саройга кўчиб кириш учун келдик! Қани, йўлимизни ким тўсар экан? Нега бизни оролга олиб ўтишмайди? Яхшиликча олиб ўтишмаса, қайиққа ўтириб олиб эшкакларни ўзимиз эшамиз, дарёга ботиб кетсак ҳам ажаб эмас! — дейишди.

Ли Тун-по тиз чўкиб туриб, Ботухон, агар ижро этмасанг каллангни оламан, деб берган буйруғини, яъни хон ўзи келиб кўрмагунча тилла саройга ҳеч ким, айниқса йиғлоқи хотинлар киргизилмаслигини, бу ажойиб уйнинг ички зийнатларини унга кириб ишлаган ишчилардан бошқа ҳеч ким кўрмаганини ва бу янги бино тўғрисида жаҳонгир ўз фармонини эшиттирмагунча ҳеч ким кўролмаслигини айтди.

Хотинлардан бири пардани очиб, туядан сирғилиб тушгудай бўлиб:

— Модомики жаҳонгир оғир бетоб эканлар, гапириш ҳам, буйруқ бериш ҳам ҳеч кимнинг қўлидан келмайди. Шунинг учун у зотнинг ўринларига катта хотинлари — мен ўтираман. Энди мен фармон берман. Менга бўйсунмаганларнинг ҳолига вой! Товушингни ўчир, айтишмагин, бақалоқ тошбақа, сурбет хитой, чувалчанг, эшак-қурт! — деб бақирди.

Қўриқчи аскарлар шаллақи хотинларни қуршаб олди. Отлиқлар туяларни савалаб ҳайдади, қўнғироқлар даранг-дурунг қилиб, туякашлар ҳайт-ҳуйтлаб, карвон яна саҳро томон қайтиб кетди.

Саҳродан яна бир карвон келди. Карвон олдида қора терга тушган, ҳамма ёғи чанг-тўзон, саман от минган юзта соқчи келарди. Баланд бўйли нор туяларга кажавалар ҳамда чодирлар ортилган эди. Бўйинларига уч қават кумуш бўйинбоғ тақилиб, чилвир ўрнига ку-

¹ *Маофа* — устига соябон қурилиб, атрофига парда тutilган кажава. (*Тарж.*)

муш занжир билан боғланган жуда чиройли бир неча от уста сайислар қўлида ўйноқлаб келмоқда. Олдинда Ботухоннинг ҳамма отлари ичида севикли оти барсдек човкар кўзга ташланиб турарди.

Икки туя ўртасига дастаси узун бамбук ёгочидан қилинган замбил осиб қўйилган.. Замбилда сувсар кўрпага ўраб қўйилган татар ҳукмдори ётарди. Туялар баланд қирғоқ ёқасига етганда:

— Ана, буюк Итил дарёси!— деган овозлар эшитилди.

Шунда Ботухон, устидаги кўрпаларни очиб ташлаб, йигитдек эпчиллик билан туянинг устига ирғиб миндида, тиззасини унинг ўркачига тираб, жимирлаб турган узоқларга суқланиб қаради ва оролдаги ранг-баранг нақшли кўзни қамаштирадиган ажойиб уйга узоқ тикилди. Саройнинг жимжимадор минорасида жаҳонгининг тўққиз думли туғи ҳилпираб турарди.

— От келтир!— деб бақирди Ботухон.

Шу вақт унинг телбалардек олазарак кўзлари ва рангининг сариғлиги ҳаммани ҳайрон қолдирди. Икки навкар човкар отни олиб келди.

Ботухон ҳорғин ҳолатда отга минди. У, қуёш нурига фарқ бўлган поёнсиз текис саҳрога, саҳро ўртасида аста оқаётган дарёнинг кўм-кўк сатҳига, қизил катак чодирини ёйиб дарёда сузиб юрган икки мачтали кемага қўлини чўзди. У ҳаяжон ва касалликдан бўлиниб-бўлиниб чиқаётган овоз билан гапирди:

— Сафар саройларимнинг энг каттаси шу ерда бўлади ва менга қарам бўлган ҳамма халқларнинг пойтахти мана шу жойда бўлади. Менинг янги буюк салтанатим мана шу ерда кўкларга кўтарилади...

Унинг силласи қуриди. Ботухон чайқалиб, отнинг ёлини ушлаб, бўйнига ётиб олди.

Турғовутлар¹ югуришиб келиб, Ботухонни авайлаб отдан туширишди-да, ранг-баранг гуллар тикилган тўқим устига олиб келиб ётқизишди.

Навқару хизматкорлар чопишиб сафар хазинаси ортилган туяларни олиб келишди-да, Ботухон устига сариқ шойи чодир тикишди.

¹ *Турғовутлар* — хон қароргоҳини қўриқловчи соқчилар.

А Ж А Л Қ А Н О Т И

Ранги заъфарондек сарғайиб кетган Ботухон савсар пўстинининг кўк енгини тиржайиб қолган тишлари билан тишлаб гилам устида чўзилиб ётарди. Бир кўзи юмуқ, иккинчиси оғриқ алаמידан сузилиб чодирнинг тирқишига тикилар, бу тирқишдан эса узоқ саҳродаги гулханлар милтиллаб кўринарди.

Ботухоннинг оёқ томонида четларига зар жияк тутилган ҳинд қора шойи рўмолига бурканиб, тиззасини қучоқлаб ёш хотини Юлдуз ўтирарди. Баъзан рўмол қатлари орасидан олтин билагузуклар тақилган олпоқ нолик билагини чиқариб, анчадан бери устара тегмаган ва қоп-қора сочлари ўсиб қошига тушган Ботухоннинг бошини аста ушлаб кўярди. Ботухоннинг қирғий бурун совуқ юзи жонсиздек ётар, гўё касалнинг ҳуши жуда узоқларга учиб кетгану, энди уни дунёвий ишлар безовта қилолмайдигандек эди.

Эшик ўрнига тутиб қўйилган гилам парданинг нариги ёғидаги соқчи навкарларнинг пичирлашиб гапиришлари аранг эшитиларди:

— Унинг танаси қирқ кундан бери оғир касал билан олишиб қийналиб ётибди. Қирқ биринчи кун и ё нари, ё бери бўлади...

— Ўрнига ким ўтираркин десанг-чи?

— Бунақа сўзларни гапира кўрма! Деворнинг ҳам қулоғи бор, ер ҳам бориб айтади дейдилар... Ҳаммага ҳам: «Бундай қудратли ва ягона зот ўрнига ўтиргудек муносиб одам топилмайди...» деб айтгин.

Отнинг дупури эшитилди... Ким экан бу? Даҳшатли татар лашкари ҳукмдорининг чодир иёнига фақат жуда қадрли меҳмон, хонлардан бири отлиқ келишга журъат қила олади. От сувлиғини шақир-шуқир чайнаб тўхтади.

Кекса навкар эшик пардасини кўтарди. Баҳайбат бир мўғул оёғини баланд кўтариб бўсагадан сақраб ўтди. У касалнинг ёнига секин эмаклаб борди ва касалнинг жонсиз юзига узоқ тикилиб қолди.

Юлдуз рўмолни бошига тортиб, меҳмоннинг олдида бошини ерга қўйди-да, икки қўли ўртасидаги ерни ўпди. Кейин қаддини ростлаб, рўмолини орқасига ташлади ва

ўтов ўртасидаги гулханчанинг ўчиб бораётган чўғлари устига арча шохларидан бир тутам ташлади. Ўт алангаси ҳамма ёқни қизғиш шуъласи билан ёритиб юборди.

— Салом, Юлдуз хоним! Инимга не бўлди? Қўрқяпман... Мадори қуриб бораётганга ўхшайди-ку... Юзлари нега сарғайган? Қандай ёвуз арвоҳлар вужудини кемираётган экан?

— Сиз бизга умид бахш этдингиз, меҳрибон Ўрдухон¹. Жаҳонгирга ҳозироқ ёрдам қилинмаса, эртага кеч бўлади.

Ўрдухон жавраб, гўнғиллаб эшик олдига борди-да, ўйланиб туриб қолди. Яна қайтиб келиб касалнинг ёнига ўтириб, юзига тикилди.

— Не қилиш керак? Гапир. Қимни чақирайлик? Ертаги тангриларига не нарса қурбон қилайлик: қора ҳўкиз, қора от, қора қўйлардан тўққиз-тўққиз сўяйликми? Еки тўқсон тўққизтадан сўяйликми?

— Ҳаммаси қилинган...

— Бирор нарса ўйлаб топиш керак. Ўзим отга минаману, учаман. Ҳўш, қаёққа, нега?..

Юлдузнинг кўзлари жиққа ёшга тўлиб қаради.

— Тажрибали, билимдон табиб чақириб керак. Бутун лашкарни кўзғатиш керак,— деди Ўрдухон, титроқ бўғиқ овоз билан.— Донишманд уста Ли Тун-по хитой дориларини: янчилган марваридми, кўршапалак юрагими, қуритилган денгиз қурти талқоними бераверсин...

— Улуғ хон жаноблари! Ҳаммаси қилинган. Донишманд Ли Тун-по бу ерда ўтириб ҳамма дориларини ишлатиб кўрди, бироқ ҳеч нафи бўлмади. Ли Тун-по қўрққанидан узр сўрай-сўрай саҳрога қочиб кетди, ҳозир уни қидириб юришибди. У кетарда, қайғудан бошимни тошларга уриб пачақлайман, деган эди... У жаҳонгирга қандай ёрдам қилишини билмайди.

Ўрдухон қаттиқ қайғурди: телпагини бошидан олиб ерга улоқтириб, муштуми билан тиззаларига урди, юзларини шапалоқлаб:

— Не қилиш керак? Эртага кеч бўлади! Азиз инимдан ажралиб қоламан! «Мағриб мамлакатлар»ига улуғ

¹ Ўрдухон — Ботухоннинг оғаси бўлиб, Ботухон уни яхши кўрар ва жуда ҳурмат қиларди. Ўрду Олтин Ўрда хонлигини ўз ихтиёри билан Ботухонга берган эди, шундай бўлса ҳам буюк хоқондан келган ёрлик-фармонларда Ўрдухоннинг номи Ботухон номидан олдин зикр қилинарди.

сафарни ким бошлайди? Бу қудратли лашкарнинг олтин тизгинини ундан бошқа ҳеч ким қўлда тутолмайди! Не қилиш керак?

Юлдуз бошидаги рўмолини тушириб, кафтларини бир-бирига жуфтлаб туриб:

— Яна биргина, энг сўнгги илож бор: шуни ҳам қилиб кўраман,— деб пичирлади.

Ўрдухон жим бўлиб, ўсал инисининг кичкина йўлдошига ишонқирамай қараб турди.

Юлдуз қўлларини фотиҳага кўтарди, жавдираган кўзларини кўкка тикиб, оҳангдор овоз билан ёлвориб шундай деди:

— Ё ҳазрати Хизир бобо! Оро йўлда ожиз қолган биз бечора сўқир кучукларингга шафқат қил, нажот бер!¹

Шу вақт худди шу тилакка жавобан қаёқданлир бир товуш эшитилди:

— Ҳа... Бу мен! Йўл беринглар!

Ўрду шарт бурилди-да, эшикнинг гилам пардасига ҳайрат билан қараб қолди. Эшикдан бир навкар икки букилиб таъзим қилиб кирди. Навкар мўйна телпагини қўлига ушлаб, камарини бўйнига осиб олган эди: бу унинг ҳозиргина ибодат қилганлиги белгиси эди.

— Юзбоши Арабшо бир неча ёт кишиларни бошлаб келди. Булар буюк Ўрдухон жанобларига керак, дейди.

— Қиришсин!

Шу вақт Ботухон тишларини ғижирлатиб сал қимирлади-да:

— Совқотдим...— деб шивирлади.

Юлдуз касалнинг устига яна иккита пўстин ташлаб, ўраб қўйди.

Ёт кишилар ичкари кириб, эшикка яқинроқ жойга тиз чўкиб ўтиришди. Булардан қирғий бурун, қўнғир соқол, бадқовоқ, жуда ҳам ориқ бир киши, чимирилиб турган қошлари тагидан чақнаб турган қора кўзларини тикиб турар ва қоқ суяк қўллари билан эски бир чарм халтани кўксига босиб олган эди. Бунинг ёнида галати қилиб тикилган узун кўкиш кийим кийган ёш бир хотин тиз чўкиб турарди. Унинг мумдек бўзарган тиниқ юзидаги

¹ *Хизир* — мусулмон ақидасича тирик, лекин кўзга кўринмайдиган пайгамбар эмиш. Чўл-биёбонларда адашиб қолганлар астойдил илтижо қилса, унга ёрдам қилар эмиш.

кўкимтир кўзлари бесаранжом жавдирарди. Учинчиси йўл-йўл кўйлак кийган ҳабаш бола бўлиб, ҳамма нарса-ни кўриб олиш учун жингалак соч бошини ҳар ёққа буриб уй ичини томоша қиларди.

Буларни бошлаб келган юзбоши Арабшо чап тиззасини ерга қўйиб жавоб кутарди.

— Айтавер, бу қандай кишилар?— деб буюрди Ўрдухон.

— Амрингизга қуллуқ!— деди Арабшо паст овоз билан.— Бу ерга қимматбаҳо моллар ортиб икки мачтали елканли бир кема келди. Мен соқчи аскарларнинг жангчиларига, кемага чиқиб бир оз қорин тўйгазиб олишга рухсат бердим,— улар анчадан бери тўйиб таом емаган эдилар,— мен кемага соқчи қўйиб, бу кишиларни бу ерга бошлаб келдим. Бу иккови табиб. Мана бу қўнғир соқол араб—котиб, ўқимишли табиб, муҳр ўювчи, дуохон ҳамда мунажжим экан. Ўзи, бу ерга келган ёш бир араб шайхининг хизматкори эмиш, бунинг сўзига қараганда, у табаррук ва буюк Бағдод халифаси тарафидан элчи бўлиб келган эмиш...

— Хўш, ит мужиган ошиқдек бу сариқ хотин ким экан?

— Бу хотин, ўзининг буюк румлик¹ бўлиб, подшолар оиласидан эканлигини, энг оғир касалларни даволай олишини олт ичиб айтяпти, яна таржимонимиз кема эгасининг оғзидан, бу румлик хотин қариларни яшартиришини ҳам эшитибди.

— Бу ҳабаш бола ҳам табиб эканми?

— Мен уни, улуғ шомон Бекийнинг илтимосига биноан, керак бўлиб қолар деб олиб келдим. Бекийнинг айтишича, агар бошқа дорилар кор қилмаса, қора танли боланинг ёғини эритиб, касалнинг баданини мойлаш керак эмиш.

Ҳабаш бола, гап ўзи тўғрида бораётганини пайқаб, пиқиллаб йиғлади. Шундан кейин қўнғир соқол табиб гапга аралашиб:

— Катталар ўртасида гаплашиладиган гапни болалар олдида гапириш ярамайди,— деди.

Ўрдухон салобат билан аста хотинга қараб бурилди. Хотиннинг қарашлари дадил ва ишончли эди.

¹ Уша замонларда Шарқда Византия билан Кичик Осиёни Рум деб аташарди.

— Сен кимсан?

— Мен юнон маликаси румлик Дафниман. Менга муносиб гапиринг: мен қадимги Комнен подшоларининг наслиданман...

— Бўлмаса ўтга яқинроқ ўтиргин, рум маликаси.

Шундан кейин Дафни узун кўйлагининг этакларини йиғиштириб, ноз-карашма билан майда қадам ташлаб ўтга яқинроқ келди-да, чўкка тушиб ўтирди. Унинг қизил кавуш кийган нозик оёқлари ингичка кумуш занжир билан боғлаб қўйилган эди.

— Сен, рум маликаси, бу ерларга, чўлу биёбонларга қандай келиб қолдинг? Чўриларинг қани, ҳарамоғаси ва қулларинг қаёқда, сени қўриқлаб юрадиган соқчиларинг қани?

— Мен ўз ясовулу мулозимларим билан кемада Румдан келаётган эдим. Куёвим, грузин шаҳзодаси, мени ўз юртига олиб кетиш учун кутиб олмоқчи эди. Бўрон кемамизни тилка-пора қилиб ташлади, аммо онамиз биби Марям мени ўз паноҳида сақлаб қолди: мен синган мачтага ёпишиб олиб, омон қолдим, тўлқинлар мени қирғоққа чиқариб ташлади. Қирғоқда мени ваҳший қурдлар қўлга олиб, ўз уйларига олиб кетдилар. Хўжайиним мени қўлида сақлаб тургиси келмай қолди, чунки мен малика бўлганимдан улар буюрган қора ишларни қилгим келмасди. Мен ҳаммани тишлаб яқипимга йўлатмадим, қамчиларидан ҳам қўрқмадим. Шундан кейин қурдлар мени Обескун денгизи ёқасидаги Қазвин шаҳрига олиб келдилар. У ердан мен араб элчиси Абдураҳмон билан бирга кемага тушиб қочдим, у ҳам бу ерга, сизнинг қароргоҳингизга келди.

— Сен нималарни биласан?

— Мен донишмандларнинг сирли китобларини ўқишни биламан. Мен кишиларнинг касаллари ва уларни даволаш йўллари тўғрисидаги Гиппократ¹ ҳақим таълимотларидан хабардорман.

Урдухон қулоқчинини гарданига суриб қўйиб, яхшироқ эшитиш учун кенг кафтини қулоғига қўйди. Лекин у нима қилишга ҳайрон эди. Рум маликасига ишонса бўлармикин?.. Хон хотинга қаради ва кўзлари яна ўткир кўк кўзга тўқнашди.

¹ *Гиппократ* — қадимги герк врач (эрамыздан V аср олдин яшаган), «медицинанинг отаси» саналади. Кўп асарлар қолдирган.

— Жа, жа! Муддаонг нима?

— Мен одамларнинг дағаллигидан безор бўлдим. Менга маликадек муомила қилишларини истайман. Шундагина мен бу ерда, буюк татар саркардасининг Ұрда-сида қолишга рози бўламан. Мен касалларни даволайман... Аммо бундан ҳам улугроқ ишларни қила оламан: мен бўлиб ўтган воқеаларни топаман, келажакда бўладиган ишларни била оламан.

— Бу бизга жуда-жуда керак,— деди Ұрдухон бош ирғатиб ва Арабшога қараб:— Бу фойдали хотин шу ерда қолсин.— Бир оз ўйлаб олгач:— У менинг чодирим яқинида туради,— деб қўйди.

Касал қимирлади, инграган товуш эшитилди.

Ұрдухон қўнғир соқол араб табибини бармоғи билан кўрсатиб:

— Сен касални даволай оласанми?— деб сўради.

— Мен боққан касалларнинг ҳаммаси тузалган.

— Агар тузатсанг катта мукофот оласан, мабодо касал ўлиб қолса, сени чормихга кериб михлайману, тагиндан гулхан ёқаман. Давола! Бошла!

Шундан сўнг қўнғир соқол табиб, сулайиб ётган Ботухоннинг олдига секин эмаклаб келди. Касал устида парвона бўлиб турган Юлдуз, сесканиб тушди. Ұрдухон ҳам ингичка ялтироқ ханжарини қинидан суғуриб, касалнинг яқинига келиб турди.

Араб табиби соч-соқоли ўсиб кетган Ботухоннинг пешанасига қўлини қўйди. Кейин қуруқ суяк бўлиб қолган қўлини ушлади. Яқиндагина бутун татар лашкарларининг тизгинини ушлаб юрган бу чайир қўл жуда ожизланиб қолган эди.

Табиб бошини чайқаб, тишлари тиржайиб ётган касалнинг оғзига қулоғини тутди, дил уришини тингладида, ўзини сапчиб орқага ташлади. Яна қулоқ солди, энди қовоқ-тумшуғи осилиб, титраб:

— Қўрқаман!— деб шивирлади.

— Сўзимни қайтарма! Давола! — деб хириллади Ұрдухон ва табибнинг елкасига ханжар учини нуқиди.

— Қўрқяпманки, энди... қўрқаман... Даволамоқ учун менда донишманд Сулаймон бинни Довуд алайҳиссаломнинг шифобахш шарбатлари йўқ!

— Византия маликаси Дафни даволашдан қўрқмайди!— деди Дафни дадил.— Касалнинг юзини олтин ранг

сариқ доғлар босадиган бу даҳшатли касални биламан мен. Бу касални «олтин безгак» дейилади.

— У донишманд ҳаким эмас, қўрқоқ чувалчанг экан!— деб пўнғиллади Ўрдухон, лабларини чўччайтириб,— сен рум маликаси, қани, даволашни бошла. Шунини яхши билгинки, мабодо жаҳонгир ўлиб қолса, унинг жасади ёндириладиган ўтга олдин сенинг қонинг сочилади. Агар иним соғайиб кетса, тўқсон тўққиз тортиқ билан бир уюр асл зот бия оласан.

— Озодлик ҳамми?

Ўрдухон бир нафас ўйланиб туриб:

— Тўққиз марта онт ичиб айтаманки, озодлик ҳам,— деди.

Грек хотиннинг бўзарган юзига сирли табассум югурди. Дафни дик этиб турди-да, гилам хуржунини ўз олди-да тортиб, ундан бир кумуш қутича олди. Қутичадан думалоқ қора тўққизта дори олиб, кафтини юмди ва касалнинг ёнига бориб тиз чўкди. Ингичка, нозик бармоқлари билан Ботухоннинг дағал қора сочларини суриб қўйиб, юмуқ кўзларнинг ҳаракатдан қолган қовоқларини қўлининг учи билан ушлаб кўрди. Кейин Ўрдухонга ўгирилиб қараб:

— Тездан иложини қилиш керак. Касалнинг ҳоли жуда танг. Мана бу қўнғир соқол табиб ҳам менга ёрдамлашин.

Сариқ табиб қўл силтаб:

— Иложи йўқ! Даволамоқчи бўлсанг, ўзинг даволайвер!— деди-да, кўзларини кўкка тикиб, нотаниш бир тилда ғўнғиллаб дуо ўқий бошлади.

Урду ханжар ушлаган қўлини юқори кўтариб, бошқа қўли билан табибнинг қўнғир соқолини тутамлаб тортиди ва даҳшат билан:

— Қараш, ҳей, сариқ тулки!— деб бақирди.

Табиб жим бўлиб, дарров грек хотин ёнига эмаклаб борди ва хотиннинг нозик кафтида ётган қора ҳаб дори-ларга синчиклаб қаради.

— Нима булар?

— Билмайсан-а?— деди Дафни қўнғироқдек овоз билан заҳарханда қилиб.

— Кўринишидан мускат ёнғоғи... Аммо ҳар бирига донишманд Сулаймон пайғамбар кўзларининг сурати солинган. Махфий сирларни ёлғиз шу зот билардилар.

— Балли, чин сўзни айтдинг. Энди нима буюрсам, шуни қиласан. Бу ёнғоқчаларни жез косада қовургин. Кейин янчиб, ундей майда қилгин. Бир пиёлага сув қуйиб, дорини эзгин. Кейин беморга уч бўлиб: ҳозир бир марта, туш пайтидан кейин бир марта ва қолганини кечқурун ичиргин. Мен шоҳ наслидан бўлганим учун, сенга ўхшаш қул табиблар қиладиган ишларни қилиш менга муносиб эмас. Шундай бўлса ҳам, мен касалнинг олдидан жилмай пойлаб ўтираман. Тез орада буюк жаҳонгир тузалиб қоладилар ва яқинда жанговар отларига минадилар.

Шундан сўнг Дафни Юлдузнинг ёнига чўкка тушиб ўтирди-да, қўлларини тиззасига қўйиб, одоб билан кўзларини ерга тикди.

Табиб ишга тушди. Гулхан чўғлари устига қўйилган жез косадаги тўққиз ёнғоқча читир-читир этиб қовурилди. Кейин жез ҳавончада янчилди. Сўнг сув солинган пиёлага солинди. Табиб суяк қошиқча билан бу дорини анчагача қориштирди.

— Бу дорини олдин ўзинг ичасан!— деди Ўрдухон даҳшат билан хириллаб.

— Мен билан бирга ўзингиз ҳам ичиб кўрасиз, албатта,— деб чуғирлади Дафни сайрагандек.

Табиб косадаги дорини ичиш учун грек хотинга тутди, кейин дорини пишилла-пишилла Ўрдухон ичди. Кейин тамшанди-да:

— Жуда аччиқ-ку!— деди.

Табиб қимир этмай ётган Ботухонга қараб энгашди. Унинг кўзлари очилиб қолган ҳолсиз бошини бир ёққа бурди. Касалнинг қаттиқ юмилиб қолган тишларини урина-урина аранг очди, кейин Дафни беморнинг оғзига дори қўйди, дори юзларига оқиб кетди.

Ҳаммалари Ботухоннинг бўзарган юзига нима бўларкин, деб тикилиб туришди.

Шунда Дафни:

— Энди ухлайдилар,— деди ишонч билан.— Жаҳонгирнинг осмонда парвоз қилиб юрган руҳлари энди қайтиб келиб ўз таналарига жо бўлади...

Грек хотин кўк кўзларини Ўрдухонга тикиб, сирли ва беихтиёр мафтун қиладиган бир нигоҳ ташлади-да, хўрсиниб, кўзларини ерга тикди.

Ўрду олифтахарчилик қилиб камарини тузатди ва ярақлаб турган ханжарини қинига солиб қўйди.

Ташқаридан хотинларнинг уввос солиб йиғлагани эшитилди.

— Эвоҳ! Кулфат! Бу қандай кулфат-а!— деб зорланди Ҳурду, бошини чангаллаб.— Бу келаётганлар «жаҳон зийнатлари» — жаҳонгирнинг гўзал хотинлари!.. Улар ёмон шовғум бошлаб, укамни нобуд қилмасалар эди!..

Тўртинчи боб

«ЖАҲОН ЗИЙНАТЛАРИ»

Чодирга серҳашам гулдор шойи кийимлар кийган учта жувон кирди, уларнинг бошларидаги оқ қўтаннинг қимматбаҳо узун патлари билан зийнатланган зўрдўзи қалпоқлари ялтираб турарди. Улар бир-бирларидан ошириб уввос солиб йиғлаб, чодирни бошларига кўтардилар:

— Бизнинг суюкли ҳукмдоримиз ўлиб кетаверадими? Бизлар есир қоламизми? Бизларга энди ким жонкуярлик қилади?.. Бизни ташлаб кетманг хоқоним!

— Жим!— деб бақирди ғазаб билан Ҳурдухон.— Жим ўтирларинг, бўлмаса гиламга ўраб ота-оналаринг олдига элтиб қўйишга буюраман.

Бу гапдан кейин уч хотин жим бўлди ва бир-бирларига қараб, бир четга чиқишди-да, онда-сонда пиқ-пиқ қилиб ўтиришди. Ҳамма жим эди. Ҳабаш бола тиззасини қучоқлаб аллақачон ухлаб қолган эди. Малика Дафни ўзининг гилам хуржунига таннозлик билан суяниб, мудраётгандек эди. Онда-сонда бир кўзини очиб, чодирда нималар бўлаётганини кузатарди. Ҳурдухон ёнбошлаб ётиб, хуррак отарди. Унинг орқасида араб табиби ҳам ҳуштак чалгандек секин пишиллаб ухларди. Эшикда турган навқар ҳам найзасига суяниб мудрамоқда эди.

Бир вақт ҳалиги уч хотин Юлдуз томон ўрмалашди. Кейин гапирган овозлари ҳам эшитилди:

— Сен ҳали мен Юлдуз хошимман деб ўйлаб юрибсанми? Сен умрбод зоти пастлигингча қолаверасан!

— Сенинг пинҳон қилиб юрган ишларингни бизлар билмас эканмизми?

— Сен доимо бузуқилик қиласан!

— Сен, сийлаб улуғ мартаба берилган Мушук номли анчайин бир навқарни деб бизнинг шундай шарафли хонимизга хиёнат қиласан...

— Навкарнинг ўзи ҳам худди мушукдек айёр ва хиёнаткор. У миннатдорчилигу садоқат нималигини билмайди!

— Жаҳонгирни ҳам сен заҳарлаб касал қилгансан!

Юлдуз зарбадан ўзини олиб қочаётгандек, бошини қора рўмолга яна ҳам буркаб олди-да, индамай ўтира-верди.

— Сен жаҳонгирни кўпдан сеҳрлаб қўйгансан, сен аврайдиган заҳарли илонсан!

— Кет бу ердан, бўлмаса биз сени бўғиб ўлдирамиз! Хон олдида турмоқ, биз катта хотинларнинг вази-фамиз.

— Бизлар дуо ўқиб у зотни тузатиб оламиз, бизлар у кишига ҳақиқатни айтиб берамиз!

Бирдан беморнинг устидаги пўстинлар бир тарафга отилиб тушди. Ботухон ирғиб ўрнидан турди. Уч хотини унинг оёғига бош қўйди.

— Худога шукур, бошингизни кўтардингиз, жаноби олий! Бошимиз устида олмосдек яна порлаб турасиз, энди умрбод биз билан бирга бўласиз!

Ботухон жаранглаган овоз билан:

— Ҳой навкар, юқори мансабли туманбошилардан бугун тунда кимлар кузат-чи?— деб сўради.

Навкар кўзини очиб жавоб берди:

— Амрингизга қуллуқ! Улар ёнимиздаги чодирда: Бурундой, Курмиши ва кекса Нарин-Киханлар ўтири-шибди.

— Чақириб кел уларни бу ерга. Субутой баҳодирни ҳам айтгин, оғам Шайбоний билан Мункахонга ҳам айт, дарров келишсин. Ҳарбий кенгаш чақираман.

— Бош устига!— деб жавоб берди навкар ва чиқиб кетди.

Шундан кейин унинг ўрнига бошқа навкар келиб турди. Урдухон уйғониб, нима ҳодиса бўлганини билолмай, қизарган кўзларини ҳаммага югуртиб чиқди.

Ботухон оёғига ёпишган хотинларини силтаб ташлади-да, гандираклаб Урдухоннинг олдига борди ва ёнига ўтириб қучоқлади.

— Э, қадрли оғам, мени қутқариш ва касаллик келтирган ёвуз жин-ажиналарни қувлаб юбориш учун шунчалик узоқ жойлардан етиб келибсиз. Сиз менинг до-нишманд оғамсиз, ҳар вақт мени фидокорона ҳимоя

қилиб, халоскорим бўлиб келдингиз. Жоним сизга фидо бўлсин, мен сизнинг навкарингизман, оғажоним.

Бесўнақай семиз Урдухон Ботунинг пинжиги суқилиб унинг юзини ялади¹ ва қулоғига шивирлаб:

— Буюк ғалабалар қозонишингизни яхши биламан... Мен йўлингизни тўсиб ётган тошларни олиб ташлаб, сари қулоқ, ҳасадчи хиёнаткорларни ҳайдаб юбориш учун елиб-югуриб келдим.

Юлдуз гулханга қуруқ шох ташлади. Чодирнинг деворларида кўланкалар ўйнади.

Уйқуга тўйган учта туманбоши лабларидан оққан сўлакларини енглари билан артиб кириб келишди. Булар: қотма, новча ва юзи пиёзнинг қобиғидек сап-сариқ Бурундай; норғил, чорпақл, узун сўйлоқ тишли Курмиши ва букчайган, ожизликдан оёқлари чалишиб юрадиган, афт-башараси худди қўзиқориндек бужир чол — Нарин-Кихан эди. Буларнинг кетидан оёқларини судраб босиб, бесўнақай семиз, бир кўзли саркарда, машҳур Субутой баҳодир кириб келди.

Ботухон, келганлар юзларини ерга қўйиб таъзим қилишларини ва қаддиларини ростлаб чўкка тушишларини кутиб турди. Кейин тантанали бир оҳангда гап бошлади:

— Менинг садоқатли хизматкорларим, туманбоши Бурундой, Курмиши ва Нарин-Киханлар! Сизлар ўрислар устига қилган юришимизда ва қипчоқ қўшинлари билан қилган жангларимизда кўп хизмат кўрсатдинглар. Сизлар чекиниш нималигини билмадинглар, ғалаба қилдинглар. Мен кўпдан бери сизларни муносиб ҳадялар билан сийласам деб юрувдим. Сить дарёси ёқасида ўрислар билан бўлган жангда ғалаба қозонган ботир туманбоши Бурундой, сенга қимматбаҳо бир мукофот бераман, сен менинг порлоқ етти юлдузимдан бири бўлган мана бу эрка Хоро Нюдун («Қора кўз пари») номли хотинимни ол! Садоқатли туманбоши Курмиши, сенга мен мана бу иккинчи хазинани Оламиндасун («Шўх ип») ни бағишладим. Мен аминманки, сен бу ипни тишингда маҳкам сақлайсан! Сени ҳеч ким нозу истиғно билан ҳам алдаёлмайди ва макру ҳийла билан ҳам енгёлмайди! Жа сизга, буюк фотиҳ бобом-

¹ У вақтларда мўғулларда ўпиш одати йўқ эди.

нинг қадрли қўлдоши қаҳрамон Нарин-Қихан, сизга мен мана бу энг ёш гўзал Набчи («Ҳаёт лаззати») ши тортиқ қиламан. Энди сиз қолган умрингизни бу билан ҳузур-ҳаловат ва айшу ишратда ўтказасиз...

Уч туманбоши бошларини ерга қўйиб миннатдорлик билдиришди, хотинлар эса ҳўнграб йиғлаб, ялиниб-ёл-воришди:

— Бизларни бериб юборманг! Узингиздан йироқ қилманг! Сизни севганимиз туфайли қилган хатоларимизни кечиринг, Ёруғликхон!

— Энди, сизлар меҳрибон эрлар қўлида тинч ва бахтиёр яшайсизлар. Бу ерда зағизғондек сайрадинглар... Сизларнинг гапларингиз лочин тирноғининг изидек кўнгилдан кетмайдиган доғ бўлиб қолди... Йўқолинглар!

— Сизсиз бизга бахт борми? Олиб қолинг бизларни! Берманг!

Ботухон қўлини силтаб юборди.

— Оғиздан чиққан сўзни қўл билан тутиб бўлмас, йўқолган арқонни отиб бўлмас! Туманбошилар, хотинларингни олиб кетинглар! Ҳозир бу ерда ҳарбий кенгаш бўлади, кенгашда туманбошиларнинг хотинлари ҳозир бўлиши ярамайди. Тезроқ олиб кетинглар!

Туманбошилар хотинларни қўполлик билан тутиб, чодирдан судраб олиб кетдилар. Шундан кейин Ўрдухон навкарга деди:

— Навкар! Мана бу сариқ тулки билан болани яқинроқдаги юртчига¹ олиб бор. Сўроқ қилсин. Кейин булар билан ўзим гаплашаман. Сен, рум маликаси, ваъда қилинган бир уюр сара бияни оласан.

— Озодликни ҳам, тўқсон сўққиз турли мукофотни ҳамми?— деб сўради Дафни, Ўрдунинг кўзига тикилиб туриб.— Ўрдухоннинг сўзи икки бўлмайди.

— Бу гапларни кейин сўзлашамиз, ҳозирча мана бу қўшни чодирда ётиб тургин.

Навкар грек хотин, сариқ табиб ва ҳабаш болани олиб чиқиб кетди. Ботухон ёстиққа бориб ўтирди-да, совуқ кула бошлади. Унинг ҳар вақт қаҳрли ва тунд юзини ажин босди. У девор бўйида ўтирган кичкина хотини Юлдузга мамнун назар ташлади. Юлдуз чўчиб,

¹ Юртчи — кўчиб қўнадиган жойларни танлаб топадиган ва у ердаги жойларни тақсим қилиб берадиган мансабдор.

жавдираб, ўз хўжайинига ҳайрон бўлиб қаради. Ботухон яна қовоқ-тумшугини осилтириб, деди:

— Тўғри идора қилмоқ учун ҳамма нарсани билмоқ керак. Мен оғир касал бўлиб ётган кунларимда, ҳамма мени ҳеч нарсани эшитмайди деб ўйласа ҳам, мен кўп нарсаларни билиб олдим ва ҳар куни кечқурун кун бо-тадиган «сўнгги денгиз» гача чўзилган «мағриб мамлакатлари» га қандай қилиб қўшин бошлаб бориш ва мўғул саҳройи бургутининг чангалини ҳамма ерга қандай қўндириш кераклигини тушуниб олдим...

Бешинчи боб

АРАБ ЭЛЧИСИ ТАТАР ХОНИ ҚУЗУРИДА

Абдураҳмон деворларига ҳар хил гуллар, лайлақлар ва олтин аждар сурати тикилган кенг чодирга кириб эшик олдида тўхтаб қолди ва ўтирганлар орасида энг катта татар хони ким эканини билмоқчи бўлди.

Ҳаммаси ҳам бир хилда оддий кенг узун кўк чопон кийиб, белини қайиш камар билан боғлаган ўнтача мўғул аскар бошлиқлари катта машҳадий гилам устида ярим давра қуриб ўтиришарди.

Абдураҳмоннинг кўнглини, хон бир ёқда қолиб бошқа бировга салом бериб, ҳаммага кулги бўлармиканман, деган хавф босди. Шунинг учун у бир қадам олдинга ташлади-да, чўкка тушиб товони устига ўтирди ва тўғри олдинга қараб, ҳеч кимга мурожаат қилмай гап бошлади:

— Бутун мусулмон халқлари ва мусулмон мамлакатларининг муқаддас буюк халифаси қаҳрамон татар аскарларига, уларнинг ёш ҳукмдорига салом йўллаб, хонга соғлиқ ва сон-саноқсиз ғолибият тилайди.

Бир четда чўкка тушиб ўтирган кексароқ тилмоч бир ҳарфини ҳам қолдирмай, ҳамма сўзни арабчадан татарчага дарҳол таржима қилиб турди.

— Амирал мўъминин халифа ҳазратлари мени, яъни бир вақтларда фаранг лашкарларини тору мор қилган машҳур араб саркардаси Абдураҳмоннинг авлодидан бўлган мени, бутун татар юртларининг ҳукмдори бўлган сиз жаноби олий ҳазратлари ҳузурига юбориб, жанобингиздан, мени ғолиб татар қўшинлари сафарла-

рида бирга юришимга ҳамда янги йирик ғалабаларингиз ҳақида ва сизнинг тасарруфингизга кирган душман ерлари тўғрисида халифага хабар юбориб туришимга ижозат беришингизни илтимос қилдилар.

Утирганлардан бир кўзи кўр ва юзида қизил чандиқлари бор семиз киши гап бошлаб:

— Мабодо бизга душманлар ҳужум қилиб қолса, сиз ҳам бизларга ўхшаб, Жаҳон Фотиҳининг набираси бўлган подшоҳимиз Сайинхонни ҳимоя қиласизми? Ёки сизнинг порлоқ шамширингиз қинида титраб тураверадими?— деди.

— Мен жангчиман, шунинг учун қиличим ҳам бу сафарда татар ҳукмдорининг ҳар бир сўзига бўйсунди, албатта,— деб жавоб берди Абдураҳмон.

Кейин ёш бир мўғул гапирди. Кўринишда унинг бошқалардан ҳеч қандай фарқи бўлмаса ҳам, лекин унинг ўткир овозида, қисик қора кўзларининг тикилиб қарашида буйруқ беришга одатланиб қолган киши экани сезилиб турарди.

— Агар сиз арабларнинг буюк саркардаси авлоди ва бизга дўст бўлиб келган бўлсангиз, у вақтда ғолиб туманларимни «мағриб мамлакатлари» га томон сурганимда ёнимда юрсангиз бўлади. Бағдод халифасига хабар ёзишингизга ва уни ўз чопарингиз билан юборишингизга ижозат бераман ҳамда нима ёзганингизни сўраб ҳам, текшириб ҳам ўтирмайман. Аммо сиз нимаики кўрсангиз ва нимаики эшитсангиз ҳаммасини, менга ростини айтишингиз шарт...

— Донолигингизга қойилман!— деди Абдураҳмон, сўзлаган киши мўғул подшоҳи Ботухон эканини фаҳмлаб.

Ботухон сўзида давом этди:

— Энди сиз бизга шонли бобонгиз ва унинг фаранглар билан қилган жанглари ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Шонли бобом саргузаштларини айтишдан олдин, амирал мўъминининг жанобингизга йўллаган совғаларини тақдим этишга ижозат бергайсиз,— деди-да, орқасига сал бурилди.

— Мен бунда,— деб шивирлади эшик ёнида турган Тақводор Дуда. У Абдураҳмоннинг олдига эмаклаб келди-да, ола шойи бўҳчага тугилган ҳадяларни берди.

Абдураҳмон бўҳчани очиб Ботухоннинг олдига: қимматбаҳо тошлар билан безалган яшил бахмал қинли

қилич, олтин қадақ, чарм муқовасига чиройли зарҳал гуллар солинган кичикроқ қуръон, сопи фил суюгидан ясаган икки ханжар ва яна кўп қимматбаҳо нарсаларни олиб қўйди.

Ботухон олдига ёзиб қўйилган совғаларга бепарво қараб ўтирарди, бирдан қўлини гоҳ яшил, гоҳ тўқ қизил тусга кириб товланувчи қорамтир тошдан кўз қўйилган оддийгина бир олтин узукка чўзди.

— Мана бу узук кўзида бир хат кўриняптими? Бунинг нима ҳикмати бор?

Абдурахмон жавоб берди:

— Бу, махфий сирларни биладиган буюк донишманд Сулаймон бинни Довуд алайҳиссаломнинг узуклари. Бу узукни таққан киши бахтли бўлади, хоҳишлари бажо келтирилади. Унинг кўзига оллоҳнинг «Шундақ бўлсин» деган каломи ўйиб ёзилган.

Ботухон узукни ёнида ўтирган юзи тиртиқ семиз мўғулга кўрсатди. У, маъқуллаб бош ирғатди-да, узукни Ботухоннинг кўрсаткич бармоғига тақиб қўйиб:

— Бу сизга муносиб ҳадя!— деди ва Абдурахмонга бурилиб:— Жаҳонгир сизга миннатдорлик билдирадилар. Тўққиз юз тўқсон тўққиз мартаба ғалаба қозонганларидан кейин бу узукка қараб: «Ҳа, оллоҳ хоҳлаган ишлар бўлди!» дейдилар. Энди ҳикоянгизни эшитмоқчилар...

Олтинчи боб

«КУК»¹ ПОЙТАХТНИНГ ЯРАТИЛИШИ

Бирдан турган шамол чодирнинг эшик пардасини ичкарига қайриб кирди-да, гулхан чўғларини тўзитиб, ўтирганларни тутун билан ўраб олди.

Кейин буюк ҳарбий маслаҳатчи Субутой баҳодир сўз бошлади:

— Лашкар сафарга қачон отланар экан, деб уруш худоси Сулда учиб келди. Жаҳонгир ўзининг олижаноб жанговар шуҳратини ўз пойтахтини тинчгина қуришга ва чет эл савдогарлари учун кенг-кенг омбухоналар қуришга айирбош қилмайдимикин, деб текшириб юрибди.

¹ «Кўк» осмон маъносида бўлиб, қипчоқча сўздир. (Тарж.)

Бу гапдан барча лаганбардорлар тошдек қотиб қолишди. Ботухоннинг кекса мураббийси — оталиғи, фақат Субутой баҳодиргина мана шундай эркин, койигандек бемалол гапира оларди. Ботухон йиғилганларга синчиклаб қаради-да:

— Шон-шуҳрат нималигини менга ким айтиб бера олади?— деб сўради.

Бир неча катта аскарый бошлиқлар, араб элчиси Абдураҳмон ва одамларнинг турмушида рўй берадиган қизиқ латифалар айтишга уста, ҳазилкаш лаганбардорлар бошларини Ботухон тарафга буриб ярим давра қуриб ўтиришарди. Субутой баҳодир дарҳол жавоб қилди:

— Шуҳрат қозонилган ғалабадир, қанча кўп ғалаба қозонилса, шуҳрат ҳам шунча ёрқин бўлади.

Хоннинг Олтин ўрдасини қурган хитой меъмори санъаткор Ли Тун-по одоб билан:

— Шуҳрат фақат жанг майдонида қозонилган ғалаба эмас,— деди.— Агар ҳукмдор халқ бахту саодати учун ғамхўрлик қилса, янги шаҳарлар қурса, фуқароларига одил бўлса, аҳолига оғир солиқлар солмаса, ўз элидаги ҳар бир хонадонга осойишталик тухфа этса, халқ уни адолатли, шавкатли Сайинхон дейди ва ўз фуқароларининг муҳаббатига сазовор бўлади ва сўнмас шуҳратга эга бўлади. Халқнинг чинакам меҳру муҳаббатининг ўзи шуҳратдир.

Араб элчиси Абдураҳмон бундай деди:

— Ҳаммамиз интилаётган нарсанинг ўзи шон-шуҳратдир. Биз ёрқин қиличимиз ёрдами-ла унга эришамиз. Шон-шуҳрат — бўйсундирилган халқлар устидан ҳукмронлик қилиш демакдир.

Ҳамма Сайинхон деб аташга ўрганиб қолган Ботухон ўз тарихчиси ва мунажжими Ҳожи Раҳимга мурожаат қилди:

— Донишмадд устозим! Сизнинг кўп нарсаларга ақлингиз етади. Нима учун Искандари Зулқарнайн бизнинг қўл остимиздаги ҳамма халқлар орасида шу вақтгача абадий шон-шуҳратга эга бўлиб келади.

— Қадимги китобларда бундай деб ёзилган: «Буюк Искандар йўлида учраган ҳамма халқларни бўйсундириш билан ўз тасарруфига ўтган халқларга шафқат ва марҳамат кўрсатган, уларга зулм қилмай, ўз болалари каби кўрган. Шу сабабдан Искандари Зулқарнайн ҳақиқий ва абадий шуҳратга ноил бўлган».

— Йўқ, бу тўғри эмас!— деди Ботухон.— Искандарни Зулқарнайн вафотидан кейин бузилмай боқий қоладиган бирор нарса қуриб кета олдимиз, ахир! Унинг давлати барбод бўлди... Унинг Эрондан олган ёш гўзал хотини Равшанак, Искандар давлатининг ягона вориси бўлган битта-ю битта ўғли билан зиндонга солинди ва кейин уни жанглarda ўзи билан бирга бўлган ёр-биродарлари бўғиб ўлдирди. Улар ўзларини янги шоҳ деб эълоо қилиб, унинг мамлакатини парча-пурча қилиб ташладилар, кейин унинг давлати офтобда эриган муздек секин-аста йўқ бўлиб кетди.

Утирганлар бир-бирларига қараб олишди, аста «офарин» деган овозлар эшитилди, Ботухон эса сўзида давом этди:

— Шухрат қозонишга интилган ҳукмдор, ўз ўлиmidан кейин ҳам унинг шухратини кўп вақтлар, неча юз йилларгача кўкларга кўтарадиган бир бино қуриб қолдириши лозим.

— Тўғри! Айни ҳикмат!

— Сизлар мисли кўрилмаган улуғ бир ишнинг, чўлу биёбонларда янги давлат вужудга келаётганининг шоҳиди бўлиб турибсизлар... Сизлар янги туғилган чақалоқ ётган бешик ёнида турибсизлар... У ўсиб, қудратли қаҳрамон бўлади ва қуёшнинг шухрат тожини юлқиб олади...

Ботухон жим бўлиб қолди. Ҳар тарафдан:

— Уша баҳодирнинг оти нима?— деган саволлар тушди.— Қайси мисли кўрилмаган янги бино ҳақида гапиряпсиз? Ахир биз ўзга халқларнинг ерини босиб олиш, уларни тору мор келтириб, отларимиз туёғи остида янчишиб ташлаш учун кетаётганимиз йўқми? Бу янги давлат мўғул давлати бўладими ёки қипчоқ давлати бўладими?

— Йўқ!— деди Ботухон, кўзларини чақнатиб.— Уни мўғул давлати деб бўлмайди, чунки мўғул давлати мавжуддир,— буюк хоқон қўл остидаги мўғул давлати ва унинг пойтахти Қорақурум, уни Соҳибқирон бобом барпо этганлиги оламга машҳурдир. Ҳолбуки менинг кўп сонли лашкарим ичида мўғуллар жуда оз, мени кўриқлаб юрган атиги тўрт минг аскар бор... Буни қипчоқ давлати деб ҳам бўлмайди, чунки унинг ичида ҳам кўпгина бошқа халқлар бор. Қипчоқлар мақтанса бўлади, лекин нимасига ҳам мақтанади: улар менга

қарши жанг қилишди, мен эса уларни тиз чўктириб, ўзимга хизмат қилишга мажбур этдим.

Донишманд Ли Тун-по:

— Қуёшдек порлаб турган бу янги давлатни сиз нима деб атайсиз?— деб сўраб қолди.

Ботухон ўз сўзига диққат билан қулоқ солиб ўтирган хонларга хотиржам қараб олиб, бундай деди:

— Ботухоннинг буюк давлати — Қўк Урда! Бу самовий давлат бутун мамлакатларнинг халқларини абадий, туман-туман¹ йиллар идора қилиб туриши учун тангри тарафидан ато этилган давлатдир. Мана шу жаҳон ҳукмдорининг — менинг сўнмас шон-шуҳратимдир.

¹ Туман — ўн минг демакдир (қипчоқча). (Тарж.)



IV

НОВГОРОД ЭЛЧИСИ БОТУХОН ҲУЗУРИДА

Биринчи боб

РУС АСИРЛАРИНИ СУРОҚ ҚИЛИШ

Ботухоннинг гавжум қароргоҳидаги кичкина ўтовда, даҳшатли татар ҳукмдорининг сарой тарихчиси Ҳожи Раҳим, милтиллаган сопол чироқ ёруғида «Йўл хотиралари» деган китоб устига энгашиб арабча шикаст хат билан ўзининг кундалик хотираларини қунт қилиб ёзиб ўтирарди.

У бундай деб ёзди:

«Сайинхоннинг сўзларини кўп марта эшитиб, хоннинг

шимолдан, «Господин Великий Новгород»¹ деб аталувчи улугвор обод рус савдо шаҳаридан келиб турган хабарлардан жуда ташвишланиб қолганлигига қаттиқ ишондим.

Бу, энг эрксевар ва шунинг учун ҳам энг хавфли рус шаҳри бўлса керак. У қудратли ҳукмрон мўғул қўлининг зарбини ҳали ўз елкасида синаб кўрганича йўқ. Бундан икки йил муқаддам Ботухон ўз қўшинлари билан шимолга юриш қилганда, ҳар қанча уринса ҳам Новгородга етиб боролмади ва ботқоққа ботаёзиб, зўрға орқасига қайтган эди. Эрксевар новгородликлар ўзларини енгилмас ва душман тақилмас деб ҳисоблаб, урушқоқ мўғул қўшинларидан тап тортмай, ҳамма билан кеккайиб муомила қилишларининг ҳам сабаби шу бўлса керак.

Эшитишимча, Бутухон Новгородга кўпдан бери лашкар юбормоқчи бўлиб юрибди, унинг: «Субутой баҳодир бутун Новгород ўлкасининг кулини кўкка сувориб, халқни эса қул қилиб сотиш учун ҳайдаб келган тақдирдагина ўрдамнинг шимолий чегарасида қабристон сукунати ҳукм суради» деган сўзлари эсимда қолган.

Эрталаб, меҳмонларни қабул қилиш маросимида Ботухоннинг чодирда шундай ҳодиса рўй берган эди. Ботухоннинг арзанда қўриқчиси Арабшо келиб унга:

— Сайинхон! Буйруқларингиз бажо келтирилди,— деб маълумот берди.— Сиз илгари шимол тарафда бўлган ва обод Новгород шаҳрини кўрган рус асирларини кўрмоқчи бўлиб эдингиз. Қўлимиздаги асирлар орасидан гапга тушунадиган иккитасини ажратиб қўйдим. Улар сизга кўп нарсаларни сўзлаб беришлари мумкин.

— Олдимга олиб кел уларни. Субутой баҳодир ҳам келсин, ҳа, бу ерда ўтирганларнинг ҳаммаси билан «хўш»лашамиз,— деб жавоб берди Ботухон.

Қабул маросимида ҳозир бўлган меҳмонлар фотиҳа ўқиб, яхши тилак билдириб, таъзим қилиб чиқиб кетишди. Чодирда Ҳожи Раҳим ва кейинроқ келган Субутой баҳодиргина қолди.

Арабшо икки рус асирини бошлаб келди. Бири жуда ориқ, новча, узун сочлари кумушдек оппоқ бир чол эди. Унинг юзида тик кесиб тушган жигар ранг тиртиғи бор

¹ Ҳозирги Новгород шаҳри қадим «Жаноб улуг янги шаҳар» деб аталарди. (Тарж.)

эди. Иккинчиси зийрак, кўзлари чақнаб турган, кенг ягринли, бўйи-бастаи чолга ўхшаш йигит эди. Одатда асирлар жулдур кийим кийиб, яланг оёқ юрарди, лекин татар ҳукмдори олдида ҳозир бўлишлари учун уларга чопон ва кавуш кийгизиб олиб киришди. Эҳтиёт юзасидан иккала асирнинг ҳам қўлини орқасига қайириб, қайиш билан маҳкам боғлаб қўйишди.

Хон олдида улар бирор ножўя иш қилиб қўймасин деб калта бир найзага таяниб, Арабшо руслар яқинида кузатиб турарди. У русча тушунгани учун асирларнинг жавобини таржима қилиб турди.

Ботухон олдин улардан қаерлик эканларини, қаерда қўлга тушганларини, Новгородни билишларини сўради.

Чол иккиланмай афтидан тўғри жавоб берар эди:

— Менинг номим қундузчи Савва Бабровников. Илгари мен ўрмонда кун кечириб, қундуз овлар ва бошқа ҳайвонларни ҳам ов қилардим. Мен тез-тез Переяславга қатнаб, князимиз Ярослав Всеволодовичга турли илвасинлар ва ҳар хил мўйналар олиб бориб турардим. Бу йигитнинг оти эса Кожемякдир. Унинг қўллари бақувват бўлиб, от ва ҳукиз териларидан яхши кўн ийлашга устадир. Бундан икки йил илгари Волганинг юқори томонида бизларни татарлар тутиб олишди. Шунда биз ҳам роса уриниб кўрдигу, лекин қутулиб кета олмадик: ўн киши иккимизга ёпирилди.

— Сен Новгородга борганмисан? У ерда ким ҳукмдор?

— Узоқ умримда кўп марта борганман, ҳатто у ерда бир йиллаб ва ундан ҳам кўпроқ турган вақтим бўлган. Новгородни боярлар идора қилади, лекин бир-бирлари билан муросалари чиқишмайди. Оғир йиллар келса ёки боярлар бир-бирлари билан чиқиша олмай қолган пайтларда, бизнинг ерларимизга немислар ё эса шведлар бостириб келади...

— Улар кимлар?

— Улар. Новгородга қўшни халқлар бўлиб, бошқаларнинг ерини босиб олишга ўч одамлар,— деб жавоб қилди ёш асир.

— Шошмасанг-чи, Кожемяк, мен гапириб бўлай,— деб чол давом этди.— Новгородлик жанжалкаш боярлар бошларига бало келаётганини билишса, дарҳол князь Ярослав Всеволодовичга ўз элчиларини юбориб, тезроқ Новгородни балодан қутқаришни илтимос қили-

шади. Князь ҳам Новгородга ўз сарбозлари билан дарҳол етиб келиб, тартиб ва тинчлик ўрнатиб қайтади.

— Ўша князнинг лашкарлари қандай?— деб сўради Ботухон.

— Князь Ярослав ўз сарбозлари билан донг чиқарган,— деди чол мағрурланиб.— Унинг ҳар бир сарбози худди бир дoston! Унинг сарбозлари найзаларини тик тутиб, кумуш совутларини ялтиратиб, тухумдек семиз отларини ўйнатиб шаҳарга кириб келганда бутун халқ ёпирилиб кўчага чиқади ва Переяславль сарбозларига мадхия ўқийди.

Ботухон қoшларини чимирди:

— Лашкарлар устида кумуш совут бўлса, бу ҳеч гап эмас. Хўш, қўноз Ярослав душманлар билан урушганда бирор ботирлик кўрсатиб, улардан устун чиққанми?

— Кўрсатган! Тағин қанақа денг!— деб жавоб қилди Савва.— Тўрт йилча илгари новгородлик овчилар билан бирга мен бир кўнгиллилар тўпига кирган эдим. Князь Ярослав бу тўпни еримизга бостириб келаётган немис сарбозларини даф қилиш учун ёрдамга чақирган эди. Немислар еримизни босиб олиб, Новгородни ўзларига тобе қилдириш ниятида эдилар. Бизлар Омовжа¹ дарёси устида олишиб қолдик, шу ерда князь душманни қириб ташлади ва ярмини музга ботириб юборди.

— Ўшанда қўноз Ярославнинг ёрдамчиси ким эди?— деб сўради яна Ботухон.

— Яхши саркардалари бор эди. Унинг энг ишончли ёрдамчиси ўз ўғли — ёш князь Александр эди. Ўша вақтда ёши ўн бешда бўлишига қарамай жангга кирган эди. Князь Ярослав унга алоҳида юз аскар берди, ёш князь эса етишган лашкардек душманга қарши мардона жанг қилди.

— Бу Искандар тўғрисида эшитганман,— деди Ботухон.— Менга ҳозир у Новгородни идора қиляпти, лашкарлари кундан-кунга кўпайиб, ҳаммага ҳавф солмоқда деб айтишган. Искандари Зулқарнайн ва бошқа улуг саркардалар ҳаммаси ҳам жангларда ёшликлариданоқ

¹ *Омовжа* (Эмбах, Эмайнги)— Чуд қўлига қуйиладиган дарё. Бу дарёнинг қўлга қуйиладиган жойида 1234 йили Новгород лашкарлари билан немис рицарлари ўртасида жанг бўлиб, новгородликлар галаба қилган.

эпчиллик ва ботирлик кўрсатганлар. Мен новгородлик Искандар тўғрисида ҳали кўп нарса билишим керак. Мен шимол ерларининг қорларида тарбият топган, қанот қўйруғини ростлаб ўсиб келаётган бургут билан учрашиб қоларман ҳали. Навкарлар! Асирларни олиб кетинглар!

Шу ондаёқ икки навкар кириб, русларга ташқари чиқишга ишорат қилди. Иккала асир ҳам орқалари билан юриб, таъзим қила-қила эшикка етиб ҳам эдиларки, Ботухон бирдан бақириб қолди:

— Тўхтанглар! Айтинглар-чи яна, Новгород қўнозининг қўшини қанча?

Чол дудуқланиб қолди. Шу вақт Қожемяк гўё гиламга қоқинган бўлиб чолга туртинди-да:

— Тилингни тий!— деб шивирлади.

— Марҳаматли хон ҳазратлари,— деди салмоқлаб Савва.— Униси бизга номаълум. Ўшандан кейин мен тўпдан чиқдим, ўрмонда туриб қолдим. Ўшандан бери князнинг қўшини қанча бўлиб кетганини ким билади дейсиз!

Ботухон қошини чимирди-да:

— Жўнанглар!— деди.

Асирлар яна таъзим қилиб, эшик пардаси орқасига ўтиб кўздан ғойиб бўлди.

— Мана шу ёш қўноз Искандар менга маъқул бўлди,— деб қўйди Субутой баҳодир.— Асил баҳодир жангчига ўхшайди. Менга қолса уни мингбоши қилиб, «мағриб мамлакатлари»га сиз билан бирга борадиган рус асирларидан тузилган аскарларга бошлиқ қилиб тайинлардим.

— Мен ҳозирча, қўнознинг ниятини текшириб кўриш учун киши юбориб кўраман,— деди Ботухон Арабшога тикилиб қараб.— Бу зарур ишни сенга топшираман.

— Амрингизга қуллуқ, бош устига!— деди Арабшо.

— Сен Переяславлга, балки ундан ҳам нарироққа — Новгородга борасан. Сен у ерга бориб жонсарақ ёш қўноз Искандарнинг нима қилаётганини ва ниятини билиб келасан. Ёнингга ўнта энг ишончли навкарлардан олгин. Шулардан менга маълумот юбориб турасан. Шу бугуноқ йўлга туш.

— Амрингизни бажо келтирурман, жаноби олий ҳазратлари,— деб жавоб берди Арабшо ва югуриб чиқиб кетди.

Ботухон «олтин уй»нинг юқори қаватидаги айвонда ўз аъёнлари билан бирга эди. У Обескун денгизининг жанубий соҳилидан хунук бир хабар олди, унда ўша ёқда унинг қариндошларидан бири — Хулоку қўшин тўплаб, айрим аскарый тўдаларни шимолга, Кўк ўрда чегарасидаги Кура дарёси бўйларига юбораётгани, бу тўдалар тўқнашиб, асир олишга уринаётгани ва шулар орқали Ботухоннинг қўшини тўғрисида маълумот тўплашга ҳаракат қилаётгани айтилган эди.

Бу хабарни олиб келган одам, Чингизхон замонини ҳали унутмаган тажрибакор кекса бир юзбоши бўлиб, туманбошиларнинг саволларига, жануб тарафдан уруш бошланай деб турибди деб, дадил айтди ва Чингиз авлодидан чиққан Хулоку Сайинхоннинг қароргоҳига ҳужум қилмоқчи эканини билдирди.

Бунга нима дер экан деб ҳамма Ботухонга қараб турди.

Ботухоннинг совуқ юзида ҳеч ўзгариш бўлмади. У одатдагидек диққат қилиб тинглади-ю, фикрини айтмади.

Шу вақт бир навкар айвонга чошиб чиқди-да, шимолдан, қипчоқ саҳросидан оти терлаб кўпириб кетган бир чопор келганини, «соҳибқирон»нинг ўзига муҳим хабар айтмоқчи эканини билдирди.

— Олиб кел уни бу ёққа!

Устига хоразмча беқасам тўн, аврасига сариқ кўн қопланган тулки қулоқчин кийган ёш бир қипчоқ йигит кириб келди. У ўзини Ботухоннинг оёғига ташлади, ерга ётиб гиламни ўпди ва кумуш камарида осилиб турган ссрмўй узун думли қора тулки терисини ечиб тахт олди-га ёзиб қўйди.

— Хон ҳазратларининг қўллари доим устун бўлсин!— деди йигит чўккалаб турган ҳолда.— Дарёдан ўрис қўшини босиб келяпти. Фафлатда қолмайлик деб сизга хабар қилиш учун от чоптириб келдим.

Ботухоннинг қоши бир оз чимирилди-да, шу ондаёқ юзи аввалги бепарво ҳолатига қайтди. Кейин у ўрнидан туриб, айвоннинг панжараси ёнига келди. Қинғир-қийшиқ қилиб солинаётган шаҳар чарақлаб турган офтоб нурида ёйилиб ётар эди, наридан-бери қурилган кичкина

уйлар шаҳарни ҳалқадек ўраб турган кўчма ўтовлар орасида кўзга илинмай қолди. Қумушдек ялтираб оқаётган кенг дарё шимол тарафда кўз илғамас ерларга чўзилиб, қуёш нурлари сув юзида сапчиб ўйнаган олтин баликчалардек жилваланиб турарди.

Чопар қўли билан узоқларни кўрсатиб, бояги сўзини такрорлади:

— Ҳув анови ёққа қаранг! Дарёдан биз томонга ўрислар сузиб келяпти, кўринг. Ниятлари бузуқ кўринади.

— Уларнинг кемалари қани? Кўзимга бирорта мачта ёки елкан кўринмаяпти-ку.

— Унақаси йўқ. Келаётганлар, узун-узун ходаларни бир-бирига маташтириб боғлаб, устига кичкина похол капалар қўндирилган сол бўлиб, ўрислар шу капалар ичида яшириниб ётибди. Маташтириб боғланган мана шундай ходаларни ўрислар «плот» (сол) дер эканлар. Бундай соллар жуда кўп: ўзим элликта ва балки ундан кўпроғини санадим...

— Менга қаранглар! Қулоқ солинглар!— деб хитоб қилди Ботухон, жуда жаранглаган, қувноқ бир товуш билан.— Ҳалиги Новгород қўнози Искандар менга садоқатли экан: берган ваъдасини бажо келтирди. Булар, менинг бўлғуси Жаҳон пойтахтимда саройлар қуриш учун менга юборилган ёғочлардир. Энди мен, сен қипчоқ йиғитга кўзингнинг ўткирлиги учун ва келтирган хушхабаринг учун суюпчи берайин. Турговут, мана бу хушхабарчига битта самарқанд чопони кийгиз!

Азим дарахтларнинг йўғон-йўғон гўлаларидан матаб боғланган рус солларини, улуғ дарёнинг кенг ўзани бўйлаб оқишиш учун Муром ўрмонларининг ич-ичидан Нижне-Новгородгача оқизиб олиб келиш ўнғай бўлмаган. Улар қирғоққа етиб келиб, князь Александр йиғайтган карвонни кутиб туришди. Солларни «дубовик» деб аталувчи узун қайиқларда кузатиб келишди. Бу қайиқлардаги эшкакчилар солларни йўлга солар ва дарёнинг тирсақ жойларига келганда соллар қирғоққа чиқиб кетмасин деб қараб борардилар.

Ҳамма эшкакчи-ю солчиларга хоннинг катта-катта ҳадялари ва уларнинг татар тутқинлигида жафо чекаётган қариндошларига озодлик ваъда қилинган эди. Мана,

соллар ҳам бераҳм татарлар томон кенг дарё кучоғида қўйига томон юриб кетди.

Бутун йўл бўйи ҳаво тинч турди...

— Бу, онамиз биби Марямнинг марҳаматлари. У зот меҳрибон, бизларни хайриятлик билан омон сақлаб келаётгирлар,— дейишарди солчилар.

Фақат икки марта ҳавони булут қоплаб, шатирлатиб жала қўйди ва гувиллаб шамол турди-да, дарёни кўпиртириб тўлқин кўтарди. Шунда карвонбоши Авсентий қирғоққа бориб тўхташни ва ҳаво очилиб, ўжар дарё тинчигунча кутиб туришни буюрди.

Ниҳоят узоқдан бир олтин нуқта ва сон-саноқсиз на-мат ўтовлар ҳам тош, балчиқ ва қамишдан солинган кичик-кичик уйлар устида қад кўтарган бир неча минора кўринди. Шундагина солчилар, татар қароргоҳига етиб қолганларини билдилар. Қирғоқда кичик-кичик кемаларнинг баланд мачталари кўринди. Ҳамма жимиб қолди; фақат Волга тўлқинларини ўйнатиб, пўстлоқдан эшилган арқонлар билан бир-бирига қатор қилиб боғланган, гичирлаб турган йўғон ходаларга шилп-шилп урилар эди.

Шу вақт тўсатдан узоқ бир жойдан чўзиқ ва мунгли қўшиқ овози эшитилди:

Қўк денгизни ҳар дам туман босади,
Қайғу-ҳасрат юракларни эзади...

— Ия, бизникилар айтишяпти-ку! Келиб-келиб жонажон қўшиқларимизни эшитган жойимизни қара-я!

Рус эшкакчилари ҳайдаб келаётган қайиқлар тез-тез сузиб солларга яқин келди. Қайиқларда олачипор кийимлар кийган қуролли мўғуллар ўтирарди. Солларнинг ёнига келиб тўхтагандан кейин эшкакчилар бақириб:

— Ҳой диндошлар, худо сизларни бу ерга қандай етказди?— деб сўрашди.

— Бизлар новгородликлармиз! Қнязимиз Александр Ярославичнинг буйруқларига мувофиқ келяпмиз. Сизларни асирликдан қутқариб олишга аҳд қилдик.

Чангаклар билан ходаларга ёпишган мўғуллар солларга чиқиб, похол ва ёғоч капаларни кўрмоқчи бўлишди, лекин сержаҳл сол бошлиғи солга ҳеч кимни йўлатмасликни буюриб:

— Новгороддан олиб келган совғаларни қўриқланг-

лар! Ҳеч кимни йўлатманглар, бўлмаса бу золимлар ҳам-
ма нарсани талаб кетади! — деди.

Авксентий итларни ечиб юборишни буюрди, баҳай-
бат катта итлар солдан солга сакраб ёғочлар устидан
югурди ва солга яқин келганларга тинмай вовиллашди.

Соллар татар қароргоҳидан уч чақиримча юқорида
тўхтади, атрофда дарҳол Ботунинг қоровуллари ҳар ер-
ҳар ерга туриб олишди. Ватандошлари келганини эши-
тиб, рус асирлари ҳар тарафдан елиб-югуриб дарё лаби-
га келишди. Қовжираган, ориқ, сочлари узун бўлиб ўсиб
кетган, жулдур кийинган асирлар, кийимлари билан ўз-
ларини сувга отишди ва ходаларнинг устига чиқиб олиб,
келганлар орасида қариндошлардан ёки таниш-билиш-
лардан бирортасини топиш, ўз ватандошлари ҳақида бир-
рор хабар эшитиш умидида улардан кимсизлар, қаер-
ликсизлар деб суриштиришди.

Учинчи боб

АЙИҚ УЙИНИ

Ботухон, рус элчиси Новгороддан олиб келган энг
қимматбаҳо ҳадяларни «олтин сарой» ҳовлисига йиғиш-
ни буюрди ва Гаврила Олексични эртага эрталаб ўша
ерга келишга таклиф қилди. «Айиқларни олиб келишни
ҳам унутишмасин» деб ўз вакили орқали эслатиб ҳам
қўйди.

Гаврила Олексич «Олтин Урда» олдига ҳамма арава-
ларнинг бирин-кетин тартиб билан келиши учун ўзи қа-
раб турди, чунки бу уйга Ботухоннинг суюкли хотини —
гўзал Юлдуз ўз жориялари билан келиб тушган
эди.

Ҳар бир арава олдида иккитадан қуролли сарбоз ту-
рар ва найзасини ўқталиб томошабин мўғулларни яқин
келтирмасди. Ҳовли ўртасига битта маҳкам устун кўмил-
ган бўлиб, унга айиқлардан бирини занжир билан боғ-
лаб қўйишди: бу айиқ жуда даҳшатли эди, у қутуриб
ўкирар, панжалари билан ерни тирнаб кавлар ва устунни
ағдариб ташламоқчи бўларди.

Аравага боғланган иккинчи айиқ ҳамма ёғига темир
қопланган бир сандиқчани қучоқлаб ётарди. Унинг ичида
асирларни ажратиб олиш учун новгородликлар тарафи-

дан юборилган кумуш идишлар, қимматбаҳо нарсалар бор эди.

Саройнинг нариги ёғида, одатда Ботухон ҳузурига келган меҳмонларнинг отлари боғлаб қўйиладиган тарафда, князь Александрнинг Ботухонга юборган ажойиб улкан оти саройнинг ҳуснига ҳусн қўшгандек яшнаб турарди. Бу гўзал отнинг ҳамма нарсаси — худди курсидек кенг қилиб ажойиб тарзда ишланган эғари ҳам, кенг узангиси ҳам, узун тирноқли панжасида қилич кўтариб турган шернинг зардўзи сурати бор духоба ёпиғи ҳам ҳамманинг ҳавасини келтирарди. Бу от, мағлубиятга учраган душман — швед саркардасидан ўлжа тушган эди.

Ботухон зарбоф тўн кийиб, қимматбаҳо тошлар билан зийнатланган камарига қилич тақиб, сарой зина-поясига чиққанда узун чарм карнайлар хоннинг чиққанини бўғиқ овоз билан ҳаммага доврўқ қилди. Хон, икки тарафга тилла ранг аждар сурати солинган пастроқ кенг тахтга келиб ўтирди. Бу тахт хитой саройларидан олиб келинган бўлиб, бобосиники — бутун жаҳонни ларзага солган Чингизхонники эди, Ботухон уни даҳшатли фотиҳ ҳукмдорлигининг тимсоли сифатида сақлаб келарди.

Ботухоннинг «мағриб мамлакатлари»га қиладиган сафарларида қатнашиш учун келган Бағдод халифасининг ёш элчиси Абдураҳмон тахтнинг чап ёнидаги гилам устига қўйилган зардўзи шойи ёстиқлар орасига келиб ўтирди. Ундан кейин саркардалар жойлашди. Тахтнинг ўнг тарафига, ўзининг ёлғиз кўзини чақнатиб, Ботухоннинг оталиғи ва ҳарбий маслаҳатчиси довиюррак, бадқовоқ Субутоё баҳодир ўтирди.

Ўйнинг ясси томи гўё эртақдаги қушлар келиб қўн-гандек жилваланиб кетди. Булар Ботухоннинг ва унга яқин кишиларнинг хотинлари бўлиб, бу ажойиб манзарани томоша қилгани келишган эди, улар гулдор панжара ёнига келиб гилам устига ўтиришди.

Карнайлар иккинчи марта чалингандан кейин дарвозалар очилди-да, ундан новгородлик ёш элчи — Гаврила Оликсич кўринди. У устига кумуш совут, бошига ялтироқ дубулға кийган, билакларига ва бармоқларининг орқасига ҳам худди шундай ялтироқ совутлар тақиб олган эди. Унинг гўзал чехраси, баҳодирона чақнаб турган кўзларининг самимият билан боқиши ҳаммани

завқлантирарди. У ёнидаги новча мўғул тилмочдан анча баланд бўлиб, азамат гавдаси билан афсонавий баҳодирларга ўхшарди.

Олексич, Ботухоннинг олдига келиб бошидаги дубулғасини олди-да, тиз чўкиб ўтирди, кейин учта иконадан қилинган кичикроқ буклама кумуш лавҳани бўйнидан олиб, олдига қўйиб ўпди ва ибодат вақтида ўқиладиган ва: «Олло таоло ватанимизнинг заминини ўзи ас-расин...» деган сўзлар билан бошланадиган дуони ўқиди. Оломоннинг шовқин-сурони ичида дуонинг сўнги сўзлари эшитилмай қолди.

Ботухон Олексичга илтифот билан ишорат қилиб, унга оёқлари остида ётган гилам ёстиққа ўтиришни таклиф қилди.

Шу орада Ботухоннинг отбоқарлари ажойиб швед отини у ёқдан-бу ёққа етаклаб юриб, ниҳоят, уни тахт олдига олиб келиб кўндаланг қилдилар. Хизматкорлар олтин баркашда бир неча кулча олиб келдилар. Ботухон бу нонларни ўз қўли билан отга егизди ва унинг гижинглаб турган бўйнини силаб, ёлини таради.

— Бу чиройли от сизларга маъқул бўлдимиз?— деб сўради Ботухон, юқори айвонда ўтирган хотинларига қараб.

— Бу эртақларда эшитилган ажойиб ва мисли кўрилмаган от экан!— дейишди хотинлар.— Аммо биз, новгородлик меҳмон ўзининг айиқларини ҳам ўйнатиб берса деган эдик.

Тилмоч хотинларнинг илтимосини таржима қилиб берди. Кейин Олексич ўрнидан туриб:

— Малика хонимларга айтгинки, мен ҳозир уларга ўзим ўргатган айиқларни кўрсатаман.

Хотинлар қувонишиб шов-шув қилишди.

Гаврила Олексич саройнинг юқори айвонига қаради. У Ботухоннинг суюкли хотини Юлдузнинг ёнида бир қизни кўрдик, унинг ҳамма жиҳати бошқача эди: бодомқовоқ чақнаб турган қоп-қора қийғоч кўзлари қимматбаҳо тошга ўхшарди. Киприклари капалак қанотидек пириллаб турарди. Пардоз қилинган қора қошлари у қулоғидан бу қулоғигача пайваста бўлиб, кичкина қизғиш оғзида сирли бир табассум ўйнади. Қиз Олексичнинг тикилиб турганини сезиб қолди-да, хина қўйилган эпчил қўлларини кумуш кўзачага узатиб, банди узун бир атиргулни олиб, унга отди.

Олексич учиб келаётган гулни илиб олиб, тилмочга энгашиб шивирлади:

— Бу ўзи қанақа офатижон?

— Бу жаҳонгирнинг суюкли раққосаларидан бири, Зербизт хоним. У раққосагина эмас, баайни булбул ҳам. Агар жаҳонгир уни сенга ҳадя қилсалар, олмайман деб ўтирмагин тагин, худди бошинг кетади-я!

— Кутилмаган бир фалокат десанг-чи!— деди шивирлаб Олексич. У ўз сарбозларига айиқларни қўзғатиб, олиб келишни буюрди.

— Хатарли эмасми бу?— деб сўради Ботухон.

— Ҳаётда хатарли нарсалар кўп,— деб жавоб берди Гаврила Олексич.— Агар хатардан қўрқиладиган бўлса, у вақтда галаба ҳам бўлмайди, дунёда туришнинг ҳам қизиғи қолмайди.

— Хўп топиб айтдинг-да!— деб қўйди Ботухон.

Бир кўзли кекса Субутой бу сўзни ёқтирмай бош чайқади ва бақириб:

— Паҳлавонларимиздан ўнтасини юборинглар бу ёққа, тайёр туришсин!— деди.

Икки рус сарбози аравада ётган айиқни қитиқлаб қўйди. Айиқ ерга тушди, бир ходачани кўтариб елкасига қўйиб, Ботухон ўтирган жойга типпа-тикка юриб келди. Кейин ходани секин ерга қўйди ва ўтириб худди садақа сўрагандек оёқларини чўзиб силкитди.

Ботухон бир навкар орқали айиққа нон берди. Шундан кейин Олексич хонга қараб:

— Улуғ хон ҳазратлари, энди бу айиқ сизнинг аскарларингиз билан кураш тушади,— деди,— бир неча паҳлавонингизга айтсангиз, улар буни ерга йиқитсалар.

Гаврила Олексич ўз сарбозларидан бирига ишорат қилиб чақирди. Сарбоз келгандан кейин унга:

— Қирша, сен Мишканинг олдига боргин-да, ўзини тутишини кузатиб тургин,— деди.

Субутой баҳодирнинг буйруғи билан айиқ олдига учта барваста мўғул чиқди. Айиқ ёнида сарбоз Қирша унинг бўйинбоғига боғланган занжирнинг бир учини ушлаб турарди.

Қирша хушмуомалалик билан айиққа:

— Хўш, қани Мишкажон, бизнинг Новгородда эчкиларнинг қандай сузишини кўрсатиб бергин-чи,— деди.

Шундан кейин айиқ ўрнидан турди ва шундай бир тезлик билан мўғулларга ҳамла қилдики, улар ҳовли саҳ-

нида тирқираб қочиб юришди, айиқ эса томошабинларнинг қийқириқ ва қаҳқаҳалари остида судралиб бораётган занжирини шалдиратиб улар орқасидан қувлади.

— Ҳой, Мишка!— деб чақирди сарбоз.— Тўхта! Бери кел! Энди, ўз хотинингни қандай севишингни кўрсат.

Айиқ тўхтади, орқасига қайтиб, лапанглаб Қиршанинг олдига келди. Кейинги оёқларида тик туриб, олдинги оёқларини унинг елкасига қўйди-да, қип-қизил тилини чиқариб Қиршанинг юзини ялади.

Тилмоч сарбознинг сўзларини бақариб таржима қилиб турди. Мўғуллар чўккалаб туриб бўйинларини чўзишар ва «кю, кю!» деб завқланиб бақаришарди, томда турган хотинлар эса чапак чалар ва қўнғироқдек овозларини чиқариб, қотиб-қотиб кулишарди.

Олексич сарбозларга бир ишорат қилиб эди, улар айиқни яна аравага элтиб қўйишди. Ботухоннинг хотинлари юқоридан туриб: «Ўрис баҳодирлари устунга боғлаб қўйилган айиқ билан курашга туша оладими!» деб бақаришди.

— Тушиб қўриш мумкин. Нима бўлишини кўрамиз,— деди Олексич.— Ҳой сарбозлар, Дев полвонни ечиб, бу ерга олиб келинглар-чи!

Ҳалиги баҳайбат айиқ хушёқмаслик билан юриб келиб дарҳол Ботухоннинг тахти олдида ҳозир бўлди. У иккита занжир билан боғланган бўлиб, бир занжир унинг бўйинбоғига, иккинчиси эса белидаги энли қайиш белбоққа боғланган эди. Айиқ татар ҳукмдорига яқин йўламаслиги учун олти сарбоз занжирларни таранг қилиб тортиб туришар эди.

Дев полвон ўтириб бошини чайқар ва димоғига нотаниш ҳидлар кириб қаттиқ-қаттиқ пишқирар ва ғазабнок кичкина кўзларини тикиб оломонга ғалати назар ташларди.

Қирша айиқнинг олдига келиб елкасига бир уриб бир қадам орқага тисарилди.

— Ҳой Дев полвон,— деди Қирша, айиқни яна бир уриб,— кеча нега қўйимни олиб кетдинг? Қайтариб бер!

Айиқ норози бўлиб ўкирди.

— Бултур хотинимни нега ранжитдинг? Нега унинг хўрозини олиб кетдинг?

Айиқ, ўзига қўйилаётган айбни инкор қилаётгандек боягидан баттарроқ бош чайқади.

— Нега бошингни чайқаб йўқ-йўқ дейверасан?— деб ҳазиллашиб қитиғига тегди Қирша. — Мен бекор айтяпманми? Қани, курашамиз бўлмаса, ким йиқитса ўшаники рост. Кучингни кўрсатиб қол, ахир сен энди бошқа хўжайинга ўтиб кетяпсан. Хўш, ўрнингдан тур-чи,— деб сарбоз этигининг учи билан айиқни туртди.

Айиқ панжалари билан сарбознинг оёғини тутиб олди, сарбоз айиқнинг қулоғини чангаллади, айиқ сарбознинг оёғини қўйиб юборди. Шундан кейин айиқ ирғиб ортки оёқлари устида тик бўлиб, тисарилиб кетаётган сарбозга қараб лапанглаб юра бошлади.

Сарбоз чаптастик билан айиққа отилди-да, белидаги қайишни ушлаб олди. Қирша қаттиқ чираниб айиқни сал-пал кўтарди-да, елкаси билан сиқиб ерга ётқизди.

Айиқ чаққонлик билан ўрнидан турди-да, ғазаб билан бўкириб яна Қиршага ҳамла қилди. Оломон жим бўлиб қолди.

— Яна кураш тушмоқчимисан?— деди Қирша,— бўлмаса, энди қучоқлашиб курашамиз.

Шундан кейин одам билан айиқ бир-бирини қучоқлаб ва оёқларини бир ерда салмоқлаб кўтариб чайқала бошлади. Сарбоз айиққа ҳамла қилди ва айиқнинг оёғини чалиб юбориб ерга қулатди.

Оломон орасида шодлик овозлари янгради. Сарбоз манглайдан шариллаб оққан терни суртиб индамай четга чиқди. Олексич, айиқнинг занжирини ушлаб турган сарбозларига секингина:

— Энди уни устунга боғлаб қўйинглар, бўлмаса Қиршани ғажиб ташлайди. Кўряпсизларми, жаҳли чиқяпти!— деди.

Сарбозлар занжирларни тортиб, устунга маҳкам боғлаб қўйдилар. Айиқ чираниб тортинди ва тумшугини баланд кўтариб бўкирди. Энди у ўзини устун ёнида кўриб, уни тирнаб силкита бошлади.

Ботухон тилмочини чақириб ундан бир нарсани секингина сўради.

Тилмоч Гаврила Олексичнинг қулоғи остига энгашиб пичирлади:

— Буюк жаҳонгир ҳазратлари жуда мамнун бўлдилар. Шунинг учун сенга ва навкарларингга илтифот кўрсатмоқчилар. У зот кўнглингда нима тилагинг бор эканини сўраяптилар,— деди-да, кейин:— Сен у зотнинг

боғларида очилган ҳалиги гўзал гулни сўрагин, йўк демай берадилар, — деб қўйди секингина.

Гаврила Олексич жавоб айтмади. У ўрнидан сапчиб туриб, Ботухонга қаради-да, қизгин гапира бошлади:

— Буюк хон ҳазратлари! Мен сизнинг афсонавий чечакдек гуллаб, яшнаб кетаётган пойтахтингизни кўрдим. Бу ерда одамлар тезда бойиб кетадилар, келиб кетадиган меҳмонлар улуғ номингизнинг шон ва шуҳрати ҳақида бутун оламга ҳар хил ҳикоялар тарқатадилар.

Аmmo мен бу ерда ўзимнинг бахтсиз рус биродаларимни ҳам кўрдим. Улар очлик ва оғир меҳнатдан чўпдек қотиб кетибдилар. Қўплари ўлай-ўлай деб ётибди. Уларни бахтли қилиш сизнинг қўлингиздан келади, улар ўла ўлгунча жанобингизнинг дуойи жонингизни қиладилар.

— Қанақа биродарларингни? Қимлар тўғрисида гапиряпсан? — деб сўради Ботухон қошлари чимирилиб.

— Вайрон бўлган шаҳар ва қишлоқларимиздан сизнинг ботир, қаҳрамон аскарларингиз ҳайдаб келган асир русларни айтяпман. Уларни ўз юртларига қайтиб кетишларига ижозат берсангиз.

Ботухон сукут қилди. Тўсатдан латиф бир овоз шивирлаб:

— Меҳмоннинг илтимосини қайтарманг, Сайинхон. Бахтингиз очилади, — деди.

Гаврила Олексич бошини кўтариб қаради. Ботухоннинг яқинидаги кенг тахтга кенг гулдор шойи кўйлагини йиғиштириб, унинг кичкина хотини Юлдуз ўтираётган эди, унинг орқасида оғзида бир гулни тишлаб ҳалиги қипчоқ нозанини турарди. У энди Олексичга қарамас, узун киприкларини ерга қадаб мийиғида табассум қиларди, холос.

— Яхши! — деди Ботухон. — Рус асирларининг бир қисмини йиғиб олишингга ижозат бераман. Уларнинг ўз юртларига эсон-омон етиб олиши тадорикини ўзинг қиласан.

— Буюк жаҳонгир ҳазратлари! — деб сўзни бўлди бир кўзли Субутей. — Анови кунги бир сўзингизда: асирлардан алоҳида бир тўп аскар тузмоқчиман деб эдингиз, эсингиздами?

— Эсимда, — деб жавоб қилди Ботухон. — Лекин, азамат ботир, сенга бир иш бор: бизнинг қўшинларимиз «мағриб мамлакатлари»га юриш қилмоқчи, шунга асирлардан алоҳида бир туман тузмоқчимиз, унга кир-

ган аскарларга қуролни ҳам, кийимни ҳам, отни ҳам ўзимиз берамиз, булар ҳам шон-шарафда ва ўлжани бўлишда бизнинг ботирларимиз билан тенг бўладилар, шунга сен асирларнинг ҳар бирдан айрим-айрим сўраб, ана шу туманга киришни хоҳлаш-хоҳламаслигини билиб беришни ваъда қилгин.

— Бугун сиз буюк жаҳонгир ҳазратлари, менинг кўпгина рус биродарларимнигина эмас, мени ҳам бахтли қилдингиз.

— Сен икки карра бахтиёр бўласан,— деб жавоб берди Ботухон.— Тезда менинг ўрдамга яқин бир жойда сенга хос бир чодир тикилади, унда сенинг олдинда боғимизнинг энг гўзал гули Зербиэт хоним ҳам бўлади. Мана у!— деб қўли билан яқинроқда турган қипчоқ гўзалини кўрсатди Ботухон.

Тантанали қабул маросими тугагандан кейин Гаврила Олексич сермулозамат Абдурахмоннинг олдига келди-да, ундан:

— Хон ҳазратлари, сиз, бизнинг кекса саркардамиз Ратшанинг нима бўлганини билмайсизми? Мен уни ҳеч қаерда кўрмайман,— деди.

Араб элчиси жавоб бермай, юзини ўгирди.

— Новгород князи Александр юборган эди уни бу ёққа,— деб давом этди Гаврила Олексич.— У олдинроқ келиб, асирларни ҳеч ким унутмагани, уларни ҳамма ўйлаб, халос қилиб олиш учун Ботухонга ҳадялар юборишмоқчи бўлиб турганларини айтиб бериб, асир биродарларимизни қувонтириб турмоқчи эди.

— Мен ёмон хабар эшитдим, жуда ёмон!— деб шивирлади Абдурахмон.— Сизларнинг Ратшанлар Ботухоннинг хоҳишини бажо келтиришдан бош тортган, шу сабабли жаҳонгир уни занжирбанд қилиб қўйишни буюрган, ҳозир ўлик-тириклигини билмайман.

Тўртинчи боб

ХИРА МЕҲМОНЛАР

Гаврила Олексич, олтинўрдалиқлар даҳшатли ҳукмдорининг яна қачон қабул қилишини анча вақтгача билломай юрди. Ниҳоят, бир куни қоронғи тушгандан

кейин унинг вақтинча турган сафар чодирига Ботухон амалдорларидан иккитаси ҳарсиллаб ўз мирзаларини эргаштириб кириб келди. Кимхоб тўнлар кийиб ясантусанга зўр берган меҳмонлар ҳадеб қаҳрабо тасбеҳларини ўгириб, сипогарчиликни қўлдан бергилари келмасди. Улар чўкка тушиб, бураб боғланган бўз белбоғларининг учи билан юзларини артиб анча вақтгача ҳансираб ўтиришди. Афтидан, булар ўз ҳукмдорларининг аллақандай масъулиятли топширгини бажаргани келган бўлсалар керак.

Олексич хизматкорларига ўткир, тотли бол шароби хумчасининг оғзини очишни буюрди ва бу хира меҳмонларни меҳмондўстлик билан сийлаб, ўзи соқийлик қилиб катта кумуш қадаҳларни тўлдирди; бу билан у меҳмонларнинг кўнглидаги ўйларини ва айниқса бу ишончли амалдорларни бу ёққа юборган ҳукмдорларининг ўйлаган мақсадини билиб олмоқчи бўларди.

Илгари қипчоқларда асир бўлган, қипчоқ тилини ва татарлар билан муомала қилишни ўрганиб олган тажрибакор тилмоч пойгоҳда ўтириб, меҳмонларнинг бутун гапларини ва Гаврила Олексичнинг берган жавобларини қунт билан таржима қилар ва ҳаммасини ёзиб оларди. У ҳам ановиларга ўхшаб, Олексичнинг Мстислав Удалой саройида қипчоқ чўри энагалар қўлида тарбият қилиниб, қипчоқ тилини тушунишини билмасди¹.

Иккала амалдор ҳам олдин шундай саволларни сўрашди:

— Элчи жаноблари, миниб келган отларингиз омонми? Неча кун йўл юрдингиз? Йўлда қандай шаҳарларга кириб ўтдингиз? У шаҳарлар вайрон бўлмаганми? У шаҳарларда неча кундан турдингиз? Уй ичи, бола-чақангиз, мол-ҳолларингиз омонми? Қора тулки билан қундузлар рус шаҳарлари кўчаларида югуриб юради, уларни тўр билан овланади, деган тап ростми? Новгород князи Александрнинг неча хотини бор ва энг суюкли хотинининг оти нима? Князнинг неча боласи бор, уларнинг отлари нима?

Олексич ҳамма саволларга гўё ўйламай жавоб қилгандек дарров жавоб берарди-ю, аммо ўзи жуда ҳушёр ўтириб, қаршисида турган сарбозга меҳмонларнинг қа-

¹ Ботухон ҳукмронлиги остидаги ерларда қипчоқ-туркий тилида гапириларди.

даҳларига ўткир шаробдан тез-тез тўлдириб туришни имлаб қўярди.

Тилмоч-мирзо белбоғига боғлаб олган давотни ечиб олиб, ўз олдига қўйди, кейин сўраб-сўраб қамиш қалам билан князлар ва боярларнинг номларини, шаҳарларнинг отини ва Невадаги жангда қатнашган шведлар билан швед кемаларининг сонини ёзишга киришди.

Олтинўрдаликлардан ёши кичикроқ бири дарров маст бўлиб қолганиданми ёки ўзини мастликка солибми, ишқилиб, ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ кулиб, кутилмаган саволлар ташлай бошлади:

— Рус ўрмонларида бурнининг устида битта узун мўғизи бор қўрқинчли ҳайвон бўладими? Новгород князи ўз хотинлари устига яна битта мўғул хотин олмоқчимикин, шимол паҳлавони бу ерга шунинг учун келган эмасмикинлар? Қадрли меҳмон Киевни кўрганмилар? Мангухон, у ердаги «тангри уйлари»нинг томлари соф олтиндан қилинган деб айтган эди. Новгородда ҳам ибодатхоналарнинг томлари олтинданми? Новгородга от билан неча кунда борилади? Йўлда от алмаштириб минадиган қоровулхоналар борми?

Бундай саволлар Гаврила Олексичнинг жонига тегди, шунинг учун сўнгги икки саволга жавоб бермасдан:

— Агар ҳукмдорингиз бундан ҳам ортиқроқ маълумот олмоқчи бўлсалар, бошқа саволлар жавобини мен фақат у зотга айтиб бераман,— деди.

Шундан кейин Олексич бир кўзини сузиброқ улардан:

— Сизлар менинг атиги учтагина саволимга жавоб бера оласизларми?— деб сўради.

— Жавоб берамиз, агар ақлимиз етадиган бўлса албатта жавоб берамиз.

— Буюк Ботухон жаноблари қиздирилган ўқни юз қадам наридан садоқда отиб, ўзларининг суюкли хотинлари нозик қўлида ушлаб турган тилла узукнинг тешигидан ўтказиб юборармишлар, дейишади, шу гап ростми?

— Пах-пах-пах!— деб амалдорлар ҳайрон бўлиб бир-бирларига қарашди.

— Буюк ва донишманд Ботухон жаноблари кечалари туш кўриб, кўкка, ўз боболари муқаддас соҳибқирон Чингизхон ҳазратлари олдига учиб чиқиб, у зот билан суҳбатлашар ва бутун жаҳонни босиб олиш учун нима қилиш кераклиги ҳақида у зотдан маслаҳат олармишлар

ва ўзлари ҳам кўкда яшайдиган боболарига, жанг май-донида ҳалок бўлган қаҳрамон жангчилар руҳларидан тузилган кўкдаги арвоҳ аскарларни қандай бошқариш ҳақида маслаҳат берармишлар, шу гаплар ростми? Мен, соҳибқирон Чингизхоннинг руҳлари ҳар сафар ҳамма набираларидан кўра суюклироқ Ботухоннинг доно маслаҳатлари ва таъзимларига қойил қолиб, миннатдорлик билдирармишлар, деб эшитдим.

Олексич сўнги гапларни суҳбатдошларига энгашиб, шивирлаб гапирди.

Иккала мансабдор ҳам оғизларини очиб ағрайиб қолишди ва бир-бирларига қараб, олдиларидаги қадаҳларини шошиб-пишиб ичиб юборишди. Ёши каттароқ битгаси мирзанинг олдидаги най қилиб ўралган қоғозларни олиб қўйнига тикди, иккинчиси эса тили гўлдираб, пичирлаб гапирди:

— Бизлар бундай муҳим ва мушкул саволларга жавоб бериш учун ижозат олган эмасмиз. Сайинхон жаноблари сизни қачон қабул қилишларини айтиб, бизлар яна келамиз, шунда қизиққан нарсаларингизнинг ҳаммасини айтиб берамиз.

Меҳмонларнинг иккови ҳам ўз одатларига мувофиқ, ўзлари шароб ичиб ўтирган ҳалиги кумуш қадаҳларни қўйинларига тикиб, отларига миниб хўжайинлари томон қайтиб кетишди.

Эрталаб, энди чиқиб келаётган қуёш нурлари дарё бўйидаги дарахтларнинг учига тушганда, Гаврила Олексичнинг чодирини ёнида сарбозлар сепоя ўчоққа осиб қўйилган катта мис қозоннинг тагига ўт ёққан ва қўй гўштларини бузиб ерга ёйиб қўйилган қўй терисининг устига ташлаётган вақтларида бир неча қуролли отлиқлар келиб чодирдан ўн қадамча нарида отдан тушди. Бу вақт Гаврила Олексич ўз чодирини чармдан қилинган йиғма курсида эшикка яқин бир жойда ўтирган эди ва белидаги олтин камарига қимматбаҳо тошлар қадалган чиройли қилич осанга қоматли бир жангчи йигитнинг кечаги икки меҳмон билан бирга ўзига қараб келаётганини кузатиб турарди. Улар Олексичнинг олдида келиб икки букилиб таъзим қилишди, кейин ҳалиги жангчи йигит сўз бошлади, тилмоч Олексичнинг ёнига келиб унинг сўзини таржима қила бошлади:

— Бизнинг буюк, шавкатли ва қудратли ҳукмдоримиз Ботухон ҳазратлари...

Шу гаплар айтилиши билан Гаврила Олексич дархол ўрнидан туриб қаддини ростлади ва бошидаги қундуз телпагини қўлига олди. Келганлар бир-бирларига қараб олишди, жангчи йигит эса сўзида давом этди:

— ...Сиз, Новгороднинг олий насаб ва баҳодир элчиси жанобларига шуни эшиттиришни топширдиларки, зоти олийлари давлатнинг муҳим ишлари билан банд бўлиб, жанобингизга муносиб илтифот кўрсатишга қўллари тегмабди ва эндигина у ишлардан хотиржам бўлиб суҳбатлашиш учун сизни қабул қилишга вақт толибдилар. Зоти олийлари, сиз қадрли боярнинг эртага туш вақтида у жанобнинг шоҳона чодирларига марҳамат қилишингизга ижозат бердилар. Эрта билан ҳузурингизга хон сайислари ўзингиз ва мулозимларингиз учун от олиб келади. Жанобингиз шу отларни миниб ҳукмдоримиз сизни қабул қилиш учун тайин қилган жойларига борасиз.

Гаврила Олексич телпагини қўлида ушлаб туриб гапирди:

— Жаноби олийларининг илтифот қилиб ижозат берганликларидан миннатдорман. Зоти олийнинг садоқатли вакиллари тайин қилинган вақтга етиб боражагимни билдиринг. Арзимаса ҳам мен баъзи бир ҳадялар олиб борсам бўлармикин?

— Ҳадя ҳақида мен ҳеч қандай ижозат олганим йўқ эди, шунинг учун бу тўғрида сизга кейинроқ, агар буюк Сайинхон суҳбат вақтида сизга илтифот кўрсатсалар, шундан кейин айтаман.

Шу гапдан кейин татар йигит қаддини букмай, улуғвор бир ҳаракат билан ўнг қўлининг учини кўксига, лабига ва ниҳоят манглайига сал теккизиб қўйди. Кейин қайрилиб, сувлиғини чайнаб турган жийрон оти томон жўнади. Йигит отига сакраб минди-да, ўзини кузатиб қўяётган Олексичга яна бир марта қайрилиб қаради ва ўрнидан қўзғалган отининг бошини тортиб тўхтади.

— Сиз мендан яна бир нарса сўрамоқчимидингиз, муҳтарам рус элчиси?

— Топдингиз, ботир йигит. Мен сизнинг исм-шарифингизни сўрамоқчи эдим.

— Менинг отим Мушук, буюк хон ҳазратларининг шахсий қўриқчилариданман.

Жиловидан тортилиб турилган от, оғзидан кўпикларини сачратиб, ўйноқлай-ўйноқлай юриб кетди. Тагида-

ги отнинг олтин-кумуш абзалларига ва устидаги қизил кимхобга тушиб турган қуёш нурларининг жилваси орасида жангчи йигит ўзига ярашган ғурур билан ҳалиги улуғвор хўшлашувни яна бир марта такрорлади-да, да-рахтлар орасига кириб кўздан ғойиб бўлди.

Олексич кўк шойи кўйлагининг ёқасини ечиб, қўллари-ни бошига қўйиб, от тўқими устида чалқанча ётиб, кечаси билан ухламай чиқди, ҳар хил хаёллар олиб қо-чиб, безовта қилди. Гоҳ акси тиниқ кўлга тушиб туради-ган Переяславлнинг дуб қўрғонлари эсига тушар, гоҳ жар-жилғаларнинг бўйидаги қор босган қишлоқларнинг хира чироқлари кўз олдидан ўтар, гоҳ обод, эркин Нов-городнинг оппоқ улуғвор ибодатхоналари, черков кўн-ғироқларининг байрам садолари ва бутун аҳолини кенг-ашга, яъни ўзи ёшликдан бирга ўсган дўсти, ўткир жасратли князь Александрнинг ёнида туриб кўп марта қатнашган, кенгашга чақириладиган азим кўнғироқнинг бесаранжом данғиллаши хаёлидан бир-бир ўтарди.

Хаёллар даҳшатли татар хони билан кўришишга, кўп кишилар учун сўнгги кўришиш бўлиб қоладиган навбат-даги кўришишга яна қайтди... Бепоен чўлу биёбонлар подшоҳи, одатда хомуш бўлиб ўтирадиган ҳукмдор унга нима дер экан? Нима талаб қиларкин? Шунда унга ни-ма деб жавоб бериш керак? Ҳали, мунгаймас мўғул аскарлари хон ҳузурига кириш олдида ёғоч ва алангага топинишни талаб қиладиган бақироқ шомон-лар қўриб турган Ботухоннинг шойи чодирига етиб бора олармикин? Рус паҳлавонининг ғурури билан иродаси унга муте бўлиб, елкаси букилармикин? Ёки бунга ҳам Чингиз галаларининг Қалка дарёси бўйидаги ғалабаси-дан кейин татар хонлари базм қилиб ўтирган тахтлар-нинг тагига тахлаб, суяклари синдирилиб, қийнаб ўлди-рилган рус асирларининг куни бошига тушармикин? Бадният Батига, бир вақтлар ўзлари вайрон қилиб қайт-ган Залесьега, Суздаль русига ҳамда обод, эркин Новго-родга ўзининг ваҳший, босқинчи қўшинларини яна юбориш ниятига тушиб қолдимикин? Новгород учун кимлар хавфлироқ: Россияни сиқиб келаётган, калонди-моғ немислар билан шведларми ёки ниятини кўнглига тугиб турган Батигами?

Сарбозлар ваъда қилинган отларни олиб келганда, Гаврила Олексич хон ҳузурига боришга тайёр эди. У ялтироқ совутини кийиб, ҳар ер-ҳар ерига тилла тугмалар қадалган сербар кумуш камарини белига боғлади. Камарининг чап тарафига кумуш қоплама яшил қинли, сопи «балиқ тиши» — морж дандонидан қилинган қилич осиглиқ эди. Бошидаги йўл-йўл ўйма накшли ялтироқ дубулғасининг тагидан қизғиш-сарик сочлари кўриниб турарди. Оёғига учи қайрилма панжарагулчин қизил сахтиён этик кийган эди.

Ҳали ҳам чодирнинг ичида турган Олексичнинг ёнига бир сарбоз келди-да, дудуқланиб:

— Хоннинг юборган отлари келди-ю, фақат... жаҳлингиз чиқмасин... жуда ёмон отлар. Бундай ҳайвонга миниб юриш сизга муносиб эмас. Татарларнинг ўзи масхара қилади,— деди олазарак бўлиб ва шундан кейин сарбоз чодирнинг эшик ўрнига тутилган гиламни қайирди.

Чодир олдида дарҳақиқат қариб буврил тортиб кетган бўз бия пастки лабини шалвиратиб тўмтоқ сарик тишларини кўрсатиб турарди. Эгари хонларга хос бўлса ҳам, жуда шалоғи чиққан ва остидан қизил бахмал ёпиқ урилган эди; ҳамма абзаллари ҳам эски, айниб кетган, думи чўлтоқ, оёқларини эса кериб, йиқилиб тушгудай бўлиб турар эди. Қолган икки от ҳам шундай бўлиб, бу отларни ясанган индамас татар аскарлари савлат билан жиловидан ушлаб турган бўлса ҳам, ботир сарбозларга муносиб эмас эди.

Гаврила Олексич чодирнинг эшик пардасини тушириб қўйди. У бошидаги дубулғасини олиб, устидаги совутини ҳам жаҳл билан ечиб ташлади. Сарбозга сахтиён этигини торттирди. У бошқача кийиниб чодирдан чиқди, энди у ёқасига марварид қадалган зангори шойи кўйлак, сидирға зангори мовут чопон кийиб, белига қайиш камар боғлаб олган эди. Оёғида оддий булғори этик, ҳеч қандай қурол-яроғи йўқ эди.

— Никодимни бу ёққа чақиринглар!

— Мен шу ердаман, жаноб! — деб жавоб берди яқин келиб, улуғвор хазиначи га, Олексичнинг ҳамроҳи.

— Гапимга яхши қулоқ сол. Никодим ва мен айтганни қил: бияга чет элдан келган энг яхши бахмалдан ёпасан, айил ўрнига тилла камарлар тортасан, бунинг учун энг яхшиларини ўзинг танлайсан. Биянинг манглайдан тумшугигача марварид шодаларини осиб ташла. Анови икки от устига иккита заифона сувсар пўстин ёп ва йўлда тушиб қолмайдиган қилиб яхши камарлар билан танғиб қўй.

Никодим Гаврила Олексичга бош кўтариб қаради-ю, лекин йўқ дейишга ботина олмади.

— Хўп бўлади, жаноб! Йўл хуржунларимизни очиб қарагунимча бир оз сабр қиласиз-да.

Олексичнинг кўзи бир четда турган, ўзи билан бирга ўрдага келган князь тарихчиси, олим Варсонофия ҳазратга тушиб қолди.

— Менга қаранг, ҳазрат! Табаррук жуббангизни¹ яхшилаб кийиб, увду анбар тутатқичингизни ҳам қўлингизга тутиб олинг. Сиз ҳозир мен билан бирга борасиз. Сиз билан биз балки оғир дамларни, қайғули кунларни бошдан кечирармиз, ҳатто уйга қайтмасмиз ҳам.

— Хўп бўлади, ўғлим! Фақат тутатқи тутатиш учун ичига чўғ солинган сопол қувачани ҳам олайин.

Никодим сарбозлар билан хон томонидан юборилган отларни ясатиб бўлгунча мўғул аскарлари худди тошдек қотиб, фақат қошлари гоҳ кўтарилиб, гоҳ қуйи тушиб турарди. Гаврил Олексич чодирга қайтиб кирди, унинг кетидан чодирга рухсатсиз кирган Боту тилмочи ўйдан отилиб чиқди-да, оёқ устида зўрға туриб қолди. Ниҳоят, хазиначи чодирнинг пардасини қия очиб:

— Буюрганингиздек ҳамма нарса тайёр бўлди!— деди.

Шундан кейин Олексич чодирдан чиқиб, қундуз телпагини манглайига суриб қўйди-да, мўғулларга қараб деди:

— Бу бияларни менга янглиш юборилибди. Мен билманки, татар хонлари ҳам, рус князлари ҳам фақат айғир минадилар. Бундай бияларни фақат хотин-халажлар минади ва юк ташилади. Шу сабабдан бу бияларни татар ҳукмдори ҳазратларининг,— бу сўзларни айтганда

¹ Жубба — поплар киядиган узун чапон. (Тарж.)

у қундуз телпагини қўлига олиб гапирди,— донишманд ва муҳтарама волидаларига элиб беринглар ва мендан хонимга салом айтиб, қўли калталиқ қилиб яхши ҳадялар юбора олмади. Буларни ўзларининг содиқ хизматкорлари Новгород элчисидан қабул қилиб олишларини ўтинаман, деб айтди денглар.

Ботунинг иккала амалдори ҳам алланималар деб валдирар эди. Олексич уларга жавоб бериб:

— Хонлар бир сўзли бўлади, рус паҳлавони ҳам худди шундай. Мен нима десам, шу бўлади!— деди. Шундай деб у ўзининг янги ва сирли тақдири сари аста ва ўйчанлик билан қадам ташлаб кетди. У ҳеч қаёққа қарамай оғир қадам ташлаб борар, унинг кетидан одамлари, совға-саломлар ортилган от ва аравалари тизилишиб борарди, мабодо Ботухон ўзининг шимолдан келган меҳмонини чақириб қолгудек бўлса деб уларни олдиндан тайёрлаб қўйишни буюрган эди.

Дарё бўйидаги нотекис йўлдан, янги қурилаётган уйлар, дўконлар ёнидан юриб боришга тўғри келди, бу ерларда қовурилган балиқ, сурланган вобла балиғи, жавдар ва буғдой нонлари сотилмоқда эди. Ҳамма ерда тинкаси қуриган рус асирлари ишларди.

Кейинроқ йўл тепаликка қараб кутарилди, Олексичнинг ёнроғида келаётган тилмоч қўлини чўзиб узоқларни кўрсатди:

— Ҳув анови ёқда, тепаликлар ортида қароргоҳ ва мўғул ҳукмдорининг кичкина олтин уйи бор.

Ана, офтобда алангадек ёниб турган ранг-баранг ўймакор гулли, баланд минорали «олтин уй» ҳам кўринди. Йўл бир тарафга қараб бурилди. Шунда Гаврила Олексич мудҳиш бир манзарани кўриб, аъзойи бадани жимирлаб кетди. Йўл ёқасида, ораси бир-биридан бир неча қадам нарида одам бўйи келадиган қозиқлар ўрнатилибди. Бу қозиқларнинг ҳар бирига биттадан одам калласи кийгизилиб қўйибди. Гаврила Олексич қадамини секинлатиб, ниҳоят тўхтади. Унинг кетидан келаётган ҳамроҳлари ҳам тўхташди.

— Варсонофий ҳазрат! Қаёқдасиз?

Кекса зоҳид қалтироқ қўлларида кумуш тутатқич билан ичида чўғи бор, канопада тебраниб турган сопол кувачани кўтариб яқинроқ келди:

— Ҳўш, ҳазрат, қани энди жаноза ўқиймиз!

— Ҳаммаси тайёр...

— Ахир булар ўзимизникилар-ку... Ботухон эркинликка чиқариб, мен билан ўз юртларига жўнашга ижозат бермоқчи бўлган кишилар-ку...

Ўқтин-ўқтин эсган шамол кесилган бошларнинг сариқ, оқ оралаган ва қора соқоллари ҳамда узун сочларини ҳилпиратиб турарди. Булар жуда кўп эди. Қозиқларнинг кети кўринмасди.

Қарғалар билан шаллақи зағизгонлар узоқдаги каллаларга қўниб олган ва бир-бирлари билан таллашиб, қотиб қолган кўзларни чўқишарди.

Варсонофий қироат билан дуо ўқир, тутатқични силкитар, кўжимтир тутун енгил булутдек жонсиз юзларни ялаб ўтар ва гўё уларни эркалатиб, хайрлашиш саломи бераётгандек эди.

Гаврила Олексич крест билан ўзини чўқинтириб секин олдинга юриб бориб, бир калла олдида бирданига тўхтаб қолди. Ҳали қушлар чўқимаган сал очиқ кўзлар пайваста қуюқ қора қошлар остидан тикилиб тургандек эди. Унинг соқоли йўқ, оқарган узун мўйловлари эса шамолда ҳилпираб турарди. Чала юмуқ оғзи гўё сўнгги сўзларини айтолмай қолгандек эди.

— Ратша! Бобожон! Отажоним!..

Олексич гандираклаб кетди, юзларини қўли билан ёпиб олди, кейин бошга яна бир кўз ташлади-да, ҳеч қаёққа қарамай, ҳеч ерда тўхтамай шахдам қадам ташлаб олдинга қараб кетди.

Варсонофий ҳазрат пичирлаб марсия ўқиб тутатқичини силкитар ва кексарган юзларидан секин кўз ёшлари оқиб тушарди.

Олтинчи боб

БОТУНИНГ МАРҲАМАТИ

Ботухон ўз меҳмонини сийлагиси келган кундан бошлаб, Гаврила Олексичнинг турмуши янгича бўлиб кетди. Узун ола байроқ чопон кийган басавлат хизматкорлар рус паҳлавонини баланд қирғоқдаги кўкаламзор ўртасига тикилган гулдор чодир олдига келтириб қўйишди. Атрофда кўпгина ўтовлар кўринар, бу ўтовлар олдида бошларига оқ дакана ўраб, устларига рангдор

кийимлар кийган мўғул хотинлари ўтирар ва у ёқ-бу ёққа юриб туришарди. Гаврила лабини гишлаб ўзини бепарво кўрсатишга тиришар, аммо унинг ўткир назаридан ҳеч нарса қочиб қутулолмасди.

Олексич тушган чодир ҳамма чодир утовлардан билад ҳамда зийнатлироқ эди. Инак гилам осиб қўйилган эшик олдида мўғуллар саф тортиб, табаррук меҳмон шарафига мадҳиялар ўқишарди.

Гаврила катта чодирга бир неча қадам қолганда тўхтади ва «ўзганинг тўйида ўзгача ўйин туш» деган мақолни эслаб, татарларнинг ҳамма урф-одатларини бажо келтирмоқчи бўлди. Хизматкорлар чодирга борадиган йўлга ипаклик қизил матодан поёндоз ёзишди, эшикка тутилган гиламни номаълум бир қўл қия очди, шунда чодир ичидан ёш бир хотин қоплондек сапчиб чиқди-да, ҳурккандек қотиб қолди. Чарақлаган офтобда бежирим оёғининг тўпиқлари билан позик билакларини безаб турган олтин-кумуш ҳалқа ва билагузуклари ялтираб кетди. Хотин енгил қадам ташлаб Олексичнинг олдига югуриб келди-да, чўкка тушиб, унинг панжарагулчин саҳтиён этигини қучоқлаб олди. Ёнида турган сариқ соқол тилмоч Олексичга одоб билан энгашиб, энди унинг нима қилиши кераклигини секингина айтди.

— Бу гўзал келинчакни қучоқлаб олинг! Юлдуздек порлаб турган кўзларидан ўпинг. Бағрингизга босиб, чодирингизга олиб кириб кетинг!

Гаврила Олексич суюниб кетди. У бўлаётган воқеаларга ажойиб бир туш ва кишини ҳайратга соладиган бир эрмак деб қаради. Кейин у ўзининг янги қаллиғини кўтариб олди, келинчак эса гужанак бўлиб, унинг баҳодирона кўксига сингиб кетди.

— Упинг! Упинг!— деб шивирлади сариқ тилмоч.

— Ўргатма! Ўзим биламан!— деди у ва остонага оёқ теккизиш ярамаслиги эсига тушиб, ҳатлаб чодир ичига кириб кетди.

Чодир ичида гулханча ёниб турарди. Олексич оловдан айланиб ўтди-да, уюлиб ётган шойи ёстиқлар устига қизни қўйди. Юзидаги рўмолини шартта олиб ташлади-да, суюнчдан жавдираб турган қора кўзларидан ва чиройли қип-қизил лабларидан эҳтиёт ва пазокат билан ўпди.

Тилмоч бир нима деб шивирлаган эди, Гаврила қўлини силтаб қўйди.

Ҳар ёқдан ўлан, чирманда овозлари ва мис баркашларнинг даранг-дурунги эшитилиб турарди. Қиз Олексични итариб ташлаб, унинг қучоғидан сирғилиб чиқди-да, чодирнинг орқа томонига бориб ўтириб олди.

— Ёнига бориб ўтиринг,— деб шивирлади Олексичга, унга яқинроқ келиб тиз чўккан таржимон.— Ҳади-ларни қабул қилиб олинг! Буюк Сайинхон сизга олий илтифот кўрсатмоқчилар.

Чодирга кекса-ёш мўғул ва қипчоқлар кириб кела бошлади. Уларнинг ҳар бири бир неча оғиз тантанали табрик сўзлари айтиб, гилам устига кумуш ва жез кувачалар, косалар, шойи кийимликлар, гулдор кийимлар қўйди, кейин куёв билан келинга узоқ ва бахтли умр тилаб, орқаси билан юриб чодирдан чиқиб кетаверди. Келган меҳмонлар учун қўшни ўтовда гилам устига катта дастурхон ёзилиб, катта жез баркашларда турли нознеъматлар тортилди.

Ҳаммадан кейин Олексич чодирга кўринишдан эпчил икки ёш мўғул жангчисн кириб шанғиллаб деди:

— Шавкатли Ботухон ҳазратлари, илоё минг йил умр кўрсинлар, тўйингизни қутлаб сизга жаҳондаги энг чопқир отни юбордилар.

Тилмоч Олексичнинг қулоғига шивирлаб:

— Энди сиз ташқари чиқиб, отнинг жиловидан олишингиз ва чодирингиз ёнига ўз қўлингиз билан боғлаб қўйишингиз лозим,— деди.

Отни эшитгач Олексич сапчиб ўрнидан турди-да, қувона-қувона чодирдан чиқди. Эшик олдида устига қизил ипаклик матодан ёпиқ урилган катта бир човқар от типирчилаб турар, сувлиғини чайнаб, оғзидан паға-паға кўпик сочарди. Икки сайис, олтин ҳалқалар қадалган жиловни икки тарафдан маҳкам ушлаб, отни сийпалаб турарди. Олексич улар олдига келди. У жиловни қўлига олмай, отнинг тумшугига қўл чўзиб эди, от ердаги поён-дозни тепиб-тепиб пишқирди. Шунда Олексич ичига бол солиб пиширилган катта бир тўқоч олдириб келиб отга чўзди. От кўзларини олайтириб қаради-да, юмшоқ лаблари билан Олексичнинг кафтидан тўқочни олди.

Эртасига ҳам Олексични ҳар хил одамлар келиб зиёрат қилишди, улар ҳам ҳар хил тўёналар: ипак гиламлар, кумуш қумғонлар ва кумушдан қилинган ғалати нарсалар.

лар олиб келишди; Гаврила бу нарсаларни нима қилишини ҳам билмасди... У ҳам, ҳар кимга бирор совға бериб жўнатар, фақат бир нарсанигина: қандай қилиб бўлса ҳам Боту қароргоҳидан тезроқ қутулиб, шимолга, ўз юртига қайтиб кетишни ўйларди.

Олексични кутлаш учун келган дастлабки меҳмонларнинг бири ёш араб элчиси Абдураҳмон эди. У анча вақтгача у ёқдан-бу ёқдан гапириб ўтирди, афтидан, бир нарса айтмоқчи бўларди-ю, аммо гапиришга мулоҳаза қилаётгандек эди.

Гаврила буни пайқаб ўзи гап бошлаб, сўради:

— Шонли амир ҳазратлари, бу ерда шундай даҳшатли бир иш борга ўхшайдики, уни балки, бу ердагиларнинг ҳаммаси ҳам билса-да, аммо менга бу тўғрида ҳеч ким оғиз очиб сўзлашга ботинолмайди, шу тўғрида жанибингиз мени хабардор қилолмайсизми?..

— Сиз, кекса рус саркардаси Ратша тўғрисида сўрамоқчи бўлсангиз керак, а?

— Ҳа, шундай, ҳушёр ва тажрибакор бобом Ратша, қандай қилиб буюк ҳукмдорнинг бундай шафқатсиз газабига дучор бўлганига ҳеч ақлим етмайди.

— Ҳозир мен сизга ҳаммасини айтиб бераман. Ботухон, Ратшанинг атоқли рус саркардаси эканини билиб, унга илтифот кўрсатмоқчи бўлибди. Бу қўшинда Ботухон чет эллик бирор сипоҳийни мўғул аскарининг бир қисмига бошлиқ қилиб тайинласа, уни хоннинг кўрсатган олий ҳурмати деб ҳисоблашар экан. Кунлардан бир куни Ратшани Ботухон ўз олдига чақириб:

— Қўшинимга кириб, қаҳрамонлигингни кўрсат!— дебди.

— Ҳўш, ундан кейин-чи?— деб сўрабди Ратша.

— Ўрис асирларидан бир тўп аскар тўплайсан. Уларнинг қўлларига қурол-яроғ ва тағларига от бераман, хотиржам бўлишим учун тўплаган аскарларнинг жуда ишончли бўлсин.

— Сиз бизларни кимга қарши урушга юбормоқчисиз?

— Мен билан бирга ўрисларнинг қайсар шаҳарларини бўйсундириш учун борасизлар,— дебди Ботухон.

Шунда Ратша ҳатто ўйлаб-нетиб турмаёқ:

— Ўзим ҳам бормайман, бошқаларни ҳам бу ишга ундамайман!— деб узил-кесил жавоб берибди.

Шунда Ботухоннинг жаҳли чиқиб, ахир бир кун бу фикрдан қайтиб қолар, деб Ратшани зиндонга ташла-

тибди. Бир неча кун ўтгандан кейин уни яна чақириб сўраганда, кекса саркарда ҳамон аввалгича жавоб берибди. Шунда юзлаб рус асирларнинг боши кесилибди, дастлаб Ратшанинг бошини кесибдилар.

— Тўғри,— деди Олексич секингина,— мен довюрак бобомдан бундан бошқачароқ бирор нарса кутмайман.

Энди Олексич жуда серташвиш ва бесаранжом кунларни бошидан кечира бошлади. У йигирмалаб-ўттизлаб тўда-тўда рус асирларини тўплаб, от-араваларга дон-дун, қоқланган балиқ, катта буханка нонлар ортиб бериб, уларни бирин-кетин Волга бўйлаб юқорига, кейин саҳро орқали Рязанга юбориб турди. Баъзи бир отлар устида касал ва ҳаддан ташқари ҳолдан тойган асирлар букчайиб ўтирарди.

— Ҳа-ҳа, тезроқ бўлинглар, оғайнилар, тезроқ ўз юртимизга етиб олинглар!— деб шоширарди уларни Олексич.— Татар хони айниб қолиб, ҳаммамизни янги бир қурилишида ишлатишгами ёки узоқ сафарга жўнатишгами ушлаб қолмасин тагин.

Ботухон Гаврила Олексични баъзан ҳарбий кенгашига ҳам чақирар ва бу кенгашда «мағриб мамлакатларига бўладиган сафар режалари муҳокама қилинарди. Ботухон ва унинг сафдошлари Киев, Чернигов ва бошқа Ғарбий рус шаҳарларига ҳужум қилиш учун тайёргарлик кўраётганини эшитиб ўтириш Олексичга жуда оғир эди... Сафар яқинлашиб қолган, татар қўшинларининг олдинги қисмлари қипчоқ саҳролари орқали ғарбга жўнаб кета бошлаган эди. Олексич, Ботухон сафарда ёнимда бирга юргин деб қолармикин, деб қўрқарди.

Кунлар ўтарди... Олексич тонг маҳалида чодиридан чиқиб, дарё бўйига, қирғоқ бўйлаб ёниб турган гулханлар олдига тушди. У ерда гулханлар атрофида таниш солчилар ўтирар, сочлари пахмоқ бўлиб кетган бошларини сопол хурмачага энгаштириб, суюқ ошларига ёғоч қошиқ тиқишиб иштаҳа билан ичиб ўтиришарди.

— Балиқ шўрваси ичяпсизларми?— деб сўради Олексич, қўй тери нимпўстини дабдала бўлиб кетган бир чолнинг ёнига бориб, ходага ўтираркан. Пўстин йиртиқларининг баъзи жойларидан чолнинг офтобда қорайган баданни кўриниб турарди.

— Бўлмаса нима бўларди? Бу ерда балиқ жуда ҳам

мўл экан, жониворлар қирғоққа ўзи чиқиб келади-я. Фақат тузимиз йўқ эди-да.

Гаврила ҳуштак чалиб, орқасига бурилди. Унинг орқасида, қаерга борса кетидан қолмайдиған бадқовоқ бир татар хизматкори пайдо бўлди.

— Тузинг борми, Шокир?— деб сўради Олексич қипчоқчасига. У энди хон атрофидагилар тилида гапиришни оз-моз ўрганиб олған эди.

— Не буюрсангиз-да, бари бор, бегим! Йўқ бўлса, топиб келаман!— деди Шокир ва Олексичнинг кетидан кўтариб юрадиган гилам хуржунни титкилади-да, хуржундан бир чарм халтача олди. Гаврила ундаи бир сиқим туз олиб балиқ шўрваси биқиллаб турған кувачага ташлаб юбормоқчи бўлған эди, чол унинг қўлини ушлаб қолди:

— Тўхтанг, тўхтанг, яхши йигит. Туз ҳозир бизда олтиндан ҳам қиммат. Уни онда-сонда ялаб юриш учун енг учимга тугиб сақлайман.

Чол қўлтиғидан йиртиб олинған бир енг парчани чиқарди-да, унинг бир учини тугиб халта қилди, Гаврила унга бир неча қисим туз солиб берди.

— Қўйлакнинг ўзи қани?

— Қўйлагим чириб кетди. Фақат бир енгигина қолди. Омон-эсон уйга борсам, кампирим янги кўйлак тикиб беради.

— Шокир, битта янги кўйлак бергин!

Хизматкор ғалати бир қараш қилди-да, аста ғўнғиллаб жавоб берди:

— Хўп бўлади, хўжайин! Қўйлак-ку бор-а, аммо бундай чувриндилар учун эмас-да.

— Мен сенга нима дедим!

Шокир афтини буриштириб, хуржундан бир қизил шойи кўйлак олди-да, хуржунни ерга қўйиб, кўйлакни силкита-силкита Олексичга берди.

Чол сакраб ўрнидан турди:

— Йўғ-э, йўғ-э, Гаврила Олексич! Савдогарга мол беряпсизми, ахир? Бундай кимматбаҳо кўйлак боярларга ярашади, менга йиртиқ-ямоқ бўлса ҳам бўлаверади,— деб қўлини чайқаб рад қилди.

— Қўйлак ёқмаётған бўлса, бошқасига айирбошлаб оларсиз.

— Бунинг бадалига бешта каноп кўйлак беради... Сиз берған ҳадяни айирбош қилиб юармидим! Юртим-

га қайтганимдан кейин бу шойи кўйлакни кийиб уйга кирадиган булсам, кампирим фарёд солиб йиғлайди-ю, анқайиб қолади-да!

Гулхан теварагида ўтирган бошқа солчилар ўришларидан туриб чолни қуршаб олишди ва дағал бармоқлари билан асл кўйлакни пайпаслаб кўришди.

— Майли!— деди Олексич.— Кўйлак сизники, нима қилсангиз тиктиёр ўзингизда!

Шундан кейин Олексич бошқа гулханлар томон бурилиб кетди. Солчилар ёнига бориб ўтирди ва ҳаммаларидан ҳол-аҳвол суради... Ҳамманинг дарди фақат ўз юртида — кўҳпа Волхов, совуғи қаттиқ, жимжит Ильмень кўлида эди.

— Озроқ сабр қилинглар! Ботунинг саройини қуриб бўлинглар, кейин юртимизга ҳаммамиз бирга қайтиб кетамиз.

Ишда ғайрат ва эпчиллик кўрсатганларга мукофотлар бериб, хуржунни бўшатгандан кейин Олексич тепалик устига чиқиб кетди. Уша ердан анча вақтгача кўз илғамас ерларга тикилиб қаради. Қаёқдандир мунгли ва янграган қўшиқ товуши эшитилди, бошқа ёқлардан болталарнинг тақир-туқури, туяларнинг бўзлагани ва бақиргани, отларнинг кишнагани ва жонажон русча ашула товушлари желиб турди.

Яна кунлар ўтаверди...

Ҳар куни кечқурун Олексичнинг чодирига меҳмонлар: Ботухоннинг дўст-ёронлари йиғилишиб турди. Хизматкорлар меҳмонлар олдига оғзи мум билан бекитилган хумчаларда лаззатли майлар, майизлар, тандирда ёпилган сўлқилдоқ нонлар ва шакардек ширин бўғирсоқ, қуштилилар келтириб туришди.

Маст бўлиб олган меҳмонлар, ёстиқларга ёнбошлаб, Олексич билан бирга Новгороддан келган икки баҳшининг гусли чалиб айтадиган ёт эл ашулаларини тушунасалар ҳам эшитиб ўтиришни яхши кўрардилар. Баъзан Гавриланинг ўзи хиргойи қилиб ашула айтар, унинг паст ва жарангли овози чодирни тўлдириб юборгудай бўларди.

Меҳмонлар тарқашганидан кейин, секин юриб чўрилар киришар, ҳамма ёқни йиғиштирар, қулоғига жез ҳалқа тақиб олган уларнинг каттаси, маст бўлиб қолган Гавриланинг қулоғига шивирлаб:

-- Гўзал бекачимиз севикли хўжайинларини кута-кута тоқатлари тоқ бўлди,— дерди.

Олексич сиртга чиқиб, жар қирғоғида тўхтади-да, анчагача сувнинг тўлқинланиб оқиши ва ой нурининг дарё юзидаги жилвасини томоша қилиб турди. У ер-бу ерда гулханлар милтиллаб кўринарди. Даҳшатли хон қароргоҳи аллақачон чуқур уйқуга чўмган, онда-сонда қоровулларнинг «ҳушёр бўл, айғоқ бўл!» лари, асов айғирларнинг кишнашлари ва итларнинг узоқда вовиллашлари эшитилиб турарди. Сокин тун гўзаллигидан ҳузур қилган Гаврила ўзининг шарқлик жонони чодирини томон йўл олди. Чодирга кириб борган Гаврила Зербиёт хонимни бир гиламча устида ўтирганини кўрди. Хоним мушукдек сапчиб, олтин-кумуш билагузукларини шилдиратиб Олексичнинг бўйнига осилиб олди.

Чодирнинг тирқишларидан тушган ой нури, хонимнинг жозибадор қора кўзлари ва ўсма қўйилган ингичка қошларини ёритиб юборди...

У, Олексичдан ташвишланиб сўради:

— Нега бунчалик ҳаяллаб қолдингиз? Қимларни кўрдингиз? Қимлар билан суҳбатлашдингиз? Ўз атоқли князингиздан қандай янги хабарлар келди? Гапириб беринг-чи! Мен сизни шунчалик зориқиб кутдимки, асти қўяверасиз.

— Кейин, бошқа сафар! Ҳозир жуда чарчадим. Яхшиси, сен менга эртақ айтиб бергин...

Олексич уни кўтариб бориб шойи ёстиқлар устига қўйди ва мудраб ўтириб, ўзининг ҳашаматли саройида, узоқ жойга урушга кетган қаллиғи тўғрисида ҳам чеккан гўзал малика тўғрисидаги ажойиб ҳикояни ёки маликани қушга айлаштириб қўйган жодугар тўғрисидаги, ёки бир маликанинг эркакча кийиниб, Осиёнинг поёнсиз йўлларини кезиб, ўзининг севиклисини излашга чиқиб кетгани, севиклисининг кўҳна бир қаср зиндонидан қолгани, ниҳоят, малика кўп саргузаштларни бошидан кечириб, уни қутқариб олгани тўғрисидаги ҳикояларни тингларди...

Гаврила қўнғироқдек мусиқий овоз таъсирида ухлаб қолди-ю, аммо ҳаяжони босилмади, уйқули кўзи олдида гўё қора булутлар тўпланар ва кумушсимон ковил битган далалар устидан кетма-кет тизилишиб ўтиб турарди...

Шундан кейин, бирданига, қалбига ўқ теккандек,

эсига «ановилар» темир совутлар кийган, яхши қуролланган, яхши отлар минган дақшатли душман, немис суворийлари келди... Ватанга, тезроқ ватанга!

Еттинчи боб

«УЙИНЧОҚЛАР»

Бир кун Гаврила Олексич чодирин олдига елкасида қайин пўстлоғидан тўқилган қутиси бор бир мўйсафид сайёҳ келди. Чол офтобда айниб кетган чакмон, бошига оддий новгородчасига тикилган барра телпак кийган эди. Белбоғида, узоқ сафардан кейин уйига қайтишда кийиш учун аталган бир жуфт янги чипта кавуш осиглиқ эди. Татар қоровули уни турткилаб, чодирга йўлатмади.

— Ҳой, қариндошим бояр! Гаврила Олексич! Марҳаматингиз қани? Овозимни эшитяпсизми? Бу ғайри динлар ҳузурингизга киргизмаяпти. Ўз юртингиздан хабар келтирдим,— деган товушни эшитиб Гаврила чодирдан югуриб чиқди ва сайёҳнинг олдига бориб елкасидан қучоқлаб:

— Чеҳрангиз таниш, қаердадир кўрганим эсимга келмаяпти...— деди.

— Узимизнинг Новгородда, бозорда кўргансиз. Мен ҳар вақт чўзма-чалпакпазлар ёнида, худди Мирон зарангчининг қаршисида турардим. Ов асбоблари ясайман: олмахонга ҳам, сувсарга ҳам, ўрмон товуқларига ҳам тўғри келадиган тўр тўқийман.

— Қани, бу ёққа юринг-чи бўлмаса. Утириб гаплашамиз. Сиз мени жуда хурсанд қилдингиз-да.

— Ҳали яна хурсанд қиламан,— деб чол Гаврила Олексич кетидан юриб чодирга кирди ва чўғларини кул босиб милтиллаб қолган гулхан олдига бориб ўтирди.

Чол эскириб кетган чакмонини ечиб, яхшилаб тахлаб қўйди, қайин пўстлоғидан тўқилган қутичани ўз олдига қўйиб, чўкка тушиб уни титкилашга тушди.

— Сиз бу ерга қандай келиб қолдингиз?

— Шошманг, ҳаммасини бирма-бир гапириб бераман. Мен сизнинг солчилар ва дурадгорлар билан узоқ

ўлкага, Волганинг қуйи оқимига кетганингизни эшитдим. Сизга қўшилиб кета олмаганим учун хафа бўлдим. Мен кўпдан бир ишни ўйлаб юрардим. Шунинг учун бир куни жанобингиз хонадонига қудам Оксен Осипович билан маслаҳатлашгани бордим...

— Яхши танийман,— деди Гаврила Олексич.— У бизнинг яхши ва садоқатли хизматкоримиз.

— Борсам қудам зинаюя олдида ёғочдан ўқ йўниб ўтирган экан. У билан ундан-бундан сўзлашиб туриб эдикки, сизнинг бойвучангиз чиқиб қолдилар. «Кеч қолдингиз, бобожон, хўжайинимиз аллақачонлар Волганинг қуйи оқимига, татар подшоҳи Батиганинг олдига асирларимизни тутқундан қутқариб олиб келиш учун кетдилар. У киши уйга қайтиб келгунларича, неча марта олча гуллар экан, билмайман. Соғ-саломат ва омон-эсон бўлишлари учун авлиёлардан мадад тилаб, дуо қиламан, холос. Қайтага, ўзингиз у кишининг олдиларига бориб бир кўриб келмайсизми? Йўл харжингизни мен ўзим бергизайин...» дедилар. Мен ҳам: «Хўб бўлади!— деб жавоб бердим.— Волга менга таниш, ўзимизники. Бир вақтлари ўзимизнинг йигитлар билан бирга бу дарёда неча марта кема ҳайдаганман!» дедим. Шундан кейин хоним мени уйларига олиб кириб, шундай йиғладиларки, ростини айтсам, кўз ёшига юзларини ювдилар. Хуллас, сизга салом айтиб, мана буни элтиб беришни буюрдилар...— деб чол қутичадан катта бир юмалоқ қуруқ мох олиб, уни Гаврила Олексичга узатди.

Гаврила мохни унинг қўлидан юлиб олди-ю, авайлаб ичини очди. Мохнинг ичидан ўзига жуда яхши таниш, липа ёғочидан усталик билан йўнилган, болалар сўраве-риб силлиқ қилиб қўйган иккита ўйинчоқ чиқди: бири кейинги оёқларида тик турган айиқни, иккинчиси барра қалпоқ кийиб, балалайка чалиб турган бир деҳқон тасвири эди.

— Бу ўйинчоқларни ҳам мох ичига хонимнинг ўзлари ўраганлар. «Мана шу қуруқ тўқай мохидан бўлса ҳам, менинг Гаврила Олексичимга жонажон рус ҳиди уриб турсин, яна худо сақласин, ўз уйини унутиб, татар динига кириб кетиб юрмасин тағин...» дедилар.

Гаврила мохни юзига босиб, кекса қарағай ўрмонларидаги игна баргларнинг ўзига таниш ҳидларини искаб, анчагача жим туриб қолди. Қайғу-ҳасрат, меҳр-муҳаббат вужудини қоплаб олди. Кўз олдида қалин ўт

босган кенг ҳовлиси келди: ҳовлида Любаваси қўлида чақалоғини кўтариб юрар, оқ кўйлак кийган катта ўғли онасининг этагидан тутиб баланд бўйли ўт орасида аранг кўришарди. Хотиннинг қувноқ кулгиси, қип-қизил юзидаги кулдиргичи, юрғанида кичкина сахтиён этигига қоқилган нағалнинг тақирлаши эсига тушиб кетди... Кўз олдидан кўҳна Новгороднинг кунгурадор қўрғони, Волховнинг улуғвор оқиши, шов-шувли ва серғовға маслаҳат йиғинлари бирин-кетин ўтди... Қанчалик узоқда бўлса-да, буларнинг ҳаммаси қадрли ва кўнгилга яқин-а! Маккор татар ҳукмдори уни ўз юртига қайтишига қачон ижозат берар экан-а?

Саккизинчи боб

У Ч Т А С У З

Эрта билан барвақт, ҳали кун чиқмасдан, Олексичнинг олдига гулдор салла ўраб, беқасам тўн кийган, кўп тилларни билувчи тилмоч келди.

— Буюк ҳукмдор Сайинхон, Новгород элчиси — жанобингизни дарҳол келсин деб чақиряптилар.

— Буюк хон ҳазратлари мени нима учун чақираётганларини билолмадингизми?— деб сўради Олексич, тез-тез кийинаётиб.— Илтифот ва марҳаматларини кўрсатиш учунми ёки мени қаҳру ғазабларига гирифтор қилиш учунми?

— Мен бунга нима ҳам дея оламан? Менга нима буюрсалар, шуни бажараман, холос. Бундан бошқасини оллоҳнинг ўзи билади.

Гаврила тилмочнинг кафтига бир олтин танга қистирди. Тилмоч хижолат бўлиб елкасини қисди.

— Мен бир нарсанигина эшитиб қолдим: бугунги суҳбат тоғдек ёки осмон довулидек катта бир иш устида бўлади. Аммо мен хоннинг ҳузурларига сизни ўзим олиб бораман ва нима қилишингиз лозимлигини секин шивирлаб айтиб тураман.

— Менга ҳеч нарсани айтиб туришнинг ҳожати йўқ. Нима қилиш ёки нима дейиш лозимлигини ўзим биламан.

— Мендан хафа бўлманг, жаноб, мен сизнинг хизмат-

корингизман!— деди шивирлаб тилмоч.— Фақат қиличигизни шу ерга ташлаб кетинг.

Олексич ҳамма қурол-яроғларини, ҳатто доим белига тақиб юрадиган ничоғини ҳам чодирда қолдириб, тилмочнинг кетидан юрди.

Вақт жуда эрта эди. Олтин ўрда хонининг ҳали уйқуда ётган ҳарбий қароргоҳи устида енгилгина туман сузиб юарди. Узоқларда гулханларнинг алангалари кўриниб турарди.

Орадан кўп ўтмай Гаврила Олексич, қипчоқларнинг оддий қора кигиз уйлари кенг доира шаклида қуршаб тикилган бир ялангликка чиқди. Бу ўтовлар ўртасига ёлғиз бир катта оқ ўтов тикилган эди. Унга борадиган ёлғизоёқ йўл устида учта гулхан ёниб турарди. Ўтлардан нари, ўтовга яқин жойда уч туп тиканли бута ўсиб турарди.

Тилмоч бу саҳро ўсимлигининг хосиятини тушунтириб, буюк хонга ёвуз ниятда бўлган кишининг бу буталардан нари ўтолмаслигини айтди.

Олексич бир он ўйлаб қолиб тўхтади-ю, кейин одатда Ботухонга салом бериш учун келадиган ҳамманинг бажариши лозим бўлган барча расм-русмни бажо келтирмоқчи бўлиб олдинга юрди. Шунинг учун у тиканакли буталар орасидан юриб ўтди, ёниб турган учта алангадан сакради, бу алангаларнинг олдида мўғул шомонлари гуруллашар, бойқушдек ку-кулашар, катта довулларни гумбурлатиб, биқсиб кишининг бошини айлантирадиган тутун чиқарувчи қуруқ исирик ташлаб туришарди.

Бунда Олексич араб элчисини учратди. Элчи уни очиқ чеҳра билан кулиб туриб қарши олди ва унга:

— Хўп вақтида келдингиз-да, шонли паҳлавон, чунки «буюк ва ягона» соҳибқирон сизни ҳозиргина сўраб туриб эдилар,— деди.

Олексич ўтов олдида тўхтади. Дубулға ва темир совут кийган иккита давангир мўғул навкар, қўллари кўк-силарида, тошдан қилинган бутдек қотиб, уйнинг ўймакор гуллар билан зийнатланган кичикроқ эшигини тўсиб турарди.

Абдурахмон одатдаги салом сўзларини салмоқлаб айтди. Шундан сал ўтмай оқ ўтовдан секин айтилган жавоб эшитилди. Икки навкар эшикдан четланди. Гаврила Олексич Абдурахмоннинг кетидан пастаккина эшикчадан сиқилиб ичкари кирди.

Ўтов ўртасида кичикроқ бир гулхан ёниб турарди. Гулхандан чиққан тутун буралиб-буралиб юқори кўтарилар ва тепадаги чанғароқдан чиқиб кетарди.

Ўтнинг орқасида, керагага тақаб солинган тўққиз қават кигиз устида сон-саноқсиз мўғул лашкарининг ҳукмдори чордона қуриб ўтирарди. У уйиб қўйилган арча шохларидан ўтга ташлаб турарди.

Бир четда сарой тарихчиси Ҳожи Раҳим ўтирар эди. Тилмоч унинг ёнида гиламга чўккалади-да, аста ҳамду сано айтди ва ёнғиллаб дуо қилди.

Гаврила Олексич кечагина Абдурахмон такрор-такрор таъкидлаб ўргатган таълимотларни эслаб, шуларни бажо келтирмоқчи бўлди. Шу топда унинг бошидаги фикрлари чувалса-да, у ўзини фақат бир нарса тўғрисида ўйлашга мажбур қилди; у ҳам бўлса: «Олтин ўрдадан қайтишда бизга тинчлик ва осойишталик олиб келади» деб кутиб ётган олисдаги рус кишиларини нима қилиб бўлса ҳам яна бир балога гирифтор қилиб қўймаслик эди.

Ботухон ишорат қилиб меҳмонни ўтиришга таклиф қилди.

Шундан кейин одатдаги салом ва суҳбатдошининг саломатлиги, севиқли оти, турмуш-маишатлари ҳақида бир-бирларидан ҳол-аҳвол сураш бошланди. Ботухон, афтидан, яна кимнидир кутмоқда эди.

Кўп ўтмай кутилган киши — Ботухоннинг якка кўзли ҳарбий маслаҳатчиси Субутой баҳодир ҳам келди. У Ботухонга бир нималар деб гапириб, унга яқинроқ жойга — гиламга чўкди. Кейин Гаврила Олексичга бурилиб, кесатаётгандек бўлиб-бўлиб жумбоқсимон бир сўз айтди:

— Пайти келди! Аллақачон!

Шунда Ботухон бармоқларини уқалаб оғир бир энтикиб, гап бошлади:

— Сизни жуда муҳим бир иш тўғрисида гаплашиш учун чақиртирган эдим. Сўзларимга чин кўнгилдан очиқ жавоб беришингизни истайман.

— Бажону дил, улуғ хон ҳазратлари, сизга фақат тўғри жавоб беришга ваъда қиламан.

Ботухон кўзларини тор тешикчадек қилиб қисди-да, рус паҳлавонининг хотиржам юзига қаттиқ тикилди. У салмоқлаб, муғомбирлик билан сўз бошлади, бу билан ўз сўзларини таржима қилиб улгуриш учун тилмочга вақт берар эди.

Олексич қошларини чимириб, Ботухон айтган гапларни ўз ичида муҳокама қилар: «Шошиб қолмасам яхши эди! Жавоб беришда эҳтиёт бўлиш керак, шу билан бирга одоб сақлаш ҳам керак» деб кўнглидан кечирарди.

— Гарчи ҳали ёш бўлсангиз ҳам, лекин менга айтишларига қараганда, анчагина хатарли жангларга дуч келган экансиз, ҳар сафар қаҳрамонона ғайрат кўрсатиб, қўноз Искандар билан бирликда ғолиб чиқар экансиз. Демак, омадингиз келган йигитсиз.

— Хайрихоҳлигингиз учун жуда миннатдорман, буюк хон ҳазратлари,— деб Олексич ўрнидан қўзғалиб қўйди.

Ботухон давом этди:

— Энди мен, сизнинг жанглардаги бахту омадларингизни шимол тарафлардагина эмас, мен ўйлаб юрган ва ўзингизга ҳам бир неча бор айтган улуғ сафарда қандай кўрсатмоқчи бўлганингизни кутиб юрибман. Менга қандай ёрдам кўрсатмоқчисиз?

Олексичнинг кўнглига: «У ҳар қандай буйруқларини иккиланмай бажо келтиришим учун мендан ваъда олмақчи. Ундай қилсам, мен берилган ваъдага боғланиб қоламан-да, балки виждонсиз ишларни қилишга мажбур буламан. Шунинг учун айниқса эҳтиёт бўлишим керак» деган гап келди. Шундан кейин у бундай деб жавоб берди:

— Хон ҳазратларининг бу илтифотларига не деб жавоб берардим? Жаноби олийлари, қирон саҳро бургутидек булутларга учиб чиқиб, ўткир назари мубораклари билан осмондан туриб бепоён узоқларни кўзлайдилар. Мен бўлсам, Новгород ўрмонларида бекинган айиқдек, ўз уямни суяман ва уни қўриқлаб ётаман...

Ботухон таъна билан бош чайқади:

— Жа, жа! Сиз ўзингизнинг довюрак жангчи эканингизни кўрсатган кишисиз. Бундай жангчиларни бизларнинг тилимизда ботир деб атайдилар. Нега сиз сўзни чалғитиб гапиряпсиз? Бизнинг улуғ юртимизда ҳамма довюрак ботирлар қилич овози чиққан жойга ўзларини урадилар. Менинг қўшиларим сафарга чиқиб бутун жаҳонни ғолибона айланиб ўтса-ю, наинки сиз бунга бепарво қараб тураверсангиз ва ўзингизнинг айиқ ини кулбангизга қайтиб кетмоқчи бўлсангиз? Шу гапга ишонсам бўладими?

Ботухоннинг назари, паҳлавоннинг ўй-фикрларини билиб олишга тиришгандек бўларди:

— Мен сизга улуг илтифот кўрсатмоқчиман — Киевни олишни сизга топширмоқчиман! — деди хон.

Гаврила Олексичнинг нафаси ичига тушиб кетди. Нима деб жавоб бериш керак, ахир? Унга, Ботухоннинг тикилиб турган кўзлари гўё унинг юпқа шойи кўйлагининг тагида бирданига дўпиллаб уриб кетган юрагини кўриб тургандек бўлди, шундай бўлса ҳам у ўзини тутишга тиришди ва татар ҳукмдори яна нима дер экан деб сукут қилди.

Ботухон сўзида давом этди, энди унинг товуши секинлашиб, мингиллаб қолди:

— Биз сизга, чет эл кишиларига кўрсатиладиган илтифотларнинг энг олийсини кўрсатмоқчимиз: сиз мингбоши бўласиз, балки бутун бир туманга бошлиқ бўлиб, бизга Киевни олиб берасиз. Бизнинг сипоҳийларимиз қаторига кириш, Киевни олгандан кейин биз билан бирга «мағриб мамлакатлари»ни айланиб чиқасиз. Бутун оламни ларзага келтирган шонли бобом, ўзларининг аввалги душманларини мўғул аскарларига бошлиқ қилаверардилар, улар ҳам, Жаба нуёнга¹ ўхшаб ўзларига содиқ ёрдамчи бўлиб қолишарди.

Гаврила Олексич бундай деди:

— Менинг ўз юртим Новгород ўрмони ичидаги айиқ уя — кулбалар деганим учун, кечиргайсиз, буюк хон ҳазратлари, аммо бизлар айиққа ўхшаб уяларимизга кириб ётиб олган эмасмиз, халқимизнинг душманлари билан урушиб, янгидан-янги жанглар, қонли қирғинларни кутиб ҳар вақт чегарада туриб келган халқмиз. Ўз князимизнинг садоқатли жангчиси бўлган мен, мана шундай серғалва кунларда ўзимнинг жонажон юртимни муҳофизатсиз қолдира оламанми?

Олексич Ботухоннинг кўзига тўғри ва дадил қаради ва ундан мудҳиш бир гап кутиб турди.

— Жа, жа! — деб гўпғиллади Ботухон ва Субутой баҳодирга бурилиб: — Сиз бунга нима дейсиз, узоқни кўзлайдиган донишманд устозим?

Кекса саркарда бир оз ўйланиб туриб, деди:

— Мен ҳам сизга савол бериб, жавоб қилмоқчиман, Сайиixon жаноблари. Тарихчингиз Ҳожи Раҳимдан

¹ Нуён — мўғул аристократиясининг унвони.

шундай бир савол сўрашга ижозат бергайсиз: бир вақтлар и элчи Маҳмуд Ёлвочнинг Урганчга, мислсиз донишманд отангиз Жужийхон ҳазратларига атаб Ҳожи Раҳимнинг сафар ҳассаси ичига жойлаб юборган мактубда нима ёзилган экан, шун и айтиб берсин-чи?

Ўз ёзувлари билан машғул бўлиб ўтирган Ҳожи Раҳим устига тушган саволдан чўчиб кетгандай бўлди ва одоб сақлаб қўлларини кўксига қўйди-да, паст овоз билан жавоб берди:

— Ҳассанинг ичини тешиб жойланган ўша хатда фақат учтагина: «Бу одамга ишон» деган сўзлар ёзилган эди.

Ботухон кўзларини қисиб, қиқирлаб кулди. Кейин ташвишланиб индамай ўтирган Олексичга мурожаат қилди:

— Мен ҳам сизга атиги учтагина сўзни: «Сизнинг ваъдангизга ишонаман» деган сўзни айтаман, холос. Энди ўзингизнинг узоқ Новгородингизга боринг ва ўз қўнозингиз Искандарга садоқат билан хизмат қилинг. Менинг содиқ амирим Арабшо ҳам ўша ерда, у сизларнинг ҳар бир янги ташвиш ва ғалабаларингизни менга хат билан хабар қилиб туради. Мен узоқларга сафар қилсам ҳам Новгородни эсимдан чиқармайман. Энди сизга рухсат. Гўзал Зербиёт хонимни ўзингиз билан бирга ола кетарсиз.

Олексич чодирдан чиқиб кетгандан кейин Ботухон одатдан ташқари бир эпчиллик билан ўрнидан ирғиб туриб, қафасдаги йиртқич ҳайвондек у ёқдан-бу ёққа бектоқат бўлиб юрди. У энтика-энтика қаҳру ғазаб отига минди. У сўзларни ямлаб, бурнининг катаклари керилиб, оғзига келганини қайтармай тез-тез сўзлай бошлади ва сўз орасида гоҳ сакраб кетар, гоҳ ўтириб турарди.

— Мен олдимизда турган жанглари ҳозирданоқ кўриб турибман... Ениб ётган шаҳарлар... Минг-минглаб отлиқ аскарларнинг бетма-бет туриб олишишлари... Кўзимга ҳурккан отларнинг қочиши, эгарларини йиқитиб, жарликлардан сакраб ўтаётгани кўриняпти. Ёт халқларнинг кийимидаги пиёда аскарларнинг саф-саф бўлиб ўжарлик билан ҳужум қилаётгани кўриняпти... Улар менинг мислсиз баҳодирларим билан қиличбозлик қилишяпти. Мен жанг қизиган жойдан ўтиб, йўлимда учраган ҳамма нарсани тилка-пора қилиб ташлайман... қаршилик кўрсатган ҳар кимни — хотинми, чолми, гўдакми бари-

бир, чопиб ташлашга фармон бераман, шундай қилиб, мислсиз мўғул отларининг туёқлари билан барча майсазор ва экинзорларни топтатиб ташлайман, токи менинг лашкарларим ўтиб кетгандан кейин у жойларда бирор гиёҳ ва бирорта кўкат қолмасин... Мен шу буюк сафарга Искандар билан унинг сафдошларини чақирдим. Мен уларга умид боғлаган эдим, аммо улар бу ишга лоқайд қараб, шонли ғалабаларимда қатнашгилари келмади. Узоқни кўролмаслик бу! Улуғ жангларнинг келгуси кунлари, қайси биримиз — уларми ёки менми — ҳақли эканимизни тездан кўрсатадилар. Шунда улар мен билан бирга куллари кўкларга созурилган «мағриб мамлакатлари»дан юриб ўтмаганларига пушаймон қиладилар...

Ботухон бирданига тинчланиб, қовоқ-тумшугини осилтириб, секин юриб ўз ўрнига ўтди-да, яна ўйчанлик билан гулханга хушбўй арча шохларини ташлаб ўтирди. Кейин ишсрат қилиб тилмочни ёнига чақирди ва унинг бўйнига қўлини ташлаб, қулоғига шивирлади:

— Бундан кейин сен мана шу ўрис сипоҳийсини кузатишларингни яна ҳам кучайтиришинг керак. Унинг бутун ўй-фикрларини тушуниб олиш керак. Унинг дўстлари ким, душманлари ким — буни ҳам аниқлагин. Менинг ғазаб ва шафқатларим сенга маълум...

— Албатта, ҳаракат қилиб тураман, — деди титраб, жуда қўрқиб кетган тилмоч. — Аммо рус меҳмоннинг фикрини билиш жуда қийин. Чунки у нима ўйлаб, нима қилмоқчи бўлганини ҳеч вақт ҳеч кимга айтмайди.

Ботухон яна ҳам секинроқ шивирлади:

— Бу тўғрида сенга Зербиёт хоним ёрдам беради. У ҳозиргача унинг ҳамма ишларидан мени яхши хабардор қилиб турди. Сенга Олексич билан бирга кетишингга ижозат берамиз. Хатларингни кутаман. Жўна!

Ҳар бир эртақ, ҳар бир ҳикоянинг ўзига хос «ибтидо» си бўлади, кутилмаган ва хаёлга келмаган «интиҳо» си ҳам бўлади...

Мана шу бахтиёр куни, Гаврила Олексич Новгороддаги ўз уйига қайтишга Ботухонни кўндириш насиб бўлган куни, ўз чодирига жуда хурсанд бўлиб келди. Чодирини қўриқлаб туриш учун қўйилган хизматкорларнинг бу сафар кўринмагани уни ажаблантирди. Татар

гўзалининг чодирин олдида ҳам ҳеч ким йўқ эди. Бу қандай каромат?

Кўкаламзорни айланиб юриб Олексич дарахтлар орасида, Зербиэт хоним чодиринда хизмат қилиб юрадиган бир неча хизматкорлар билан хотинларни кўриб қолди. Улар тиз чўкиб, қўллари билан юзларини бекитишди ва у ён-бу ёнларига тебраниб, зорланиб инграшди.

— Нима бўлди? Айтинглари!

— Бизни газаб қилманг! Бепарволигимизни кечиринг, эй олижаноб амир! Биз, сиз билан бизнинг устимизга шундай фалокат келади деб асло ўйламаган эдик! Эй воҳ, эй вой!

— Айтсаларинг-чи тузукроқ, нима фалокат, а?

— Қимматбаҳо гулимиз, булбулимиз, Зербиэт хонимни ўғирлаб кетибдилар.

Олексичнинг кетидан қолмай уни таъқиб қилиб юрган тилмоч хизматкорлардан суриштириб, бундай деб тушутирди.

— Бу орада Йесун Нўҳай деган атоқли ёш бир хон бор. У гоҳо овга чиқади, гоҳо ёш хонлар билан ўтириб айшу ишрат, ичкилик қилади, шундан бошқа қиладиган иши йўқ. Сиз йўқ вақтингизни пойлаб у бу ерга бир-икки келибди ва от устидан туриб дўмбирасини чалиб ўлан айтибди, Зербиэт хонимнинг гўзаллигини мақтабди.

— Биламан уни, доим шўхлик қилиб, асов от миниб юради.

— У бугун эрталаб бу ерга келиб, Зербиэт хонимнинг чодирин олдида отини тўхтатибди, ўлан билан шундай гўзалнинг даҳшатли бир айиқ қўлида тутқун бўлиб ётганини, шу гўзални тутқундан халос қилиш учун келганини айтибди. Бу ўланни эшитган Зербиэт хоним чодириндан чиқиб, чавандознинг ёнига бориб қолибди. Чавандоз чапдастик билан хонимни кўтариб олиб, эгарга ўнгарибди-ю, ҳайт деб жўнабди. Хизматкорлар эса уни тутолмай қолибдилар. Уларнинг гуноҳини кечиринг, паҳлавон!

Шундан кейин хизматкорларнинг ҳаммаси яна тиз чукиб, йиғлаб ёлворинди.

— Бунинг учун сизларни жазоламайман ҳам, лекин мақтамайман ҳам.

Гаврила Олексич хизматкорларга ҳозирча хонимнинг ўғирланганини ҳеч кимга билдирмай туришни тайинлади ва хоннинг бундай хавфли ҳадясидан халос қилган бу

тасодифдан ҳам ҳайрон, ҳам хурсанд бўлди. Шундан кейин у сафарга ношилинч тайёргарлик кўра бошлади. Олексич мўғул ҳукмдорининг бу ишга ғазабланиб қолишидан ё бўлмаса ҳиммати жўш уриб кетиб яна шундай бир ҳады беришидан чўчиди.

Тўққизинчи боб

НИҲОЯТ УИДА

Хонимнинг гоҳ қувнаб, гоҳ ёзғириб ташлаган нигоҳлари ҳар вақт кўз олдида чақнаб турарди. Анча вақтлар ўтиб кетган ўша сўнгги кунни хоним уст-боши қор, қора сувсар ёқали духоба пўстинини елкасига ташлаб жонажон уйининг баланд зинапоясида турган ва йўл-йўл даструмолини унга қараб силкитган эди. У эса дарвозада отнинг бошини тортиб орқасига қайрилиб қараган ва тоқат қилолмай зинапояга от чоптириб қайтиб келган, унинг иссиқ ва кичкина чайир қўлларини қаттиқ сиққан, кейин қўлидаги рўмолчасини тортиб олиб, қор тўзғитиб отини чоптириб кетган эди. Ўша кунни у кейин жуда кўп марта эсга олган, четларига қизил ипак билан кашта тикилган ўша рўмолчани ҳеч кимга кўрсатмай қўйнидан олиб, нозик баҳор гулларининг сезилар-сезилмас хушбўй ҳидини искаб-искаб кўяра эди.

У ўзининг Любава хонимини унутмаган, аммо гўзал татар қизи ҳам унинг бошини беихтиёр айлантириб қўйган, ўзининг ғамгин ашулалари, жўшқин рақслари, танасининг илондек тўлғанишлари билан уни ўзига мафтун қилган, у ҳам ҳамма нарсани унутиб, қизнинг чодирида кеча-кундузларни ўтказган, қизнинг майин товушларини тинглаб ётиб, қаҳрабосимон ўткир май билан ўзининг ғаму ҳасратларини ювган эди.

Ҳар қалай, Ботухон буйруғи бажарилмай, уни Новгородга олиб кетмагани яхши иш бўлди-да, у яна ёлғиз, эркин, ҳалок этувчи гиёҳ — Зербиёт хоним ҳам гўё бўлмагандек эди.

Энди олдида узоқ йўл, киши юрак-бағрини сиқиб, жонини қийнайдиган бепоён ва толиқтирувчи йўл ётибди. Сержун ориқ отлар минган унинг барча сарбоз ва хизматкорлари музлаган бепоён дарё ёқалаб кетма-кет тизилиб юришар ва онда-сонда қор уюмлари орасида қолган қишлоқларга кириб, дам олиб ўтишарди.

...ишқили орзиқию кутилган кун ҳам келди, йўл тугади. Қўндаланг ёғочига мис крест қоқилган таниш дарвоза. Дарвозанинг икки тарафидаги ходалар учида баланд қорқалпоқ. Дарвозани муштлаб қаттиқ тақиллатишдан ҳовлидаги итлар уйғониб, занжирларини шалдиратиб қаттиқ вовиллади.

Хўжайинининг дўриллаган товушини эшитиб, хизматкорлар «ҳозир-ҳозир» дейишди-да, тахта дарвозанинг табақаларини лангиллатиб очиб юборишди.

Гаврила Олексич отини секин юргизиб ҳовлига кирди, ўткир кўзларини тикиб эрталабки офтобда ялтираб турган кўзларига слюда ўрнатилган деразанинг ўймакор яшил қопқоғига ҳам, бостирма тагидаги чана билан соябонли аравага ҳам, том бўғотида осилиб қолган қорларга ҳам, сумалак бўлиб тарновларда осилиб турган музларга ҳам, зинапоя устидаги қизил устунлари морпеч қилиб ўйилган айвончага ҳам разм солиб чиқди.

Афтидан, айвонча ҳафсала билан супурилибди-ю, яна устига юпқа қор учқунлари ўтирибди, лекин у ерда ҳали жонон кўринмайди... Зинапояларда бировларнинг изи бор. Гаврила Олексич отининг бошини тортиб, ҳозир оғир эшик очилади-ю, ипакдек узун сочларини келинчақлардек тарашга улгурмай, бош яланг югуриб хотиним чиқиб қолар деб кутиб турди... Уй ичида эса шу вақт хотинларнинг чақирिशгани ва қувониб қийқиришгани эшитилиб қолди.

Эшикдан таниш бўлган эшик очилди, ундан устига кенг кўк пўстин кийган кекса қоровул — Оксен Осипович кўринди. Чол зинапоядан секин тушиб келди-да, мўйна телпагини қўлига олиб боярга икки букилиб таъзим қилди. Жонон қаёқда экан-а?

— Саломатмисиз, бобой!— деди Гаврила Олексич.— Бекачим қаёқдалар? Ёки чиқолмадиларми?— деб сўради, отдан тушаётиб, тизгинни югуриб келган хизматкорга бераркан.

Ҳовлига хушчақчақ сарбозлар ҳам кириб келишди-да, ҳовлини шовқин-сурон, қурол-яроғларнинг шалдиршулдири ва сўрашганларнинг овозлари босиб кетди.

Оксен Осипович Олексични қучоқлаб, унинг елкасига бошини қўйди ва:

— Бекачимиз, сизнинг Любавангиз уйда йўқлар! Энагалар ҳаммасини айтиб беришади. Айтишга ҳолим келмайди. Эвоҳ!— деди-ю, чол қўлларини силтаб, вағир-

вуғур қилиб турган суворилар орасидан тез-тез юриб дарвоза томон кетди.

Ҳалиги эшикдан югуриб кекса энага чиқди. Қампир бир қўли билан елкасига ёпинган пўстинини, яна бир қўли билан оппоқ бошидаги бир тарафга тушиб кетаётган рўмолини тузатиб келарди. У бедана юриш қилди-да, чўкка тушиб йиғлаб:

— Нега бунчалик узоқлаб кетдингиз? Ўрдада нега ўйин-кулгига берилиб кетиб, шундай жонона хотинингизни унутиб қўйдингиз?— деди.

Гаврила Олексич кампирнинг бошидан назокат билан ўпди-да, бақувват қўллари билан уни турғизиб, секин сўради:

— Тузукроқ гапирсангиз-чи, бекачимга нима бўлди?

Энага пиқиллаб йиғлаб, кенг енглари билан кўзларини артаркан, гапга кирди:

— Бекач кўп йиғлади ва менга: «Эрим ўрдада бошқа бир хотинга уйланибди, мен шўрликни унутибди деб эшитдим, энди менга тирик юришнинг кераги йўқ. Ўзимни ўзим бир нарса қилиб юборай дейману, худонинг қахридан қўрқаман...» деди. Бундан икки кун илгари мени шундай қаттиқ қучоқладики, гўё хайрлашиб болаларини эҳтиёт қилишни илтимос қилгандек бўлди ва шу кун кечқурун отга миниб, ҳеч кимга ҳеч нарса демай, уйдан чиқиб кетди.

Қампир бу гапларни айтиб бўлгунча зинапоя атрофида бошқа энагалар ва хизматкор хотинлар тўпланишди; бир қизи, бир ўғли ҳам югуриб келишди. Йиғилганлар ҳаммаси бир-бирларининг сўзларини бўлиб, билганларини гапириб беришди, баъзилари йиғлаб кўз ёшларини артишди. Гаврила Олексич икки боласини қўлига кўтариб бақирди:

—Бас энди! Кўп ҳиқиллаб йиғлайверманглар! Бекачининг қаёққа кетганини биламан. Эртага уни уч от қўшилган қўнғироқли чанада уйга олиб келаман. Қани, ҳамманглар ҳарамга қайтиб кининглар. Азиз меҳмонларни қарши олинглар. Сарбозларимни меҳмон қилинглар.

Ҳамма уй томон югурди. Гаврила Олексичнинг олдида баланд бўйли, келишган уй хизматкорларининг бошлиғи Фекл Никаноровна қолди-да, унинг енгидан ушлаб туриб секингина гапирди:

— Бекачни қаёқдан топишингизни мен сизга очиқ айтиб бераман, қоқиндиқ бўлай. Мен ҳаммасини суриш-

тириб билдим. У фолбин кампирларга борибди, худо билади улар нималар дейишган экан. Ана шундан кейин бекач хотинлар монастирига кетиб қолибди. Сочини кестириб, монах бўлиб кетмоқчи. Ёш хотиннинг қони қайнаб, аламидан кўнгилга нималар келмайди дейсиз!.. Соч кестириш! Ҳазил гап эмас! Иш шундай чигаллашиб кетди! Энди сиз чигалини ечишингиз керак...

Учинчи боб

А К С Л И К

Гаврила Олексич келган куни ўзини ғалати бир тарзда тутди, сарбозлар унга қараб-қараб қўйсалар ҳам сабабини сўрашга ботинолмасдилар.

— Лочинимизнинг қовоқлари осилиб қолди-ку!.. Буга хафа бўлса арзийди — неча кун йўл юриб, қанча отларга совға-салом ортиб келса-ю, уйида жононаси пешвоз чиқиб қарши олмаса.

— Мана энди қовоқ-тумшуғи осилган, дастурхон ёнида ўтириб тўппа-тўғри кўзанинг ўзидан румо майини симирапти.

— Бекач қаёққа кетиб қолган?

— Кетиб қолган эмас дейишяпти-ку... Қочган.

— Эй, қўй-э! Балки бирор эпчилроқ қора қош йигит зўрлаб олиб қочгандир!

— Жим! Бунақа сўзни айта кўрма!

— Мен ичимдан чиқариб айтаётганим йўқ. Боярнинг ошпазларидан эшитдим.

— Ошпаз хотинлар менга бошқачароқ айтишди-ку: бекач монастирда ибодатга кетганлар дейишди, уйга қаровчи хотин эса, у сочини кестирмоқчи бўлган эди, дейди. Гаврила Олексични кутавериш жонига теккан, у бўлса, ўрдада бошқа бир татар хотинига уйланиб олган дейишди. Ана шундан бекач хафа бўлган. Бу ҳам қизиққон ёш хотин, қони қайнаган — бу ёғи маълум, кўзи қалқиб, боши айланган.

— Гапинг тўғри-ю, лекин биров бир нарса ичиргандир. Боярнинг ҳам ғанимлари оз эмас.

— Йўқ! Алам ўтгандан қилган. Бизнинг бекачимиздек ақлли, кўркам хотиннинг устига бир ғайри динга уйланиб олса, албатта алам қилади-да.

— Ахир ўша ғайри дин хотин қаёқда? Балки бутунлай бўлмаган гапдир?

— Йўқ, бўлган! Асирлар ўз кўзлари билан кўрибдику. Мана, уларнинг ўзлари айтишяпти...

— Ўзинг ўйлаб кўргин: сочини кестириб, бу дунёдан кечиш! Ҳазил гап эмас-ку бу, кейинчалик монастырдан қайтиб чиқиш йўқ-да...

Хизматкорлар ҳар ёқдан югуриб келиб, баъзи бир кўнгилга яқин сарбозларни хўжайин билан суҳбатлашиб ўтирмақ учун сарбозхонага чақирганда, миш-миш гаплар дарров тўхтаб қолди.

Чақирилганларнинг ҳаммасини йигиб бўлмади, баъзилар ўз уйларига кетиб қолган, баъзиларни эса узоқ сафардан чарчаб келиб данг қотиб ухлаб қолганлари учун уйготиб бўлмади.

Сарбозлар чакмонларининг у ёқ-бу ёғини тузатиб, узун сочларини тарашди, камарларини сиқиб боғлаб, кўпдан бери ўзларига таниш сарбозхонага ғичирлаб турган кенг зинадан чиқишди. Ҳамма нарса ўз жойида, илгари қандай бўлса, ҳозир ҳам шундай эди: Бурчакдаги катта иконаларнинг кумушсимон зарбоф тўнлари ҳам, тўқ-қизил бахмал билан қопланган скамейкалар ҳам ўз жойида. Музлаб ётган слюда кўзли деразадан тушиб турган офтоб нурлари ғалати гуллар тикилган кенг дастурхон устида аввалгидек ялтираб турарди.

Гаврила Олексич эрталабданоқ уй ичидагиларнинг ҳаммаси билан кўришиб чиққандан кейин князь Александр Ярославичнинг олдига бориб, ўзининг Ботухон олдига қилган сафари тўғрисида тўла маълумот бермоқ учун ҳозирлик кўриб эди, бироқ князнинг ҳозир овда экани, Новгородга икки кундан кейин қайтиб келишини эшитди. Шундан кейин у мана шу икки кун ичида ўз ишлари билан шуғулланиб, бир оз дам олмоқчи бўлди.

Ҳозир у уйнинг тўридаги скамейкада орқасига суяниб, узун яланг оёқлари айиқ терисининг устида тарвақайлаб турар, чопонсиз, тугмалари ечиқ кўйлагидан очиқ кўкраги ва ундаги кумуш занжирга тақилган крест ва тумори кўриниб турарди. Татарча дувранг тикилган рангдор сахтиён этиги скамейканинг тагида шалвираб ётарди.

Ичкари кириб таъзим қилгандан кейин пойгоҳда ғуж бўлиб тўпланаётган йигитларга у ғамгин назар ташлар ва энтикиб нафас оларди. Гаврила Олексичнинг ол-

дидаги столнинг бир четида катта ёғоч кўза ва ўймакор гуллар билан жимжимадор қилиб ишланган чўмич кўзга чалиниб турарди.

— Салом, Гаврила Олексич, узоқ йиллар саломат бўлғайсиз,— деди баланд бўйли, сарбозларнинг каттаси бўлмиш, оғир-вазмин киши қуюқ сарғиш соқолини силаб. Қизариб бўғриқиб, қуруқ лабларини тинмай ялаб турган Гаврила Олексичнинг бир оз ранги ўчинқираб кетган бўлса ҳам, лекин авзойи аввалгидек кўркам кўринар эди.

— Салом, йигитлар!— деди Олексич, гўё хаёлдан чўчиб ҳушёр тортгандек.— Яқинроқ ўтиринглар. Ҳозир гаплашамиз. Ҳой болалар! Яна май кўзалари билан косалардан олиб келиб тортинглар, кўпроқ бўлсин, озлик қилиб қолмасин.

Хизматкорлар югура-югура деворга ўрнатилган ўймакор ёғоч токчалардан кумуш қадаҳ ва гулдор чет эл косаларини олишди.

Олексич, хизматкор чўккалаб туриб унинг оёғига гулдор пайтавасини ўраб қўйгунча кутиб турди-да, этикни ўзи кийди. У бошқа бир хизматкор чопонини кийдириб, кумуш камарини боғлаб қўйганича, сал-пал гандираклаб тик турди. Кейин бошини бир оз букиб, сочини сийпаб қўйди-да, кўҳна ўймакор креслога бориб ўтирди. У қаддини тик тутиб, тикилиб қаради ва фақат қизарган кўзалари, салқиган қовоқлари румо майи солинган кўзача олдида ёлғиз ўтириб узоқ ўйлаганидан дарак берарди.

— Қўзьма Шўлох қаёқда? Ҳой, Кузя!— деб шунчалик қаттиқ бақирдики Гаврила Олексич, товуши ҳовлида ҳам эшитилди.

— Шу ердаман, шу ерда,— деб хурсандлик билан жавоб берди Қўзьма, эшикдан кириб, чопонини еча туриб.— Устимдан муздай сув қўйиб, аранг ҳушимга келтиришди. Энди батамом тузалдим.— У шўх илжайиб қўйди, икки букилиб таъзим қилди, нима ўйлаётганини билишга тиришиб хўжайиннинг юзига қарай-қарай эшик олдидаги скамейкага секин ўтира қолди.

Олексич хизматкорлар идишларни тарқатиб, қадаҳ ва косаларга қорамтир бол шароби ёки қуюқ чет эл майини қўйиб бўлгунларича индамай ўтирди-да, кейин:

— Қани, тезроқ орқангларга айланиб жўнанглар-чи, бу ердан!— деди у хизматкорларга.— Эшикни ҳам ёпа

кетинглар. Бу ерда ёши кичикроқ биров кўзадан чўмич билан қуйиб турсин.

Ҳаммалари қўлларига коса ва қадаҳларни кўтариб кутиб туришди.

— Сизларни бу ерга мен чақиртирдим, оғайнилар,— деди Олексич ва катта чайир кафти билан кўзини ёпиб жим туриб қолди.

— Тўғри, немислар тагин ғимирлашиб қолдимиз?— деди секингина, сарбозларнинг каттаси жимликни бузиб.

— Бу гаплар бизга янгилик эмас,— деди жавоб бериб Гаврила Олексич, қўлини аста тушириб.— Немислар ҳар вақт бизга қарши тиш қайраб келган, шу яқин орада улар билан гаплашиб қўямиз.

— Шунинг учун бир ўйнаб олайлик-да!— деди Кузьма Шолох қувноқлик билан.

— Ўйнаб оламиз!— деб маъқуллашди бошқалар ҳам.

— Йўқ!.. Ҳозир менинг бошқа бир ишим бор. Бу ишга сизларнинг макрингиз керак...— деб у сал ўйлаб олди-да, бошини силкитиб давом этди:— Бундан ташқари, яна... озроқ шўхлик ҳам керак бўлади. Ахир бизларнинг ҳаммамиз Васька Буслаевнинг набираларимиз-ку, ахир.

— Тўғри, тўғри,— деб гуриллашди сарбозлар.— Сиз билан бирга шўхлик қилишдан қайтмаймиз... Фақат бизлар гапингизнинг мазмунини тушунолмаямиз.

— Шундай қилиб, тушунолмадингларми? Хўш, Кузя, сен қандай фаҳмладинг?

— Менймча, бизларни овга олиб бормоқчи эмасмиз-сиз? Қорамтир тулки қочиб кетди, тагин анчайин тулки эмас, сирти кумушсимон оппоқ тулки.

— Тўғри, Кузя тўғри топди! Шунинг учун бизлар бундай қилишимиз керак. Бу ишда энг муҳими, ишни кечиктириш ярамайди. Биров овга чиқади-ю, қиммат баҳо тулкини уриб олиб қўяди. Ана шу овчиларни доғда қолдириб, фириб бериб кетиш учун шу нарса керак-ки...

— Тутамиз, албатта тутамиз!— дейишди сарбозлар, Гаврила Олексичнинг сўзи нима ҳақда эканини фаҳмлаб, бир-бирлари билан кўз уриштириб олишди.

— Бизлар айиқни ҳам урганмиз, қашқирга ҳам борганмиз. Энди келиб битта тулкини халос қилолмас эканмизми?

Гаврила Олексич ўрнидан туриб қўллари билан столга таянди-да, ўз планларини секин тушунтира бошлади:

— Ҳозир уйларингга, хотинларинг билан эгачи-сингилларинг олдига бориб юрманглар. У ерда оғизларингдан бир оғиз сўз чиққудек бўлса борми, эртага у бутун Новгородга тарқалиб кетади. Отхонамдаги тиниқиб ётган отлардан танлаб эгарланглар, биз ҳозироқ жўнаб кетамиз.

Ўн биринчи боб

Қ А Й Ғ У - Ҳ А С Р А Т У Т И Ғ А Е Н И Б

Новгороддан йигирма чақиримча нарида, шўх Волховнинг қуйи ўнг қирғоғида, қайин ўрмонлари орасида монах аёллар турадиган авлиё Параскева-Пятница монастири жойлашган. Илгари бу ерга Ноздрилин деган ака-ука кўнчи бойлар «Кремень» деб аталган ўз буви-лари марҳума Прасковье Дормидонтовна хотирасига ёшитдан бир черков солдиришган. Ноздрилинлар оиласининг бойлиги асосини шу хотин тиклаган бўлиб, бу оила кейин чет эл шаҳарлари билан савдо-сотикни ривожлантириб юбориб, тери, қил, ёл, жун ва асосан ҳар хил мўйналар етказиб берадиган бўлиб қолган.

Шу вақтдан бери бу черковга Новгороднинг ҳамма ёғидан асосан аёллардан иборат зиёратчилар келиб турарди. Авлиё Параскева-Пятница черковига бориб ихлос билан ибодат қилинса, хотинлар дарду аламига шифо ва ҳар хил ғаму ҳасратларига нажот топади, деган эътиқод халқ орасига тарқалган. Хабардор зиёратчи аёллар: авлиё Параскеванинг ўзлари дунёда эрларнинг ва жуда қийналиб туққан ўн учта боланинг ёмонлигидан кўп машаққатлар тортганлар. Шунинг учун бу жафокаш аёл вафот қилганларидан кейин ҳам, кимики қабрларига бориб, зор йиғлаб ўз дарду ҳасратларини айтиб, астойдил ибодат қилса унга мадад бериб келмоқдалар, дейишар эди.

Ака-ука Ноздрилинлар черков солиш билан кифояланмай, арча ва қарағай гўлаларидан умумий ётоқхоналар ва алоҳида ҳужралар, отхона, омборхона, ҳаммом, ертўла, балиқ ислайдиган тўшала ва монастири балиқчи қайиқлари учун дарё ёқасида алоҳида манзил солишган.

Монастирь роҳибалари Новгород олий-мақом руҳоний-

ларининг ижозатлари билан сайланиб, Новгороддаги беш вилоятнинг яқин ва узоқ районларидан йиғилган монах аёл ва шоғирдларни худонинг ғазабидан қўрқиб доим итоатда турадиган қилиб сақлай оладиган алоҳида бадқовоқ ва тишининг оқини кўрсатмайдиган уддабурон аёллардан бўлган. Монастирь роҳибалари монастирнинг тартиб-интизоми ва мол-мулкани ҳушёрлик билан қаттиқ назорат қилиб туришлари, исрофгарчиликка йўл қўймасликлари ва ишхоналарга — тўқувчилик, кашта тикадиган, икона чизадиган, зардўзликка, асаларичиликка ва олма, олча, малина ва крижовник ўстирилган монастирь боқчасига қараб туришлари, ишёқмасларга жазо беришлари лозим эди.

Бир кун эрталаб тонгги ибодатга даъват қилиб қўнғироқ чалингандан кейин бош роҳиба Евфимиянинг ҳужрасига «югурдак шоғирд» ёш Феклуша чопиб келди-да, энтика-энтика деди:

— Бугун, ҳозиргина хизматкор Михеич дарвозани очайин деб қараса, монастирга биров келиб турибди! Бояр аёл, ўзи ёш, қулоқларига марварид исирғалар тақиб олган, чинакам бояр аёл. Унинг бошидан рўмолини олиб, бош яланг дарвозага қараб келаётганини ўз кўзим билан кўрдим. Михеич бўлса бир нарсадан қўрқиб, дарвозани яна ёпиб қўйди. У, бояр хонимга бир бало бўлган, балки кекса эри ўлдирмоқчи бўлгандир, деди. Нега бўлмаса у қўлларини ҳадеб ишқаб, кўз ёшларини паналаб артади, аммо ўзи жуда чиройли ва ясанган экан, деди... Ёнида иккита қора кўз қизлари ҳам бор экан. Улар отлиқ, худди татар тутқунидан қочиб келганга ўхшайди.

— Қани улар? Бу ёққа келишяптими?

— Йўқ, йўқ, Евфимия она! Михеич уларни киргизмаяпти ва дарвозани ҳеч очгиси йўқ.

— Вой кўр тўнка-э!

— Рост, очмаяпти, азбаройи худо, очмаяпти! Мен унга: «Михеич, дарвозани очинг, бояр аёлни киргизиб юборинг. Кўряпсизми, йўлдан жуда чарчаб келибди» десам, у барибир ҳамон: «Балки ҳозироқ уни қувлаб йигитлари билан боярнинг ўзи келиб қолади-да, аввало менинг гарданимга солади. Биладан алданган эркакларнинг ғазабини!» деди ва тагин: «Агар бош роҳиба буйруқ берсалар, шоғирдлар чиқиб қарши олсин меҳмонни. Мен балодан узоқроқ Волховга балиқ овлагани кетай» деди.

— Вой бебош чол-э, чатоқ одам! Югур, Павла онага Сор, мени айтдилар дегин, дарвозани очиб, бояр аёлни ўз ҳужраларига олиб кирсинлар. Кейин, ҳаммомга ҳам дарров ўт ёқишсин.

Феклуша югурганича чопиб кетди, бош роҳиба хоним эса келган кишиларга ўзини жуда басавлат кўрсатмоқ учун ибодат кийимларини кийиб ясанишга тушди.

Келган ёш бояр аёлни калитдор Павла онанинг ҳужрасига жойлашди, кейин Павла онанинг ўзи у билан бирга иссиқ ҳаммомга тушди, икковлари ҳам ювиниб устларидан квас қуйиб чўмилишди. Кейин Павла она бош роҳибанинг қулоғига шивирлаб, ёш бояр аёлнинг ҳамма ёғи жойида экани, танида ҳеч қандай иблисона нишона ёки кўкарган тамгалари йўқлигини айтди. Бояр аёлнинг орқасини, қоринларини ўзим ишқаб қўйдим. Шунингдек икки-уч ойлик кичкина ҳомила ҳам йўқ экан, аммо тана си жуда келишган ва мулойим экан. Ишқу муҳаббат ва қувноқлик билан яшайверса бўларди, аммо нуқул бир сўз айтиб: «Мени монастирга қабул қилинглар, сочимни қирқтириб, монахликни қабул киламан» деб жавраб турибди.

— Ё биби Марям!— деди бош роҳиба.— Агар у бизнинг монастирга келадиган бўлса, мол-мулк ва жуда кўп бой бир хазина олиб келади. Бизнинг монастиримиз ундан қанчадан-қанча ер-сув, пичанзорларни абадий фойдаланишга олади, ахир! Шунинг учун бояр аёл айниб, уйига қайтиб кетмасдан, соч кесиш маросимини тезроқ ўтказиш керак. Феклуша бориб Досифея ҳазратни менга чақириб кел. У билан маслаҳатлашиб олайлик.

Ўн иккинчи боб

МОНАСТИРДА

Любава биби Марям тасвири ўрнатилган равоқнинг каршисида, ибодатхонанинг ўртасидаги қора духоба ёстиқ устида тиз букиб турарди. Унинг ёнида бир монах кампир узун қора чопон билан қора бир қалпоқни қўлида эҳтиёт билан ушлаб турарди. Сочи кесилгандан кейин ёш бояр аёл мана шу кийимга бурканиши лозим. Унинг узун сарғиш сочи орқасини қоплаб турар, бугун соч кесиш маросимидан кейин мана шу ипаксимон майин соч-

лар қирқувчилар қўлида гижимланади ва ибодатхона ерига ётқизилган муздек тош устига тўкилади.

Ҳозирча фақат шогирд бўлиб турган Любава кичкина қўлини мушт қилиб сиқди. У чақалоғини кўтариб турган, кўзлари бесаранжом биби Марямнинг каттакон тасвирига тикилди-да, қақраб қолган титроқ лабларини пичирлатиб гоҳ дуо ўқиди, гоҳ бир-бирига қовушмаган сўзлар билан нолиди: «Ё раббий, имонимни саломат қил! Ё биби Марям, худонинг амрини бажо келтиришим учун менга ёрдам беринг! Ожизлигимни енгишга кўмак беринг!»

Ибодат қилаётганлар орқасида 'улуғвор ва туси совуқ бош роҳиба Евфимия қошларини чимириб, олтин дастали узун ҳассага суяниб турарди. Бош роҳиба гўё ғамгин ва баъзан ғазабнок бўлиб кўринган ўткир кўзларини гоҳ жиккаккина бояр аёлга, гоҳ бош монах Досифейнинг юзига тикарди, бош монах эса бояр аёлнинг ёнида туриб, унинг қулоғига энгашар ва унга секин таъкидлаб:

— Ўқи, болам ўқи... ва қадимдан айтилиб келган: «Э, худонинг гуноҳкор бандаси...» деб бошланадиган сўзларни такрор-такрор айт,— дерди.

Аммо бояр аёл гўё бу сўзларни эшитмас ва унинг бўзарган титроқ лабларидан бутунлай бошқа сўзлар отилиб чиқарди.

Бош роҳиба, қўлида кичикроқ бир мис баркаш кўтариб яқинроқда турган бир монах аёлга кўзини қисиб қатъий ишора қилди. Монах аёлнинг қўлидаги баркашда черковнинг шундай ибодат маросимида қатнашганларга хос илиқ май тўлдирилган кумуш қадаҳ бор эди. Монах аёл яқинроқ келди. Досифейнинг ёнида турган қизил юз, сариқ соқол дангалдай поп қадаҳни қўлига олиб, Любаванинг лабларига теккизди-да, йўғон товуш билан деди:

— Ичиб юборинг, қизим, жисмоний кучни тарбият қиладиган бу иссиқликни ичиб юборинг.

Черков меҳробининг ёнидаги саҳнада турган монах қизлар бу дунёдаги ҳаётнинг бебақолиги, бу дунёдаги бутун ҳаракат ва ўйин-кулгилар беҳуда эканлиги ҳақида забур оятларидан олинган жуда ҳам ғамгин, маъюс бир қасида ўқиб туришди.

«Мағрибга ботган қуёшни, оқшомги шафақ нурларини кўрган сокин муқаддас шарафлар оламида...» деб

бошланадиган қасидани аёлларнинг нафис овозлари мунгли бир оҳанг билан айтганда, саф-саф бўлиб турган, тик туриб ёки тиз чўкиб жон-жаҳдлари билан чўқинаётган қора кийимли ёш ва қари монах аёлларнинг бетлари яна ҳам ғамгинроқ бўлиб кетди.

«Югурдак» Феклуша шу ерда турган монах аёлларнинг орасига сичқондек сиқилиб кёрди-ю, бош роҳибанинг олдиғача сирғилиб борди. У ҳам қовоғини чимириб бунга кўз қирини ташлади, лекин монах қизнинг серташвиш юзини кўриб, улуғворлик билан энгашди-да, унга қулоғини тутди.

— Келиб қолишди! Кўп йигитлар... Учқур отлар мишишган... Бирлари дарвозани синдиришяпти, яна баъзилари монастирни орқадан айланиб кетишди. У ерда, дарвозада Павла она улар билан айтишиб қайтариб турибдилар. Мени сизга юбордилар, табаррук бош роҳиба онамиздан сўраб кел, мен нима қилай? дедилар.

— Бориб айтгин, худо ҳақи, бўшашмай маҳкам турсин. Бизга фақат худонинг ўзи ёрдам беради, ёвуз иблислар ўз оёғидан йитади.

Шу вақт жим турган монах аёллар сафи бўйлаб, шамол эсандек шивирлаш бошланди, улар бир оз қимирлаб олди-да, яна ихлос билан жим қотиб қолишди. Феклуша ғойиб бўлди. Бош роҳиба бош ирғатиб, маъноди бир назар билан Досифейга қаради.

— Тезроқ бўлинг!— деди басавлат монах аёл «калитдор» ҳамширага бурилиб:— Шамлар!— деб шивирлади.

Икки монах қиз сафларни оралаб, ибодат қилаётганларга ингичка мум шамлар улашиб берди, ҳамма ўз шамини бир-биридан ёндириб олди, шундан кейин ибодатхонанинг ичи жуда кўп милтиллаган нурга чўмди. Энди хор одатда ўлик устида ўқиладиган марсияга ўхшаб жуда ҳам ҳазин, ғамгин бўлиб эшитила бошлади: «худонинг бандалари бу дунёнинг бутун роҳатларидан кечиб, ўз ихтиёрлари билан дунёдан кетадилар ва «Исонинг чин қуллари» бўлиб оладилар»

Досифей ҳазрат тиз чўкиб турган Любавага яна энгашди-да, ҳадеб талқин қилишда давом этди:

— Мен нима десам, сиз ҳам шуни айтгин, жон болам: «Ўз ихтиёрим билан фаришталар мақомига ўтмоқчиман...»

Бир монах қиз бояр аёлнинг қисилиб турган қўлига ёқилган йўғон бир шамни тутқизди, шамнинг липиллаб

турган ёруғида унинг ранги ўчган нозик чеҳраси ва ерга қараб турган киприклари орасидан думалаб тушаётган йирик ёш томчилари энди аниқроқ кўринар эди.

Досифей ҳазрат ўзининг сержун қулогини Любаванинг оғзига тутди-ю, лекин ундан бир оғиз ҳам сўз эшитолмади. Бош роҳиба гўё Любаванинг сукут қилиб турганини кўрмаётгандек бош ирғатиб давом этди:

— Ана, у гапиряпти... Керакли сўзларнинг ҳаммасини айтяпти. Давом этинг, Досифей ҳазрат. Соч кесишни ижро қилинг. Қайчи қаёқда?

— Шу ерда, менда!— деб гўлдиради поп, занг босган катта қайчини қўлига ушлаб.

— Нимани кутиб турибсизлар?— деб шоширди бош роҳиба.— Бошининг устидан крестсимон қилиб тўртта кокил кесинг ва бошқа ёғини тез қириб ташланг...

Бояр аёл кўзини қисиб, лабини қаттиқ тишлади-ю, бошқа ҳеч қандай сўз айтмади. Шу вақт бирданига унинг кичкина оғзи сал очилиб, кўзлари ҳайрат ва қувонч билан чақнаб кетди, у таниш, жонажон бир овозни эшитиб қолган эди:

— Любава! Менинг Любушкам! Менинг олча гулим! Қандай ёвуз шамол сени бу ерга учирди? Нега бу ерга келдинг, эркам?

Любава чўчиб уйғонгандек ирғиб ўрнидан турди-ю, қўлидаги шамни тушириб юборди. Унинг олдида, ибодатхонанинг хира ёруғида, хушбўй тутатқининг кўм-кўк тунларини орасида суюклиси, интизор бўлиб кутган эри турарди ва унга завқ билан ёқимли назар ташлар эди.

Любава гандираклаб, қўлларини олдинга чўзиб Гаврила Олексичга ўзини отди-ю, лекин мадори қуриб бир томонга қараб муздек тош устига тушди.

— Сен қаёқдан келдинг, номуссиз ғайри дин?— деб чийиллаб бақирди ўз мансабини ҳам унутиб қўйган бош роҳиба.— Нима ишинг бор бу ерда, аёлларнинг муқаддас монастирида? Чиқ бу ердан, шилқим, нопок татар муртади!

Ҳамма моёнах қизлар сафларини бузиб, бир четга қочинди ва бир бурчакка бориб тиқилишди. Ибодатхонага этиклари ва найзаларини дўқиллатиб сарбозлар киришди-да, шанғиллаб гапира бошлашди. Бош роҳиба хўрланган қиёфада, ҳассасини силкитиб ғазаб билан Гаврила Олексич томон юрди, Олексич бўлса уни кўрмагандай бўлиб, беҳуш ётган Любавани қўлига кўтариб олди-да,

тез-тез юриб эшикка қараб жўнади. Унинг кетидан сарбозлар ҳам шошилиб қолган монах қизларига кўз ташлаб, ғовур-ғувур билан ибодатхонадан чиқа бошлади. Саҳнадаги қасидахонлик тўхтади. Қасидахонларнинг ҳаммаси ҳайратдан оғзи очилиб қолди. Фақат бош роҳиб багина ҳассасини ерга уриб бақириб:

— Ярамас, динсиз! Ҳукмдорга арз қиламан! Киевга, Метрополитнинг худди ўзига бораман! У сени даҳшатга, хавфу хатарга, ларзага келтиради!— дерди.



V

ҚОРА БУЛУТ ҚҮЮҚЛАШМОҚДА

Биринчи боб

МУАҚКИЛНИНГ ОГОҲЛАНТИРИШИ

(Ҳожи Раҳимнинг «Йўл хотиралари»дан)

«Кеча мен ғалати бир туш кўрдим: мен ўз саргузаштларимни хаёлимдан кечириб, бир дашту биёбонда тошларга қоқина-қоқина кетаётган эмишман, тошларнинг устида кўк калтакесаклар ўрмалаб, гоҳ сариқ илонлар буралиб-буралиб юрганмиш.

Шу вақт бирдан шамол қисқагина шувиллаб ўтганмиш-да, яна бирданига тиниб қолганмиш. Ундан кейин

катта кора қушга ўхшаш бир нарса ёнимдан югуриб ўтиб, олағовур қоронғиликда гойиб бўлганмиш.

Серчанг илон изи йўлнинг чорраҳасида ёввойи ўтлар босган «номаълум бир дарвишнинг қабри» устида менинг муаккилим бўлган Жин ўйга ботиб ўтирганмиш.

Мен уни кўп йиллардан бери кўрмаган бўлсам ҳам, лекин бир қарашдаёқ унинг қорамтир кўркам юзидан, қаттиқ тикиладиган кўк кўзларидан, олтин гуллар солиб олмос тугмалар қадалган тўққирмизи кийимларидан таниб олар эмишман. Унинг ёнига борганимда ғазабдан кўзлари яна ҳам кўкариб қорага, айланиб кетармиш.

У гапга кирармиш... Унинг сўзлари менга қадимий ажойиб кўшиқлардек оҳиста, майин тўлқинли оҳанглар билан эшитилармиш:

— Сен мени унутиб кетдингми? Сен боқийликдан кетиб қолдингми? Сен серғалва бозорларда, нотинч оломон ва кофирлар жойлашган кулбаларда йўқолиб юрддингми? Қанча ойлар ўтиб кетди, сен бўлсанг ижодиёт тантаналарини ва порлоқ юлдузлар томон кўм-кўк мусаффо самоларда учиб боришларни эсингдан чиқариб қўйдинг...

Мен кўп замонлардан бери кўринмай кетган ўзимнинг қудратли, ўжар муаккилимнинг бир оғиз ҳам сўзини эшитмай қолмаслик учун дамимни чиқармай жим турганмишман.

— Мен бугун сенинг олдинга энг сўнги марта келишим. Агар сенинг ўлмас фикрлардан ва ўтмишнинг буюк кўланкалари билан, ёрқин йироқлар учун курашадиган жангчилар билан суҳбат қилишлардан юз ўгирганингни кўрсам, унда сен мени бундан кейин ҳеч қачон кўролмайсан.

Мен унга бундай деб жавоб берганмишман:

— Ўз эрки ўзида бўлган тинч ётмас сен доҳийни излаб кўп вақт жаҳонни кездим, аммо ўткинчи бир кўланкани бўлса ҳам, ҳатто ўчай деб қолган изингни ҳам товолмадим...

У бир қўзғалиб қўярмиш, шунда унинг дурдонадек шуълалари бўз гупроқда липиллаб кетармиш.

— Қани сенинг ажралмас жуфтинг—фикр? Сени ажойиботга бошлаган фикр қаёқда? Нега мен уни сенинг ёнингда кўролмаяпман? Ҳали у ҳам сендан юз ўгирдими?

— Йўқ! Арзимаган, бекорчи нарсалар мени ҳалок

этмоқда, улар нодонлик ва ёвузликдан менинг енгил қанот, ишончли жуфтими ҳалок қилдилар. Шундан бери мен сарсон, мен мажруҳ, мен ёлғиз ва кишиларга кераксизман...

— Сен алаҳлаяпсан! Сен уларга ўзингни керакли киши қилгин! Сен бунга фақат ўз ироданг билан эришасан... Киши ўлгани билан унинг фикрлари абадий қолаверади... Мен ҳозирданоқ сенинг ғайратли жуфтинг енгил кўланкасини яна ўз ёнингда кўра бошладим...

Шундан кейин Жин қаддини кўтарган эмиш. Унинг келишган қора кўланкаси узоқдан ловиллаб нур сочган жимжит шафақ кўриниб турган кечки осмон сатҳида аниқ кўриниб турганмиш. У ғарб томонни кўрсатиб кўлни чўзиб дермиш:

— Сен ўз йўлингни шу ёққа бур! У ёқда, бепоён саҳрода даҳшатли жанглар бўлади. У ерда сен, ўз ватанини ҳимоя қилувчиларнинг улуғ мардлигини ва босиб олувчининг сўнамас иродасини кўрасан. Улар ҳам, булар ҳам темир ва оловдан ҳам кучлироқдир. Жасоратли мардлар орасида юргин ва улар ҳақида бошқаларга сўзлаб бергин...

Жиннинг улуғвор қиёфаси борган сари шаффоф бўлиб борганмиш-да, ниҳоят йўқ бўлиб кетганмиш.

Шундан кейин бир совуқ шамол туриб қуриб бораётган ўтларнинг пояларини шилдиратармиш. Қабр бўш ва ҳувиллаб қолармиш. Ундан кейин мен ғарб томонга, ёниб, сўниб бораётган шафақ томонга жўнашга жазм қилармишман.

Шундай ғалати бир туш кўриб уйғондим. Ажабо, ўнгимда тўғри келармикин у?..»

Иккинчи боб

Қ И П-Қ И З И Л Н У Р Л А Р Д А

Исиқ кунлар тугаб, совуқ куз шамоллари турди ва эрталабки аёзлар мўйнали пўстинларни эслашга мажбур қилди. Ана шу кунларда Юлдуз буюк татар қўшинлари хонининг «мағриб мамлакатлари»га қилмоқчи бўлган даҳшатли босқини муддатини биринчи марта эшитди.

Шу вақтларда шилдираб оқадиган ариқларнинг юзи-

ни бир қават муз қоплади, дарёларнинг қирғоқлари ҳам яқинда бутунлай музлаб қолишдан дарак бериб муз бойлади. Ҳамма сувлар музлаб, бутун йўллар минг-минглаб отиқлар учунгина эмас, ҳатто туя карвонлари ҳамда ёзи билан семириб олган гажак шоҳли катта-катта ҳўкизлар қўшилган, ёғоч ўқлари мойсираб ғичиллайдиган юкли араваларнинг юриши учун ҳам қулай бўлиб қолади.

Ювош табиатли Юлдуз ўзининг ишончли хитой чўриси И Ля-хэ билан бирга вақтини олтин уйнинг ёнига солинган баланд тош деворнинг орқасидаги кичикроқ боқчада ўтказди. Хитой хотин И Ля-хэ эрта кўкламдаёқ тотти отини миниб саҳрога борган, у ерлардан ўзининг узоқдаги юртида қадрли саналган ўсимликларини излаб топган ва гулсапсар, лола ва бошқа чиройли чечаклар, шунингдек доривор ўтлар олиб келган эди. Ана шуларнинг ҳаммаси йўлкалар бўйидаги ариқлар бўйига сарой меъмори устоз Ли Тун-понинг жуда чиройли қилиб чизган андазасига мувофиқ гулзор қилиб ўтқазилган эди. Одатда хитой хони саройларининг ҳовузлари устига қуриладиган, ранг-баранг иплардан тўқигандек енгил шийпончани ҳам шу уста ясаб берган эди. Боғдан бир ариқ ўтказилган бўлиб, у Сарой шаҳаридан юқори бир жойдан чиққан булоқ сувидан олинган эди. Янги пойтахтнинг ўртасидан катта бир анҳор оқар ва бир неча жойдаги тўғонларда шаршарак ҳосил қилиб, кейин шаҳардан чиқиб кетарди. Тўғонлардан бирининг ёнида кичикроқ бир тегирмон ҳам бўлиб, сарой эҳтиёжи учун энг майин ун тортиб берарди.

Боғнинг ўртасида ичига ранг-баранг тошлар ётқизилган бир ҳовуз бўлиб, унда кичкина қизил қанот балиқчалар сузиб юрарди. Юлдуз уларга овқат ташлаб томоша қилишни яхши кўрар, балиқлар ҳам унинг тақинчоқлари шилдираганини эшитиб тўп-тўп бўлиб ўйноқлашиб келарди.

Бу йил кузда Ботухон кўп кунлар Юлдузнинг олдига келмади, доим у ёқ-бу ёққа отланиб юриб турди, улуғ қўшиннинг айрим қисмларини текшириб чиқди, ғарбга бўладиган сафарга тайёргарлик кўриб, туманбошилар билан кенгаш ўтказди. У сафарни тўсатдан ва жадал бошлаб юбормоқчи эди.

Бир кўни Ботухон Юлдузнинг олдига кечқурун келиб қолди. Икковлари тўрсимон панжарали шийпонда ёл-

ғиз ўтиришди ва шу ерда биринчи марта баҳслашб қо-
лишди. Юлдуз кўзини ерга тикиб бундай деди:

— Кечирасиз, хон ҳазратлари, эшитганларимга асос-
ланиб, сиз ўйлаб юрган бир ишга тақилмоқчиман. Кўнг-
лимни ғаш қилаётган бир ишни сизга айтмоқчиман.
Ахир мен сизни енгилмас саркарда бўлганингиз ва халқ-
ларнинг буюк ҳукмдори бўлганингиз учун севиб юрган
йўқ-ку. Мен сизни биринчи марта ўша қувғинда юрга-
нингизда, бировнинг бўз отини миниб қотиллардан қу-
тулиб кетган эпчил йигитлик чоғингизда кўрганману,
ўшанда аъзойи баданимни титроқ босиб, сизни кўнглимга
жо қилганман. Ана ўшандан бери менинг қалбим сиз-
нинг қўлингизда, бутун фикру хаёлим, эсу ҳушим доим
сизнинг атрофингизда парвона...

Юлдуз хоним жим қолди ва ботиб бораётган қуёш-
нинг сўнгги нурлари сарғайиб қолган дарахт барглари-
нинг орасидан ўтиб, жуда яқин, жонажон қорамтир жид-
дий чеҳрага қизил олачалпак бўлиб тушиб турди.
Шамол туриши билан бу тўқ-қизил ранглар қўзғалиб
кетди-да. Юлдуз ҳозир ўз ёнида шундай ювош, шундай
беозор бўлиб ўтирган одамнинг шафқатсиз қўлининг бир
ишорати билан тўкилиб турадиган қип-қизил қонлар
оқиб кетаётганини хаёлидан кечирди.

— Яқинда биз сен билан хайрлашамиз,— деди у.—
Биринчи марта мен сенсиз сафарга чиқаман.

— Бу сизнинг ихтиёрингизда!— деди-да, Юлдуз йўл-
йўл кўйлагининг ени билан кўзларини ёпди.

— Йиглайсанми?

— Мени ташлаб йўлга чиқмоқчи бўлганингизда ҳар
сафар... сиздан бир нарса сўрагим келади. Мумкинми?

-- Айт.

— Нима учун яна янги сафар бошламоқчисиз?

У хоннинг ажабланиб қошларини чимирганини ва
ишончсизлик билан ҳамда синов назари билан кўзла-
рини қисиб қараганини кўрди.

— Буни нега сўраясан? Кўпдан бери ўзинг чхши
биласанки, мен Соҳибқирон бобомнинг васиятларини
бажо келтиришим керак. У зот, мўғулнинг енгилмас
қўшинлари «сўнгги денгиз» гача етиб борсин деб буюр-
ганлар.

— Ахир нима учун сиз ўша...— у айтишга қўрқди-ю,
охири нима бўлса бўлар деб айтиб юборди;— даҳшатли
чолнинг васиятини бажо келтиришингиз лозим.

Бу сўзлардан Ботухон титраб кетди.

— У, сизнинг отангиз Жужийхонни ёмон кўрар ва ундан кўрқар эди. Шунинг учун ҳозир агар у тирик бўлганда сизнинг ғалабаларингизга ҳам ҳасад қилиб, сизни ҳам ёмон кўрар эди.

Ботухоннинг бир кўзи қисилиб, лабларига табассум югурди.

— Сен, Юлдузим, бутун Кўк ўрдамда энг жасоратли кишисан. Энг юракли жангчилардан бирортаси ҳам шивирлаб айтишга журъат қилолмайдиган гапни фақат сен менга айтдинг.

— Менинг сизга бўлган муҳаббатим кўрқувдан кучлироқдир. Шунинг учун мен сизга яна баъзи бир нарсаларни айтаман. Сиз ўз давлатингизнинг чегараларини ҳамдан ташқари кенгайтириб юбордингиз. Уни мустаҳкамланг ва муҳофизат қилинг... Яна тагин айтаман... Ўрисларнинг Киев шаҳриши вайрон қилманг, уни ўзингизнинг иккинчи пойтахтингиз ва «мағриб мамлакатлари»га қарши урушда мустаҳкам кўрғон қилиб қўйинг...

Ботухон ғазабига чидолмай дик этиб ўрнидан туриб:

— Ким ўргатди сенга бундай гапларни? Буни ўзинг ўйлаб тополмасдинг. Сенинг бу маслаҳатинг — хотинларнинг ҳарам ичида гапирадиган гаплари, ваҳималари! Мен ваъдамни бузолмайман. Мен аскарларимга кимки Киевга ёриб кирса, ундаги тангри уйларининг томига ёпилган олтинлардан хоҳлаганича ушатиб олаверсин, деб айтганман. Бундан уч йил илгари аскарларимга ўриснинг бой савдо шаҳари бўлган Новгородни талаймиз деб ваъда берган эдим, бироқ ўтиб бўлмас ботқоқликларда қолиб кетиб, етиб боролмаган эдим, ана ўшанинг ўзи ҳам кифоя менга. Энди ҳам ўшандай бўладиган бўлса, менинг ботирларим, мени ўз ваъдасига вафо қилмайдиган, мақтанчоқ деб айтишади.

Шу гапдан кейин Юлдуз энгил қора рўмолини бошига буркаб олди.

— Яна йиғими?

— Сафарда қанча юрасиз?

— Ўн икки ой.

Энди кетаётган Ботухон, орқасига қайрилиб, Юлдузнинг олдига келди-да, дағал қўллари билан унинг нозик елкаларини ушлади. Шундан кейин у тез-тез шивирлаб гапира бошлади.

— Менга бир ўғил туғиб бергин! Менинг ўғилларим

кўпу, аммо кўнглим тўлмайди, уларнинг орасида кўзимга бирорта ҳам сардор, саркарда кўринмайди. Бирортаси ҳам қуёшга ўхшамайди! Ўзимга муносиб ворисим йўқ! Менинг бу ўғилларим ўзаро муштлашадилар, жанжаллашадилар, бир-бирларини заҳарлаб ўлдиришга тайёр. Фақат ҳукм юргизишни билган болагина менга ворис — валиаҳд бўла олади. Бундай бола ҳали йўқ!

Юлдуз уялиб қўли билан юзини ёпди-да, бундай деди:

— Шунинг учун ҳам, бундан буён ҳеч қаёққа кетиб қолманг, қуёшдек чақнаб турган самовий Кўк ўрдангизда роҳатланиб, ҳузур қилиб ётинг, ҳар вақт Сарой шаҳрида бўлинг, деб илтимос қилияпман-да.

— Нима учун?

— Чунки мен ҳозирданоқ умид қиламан ва ҳатто ишонч билан айта оламанки, яқинда сизга бир ўғил туғиб бераман, унинг кўзлари сизникига ўхшаш ўткир бўлади, ҳукм юргизишда у, сизга ўхшаш юракли ва сизга ўхшаш моҳир бўлади...

Ботухон ботиб бораётган қип-қизил қуёш нурларида чақнаб, ўйчанлик билан тинглаб турарди:

— Юракли, мард ўғил менинг учун чексиз қувонч бўлади. Мен сафарда юрган чоғларимда сени ўйлаб, сенинг менга бахш этадиган қадрли ҳадаянгни кутиб юрман. Аммо шундай бўлса ҳам, мен ўзим белгилаб қўйган куни сафарга жўнайман... Ҳар вақт қудратли бўлиб қолишим учун ўз қўшнилариمنى янчиб ташлашим керак, бўлмаса, улар мени янчиб ташлайдилар.

Учинчи боб

БОТУХОННИНГ ҒАЗАБИ

Ботухоннинг ғазабланганини камдан-кам одам кўрган эди. Унинг эски ёнғоқ дарахтидан йўниб қилингандек қорача совуқ юзи, ҳар вақт, ҳатто унинг дилида ғазаб тўлқинлари қайнаб турган энг даҳшатли пайтларда ҳам сокин ва хотиржам кўринарди. Масалан, жанг авжи қизиб турганда, «фидойилар» ғайрат билан ҳужум қилаётганда ёки бирор қалъага қаттиқ тармашаётганда унинг бутун иродаси, нимваҳший ақлининг бетоқат фикрлари, ҳасад ёки ачинишлари ҳаддан ташқари кўпириб ичига сиғмай сиқилар ва қисқа, қуруқ буйруқлар бериб тураверарди.

Шундай пайтларда унинг қисик кўзлари айниқса чақнар ва қуруқ лаблари юмилиб, чимирилиб турган оғзининг чап тараф бурчаги сал-пал очилар, бўри тишлари гичирлаб кўриниб кетарди. Унинг ўз-ўзига ишонган, ўзининг куч-қувватига ва урушда албатта ғалаба қозонишига ишонган қорамтир совуқ юзида билинар-билимас бир табассум ялт этгандай бўларди.

Кўпинча Ботухон шундай пайтларда:

— Қудратли уруш тангриси Сулда мендан юз ўгирганича йўқ! — дерди.

Лекин бу машъум кунда Сайинхон бўладиган хавфнинг таҳликасини сезиб қолди. Қўлимдан келмайдиган ҳеч иш йўқ, деб ҳар вақт ўзига ишониб келган Ботухон, бугун бир балоқнинг қанот ёйиб келаётганини сезгандек бўлди, мўлжалланган сафарнинг тўсатдан барбод бўлиш даҳшати, бахтли, лекин манфур бобоси тарафидан ўйлаб чиқилган серташвиш режа, бутун жаҳонни забт этиш буюк режаси барбод бўладигандек кўриниб кетди.

Ўз кўнглидаги хавфларни синовдан ўтказиш учун Ботухон еттита энг олий тажрибакор донишманд чингизийлар билан баҳодирлардан тузилган «кичик кенгаш»ни чақирди. Бироқ унинг кибр ва ғурури кўнглидаги ташвишларни уларнинг олдида очиб айтишга йўл қўймади, шунинг учун суҳбат вақтида ҳамсуҳбатларини ўша фикрларга яқин келтириб қўймоқчи бўлди, аммо сўзни бу хавфсирашлар гўё уларнинг ўзларидан чиққандек қилиб юритмоқчи бўлди.

Тайин қилинган вақтда уларнинг ҳаммаси қўлларини қовуштириб, сирти зарҳал хитойча иккита «бахт ажлари» қўйилган хонага кириб келишди. Бу — «улуғ қабул» хонаси бўлиб, кичикроқ чорси бир уй эди. Уйга хоразм қизил гиламлари солинган, орқа девор тагига ажойиб гулдор кичик-кичик эрон гиламлари усти-устига тахлаб қўйилган эди. Шу ерда ўртада тўрт бурчак қилиб кесилган, духобадек майин ийланган қалин туя терилари уйиб қўйилибди. Мана шу муқаддас жой устига, деворга, иккита «туғ» — мўғул қўшинларининг ўнг қанот ва сўл қанотларининг байроқлари қадаб қўйилган. Булар ўртасида бутун мўғул қўшинларининг бошлиғи, бутун жаҳоннинг ҳукмдори Чингизхоннинг тўққиз думли «туғ»и турибди. Бу туғдаги саккизта қалин қора қўтас думнинг ўртасида машҳур Чингизхон жийрон отининг узун думи кўзга ташланиб турарди.

Соҳибқирон Чингизхон расм қилган мана шу мубо-
рак уч тўққиз-йигирма етти туя терисидан қилинган
тўқим унинг набираси Ботухоннинг муқаддас сафар
тахти эди. Бу ҳақда бир куни Ботухоннинг айтган шу
гаплари бутун мўғулларнинг эсида қолган эди: «Саркар-
да сафарда олтин тахт олиб юрмаслиги керак. У енгил-
ган ҳукмдорларнинг олтин тахтларини тортиб олиб,
уларни ўзининг содиқ ёронлари билан базм қилиш учун
эритиб қадаҳ қуйдириши керак. Сафарда буюк, жасо-
ратли фотиҳнинг тахти ўз отининг тўқими бўлиши керак».

Тахтнинг ўнг тарафида одатда айрим қўшинларнинг
улуғ бошлиқлари, чингизий курагонлар¹ Ҳрду, Шайбо-
ний, Куюк ва Мангухонлар ўтирарди. Бу кечаси Ҳрду
ҳали келмаган, Куюк ҳам (ўз одатича) ўзининг касал
эканлигини билдириб чопар юборган эди. Тахтнинг чап
тарафида қаҳрли туманбошилар: Пайдар, Қадан, Бу-
рундой ва Ботухоннинг мураббийси ва ҳарбий маслаҳат-
чиси, ўзининг якка кўзи билан ҳаммага тешиб юборгу-
дай тикилиб ўтирган буюк оталиқ — Субутой баҳодир
ўтирарди.

Ботухон айланма зинапоядан чиқиб, тикиллатмай,
йўлбарсдай юриб келди.

— Кўк тангри ўз паноҳида сақласин сизни, умрингиз
узун бўлсин!— деб қарши олди кутиб турганлар икки
букилиб.

Ботухон йиртқич ҳайвондек эпчиллик билан тахлаб
қўйилган сариқ туя териларнинг устига ўтирди-да, диқ-
қат билан ҳаммага бир-бир назар ташлаб чиқди, ҳеч
кимнинг юзида ҳеч қандай ташвиш ва безовталиқ асари
кўрмади.

Ҳаммалари Ботухоннинг олдига келиб, қоидага му-
вофиқ бошларини гиламга қўйиб, ўзларининг садоқат
ва ҳурматларини билдириб гиламни ўпишди. Кейин аста-
секин салобат билан бориб девор тагига қатор ўтириш-
ди. Уйга эпчиллик билан кирган ҳабаш бола Сайид бир
қучоқ гилам ёстиқ келтириб ҳамманинг ёнбошига бит-
тадан қўйди. Фақат Ботухоннинг ўнг тарафидаги, унинг
суюкли оғаси Ҳрдухон ўтирадиган бир жой ёстиқсиз
қолди.

Умумий сукутни ёқимли бир табассум билан гап бош-
лаган Мангухон бузди:

¹ Курагонлар — шаҳзодалар.

— Ҳозир бизлар, орзиқиб кутилган сафарнинг бошланиши — «бахтли кун» арафасида турганга ўхшаймизми? Соғлигингиз яхшими, суюкли Сайинхон ҳазратлари? Бардаммисиз? Куч-қувватингиз жойидами? Тўрт мучангиз соғми?

Ботухон тўғрига қараб, бепарво жавоб берди:

— Тангрига шукур! Соғман. Ҳамма ишлар жойида. Узингиз-саломатмисиз?

Мангухон одатдаги миннатдорчилик сўзларини мингиллаб айтди.

Ботухон нима дер экан, деб ҳамма жимиб қолди. У тўхтаб-тўхтаб сўзлай бошлади:

— Ҳурматли оғамиз Мангу курагон тўғри айтдилар. Олдимизда «бахтли кун» турибди. У жуда яқин. Аммо... айтинглар-чи менга, сизларнинг фикрларингиз қандай, ҳамма ишларингиз жойидами?— деб Ботухон хўмрайиб ҳаммага бир-бир қараб чиқди-да, чап тарафда энг четда ўтирган Шайбонийхонга тикилиб тўхтади. Шайбоний сермўй қора тулки телпагини тузатиб қўйиб, елкасини бир учирди-да, сўз бошлади:

— Гўё ҳамма нарса жуда ҳам жойидага ўхшайди. Ботирларимиз сафарга чиқамиз деб толпиниб турибди. Отларимиз ёз бўйи дам олиб тиниқди. Қудратли ғолиб уруш тангриси ҳам сувориларнинг йўлларни чангитиб сафарга чиқишини сабрсизлик билан кутиб, кўзга кўринмай бошимиз устида айланиб юрибди. Гарчи бизлар кутган мадад кучларни бахтга қарши олмаган бўлсак ҳам, сафаримиз енгилмас Сайинхон ҳазратларининг илгариги сафарлари сингари шон ва шарафли бўлади.

Шундан кейин ўтирганлар:

— Буюк Сайинхон ҳазратларининг умрлари узун бўлсин, ғолибият нури доимо йўлларини равшан қилсин! Ҳамма душманларга ҳам бас келадилар, Сайинхон! Бу зотнинг йўлларига кўндаланг тушган кишиларнинг ҳолига маймунлар йиғлайди,— деб жаврашди.

Ботухон тишлари орасидан секин гапирса ҳам, унинг жумбоқ шаклидаги сўзларини ҳамма эшитди:

— Шайбонийхон бир нарсани билади-ю, аммо сукут қилишни афзал кўряпти,— деб Ботухон ўйга чўмиб ўтирган Мангухонга қаради.— Хўш, сиз нима дейсиз, ростгўй маслаҳатчимиз?

Ҳамманинг эркаси, маккорликни билмайдиган ва беғам Мангухон қўлларини кериб жавоб берди:

— Мен нима дердим? Мен хавфу хатарлардан ҳеч бир қўрқмайман. Мабодо бирор тўсқинлик ёки бирор фалокат хавфи пайдо бўлиб қолса, киши ўз ҳушёрлигини, ўз гайрату жасоратини орттириши керак, холос. Энди, яхшиси, Шайбонийхон ўз кўнглидаги гапларни очиқ айтсин.

Шайбонийхон ҳаммага бир-бир қараб чиқди-да, кейин эшик олдида оғзини очиб гапга диққат билан қулоқ солиб турган ҳабаш болага қараб:

— Чиқ бу ердан, қора газанда!— деб қаттиқ бақирди ва Сайид югуриб чиқиб кетгунча кутиб турди-да, кейин:— Парданинг орқасида ким бор?— деб шивирлаб сўради.

— У ерда Юлдуз бор,— деди Ботухон хотиржамлик билан.— У менинг кўланкам, менинг бутун фикру ўйларимни била олади. Қани, овозингни чиқаргин, бу саройнинг кичкина маликаси! Сен бизнинг суҳбатимиздаги гапларни яхшироқ эшитиб олгин демоқчиман.

Бунга қарши нозик бир товуш жавоб қилди:

— Амрингизга мунтазирман, хоқоним!

Бетига катта олтин аждар сурати тикилган қора шойи парда бир тарафга сурилиб очилди. Парданинг орқасида деворлар тагига паст-паст юмшоқ курсилар қўйилган кичикроқ бир хонада икки хотин ўтирарди. Буларни Ботухоннинг ҳамма яқинлари танишарди. Булар Ботухоннинг суюкли кичкина хотини Юлдуз билан унинг содиқ чўриси, илгари ўз юртида атоқли бўлган хитой хотин И Ля-хэ эди. Хонанинг айвонга чиқиладиган очиқ эшикларидан ҳавода паст сузиб юрган булутлар ва ботиб бораётган қуёшнинг қип-қизил шафағи кўриниб турарди.

Шайбонийхон салмоқлаб, сўзларни чўзиб-чўзиб гапирарди:

— Менинг фикримча... бизлар сафарни... жуда ҳам... бевақт... ва ҳатто жуда ҳам ноқулай бошляпмиз...

Бу гапдан ҳамманинг баданига титроқ туриб, нафаси ичига тушиб кетди ва Шайбонийхонга анграйиб қараб қолди. Чунки унинг сўзлари одобсизлик ва менсимаганликдек кўриниб кетди.

— Қанақа ноқулай?— деб совуққина сўради Ботухон. Лекин унинг юзи ҳамон бир хилда эди.

— Албатта, ноқулай! Қўшинимизнинг чорағи ва балки ярми камайиб кетди.

— Нима учун?— деб ҳамон ўша бепарво ҳолатини сақлаб сўради Ботухон.

Шайбонийхон шошиб ва ҳовлиқиб гапини тушунтиришга киришди:

— Биз қипчоқ бекларидан элчи келади, деб кўпдан кутиб юриб эдик, бироқ бу беҳуда бўлди. Бутун қипчоқ аскарларини биз шафқатсиз тор-мор қилиб ташладик, шундан кейин улар, гарчи даштга тарқалиб кетган бўлса ҳам, қаттиқ туриб биз билан урушиб келди. Қипчоқлар юракли ва чидамли душман. Биз уларга кўп марта элчи юбордик. Элчилар қипчоқларни ғолиб мўғул қўшинларига қўшилшга таклиф қилиб, уларни ташвиқ қилишди. Агар улар бунга рози бўлса, «мағриб мамлакатлари»ни тор-мор қилишда қатнашиб, хуржунларини битмас-туганмас бойлик билан тўлдириб олардилар. Аммо қипчоқларнинг елкасида калла ўрнига узун мўйлови ва бир тутам кокили бор сувқовоқ ўрнатилган экан. Улар нимадан қочиб, қаёққа боряпти? Қипчоқларнинг сони олтмиш минг ўтовдан кам эмас. Улар ҳар бир ўтовдан бир-бирдан киши берганда ҳам бизнинг қўшинимизга бемалол олти туман чавандоз сувори бера оларди. Аммо қипчоқлар бизнинг элчиларимизни бекордан-бекорга ўлдириб юборишди. Мана энди бизнинг айғоқчиларимиз уларнинг яйловларига бориб, донишманд маслаҳатчимиз Субутой баҳодирнинг дўстона хатларини топшириш билан қипчоқлар ваҳимага тушиб, шошиб-пишиб ўтовларини йиғштириб туяларга ортади-ю, кун ботиш гарафга қараб жўнаб қолади.

Ҳамма Ботухонга қараб индамай ўтираверди. Ботухон эса бепарволик билан гапни чертиб-чертиб сўради:

— Биз учун ноқулай бўлган иккинчи масала нима?

— Иккинчи ноқулайлик,— деб давом этди Шайбоний,— ўжар ва саботли ўрислардир. Улар ҳам бизга отлиқ ва пиёдаси бўлиб юз мингтача аскар бериши мумкин эди. Агар шундай бўлганда «мағриб мамлакатлари» шундай даҳшатли шарқ қўшинларининг босиб боришига қарши тура олармиди?

— Ҳадеб ўрисларни эсга олиб, уларнинг йўқлигига ўқинаверишнинг нима ҳожати бор!— деб эътироз қилди Мангухон.— Биз уларни обдон билиб олдик. Бу серсоқол паҳлавонлар ўз айиқ уяларини яхши кўрадилар ва ундан чиққилари келмайди. Улар ўзларининг жонажон юртларини қўриқлагандагина яхши олишадилар, биров-

нинг юртига бостириб боргилари келмайди. Уларнинг ёрдамига кўз тутишнинг ҳеч бир кераги йўқ! Айиқлар, бизнинг тезюрар отлиқ аскарларимизга етиб юролмайди, барибир йўлда биздан қолиб кетади.

— Ҳеч ким улардан ёрдам сўрамайди ҳам,— деди Пайдархон.— Қипчоқлар биздан айрилиб кетибди. Жуда ҳам катта фалокатми шу!— деб ҳуштак чалиб юборди у.— Энди улар жуда узоқлашиб кетди ва Карпат тоғларидан ошиб кетгунча орқаларига қарамай қочадилар. Қипчоқлар бизга иттифоқчи бўлишдан чиқиб қолди, уларнинг душманлиги-чи? Қочиб кетаётган душмanning душманлиги нима бўларди.

— Аммо қипчоқларни унутиб ҳам, кечириб ҳам бўлмайди,— деди хириллаган овоз билан Субутой баҳодир.— Биз уларни хоинлардек, маккор қашқирлардек ёмон кўришимиз керак. Агар улар бизга қарши урушиб, хоинлардай зарар етказсалар, уларга асло раҳму шафқат йўқ! Агар можорлар ҳам бизга қарши урушадиган бўлса, у вақтда биз уларни оддий душманлардан қаттиқроқ жазолаймиз. Чунки бизнинг донишманд хонимиз содиқ кишилар орқали можор қироли Белага кўп марта хат ёзиб, қон-қариндоши бўлганимиз учун бизларни меҳмондўстлик билан кутиб олиши лозимлиги ва «мағриб мамлакатлари»га бўладиган юришга қатнашиш учун бизлар билан пўлатдек мустаҳкам дўстлик иттифоқи тузиб, бизларга қўшилиши лозимлигини эслатиб ўтганлар.

— Мабодо Бела ёлғондан рози бўлиб, кейин бизга хиёнат қилса-чи?— деб сўради Шайбонийхон секингина.

«Тўққизлар махфий кенгаши»нинг қатнашчилари, ҳар вақт огир-вазмин ўтирадиган Ботухоннинг тўсатдан қаттиқ ғазабланиб кетганини биринчи марта кўришди. У бирданига қўлларини ерга тираб энгашди-да, тагидаги териларни тепиб ташлади ва тишларини ғичирлатиб, кўзларидан ўт чақнаб, эмаклаб бир неча дақиқа турди, бу ҳолатда у қаршисидаги итларга ириллаб турган ғазабнок бўрига ўхшарди.

— Бекор гап! Валдираш бу! Беҳуда ваҳима! Бўлмагур гапларни қияпти Шайбонийхон.

Шу гапни айтиб Ботухон сакраб ўрнидан турди-да, бақариб давом этди:

— Сафарга кетаётиб атрофига аланглаб ўзига иттифоқчи излаган саркарда жуда ожиз ва ҳеч нарсага арзимасдир... Фикримча, Шайбонийга ноқулай бўлиб

кўринган нарсалар, ҳақиқатда биз учун катта муваффақиятдир. Яширни душман очиқ душмандан хавфлироқдир. Иккиланиб турадиган ва яна биз уларни қутқариб олишимиз лозим бўлган иттифоқчилардан бизга нима фойда! Чиркин ботқоқликларга, ёвуз жин-ажиналарга эм бўлсин улар! Агар Шайбонийхон айтгандек, бизнинг аскарларимиз камайиб, душманларимиз кўпайиб кетган бўлса, бу ҳақда мен бундай ўйлайман; мен билан бирга донишманд устозим Субўтой баҳодир ҳам шундай деб ўйлайдилар. Ахир биз буюк Чин¹ подшолигига ҳужум қилган вақтимизда бу киши менга уруш қондаларини таълим берганлар. «Агар бизлар оз киши бўлсак,— деган эдилар баҳодир,— у вақтда бизлар, қутурган йиртқиш ҳайвон галасидек ҳужум қилишимиз керак. Бошқа аскар ўн кун юрадиган йўлни бизлар бўрондек елиб-югуриб икки кунда босиб ўтишимиз керак. Қалтафаҳм, оғир қадамларнинг менга кераги йўқ. Улар билан ғалаба қозониб бўлмайди!» Тўғри айтяпманми? Сиз шундай таълим бермаганмидингиз?

— Тўғри, ҳамма гапингиз тўғри!— деб хириллади Субўтой баҳодир.

— Билиб қўйинглarki, биз кечикмай йўлга тушамиз,— деб гапида давом этди қизишиб Ботухон.— «Мағриб мамлакатлари»га отиламиз! Йўлимизда учраган ҳаммани ер юзидан супуриб ташлаймиз. Ғолиб қўшинларимизнинг ўнг қаноти ўрисларнинг Чернигов ҳамда Переяславль² шаҳарларини тор-мор қилиб, ундан кейин поляклар устига юриш қилади ва ундан нари можорлар юртига боради. Сўл қаноти эса Днепрдан ўтиб, Киевнинг устидан тушади, худолар уйининг томидаги олтинларини шилиб олади-да, ўрисларнинг бу кўҳна пойтахтининг кулини кўкларга совуради. Мана бу, бир вақтлар кучли бўлган бир халқни елкасидан найза билан сўнгги ажал зарбаси бериб, абдий хокитуроб қилиб бўлади.

— Ҳай баракалла! Қандай яхши гап!— деб маъқуллашди хонлар.

— Киевда мен тўхтаб ўтирмайман,— деб давом этди энтикиб Боту.— Олдимизда кўп ўлжалар бор. Жуда ҳам кўп. Дастлаб бизлар Польша қиролининг ерларидан ўтишимиз, унинг қўшинларини ер билан яксон қилиб ташлашимиз лозим, токи улар қўрғон ва ўрмонларга

¹ Чин — Хитой.

² Жанубий Переяславль — Хмельницкий кўзда тутилади.

бекиниб олиб, бизнинг орқамиздан ҳужум қилиш учун қулай фурсатни кутиб ётмасинлар. Полякларнинг бутун қўшинлари ва уларнинг иттифоқчиси, орқасига оқ крест ёпиштирилган мақтанчоқ германларни ҳамда уларнинг бошқа иттифоқчиларини ажойиб отларимиз туёқларида шундай топтаб ташлайликки, уларнинг ҳаммаси йўлнинг гарди билан аралашиб кўкларга совурилсин... Шу вақтдагина мен ўч олиш лаззатини сураман. Мен хоин қипчоқлар билан можорларга ҳамла қиламан ва уларни, қўрқувидан бўйраётган ҳўкизнинг елкасига чиқиб олган барсек, парча-парча қилиб ташлайман. Можорларнинг ўша серҳосил ерларига борганда, қаҳрамон аскарларимизга ва ажойиб ҳормас отларимизга дам бераман...

Утирганлар ҳаммаси одатда индамас Ботухонга қараб ҳайратдан қотиб қолдилар. У ўрнидан туриб муштини қисди-да, қадалиб турди, бурун катаклари керилиб ҳарсиллаб нафас олди ва лаблари эса титраб кетди. Шу ҳолда у аччиқ таъна билан сўзида давом этди:

— Мен онт ичиб айтаманки, можор қироли Белани қўлга тушираман ва унинг кекирдагини ўзим кемириб, қонини ичаман... Шунда қўлим бўшайди-да, «мағриб мамлакатлари» даги бошқа қўшинларнинг кучларини синаб кўраман. Ушанда Шайбонийхон кимнинг кучлироқ эканини: елдек тезюрар енгилмас мўғул суворилари кучлими ёки «мағриб мамлакатлари»нинг темир совутлар кийиб, вазмин қалқон тутган суст қадамликда машҳур суворилари кучлими эканини кўради...

— Сиз қаҳрамонсиз! Сиз чинакам баҳодирсиз, азизиним!— деган пастроқ бир товуш эшитилди. Эшик олдида семиз Ўрдухон турарди.— Мен сизнинг сўзларингизни эшитганда, жаҳонни ларзага солган Соҳибқирон бобомизнинг қудратли товушларини эшитгандек бўламан.

Шу сўзлар айтилганда ҳамма мўғуллар қўлларини юқори кўтаришди ва пичирлашиб афсун ўқиб, бир неча марта букилишди.

Ўрду Ботухоннинг олдига келиб, уни қучоқлади ва чаккасидан бир томчи терни ялади. Ўрдухон сочилиб ётган туя териларини ўз қўли билан териб боягидек қилиб тахлади ва ранги ўчган, қовоғи солинган Ботухонни бунинг устига ўтқазиб қўйди. У ҳам Ўрдухонга ўз ёнидан жой кўрсатиб, аҳвол сўради:

— Нима учун кечикиб қолдингиз? Саломатмисиз? Бақувватмисиз?

Урдухон қўл силжиб, кафти билан йўғон гарданини уқалай бошлади.

— Ёмон бўлди! Қандай жудолик эди бу менга!— деб сохта ўксинди у.

— Топдим: сизнинг юнон маликангиздир!— деди Ботухон совуқ товуш билан пинагини бузмай.

Тўртинчи боб

НУҲАЙХОННИНГ ОДОБСИЗЛИГИ

«Кичик кенгаш» қатнашчилари қувноқ жилмайиб бир-бирларига қараб олишди. Урдухон бурнини тортиб, қўлини кериб гапирди:

— У, меники эди, энди уни ўғирлаб кетишди. Балки ўзи қочиб кетгандир... Эшитишимга қараганда у, сиз Сайинхоннинг эркангиз, ҳурматли ота-оналарнинг бузуқ ўғли, жанжалкаш ёш Нўҳайхонникида бекиниб ётган эмиш.

Бу гапдан кейин ўтирганлар ажабланиб:

— Бу нима деган гап? Шундай ҳурматли татар хонининг ўғли жанжалкаш, безори чиқибдимиз? Бўлмаган гап!— дейишди.

— Сизларнинг бундан хабарларинг йўқ, чунки сўнги вақтларда ёш Нўҳайхон сайғоқ, тулки ва қашқир овлаб бир йилчадан бери саҳрода кўчиб-қўниб юрибди. Яқинда отаси уни сафарга юришимизни эшитиб мана шу қароргоҳимиздаги ўз уйига чақириб олди. Бу сафарга Чингизхон наслидан бўлган ҳар кимса қатнашиши керак-да. Шунинг учун отаси бу сафарда Нўҳайнинг эси-хуши кириб, қаҳрамонлик кўрсатар деб умид қилди. Хўш, нима бўлди денг! Бу ерда, қароргоҳда у яна жанжал чиқариб, ҳеч кимга тинчлик бермайди, муш-лашади ва ичкилик базмлари қуради. Қора арғумоғини миниб, қўлида дўмбираси билан у, баъзи бир қадрли хонларимизнинг ўтовларига боради ва уларнинг хотинлари билан маҳрамларини мақтаб ўланлар айтади.

— Жа жа!— деб юборишди ўтирганлар, афсус билан бошларини чайқаб.

— Ақли кўтоҳ хотинлар Нўҳайнинг ўланини эшитиб, эс-хушини йўқотиб, унинг олдига югуриб чиқади, йигит эса уни тутиб олиб, эгарга ўнгаради-ю, ўз маконига

олиб кетади. Айтишларича, ўғирлаб келинган хотинлар ҳозир бир ҳарам бўлган эмиш. Сизнинг Новгород элчисига тортиқ қилганингиз Зербиёт хоним ўғирланганларнинг дастлабкиси эмиш...

— Уша ҳарамдаги энг учига чиққан фоҳишаси — сизнинг юнон маликангиздир ҳали? — деб бепарво сўради Ботухон. — Нима учун сиз уни ҳам, Нўҳайхонни ҳам чошиб ташламадингиз?

Ўрдухон Юлдузнинг оёқ томонида ўтирган хитой аёли И Ля-хэга мурожаат қилиб, деди:

— Ҳурматли хитой хоним! Менга бир жуфт ёстигингизни берингчи. Мен хоннинг бу табаррук тахтида жойлашиб ўтира олмаяпман.

Шундан кейин И Ля-хэ жимгина бир жуфт гилам ёстиқ келтириб қўйди, Ўрду бемалол ўтириб олиб гапида давом қилди:

— Тўғри, мен Нўҳайни чошиб ташламадим. Бу менинг айбим. Аксинча, орадан бир кун ўтгандан кейин тулки телпагини қўлига олиб, белбоғини бўйнига осиб, тентакнамо бир тарзда тавба-тазарру билан келганда мен уни бағримга босдим. У мендан ўзини чошиб ташлашимни, асир юнон хотинни қайтариб олишимни илтимос қилиб, эвазига яхши бир сара от, эрон гилами ва йигирмата қул беришни ваъда қилди. Юнон хотинни ўғирлашга келган ўша кечаси жуда маст эканини айтиб олт ҳам ичди. Лекин бу гапларнинг ҳаммаси ёлғон. У яна ҳазиллашди. Бу эса мени жуда хурсанд қилди. Мен уни бағримга босиб туриб, мана шу газанда илонни, қорақуртни, чаённинг асов қизини жон деб сенга ҳадя қиламан дедим. Уларнинг икковига ҳам яхши тилаклар тиладим. Шундай қилиб, бир-биримизни қучоқлаб, жуда узоқ, тонг отгунча ўтирдик. Мен ана шу жонсарак, ҳамманинг жонига теккан ва йўқни йўндириб бер дейдиган рум қизидан осонгина қутулганимга қувониб, унга май қуйиб бериб ўтирдим. Нўҳай ҳам хурсанд бўлиб туни бўйи ўлан айтиб чиқди.

— Мана шу сафарда Нўҳайнинг бирор фойдаси тегади, деб ўйлайсанми?

— Нўҳайхон ёш бўлса ҳам, унда ўткир саркарданинг ақли бор. Менга у бундай дейди ва бундай таклиф қилади... Ия, бу нима гап? Бу тирмизак бола бу ерга келиб қолибди-ку!.. У ҳеч балодан қўрқмайди ва ҳар кунни янги бир нарсани ўйлаб чиқаради.

Ҳамма анграйиб қотиб қолди. Қўчадан ўлан овози эшитилди. Ширали овоз билан эркак киши қўшиқ айтарди:

Сарв қомат, гўзалдир мўғул қизлари,
Тунги ялтир қўнғиздек порлар кўзлари.
Даштимизда баҳорда учар бу қўнғиз,
Порлайди ялт-юлт қилиб гўёки юлдуз.
Тутиб уни кафтида қўрқмаган марддир,
Тута олган йигитга не ажаб бахтдир.

Ҳамма хонлар шивирлашиб:

— Рост! Рост! Бизнинг тунги ялтироқ қўнғизларимиз чиндан ҳам гўзал! Бизнинг мўғул қизларимиз чиндан ҳам гўзал!— дейишди.

Ҳалиги овоз узоқдан яна эшитилди:

Шон-шарафли Ўрдухон, жасур баҳодир
Чодирда семурғ қушни сақлабдир.
Зумурраддек мовийдир қушнинг кўзлари.
Порлар гўё зимистон тун юлдузлари.
Ўғирлади у қушни майхўр бир дайди .
Овчи Нўҳай ботир деб отин атайди.
Кумуш кишан солибдир нозик тўпиққа
Ўз ўтови ёнига боғлаб қозиққа
Суюкли гўзал отин ёнига элтиб
Иккисига қарайди қўнғилин юпатиб.

Хонлар бошларини чайқаб бир-бирларига қарашди ва Ўрдухон энди нима қиларкин деб қузатиб туришди. Ўрдухон ўз одатича, йўғон калта бармоқларини бири-бирига айқаштириб туриб шивирлаб гапирди:

— Қандай бахт! Тангри менга қандай қувонч ато қилди-а! Энди мен, ниҳоят, рум подшолари наслидан бўлган серташвиш хотиннинг ташвиш ва ҳаяжонга солишларидан халос бўлиб, хотиржам дам оладиган бўлдим. Хайрият, чодирим зирапча ва тиканаклардан ҳөли бўлди!

Қоронғиликда ҳалиги товуш тағин ўлан айтди:

Тилла сарой ичида гул доласи бор,
Юз йўлбарсу минг аскар уни қўриқлар.
Ҳеч бир лочин бургутлар учиб киролмас,
Бу тилсимли саройга қўлин чўзолмас.

Аммо етур дайдининг шўхчан қўшиги,
Ўша гўзал лоланинг қизур қулоги.
Гўзал қора кўзлари, нозик беллари
Мақталганда какликдек йўргалашлари.

Ботухоннинг ўйчан юзида сирли бир табассум жилваланди. У кўзларини сузиб Юлдузга тикилиб қаради. У бошидаги қора ипак рўмолини ташлаб ўрнидан турди-да, қора кўзларини унга тикди. Унинг ҳар вақт мулойим ва ювош оппоқ юзи ҳозир ғазабдан ловиллади. У кичкина муштинни сиқиб, худди таранг тордек чўзилиб, гижиниб турарди.

— Унга ўлан билан жавоб қил!— деди Ботухон салмоқлаб.

— Унгами? Шу беор қароқчигами? Йўқ, айтмайман!

— Айт! Уни бу ёққа чақириб ўлан айт!— деди қатъий Ботухон.— Мен уни кўрмоқчиман! Ўз кўзим билан кўрмоқчиман.

Баланд бўйли хитой хотин И Ля-хэ Юлдузнинг қулоғига бир нарса деб шивирлади. Юлдуз эса унинг сўзини маъқуллаб бош ирғатди-да, қўлига дуторини олиб айвонга чиқди. У нозик ва таъсирли бир овоз билан ўлан айта бошлади. Қўшиқ сўзлари сокин шаҳарга барала эшитилди:

Чарчагансан йўловчи — кутилган меҳмон,
Дадил бўлгин, хотиржам келгин бу томон!
Ёт юртларни кўргансан, талай ерларни,
Жон қулоқдан тинглаймиз дostonларингни.

Юлдуз чопганича бақириб келиб хонага кирди-да, ўзини И Ля-хэнинг пинжигига олди.

Айвонга тез-тез тармашиб бир йигит чиқиб келди, у қундузи тулки мўйнали хоразмча духоба телпак, беқасам чопон кийган ва белига кумуш камар боғлаган эди. Унинг қорачадан келган юзларидаги чақнаб турган қора кўзлари, кенг манглай ва шўх табассуми ўзига бино қўйганлигини кўрсатиб турарди.

У югуриб келиб тиз чўкди-да, Ботухоннинг олдига эмаклаб бориб, одоб билан оёқларига юз урди. Кутилмаган бу воқеадан Ботухон ўзини орқага ташлади. Утирганлар чўчиб тушди. Йигит бундай деди:

— Одобсизлигим учун жазо беришингизга ҳам рози-ман, лекин олижаноб, шафқатли Сайинхон ҳазратлари олдин сўзларимга бир қулоқ солишингизни сўрай-ман. Мен эгаримнинг қанжиғосига арқон билан илмоқ-ли ипак нарвон танғиб юришга одатланганман. Меҳри-бон бир чақириқни эшитганим учунгина ҳузурингизга энг тўғри ва энг яқин йўлдан чиқиб келдим. Бундай но-зик сўзларсиз муборак уйингизнинг табаррук гиламла-рини босиб юришга юраксинармидим? Бироқ сиз мен-дан минг карра донороқ ва сезгирроқ экансиз, чунки бу қўшиқ билан сиз, тажрибакор овчидек, мени ўз бур-чимни англашим учун бу ерга алдаб келтирдингиз...

— Қандай бурч?

— Мўғул жангчисининг бурчи — буюк сафарда қў-шинингизнинг энг олдинги сафида бўлиш!

Ботухон ўнг қошини кўтариб, йигитга гумонсираб қаради. Нўҳай чертиб-чертиб сўзлайверди:

— Мени энг олдинги сафда юрадиган аскарлари-нгизга оддий жангчи қилиб қабул қилинг ва ҳеч ким қи-лолмайдиган ишни буюринг,— деди Нўҳай ва яна бо-шини гиламга қўйиб жим тураверди.

Ботухон Урдухонга мурожаат қилди:

— Ҳурматли оға, бу тентакни сизга топширдим. Ни-ма қилсангиз ихтиёрингиз.

Урдухон йигитнинг ёнига келиб, айиқ нанжасига ўхшаш бақувват қўллари билан уни кўтариб турғизди-да, бошини силади:

— Тентаксан! Улим билан ўйнашмасан! Анови бур-чакка бориб ўтир. Суюкли Сайинхон сенинг тўғрингда нима дер эканлар, шуни кутиб тур.

Ботухон ўз устози ва маслаҳатчисига мурожаат қилди:

— Донишманд Субутой баҳодир! Мен сиз билан кўп марта суҳбатлашдим ва бўлажак сафар ҳақида сиз билан кўп ўйладик. Сизнинг берган маслаҳатларингиз эсимда ва уларни унутмайман. Бу гапларни ҳали бош-қалар билмайди, сиз, бу ерга йиғилган содиқ сафдош-ларимга бирор муҳимроқ нарса айтиб беролмайсизми?

Субутой қисқа-қисқа, бўлиб-бўлиб бўрибосардек хи-риллаб гапга кирди:

— Бизлар Соҳибқироннинг васиятлари билан са-фарларини эсимиздан чиқармаслигимиз керак... Ушан-дан ибрат олайлик.. Хитойга босиб кириш ҳақидаги ёр-

лиқни эсга олиб кўрайлик, бу иш бошда бизнинг саҳройи хонларимизга номаъқулдек кўринди. Чин подшолигида ўша вақтда, бизнинг саҳроларимиздаги мўғул уруғ-аймоқларидаги элдан уч юз ўттиз уч марта кўпроқ халқ бор эди. Чин қўшинлари бепоён ўрмондек эди. Буларнинг орасига, Соҳибқироннинг фармонларига мувофиқ, қаҳрамон сувориларимиз ўпириб кира бошлади... Хитой шаҳарларининг баланд тош қўрғонлари бор эди... ҳаммаси ҳам ўтиб бўлмас қўрғонлар эди... қўрқиб қолган аҳоли шу қўрғонларга бекиниб олди... Улар узоқдан катта ойболта-ю қиличларини силтаб ҳамда даҳшатли худоларнинг лой билан сомондан ясалган суратларини кўрсатиб бизга дўқ қилишди... Аммо кейин уларнинг ўзлари келиб таслим бўлишди... Энди ҳам шундай бўлади... Олдимизда ўрис, рум, можор, қипчоқ, лотин, фаранг ва бошқа эллар ҳали қанчадан-қанча! Бунинг қанчалигини тангрининг ўзи ҳам дарров айтиб беролмайди... Аммо бизлар табаррук Соҳибқироннинг қатъий васиятларини эсимиздан чиқармаслигимиз керак, шунда ғолибият қозонамиз. «Мағриб мамлакатлари»нинг пойтахтлари бўрон вақтида қулаган ўтовларимизга ўхшаб, қулайверди... Биз тўсатдан, даф қилиб бўлмайдиган ва душман кутмаган ердан зарба беришимиз керак... Душманга ҳийла ишлатиш керак, ўзимизни ундан қўрққан қилиб кўрсатиш керак. «Ғор, ғор!» (қайт орқага!) деб қичқиришимиз ва чекинишимиз керак. Кейин душманлар аҳмоқ бўлиб орқамиздан қуллаб сафлари тўзиб кетганда, яна ҳам тезроқ ва қаттиқроқ зарба беришимиз керак.. Бу гапларни такрорлашимнинг нима ҳожати бор? Ўзларингиз биласизлар-ку буни!

Шундан кейин Субутой ягона кўзини юмиб олди. У худди тўнғиздек хўриллади, гўё ухлаётгандек эди.

— Яна бир нарса денг, қадрли устоз!— деб мурожаат қилди Ўрдухон.

Субутой, ювошгина бўлиб ўтирган Нуҳай томонни бармоғи билан кўрсатиб гапирди:

— Жиянингизни... «бебошлар» тўпига мингбоши қилинг! У ерга боргандан кейин у ўзига ўхшаш битта зўровон билан олишиб бошидан жудо бўлар ё уни ўзига бўйсундирар. Аммо, ўйлашимча, у ўзининг чинакам Чингиз наслидан эканини кўрсатиб... Ҳеч ким қилолмай-диган ишларни қилгандан кейин бир йил ўтар-ўтмас сиз-

нинг даҳшатли туманбошингиз бўлиб олади. Уни бир синаб кўринг.

Ҳамма жим бўлгач Ботухон гапирди:

— Исун Нўҳай!... Сен ўзингнинг итдек сезгир ва темирдек ўткир эканингни кўрсатасан. Сафарга ўзингнинг ипак нарвонингни ҳам ола кет. У билан ўрисларнинг пойтахти Киев қўрғонига биринчи бўлиб чиқасан. Ҳозир мана бу эшикдан чиқиб ўз ўтовингга қайт. Олдинга бир турғовут бориб менинг фармонимни эшитиради. Қайтишинг учун ижозат.

Нўҳай қизил ипак нарвонни йиғиштириб олди-да, орқаси билан секин-секин юриб кичик кенгаш залидан чиқиб кетди.

Бешинчи боб

«БЕБОШЛАР» ҚАРОРГОҲИДА

Улар яна Мозандароннинг қаҳрабосимой майи солинган бир хумчанинг оғзини очишди, бу майни ҳам бир томчи қолдирмай ичиб юборишди, одатга мувофиқ косасида бирор томчи май қолдирган кишининг бошидан ҳам қуйишди. Ботухон қўлини юқори кўтариб, гўё учиб юрган капалакни тутиб олмоқчидек бўлди.

— Мен ўша бебош аскарларни кўришим керак... уларнинг ваҳшиёна бўкириши, қўшиқ айтиши ва жанжалларини эшитишим керак.

— Ундай бебош, майхўр ва жанжалкашлар орасига сизнинг боришингиз муносиб эмас,— деди Субутой баҳодир ва юзини тошдек қилиб тураверди, фақат кўзи аралаш чаккасидан кесиб ўтган тиртиғи ичкиликдан бир оз қизариб кетди. Шу ҳолда у сўзида давом этди:

— «Бебошлар» одамни ҳурмат қилишни билмайди. Улар сизнинг ва баланд мартабали зотларнинг бориб учрашувига лойиқ эмас...

— Ҳурматлаш жонимга тегди!.. Жанжални, икки кишининг пичоқ олиб олишаётганини кўргим келади, шулар орасидан мусофир кийимда сездирмай ўтиб кетишни кўнглим тусайди.

¹ Исун Нўҳай — «темир ит» деган сўз бўлиб, Нўҳайхоннинг лақаби бўлиб қолди.

— Сиз зоти олийнинг табаррук оёғингиз фақат истироҳат қиладиган гиламларни ёки сафар узангисини бошиши лозим.

— Бугун менинг оёғим янги синовлар сўқмоғидан юради. Ёнимда биргина тентак Нўҳай юрса бас. Менга бошқа кийимлар келтиринглар.

Субутой баҳодир энтика-энтика ўрнидан турди, калавлай-калавлай эшик орқасида турган соқчи турғовутнинг олдига келди-да, унинг елкасидан ушлаб туриб, қулогига шивирлади:

— Жуда кир бешта оддий чопон келтир. Ўнта турғовут отланиб орқамизда бир неча қадам кейинда юрсин ва бизни қўриқлашга ҳозир бўлсин.

— Амрингизга қуллуқ, бажону дил!— деб турғовут уйдан чиқиб кетди.

Ботухон ҳеч кимнинг сўзига қулоқ солмай бир нарсалар деб гўнғиллаб, капалак тутаётгандек ҳаракат қилаверди. Шу вақт унинг олдига эмаклаб тарихчи-дарвиш Ҳожи Раҳим келди.

— Соҳибқирон! Менинг ҳам сиз билан бирга боришимга ижозат беринг, у ердаги «бебошлар» тўқсон тўққиз элнинг саркаш жангчиларидан тўпланган. Мен уларнинг сўкиш, қўшиқ ва сўзларини таржима қилиб бераман...

— Майли, бора қолинг, бироқ қоронғида фалокат гирдобига тушиб кетиб юрманг тагин. У вақтда менинг сафарларим ҳақида ким тарих ёзади?

Салдан кейин эски чопонларга ўралган беш киши чодирдан жимжит қоронғилик қучоғига чиқди.

Бир неча минутдан кейин эса от туёқларининг дўпир эшитилиб, бир неча отлиқ ҳалиги чиқиб кетганлар орқасидан эргашди...

Бир неча тепаликлар ўртасидаги текисликда жуда кўп гулханлар ёниб турарди. Бозор майдони ўртасида туялар кавш қайтариб ётар, улар ёнида той-той молларини қучоқлаб савдогарлар ва туякашлар ухлашарди. Ҳамма ёқда, қизил алангалар теварагида, узоқ ерлардан келиб тўпланган ҳар хил миллат аскарлари ўтиришар ва ётишарди. Ҳали уларда аскарни бир интизомга оладиган тартиб ва бошлиқлар йўқ эди. «Бебошлар»га қароргоҳ учун Итил дарёсига яқин шу текис-

лик берилган. Ҳамма, кун ботишга бўладиган сафарни кутиб ётар ва ўзларига таниш тил — туркий, форсий, белужий, курд, адигай, лазгин ва бошқа тоғ ҳам водийларда яшовчи халқлар тиллари эшитилаётган гулханларнинг теварагига тўп-тўп бўлиб уюшарди.

Ҳамма ёқда кигиз ёки бўздан тикилиб ходаларга биркитилган кичик-кичик чодирлар кўринарди. Булардан бақриб қичқаришлар ва мастона қўшиқлар эшитилиб турарди.

Баъзи бир қабилалар давра қуриб ўтиришар, ўрталарида катта гулхан ёниб турарди. Жангчилар эса бир-бирларига сиқилишиб, сафар кўрган тажрибакор ботирларнинг ёки кўпни кўрган кексаларнинг қангамаларини тинглар ёки ранг-баранг оҳангдаги узун ва чўзиб айтиладиган дoston-ғазалларга қулоқ солиб ўтиришарди. Бир жирчи¹ мўғулча уч торли дўмбирасини чертиб жўр қилар, ингичка товуш билан ота-боболарнинг ва атоқли дашт баҳодирларининг қаҳрамонлиги ҳақида кўҳна ғазалларни айтиб бериб ўтирарди.

Беш йўловчи гулхан олдидан ўта туриб қўшиқча қулоқ солиб тўхтади.

— У нима тўғрида жирляпти?

— У Искандари Зулқарнайн ҳақида, унинг қизил бошлар² билан қилган урушлари ҳақида жирляпти.

Шу орада икки отлиқ ҳойт-ҳуйт қилиб сойнинг ўртасидан бир-бирини қувлаб келиб қолди. Отлар ёниб турган гулханлар устидан сакраб, чўғларни сочиб юборди. Гулхан теварагида ўтирганлар сакраб туриб, қилич яланглаб наъра тортди.

Олдинда чопиб келган отлиқ арабий чакмон кийган йигит бўлиб, қуролсиз эди. Унинг хипча тўриқ оти баланд гулханлар алангасидан енгилгина сакраб ўтар ва қувғиндан қутулиб кетишга тиришиб чопарди. Иккинчи отлиқ эса бошига дубулға, устига совут кийиб, найзасини ўқталган, қора бир отнинг устида энгашиб ўтирган киши бўлиб, ғазабланган чўчқадек хўриллар эди. Ғазабга келган қароргоҳ аҳлининг сўкиш ва лаънатлари

¹ Жир — қушиқ, дoston, умуман назм. Жирчи — қўшиқчи, ашулачи, бахши, оқин. Қадим қипчоқ сўзи. (Тарж.).

² Қизил бош, қизил соқол — эронликлар. (Тарж.).

остида бу икки рақиб узоқ бир тепалик томон бурилиб кетди.

Бир оздан кейин у ёқдан иккинчи отлиқнинг ўзигина қайтиб келди. У кенг ўмровли, бақувват, ювош қора арғумоқ миниб секин-аста келди, «бебошлар»нинг сўкишларига ҳазил-мутойиба билан жавоб бериб, гулханлар ёнидан эҳтиёт бўлиб ўтди. Энди ҳамма тинчиб, нотаниш бу паҳлавонга ҳавас билан қаради.

Отнинг жабдуқлари ранг-баранг гажимлар билан безалган, эгарнинг усти оқ тери ёпиқ билан ўралган эди. Отнинг бўйнидаги кумуш зийнатлар орасида муштумини сиқиб турган бир қўлнинг тирсакдан пастига ўшаш қора бир нарса осилиб турарди.

Ҳалиги отлиқ қизил ва сариқ беқасам тўнлар кийиб савлат билан ўтиришган бир товканинг¹ олдига келиб тўхтади. Унинг яқинлашиб келаётганини кўрган жирчи жим бўлди, ўртадаги гап-сўзлар узилиб, ҳамма келган кишига қараб қолди, отлиқ эса жирчига тақлид қилиб, тўсатдан баланд овоз билан қўшиқ бошлади:

Билиб қўйинг мен эрурман курдистонлик Утбой деган!
Йўлбарс каби зўр баҳодир, жангларда ҳеч енгилмаган!
Туман-туман кофирларни тупроқ ичра яксон қилган!
Шундан кейин эллараро мен эрурман донг чиқарган!
Мана бунинг бари яхши!

Асир тушиб фарангларга пайт топиб қочган менман!
Бўғовларин, кишанларин парчалаган ёлғиз менман!
Мени қувган душманларнинг олдин тўсиб урушганман!
Чопиб ташлаб барчаларин калла минор қўпорганман!
Мана бунинг бари яхши!

Жалолиддин деган ёвни урушиб тору мор қилдим!
Омон бермай жонига ҳам қора ер қаҳрига тикдим!
Танасидан терисини тулум қилиб сўйиб олдим!
Терисини нйлаттириб эгаримга ёпиқ қилдим!
Мана бунинг бари яхши!

Тирсагидан қўлни кесиб, узиб олдим белги қилиб!
Тақиб олдим от бўйнига тилсимли тумор қилиб!
Бўлғусидир ҳоли шундай ҳар кимики қарши келиб!
Утбой билан қиличлашса, жанг қилишса найзалашиб!
Мана бунинг бари яхши!

¹ Товка — бир неча кишининг доира, ҳалқа шаклида ўтиришлари. (Тарж.).

Шунда четроқда турган беш йўловчининг биттаси чопонини ерга ташлаб товкада ўтирган қипчоқларнинг олдига югуриб келди.

— Қулоқ солинглар менга, ҳой жез тўшли, темир билак ботирлар!

Ҳамма ялт этиб гапирган кишига қаради. У баланд бўйли, жуссаси келишган, устига урганч чакмони кийиб, белига иккита ханжар қистириб олган киши эди.

— Бу мақтанчоқ, орсиз одам Жалолиддинни ўлдирган эмас, ёлгон. Бизнинг энг хавфли душманамиз бўлган Жалолиддин ҳали тирик, у Эронда изғиб юрибди, Жабанўён уни тириклай тутиб занжирбанд қилиб бу ерга, Сайинхоннинг олдиларига олиб келмоқ учун қувлаб юрибди. Ҳозир мен мана шу каззоб билан уришиб, унинг мияси йўқ калласини дор устига қадаб қўяман, шунинг учун сизлар менга бир ўткир қилич, букилмас найза ва бир вафодор миқти от беринглар, бўлмаса онт ичиб айтаманки, мен бу итга ёлғиз ханжар билан ҳамла қиламан! Бундай мақтанчоқ каззобга тоқат қилиб турганимдан кўра, уришиб ўлганим яхшироқ.

Қипчоқлар ўринларидан туриб кетдилар ва бақириб:

— Отингни айт, паҳлавон!— дейишди.— Ма, менинг қиличимни ол! Менинг отимни ол! Мана сенга қалқон билан найза!.. Оллоҳнинг иродасига ҳавола қиламиз! Оллоҳ ҳақ одамга фатҳу нусрат беради, жиноятчининг чароғини абадий сўндиради.

— Менинг отим Темир ит енгилмас Иесун Нўҳай.

— Ҳа, бу атоқли Иесун Нўҳайхон экан!.. Жаҳонгир Ботухоннинг суюкли жиянлари!.. Унга мадад берамиз.

Қипчоқлар югуриб бориб, қилич ва найза келтиришди. Дарров бир неча эгарлоғлиқ отлар ҳам келтирилди, ҳар бир отнинг эгаси ўз отини кўндаланг қилиб минишга таклиф қилди.

Нўҳайхон иккиланмай, баланд бўйли бир жийрон отни танлади-да, унга сакраб миниб олди. Қипчоқлар эгри қилич осиглиқ энлик бир камарни унинг белига боғлаб, қўлига найза билан кичикроқ доира қалқон беришди.

Ўтбой Курдистоний тизгинни тортиб ўзининг кенг ўмровли қора отини тўхтатиб турарди. У тишини гичиллатиб, кўзларини олайтириб ҳаммага бир-бир қараб чиқди.

— Қудратли қўлингизга тангрининг ўзи мадад берсин!— деб қичқирди қипчоқлар Нўҳайга.

Бозор майдонидаги савдогарлар билан уларнинг мол ортган ҳайвонларини дарров итариб-туртиб ҳайдаб чиқишди. Ҳар ёқдан чопишиб келган отлиқлар кенг давра ясаб, оллоҳнинг тақдирига ҳавола қилинган яккама-якка жанг майдонини кенгайтириб, ўртани очишди. Бир неча мўсафидларни натижани холислик билан ажрим қилиш учун чақириб келинди.

Олиш-тутиш бошланди.

Иесун Нўҳай ғазаб билан курд томон югурди ва Утбой унга найза билан қарши зарба бермоқчи бўлганда отнинг бошини бирданига буриб юборди. Утбойнинг найзаси учиб бориб ерга қадалди.

Шунда Нўҳай дарров отнинг бошини буриб курдга ҳамла қилди-да, ўткир қиличи билан унга яшиндек зарба бера бошлади.

Афтидан, Утбой ҳам тажриба кўрган жангчи бўлса керак, олдин эпчиллик билан зарбани қайтариб турди-да, кейин дубулғасининг кесилиб кетганини кўриб ўзини отдан ерга ташлади, оти майдонда эгасиз чопиб юрди, томошабинлар тутиб олишди.

Нўҳай ерда ётган рақиби устига келиб тўхтади ва унинг қора қонга буланган юзига найзасини ўқталиб турди.

— Таслим бўласанми, йўқми, тезакқўнғиз, алдамчи бўри?

— Хун тўлайман, не хоҳласанг шуни берай,— деб ингради Утбой.— Бир қошиқ қонимдан кеч.

— Эгаринг устига ёпиқ қилган оқ тери кимники? Ростини айтсанг, ҳаром қонингдан кечаман.

— Мендан хун учун,— деб ингради курд,— отимни эгар-жабдуғи билан ол, бутун қурол-яроғимни ол, бунинг устига бир ҳамён олтин динор ҳам ол, фақат мендан гап сўрама ва ўзимни бўшат.

Нўҳай найзасини шу қадар яқин ўқталдики, найзанинг учи Утбойнинг юзига тегай-тегай деб турди.

— Мен берган ҳамма хуннинг ҳақини оламан, лекин сен чин сўзни иқроқ қилишинг керак. Саркаш Жалолиддин тирикми, у ҳозир қаерларда яшириниб юрибди?

— Мен Жалолиддинни ўлдириш тугул, ҳатто кўрган ҳам эмасман. Ёлғон гапирдим...

Шу вақт жанг бўлиб турган жойга ингичка тўриқ от минган араб йигит чопиб келди. У Нўҳайга яқинроқ келиб гапирди:

— Бу бўри одамни ўлдирманг! Эгарининг устига ёпиқ қилган оқ терини бир кўринг, шунда у лаънати ўз этини ўзи ёйди!

— Мен энди ҳаммасини гапириб бераман,— деди ерда ётган курд. У зўрға ўрнидан туриб, гандираклай-гандираклай отининг олдига борди. Камарини ечиб, ҳанжар билан терининг ярмини кесиб олмоқчи бўлиб эди, араб йигит ёпиқни унинг қўлидан чулиб олди-да, ёйиб юборди. Терининг шакли одамдан шилиб олинганга ўхшарди, букланиб ётган бош терисини ёзиб юборганда, ундан хотин кишининг ипакдек сариқ сочи осилиб қолди...

Оломон бирданига қичқариб юборди. Ўтбўй Курдистоний дур-дур тўкилаётган кўз ёшини энги билан суртиб, ҳиқиллай-ҳиқиллай минғиллади:

— У менинг энг суюкли ва энг маккор чўрим эди. Мен уни шалпонгқулоқ лабдир отбоқарим билан яқинлик қилиб турганида тутиб олдим. Отимнинг бўйнига осиб қўйилган қўл ўша қулнинг қўли. Мен унинг қўлини кесиб олгандим.

Шундан кейин курд қилич ва ханжар тақилган камарини белидан ечиб олиб ерга қўйди. Отнинг тизгинини Нўҳайга топширди-да:

— Мана менинг хуним, мана бу эса, олтин динорлар солинган ҳамён! Мен ҳамма нарсадан жудо бўлдим: суюкли чўримдан ҳам, вафодор отимдан ҳам, шарафли номимдан ҳам ажралдим!— деб, «бебошлар»нинг қийқириқ ва қаҳқаҳалари остида қоқила-сурина бир четга чиқиб кетди.

Шу вақт қароргоҳни тоғ бошида бўғиқ товуш билан мўраган ёввойи кийикнинг овозига ўхшаш қаттиқ бир товуш босиб кетди. Бу яккама-якка жанг бўлган майдон ўртасига отда келиб қолган Субутой баҳодирнинг овози эди. Унинг орқасида тўртта отлиқ ҳамроҳи ҳам бор эди.

— Ҳой, энгилмас Ботухоннинг қаршимда турган аскарлари, қулоқ солиб эшитинглар! «Бебошлар» қароргоҳининг жангчилари, диққат билан қулоқ солинганлар! Сизларга мен, буюк оталиқ Субутой баҳодир гапиряпман! Уруш-жанжаллар тўхтатилсин! Энди «мағриб мамлакатлари»даги ғайри динларни тор-мор қилиш учун яқинда бўладиган сафарга тайёрланинганлар! Номи элларда дoston бўлган донишманд Соҳибқироннинг буюк Яса қонунлари голиб мўғул қўшинларининг жангчила-

рига ўзаро ёвлашишни, бир-бирини талашни, ёлгон гапиришларни қаттиқ ман қилади. Қимики бу қонунни бузса, ўлимга ҳукм қилинади!

Шундан кейин бутун «бебошлар» қароргоҳи жим бўлиб қолди, Ботухоннинг якка кўзли маслаҳатчиси, енгилмас буюк саркарда қандай буйруқ бераркин, деб диққат билан қулоқ солди:

— Жаҳонгирнинг янги фармонларига мувофиқ, ҳаммангиз ўн-ўндан ва юз-юздан бўлиб уюшинглар ҳамда ўзларингизга ўнбоши ва юзбоши сайлаб олинглар. Сизларга мингбоши ва туманбошиларни буюк Ботухоннинг ўзлари тайин қиладилар. Сизларнинг мана шу «бебошлар» қароргоҳида бугунгача тартиб-интизом, улуг куч, ягона қудратли қўл бўлмай келди, энди шу бугундан бошлаб, жаҳонгирнинг ёрлиқларига мувофиқ, қўшиннинг ўткир кўзи ва эшитар қулоғи бўлган илғор баҳодир аскарлар тузилади. Бундан буён биронта ҳам жангчи буюк Ботухоннинг жанговар қароргоҳларида бўлсин ва унинг яқинида бўлсин ижозатсиз тентираб юрмайди, мабодо юриб қолса-ю, ёнида ўзининг ўн аскари ва бўйнида найзаси бўлмаса ундай дайди жангчи тутилган жойда чопиб ташланади... Жаҳонгирнинг ёрлиқларига мувофиқ, сизларга мингбоши қилиб ботирларнинг ботирини Нўҳайхон тайин қилинди, унинг ботирлигини ҳозир ўзларингиз ҳам кўрдингизлар.

«Бебошлар» ўзларига кимни ўнбоши, юзбоши қилиб сайлаш тўғрисида ўзаро гаплашиб муҳокама қила бошлашди. Фақат ёш араб йигит ўз рақиби курдни эсидан чиқаролмади. У оломон орасида уни тағин кўриб қолиб унга томон сиқилиб-сурилиб борди ва ғазабдан ўтдек ёниб аччиқ билан унга гап отди:

— Мен сақафийлик Юсуфман, оллоҳ номи билан қасамёд қилиб айтаманки, сен мурдор мақтанчоқ мендаи қочиб қутулолмайсан! Мен сени қўлимга тушириб, терингни чўчқадек шиламан ва эшагимга тўқим қиламан.

Курд қочиб қолди ва қоронғиликда:

— Мен олдин қутурган Иесун Нўҳайдан, энди тентак Юсуф арабдан ҳам қутулдим. Бу ҳам яхши бўлди!— деди.

Ботухон ўзининг тўртта ҳамроҳи билан секин-секин юриб ўз қароргоҳига қайтиб келди.

— Мана шу «бебош» жангчилар «мағриб мамлакатлари»даги тинч аҳоли учун бир даҳшат бўлади. Улар мен учун жуда фойдали бўлади, сафар вақтида мен уларни ўз қўлимда қаттиқ тутиб бораман. Улар энди ўзаро уруш-жанжал қилолмайди. Улар олдинги сафда илғор тўда бўлиб юради, улар ёт юртлардаги элларнинг юрагига даҳшат ва ғулғула солади, буларнинг кетидан менинг асосий туманларим ўша жойларга кириб боради. Мен уларни тездан ўрисларга қарши юбораман — улар Киев шаҳрига ўт қўйсинлар.

Олтинчи боб

БЕЛГИЛАНГАН САФАР

(Ҳожи Раҳимнинг «Йўл хотиралари»дан)

«Жаҳонгир Ботухон — ҳақ субҳонаҳу ва таоло у зотини ўз паноҳида сақласин — бугун эрталаб менга бундай дедилар:

— Сиз садоқатли устозимни чақирганимнинг сабаби, сиз яна ўша муҳим ишни, яъни бизнинг келажак авлодларимизнинг эсида қолиши керак бўлган муҳим ишларни яна қунт билан ёзиб борсангиз. Мен бутун туманбошиларга, «пайга ой»нинг биринчи куни (1 октябрь) ўз туманларини қўзғатиб, отларига миндириб кун ботиш томон юриш бошлашларини буюрдим. Сафаримиз тинч даштда тўсатдан бошланган кучли довулдек тез бўлиши керак. Қутилган ғалаба шунда қўлга киради. Бу, кўрилмаган ғалабаларни қўлга киритади, «мағриб мамлакатлари»даги бутун калондимоғ аҳолининг оёғини осмондан келтириб, тор-мор қилиб ташлайди ва уларнинг: бизни ҳеч ким мағлуб қилолмайди, тор-мор қилолмайди, деб ўйлашларини пучга чиқаради. Шунинг учун мен ҳали уларга гарданларини уқалаб, ширин майларни симириб, роҳат уйқуда ётган вақтларидаёқ сафарни тўсатдан бошлаб юбораман...

Бу сўзлардан мен безгак тутгандек қалтириб кетдим ва оёқларим увушди. Шунда Сайинхон менга тикилиб қаради-да:

— Нима учун тишларингиз такир-тукур қияпти? Қўрқяпсизми?— деб сўради.

— Йўқ, жаҳонгир! Қўрқаётганим йўқ ва сизнинг «мағриб мамлакатлари»ни мағлуб қилишингизга, у ерлардаги аҳолининг сиздан озгина бўлса ҳам шафқат кутиб оёқларингиз тагида эмаклашга мажбур бўлишларига ҳам ишонаман. Аммо мен, ҳамма нарса сиз учун айниқса қулай бўлиб қолганда, бир вақт орқангиздан бериладиган зарбадан халос бўлмоқ учун сизнинг кучингиз, соғлигингиз ва толмас ҳушёрлигингиз етармикин?.. деб кўрқаман...

Шунда Сайинхон бургут чангалидек қаттиқ қўлини елкамга босиб:

— Айтинг, кимдан гумондорсиз?— деди.

— Ҳаммадан! Ғолибият қозонганингиздан кейин ўрнингизни эгаллаб олмоқчи бўлган ҳаммадан...

— Номларини айтинг! Нега бир чеккага қарайсиз?

— Айтадиган бўлсам, қўл остингиздаги неча ўнлаб туманбоши-ю мингбошиларнинг номини санаб чиқишга тўғри келади. Аммо шундай улуғ сафарни, сиз ўз ёрдамчиларингизни даҳшатли қирғинга дучор қилиб бошлашингиз мумкинми, ахир?

— Яхшиси, нима қилиш керак?

— Яхшиси, яширин душманларни ўзингизга бундан ҳам яхшироқ хизмат қилишга мажбур этишдир.

Шунда мен жуда сийрак учрайдиган бир нарсани кўрдим: Сайинхоннинг дарахт қобиғидек қорамтир ва доим хўмрайган юзида юмилиб турадиган лаблари илжайганга ўхшаб очилди-да, қатор оппоқ йиртқич тишлари кўриниб кетди. Кўзлари тикилганча ишонмай турарверди. У ҳатто менга, ўзининг кекса устозига ҳам ишонмай кўнглимдагиларни ҳам топишга уринди. Кейин у салмоқлаб гапга кирди:

— Э менинг қалтираган сичқондек юраксиз пирим! Саҳройи мўғуллар орасида: «Отга минганингдан кейин, итнинг кейинги оёғидек судралмасдан, қамчи босгин» деган бир мақол бор. Эртага менинг лашкарларимдан юз марта кучли халқларга қарши жуда зўр сафар бошланади. Ҳозир сиз менга айтган гапларни мен сиздан кўра яхшироқ ва аллақачонлардан бери биламан. Эсингизда бўлсинки, мен ўзимнинг муқаддас лашкаримни беш асосий гуруҳга бўлганман. Ҳар бир гуруҳда,— деб Ботухон ўйланиб қолди-да, кейин давом этди,— мингминглаб сувори бор. Мен бу лашкарни энг тажрибали ва ҳужумда жуда ғайратли баҳодирларимга топшириб қўй-

ганман. Бешта баджаҳл бургут менинг ҳар хил элдан қуралган аскаримни ўзининг ўткир тирноқли панжасида сиқиб туради. Мана шу лашкарларнинг бир гуруҳи билан ўзим ҳам бирга бораман. Менинг бутун лашкарларим шон-шухрат кўтарган. Уларни менинг ҳурматли оғам Ҳрдухон, ҳарбий маслаҳатчим Субутой баҳодир, ўзимнинг туғишган курагонларим: Мангу, Бурундой, Шайбоний, Қадан, Пайдар ва бошқа даҳшатли саркардаларим бошлаб юради. Мен уларга сафарга чиқиладиган аниқ кунни белгилаб берганман, ана шу кунни улар ҳеч бир ерда, обод шаҳарларда ҳам дам олиш учун тўхталмасдан юришлари ва фақат бир нарсани эсларидан чиқармай «мағриб мамлакатлари»нинг бир қисмини ўзларининг темирдек мустаҳкам қучоқларига олишлари ва мен тарафдан кўрсатилган муддатда ва кўрсатилган жойда қўл қовуштириб мени кутиб олишлари лозим. Ишонаманки, турли эллардан тузилган лашкарларимнинг бундай учрашуви, мен илгари белгилаб қўйган жойда ва белгилаган вақтда тўпланишлари муқаррардир. Ушанда мен ажойиб отларимизни ва ботир аскарларимни озгина дам олдириб, буюк Кўк ўрдамни олға бошлайман. Шундан кейин заҳарли илондек товланадиган Фредерикусни тор-мор қиламан, у ўзини германлар, итальянлар, сакслар ва арабларнинг подшоҳи деб ата-са ҳам, аммо ўзи бойўғлидек қочиб денгизнинг бир оролида бекиниб ётибди. Аммо уни кавлаб чиқараман-да, шу подшо билан унинг ашаддий душмани маккор, кекса сеҳргар Папани қопонғич итдек бир-бирига ўчакиштираман. Мен уларни тиз чўктираман ва уларга қўрқоқ, ожиз махлуқдай муомила қиламан. Кейин мен уларнинг икковини ҳам эрмак қилиш учун ўзимнинг садоқатли шомонларим қўлига топшираман. Шомонлар уларни тиреклайин қозонга солиб пиширади!

Мен бунчалик қутурган жаҳонгирга анграйиб қараб қолдим-да, унинг сўзларини эсда тутиб қолишга тиришдим.

Сайинхон сўзида давом этди, унинг овози ғазабланган йўлбарснинг ўкиришига ўхшаб кетарди:

— Энг олдин ўрисларнинг пойтахти Киевда қисқагина дам олимади, энг кейин эса, бутун жаҳон қирғоғини ўраб турган бепоён улуғ денгиз бўйига бориб дам олинади. Шунда мен Соҳибқирон бобом васиятларини бажо келтираман...

Сайинхон энтика-энтика олтин қадаҳдаги майни ҳирс билан ича бошлади. Шу вақт чўрт бурилди. Эшик олдидаги гиламда бошини қуйи солиб, икки қўли кўксида одоб сақлаб унинг ёш жияни Нўҳайхон ўтирарди. У шўхлик қилиб телпагини шундай бостириб кийган эдики, кўзларини кўриб бўлмас эди.

— Нега келдинг? Бизга берадиган қандай маслаҳатинг бор?

— Кечиринг мени, буюк жаҳонгир! Мен беихтиёр сўзингиз охирини эшитиб қолдим, фикрингиз кўнглимни ўртади. Сиз тор-мор қилмоқчи бўлган пойтахтлар қаторига яна биттасини қўшиб қўйишим учун ижозат бергайсиз.

— Қайсини?— деб сўради Сайинхон ва бармоқлари шундай сиқилдики, олтин қадаҳнинг четлари майишиб, гиламга қизил май тўкилиб кетди.

— Аниқ кўриниб турибдики, орқангизда душман қолдирмаслик учун сиз юнонларнинг пойтахти Румни ҳам оласиз. Румни олганингиздан кейин жаҳоннинг ҳамма денгиз бекатларида турган неча минг энг яхши кемалар сизнинг қўлингизга киради, улар сизнинг қудратингизни оширишга, шон ва шухратингизни бутун жаҳонга ёйишга ёрдам беради. Румга қиладиган юришингизда менинг ҳам қатнашмоғимга ижозат бериинг.

Сайинхон, жиянидан аччиғланганини унга сездирмади ва оҳиста, гўё ёқмагандек гап бошлади:

— Менга ўргатмоқчимисан дейман? Мен сени ўзининг қадрдон оғам Урдухоннинг туманига мингбоши қилиб тайинлаган эдим-ку. Сен ўрисларнинг пойтахти Киевга «бебошлар» билан бирга энг олдин киришинг керак-ку. Сен у ерда ўзингга муносиб ботирлик кўрсатишга тиришгин. Кетишингга рухсат! Кетишингга рухсат!— деб бақирди у тўсатдан ғазаб билан.


Нўҳайхон икки букилиб таъзим қилди, яхши тилакларини шивирлаб айтиб, секин чиқиб кетди. Эшик пардасини туширгач Сайинхон бундай деди:

— У худди катта бир суякни мижиётган итга ўхшайди. У то ғажиб битирмагунча қўймайди. У фақат юнонларнинг Румини ўйлайди, уни босиб олишни хаёл қилади, бундан мақсади — ўзининг юнон хотинини у ерда малика қилиб тахтга ўтқазиш. Жангни севган саркарда бундай довюрак ботирни жазолармиди?

Шу суҳбат «олтин уйда» бўлиб ўтди. Энди менга ўша

уйга қайта кириш насиб бўлармикин ёки Ботухоннинг даҳшатли қўшинлари кетаётган, жаҳоннинг нотаниш жойларида йўқ бўлиб кетармикинман?

Мен жаҳонгирнинг келажакдан хабар берган оқилона сўзларини ёздим, чунки буюк одамларнинг яхши ишлари ҳам, хатолари ҳам (улар бу хатоларни қандай тузатганлари ҳам) — ҳаммаси бизнинг келажак авлодимизнинг ибрат олиши учун тарихга ёзилиб сақланиши лозим, худо авлодларимизни ҳам, бизларни ҳам бало-ю офатлардан ўзи сақласин!»



VI

«МАҒРИБ МАМЛАКАТЛАРИ»НИ ҚОРА БУЛУТ БОСМОҚДА

Биринчи боб

МАНГУХОН КИЕВ ОЛДИДА

Ботухон ўтган йили ёзда Итил дарёсининг қуйи оқмига келиб тушганда ҳеч ким ундан: жаҳонни бўйсундириш учун қўшин ғарбга томон қачон сафарга чиқади. деб сўрашга ботинолмади... У, савол сўраган кишини ҳам, маслаҳат берган кишини ҳам ёқтирмасди. Шундай вақтларда Ботухон ғазабдан пишиллар, малъун ёвуз инси-жинслар номларини тилга оларди. У бировнинг маслаҳатига қулоқ солса, ўзининг ягона ҳукмдорлик улуглигининг бир қисмини йўқотгандек бўларди.

...дин деди:

— Яқинда сизнинг менга ёрдам беришингиз лозим бўлади...

— Мен ҳар вақт сизга ёрдам бергим келади, аммо сиз бугунга қадар менга ҳеч бир иш топширмадингиз.

— Жуда яхши! Мен ўзимнинг буюк лашкаримнинг ўнг қанот туманини сизга топшираман. Сиз эртагаёқ йўлга чиқасиз. Сиз куман¹ саҳросини кесиб ўтиб, Днепр дарёсигача, ўрисларнинг энг катта бадавлат шаҳари Киевгача борасиз. У ерга боргандан кейин сиз ўрисларнинг катта қўнозини олдингизга чақириб, унинг менга муте ва садоқатли бўлиш тўғрисида қасамёд қилишини буюрасиз. Шундан кейин бу ёққа чопар юборасиз-да, ўзингиз вақтинча саҳрога қайтиб бир кунлик ерда тўхтайсиз, аммо сиз, ҳар қандай бўлганда ҳам, у менга муте бўлишга рози бўлганда ҳам, ўз баҳодирларингиз билан Киевга кириб уни ишғол қилмайсиз.

— Айтганингиздек қиламан!

— Мабодо ўрис қўнози ва шаҳар аҳолиси ўз ихтиёрлари билан мени ўзларининг ягона бош ҳукмдорлари деб танишни хоҳламаса, шунда ҳам сиз Киевни қамал қилишни бошламанг, шунда ҳам орқангизга, саҳрога қайтиб келинг-да, отларингизни боқиб мени кутиб ётинг. Мен Киевга борганда, эсингизда бўлсинки, ўрисларнинг пойтахтига дастлаб мендан бошқа ҳеч ким кирмайди. Шунда мен ўз туманимга ўша бадавлат ва машҳур шаҳарни талон-торож қилишни биринчи бўлиб бошлашга ҳуқуқ бераман.

— Сўзларингизни эшитиб қониқдим, жаноби олий, ҳаммасини сиз айтгандек бажо келтирурман!

— Кетишингизга ижозат!

Мангухон тиз чўкиб, биродарининг олдида бошини гиламга теккизиб таъзим қилди, у ўрнидан турганда Ботухон келиб уни қучоқлади, ака-ука иккови дўстлик белгиси қилиб пишиллашиб бир-бирларини искашди ва чаккаларини ялашди.

Ботухоннинг буйруғига мувофиқ, Мангухон сара аскарлар билан саҳро оша тез юриб кетди. Йўлда учраган қипчоқларнинг қишлоқ-ййловларини талон-торож

¹ Куман — қипчоқ

қилиб, ниҳоят Киевга ҳам етиб борди. У ерга боргандан кейин Мангу, машҳур боярлардан тузилган Киев элчиларини қабул қилди ва уларнинг татарларга ихтиёрий равишда муте бўлишни қатъий рад қилганликларини эшитди.

Шаҳар деворига чиққан киевликлар узоқларга, шарқий саҳро тарафларга бесаранжом қарашди, шунда уларга гўё бепоён далага қандайдир даҳшатли, баҳайбат бир махлуқ чўкибди-ю, ўзининг жуда зўр қамровичларини ҳар томонга чўзиб юбораётгандек кўринди: у ёқда эса, мўғул тўдалари тўхтовсиз селдек оқиб, шаҳарга томон сиқилиб келди-да, тўғри келган ерга ўз ўтовларини тикишаверди.

Шаҳарга узоқдан қамчиларнинг шарақлаши, отларнинг кишнаши, туяларнинг бўзлаши, ҳўкизларнинг мўраши, аравакаш ва туякашларнинг ҳайқариши, гилдираги одам бўйи келадиган баланд араваларнинг ғачирғучури, татарларнинг шовқин-сурони, вағир-вуғури эшитилиб турди.

Саҳройилар туя ва отларнинг юқларини тушириб, ўтовларини кенг доира қилиб тикишди. Гулханлар ҳам тутади. Тош ўчоқ ва сепоялар устига қўйилган катта қозонлар қайнади.

Қароргоҳ ўртасига Мангухоннинг жуда зийнатли чодир-ўтови тикилди. Чодир оқ кигиз билан ёпилган бўлиб, кигизларнинг четларига гулдор кенг жияклар тутилган эди. Чодир тепасидаги чанғароқдан буралиб-буралиб кўм-кўк тутун чиқа бошлади. Бу чодирнинг ичида қўр олиб ёнадиган похол аралаш таппи ёқилмоқда эди. Чодирнинг ёнидаги ўтовларда Ўрдухоннинг мулозимлари — атоқли мўғуллар жойлашди.

Чодир ёнига бир бақан — ходача қадалди: унда Мангухоннинг туғи ҳилпираб турарди. Бу туғ, узун бир ғаров ходачанинг учига ўрнатилган дастакча ва бу дастакчадан осилиб турган мўғул қўтасларининг бешта сержун қора думидан иборат эди. Бу туманнинг муқаддас туғи мана шу бўлиб, бу, туғ эгаси буюк жаҳон фотиҳи Соҳибқирон Чингизхоннинг яқин қариндошларидан эканлигига далолат қиларди.

Бундай муқаддас туғни Чингизхон авлодигина тута оларди.

Мангухон қуролли мўғул суворилари ва рус тилини яхши биладиган Ҳобил номли тажрибакор қипчоқ тар-

жимондан иборат мулозимлари билан чавқар отини чоптириб келиб қолди.

Ҳобилга берилган буйруққа мувофиқ, у ёнига икки турғовут олиб Днепр дарёсидан ўтиши, Киевда ҳозир нима бўлаётгани, руслар нима қилмоқчи бўлганларини, Киев князи билан рус боярлари Мангухонга қачон саломга келишларини билиши лозим эди.

Мангухон икки қайиқ тайёрлаб унга гиламлар солишни буюрди. Мана шу қайиқларда ёнларида соқчилари бор учта атоқли татар сардори жўнаб кетди.

Қайиқлар нариги қирғоққа қараб жўнаганда бир неча карнайчи узун тери карнайларини бор кучлари билан чалиб, Киевга атоқли улуг элчилар келганини русларга маълум қилди.

Қайиқлар Днепрни кесиб ўтиб, дарёнинг ўнг қирғоғига бориб тўхтаганда, элчиларни этак ва ёқаларига гуллар тикилган қимматбаҳо сувсар пўстин ва узун қундуз телпак кийган басавлат рус боярлари кутиб олишди. Рус сарбозлари эса югуриб келган томошабинлар оломонини пайза билан тўсиб ҳайдади. Тилмоч Ҳобил боярларга Днепрнинг нариги қирғоғига мўғуллар подшоҳи Ботухоннинг оғаси Мангухон келиб тушганини, Мангухон рус князининг ҳозироқ унинг олдига музокарага келишини кутаётганини ва князни ўз чодирда қабул қилмоқчи бўлганини гапирди.

Бироқ рус боярлари бундай жавоб беришди:

— Бизнинг князимиз ҳозир ўз саройида ўтирибди ва қадимий атоқли шаҳаримизнинг энг катта хўжаси бўлгани учун мажусийларга таъзим қилиб бориши муносиб эмас. Шунинг учун у татар аскарларининг бошлиқларини ўз олдига — саройга чиқишга таклиф қилади, ўша ерда қадрли меҳмонлар Киевга қандай эҳтиёжу, қандай ташвиш билан келганларини айтиб берадилар.

Бирмунча талаш-тортишувлардан кейин князь саройига учта мўгул сардори билан тилмоч Ҳобил ва князга яқин бўлган учта бояр борадиган бўлди. Йўлда учраган киевликлар, устларида ваҳимали миш-мишлар тарқалган татарларга тикилиб қарашарди. Татарлар эса князь саройига томон тор кўчалардан лапанглаб борар ва йўл бўйи ўзаро алланималарни маслаҳатлашарди. Улар бориб шаҳарни гир айлантириб олган биринчи сиртқи қўрғон устига чиқишди ва кўрган нарсаларини эсда яхши

сақлаб қолиш учун теварак-атрофга узоқ кўз солишди.

Ниҳоят, ярим йўлга келганда Ҳобил бирданига рус йўлдошларига бундай деди:

— Бизнинг шон-шавкатли Мангухон бизларни, сизларнинг қўнозингизга таъзим қилишга эмас, музокарага юборганлар. Агар ўрис қўнози бизларни ҳурматламоқчи ва Мангухон билан кўришмоқчи бўлса, у пешвоз чиқиб бизларни қарши олган бўларди. Шунинг учун энди бизлар сизларнинг қўнозингизнинг олдига бормай, орқамизга, нариги қирғоққа қайтиб кетишга қарор қилдик. Сизлар бизни яна кутиб туринглар ва шунда нима бўлишларингизни кўрасизлар.

— Демак сизлар элчи эмас, айғоқчи экансизларда! — деб бақирди боярлар. — Сизлар бизнинг Киевни қандай мудофаа қилаётганимизни билиб олиш учун қўрғон устига чиққан экансизларда. Уринглар буларни! Қўйворманглар бу маккорларни!

Ҳар ёқдан оломон югуриб келди. Мўғулларни тутиб олиб тилмочи билан бирга шаҳар қўрғонидан улоқтириб юборишди.

Мангухон ўз элчилари қайтиб келмаганидан кейин, Киевнинг ихтиёрий равишда таслим бўлмаслигини пайқади, Ботухоннинг фармонига амал қилиб шаҳарни муҳосира қилмади ва орқасига чекинишга қарор қилди.

Дарёнинг чап қирғоғида туриб узоқдан, Киев донгдор кишиларининг гулдор кўшкларини ва олтин қуббали жуда кўп черковларни томоша қилиб, татарлар буларнинг чинакам олтин эканига қаноат ҳосил қилишди. Мангухон ўз аскарларини даштга бошлаб кетди.

Иккинчи боб

ҚУТАНХОН ЧОДИРИДА

Қипчоқларнинг энг катта ва энг кекса хони Қўтан ўзининг Шарукандаги¹ яйловида чуқур ва оғир ўйга толиб ўтирар ва ҳеч нарсадан таскин тополмасди. Унинг баланд қоматли ўғиллари оталарининг ёнига келишди

¹ Шарукан — қипчоқларнинг яйлови бўлиб, ҳозирги Харьков ёнидадир.

ва бошларидаги тулки тери телпакларини олиб, ҳурмат билан таъзим қилишди ва унинг ярқираб турган қиммат баҳо узук таққан қўлларини силашди, барибир фойдаси бўлмади. Қўтан уларнинг бошларини силаб, тағларига гулдор гиламлар солинган ўтовнинг керагаларига тираб қўйилган гулдор гилам ёстиқларга ўтиришга ижозат берди.

Улар оталарига сахро ҳаётида рўй берган янги воқеаларни навбат-банавбат гапириб беришди. Улар денгиз қирғоқларидан келиб турадиган савдо карвонларининг энди келмай қолганидан, от, қорамол, мўйна ва териларни сотиб оладиган одам йўқлигидан шикоят қилишди.

— Ҳозир ким ҳам келсин бизнинг сахроларимизга? Ҳамма татарлардан қўрқади. Татар тўдалари бировдан қочгандек сахродан чопиб ўтади, ҳақиқатда эса ўлжа қидириб изғийди ва бизнинг нима қилаётганимизни кўриб олади. Уларни Шаруконга жуда яқин жойларда ҳам кўп кўришибди.

Қўтан уҳ тортиб, бош чайқади ва чанғароқдан кўриниб турган кўм-кўк осмонга қаради.

— Бугун мең ғалати бир маълумот олдим, билмадим, бу хайриятдан дарак берадимми ёки кўргуликдан.

— Ботухонданми?

— Ҳозир кўрасизлар. Ҳой, бола! Ҳалиги қўшни ўтовда ушлаб турилган «дарвеш»ни бу ерга олиб келинглар!— деб Қўтанхон ичида суви бор мис косани бир неча марта жаранглатиб чалди.— Тезроқ!

Эшикка яқин ўтирган икки ўспирин сакраб ўринларидан туришди-да, чопиб кетишди. Кўп ўтмай улар энгагида бир тутам соқоли бор қотма кишини тирсагидан ушлаб олиб келишди. Унинг боши бир парча гулдор латта билан чулғанган бўлиб, белбоғида, одатда табиб ва ўтарчиларнинг белида шалдир-шулдур қилиб юрадиган мис ва темир асбоблар осиглиқ эди. Юзи ориқ, чаккалари ичга ботиб кетгандек кўринса ҳам, аммо кўм-кўк кўзларини тикиб қараганда, унда кузатиш назари чақнаб кетарди. У бир қўлига эскириб кетган чарм муқовали китоб, иккинчи қўлига, қочган қўйнинг бўйнига чўпонлар солиб тутиб оладиган илмоқли таёққа ўхшаш дастаси қайрилган узун ҳасса ушлаган эди.

— Салом, умрингиз узун бўлсин, улуғ куман халқининг. Буюк хони!— деди у Қўтанхонга.

Қўтанхон шу ондаёқ:

— Ҳой, болалар, дарвешнинг тагига бир нима беринглар, унга нон ва бир қувача қимиз келтиринглар!— деб буюрди.

Шундан кейин Қўтаннинг ўғилларидан бири гулдор бир гилам ёстиқ олиб, ҳалиги дарвешнинг олдига қўйди. Дарвеш унинг устига ўтириб гингиллаб дуо қилди.

— Ана энди бизга номинг нима, кимсан, қаерликсан, айтиб бер! Мана шундай даҳшатли нотинч замонда нима учун жаҳонни кезиб юрибсан?

— Мен фақат бир худонинг қулиман, отим Юлиан. Мен гуноҳларга тўлган жаҳонни кезиб, касалларни даволайман. Жон таслим қилаётган одамларнинг имонини ўгириб, таскин бераман. Асли юртим можор мамлакати, унинг шонли пойтахти Будадан бўламан. Худонинг ўзи ва сахий бандалар менга мадад берадилар, шафқат қилиб, мени оч қўймайдилар. Ҳозир мен даҳшатли татар подшоҳи Ботухоннинг олдидан келяпман.

— Сен менга жуда муҳим қандай хабар айтмоқчи эдинг?— деб сўради Қўтанхон.

— Агар сиз бу ердигилардан оғзи бўшларини билсангиз, уларни чодирингиздан чиқиб туришини буюринг.

— Ҳамма чиқсин!— деб буюрди Қўтан қовоғини солиб.— Фақат иккита катта ўғлим қолса бас. Ҳозир тилмочнинг ҳам кераги йўқ, ўзинг куманча яхши гапирар экансан.

Шундан кейин ўтирганлар ўринларидан туришди, қўлларини кўксиларига қўйиб таъзим қилиб, майда қадам билан чодирдан чиқиб кетишди.

Шунда Юлиан гап бошлади:

— Мени дарвешона кийинганимга эътибор берманг. Қўлимда энг улуғ татар хони Ботухоннинг можор подшоиси Белага ёзган хати бор, сизга кўрсатмоқ учун мен уни мўғул подшоҳининг ўз қўлидан олдим.

Қўтанхон қалтираб кетди-да, дарров қаддини кўтарди.

— Яъни, сен уни менга ўқиб бера оласанми? Ботухоннинг хатини?

— Мен жуда оғир ва жуда хавfli йўлларни босиб, сизнинг ҳузурингизга шунинг учун келдим-да.

Юлиан қўйини кавлаб, букланган қоғозча олди. У хатни тиззасига қўйиб текислади-да, Қўтанхонга қаради.

— Хўш, ўқи!

— Бу хат,— деб бошлади Юлиан,— бу хат уйғур ёзуви билан, лекин мўғул, яъни татар тилида ёзилган. Буни Ботухон можор подшоҳи Белага беришни буюрган. Аммо мен, можор подшоҳининг саройида бундай хатни ўқиб тушунтириб берадиган донишманд топилмаслигини билганим учун бир мажусий олимни топиб бу мушкул хатни куман тилига ағдариб беришни илтимос қилиб, ёздириб олдим.

— Қанақа хат ўзи?

— Бу Ботухоннинг кўпроқ фармонга ўхшаш мағрурона хати. Бу хатда унинг номидан шундай дейилган,— деди-да, чол хатни ўқий бошлади:— «Мен самовий ҳокими мутлақ тангри тарафидан юборилган буюк хонман, тангри менга, кимики ҳузуримда тиз чўкиб таъзим қилса, уни улуғ мартабаларга кўтариш ва кимики менга қарши турса, уни қаҳру ғазаб билан жазолаш ҳуқуқини берган. Сен можорларнинг кичкина бир қироли бўла туриб, сенга юборган ўттизта хатимдан биронтасига ҳам шу кунгача жавоб юбормаганингга таажжубланаман. Эшитишимга қараганда, сен қирол Бела менинг қулларим бўлган бутун куман халқини ўз паноҳингга олмоқчи эмишсан. Шунинг учун мен сенга, уларга ўз қироллигингдан жой бермаслигингни буюраман. Улар чодирда яшайдиган кўчманчи халқ бўлгани учун мендан қочиб кетишлари осон иш, аммо сен уй, сарой ва бутун-бутун шаҳарларнинг эгаси бўлганинг учун менинг қўлимдан қандай қутулиб кета оласан? Шунинг учун мен, самовий салтанатнинг элчиси тарафидан бутун жаҳоннинг олий ҳукмдорлиги берилган ва ўзимга муте бўлганларга шафқат кўрсатиш, қарши келганларни қириб ташлаш ҳуқуқи берилган мендек буюк татар хони, можорларнинг кичкина бир қироли бўлган сенга жуда таажжуб қиламан».

Юлиан ҳаммага хотиржам назар билан бир қараб чиқди, кейин хатни яхшилаб ўраб қўйди-да, яна гапга кирди:

— Мен шунинг учун шунча йўлларни кезиб ҳузурингизга келдим ва сизни хабардор қилиб қўйиш учун саҳрома-саҳро юриб изладим. Шак-шубҳа йўқки, Ботухон яқин орада ўзининг бутун қўшинлари билан ғарб мамлакатларига юриш қилади ва ҳаммадан олдин куманларнинг даштларига ҳужум қилади. Сиз уларга қў-

шилмаганингиз учун сизга шафқат қилмайди, у сизнинг халқингиздек кучли бир иттифоқчидан айрилиб қолгани учун сиздан ўч олади. Шунинг учун мен сизга можорларнинг олдига тезроқ кетишингизни маслаҳат бераман. Қирол Бела сизни ўз оғасидек қабул қилади, тезроқ бўлинг!

Қўтанхон бошини қуйи солиб ўтирар, қўллари қалтирар эди. Кейин у ўз устидаги оғир юкни итқитиб ташлагандек кенг елкасини бир қимирлатиб қўйди-да, ўғилларига қаради. Улар ҳам, афтидан, изтироб тортиб оталарига тикилиб ўтиришарди.

— Қани, айтинглар-чи менга, бу хатга сизлар нима дейсизлар? Сен гапир-чи, кичик ўғлим Кучим!

— Нима десам экан? Ботухоннинг хатига қараганда, у қирол Белага ўттизта хат ёзибди-ю, битта ҳам жавоб ололмабди. Энди Белани қўрқитиш учун яна ўттиз биринчи хатни ҳам ёзади, аммо ўзи, ҳозир хотиржам ва яхши маишат кечириб турган янги пойтахтидан қўзғалиб ҳеч ёққа чиқмайди. Ахир у рус князларига қарши қилган сафарлари вақтида жуда кўп аскардан ажралди-ку, ҳатто энг бой Новгород шаҳрига ҳам етолмай орқасига қайтиб кетди-ку. Шундай бўлгандан кейин у можор қироллигига қарши қандай юриш қила оларди! Бу хатда у, ҳамма қўрқоқлар индамай муте бўлсин деб чўчитган.

— Хўш, сен не дейсан; не кенгаш берасан; катта ўғил Мучиган.

— Бу хат мени ташвишга солди, жуда ташвишга солди. Бу хатни олиб келиб, бизни хабардор қилгани учун «дарвеш»га раҳмат. Менга аниқ маълумки, Ботухон шунча шаҳарларни тор-мор қилиб, аҳолисини бўйсундириб олгандан кейин у, ўз аскарлипи бутун жаҳонда энг кучли қўшин деб ҳисоблаши мумкин. Ҳозир бўлса унинг аскарлари дам олди. Энди у бутун халқларни, бутун жаҳонни ўзига бўйсундиришга отланмоқчи бўлиб турибди. Ахир у илгарилари ҳам биз куманлардан «мағриб мамлакатлари»га, унинг қўл остида, биргаликда юриш қилишни бир неча марта талаб қилган эди.

— Менга не кенгаш берасан? Биз не қилишимиз керак?— деб сўради Қўтан секингина.

— Бу аниқ ва равшан гап. Агар бизлар Ботухонга бўйсунсак, бу, урушсиз, ўз ихтиёримиз билан ўз бошимизни татарларнинг ўткир қиличлари тагига қўйиб бе-

риш деган сўз бўлади. Бизлар бир кунни ҳам ўтказмаслигимиз керак. Бизлар чодир-ўтовларимизни дарҳол йиғиштириб можор қироллигига кетишимиз керак. Очкўз ва йиртқич татарлар орқамиздан елиб-югуради, ammo у ерда, можор саҳроларида татарлар билан урушган вақтимизда, бизлар ҳар вақт ёнимизда можорларнинг мустаҳкам дўстона қўллари бизга мадад бериб турганини ҳис қиламиз.

Шундан кейин чодирнинг ичи шунчалик жимжит бўлиб қолдики, фақат узоқдаги отларнинг кишнашгани эшитилиб турди.

— Сен яхши айтдинг. Сен чинакам сардордек гапирдинг. Тўғри, ўғлим, иккиланишга ўрин йўқ. Мен ёрлиқ қиламан; бизнинг бутун куман яйловларига дарров чопарлар юборилсин ва: «Чодирларни йиғиштириб, юкларингизни ортинглар ва бизнинг ўз саҳроларимиздан Қарпат тоғлари томон кетинглар!» деб жар солинсин. Кечалаб жуда тез кетиш керак. Шундагина татарлар бундан хабардор бўлиб, бизнинг кетаётганимизни билиб қолгунча, жуда узоққа кетиб қоламиз.

Қўтанхон ўрнидан туриб бошини ушлади-да, уҳ тортиб зорланди:

— Мушкул! Вой, нақадар мушкул! Хайр, хуш, отабоболаримизнинг юрти! Бугундан бошлаб бизлар беватан дайдилармиз, энди ўзимизга янги юрт, янги ватан излаб кетамиз!..

Учинчи боб

ГАМБЕРДИНИИГ ҲИКОЯСИ

Жуда ҳам қурғоқчилик бўлган шу йилнинг кузида Ботухон кўп минг лашкарини ғарбга — «кун ботишга», кўпдан бери ўйлаб юрган мақсади — «жаҳоннинг иккинчи ярми»ни бўйсундириш учун юриш бошлашга ниҳоят жазм қилди.

Муҳим бир қарорга келиш олдида Ботухон одатда ҳеч ким билан кенгашмас, ўз буйруғини энг яқин ёрдамчиларигагина маълум қилиб қўя қоларди. Бу гал ҳам шундай бўлди. Ammo у олдин, яқин орада қипчоқ саҳроларига бориб подачи ёки бепарвароқ йўловчиларни тутиб келган ҳамма ботирларидан анча вақтгача обдан суриштирди. Бундан мақсад, у шу яқин орада

унинг бутун қўшини юриб ўтадиган поёнсиз улуғ саҳ-
рода ҳозир нималар бўлаётганини олдиндан билиб ол-
моқчи эди.

Юзбошилардан бири, тезкор ва довюрак Тамберди
яқинда Ботухоннинг буйруғи билан Шаруканга бор-
ган, у ерда Қўтанхонни кўрган ва Қўтанхонга қадрли
қўноқ бўлиб, жуда кўп нарсаларни билиб келган эди.
Аммо Тамберди Шарукандан кўп машаққатлар чекиб,
аранг чиқиб олган ва кўрганларидан кўнгли бесаран-
жом бўлиб, Ботухон томон чопган эди.

Тамберди кўрганларини бундай айтиб берди:

— Бутун куман саҳроси жуда ҳам бесаранжом.
Илгари у ерлада бемалол кўчиб-қўниб юрган бутун
куман элати, ҳозир бир жойда қўниш тополмай бир
ердан-бир ерга кўчади ва нима қилишимиз керак, бо-
шимизни қаёққа урганимиз жўн бўларкин, деб фол
очиб қуръа ташлаб юрибди. Улар ҳамма нарсадан ҳа-
диксирайди, ҳеч кимга ишонмайди ва: «Бир вақтлари
ўрислар билан куманларнинг бирлашма қўшинларини
Қалка дарёси бўйидаги жангда тор-мор қилган татар-
лар энди куманларни бутунлай қўлга тушириб олмоқчи
ва бизларнинг бойликларимизни, ҳамма молларимизни,
айниқса Ботухон ўйлаб юрган «мағриб мамлакатлари»
га сафар қилиш учун уларга керак бўладиган йилқи-
ларимизни тортиб олмоқчи бўляпти» деб гапириб юри-
шибди. Бутун куманларни Ботухон ўзига отбоқар ва
подачи қилиб олади, дейишади улар.

— Тўғри!— деди Ботухон унинг сўзини бўлиб.— Бу-
тун куманларнинг бошини аллақачон менинг оёқларим
тагида букиш ва уларга қилич ушлашни тақиқлаш
лозим эди.

— Бундан кейин камина қуллари нима қилсин, жа-
ноби олийларининг менга қандай амру фармонлари
бор? — деб сўради Тамберди.

— Сен ҳаялламай орқанга қайтасан ва Қўтанхонга
бориб менинг ёрлиғимни айтасан, ўзи олдимга келсин,
унинг аскарлари ўша ерда бизни кутиб, менинг қаҳра-
мон аскарларимнинг кетидан сафарга тайёрланиб тур-
син. Тез бўл, вақтни қўлдан берма! Эртага сен узоқ
жойда бўлишинг керак!

Орадан бир қанча вақт ўтгач, Тамберди қайтиб кел-
ганидан кейин Ботухон уни ўз олдига чақирди. Юзбо-
шининг кўриниши маъюс ва дилгир эди.

..уш, куманларнинг энг улуғ, энг кучли ва ашаддий хатарли хони Қўтанхон нима қиляпти? — деб сўради Ботухон ундан. — Нима учун у шу вақтгача ҳузуримга келиб, оёқларим тагида ўзининг садоқатини арз қилмади? У шу кунларда менга керак бўларди.

— Вой, вой! Жаноби олий! Мен Қўтанхонни Шаруканда тополмадим. Босилиб тупроғи ўйнаб ётган ерларда гулханларнинг кулигина қолибдир, чодирларнинг қозиқлари ўрнидаги тешикларга ҳали тупроқ ҳам тўлмабдир, мен жондордан фақат овқат қидириб изғиб юрган оч итларни кўрдиму, лекин Қўтанхоннинг ўз элини эргаштириб қаёққа кетганлигини айтиб бергудек ҳеч бир одамни учратмадим.

Ботухон унинг сўзларини бўлмай эшитди-ю, аммо қовоқ-тумшуғи борган сари осилди ва бармоқлари тез-тез қимирлаб кетди. Бу Ботухоннинг қаттиқ ғазаби келганини билдирувчи аломатлардан бири эканлигини Тамберди биларди. Шунинг учун у эмаклаб келиб, калласини қўллари орасига олиб ерга ётиб олди. Ботухон эса унинг букилиб турган бошига бир неча марта қаттиқ тепди.

— Нега сусткашлик қилдинг бунча? Нима сабабдан бу гапларни менга кеч айтинг? — деб вағиллади Ботухон. — Вақтида айтган бўлсанг, мен Қўтанхонни тутиб олиб, янчиб ташлардим.

— Мен шўрликка сиз билан гаплашиш қайда! Сиз ҳамма гапни ҳар вақт бизлардан олдин ва ҳаммамиздан кўпроқ биласиз, — деди Тамберди, Ботухоннинг зилдек оғир оёқлари тагида инграб. — Сиз ҳаммадан донороқ-сиз!

Ботухон ўйланиб қолди. Шу вақт унинг ёнига доим хушвақт, суюкли оғаси Мангухон келди-да, Ботухоннинг оёғини Тамбердининг елкасидан секин олиб, гиламга қўйди.

Ботухон қовоғини осилтириб индамай турди-ю, бармоқларини тез-тез ўйнатиб қимирлатаверди. Аммо Мангухон ғазабланган мўғул ҳукмдорини яхшиси нима билан тинчитиш ва нима билан «кўнглини овлаш» мумкин эканини биларди. У чодирнинг эшиги ёнида турган турговутга секингина, қўшни ўтовдан дostonчи оқинни дарров чақриб келишни буюрди.

Кекса, букур, сийрак оқ соқолли дostonчи оқин дарҳол келди. У таъзим қилиб Ботухоннинг оёғи тагига, ги-

ламга келиб жим ўтирди-да, ўзининг мўғулча хура деб аталадиган сеторининг торлари устида бармоқларини, секингина йўрғалатди.

Ботухон оқинга кўзларини тикиб туриб деди:

— Ҳа, менинг содиқ кўҳна йўлдошим, кўнглимни безовта қилиб турган нарса тўғрисида жирлаб бер. Кўнглимни кўтариб, менга ёрдам қилиш сенинг қўлингдан келади.

Улуғ оқин нафасини ростлаб олди-да, сеторини жўр қилиб шундай узун ва якоҳанг бир қўшиқни чўзиб айта бошладики, гуё нафас олмай айтаётгандек туюлди.

Кўз нуримиз, хонимиз, мағриб томонга юрди
Яшнаган гўзал чексиз саҳрони кесиб ўтди,
Ундан ўтиб бўлмасди, неча ой юрганда ҳам
Кўчиб юрар унда хон, ёзи-ю кузида ҳам;
Барлар хазон бўлганда, еллар қутургапида,
Кўчаверарди тинмай қор қалин ёққанида,
Довул туриб қорларни учуриб сойга тикар
Ҳеч тўхтамас олдинга ҳамон кўчагандан кўчар.
Осмондаги қуёшни найзага санчиб олди,
Ойни тутиб эгарнинг қошига қадаб олди.
Хон кейин узоқ ётиб дам олди ўз юртида
Эслади кўрганларин бу улуғ сафариди
Бир кун тўсагдан туриб элга қаттиқ жар солди
Қора қирон бургутнинг тумоғосин¹ олгандай,
Тулки кўриб чўққидан чинқириб отилгандай,
Тобланган оқ шунқордай узоқ кўзлаб тўлғанди.
Наъра тортди йўлбарсдай юракли баҳодир эр.
Чўққидан қичқиргандай, элга қараб бундай дер:
— Оғалару инилар, хизматкор, фуқаролар!
Қудратли улус-юртим, менга қарашли эллар!
Эшитмадим деманглар саркарда, сарбозларим!
Барчага эшиттиринг, очик-аён сўзларим:
Атоғи бор оламда шонли улуғ номимнинг
Етти иқлими билур номимни бу оламнинг
Чеки йўқ шуҳратимнинг барча билур оламда
Олтой, Хитой Тангитда, Туркистону Ажамда.
Куч-қувватим қудратин аммо ҳализгача мен

¹ Тумоғо — бургут, лочин каби ов қушларини тоблаб овга олиб чиққанда ҳар нарсага интилмасин деб, бошига кўзи аралаш ёпиб турадиган юққа тери қалпоқча кийгизадилар, шуни тумоғо дейилади. (Тарж.)

Ҳеч қаерда ҳеч қачон тўлиқ кўрсатмаганман.
 Энди майдон соғиндим, кетаман излаб сафар,
 Йўқмикин зерикиб ётган шонли паҳлавон бирор?
 Наъра тортиб устимга жазман отилмасмикин?
 Шарақлатган аслаҳа, қурол-яроғ йўқмикин?
 Рақибимнинг мингани от-улови йўқмикин?
 Чопиб кишнаб келгудек ё қудрати йўқмикин?
 Эй менинг ботирларим, толиқмас жангчиларим!
 Эгар-жабдуқ уринглар, келтиринглар отларим!
 Ортиб юкларни бариин, қурол-яроғ беринглар!
 Бахт омади келсин деб, тилак тилайверинглар!
 Сонсиз ўлжалар олиб ўз элимга қайтурман,
 Мол билан кўп элни ҳам асир олиб келурман.
 Кўп эл фуқаро бўлмай, мўғил ҳукмдорига
 Кўчиб келмай турли халқ менинг шу диёримга!
 Бошланди буюк сафар. Титратиб кўк-осмонни,
 Яна ларзага солди буюк олтин заминни
 Совурди кўк осмонга қора оғир тупроқни
 Юз мингларча суворий оти чопар, ўйноқлар,
 Қип-қизил қонли тўзон булар устида сузар,
 Олдинда борар шовлаб неча минг-минглаб жангчи
 Енгилмас қўшинимнинг ўшалар илғор қисми...

Ботухон сакраб тахтдан туриб кетди, бақувват қўли билан юрак олдириб қолган улуғ оқиннинг елкасидан ушлаб силкитиб-силкитиб қўйди, кейин тахтнинг дастагида осиглиқ турган гулдор халтадан бир парча сариқ ҳинд новвоти олиб, уни жирчининг оғзига тикаётиб бундай деди:

— Кўнглимга сен таскин бердинг, қайғуларимни сен тарқатиб юбординг! Эртага бир бақувват ювош туя берамиз, шуни миниб мен билан янги сафарга борасан. Олдин мен серсоқол ўрисларнинг энг катта шаҳари — Киевни оламан, сен у ерда, ҳар вақтдагидек, менинг базмларимда қўшиқ айтиб бериб, кўнглимни очиб юрасан. Кейин мен ўзимнинг сон-саноқсиз аскарларимни «мағриб мамлакатлари»ни забт этишга йўллайман.

Тўртинчи боб

ҚИПЧОҚ ДАШТИ ЕНМОҚДА

Шомонлар узоқ вақт дуо ва афсун ўқиб, фол очиб, ўйин тушиб сафар учун энг хайрли кўнни белгилаб бер-

ди, шундан кейин совуқ, сурбет енгилмас ҳукмдор Ботухоннинг алоҳида-алоҳида бешта қўшини улуғ Итил дарёсининг қирғоқларидан қўзғалиб, ковил битган кў-каламзор кенг қипчоқ саҳроси қучоғига сингиб кетди.

Ўн минг суворидан иборат ҳар бир туман ўзига белгилаб қўйилган йўллардан бир-бирларига аралашмай, йўл кесишмай юришди, булар фақат, ўраб ов қилгандагига ўхшаб, қанотлари бир-бирига шундай яқин юрдик, бирор ёввойи ҳайвон, бирор йўловчи, ўжар, итоатсиз, кўнглида адовати бор қипчоқларнинг бирор овули мўғул аскарӣ сафларнинг орасидан ўтиб кетолмайдиган бўлди.

Бу аскарӣ тўдалар тўппа-тўғри Днепр дарёси тарафга қараб юрар ва чарчаган отларини фақат кечалари ўтлатиб олиш учунгина тўхташарди, холос.

Кўнган жойларига кечқурунлари гулхан теварагида исинишиб ҳангама қилишар, кўк-тангрининг ўзи буларга ҳукмдор қилиб юборган Ботухон, худди панжасини ёзиб турган аждаҳодек, ўрис ва қипчоқ ерларининг ҳали қўлга кирмаган қисмларини бирданига қамраб олишга ва қаршилиқ кўрсатишга уринган ҳар қандай ёвни бир ҳамлада ер билан яксон қилиб ташлашга тайёрланыпти, дейишарди.

Аскарларнинг олдида йўл ва кечув излаб ҳар бир туманнинг разведка тўдалари изғиб юрар; буларнинг кегидан асосӣ кучлар борар ва ҳаммадан кейинда кўчдан қолмаслик учун тизилишиб, сузқадам ҳўкизлар қўшилган, ўқи мойсираган сон-саноқсиз аравалар, йўлнинг чангини бурқиратиб бораётган подалар юрар ва устига ўтовлар, кигиз, қозон, сепоя ўчоқ, озиқ-овқат ва еб тўймас очкўз мўғул аскарларига йўлда лозим бўладиган ҳар нарсалар солинган қопларни ортиб туя қарвонлари гердайиб қадам ташлаб борарди.

Ҳар бир туман ўз ғамини ўзи ейиши керак эди. Бу туманлар ўзларининг ташқи кўринишлари, жанговар уронлари¹, тажрибакор сурбет саркардаларининг номлари

¹ *Жанговар урон* — қипчоқларда ҳар бир қабила ва ҳар бир уруғнинг ўзига хос шиори ёки «урони» бўлар эди. Урон шу қабила-нинг қадимги оталарининг ёки буларга шон-шараф келтирган бир қаҳрамоннинг номи бўлиб, урушда, муштлашишда бирор жанжал ёки гуруҳбозликда бир қабиланинг одами шу қабиланинг бошқа одамларини ўз уронларини чақириб атрофларига тўплаб олар эди. (Тарж.)

жиҳатидан ҳам бир-бирига ўхшамасди. Саркардалар орасида оз бир қисми кексалар бўлиб, булар марҳум Соҳибқирон Темучин — Чингизхон сафарларидаёқ ном чиқарган ботирлар, Хоразм шоҳларининг энг сўнггиси қайсар Жалолиддин билан бўлган урушларда синалган қаҳрамонлар ва Кавказ ерларидаги элларни мағлуб қилишда қатнашган туманбошилар, ўзига ишонган ва ҳар вақт кўнглини хуш тутиб юрадиган Шайбонийхон қўл остида булғор ерларини яқиндагина кезиб чиққан ва шу кунларда булғорларга ҳоким қилиб тайинланган босқоқлар ҳам бор эди. Булар орасида, қор босган қалин рус ўрмонлари орасида Владимир князи Гюрганинг қўшинларини тор-мор қилган тезкор Бурундой, шунингдек айниқса даҳшатли ҳисобланган, доим ғолиб якка кўзли Субутой баҳодир билан отилган ўқдек тезкор Жабаўён, булардан бошқа Мангу, Қадан, Пайдар, Норин-Кихан, Курмиши ва бошқа туманбошилар ҳам бўлиб, булар ҳаммаси ҳам довюрак йўлбарс эди.

Бу сафарда мўғуллар ва уларга қўшилган бошқа элларнинг аскарий тўдалари хушнуд бўлиб боришарди. Чунки улар олда учрайдиган халқларнинг ўзларига қарши туролмаслигига ишонишарди. У халқлар энди оз қолган, уларнинг оғир қисматини жодугар шомонлар аллақачон олдин айтиб берганди. Шунинг учун бу сафарга кетаётган ҳамма суворилар, Ботухоннинг бу чидамли ва ҳозирданоқ шон-шарафларга эга бўлган ғолибиятли сафари ҳамма «мағриб мамлакатлари»ни ўртаган алангалар шуъласида ўтиб, «Ер баркашининг»¹ теварагини ўраб турган «Сўнги денгизгача» бориб етади, деб ишонарди ва у ерда унинг содиқ навкарлари бутун жаҳонни бўйсундириш деган гапни ўйлаб топган марҳум Соҳибқироннинг ва жангларда ҳалок бўлган бутун мўғул баҳодирларининг шарафи ва хотирасига жуда улуғ бир ўт ёқадиларки, унинг алангаси қип-қизил булутларни ялаб туради, у ерда Ботухон ўзининг барсга ўхшаш танга-танга чавқар отини миниб қўрғон тепасига чиқади ва ялтироқ найзасини ўзи бўйсундирган заминга санчади, шунда у: «Эй булутлар устидан қараб турувчи оламни ларзага солган зот, қулоқ солинг бизга! Сизнинг ирода-

¹ Мўғуллар, ер (олам) ёйиб қўйилган чопон (ёки баркаш)га ўхшаш текис бўлиб, атрофини поёнсиз денгиз ўраб туради деб тасаввур қиларди. (Автор.)

нгиз бажо келтирилди. Олам бўйсундирилди!» деб айтади, дейишарди.

Чехраси ҳеч бир жилмаймаган Ботухон, шунда биринчи марта кулади, унинг кулгиси бургутнинг қирқиллашига ўхшайди.

Бешинчи боб

ЮЗБОШИ АЗАРГА ТАҲЪЯНИНГ АРАВАСИ

Уч жуфт қизил ҳўкиз қўшилган катта бир мўғул араваси сарғайиб бораётган ковилли саҳродан йўлни чаңғитиб секин-аста юриб борарди. Араванинг одам бўйи келадиган баланд кегайсиз ёғоч ғилдирағи текис далада чуқур узун из қолдириб тинмай айланар ва дарду ҳасратини тўккандек ғиқ-ғиқ қилиб товуш чиқарарди.

Айтгандек, чап тарафдаги ҳўкизларнинг энг олдингиси қизил эмас, танга-танга оқи бор тарғил ҳўкиз бўлиб, жуда кучли ва катта эди, уни Арбан Сағ (ўнбоши) деб аташарди, чунки бундай ҳўкизлар одатда бирор атоқли тайжи ёки нўённинг беш жуфт ва ҳатто баъзан ўн жуфт ҳўкиз қўшилган аравасининг етакчиси қилиб қўшиларди. Одатда етакчи қилиб қўшилган ҳўкизнинг узоқдан кўриниб турадиган бирор белгиси бўлиши шарт, шунга қараб хўжайин, мўғил қўшинларининг сафардаги неча минг шалоқ араваларнинг орасидан ўз аравасини осонроқ топиб оларди.

Бу арава номи чиқмаган оддий бир мўғул, юзбоши Азарга Таҳъники эди, у бутун умрини сафарда ўтказиб қартайган. Олдин у мўғуллар юртидаги сувлари тотли табаррук Керулан дарёсидан тортиб меҳнатсевар, ҳар хил ҳунарларга уста, чевар хитойларнинг — Чин подшоҳлигининг пойтахтигача узоқ йўлларни юриб чиққан эди. У ердан эса Азарга Таҳъя яна ҳам узоқроқ янги бир йўлни, сувсиз Гоби чўлларини босиб ўтиб, мўғуллар босиб олганга қадар ўзини энг кучли ва дунёдаги энг бахтли халқ санаган серзавқ, оқ кўнғил хоразмликларнинг пойтахти Урганчга келди. Бу биринчи сафарларида Азарга Таҳъя, энг улуғ одам, мўғуллар ҳурмат юзасидан отини тилга олиб айтмайдиган, мўғулларга чексиз шон-шарафлар ва уларнинг хон, саркардаларига битмас-туганмас бойлик келтирган зотнинг қўл остида

юрган эди. Ўлжага олинган бойликларнинг бир қисми оддий мўгул жангчиларига ҳам тегиб қоларди. Сафарда миниб юрилган, гарчанд бақувват бўлса ҳам, эгар-тўқими ёмон кичкина бир отда бир хуржуннинг икки кўзида қанча нарса олиб юриб бўларди? Бу сафарларда чидамли, чарчамас ҳўкиз қўшилган ўз араваси бўлган ва бу аравада онасига боқишадиган зийрак бир ўғил ёки қизи билан садоқатли хотинини ўтқазиб олган киши бахтли саналарди. Бундай хотин сафарда ишончли йўлдош, нарсаларни тежаб-тергаб тутадиган бекач бўлади, Азарга Таҳъя босқин вақтларида ўлжа олган бу нарсаларни от устида чолиб бораётиб аравага ташлаб кетади, у саранжом-саришта хотинининг бу нарсаларни жойлаб қўйишини билади.

Азарга Таҳъя бир вақтлари эгасиз қолган бу аравани Урганч ёнидан топиб олган, шу вақтгача ўз бошлиғи туманбоши Қурмишининг кўчида хизматкор-чўри бўлиб келаётган хотинини ундан олиб шу аравага ўтқазиб қўйган эди. Шунда Азарга Таҳъя аравани ҳар хил кийимлар билан тўлдириб, унда очликдан, ориғликдан ўрқачлар шалвираб ётган иккита туя қўшиб олган эди. Кейин бора-бора унинг ишлари тузалиб, баҳорда яшанган даладек ривожлана борди. Садоқатли хотинининг қаноатли ва саранжом-саришталиги туфайли у серташвиш йўқсилликдан қутулиб, ҳисобдон хўжайинга айланди. Айниқса Қурмишихон олдин уни ўнбоши қилиб ва орадан икки йилча ўтгандан кейин юзбоши қилиб ҳар хил масъулиятли топшириқлар бера бошлагандан кейин анча иши ўнгидан келди.

Шундан кейин арава анча вақтгача Азарга Таҳъя оиласининг кўчма уйи бўлиб қолди. Бу оила секин-аста ўсди. Мана шу тарғил ва беш қизил хўкиздан бошқа иккита ит: бири катта қора бароқ кўлпак бўрибосар, жуда зийрак қўриқчи эди, иккинчиси эса хипча ва югурик қора този бўлиб, оилани боқар эди: този қирга чиқиб кетар, юмронқозиқ, қуён ва баъзан тулки тутиб овини бекасига олиб келарди, бека эса овнинг терисини шилиб олар, гўштини қовирар ёки қайнатиб пиширар ва сарқитини вафодор итларига берарди.

Аравада яна учта бола — уч яшар бир қиз, беш-олти яшар икки ўғил бола бор эди, буларни Азарга Таҳъянинг хотини Сарой шаҳридаги уйларни қуришда ишлаётган ва Владимир ҳам Рязандан асир қилиб ҳайдаб

келинган серсоқол ўрислар орасидан олиб келган эди.

Ориқлаб кетган ўрислар у ерда ҳам кўплаб ўлиб турар, айниқса болалар кўп ўларди. Қуруқ суяк бўлиб қолган оёқлари чиллакдек кичкина болалар: «Нон беринг! Қуюгини бўлса ҳам беринг!» деб ялиниб-ёлвориб тиланишарди.

Бу хотин асирлар олдига бориб қўллари билан гўё чақалоқни тебратиб боқаётгандек қилиб кўрсатди-да, бу болаларнинг ота-онаси кимлигини сўради. Асирлардан бири бармоғи билан ерни, кейин осмонни кўрсатиб, қўл силкитиб қўйди, яна бири:

— Ола қол, яхшилаб боққин! Бу ерда барибир нобуд бўлиб кетади,— деди.

Шундан кейин хотин бу болаларни олиб кетди.

— Арава даштда кетаётганда ўғил болалар арава ёнида чошиб боришар, қиз эса боқиб олган онасининг тиззасида ўтириб, «кха-кха» деб ҳўкизларни ҳайдаётган онасига ўхшатиб товуш чиқарар эди.

Емғир томчилаб ёки қор учқунлаб қолса, болалар дарров аравага чиқиб олар ва оёғидан боғлаб қўйилган уч товуқ ва бир хўроз билан ёнма-ён ўтиришарди. Хотин ҳар ер-ҳар ери тешиб қўйилган катта бир кигизни болалар устига ёпиб қўяр, болалар эса кигизнинг тешигидан бошларини чиқазиб атрофни томоша қилиб кетишарди. Бу янги она болаларнинг сочларини муғулчасига ҳамма ёғини тарашлаб, фақат гарданининг чап тарафидан кичик бир кокил қўйиб, уни рангдор бир латта билан қўшиб ўриб қўйган эди.

Азарга Таҳъя, ўз қўл остидаги юз аскарни ташлаб узоққа кета олмагани учун онда-сонда арава олдига келарди. Шунинг учун ҳамма иш хотиннинг ўзига қолган эди: у икки боланинг ёрдамида ҳўкизларни аравадан чиқарар, ҳўкизлар узоқ кетмай ўтлар, итлар пойлаб юрар эди. Тонг саҳарда эса хотин итларнинг ёрдамида ҳўкизларни араванинг олдига ҳайдаб келар, ҳўкизларнинг бўйнига бўйинтуруқ солар ва аравасини ҳайдаб яна янги машаққат ва ташвишлар сари йўл оларди, шу кетишда балки бирор бойликка йўлиқиб қолар: ахир олдинда Киев деган катта бир шаҳарни олишмоқчи-ку, у ердаги бойлар уйлариининг томларини олтин билан ёпган дейишади-ку. Азарга Таҳъя ҳам хотинига шундай олтин томлардан, кичкина бўлса ҳам, бир амаллаб бирор нарча синдириб олиб келишга ваъда қилган.

Олтинчи боб

ТЕМИР АРАВА

Субутой баҳодирнинг кўчи кичкина бўлиб, тўртта югурик туя унинг сафар чодири билан чарм хитой сандиқларини ортиб юарди; бу сандиқларда мўғул қўшинлари босиб ўтган йўлларнинг харитаси чизилган шалдироқ қоғозлар сақланарди. Йўл хотиралари ёзиб борилган китоблар ҳам шунда эди.

Булардан бошқа буюк оталиқнинг мана шу кичкина кўчида унинг жанговар темир араваси ҳам бор эди. Бу икки баланд ғилдирак устига қўйилган бир темир яшик эди. Яшикнинг тўрт тарафидан тор тешиклар тешиб қўйилган бўлиб, булар атрофни назорат қилиш ва заҳарли ўқларни отиш учун қўйилган эди. Қимми аравага рухсатсиз яқин келса, ўқ отиб ярадор қилинар, яраланган киши тиришиб ўлиб қолар эди.

Араванинг ичида бир мерган қиз ўтирар эмиш, сафар вақтида кўпинча, ҳатто кундузи ҳам аравага чиқиб ухлайдиган Субутой баҳодирни у қўриқлаб ўтирар эмиш, лейишар эди.

Бундан бошқа аравада хитой итлари наслидан бўлган кичкина бир бароқ ит ҳам бор эдики, бу ит эгасининг ҳамма яқинларини юришидан билар, уларнинг оёқ говушлари яқинлашиб келаётганини эшитса, индамай ётаверарди, агар у қаттиқ вовилласа, ёт киши келаётгани билинар эди.

Бу темир аравани жуфтлаб қўшилган тўртта от тортиб юрар ва чап тарафдаги олдинги отга аравакаш миниб оларди.

Бир куни Субутой баҳодир Ботухонга ўзини сақлаш учун мана шундай мустаҳкам бир арава ясатиб олишни айтганда, Ботухон аччигланиб:

— Мени сизнинг ўтқир кўзингиз қўриқлаётгани ҳам кифоя!— деган эди.

Еттинчи боб

МУЪМИНЛАР ХАЛИФАСИГА ХАТ

«Олий насаб амирал муъминин халифа Мустансир ҳазратларига етиб маълум бўлсинки, (илоҳи умрингиз узун бўлсин!) узоқни кўзловчи ниятларингизни бажону

дил бажо келтиргувчи, Оқ, Қўк ва бошқа бир қанча мўғул ўрдуларнинг энгилмас хони Ботухон қошида жанобингизга элчилик вазифасини ўтаб тургувчи садоқатли ходимингиз жанобингизга абадий шону шуҳрат ва ғолибият тилаб, тилакларингизга ноил бўлиб, доимо сиҳат-саломат ва бахту саодатли бўлишингизга дуо қилгандан сўнг, тирандоз мерган, асов отларни ўргатувчи Абдурахмон: «Мўъминлар жамоасининг ҳомийси бўлган жанобингизга салом йўллайди!» ва уни ҳусну таважжуҳингиздан дариг тутмаслигингизни сўрайди.

Фақир бу хатни баланд сариқ ўтларни ҳам бекитиб турган қалин, оппоқ қор билан қопланган совуқ бепоеъи сахро ва қирлар орасидан ёзмоқдаман. Жондан ўтадиган бўронли, уқубатли бундай совуқларга фақат қўй тери пўстинларга бурканган кўчманчи қипчоқларгина чидай олар экан, улар ҳам совуқдан қочиб тери ёки жул чодирларда боғ-боғ қамиш ёки қоп-қоп тезак ёқилладиган гулханларда исиниб жон сақлар экан. Бундай совуқ вақтларда сувлар қаттиқ тошдек қотиб шаффоф бўлиб музлар экан, музлаган ва теп-текис йўл бўлиб қолган кенг дарёлардан суворилар отлари билан ва ўнлаб катта-катта ҳўкизлар қўшилган оғир юк араваларни худди ерда юргандек бемалол ўтаверар экан.

Энгилмас ботир мўғул қўшинлари ҳам ана шундай совуқ вақтлардан фойдаланиб қиш кунлари ўзларининг хароб қилувчи даҳшатли сафарларини бошлар экан. Ё амирал мўъминин, оллоҳ ҳар вақт сизни, энгилишни билмайдиган ваҳший ҳайвонлар тўдасига ўхшаш бу аскарлар билан муқобил бўлишдан ўзи сақласин. Уларнинг ва уларга қўшилган бошқа элларнинг қанчалигини санаш мумкин эмас, чунки уларнинг аскарлари сахрога чиққанда, тўлқинланган денгиздек ҳамма ёқни босиб кетади, шунда уни санаш кимнинг ҳам қўлидан келади?

Шундай бўлса ҳам мен улар аскарларининг тахминий сонини сизга айтмоқчиман. Буюк хоннинг саройига ҳар вақт қирқтача туманбоши келиб туради. Ҳар бир туманбошининг қўл остида ўн минг сувори бўлади. Гарчи қайси бир туманбошилар, баъзан туманбоши деган улуг номгагина эга бўлсалар ҳам, лекин уларнинг қўл остларида аскарлари бўлмайди, шундай бўлса ҳам Ботухон аскарларининг сонини тахминан санаш мумкин, у ўн икки қўшиндан иборат бўлиб, ҳар бир қўшинда учдан

тортиб олтига қадар туман бўлади. Шундай қилиб, татар аскарларининг умумий сони уч юз мингдан тўрт юз минг суворигача етади. Уларнинг ҳаммаси ҳам жангларда чиниққан ва бадқовоқ, сёргазаб бошлиқларига сўзсиз итоат қиладиган жангчилардир. Уларда итоатсизлик бўлмайди. Улар туманбошиларнинг бармоғи қаёққа ишорат қилса, шу ёққа жон-жаҳди билан отилади, шунинг учун ҳам буларнинг қаттиқ ҳужумларини тўхта-та оладиган ёки уни қайтариб мағлуб қила оладиган куч ҳалигача ҳеч ерда йўқ.

Айғоқчилардан олинган маълумотларга қараганда, бутун «мағриб мамлакатлари»да мўғул аскарларидек кўп ва қудратли аскар бўлмаса керак. Шунга қараганда «мағриб мамлакатлари» тақдири ҳозирдаёқ ҳал бўлган: улар енгилади, талон-торож қилинади ва қудратли ёввойи мўғул-татар сувориларининг отлари туёғи тагида янчилади.

Мен жанобингизга бундан илгари садоқатли араб савдогарларидан икки марта маълумот юборганман, чунончи:

Биринчи хатни мен даҳшатли махфий қотиллар каромита — исмоилия¹ мазҳабининг бошлиғи «Тоғлар оқсоқоли»нинг «Аламут қалъаси»дан ёзганман. Унинг менга айтишига қараганда, гўё буюк мўғул хони уни жуда яхши кўрар эмиш ва ўзининг «биродари» деб атар эмиш. Бу гап албатта ёлгон. Мен бу тўғрида Ботухондан кечқурунги базмлардан бирида секингина сўрадим. Сайинхон бу тўғрида менга жавоб бериб айтдики, ўзининг «Аламут қалъаси»га бекиниб олган «Тоғлар оқсоқоли»нинг ҳам тақдири, овчининг қўлига тушган бутун овқушларнинг тақдирига ўхшаш бўлади. Ёки бургут овчининг қўлига ўрганани-ю, фойдали овқуши бўлиб, эгасига тутган овини келтириб беради, ёки овчи унинг калласини узиб ташлайди. «Ер юзида битта ҳукмдор бор (бу ўринда

¹ Бу мазҳаб X асрда машҳур Ҳасан Саббоҳ тарафидан Бағдод халифалигига қарши тузилган сиёсий бир жамият бўлиб, Эрон тоғларидан бирида «Аламут» исмли қалъа бино қилиб, шунда туради. Ўзига эргашган кишилардан махфий қотиллар уюштириб, ўша замоннинг халифаси ва унинг сиёсий арбобларига қасд қилиб таҳдид солади. Бағдод халифалиги бир неча марта уларни тор-мор қилишга ҳаракат қилса ҳам, удда қилолмайди. Ниҳоят, уч асрдан кейин Чингизхоннинг набираси Бағдодни хароб қилган Хўлокухон тарафидан тор-мор қилинади. (Тарж.)

у ўзини айтмоқчи) ва модомики «Тоғлар оқсоқоли»нинг ўзи ягона ҳукмдорнинг олдига келиб садоқат билан таъзим қилмас экан ва ўзининг йиққан бутун мол-дунёсини келтириб унинг оёқларига тўкмас экан, ҳукмдор уни бўйсунмаган душман деб ҳисоблайди, шунинг учун унинг тақдири аллақачон «тақдири азалда» ҳал қилиб қўйилган».

Иккинчи хатни сизга мен Итил дарёси қўйиладиган жойдан, буюк Ботухоннинг саройига келиб у билан юзма-юз суҳбатлашганимдан кейин юборганман. Мен унинг «мағриб мамлакатлари»ни фатҳ қилиш мўлжалларини эшитиб, унинг бу лойиҳаларини мақтадим ва қиладиган сафарларига бирга боришга ижозат олдим.

Мен мана шу учинчи хатимни ҳозир буюк Днепр дарёси бўйида, гулхан ёнида ўтириб ёздим. Менинг қаршимда дарёнинг нариги тарафида улуғ ерларнинг ҳам улуғроғи — ўрис подшолигининг энг катта пойтахти турибди. Бу пайтахт Киев деб аталар экан. Бу шаҳарнинг улуғлиги ва гўзаллигини кўриб турибман. Унда томи олтиндан ёпилган ўрис худолариниң кўп уйлари бор. Киев ҳам бошқа пойтахтларга ўхшаб вайрон қилинишга ва ёндириб юборишга маҳкум этилган. Ўрислар ҳозирча ҳамма ёқда ўзларини мардонавор ҳимоя қилмоқдалар. Лекин улар ҳозир татарларга таслим бўлганларини эълон қилсалар ҳам, барибир, бу уларни одатдаги мўғул талон-торожидан қутқара олмайди. Афтидан, ўрислар ўз ихтиёрлари билан таслим бўлмай, ўлгунча мудофаа қиладиганга ўхшайди. Ботухон, менинг ҳам қатнашимга марҳамат қилиб ижозат берган ўз яқинларининг бир мажлисида айтдики:

«Мен бошқа буюк пойтахтларнинг мавжуд бўлиб туришига йўл қўймайман. Фақат биттагина пойтахт — «пойтахтлар пойтахти», менинг буюк Итил дарёси бўйидаги жанговар қароргоҳим — Кичик Сарой бўлади, холос. Кичик Саройдан менинг ёрлиқларим яшиндек ҳар тарафга тарқалади ва бутун жаҳондаги ҳамма халқларни ларзага солади ҳамда уларни бўйин эгиб келишга мажбур қилади!».

Фақат олло таологина ҳамма нарсани яхшироқ билади, олдаги ишларни фақат унинг ёлғиз ўзи билади, бизларнинг тақдиримиз унинг қўлида. Илоҳи ҳаммамизни ҳам у ўзининг шафқат ва марҳаматига олсин!

Мен ишонаманки, сиз, амирал мўъминин халифа Мустансир ҳазратлари, ўз ҳузурингизга борган чопарларимга илтифот назари билан қараб, саховат либосингиз этаги билан уларнинг устини ёпгайсиз.

Ҳамманинг кўнглидаги мақсади бўлган Қаъбанинг эшиклари юзингизга очилгай, остонангизга бош қўйганлар Қаъба тупроқларига бош қўйганининг савобини топсин, омин!»



VII

Д Н Е П Р Д А

Биринчи боб

Н О В Г О Р О Д Д А Н Ж У Н А !

Татарлар «мағриб мамлакатлари»га юриш бошлашга тайёрлик кўраётган шу даҳшатли 1240 йили узоқдаги эркин Новгород шаҳари ҳам қаттиқ ташвиш ичида қолган эди. Бу обод савдо шаҳарига ёвуз душманлар тишларини қайраб турарди. Улар катта кемаларга тушиб чет элларнинг ҳар хил «аъло» ва арзон молларини ортиб келар, ўзлари эса Новгород ва Псков ерларидан бир қисмини қўлга киритиб олиш учун олазарак бўлиб турардилар. Германлар, шведлар, донияликлар, финлар мардонавор жанг қиладиган новгородликларни уруш гирдо-

бига тортарди. Новгородликларнинг ёрдам сўрашига жавобан ҳар вақт переяславлик, владимирлик, суздаллик, полоцклик кўнгиллилар Новгородга мард ва доно князь Ярослав Всеволодович ёки унинг ёш ўғли Александрнинг бошчилигида келарди. Шундай воқеаларнинг биридан кейин новгородликлар Александр Ярославични ўзларида князь бўлиб қолишини илтимос қилиб олиб қолишди, кўп ўтмай унинг ёш хотини — Полоцк князи Брячиславнинг қизи Александра ҳам кўчиб келди.

Бу ерда ёш князь хонимининг яқинлари орасида болаликдаги ўртоғи Вадим ҳам кўриниб қолди, у шу ерда икона сураткашлик ишхонасида шоғирд эди.

Бир замонлар Вадимнинг отаси Григорий князь Брячиславнинг суюкли овчиси бўлиб, овда бир айиқ билан олишиб ҳалок бўлган эди. Князь Брячислав эркак-сиз етим-есир қолган оилага ёрдам қилиб, Вадимни олиб ўз болалари қатори тарбиялади. Князь болалари Вадимни, унинг липа дарахти ёғочидан ўйинчоқ отлар, хўроз ёки най чалиб турган деҳқон суратларини йўнишни билгани учун айниқса яхши кўриб қолишди. Вадим ҳаммадан кўра кўпроқ кичкина, қувноқ фируза кўз Санюшкага манзур бўлишга тиришарди ва шунинг учун унга ҳар вақт жуда ғалати ўйинчоқлар ясаб бериб юрарди.

Вадим йигитча бўлиб қолганда князь Брячислав бир кун унга бундай деди:

— Сенинг аскарий ўйинлар ва сарбозлик ишларига майлинг йўқ экан, кўнглинг ҳар вақт тинч қўл ҳунар ишларига мойил. Шунинг учун мен сени Новгородга юбормоқчи бўлдим, у ерда машҳур икона сураткашлик ишхонаси бор, унда тажрибакор наққош Макарий ҳазрат ишлайди. Мана мен сени ўша кишининг олдиларига юбораман. У ерда сен икона суратини солишни ҳам, бизнинг азиз черковларимизнинг деворларига нақшлар солишни ҳам ўрганасан, бу иш жуда яхши ва баландмақом иш!

Вадим ўрганиб қолган шароитдан, князь оиласидан кетгиси келмасди, аммо у ўқишни, ҳунар ўрганишни хоҳлар эди, шунинг учун бу таклифга дарров рози бўлди.

Кўп ўтмай Вадим ўз энагаси билан бирга Новгородга кўчиб келиб, кекса сураткаш, қаттиққўл, талабчан Макарий ҳазратнинг қўл остида ишлай бошлади.

Брячиславнинг қизи Александрага уйланган Александр Ярославич хотини билан Новгородга кўчиб келган

нидан кейин Вадим князь саройига келиб тез-тез меҳмон бўлиб турадиган бўлди. Князь оиласидагилар Вадимни ўз қариндошларидек қарши олишарди. Ҳар сафар, борганда, байрам маросимларида князь зинапоясини қуршаб турган кўпчилик орасидами ёки меҳмонхонада князь ҳузурида ўтиргандами, ҳарқалай, Вадим ёш князь хонимнинг ҳар бир сўзи ва ҳар бир ҳаракатини кузатиб турарди. Князь хонимнинг катта кўк мушукни ўйнаб туриб, Александрга қараганда чехраси очилиб кетганини, фирузадай кўзлари жилваланиб кетганини Вадим лабларини тишлаб туриб кузатар эди.

Вадим рўёбга чиқмайдиган муҳаббатини ҳаммадан яшириб юриб ахийри бир ёққа, Новгороддан узоқроққа кетиб қолишга аҳд қилди.

Вадим бир купи князь Александрникида тушки таомни еб ўзининг ишхонасига қайтиб келгандан кейин сурат чизадиган тахтанинг олдида турган чарм қопланган курсига келиб ўтирди, шу тахта устида у биби Марямининг тасвирини чизмоқда эди. Вадим кўчираётган биби Марям тасвирининг асл нусхасидаги биби Марям қорачадан келган, қора кўзлари ғамгин ва қўлида жингалак соч чақалоғи бор эди. Вадимга Царьград (Истамбул) дан олиб келинган бу нодир суратдан санамнинг расмини аниқ, ўзидек қилиб кўчириш топширилган эди. Вадим чуқур бир хўрсиниб қўйиб, бўёқлар солинган идишни қўлига олди-да, ишга киришди. Иш ўнгидан келиб, олача кийим пайдо бўлди, аммо унинг ихтиёридан ташқари, тахтанинг устида секин-секин қорачадан келган ғамгин биби Марям тасвирининг ўрнида бошқа бир сурат, унинг хаёлидан ҳеч бир кетмаган жилвагар кўк кўз князь хонимнинг тасвири пайдо бўлди.

Шу пайт Вадим орқасида бировнинг уҳ тортганини эшитиб қолиб, орқасига қараб, бароқ қошларини газаб билан чимириб турган Макарий ҳазратни кўрди.

— Нодон!— деб пичирлади монах.— Адабсиз осий! Кўнглингга нималар жо бўляпти? Дилингга қандай иблисона эҳтирослар қайнаяпти? Қимни тасвирляяпсан? Ахир бу табаррук иконани адабсизларча сохталаштириш-ку! Сенинг бу, йўлдан оздирадиган санамингни ҳазратим кўриб қолсалар, у киши оёқ-қўлингга кишан солиб, чуқур зиндонга қамаб қўйишни буюрадилар. Мабодо, худо кўрсатмасин, ҳукмдорнинг ўзлари эшитиб қолсалар, тирик қолмайсан, ҳақ гапни айтяпман! Худди

дажжолнинг малайидек зиндонда чирийсан! Дарров бу суратингни қириб ташла! Устига янгидан бошқа бир санамни чизасан. Ҳамопки қизларнинг чеҳраси сенинг исёнкор ҳирсларингни қўзғатар экан, у вақтда сен бу тахтага ҳазрати Исо ёронларидан сочи тўкилган ва серсоқол табаррук Пётрнинг ёки чорва моллари ҳомийси Власий авлиёнинг тасвирини чизгин. Мен ўз вазифамга мувофиқ, ҳарқалай, архимандрит ҳазратнинг олдиларига бориб, сендек беҳаё осий гуноҳкорга қандай жазо бериш ва жарима солиш лозимлигини сўраб келаман.

Макарий ҳазрат оёғини шип-шип босиб чиқиб кетди. Вадим мўй қалам ва бўёқ идишини ўраб кичкина қутига авайлаб солди, ўзи солган тасвирни каноп пешбандига ўради-да, ён тараф эшикдан монастирь боғига секингина чиқди.

Вадим шошилди. Катта пўстинга ўралиб дарвоза ёнида мудраб ўтирган дарвозабон, ҳар вақт сахий бўлган Вадимга унча эътибор бермай ўтказиб юборди. «Беҳаё осий» шаҳарнинг четроғидаги кекса энагаси турадиган кичкина кулбага дарров етиб олди. Вадим энагасига уқтириб, ўзининг шу яқинроққа, шаҳарнинг сиртроғидаги бир монастирга ибодат қилиш учун кетаётганлигини айтди. Кампирга гапнинг ростини айтишга унинг юраги бетламади. Шундан кейин Вадим ўз нарсаларидан йўлга олиб юриш осонларини йўл халтасига солди-да, орқалаб олди.

Энага йиғлаб туриб:

— Жон болам, кексайиб, ожизланиб қолганимда мени кимга ташлаб кетасан? Сезиб турибманки, об-ҳаво шундай вақтда кетаётганинг яхшиликдан эмас.

— Ҳафа бўлмаг! Мен тез орада қайтиб келаман, ўшанда сизга совға қилиб почапўстин билан бир янги рўмол олиб келаман. Йиғламанг, яхшиси, мени дуо қилинг!

Вадим кампирни қучоқлаб, қўксига босди, кампир эса унинг пешанасидан ўпди, эркалатиб юзини силади.

— Агар мен келгунча сизга бирор нарса керак бўлиб қолса, князникига — ёш хоним Брючиславянининг олдига бориб, у сиздан ёрдамини аямайди.

Шундан кейин Вадим уйдан чиқиб кетди, полизни ихота қилиб қўйган четан девордан бақувватроқ бир ёғочни суғуриб олди-да, дадил йўлга тушди.

— Киев! Мен Киевга етиб олишим керак! У ерда,

Печёра монастирида санъаткор тасвирчилар ҳам дунёнинг беҳуда ишларидан кечиб, монастирда турармиш, шу ёққа бориб мен ҳам тажрибали бир устозга шогирд тушаман, шундай қилиб, у ерда ўзимнинг ғаму қайғуларимни эсдан чиқараман!

Бир неча кундан кейин йўлда Вадим Полоцк ва Смоленск тарафга катта йўлдан кетаётган бир тўда масхарабозларга қўшилиб олди. Улар Вадимга ўз тўдаларига киришни таклиф қилишди:

— Баҳазур яшайсан, тўй-базмларда сени меҳмон қилишади, бемалол еб-ичиб юрасан. Бизларнинг қизиқчилик буюмларимиз ва башараларимизни бўяб юрасан.

Вадим масхарабозлардан ажраб қолгандан кейин бир кун пастқам бир жойда унга қароқчилар ҳужум қилиб, роса савашди, фақат бўёқлари билан санамни қолдириб, бошқа нарсаларини тортиб олишди.

Шунда Вадим ҳолдан кетиб йўл устидаги сада арча тагида анча вақт ётди ва энди ажалим етган экан деб ўйлаб, жонидан умидини ҳам узиб қўйди.

Шу ердан ўтиб кетаётган кекса бир деҳқон ҳолдан кетиб ётган Вадимни кўриб қолди-да, аравасига солиб уйига олиб кетди. Шу кишининг уйда Вадим бир неча вақт турди. Чол уни боқди, кампир унга сут пишириб ичирди. Вадим бир оз дармонга киргандан кейин бошидан ўтган воқеани уларга айтиб берди.

— Сен йўлда ўша масхарабозлардан бекор айрилиб қолгансан — улар хушчақчақ ва улфат одамлар. Ўзинг ёлғиз юрганинг учун сени талаб кетишибди. Ҳозир йўлларда кўп қароқчилар изғиб юрадиган бўлиб қолди. Худога шукурки, кимнингдир дуоסי ижобат бўлиб, сени ўлимдан сақлаб қолибди. Ҳозирги вақтда эҳтиёт бўлиб юриш керак, ҳамроҳсиз сафарга чиқмаслик керак. Сенинг бу санаминг менга жуда ёқди-да! Бунинг чеҳраси менинг марҳума қизим Настяга ўхшайди, худо раҳмат қилсин уни! Унинг кўзлари ҳам мана шунга ўхшаш фирузадай кўк, истараси иссиқ, жуда кўҳлик эди. Куёвимнинг оти Андрей эди, овчилик қиларди, улар бир-бирларини жони-дилдан севишарди. Қизим бир ўғил туғди, унинг ҳам отини Андрей қўйдик. Шу орада қизимиз Настенькани иситма тутиб қолди, бор-йўғи беш кун ётди-ю, жонини ҳаққа топширди. Набирамиз қўлимизда қолди. Чолу кампир болани тарбияладик, эчки

сути бериб боқдик. Мана, олдингда турган шу бола. Бир кун куёвим Андрей менга: «Ғам-қайғу жонимга тегди. Энди бу ерда туролмайман, жаҳонгашталик қилиб юраман» деди. У жуда довурак овчи эди, қўлига айри найза олиб, айиқ овига ёлғиз кетаверди, уйимизга бешта айиқ териси келтирган эди. У уйимиздан кетгандан кейин анча вақтгача бедарак бўлиб кетди. Мен уни бирор жойда нобуд бўлиб кетдимикин, деб юрардим, чунки у ҳеч қўрқишни билмасди. Яқинда бизникига бир қариндошим келиб қолди ва бизга бир қанча совға-салом: озроққина кийилган пишиқ бир жуфт этик, кампирга эса каноп кўйлак, болага бир қизил кўйлак олиб келибди. Қариндошим намозхон тақводор одам, табаррук жойларни зиёрат қилган, ўзи хайри-садақа билан кун кўрса ҳам, бизга юборилган совғаларни тўкис-тугал олиб келди. Шундай қилиб, ўша одамнинг гапига қараганда, куёвим катта одам бўлиб кетибди: у Днепр дарёсида Смоленскдан Киевга сол ҳайдар эмиш. Ўзи энг олдинги солда ўтириб солчиларга йўл кўрсатармиш, сувнинг оқими дарёнинг қаерида ва ҳамма солларни бирдан буриб кетиш учун нима қилиш керак, шуларни айтиб ўтирармиш. Мабодо билмасдан солларни шартта буриб юборса, ҳаммаси бирдан қирғоққа чиқиб кетиб, уни дарёга яна тушириб бўлмас эмиш.

— Мен унинг олдига, куёвингиз Андрейнинг олдига борсам бўлармикин?— деб сўрди Вадим.

— Мен ҳам шуни ўйлаб турибман. Сен олдин Смоленска бориб ол, у ерда қирғоққа бориб карвонбоши, солчи Андрей деб сўрасанг, уни сенга ҳар ким кўрсатиб беради. Ҳалиги дарвешнинг айтишича, у бир ёзда сол оқизиб тўрт марта бориб келармиш, баъзан об-ҳавонинг келишига қараб, беш марта ҳам бориб келади, дейди. Киевдан қайтганда Андрей Смоленска отлиқ қайтармиш, у ерда яна тайёрлаб боғлаб қўйилган янги солларни Днепрга тушириб олиб кетармиш. Сен у ерга борганиндан кейин унга биздан салом айтгин, бизнинг сиҳат-саломат эканимизни, ўглининг ўсиб-улғайиб қолганини, отаси совға олиб келишини кутиб юрганини айтгин. Энди тезроқ уйга қайтиб келсин!

Хайрлашиб кетаётганда Вадим меҳмондўст деҳқон Прохор Степановичга ўзи чизган икона тасвирини эсдалик қилиб ташлаб кетди. Вадим, ўзига берилган кийим ва нон-туз учун ташаккур айтиб йўлга тушди.

Смоленска эсон-омон етиб олганидан кейин Вадим дарё буйида жўнашга тайёрлаб қўйилган кўп солларни кўриб қолди. Шу ерда учраган ҳар бир кишидан, карвонбоши солчи Андрей қаерда, деб сўрайверди, ниҳоят, дуч келган кишилардан бири:

— Мана, излаган кишинг мен бўламан!— деб жавоб берди.

Бу одам барваста, бақувват, лочиндек тикилиб қарайдиган, ўқрайган синчков кўзли, юзларини шамол ялаган ва офтобда қорайган киши эди.

— Хўш, ўзинг қаёқдан ва нима учун бу ерларга келиб қолдинг?— деб сўради Андрей.

— Қайнатанг Прохор Степанович билан қайнанаанг сенга соғинчли салом юборишди, ўғилчанг Андрюша ҳам кўпдан-кўп салом юборди.

Шунда Андрей бошини қуйи солиб, кўзини бир силаб қўйди-да, икки букилиб таъзим қилди, дарров қаддини ростлаб:

— Хўш, чол-кампир қандай? Соғ-саломатми?— деб сўради.

— Худога шукур, уйингда ҳамма ишлар ўнгидан келган: ҳосил ҳам мул, нобуд ҳам бўлмаган. Кишилар бу йил ёмғир жуда кўп ёганидан хавфга тушиб қолган эди, ҳар нечук зарари бўлмади. Қайнанаанг хўжаликни бошқариб юрибди, сигирга ҳам, эчкиларга ҳам қарайди, набирасини боқади,— бола ўткир ва серғайрат кўринади,— деб жавоб берди Вадим.

— Хўш, ўғил бола, ўзинг қаёққа кетяпсан?

Вадим, ўзининг Печёра монастиридаги тасвирчилардан ҳунар ўрганмоқ учун Киевга бормоқчи эканини айтиб берди.

Андрей бир оз ўйлаб туриб:

— Энг олдиндаги солга қарагин. Шундаги похол чайлани кўряпсанми? Ушани сенга бераман. Унда сен ёмғирдан ҳам, совуқдан ҳам жон сақлайсан. Унинг ичига кириб олиб, похол устида Киевгача ухлаб кетаверасан,— деди.

Ҳамма солларнинг устида похолдан тўқилган узун, баландлиги белдан келадиган пастаккина капалар бор эди. Уларнинг ичига эмаклаб кирилар ва чўзилиб ётилар эди.

Эртаси куни эрталаб соллар дарёнинг қуйи оқими томон сўзиб кетди. Вадим капанинг ичида, похол устида

атрофга қараб томоша қилиб ётди, шунда унга сол сув устида қўзғалмай бир жойда тургандек ва қишлоқлар ҳам, далалар ҳам, қалин дарахт ўсган қирғоқлар ҳам унинг ёнидан тескари томонга қараб тез силжиб ўтаётгандек кўринди. Сол устида ётиб у боласини эргаштириб келган она айиқнинг ёки сершоҳ чиройли кийикнинг қирғоққа келганини, дарёдан сув ичганини ва оқиб бораётган солларга бурилиб қараб-қараб қўйиб, ўрмоннинг ичига кириб кетганини бир неча марта кўрди.

Энг олдинги солга «дубовик» деган катта бир қайиқ боғлаб қўйилган эди. Бу қайиқда бир неча одам аранг кўтара оладиган катта бир темир лангар турарди. Андрей олдинги солда ўтириб, йўлни қунт билан қараб борарди. Дарёнинг тик буриладиган жойига келганда, у, йўлни яхши билгани учун, дубовик қайиққа тушиб олдинга сузиб кетар ва сувга лангарни қаерда ташлаш кераклигини буюрарди. Лангардан йўғон каноп арқон чўзилиб ётарди. Дарё сувлари солларни, гўё қаршидаги жар қирғоққа элтиб урадигандек, олдинга оқизиб борар, аммо таранг тортилиб қолган лангар арқони олдинги солни дарёнинг ўртасида тутиб қолар, унинг орқасидаги бошқа бешта солни Днепрнинг тез оқими оқизиб буриб қўярди-да, уларнинг ҳаммаси дарёнинг ўртасида янги йўлда тизилишиб қоларди, кейинги сол энг олдинга ўтиб қоларди.

Шунда Андрей қайиқдаги эшкакчиларга бир ишорат қилар, улар лангарни қайтадан тортиб олиб қайиққа солар ва бутун соллар қаторлашиб яна олдинга кетаверарди. Энди қайиқ солларни ёнлаб ўтар, Андрей бўлса эшкакчилар билан бирга энди олдинги сол бўлиб қолган бояги охирги солга ўтиб оларди. Арқон, ходаларни маташтириб турган чангакларга боғлаб қўйиларди. Андрей яна олдинда кетаётган солга ўтириб, дарёнинг бурилиш жойини кутар ва яна ҳалиги ишлар такрорланарди.

Шундай қилиб, Вадим 1240 йили ёзда сол билан омон-эсон пойтахт шаҳар Киевга келиб олди.

Иккинчи боб

ВАДИМ КИЕВДА

Ям-яшил тепаликлар устига ўрнашган Киевнинг гўзал манзаралари Вадимни ҳайратда қолдирди, Киев

қадим замонлардан бери обод бинолари, олтин гум-
базли улуғ черковлари, боярларнинг кўп кошоналари ва
тош расталари ҳамда томлари қамиш билан ёпилиб,
деворлари оқланган киевликларнинг сон-саноқсиз пас-
так-пастак кичик уйлари билан машҳур эди.

Вадим билан Андрей Киевнинг қуйи қирғоқ қисми
бўлган Подол бўйлаб юришди, бу ерда жуда кўп ҳунар-
манд ишчилар — моҳир усталар турар ва шунингдек
ҳар хил ишхоналар бор эди.

Темирчилар сандонни гумбурлатар, дурадгорлар
ёғочларни тақир-туқур чопар, кишилар қулоччилик, дег-
резлик, қурол-яроғ ясаш ва бошқа кўп ишхоналар ол-
дида говур-ғувур қилиб юришарди. Ҳамма ёқда киевлик
ва узоқ жойлардан келган бошқа ёқлик меҳнаткашлар
тинмай ишлаб турарди.

— Менинг кўп оғайинларим мана шу ерда туради ва
ишлайди,— деди Андрей.— Ҳар йили мен бу ерга бир
неча марта келаман ва бу ернинг моҳир усталарига энг
яхши ёғочлар: қайин, дуб, липа, заранг, ҳарқалай, ҳар
кимга керакли ёғочларни келтириб бераман. Сен бу ерда
ўз новгородликларингни ҳам, псковлик ва полоцкликлар-
ни ҳам топа оласан. Айниқса бу ерга, татарлар ур-йиқи-
тидан кейин, суздаликлар билан владимирликлар жуда
кўп келган; улар Киевга тинчгина тирикчилик қиларми-
кинмиз деб кўчиб келган эди, лекин бу ерда ҳам тинч
турмушнинг топилиши даргумон. Татарлар ҳали тинчи-
гани йўқ, гарчи улар Волганинг қуйи оқимида бўлсалар
ҳам, нима ниятда эканларини ким билади? Уларнинг
одамхўр очкўз хонлари Батига ёмон бир ниятга тушар-
да, ўзининг битмас-туганмас лашкари билан босиб ке-
либ қолар?

Вадим Киевга келиши билан қайғули гапларни
эшитди. Андрейнинг эски таниши, Подолда ўзининг те-
мирчилик ишхонаси бор, темирчи Григорий уни қовоғи
соник ва ташвишли бир тарзда кутиб олиб:

— Сен бизнинг Киевга бу сафар ёмон бир вақтда
келиб қолдинг, азиз дўстим Андрей. Сенинг ёғочларинг,
гарчи ҳозир янги уйлар қуриш тўғрисида ўйлашнинг ҳеч
бир ўрни бўлмаса ҳам, барибир керак бўлади. Ҳозир
ҳамма куч шаҳар қўрғонига берилган: Киевни мустаҳ-
камлаш керак, энди қўрғонни яна ҳам баландроқ кўта-
риш керак. Оғир замонлар келяпти. Тирик қолсак майли
эди!

— Ҳа, нима бўлди? Нима балони сезяпсан?— деб сўради ажабланиб Андрей.

— Тўғри, сен айтгандек, қипчоқ, лўли ва саҳрода кўчиб-қўниб юрадиган бошқа ҳар хил кўчманчиларнинг саҳродан Днепр орқали келиб Киевнинг ёнида қочиб ўтишлари энди кўрилаётгани йўқ. Уларнинг гапларига қараганда, мижор дашти Пуштуга ўтиб олмоқчи эмишлар, бу йил улар айрим оила бўлиб эмас, бутун эл ва улуслари билан қочиб келишяпти. Улар эс-ҳушини йўқотган, гангиб қолгандек келишяпти. Гапларига қараганда, татарлардан қўрқармиш, татарлар уларни бутун қипчоқ дашти бўйлаб тутиб олармиш, аямай урармиш, бунинг устига, уларни асир қилиб олиб, Волганинг қуйи оқимига ҳайдаб бориб, бухоро ва эрон савдогарларига молдай қулликка сотар эмиш.

— Шу вақтгача Днепрда сузиб юриб, бирор фалокатни сезганимиз йўқ,— деди Андрей.

— Нариги қирғоққа бир қарагин,— деб давом этди темирчи Григорий.— Анови тўпланиб турган отлиқ ва яёв одамларни кўряпсанми? Ўша ерда ҳар хил юк ортган туялар ҳамда аравалар тўпланган. Ҳўкизлар арава тўла юкни тортиб келяпти. Булар қипчоқ ёки бошқа саҳройи халқлар. Улар бизлардан фақат қайиқларни эмас, биз тарафга бир оз бўлса ҳам эртароқ ўтиб олиш учун, паром ва солларни ҳам кира қилишяпти. Бунга улар яхши ҳақ тўлайди, жонли мол, тери беради, савдолашиб ҳам ўтирмайди, бизнинг тарафга, ўнг қирғоққа тезроқ ўтиб олишса бас.

Уларнинг гапларидан Вадим яна бир нарсани билиб олди; бир куни ёзда Киевга даштдан татарларнинг катта бир суворилар тўпи келибди ва ўшанда татарлар, қарши чап қирғоқда узоқ вақт турибди. Улардан қайиққа тушиб элчилар келибди, улар бизнинг боярларга, «шаҳар оқсоқоллари»га татар ҳукмдорининг Киевнинг тўла таслим бўлишини талаб қилаётганини, татарларнинг Киевга тегмаслигини ва битта ҳам аҳолини ранжитмаслигини, фақат шаҳарга ҳар йили бир марта солиқ солишга ваъда қилаётганини айтишибди.

— Татарларга ишониб бўлармиди?— деди темирчи.— Уларнинг тузоғига тушмай, ор-номусимизни сақлаб қолдик. Татарлар Днепрнинг музлашини узоқ вақт кутиб ётишди, қиш эса иссиқ келди. Туриб-туриб улар даштларига қайтиб кетишди.

— Дўстим Григорий, бу йил қиш эрта тушиб, қаттиқ келса, шафқатсиз татарлар бу ерга келиб қолса, Днепр ҳам музласа, у вақтда татарларнинг бу тарафларга ўтиши ўнғай бўлиб қолади-да, жуда кўплашиб Киевга ҳужум қилади. Шунда сизлар нима қиласизлар?— деб сўради.

— Мана худди шу тўғрида князимиз ҳам, унинг боярлари ҳам ва бутун киевликлар бош қотириб, фол очиб ётишибди. Ёнингдаги бу йигит ким?

— Бу новгородлик Вадим. Смоленскдан бу ёққа мен билан бирга солда келди. Киевда — Печёра монастирида ўқимоқчи. Ўзинг айт-чи, Вадим, ҳунарингни нима деб атайди сизларча?

— Монахларча соч ҳам кестирмоқчимисан?— деб сўради темирчи.

— Мен санам чизишга ўрганяпман. Бизда шундай санам чизишни тасвирчи деб аташади,— деди Вадим.— Аммо мен монахларча соч кестирмоқчи эмасман, шаҳарда бирор жойда турсаму, ўрганиш учун санам чизиш ишхонасига қатнаб турсам дейман.

— Агар сенга ҳозир бирор жойга ўрнашиш лозим бўлса, унда мен сени ўзимнинг оғайним ҳамда қўшним кулол Кондратнинг олдига бошлаб бораёй. Ўзи шаҳар юқорисиде туради, бу ерда — Подолда, шу ерга жуда яқин бир жойда унинг дўкони бор. Юр, сени ўша ерга олиб бораёй.

Темирчи, Вадим билан Андрейни ўзининг «дўсти» Кондратнинг олдига бошлаб борди. Очиқ чехрали қора соқол дўкондор усти ёғоч билан ёпилган айвончанинг кўндаланг қўйилган тахтаси орқасиде турарди; кўндаланг тахта устида очиқ ранг билан сирланган қатор-қатор тоғорача, хурмача ва кўзачалар териб қўйилган эди; темирчи шу ердаёқ кулолга мурожаат қилди:

— Дўстим Кондрат, ҳар иш қўлидан келадиган азамат бир ёрдамчи керак эмасми сенга? Ҳозир унинг бошпанаси йўқ, Смоленскдан солга ўтириб ҳозиргина бу ерга келиб турибди. Сен унга уйингдан жой беролмайсанми?

Кулол бир кўзини қисиб Вадимга қаради:

— Қўлингдан нима иш келади?

— Нима буюрсангиз шуни қиламан!— деб жавоб берди Вадим.

— Бу жуда ройиш, азамат бола экан,— деди Ан-

дрей.— У йўлда бизга лойдан айиқ, от, сурнай чалиб турган масхарабоз ясаб берди.

— Шу ерда бир оз кутиб тургин, кейин мен сени ўз уйимга бошлаб кетаман. Сениким бу ит?

Вадим аланглаб қаради. Унинг ёнида ўзи билан солда келган кичкина бир бароқ ит турарди. Ит худди, гап ўзи тўғрисида бўлаётганини тушуниб тургандек, думини ликиллашиб қарарди.

— Энди меники бўлиб қолганга ўхшайди!— деди-да, Вадим итнинг бароқ жунли бошини силаб қўйди.

— Хўп, майли,— деди кулол.— Хотиним ўлгандан кейин ёлғиз уйда туриш жонимга тегди. Бўлади, мен сени ўз уйимга олай, ҳарқалай, икки киши бир турса ҳам иссиқ, ҳам қувноқ бўлар, негаки, уйимда битта мушугу, каптарлардан бошқа ҳеч нарса йўқ. Ёлғиз сўққабошим. Итингни ҳам бирга ола бор.

Шу кундан бошлаб Вадим, кулол Кондратнинг уйига жойлашди, унинг кичкина ити эса уйнинг ёнидаги будкада туриб, ўтган-кетганга жони-жаҳди билан вовиллайдиган бўлиб қолди.

Вадим шаҳарнинг жануб томонидаги Печёра монастырига борди. Санамчилар ишхонасига ҳам кирди, у ерда бир неча монах-тасвирчиларга йўлиқди ва суюкли тасвирчилик ҳунарини ўрганиш учун буларнинг ёнига келиб туришни сўзлашиб қўйди.

Кулол Кондратнинг уйи ёнида четан девор билан ўралган бошқа бир уй ҳам бор эди. Кўпинча шу уйдан қўшиқ ва қизлар кулгиси эшитилиб турарди. Бир куни четан девор орқасидан бўйи етиб қолган иккита шўх қиз кўриниб қолди. Улар Вадимга гап отишди:

— Салом, қўшни! Сиз ҳам ўз хўжайинингизга ўхшаш индамасмисиз? Ёки соқовмисиз?

Вадим уларнинг олдига борди.

— Сизлар ҳам саломатмисизлар! Сизлар нима иш қиласизлар бу ерда, нима учун печкаларингиздан доим тутун чиқиб туради-ю, ўзларингиз ҳеч кўринмайсизлар?

— Сиз шуни ҳам пайқаб олдингизми? Бизнинг бувимиз жуда сержаҳл. У тешик кулча пишириб, Подолдаги нон бозорга элиб сотади, бизлар унга ёрдамлашамиз. Ишимиз жуда кўп.

— Отларингиз нима?— деб сўради Вадим.

— Менинг отим Софьица, эгачимнинг оти эса Смиренка.

Улар Вадимга бир жуфт тешик кулча беришди-да:
— Ана, бувимиз келяптилар!— деб бақиритиб кўздан
гойиб бўлишди.

Учинчи боб

САҲРОЙИЛАР ДУСТИ

Днепр дарёсининг қуйи оқимидаги кекса толлари бор жарлик бир қирғоққа халқ орасида «дуб» деб аталадиган узун, мустаҳкам ва мойланган бир қайиқ келиб тўхтади. Қайиқ эшкакчилари куракларни йиғиштириб қўйиб, ерга сакраб тушишди, уларнинг ҳаммаси ҳам почаларини тиззаларининг юқорисигача шимариб олган, ёқалари очиқ, бақувват йиғитлар эди. Ҳаммаларининг сочлари қавс шаклида кесилган, бўйниларида кичикроқ ёғоч крестли тумор осиглиқ, юзлари офтобдан қоп-қорайиб кетган эди. Эшкакчилар қайиқларини қирғоқ чеккасида йўғон-йўғон илдизлари қабаириб турган кекса тол дарахтга арқон билан боғлаб қўйишди.

— Урислар!— деб юборишди тўсатдан билиб қолган бир неча саҳройи торклар¹, улар қалин қамишлар олдида кузатувчилик қилиб турар ва бирор иш бўлиб қолса; қамининг орасига бекинмоқчи бўлиб қўйишган эди.

Қайиқда бир неча савдогар греклар қолди. Бошқа йўлчилар Царьграддан қайтиб келаётган, «табаррук жойлар»га борган зиёратчилар эди. Уларни, олиб келаётган узун, қуруқ хурмо шохларидан ҳам, ўтирганлардан бирининг ардоқлаб ушлаб турган катта ёғоч крестидан ҳам ва шунингдек уларнинг чўзиб айтаётган диний қасидаларидан ҳам таниб олиш мумкин эди.

Келганлардан баъзилари қайиқдан чиқиб кун чиқишга қараб турди ва ерга ётиб сажда қилди. Узун кийим кийган, бошларидаги қора рўмолларини қошларига тушириб танғиб олган уч хотин бир-биридан ажралмас ва эшкакчилар ёққан гулхан ёнига қатор ўтириб, қулоқни батаиғ қиладиган ингичка товуш билан ҳадеб «диний қасида» ўқиб турди.

Саҳройилар шошиб қолиб қамишлар орасига кириб гойиб бўлди. Кўп ўтмай яна қайтиб келишди. Уларнинг

¹ Торклар — ёки берендей деб ҳам юритиладиган ва кўпинча умумий бир исм билан «қорақалпоқ» деб аталадиган бу халқ туркий тилда сўзлашадиган кўчманчи қабилалардан бўлиб, ўша вақтларда Киев давлатининг чегара ерларида жойлашган эди.

олдида жуни тўкилиб кетган тулки тери тумоқ кийган (афтидан, уларнинг каттаси бўлса керак) бир киши савлат тўкиб секин-секин келди. У қаддини кўтариб, илдиз томони юқори қилинган узун бир ёғоч ҳассага таяниб турди. Ҳассанинг учидаги илдиз жуда усталик билан шоҳли бир ҳайвоннинг бошига ўхшатиб ишланган, кўзи ўрнига иккита қип-қизил тош қўйилган эди. Оқсоқолнинг белбоғида япалоқ қисқа бир пичоқ осифлиқ, мош-гуруч бўлиб қолган узун ҳайдар кокили бир елкасидан осилиб турарди.

— Торкларнинг шу ердаги князи!— деди, Днепрда кўп юрган эшкакчилардан бири.

— Сеҳргар ва табиб!— деб қўшиб қўйди яна бири.

Ўз оқсоқолларининг кетидан келаётган иккита торк қўлларида, айниб кетган эски узун чопон кийган, кумуш-сидмон оқ соқолли, жуда ожизланиб қолган бир чолни кўтариб келишди. Улар чолни гулхан олдида қумга ётқизишди. Зиёратчи хотинлар чолнинг теварагида уймалашиб, уни чалқанча ётқизишди. Кўчманчилардан бири чолнинг боши остига бир тери халта қўйди. Хотинлар чолнинг қўлларини кўкрагига қовуштириб, бўзариб кетган ориқ бармоқларига бўйнидаги саккиз қиррали жез крестни қистириб қўйишди.

— Оламдан ўтпти!— деб шивирлади хўрсиниб хотинлардан бири.

— Адойи тамом бўляпти!— деди иккинчиси.

— Эҳа, нимани! Ҳали яшайди бу!— деди тамом ишонган ҳолда учинчиси.— Кўриниши шунақа бўлган одамларнинг жони қаттиқ бўлади! Бобомнинг қўлларига неча марта шам ёқиб қўйишган, у бўлса шу ётганича яна уч йил кўкка қараб ётди, ҳаттоки баъзи вақтларда ойим ичига чавоқбалиқ солиб юпқа пиширганларида қадалиб ўтириб ҳам оларди...

— Чавоқбалиқ дейсанми? Сен Чуд кўлидан келган эмасмисан?— деб бирдан ўзига келиб сўради ўсал ётган чол.

— Ўша ердан, бобожон! Талабска атрофидан. Псковга яқин. Бировни танийсизми?

— Талабска кўлида ҳам бўлганим бор... Чавоқбалиқ солиб пиширилган юпқадан ҳам еганман. Прасковья пишириб берган эди.

— Жони қандай қаттиғ-а!— деди бир хотин.— Қимингиз бўлади у. Прасковья, қариндошингизми ёки шунчаки бир танишми?

— Раҳми келиб, мени яширган эди. Уша вақтда мен Псковдан боярин Твердили Иванковичниқидан қочган эдим. Унда қарол бўлиб юардим. Жуда баттол бояр эди.

— Бу Твердили деганингиз жуда ёмон кўппак бўлган экан-да?

— Тинмай койигани-койиган, малайларини ўлгудек саваларди. Кейин мен Киевга келганимдан сўнг монах бўлиб соч қирқтирдим.

— Энди нега ўз юртингизга етиб олмасдан бу ерларда ўлмоқчи бўлиб турибсиз?

— Чарчадим!.. Дарбадар ҳаётдан чарчадим. Суякларим сирқирайди. Ором тилайди... Туғилиб ўсган юртимга етиб олмоқчи эдим, бўлмапти-да...

Чол керишди-да, жим бўлди. Кўзлари бир нуқтага тикилиб, оғизлари чала очилиб қолди. Бир хотин бошқаларига мурожаат қилиб:

— Қайиқдан ўзимизнинг монахни чақириш керак. Имонини ўгириб қўйсин,— деди шивирлаб.

Уша хотиннинг ўзи югурганча қайиққа борди, қуйруқ тарафда катта бир пўстинга бурканиб гужанак бўлиб ётган бир кишини силкита-силкита уйғотди.

— Туринг, ҳазрат Мефодий! Анави ерда, қирғоқда ожиз бир чол ўлай деб ётибди. Балки ўлиб ҳам қолгандир.

Қора соқолли ориқ монах, кўзларини уқалаб, тўзғи-ган узун сочларини тузатиб бошини кўтарди ва қоп-қора кўзларини аланглатиб атрофга ҳайрат билан қаради.

— Худо бизни қаерга келтириб қўйди? Ўз еримизга келиб қолдикми, а? Денгизда бизларни ажал тоза ҳам юлқиди-да!

— Туринг, кўзингизни очинг, табаррук ҳазрат! Кейинроқ биласиз. Юринг менинг кетимдан.

— У қанақа монах? Қаерлик экан ўзи?

— Уни шу ерлик саҳройилар олиб келишди. Ростдан ҳам сизнинг монахларингиздан бири бўлса керак. Ўз юртимга бориб жонимни ҳаққа топширсам дейди. Ҳамон ўз уйини эслайди, чавоқбалиғу Прасковьяни гапирди. У ёққа етиб боралармиди у.

Айниб кетган эски чопон кийган ориқ, новча монах ўрнидан турди-ю, шу ондаёқ ўрнига яна йиқилиб тушди, чунки қайиқ чайқалиб кетган эди. Ўз нарсаларини: тери халтаси, ливан ёнғоғидан қилинган ҳассаси, сопол қувача

ва ёғоч тоғорачасини олди. Эски пўстинини елкасига ташлаб, қайиқда ётганларни босиб олишдан эҳтиёт бўлиб, хотиннинг орқасидан эргашиди. Монах қайиқдан чиқиб, ўсал ётган чолнинг олдига бориб бир неча оғиз дуони қироат билан ўқиди, кейин тиз чўкиб, диккайган қулоқларини ётган кишининг лабларига тутди. У анча вақт қулоқ солиб турди-да, кейин орқасига сурилиб бошқалар қаторига хотиржам келиб ўтирди. Шу атрофдагиларнинг ҳаммаси диққат билан унинг ҳаракатини кузатиб турди.

— Ухлаяпти!— деди монах хўрсиниб.

Эшкакчилар бир мис қозонда шўрва қилишга киришди.

Афтидан, шу яқин орада сахройиларнинг овули бўлса керак, катталар ҳам, болалар ҳам кела бошлади ва нарироқда тиззаларини қучоқлаб чўққайиб ўтиришди ва қоп-қора чақнаб турган кўзларини тикиб, қирғоқда бўлаётган ишларни кузатиб туришди. Улар қўлларини пахса қилиб шивирлашиб ўтирганда эшкакчилар қаттиқ ҳайқиришиб қолишди, бирдан ўринларидан туриб қочишмоқчи бўлди.

Шўрвани ичиб бўлгандан кейин қайиқнинг эгалари эшқакчилар, йўловчиларни қайиққа қайтиб боришга чақирди.

— Ҳой, дарвеш-художўйлар! Тезроқ қайиққа тушиб олинглар, қаранглар, ёмғир ёғади. Эртароқ тушиб олиб жим ётинглар. Йўлда қайиқ устида у ёқдан-бу ёққа юриш тақиқ қилинган!

Ҳамма қайиққа шошилиб чиқди. Қирғоқда фақат касал чол билан ориқ монах қолди, у халтасидан титилиб кетган забурни олиб қироат билан ўқий бошлади. Унинг ёнига эшкакчилардан бири келиб:

— Нега кемага чиқмаяпсиз, авлиё ҳазрат?— деб сўради.

— Қўрмаяпсанми, монах жон беряпти-ку!

— Хўп, қани бўлмаса, уни қайиққа олиб борайлик, унга ҳам бирор жой топилиб қолар.

— Мени қўзғатманглар,— деб ингради ўсал чол.— Мана шу дарахт тагига кўмиб қўя қолинглар.

— Биз сизни кутолмаймиз, йўлимиз жуда узоқ. Сизнинг ҳам бу ерда қолишингиз маъқул эмас: чет жой, сахройилар ёнингизда турибди, улар қароқчи, ишончсиз халқ.

— Барибир, худо хоҳласа, сахройилар ҳам тегмайди.

— Мана бу мўйсафид биродаримиз табаррук иеро- монах мансабидаги одам, мен бу кишини ёлғиз қолди- риб ўрмоннинг йиртқич ҳайвонларига ташлаб кетолмай- ман.

Эшкакчилар ўзаро гаплашиб қайиқ томон кетишди. Уларнинг биттаси тўхтаб:

— Барибир, уни бу ерда кўмдингиз нима-ю, йўлда қирғоққа кўмдингиз нима! Мен сизга сўнгги марта айта- ман, юринг, уни қайиққа олиб борайлик!

— Мен касал ҳазрат билан қоламан,— деб жавоб берди монах ва кўзгалмай забурга қараб тураверди.— Киевга ўзим яёв етиб оламан.

— Эй, боролмайсиз! Йўл узоқ, унинг устига ўри-қири, жар-жилғаси кўп, халқи ҳам бебош. Яхшиси, шу ерда кутиб турсангиз, яқинда бизнинг кетимиздан яна бир қайиқ келади, шунга ўтириб етиб оласиз.

— Мен жаҳаннам азоби — қирғиннинг нақ ўртасида қолганман, ўшанда татарлар Рязандаги барча диндош- ларимизни қириб ташлаган, ўшанда ҳам мен уйимга безарар, эсон-омон етиб олганман. Мен бу саҳройи биро- дарларимиздан кўрқармидим! Қетаверинглар, паноҳи худо, йўлларинг бўлсин!

Шундан кейин эшкакчилар арқонни ўраб елкаларига ташлаб, унинг учига боғланган қайишни елкаларига илиб олди-да, бир маромда қадам ташлаб қирғоқдан юришди. Бир эшкакчи қайиқнинг қуйруғида туриб қўлидаги узун курак билан ва иккинчиси тумшуғида туриб бир ходача билан қайиқни сувнинг тагидаги катта тошлардан четла- тиб, уни «тоза сув» томон буриб бошқариб борди.

Икки монах ҳам қирғоқда қолди. Забур ўқиётган монах ора-сира касалнинг қимирламай турган юзига қараб қўйиб, унинг нафас олишига қулоқ солиб жим бўлиб қоларди. Ҳали ҳам қирғоқдан дарёнинг оқимига қарши юқорига қараб кетаётган эшкакчиларнинг бир маромдаги ашулалари эшитилиб турарди.

Қамиш орасига бекинган бояги оқсоқол монах олдига келди, унинг ёнига ўтириб, ҳассасини қўйди. Бошқа бир неча саҳройилар келиб, атрофга чўққайди.

Кенг қизил кўйлак кийиб, бўйнига анчагина ранг- баранг мунчоқлар таққан ёш бир хотин бир сопол кува- чада сут олиб келди. Сеҳргар бир нималар ўқиб унга дам солди. Шундан кейин хотин ётган монахнинг бош томонига ўтириб, қўлини кувачанинг ичига тикди ва ча-

қалоққа сут бергандек, кафтига олган сутни жон бера-
ётган кишининг чала очиқ оғзига томиза бошлади.
Унинг лаблари қимирлаб, сутни зўрға-зўрға ютиб турди.

Оқсоқол, забур ўқиб ўтирган монахнинг елкасига
секин туртиб, қўли билан осмонни кўрсатди-да:

— Тангри...— деди.

Кейин у кафтини муштум қилиб туриб, монахнинг
кўзига тикилди-да, тушунилмайдиган бир неча сўз айтди.

Касал чол аранг эшитиларли қилиб шивирлади:

— У «тангри»... деяпти... уларча осмон... Ҳамма одам-
лар... Худди қўлнинг бармоқларидек... биродар бўлсин-
лар дейди. Керак бўлганда бир ерга тўпланадиган бўл-
синлар... Мен уларнинг орасида Инжилни талқин қилиб
уч йил турдим, бу оқсоқол уларнинг каттаси бўлади..
У ҳам бошқаларга ўхшаб менинг қўлимда чўқинган..
Аммо ўз худоларининг қаҳри келиб қолмасин деб..
қадимгидек сеҳргарлигича қолаверди.

Шу гапларни айтиб касал жим бўлди. Монах забурни
бир ёққа қўйиб унга энгашди:

— Айтинг-чи, ҳазрат, мабодо мен Киевга бориб қол-
сам, сизнинг тўғрингизда кимга хабар айтай? Балки
бирор монастирға кириш керак бўлар?

Чол аранг эшитиладиган қилиб энтика-энтика ши-
вирлади:

— Киевга борсангиз, мингбоши Дмитрони излаб то-
пинг... У кишига айтингки, ўзингизга маълум иеромонах
Вениамин деган бор экан, у киши кейинги йилларда
«қорақалпоқ» ва торкларни динга даъват қилиб юрган
экан, ҳозир қарилик ожизлигидан жонини ҳаққа таслим
қилмоқчи, сиз қўмондон Дмитрийни жангда ғолиб бў-
лишингиз учун дуо қилди, денг! Чунки бутун саҳро халқи
аскарининг ҳадди ҳисоби йўқ татар деб аталган маккор
душмандан қочиб кун ботиш тарафга кетмоқда... Аммо
биз рус ўғлонлари, жаноби ҳақнинг марҳамати ва қўр-
ғонларимизнинг баланд ва мустаҳкамлиги орқасида... У
ёвни бартараф қиламиз! Жонажон ерларимиз учун қат-
тиқ туришсин, самовий кучлар ҳам бизнинг ғалабамиз-
га мадад берурлар!



VIII

КИЕВНИНГ СУНГГИ ДАМЛАРИ

Биринчи боб

КИЕВДА БЕСАРАНЖОМЛИК

1240 йилнинг жазирама иссиқ, қурғоқчилик ёзи ту-
гади, олтин куз ҳам ўтиб кетди. Мана шу ўтган вақт
ичида Киев ёнидан саҳрода турадиган турли кўчмаичи
қабилалар от-араваларда ва яёв турна қатор ўтиб ту-
ришди: «қорақалпоқ» қипчоқ ва бошқа саҳройи халқлар
тинмай қайиқларда, солларда Днепр дарёсидан ўтиб,
серўрмон Карпат тоғларининг орқасида, бирон жойда

тинч меҳнат билан кун кечириш умидида Киевдан узоқ жойларга кетишди.

Ҳўкиз қўшилган оғир аравалар гичирлаб, кигиз ўтовлар ортилган икки ўркачли туялар шошилмай қадам гашлар, олдинда йўл бошлаб бораётган серканинг кетидан қўй сурувлари чанг тўзитиб кетар, ранг-баранг йилқи уюрлари чопиб ўтарди. Йилқиларнинг теварагида бошларига кигиз қалпоқ, тери тўн кийган йилқичилар қўлларига учи сиртмоқли узун ёғоч тутиб чопиб юришарди. Улар отларни бепоён саҳрода тарқалиб кетмаслиги учун уюрга қайтариб юрарди.

Киев аҳолиси ҳам бесаранжом бўлиб, қадимий рус пойтахтини қуршаб турган қалин тупроқ қўрғон устига чиқди. Киев аҳли саҳронинг ғира-шира кўринган зангори узоқликларига тикилиб қарарди, дарҳақиқат, у ёқда янгидан-янги қора нуқталар пайдо бўлаверди ва яқинлашган сайин булар тўп-тўп саҳройилар экани маълум бўлди, гўё буларнинг кети узилмас эди...

— Саҳрода нима бало бўляпти? — дейишарди киевликлар ташвишланиб. — Худойи таоло дини ҳақ христианларнинг устига бундай балони қайси гуноҳлари учун юбораётган экан-а? Бало қаёқдан келяпти? Ё раббий, ўзинг сақла!

— Агар қипчоқлар ҳам, торклар ҳам, қорақалпоқлар ҳам қадимий маконларидан серўрмон Карпат орқасига, можор ерларига ўтиб кетаётган бўлса, эвоҳ, бунинг оқибати яхши эмас! Саҳройилар ёт узоқ жойларга бекордан-бекорга кўчмайди. Уларни ким қувляяпти? Қандай ташвиш?

— Демак, уларни ким бўлса ҳам, кучлироқ биров қувляяпти!

— Ким кучлироқ? Фақат татар кучли! Наинки тўппа-тўғри бизга ҳам ўша Русияни ёндирган шафқатсиз татар-мунгаллар етиб келиб қолса-я?

Подолнинг қирғоқ бўйи тор кўчалари бесаранжом бўлиб қолди. Ҳамма ҳунармандлар — қурол-яроғ ясовчилар, темирчилар, боққончилар, темирни тоблаб қурол ясаш қўлидан келадиганлар шошилиш равишда ишга тутинди. Киевликларнинг ёшлари ҳам, ҳаттоки ҳарбий ишларни аллақачон унутиб юборган чоллари ҳам шаҳарнинг ҳар тарафидан келиб тўпланишди. Ўзлари ўтмас қилиш, занглаган найза ва болталарини олиб келиб қайрашди ва тўп-тўп бўлиб уюшишди. Ҳамма бирор қурол

қидирди ва золим ёвни қайтариш учун керак бўладиган ҳар қандай қурол-яроғни сотиб олаверишди.

Қиевга келган қипчоқ ва бошқа саҳройилар, Подолни оралаб юриб темирчилик растасида қолган-қутган ҳамма нарсани савдолашмаёқ олиб кетишаверди.

— Татарларнинг Батига хони чиндан ҳам бизнинг устимизга етиб кела олармикин-а?— деб гаплашарди киевликлар. — Биз уни қандай қарши оламиз? Ахир у биздан фақат битта ишни, бизнинг жангсиз таслим бўлишимизни кутади, душманлар шафқатни билмайди, кимики улар билан олишса, ўлдиради.

— Қипчоқ даштлари уларга торлик қилиб қолибдими?

— Қипчоқларнинг энг катта хони — Қўтанхон қаёқда? Нега у саҳродан кетиб қолди ва нима учун ўзининг бутун йилқиларини можорлар томон ҳайдаб кетди?

— Агар у шошилиб жўнаб қолган бўлса, демак, ундан кучлироқ ва бу ерга ҳам бўрондек келиб қоладиган кимдир уни қисган.

— Нега бунча ваҳима қиласан! Агар қиш юмшоқроқ келса, Днепр музламайди, суви оқиб туради, у вақтда татарлар биз тарафга ўтолмайди. Шунда бизлар уларни боплаймиз.

— Агар шимолнинг совуқ шамоли келиб, дарё музлаб қолса-чи? У вақтда мунгаллар бир нафасда биз тарафга ўтиб олади-ю, дарё тошган вақтдагига ўхшаб, бутун Қиевни босиб кетади. Шундан кейин уйларимизга, ҳамма ёққа киради, ҳатто ертўлаларни талаб кетади.

— Мунгаллар қанақасига босиб кетарди? Бизлар уларни уриб қайтармай қўлимизни қовуштириб ўтирармидик?

— Унда қочишга ҳам жой топилмай қолади бизга.

— Бизлар ҳали ҳам ҳеч қаёққа кетмоқчи эмасмиз! Ҳар ким ўз ерида яшаб, ўз ерида ўлгани яхши.

Мана шундай даҳшатли йили куз узоқ чўзилди. Днепрдан, қаёқдандир юқори тарафдан, Смоленск атрофларидан энг сўнгги бир сол келиб, дашт тарафдаги чап қирғоққа тўхтади. Эшкакчилар ўша ердан қайиқ билан сузиб ўтиб шаҳарга келишди, бозор расталарини айланиб юриб, белларида осиглиқ боғлам-боғлам олмахон, тулки ва қуён териларини сотамиз деб кўрсатиб юришди. Илгари бўлса бундай мўйналарни дарров олиб кетишарди, ҳозир бўлса ҳеч ким молга қарамади.

— Бизга терининг нима кераги бор! Ўз теримизни сақлаб қолсак ҳам етар!

— Эҳа, эртароқ аза тутяпсизлар, — деб жавоб берди солчилардан бири. — Татардан кўрқиб кетдингларми? Биз уларни Переяславлда кўриб, ҳайдаб ҳам юборганмиз. Уларнинг бештаси бир одамга қарши ботир. Татарни қарши олиш учун ҳамманглар иттифоқ бўлсанглар, Киевни кўриқлаш учун кўрғондек саф тортсанглар, улар сизларни ҳеч енголмайди.

Жуда ҳам ташвишланиб қолган одамлар уй-уйларига тарқашди.

Иккинчи боб

КНЯЗЬ САРОЙИДА

Пойтахт шаҳар Киевдаги князь сарой кўрғонининг дарвозасида бошига тепаси ингичка дубулға кийган новча бир сарбоз турарди. У, хиралик билан туртиниб ичкарига киришга интилган қотма новча бир монахни четга итариб, найзаси билан эшикни тўсди. Монах ғазаб билан ҳассасини ерга дўқиллатиб:

— Қўйвор мени, ғалати одам экансан! — деди.

— Айтдим-ку, сизга буюк князь, отлиқ бўлсин, яёв бўлсин ичкарига, у кишининг олдиларига, ҳеч кимни киргизмасликни буюрганлар.

— Диний мансабдагилар тўғрисида, руҳонийлар ҳақида князь ҳеч нарса демадиларми?

— Дарбадар бўлса ҳам, узун чопон монах бўлса ҳам барибир, киргизмайман!

— Тушунсанг-чи, чироғим, мен жуда узоқ жойдан, Днепрнинг қуйи томонидан, денгизга яқин узоқ жойдан келдим. Мен йўлда сахройиларнинг қандай бесаранжом бўлаётганини кўриб келдим, уларнинг ҳаммаси Днепрдан кечиб ўтяпти. Яна бошқа кўп ва даҳшатли нарсаларни кўриб келдим, ана шуларни князга айтиб беришим керак. Сен бўлсанг, вужудингни мағрурлик чулғаб олибди-ю, олдимда тошдан ясалган бутдек қотиб турибсан.

— Қиргизмайман! — деб қаттиқ жавоб берди сарбоз. — Князь Данила иш билан бандлар, шошилиб бир ёққа бормоқчилар, сарбозлардан ҳам бирга олиб кетдилар.

— Жон болам, мен у кишини албатта кўришим керак. Ахир мен аскарнинг мингбошиси бўлган Дмитрийнинг илгариги руҳонийси Вениамин ҳазратдан хат олиб келдим.

— Бир шўриш ортгирмай жўнаб қолинг бу ердан!— деб сарбоз қатъий жавоб берди. — Барибир киргизмайман!

Шу вақт дарвоза олдига терлаб кўпириб кетган йўгон бир от чопиб келди-да, суворининг бақувват қўли уни тортиб тўхтатди. Унинг орқасидан совут-сабаларини шалдиратиб яна ўнтача отлиқ сарбозлар чопиб келди.

— Салом, сардор Дмитро!—деди дарвоза ёнида турган сарбоз, келган отлиққа салом бериб.

— Раҳмат, Степан! — деб жавоб берди сардор, дўрилаган овоз билан. — Князь Данила уйдадилар?

— Князь қўшхонадалар, шошилиб сафарга тайёрланияптилар. Ҳозир мен сизга дарвозани очаман.

— Йўлга тайёрланияптиларми?— деб ҳайрон бўлди келган киши. — Ростдан ҳам сафаргами?

— Сизга князнинг ўзлари айтарлар, бизга номаълум.

Сувори отдан сакраб тушди-да, ўз олдида турган қотма монахни кўрди. У йўлга кўндаланг туриб букилиб таъзим қилди:

— Бир оғиз сўз айтишга рухсат беринг.

— Нима арзингиз бор эди, табаррук ҳазрат, кимда ишингиз бор?

— Агар князь Даниланинг сафар олдида қўллари тегмайдиган бўлса, сўзимга қулоқ оссангиз, сизга арзи ҳол айтсам ҳам бўлади.

— Айтинг, фақат тезроқ гапиринг, бўлмаса менинг ҳам қўлим тегмайди.

— Мен узоқлардан, Царьграддан келдим, ундан олдин табаррук шаҳар Қуддус шарифга бориб келдим. Днепрнинг қуйи тарафидан қайиқда келаётган эдим, нотаниш бир жойда саҳройи одамлар дарё қирғоғига ўлай деб ётган монах Вениамин ҳазратни олиб келишди.

— Вениамин ҳазрат? Ҳалиги мен танийдиган киши эмасми у?

— Ҳақ гап: ўшанинг ўзи. Уни ўша ердаги кўчманчилар, ҳазратнинг ўзи чўқинтирган кишилар олиб келишди.

— Сиз Днепр бўйидаги саҳройилар билан ҳам гап-

лашдингизми? Уларнинг нияти қандай? Бизга қаршими ёки биз билан биргами?

— Мен сизга шу тўғрида гапириб бермоқчиман. Саҳройиларнинг ўзлари биздан ёрдам кутади. Днепрнинг нариги тарафида изғиб юрган татарларни кўрганларини айтишди. Улар ҳурпайган даҳшатли отларни миниб келишибди, шундан кейин бир неча балиқчини тутиб олиб, саҳрога олиб кетишибди. Дарё бўйидаги саҳройилар энди бизга дўст бўлиб қолишди, шунинг учун улар биздан: «Сиз, дейишади, Киев князидан сўраб кўринг, бизлар нима қилишимиз керак: ўзимизнинг ерларимизда тураверайликми ёки олисроққа, мижорларнинг олдига кетайликми? Киевликлар татарларга қарши сўқишадими ёки шаҳарларини ташлаб Карпат ўрмонларига бекинишадими?» деб сўрашяпти.

Мингбоши ғазаб билан гапирди:

— Узим ҳам билиб эдим-а, бу ерда бир бало бўляпти деб! Мустаҳкам бир қўл йўқ! Ҳамон князлар алмашиб турбди! Шундай вақтда Киевни ташлаб кетиб бўладими? Шундай мустаҳкам қалъани-я? Юринг, ҳазрат, князнинг олдига. Номингиз нима?

— Отим Мефодий. Иеромонах Мефодий, асли переяславл-залесскийлик бўламан.

— Вениамин ҳазрат ҳам сиз билан бирга келдими?

— Йўқ, баҳодир сардор! У киши Днепр бўйида жонларини ҳаққа топширдилар, ўша ерда мен ҳазратнинг қуруқ суяк бўлиб қолган жасадларини дафн қилдим. У киши ўлиш олдида шундай деб васият қилган эдилар. Шунинг учун ҳам мен у ерда туриб қолдим. Мен бир нимжон отга мишиб бу ерга етиб келиб олдим, отни менга саҳройиларнинг чўқинтирилган оқсоқоли Вениамин ҳазратнинг китоблари билан бирга олиб келиб берди. У кишининг ўкиб юрган табаррук Инжилини ҳалиги оқсоқол, устози аввалимиздан эсдалик учун бизларга ташлаб кетинг, деб сўраб олиб қолишди.

— Худо раҳмат қилсин, Вениамин ҳазратнинг жойларини жаннатда қилсин, омин!—деб сардор дуо қилиб, чўқинди.

— Сиз Десятинний черковининг бошлиғи олдига бориб, сизни мен, сардор Дмитро юборганимни айтинг. Бошлиқ ҳазрат сизни жойлаштириб қўяди.

Дарвоза аллақачон очиб қўйилган эди. Мингбоши

Ўзининг баланд бўйли отининг тизгинини сарбозга бериб ичкари томон юрди.

Мингбоши Дмитро қор босган зинапоядан юриб кенг айвонга чиқди. Бу ерда бир неча сарбоз ўтирган эди. Ўз сардорларини кўриб улар сакраб ўринларидан туриб, тик боқиб ҳурмат кўрсатишди.

Мингбоши осилиб турган узун мўйловини силаб, ғурур ва савлат тўкиб қўшхонага кириб кетди. Таниш кенг залнинг деворлари ёнига дуб скамейкалар қўйилган. Эшикка қарши тўрда устига духоба дастурхон солиб қўйилган, оёқлари жимжимадор узун стол қўйилган. Бу ерда ҳамма нарса гўё илгаригидек эди...

Дмитро тўрдаги бурчакка бурилди-да, кумуш гардишга ўрнатилган санамга чўқинди. Унга олтин суви юритилган учта қандил шипдан занжир билан осиб қўйилган, уларда эрта кўклам «рўза ҳафтаси»да ёқиб қўйилган сўнмас чироқлар милтиллаб турарди. Илгари бу ерда бир неча шкафга олтин ва кумушдан ясалган қиммат баҳо идишлар, қадаҳлар, жомлар, чўмичлар қўйиларди, буларнинг кўпи сафарларда ўлжага олинган бўлиб, наслдан наслга қолиб келарди. Ҳозир ўша қимматбаҳо нарсаларнинг кўпи олиб қўйилган.

Деворларда ҳар вақт ов ва уруш қуроллари осиглиқ турарди. Булар ҳақида қачон ва қайси жангда, қайси саҳро ботиридан ўлжа олинганлиги тўғрисида кўн хангамалар айтиш мумкин эди. Ҳозир негадир улар ҳам олиб қўйилган.

Қўшхонага князь чақирган боярлар ва қиш фаслига мувофиқ мўйиналар ўрнатилган қимматбаҳо чопонлар кийган басавлат донгдор киевликлар бирин-кетин кира бошлади. Улар санамга чўқиниб, соқолларини силаб мингбошига таъзим қилишди ва уйнинг четига қатор қўйилган скамейкаларга ўтириб, секин-секин гаплашишди.

Ички хонадан енг ва ёқаларига қизил жияк тутилган кўк чопонли бир хизматкор чиқди-да, мингбошининг ёнига келиб унга:

— Князь муҳим бир иш билан бандлар, чиқолмас эканлар, дегин деб буюрдилар, — деди.

— Сен билан гаплашиб туришга фурсатим йўқ. Югур, князга бориб: «мингбоши Дмитро саҳродаги олдинги маррадан шошилиб келибди, князь билан кенгашиб олишим зарур дейди!» дегин.

— Ҳеч мумкин эмас! Князь аччиғланиб турибдилар, энди мени безовта қилманглар деб буюрганлар.

— Сен бола, ғазабимни қўзғатмагин! — деб бўғилди Дмитро. — Юғур ҳозир, бориб князга уқтир, мен шу ерда кутиб тураман, унга йўлиқмай кетмайман! — деб хизматкорни шундай бир итариб юбордики, хизматкор эшикка бориб урилди ва дарров эшик орқасига ўтиб ғойиб бўлди.

Боярлар ҳайрон бўлиб ўринларидан туриб кетишди ва мингбоши томон юришди. У қўлини орқасига қилиб дераза ёнида турарди.

— Нега бунча ғазабландингиз, мингбоши Дмитро? Бизни ҳам хабардор қилинг!

— Бир оз сабр қила туринглар. Лекин кетиб қолманглар. Ҳозир ҳамма гапни эшитасизлар. Фақат князь Данилани кутиб турайлик.

— Бир оғиз сўз билан бўлса ҳам айтсангиз-чи!..

— Бир оғиз сўз биланми? — деди мингбоши боярларга совуқ бир назар ташлаб. — Уруш! Устимизга уруш бўрондек босиб келмоқда!

Боярларнинг жон-пони чиқиб кетиб, бир-бирларига аланглашди.

— Ўзинг асра, парвардигор! Бу қандоқ фалокат устимизга келди!

Эшик қарс этиб очилди, қўшхонага чиройли, басовлат князь Данила Романович тез-тез юриб кирди.

Дмитро ўрнидан туриб қаддини ростлади ва қиличининг дастасини тутамлаб, княздан кўзини олмай турди. Князь ундан секин сўради:

— Нима учун бунча шошилиб келдингиз? Халқнинг юрагини ёриш учунми? Шундай ҳам қиладимиз киши? Агар ҳақиқатан бир хавф пайдо бўлган экан, сипоҳий сардорларни махфий равишда чақириб, халқни қандай қўзғатиш... Мерганларни йиғиб, уларни тўп-тўпга уюштириш, уларга жасоратли бошлиқлар тайинлашни муҳокама қилиш лозим эди... Нега индамаяпсиз? Энди шаҳар халқи кенгашга чопади, бекордан-бекорга галва кўтаради, уларга биз нима деб жавоб берамиз энди?

— Ҳа, тўғри, — деди Дмитро қовоғини солиб салмоқлаб. — Кенгаш чақириб керак... Ким билади, балки бу Киевнинг энг охирги кенгаши бўладими?

— Нима учун охирги бўлар экан? — деди орқага тисарилиб, ҳайрон қолган князь. — Халқни нега қўрқита-

сиз? Киев мудофаага ҳозирланяпти, ёрдамчилар етиб келгунча, ҳар қандай ёвга ҳам бардош беради. Мен бунинг ҳам ғамини еб қўйдим, ўзимизнинг хайрихоҳларимизга: поляклар қиролига ва можор қироли Белага хат ёзиб, тездан аскар билан ёрдам юборишларини сўраб чопарлар йўлладим.

— Сизга улар ёрдам юборармиди?—дەйишди йиғилганлар. — Фақат ўз кучимизга суяниш керак!

Эшик яна очилди. Остонада князь Даниланинг қорачадан келган қора кўз хотини — князь хоними турарди. Унинг овози қулоққа ёқимли эшитилди:

— Нима ташвиш бу ерда? Жанжал нима тўғрида? Сиз нега ғазабландингиз, князь? Ўзингизни босинг!

Хонимнинг ёнига мингбоши Дмитро келиб, икки букилиб таъзим қилди-да:

— Парвардигорнинг ўзи сақласин сизни, шафқатли хоним! — деди. — Безовта қилганим учун кечирасиз. Саҳродан нохуш хабарлар олиб келдим. Шу тўғрида князь Данила Романович билан гаплашиб олишимиз керак, чунки мудофаани бир кун ҳам, бир соат ҳам кечектириб бўлмайти. Қиличларни қайраб, қўрғон деворларини мустаҳкамлаш, халқни мудофаага тайёрлашимиз лозим.

— Хонангга кириб кет, Анна!—деди князь жиддий. — Сен аралашадиган иш эмас бу.

— Шу ерда, ёнингизда туришга рухсат беринг. Мен ҳам ҳаммасини билгим келади. Агар бирор офат юз бериб, шаҳаримизни олиш учун ёв босиб келса, рус хотинлари ўз эрларининг ёнида туриб мудофаа қилади ва суюкли хонадонлари учун биргалашиб жанг қилади. Рус замини — менинг муқаддас ватаним! Ўзингизни босинг, князь Данила! — деди хоним ва эрининг ёнига келиб унинг пинжига суқилди.

Шундан кейин князь Данила ўзини анча босиб олиб, мингбошига мурожаат қилди:

— Айтинг-чи, сардор Дмитро, Киевга шунчалик қаттиқ офат келаётгани ростми?

— Киевга бутун қўшинлари билан бирга татар подшоҳи Батиганинг ўзи ҳеч ерда тўхтамай, қашқирдек елиб-югуриб келяпти.

Хоним икки қўли билан бошини ушлади-да, кейин ўзини тўхтатиб олиб, қаддини ростлаб деди:

— Князь Данила! Нима сабабдан столга яқин ўтир-

маяпсиз? Ёнингизга сардор Дмитрони ўтқазиб, бу кишиларни ҳам яқинроқ ўтиришга таклиф қилиб, баҳодир сардорнинг гапларини хотиржам эшитсангиз бўлмайдим!

Князь уйнинг тўрига ўтиб стол ёнига ўтирди. Унинг бир ёнига князь хоним Анна, иккинчи томонига мингбоши ўрнашди. Боярлар билан киевлик бошқа атоқли кишилар қўшхонанинг девори бўйлаб қўйилган скамейкаларга ўтиришди. Улар жуда ҳам ташвишланиб, секин-секин гаплашди:

— Уша поляклар билан можорларнинг қиролларидан бирор яхшилик ва бирор ёрдам кутиб бўладими? Сўнгра, улар биз билан бир сафда туриб, елкани елкага тираб татарларга қарши урушади дейсизми?

— Мана мен шунинг учун ҳам қирол Беланинг олдига кетяпман-да, — деб тушунтирди князь. — Агар бизлар татарлар билан яккама-якка урушадиган бўлсак, улар бизни, ҳаммамиз бир саф бўлиб урушганимизга қараганда осонроқ даф қилади.

— Киевда бизлар нима қилишимиз керак? — деб қовоғини солиб сўради бир бояр. — Можорлар билан поляклар бу ерга етиб келгунча бизлар татарларнинг биринчи ва балки энг сўнги зарбасига дучор бўлишимиз мумкин.

— Мен ёрдам олиб қайтгунимча чидаб туринглар, ҳамма ишда сардор Дмитрога итоат қилинглар, мен сардорни бу ерга, ўз ўрнимга қўйиб кетаман. Киев қўрғони мустаҳкам, ёв ундан ошиб ўтолмайди. Бутун кучни ишга солиб, бардош беринглар ва душманни уриб қайтаринглар. Босқинчилар бутун дарвозалардан ҳужум қилади, сизлар қўрғон устидан туриб тош отинглар, қорамойни киздириб устидан қуйинглар, шаҳарга киришга йўл қўйманглар. Ахир Киевнинг атрофи мустаҳкам қўрғон билан ўралган. Киевни шу қўрғонлар сақлайди, татарлар бизни енголмайди. Бизлар улардан марҳамат кутмаймиз: шунинг учун улар бир оз туриб, кетиб қолади.

— Буни ўзимиз ҳам биламиз ва лозим бўлган ишларни қиламиз. Фақат татарлар тиришқоқ, қўрғондан ошиб ўтмагунча чиқиб келаверади. Айтишларига қараганда, Батиганинг аскарлари ҳаддан ташқари кўп эмиш, у шунча кўп аскарни аяб ўтирармиди!

— Агар татарлар қўрғоннинг бирор жойидан тешиб, бузиб кирса-чи?

Князь Данила бундай жавоб берди:

— Мен ўзимнинг ўрнимга бош қўмондон қилиб сардор Дмитрони қўйиб кетаман. Қўп тажрибаларни бошидан кечирган сардор, Киев мудофаасини йўлга қўйишни билди. Мен ҳозир шошилиб турибман, можор қироли Беланинг олдига бориб, ўз қўшинлари ва қипчоқ хони Қўтаннинг суворилари билан бирга Киевга тездан келиб ёрдам қилишга кўндираман.

Шу гапдан кейин у боярларга бурилиб:

— Энди мен сизларни бу ерда қолдириб ўзим кетишим керак. Отлар кутиб турибди. Бор, тайёрлан, Анна, — деди.

Князь хоним қўллари билан юзини бекитиб:

— Ё раббий, қандай даҳшатли кунларга қолдик! — деб пичирлади.

Князь Данила индамай турган сардор Дмитрони қучоқлаб ўпди, аммо сардор қўзғалмай қовоғини солганча тураверди.

— Қайтиб келармикин? — дейишди боярлар. — Йўл узок.

Шу вақт ҳовлидан:

— Отланинглар! Йўлга тушинглар! Олға! — деб бақирган товуш эшитилди.

Қўшхонадаги ҳамма жим турарди, ниҳоят, худди дармонсизлангандек скамейкаларга яна ўтиришди.

Дмитро дераза олдида туриб Данила ва унинг сарбозларининг отга мингани ва бир-бирларининг кетидан дарвозадан чиқиб кетганларини кўриб турди.

Кейин у ўтирганларга бурилди-да, секингина:

— Киевни биз мудофаа қилмай ташлаб кетмаймиз, бунинг учун шаҳар қўрғони устида жонимиздан жудо бўлсак ҳам розимиз, — деди.

— Тўғри! Тўғри! — деган бир печа овоз эшитилди. — Бизлар туғилиб ўсган Киевдан чиқиб кетмаймиз, шаҳаримизнинг ор-номуси учун ўлгунимизча олишамиз.

— Оёғимиз остида рус қони тўкилган муқаддас боболаримиз ери турибди. Киевга кимлар келмагану, унинг мустаҳкам деворларига кимлар бош урмаган! Боболаримизнинг жасадлари кўмилган мана шу русларнинг бош шаҳарини мудофаа қилиш учун оталаримиз, боболаримиз ўз қонларини тўкканлар, жонларидан кечганлар.

Узоқ кенгашгандан кейин йиғилганлар, душман ол-

дида чекинмасликка, ватан заминини қўриқлаш учун лозим бўлса ўз жонларини ҳам фидо қилишга қасамёд қилиб тарқалишди.

Учинчи боб

КИЕВНИНГ СУНГГИ КЕНГАШИ

...Рус эли авлоди билсинлар яхши,
Жонажон ватаннинг кечирганларин.
А. С. Пушкин.

Мана шу даҳшатли йилнинг поябрь ойи охирларида бир куни эрта саҳар кенгашга чақирадиган зўр қўнғироқлар бежо даранглай бошлади. Қўнғироқ тез-тез тинмай чалинар, унинг бежо овози ухлаб ётган киевликларни уйғотиб, уларни авлиё София номидаги катта черков олдидаги улуг кенгаш майдонига кечикмай боришга, кенгашга қатнашиб, муҳим ишларни ҳал қилишга даъват қиларди. Қўнғироқнинг тез-тез чалинишидан ҳамма кенгашнинг одатдан ташқари муҳим бўлишини сезиб турарди. Сал ёрилган азим қўнғироқнинг данғиллашини ҳамма билар ва Киев черковлари қўнғироқларининг бир оҳангда чалинадиган ёқимли овозидан уни дарров айриб олишарди.

Вадим шу куни эрталаб ҳам одатича икона чизадиган ишхонасига борган эди. Кеча уста унга:

— Ўзидек қилиб чизинглар, ўзларингча яхшилаيمان деб уринманглар, ундай қилсанглар қадимий эътиқод ва тақволарга путур етади! — деган эди.

Шунинг учун Вадим грекча чизилган бадқовоқ авлиёнинг суратига диққат билан тез-тез қараб ва кўп риёзатлар чеккан авлиё Власийнинг чеҳрасидаги ҳар бир ажинни қунт билан чиқарар, ҳар бир соч ўрминини ва кийимининг ҳар бир қатинини айриб чизарди.

«Мана, ўзим ҳам улуг риёзат тортувчи бўлиб бораётирман, — деб ўйларди Вадим. — Ғаму андуҳ жонимни ўртаб, риёзат занжири танамни емирмоқда...»

Шу пайт ишхонага санам чизиш ишидаги унинг сабақдоши — ёш шогирд Қасьян югуриб кириб уни шошира бошлади:

— Ишингизни қўйинг! Кенгаш бонги чалиняпти,

умум йиғиладиган бонгни уряпти, дейишади. Бутун Киевни зўр кенгашга чақиряпти. Юринг, бирга борамиз! Мен сизни ҳамма ёқни кўриб ўтирадиган бир жойга бошлаб бораман.

Ўз устозларидан ижозат олиб, иккала йигит қор босган тор кўчалардан кетишди. Кўчанинг икки ёғида четан девор ва тахта деворлар чўзилиб кетган бўлиб, уларнинг орқасида яланғоч дарахтларнинг учлари ва оппоқ уйларнинг қамиш томлари кўринарди. Томлар устида кўк ва ола каптарлар учиб юрар, эрта туриб хотинлар нон пишираётган бўлса керак, мўрконлардан бурқираб тутун чиқарди. Гўё илгаригидек тинч ва осойишта кўринарди. Очиқ турган бир эшикдан улар, иккита сержун итнинг жунларини ҳурпайтириб четан ғовга сакраб чиққан мушукка ҳуриб ҳужум қилганини кўриб қолишди. Ҳамма нарса илгаригидек эди.

Бироқ йигитлар бир кўчани айланиб ўтганларидан кейин киевликларнинг ташвишга тушиб қолганини кўра бошлади. Эшикларни тарс-турс ёпиб, елкаларига пўстинларини ташлаб уй эгалари чиқар, бобойлар довдирашиб, бир-бирларининг ёнига келар ва қафтларини қулоқларига тутиб, бир-бирларидан: «Нима гап?» деб сўрарди. Халойиқ тез-тез юриб шаҳарнинг юқори қисмидаги София майдонига томон жўнарди.

— Ҳой, Вадим, бери кел! Ҳамшаҳарларингни кўрасан!

Чақирганлар темирчи Григорий билан ҳар вақт хотиржам, дадил Днепр солчиси Андрей эди. У елкасига тери халтасини осиб, белига ўтинчиларникига ўхшаш узун сопли болтасини қистириб олибди.

— Татарларни кўрдингми?

— Қанақа татар? Асир олиб келишибдими? — деб сўради Вадим.

— Бунинг гапини қара-я! Олдин биронта асир олиб кўргин-чи! Юр бу ёққа, мен ҳозир сенга кўрсатаман.

Андрей бу икки ёш оғайниларини бир кўчадан олиб ўтиб, бир тепаликка бошлаб чиқди, тепаликда липа дарахтлари ўсган бўлиб, одатда, бу ерга ёзда ёшлар йиғилишиб лапар, ашула айтишарди. Ҳозир бу ер бўш бўлиб, қор босиб ётарди. Мана шу тепаликдан Днепр дарёсининг нарёғидаги кенг даланинг узоқ жойларига-ча кўринарди.

— Ҳов анови ёққа, кун чиқишга қара. Кўп ердан тугун чиқаётганини кўряпсанми?

— Қамишга ўт кетибдими?

— Йўқ! У татарлар, гулхан ёқиб исинишяпти.

Узоқда қор босган, офтобда ялтираб турган бепоён далада шамолдан бир тарафга оғиб, тутаб турган жуда кўп қора нуқталар кўринади. Далага ёйилган сон-саноксиз қора нуқталар ҳеч тўхтамай секин-секин Киевга томон силжиб келмоқда эди.

— Анови узоқда, кўкнор доналарига ўхшаб сочилиб ётган қора нарқалар-чи? Улар нима?— деб сўради Касьян.

— Ана шулар, татарлар! Кеча татар айғоқчилари Киевга яқин келиб кетди.

Вадим ҳайрон бўлиб Андрейга қаради. Унинг юзида ҳеч қандай ташвиш аломати кўринмас эди. У, ҳозир ҳам илгари олдинги солнинг тумшугида бўрон ва ёйингарчиликларга парво қилмай, Днепрнинг қутурган тўлқинларига совуқ кўк кўзларини тикиб ўтирган вақтдаги каби хотиржам кўринар эди.

— Мана, кўришиб турибдики, менинг уйимга борадиган, Андрюшкамга борадиган йўл бекилиб қолган!— деди қайиқчи чуқур нафас олиб. — Энди менга уни кўриш насиб бўлармикин, бунини худонинг ўзи билади. Юринглар кенгашга. Эшитайлик-чи, нима дейишар экан.

Андрей билан бу икки йигит дарров София майдони-га етиб келишди.

Бу майдонда, бундан икки юз йил муқаддам худонинг инояти билан князь Ярослав Мудрий тарафидан бино қилинган авлиё София номидаги ибодатхона бор эди. Бир вақтлар бу ибодатхона жуда ҳам яхши зийнатланган эди. У, деворларига жуда усталик билан солинган византия санъати тасвирлари билан машҳур эди. София майдонида одатда умумхалқ кенгаш мажлислари ўтказиларди. Лекин бундан ташқари, бу ерда ҳар вақт бутун йил бўйи савдо-сотик бўлиб турарди. Рус ва ажнабий савдогарлар бу ерга ўзларининг энг яхши молларини олиб келардилар. Булғор савдогарлари (Волганинг юқори оқимидан) қимматбаҳо мўйналар олиб келар, немислар эса қаҳрабодан қилинган зийнатлар ва ҳар хил мовутлар келтириб сотарди. Можорлар ўзларининг қимматбаҳо зотдор отларини, ёввойинамо қипчоқлар жонли мол ва териларини бозорга соларди. Қрим-

дан келган савдогарлар туз, арзонбаҳо газмоллар, шароб ва хушбўй ўтлар олиб келарди.

Майдонда татиш кишилар ҳам топилиб қолди.

— Ҳой Андрей, оғайни, бу ёққа кел, қариндошларингни кўрасан, бу ердан танишларингни топасан!— деб бақаришди бир тўп киши, улар майдоннинг бир четида тахлаб қўйилган баланд бир уюм ходанинг устида ўтиришарди. Киевликларнинг пойтахт тақдирини ва шунингдек ўз тақдирларини ҳам ҳал қилиш учун чақирилган бу кенгашларида нималар бўлишини бу ердан кўриш қулайроқ эди.

Бир ҳафта илгари киевликлар Чернигов ва Переяславль-Русскийдан ҳамма ёғи куйиб қоп-қора куя бўлиб кетган қочоқларни кўрган эди. Улар сўкиниб ва йиғлай-йиғлай бошларидан кечирганларини — қашқир терисидан қилинган қулоқчин ва узун этак пўстин кийиб келган татарларнинг шаҳарларига босиб келганлари, жуда кўплашиб шаҳарни қамал қилганлари, ваҳший ҳайвондек шаҳар кўрғонига тармашганлари, улама шотилар билан, кетма-кет келган тўлқиндек, юқори чиқиб турганлари, девор рахналаридан ичкарига кириб олиб, учраган ҳар бир кишини ёш демай, қари демай кесаверганлари, чолларни ва эмизикли боласи бор хотинларни чопиб ташлаганларини гапириб беришган эди.

Бундай хабарлардан ташвишга тушган киевликлар бошда бундай хунук хабарларга ишона олмадилар.

— Ёмонларнинг жазосини худонинг ўзи беради! Ер юзида ҳақиқат бор! Бизда ҳам Илья Муромец, Добриня Никитич, Святогор баҳодир деганлар ўтган эди! Энди ҳам биздан ватанимизнинг заминини ҳимоя қилаётган янги баҳодирлар чиқади, ғайри дин ваҳший татарларни енгиб ҳайдаб юборади,— дерди улар.

София майдонига борган сари халқ тўлаверди. Кишилар майдоннинг ўртаси билан София ибодатхонасининг тош супасини бўш қолдириб, кенг ярим доира шаклида турдилар. Бўш қолган жойларга атоқли боярлар, мингбоши ва сардорлар чиқиши лозим эди.

Ҳамманинг кўзи эрталабки ибодат ўқиладиган ибодатхонанинг баланд эшигида эди: бу эшикдан супага князь бошлиқ бутун атоқли кишилар чиқиши лозим эди.

Ниҳоят қаттиқ ўқилган қасида овози эшитилиб, эшик очилди-да, ерга теккудай узун кимхоб кийимлар кийган қасидахонлар чиқа бошлади. Булардан кейин қўлларида

кумуш тутатқи идишини силкитиб иккита баланд овозли дьякон, кимхоб чопон кийган поплар, ниҳоят ҳаммадан кейин иккита ёш йигит қўлтиғидан тутган кимхоб чопонли кекса митрополит узун ҳассасига таяниб чиқди. Ҳамма руҳонийлар ибодатхона эшигининг ўнг тарафига жойлашди, сўл тарафига эса атоқли боярлар ва ҳарбий амалдорлар туришди.

Халқ пичирлаб:

— Князь қани-а?— деб бир-биридан сўради.

Одатда князь ўзининг боярлари ва кумуш қинли ялтироқ қуро-л-яроғ таққан сарбозлари билан бевосита руҳонийларнинг кетидан чиқарди. Энди князь йўқ эди.

Қасидачилар яна тантанали муножот ўқишди, лекин у ҳам бугун ғамгин ва дилли сиқувчи бўлиб туюлди. Қасида ўқиш тўхтагандан кейин икки жарчи супанинг икки тарафида туриб оғизларига карнай қўйиб бақирди:

— Жим бўлинглар, садоқатли халойиқ! Ҳозир бизнинг атоқли киев сардори мингбоши Дмитро сўзлайдилар.

Шундан кейин халқ дарров жим бўлди. Ҳаммага маълум ва ҳамманинг ҳурматига сазовор бўлган баланд қоматли, бақувват ва қипчоқчасига осилиб турган узун оқ мўйловли сардор олдинга чиқди. У баланд овоз ва ишонч билан гап бошлади:

— Бошимизга оғир кун келди, тайёрланинглар, дўстлар! Жуда кучли ёвга қарши кўкрак кериб туришга тўғри келади...

Олдинги сафда турганлардан нуроний чеҳра, баланд бўйли бир чол ташвишли овоз билан бақирди:

— Князь Данила қаердалар? Князь бўлмаса бу ишни қандай ҳал қилиб бўлади? Одам юборинглар у кишига!— деди.

— Князь қаёққа кетганлар?— деган овозлар эшитилди.

Мингбоши Дмитро бу овозларга эътибор бермай, гапини хотиржам давом эттираверди:

— Князь Данила Романович Киевдан кетиб қолдилар. Киевдан кетатуриб менга бундай дедилар: «Татарларнинг энг катта хони Батига — кучли ва ёвуз душман. Бизнинг ёлғиз ўзимиз унга қарши туролмаймиз, кучли ёрдам керак. Мен тездан ўзимнинг дўстим можор қироли Белага бориб, татар қўшинлари ёлғиз бизга эмас, бутун христиан дунёсига даҳшат соляпти, деб айтаман.

Можор қироли ўзининг бутун аскарлари билан келиб бизга ёрдам беришини сўрайман». Князь Данила Романович бу гапларни айтиб, шошилинч равишда кетиб қолдилар ва менга можор ҳамда поляк аскарлари келгучча бутун кучни ишга солиб урушиб, ёвни қайтариб туришни топширдилар. Лекин Киевда княздан ҳам улуроқ хўжайин — киев кенгаши бор. Шунинг учун мен қадимги ота-боболаримиздан қолган урфу одатга мувофиқ сизлардан сўрайман: кенгаш мени Киевдаги бутун аскарний кучларнинг устидан бош сардор қилиб, урушга ярайдиган ҳамма кишини аскарга чақириб, сарбоз қилиб тўплашга менга ишонадими? Агар кенгаш менга шундай қилишни топширса, мен шаҳаримизнинг мудофаасини ўз зиммамга оламан. Мен ҳозир сизларнинг эсларингизга шу нарсани солиб ўтаманки, оталаримиз, боболаримиз печенеглар, қорақалпоқлар, торклар, қипчоқлар ва бошқаларнинг ҳаммасини кўп марта тор-мор келтириб, саҳрога ҳайдаб юборганлар, шунга ўхшаш, бизлар ҳам худонинг инояти билан татарларни улоқтириб ташлаб, келган жойига қайтариб юборишга ҳаракат қиламиз.

Бутун кенгаш ўйлаб тургандек, бир нафас жим бўлиб қолди, кейин ҳамма бирдан бақирди:

— Розимиз! Розимиз! Сиз бизга сардор бўлиб, мудофаа ишини қўлга олинг. Бизлар сизни яхши биламиз! Сизга ишонамиз! Сиз ишни судрамайсиз! Бизлар сизга ёрдам берамиз!..

Шу вақт тўсатдан оломон орасидан бошқачароқ кийинган бир одам чиқиб, сардорнинг олдига келди-да, икки букилиб таъзим қилиб бир нарса деб шивирлади. Дмитро бош ирғатиб:

— Ҳа, гапира қолсин, — деди ва жарчиларга буларни халққа эълон қилишни буюрди.

Жарчилар бақириб халққа эълон қилди:

— Ҳой, киевлик оғайнилар! Ҳозир сизларга ажнабий руҳоний лотин Иоаким сўзлайди. Унинг сўзини яхшилаб тинглаб, бир оғиздан жавоб беринглар!

Шундан кейин қўнғироқнинг майин товуши эшитилди ва супага бирининг кетидан бири юриб ўн иккита католик монах чиқиб келди. Кенгашдаги бутун халқ буларни томоша қилиб қараб турди. Улар ғалати бир тарзда ажнабийча кийинган бўлиб, устларига оқ узун чопон кийган, белларига оддий каноп арқон боғлаган

эдилар. Оқ қалпоқлари орқаларида осилиб ётар, фақат тепа сочлари қирилган, оқ чопоннинг устидан қора ридо ҳам ташлаб олган эдилар.

Ун иккита ажнабий бир сафга тизилди. Уларнинг кўлида кумушсимон катта бир крест кўтарган устозлари олдинга ўтди-да, осмонга қараб гўхтади. Унинг икки ёнида, этаклари тиззасига тушиб турган узун, қасида-хонлар кўйлаги кийган икки бола бор эди. Булардан биттаси кумуш кўнғироқчани шилдиратиб турди.

Уларнинг устози сал-пал қироат қилиб ёқимли овоз билан гапирди. Унинг сўз оҳангидан чет эл кишиси экани билиниб турарди.

— Йигирма йил бўлдики, мен ва биби Марям монастыридаги доминиканли муридлари бўлган бошқа ҳазратлар шонли Киев шаҳарида яшаб келамиз. Бизни шаҳардаги кўп кишилар билади ва бизнинг рус халқига, қадрдон Киев шаҳари аҳолисига энг самимий дўст эканимизга амалда қаноат ҳосил қилганлар. Бизлар ҳар вақт ожизларга ёрдам, касалларга даво, кўчада қолганларга бошпана, очларга озиқ бериб келдик. Ҳозир русларнинг бошига тушган фалокат бизнинг — бутун христианларнинг бошига тушган фалокатдир. Шунинг учун бизлар, душман — мажусий татар хони Батига Киевга даҳшат солиб, бу ерларга ўзининг қудратли аскарлари билан келаётир, деган гапни эшитиб ўзаро муҳокама қилдик ва кўнглимиздаги гапни сизларга айтмоқчи бўлиб бу ерга келдик.

Оломон орасида шов-шув бўлиб бир неча жойдан:

— Тушунолмадик-ку бу гапларга. Нега бунақа деяпти бу? — деган овозлар эшитилди.

— Рум папаси жаноби олийлари бизларга, доминиканлик муридларига ҳазрати Исо ва у зотнинг шогирдлари — авлиё ёронлари тарафидан бизларга эриштирилган худонинг каломи ва ажойиб маърифати билан мажусийларга насиҳат қилишимизни топширганлар. Бизлар, мана бу камина биродарларимиз билан бирга ҳаммамиз мана шундай тарғибот, ваъзу насиҳатлар қилиш учун қипчоқ тилини ўрганганмиз. Шунинг учун ҳозирги, бутун христиан дунёси учун фалокатли бўлган бугунги кунда бизлар, бизни ўз кўйнига олган улўф Киев шаҳарига ўзимизнинг билимимиз ва ғайратимиз билан хизмат кўрсатмоқчимиз. Бизлар шундай муҳокама қилдик: ахир худонинг каломи ҳаммани бир-бирига меҳри-

бон бўлишга ўргатади. Шунинг учун бизлар: нима учун татарлар билан урушиш керак, нима учун инсониятнинг бегуноҳ қонини тўқиш керак, деймиз. Татарлар билан келишиш, уларга бутун жанжални тинч йўл билан, ўзаро хотувлик билан тугатишни таклиф қилиш яхши бўлмасмиди, деймиз. Шунинг учун бизлар: доминиканлик оғайнилари, бизларни татар ҳукмдори Батига ҳузурига элчи қилиб юборишларингизни таклиф қиламиз. Бизлар у билан сўзлашиб, уларнинг Киевдан нима исташларини ва уни нима билан тинчитиш мумкинлигини суриштириб биламиз.

Оломон худди бўрондек гувиллаб:

— Қулоқ солманглар гапига! Булар татарларнинг лаганбардор малайлари! Йўқол бу ердан, сотқин лотинлар!

— Бўлмайди!— деб қаттиқ бақирди мингбоши Дмитро, ва лотин монахларининг устозига бурилди.— Сен татарлар билан қанақа хотувлик тўғрисида гапир-япсан, маккор ҳазрат? Татарлар бизларга тинчлик ва хотувлик тўғрисида кўп марта ваъда қилган эмасмиди, бизлар у ваъдаларни Рязань харобаларида, култепага айланган Суздалда, ер билан яксон қилинган Владимир шаҳри кўрғонларида кўрган эдик-ку. Ахир сенинг бизга нима демоқчи бўлганингни билганимизда, биз сени бу кенгашнинг яқинига йўлатмас эдик. Йўқол бу ердан, ҳазрат! Бизлар ёвларга қарши ўзимизча, қадимги замондан келаётган йўлимиз билан, қўлимизга қилич ушлаб сўзлашамиз!

— Йўқол, лотин! Кет бу ердан!— деб қичқирди оломон.

Шовқин-сурон тобора кучайди.

— Ҳайданглар уни! Қаёқдан келиб қолди бу ерга татарларнинг малайи?— деб гувиллади бутун кенгаш.

Сардор Дмитро, католик монахлари тез-тез юриб супадан тушиб кетгунича бир оз кутиб турди. Кейин у жим бўлиб қолган халққа яна мурожаат қилди:

— Киев аҳли! Устимизга босиб келаётган ёвни қандай қарши олиш муносиб: қилич яланғочлабми ёки бўйнимизни эгиб, итоат қилибми?

Юзидаги қоракуя изларига қараганда, темирчига ўхшаган баланд бўйли забардаст, қора соқолли бир киши уйиб қўйилган ходалар устидан туриб, бутун майдонга эшитиларли қилиб бақириб гап бошлади:

— Бир-икки оғиз сўз айтишга рухсат беринглар! Бизларнинг оталаримиз ҳам, боболаримиз ҳам қипчоқ, қорақалпоқ ва бошқа душманлар олдида бўйин эгган эмас, қилич ва ойболталар билан уларни ҳайдаб юборган. Шундай оталарнинг болалари бўлган бизлар ёввойи татарларга бўйин эгармидик? Улар экинларимизни пой-мол қилиб ташлайди, боғларимизни кесиб гулхан қиладди, уйларимизга ўт қўйиб, хотин ва болаларимизни асир қилиб олиб кетади. Бизнинг нажот йўлимиз фақат битта: эркимиз учун, ватанимиз учун ва ҳаққоний православ динимиз учун жонимизни аямай урушиш! Оталаримиз ва боболаримиз ёвларни қандай қарши олган бўлсалар, бизлар ҳам худди шундай қарши оламиз. Киевни қўлдан бермаймиз! Биттамиз қолгунча олишаверамиз, хотинларимиз ҳам, болаларимиз ҳам бизнинг сафимизда туриб урушадилар. Жонажон еримизни бермаймиз!

Кенгаш аҳли қаттиқ шовқин-сурон солди, ҳамма ёқдан:

— Рус ерини ҳимоя қиламиз! Қўлларингизга қилич ва болталарингизни олинглар!— деган овозлар эшитилди.

Сардор қўлини кўтарди. Жарчилар бақириб:

— Жим туRINGлар, киев аҳли! Гапга қулоқ солин-лар!— дейишди.

— Киев аҳолиси, ҳамма уйларини бекитиб, қўрғон тепасига чиқсин. Ҳар бир кўча ўзининг сарбозларини тўпласин, бу тўпларга ўша кўчаларнинг оқсоқоллари бошчилик қилсин.

Дмитро баланд овоз билан гапириб, ўз сўзини шу гаплар билан тугатди:

— Киев аҳли! Бизларнинг неварачевараларимиз Киевда ўз бобо ва бобожалонларининг золим душманга бош эгмай, сўнгги томчи қонлари қолгунча урушганларини эслаб гапириб юрадиган бўладилар. Шу билан бирга, бизнинг авлодларимиз, бизларни муҳаббат ва ҳурмат билан эслайдиган бўладилар ҳамда ўз ҳаётини фидо қилиб, ватанини қандай ҳимоя қилиш кераклигини бизлардан ўрганадилар.

Ҳар ер-ҳар ердан бақирган овозлар эшитилди:

— Жонажон еримиз учун курашамиз! Хотин, болаларимизни ҳимоя қиламиз! Улсак ҳам Киевни қўлдан бермаймиз!

Шу соатдан бошлаб бутун киевликлар ҳормай-тол-

май ўз шаҳарларини мудофаага тайёрлай бошладилар: кеча-кундуз улар қўрғоннинг нураган жойларини мустаҳкамлаб, кўчаларга хода ва тошларни кўндаланг уйиб тўсиқ ясадилар. Қўрғон тепаларига сув ва қорамой қайнатиш учун катта дош қозонлар олиб келиб қўйилди.

Шунингдек атроф қишлоқлардан ҳам кишилар Киев қўрғонини паноҳ тортиб келишди, бу билан ҳам кўнгилли аскарлар сони анча кўпайди. Мудофаачилар топган нарсалари билан қуролланди. Қурол ясовчи ва темирчи усталар уруш аслаҳалари: қилич ва қалқонларни, айри найза, ойболта, ўқ тайёрларди, кўча оқсоқоллари эса ясалган қуролларни бутун шаҳар аҳолисига улашиб берди.

Тўртинчи боб

БОТУХОН ЧОДИРИ ИЁНИДА

Ботухон сафар чодирини дастлаб Днепрнинг чап тарафи, шарқий қирғоғига тикиб, дарёнинг қаттиқ музлашини кутиб ётди.

Бир куни эрталаб Ботухон йўлбарс терисидан тикилган пўстинига ўралиб ўз чодирининг олдида катта қурама пўстак устида ўтирарди. Унинг теварагида катта баҳодирлар тошдек қотиб туришарди. Улар, мўғул суворийларининг туёнига парча-парча кигиз боғланган отларда қарши қирғоққа яқинлашганларини ва қўрғон тепасида уймалашиб турган шаҳар мудофаачиларини ўққа тутганларини томошча қилишди. Илғор татар аскарларининг яқинлашганини кўриб, рус пиёда аскарлари ҳам бир оз илгари силжишди, отлиқлар эса ёвга қарши дадил от қўйишди. Муз устида шиддатли жанг бошланди. Киевликлар қисқа найза, ялтираб турган тўғри қилич ёки узун сопли болталари билан ўзлари томон бостириб келаётган татар сувориларини даф қилиб, қаҳрамонона олишди.

Ботухон, шаҳарни муҳосара қилишда тажрибакор бўлган маслаҳатчиси Субутой баҳодирдан шаҳар қамалини энди қандай давом эттириш лозимлигини сўради.

— Кўриниб турибдики, Киевда ҳам ўрисларни бўйсундириб олиш осон бўладиганга ўхшамайди!— деб жавоб берди ҳамма вақт қовоғини солиб юрадиган бир кўзли

чол.— Рязань билан Ульдемирни¹ ўрислар қаттиқ туриб мудофаа қилганлари эсингиздадир. Шаҳарнинг ҳамма ёғидан ҳужум қилиш учун қўрғоннинг орқа тарафига аскар юбориш керак. Бироқ, шаҳарга деворлардан ошиб тушишдан олдин бизлар қўрғоннинг бирор жойидан кенг рахна очишимиз лозим.

— Ошиқманг! Яқинда ўрисларнинг элчилари титраб-қақшаб келиб, тиз чўкиб шафқат сўраганини кўрасиз! Улар бизларнинг аскарларимиз қанча эканини кўрмаяпти дейсизми? Бизнинг лашкаримиз узоқдан ҳам уларнинг ўтакасини ёриб юбормагандир дейсизми?— деди мийиғида кулиб, Ботухон билан доим адоватда юрган Куюкхон.— Муқаддас мўғул қонини бекорга тўкишнинг ҳожати йўқ. Бир оз вақт шаҳарни қамал қилиб, тинкасини қуришиб олиш керак.

— Сен ҳеч вақт саркарда бўлган эмассан ва бўлолмайсан ҳам!— деб жавоб берди Ботухон қовоғини солиб, уни менсимай.— Жа, Субутой баҳодир, нега ишни кечиктиряпти бизнинг қўрғонтешар манжаниқларимиз?

— Улар ҳозир келиб қолар,— деди хитой устаси Ли Тун-по, яқин келиб.— Аммо манжаниқларни ҳозир музга тушириб бўлмайди, олдин мустақкам кўприк қуриб ўтказиш керак, бўлмаса улар оғирлик қилиб музни ўпиради-да, дарёга чўкиб кетади.

Субутой баҳодир навкарларга буюрган эди, кўп ўтмай қирғоққа мўғуллар бир тўда қипчоқ асирларини найза билан турта-турта ҳайдаб келдилар. Асирлар дарё бўйида ётган ходаларни уюмидан тушириб муз устига келтиришга ва шулардан нариги томонга йўл солишга киришди. Кечагина басавлат жийиниб юрган қипчоқлар энди жулдур кийимлар кийган ва ҳаддан ташқари қийналган, ачинарли бир ҳолда эдилар. Улар оёқларига бир парча тери танғиб олишган ва зolim хўжаларига онда-сонда қаҳр билан қараб кўйиб, индамай ишлайверарди. Чунки салгина итоатсизлик қилсалар, бошлари танларидан жудо бўлишини яхши билишарди. Ходалар муз устига, дарёнинг энига томон ётқизилиб борар, аста-секин қарши қирғоққа ёғоч йўл пайдо бўлиб борарди.

Ботухон атрофда бўлиб турган ҳамма ишларга бепарводек кўринар, ўзининг барсга ўхшаган чипор отига

¹ Ульдемир — Владимир.

ғамхўрлик қиларди. У ўрнидан турди-да, ўз чодирининг олдидаги қозикқа боғлаб қўйилган отнинг олдига келиб, унга бурда-бурда қаттиқ нон едирди, кейин отнинг ёнига ўтиб, унинг ўриб қўйилган қалин, ипакдек юмшоқ ёлини ечиб, қайта ўрди. Лекин Ботухоннинг қўли отнинг ёлида бўлса ҳам, икки кўзи атрофда бўлиб турган ишларни кузатиб турар ва қаттиқ ташвишда эканини кишилардан яширишга тиришарди.

Нариги қирғоққа татарлардан яна бир отлиқ қисм юборилди. Олдин руслар шу яқин орадаги бир ўрмондан катта бир тўп бўлиб чиқишди-да, татарлар билан қаттиқ олиша кетди, татарлар эса уларга гоҳ ҳужум қилар, гоҳ чечанлик билан ўзларини четга олиб қочарди. Русларнинг тўғри қиличлари билан мўғулларнинг сал қийғочроқ қиличларининг эрталабки барқ уриб турган қуёш нурида ялтираши аниқ кўриниб турарди.

Шаҳарнинг ҳамма ёнида, қор босган тош деворлар, ёғоч ва қамиш томларнинг устида жангнинг бошланишини кузатиб турган минглаб қуроли киевликлар қорайиб кўринарди. Шаҳарнинг жангсиз таслим бўлиши ҳақида Куюкхон энди гапирмай қолди. Чунки қизғин жанг бошлангани ҳаммага маълум бўлди.

Кўп ўтмай дарё музи устига ётқизилган холадан тош-отар ва қўрғонтешар манжаниқлардан иккитаси судраб ўтказилди. Ҳар бир манжаниққа ўнлаб ҳўкиз қўшилган бўлиб, буларнинг ёнида тўда-тўда асирлар ҳўкизларни ҳайдаб, хавфли жойларда ғилдирақларнинг тагига дастак ва тахталар қўйиб юришарди.

Ботухон дарёнинг нариги лабидан тutilган киевлик асирларни кўрмоқчи бўлганини айтди. Навкарлар шу ондаёқ жанг майдонига югуришди ва урушиб турган руе жангчиларига сиртмоқли арқон улоқтириб бир неча кишини тутишди-да, муз устидан судрашиб ўз ҳўкмдорларининг чодир томон олиб келишди.

Ботухон ўз олдида ётган русларга синчиклаб қаради. Қамчи зарби остида улар бошларини аранг кўтаришди. Дастлаб турган киши қўй тери нимпўстин кийган баланд бўйли бир жангчи эди. У гандираклар ва ёнидаги асирларнинг елкаларини ушлаб турарди. У ҳаммага ғазаб билан қўрқмай қарар ва тилмочнинг сўроқларига хуш ёқмаслик билан жавоб берарди.

— Асли қаерликсан? Касбинг нима?

— Аслим Смоленск атрофидан. Днепрда сол юргизаман.

— Агар смоленсклик бўлсанг, Киев учун бу ерда нега урушасан?

— Нега урушмас эканмай? Бу шаҳар ҳам бизларники, рус шаҳри!

Шундан кейин тилмоч асирнинг жавобларини Ботухонга айтиб берди.

— Бу ўжардан сўраб боққин-чи, Новгородга борганмикин? Новгород қўнози Искандарни билармикин?

— Новгородга борганман, у ерда анча вақт турганман, князь Александрни билмай бўладими! Унинг донги ҳамма ёққа кетган.

— Ростини гапиргин, бўлмаса каллангни олиб ташлайман: бу ерда, Киевда қанча аскар бор?

— Киевда қанча одам бўлса, шунча аскар бор. Ҳозир ҳамма қўлига болта ёки айри найза тутиб олган.

Бу жавоб Ботухоннинг жаҳлини чиқарди.

— Бу адабсиз, қайсар экан, лекин у, бирор нарса ясашни билармикин? Уни кишанлаб Ли Тун-пога беринглар. Бундайлар кишансиз қочиб кетади.

Ундан кейинги асир ёш бир хотин экан. У жуда оғир ярадор эди. Ҳамма ёғидан қон оқиб турарди. Бошини кўтаришга мадори йўқлигидан чалқанча ётарди. Уни тик турғизишнинг иложи бўлмади. Хотиннинг кенг очилиб турган катта кўзлари кўкка қараб турарди. У пастки лабини тишлаб инграмасликка ҳаракат қиларди.

— Хотин кишини нега олиб келдинглар?— деб ғазаб билан сўради Ботухон.— Ахир мен, биз билан жанг қилаётганларни олиб келинглар деб буюрган эдим-ку.

— Уларнинг ҳамма хотинлари ўз ака-ука ва эрлари билан бир сафда туриб урушяпти,— деб тушунтирди тилмоч.

— Қандай халқ-а бу!— деб пўнғиллади Ботухон ва:— Унинг бундан кейин авлодимиздан ўч оладиган ўғиллари бўлмаслиги учун ўлдириб ташланглар деб буюрди.

Днепр бўйидаги бир сайхон жойда, Ботухоннинг катта чодирига яқин яна бошқа бир чодир, чингизийлардан бўлган қариндоши — Куюкхоннинг чодирини турарди.

Куюк, қайиш тасмалари билан боғланган туя юклари

устида ўтириб Днепрнинг нариги томонига, кечагина татарларнинг кўзига осонгина қўлга кирадиган ўлжа ва афсонавий бойлик манбаи бўлиб кўриниб, кенг ёйилиб яшнаб турган кўп халқли Киевдан кўзини узмай қарарди.

Бу шонли шаҳар учун бир неча кундан бери узлуксиз жанг давом этар эди, лекин ҳамон ғалабадан дарак йўқ эди. Нўҳайхоннинг «бебошлар»и ўрмонзор тепаликни айланиб ўтиб, шаҳарнинг бир қопқасини буздида, биринчи бўлиб шаҳарга кирди, шундан кейин ўша томонда ўт қўйилган уйлардан бурқираб тутун чиқди. Бироқ иккинчи қават қўрғон деворлари олдига борганда «бебошлар»ни, ғайрат билан урушаётган киевликлар тўсиб қўйди. Шундан кейин Ботухон ўзининг илғор отрядларига бошқа бир туман аскарни ёрдамга юборишга мажбур бўлди.

Мўгул турговутлари қамчи билан савалаб ҳайдаб келаётган бир тўл рус асирлари Куюкхоннинг диққатини ўзига жалб этди. Хон ишорат билан уларни ўз ёнига чақирди.

Ҳоргин, ғамгин чехралари ва йиртилиб кетган кийимлари билан ҳайдаб келинган асирлар индамай туришди. Тилмоч Куюкхонга таъзим қилиб, тез-тез бир нарса деб шивирлади-да, унинг олдидаги гиламга бир нарсаларни сочиб юборди.

— Сенлар уста мисанлар? Бу зийнатларни сенлар ясаганми? — деб сўради Куюк.

— Хўжайинингга айтгин, бизнинг орамизда моҳир усталар йўқ, — деди бир оқсоқол, у чор қирра соқолли кексароқ киши эди.

— Ҳеч нарсани яширмай, рост гапиринглар! Куюкхон ҳазратлари бир қошиқ қонларингдан кечадилар. Сизларни Итил бўйига, Саройга юборадилар, сизлар у ерда хотиржам ётиб, Ботухонга хизмат қиласизлар, ёки ундан ҳам нарироқ буюк хоқоннинг пойтахтлари — Қорақурумга юборадилар. У ерга моҳир усталар керак. Хон сизларнинг ғайрат ва ишларингизнинг қадрига етадилар, хизматларингизга лойиқ мўл-кўл мукофот берадилар.

— Бизлар уста эмасмиз! Киев мудофаачиларимиз, бошқа ҳунаримиз йўқ! — деб бақирди кўк кўз ёш бир ўсирин.

— Уста эмас мисанлар? Ҳамманглар ҳам уста эмасми?

! Сенлардан охирги марта сўраяпмиз. Қим уста бўлса олдинга чиқсин! Бошқаларига ҳозир, шу ердаёқ ўлим жазоси берамиз!— деб вагиллади Куюк, газаб билан.

У ўз қаршисида турган русларга тикилиб қараб турди. Улар ихлос билан чўқинишиб, индамай тураверишди. Лекин ҳеч ким сафнинг олдига чиқмади.

— Улдиравер! Бугун қўлинг устин! Биз ўз ҳунари-мизни ёвга сотмаймиз!— деди асирлардан бири қатъий, бу асирнинг бўйнига қурол таққан бир мўғул шу ондаёқ арқон ташлади.

Бешинчи боб

ВАДИМНИНГ УЛИМИ

Вадим кенгашдан чиқиб тўғри Печёра монастирига, ўзининг тасвирчи устози билан хайрлашмоқ учун борди.

— Кечиринг мени, ҳазрат, мен ҳар вақт сиз билан баҳслашиб, сизга лойиқ хизмат қилолмадим, ҳаттоки қишлоқ ўтинингизни ҳам ғамлаб беролмадим!— деб қўлини ерга теккизиб таъзим қилди.

— Сен ҳам мени кечиргин, балки сени хафа қилган-дирман, бунинг устига, сенга кўп нарса ўргатолмадим,— деди-да, чол чопонининг енги билан кўзини артди.— Утин тўғрисида ўкинмасанг ҳам бўлади. Утин нима керак энди! Бош омон қолса бас! Бу ердан чиқиб қаёққа бормоқчисан?

— Олдин уйга бораман, у ердан кулол хўжайин билан бирга қўрғон устига чиқиб, ўзимга муносиб бир жой излайман.

— Наинки бизларнинг паймонамиз тўлган бўлса-я?— деб ваҳимага тушди монах.— Наинки худо ваҳший татарларнинг бу ёққа киришига йўл қўйса-я? Ахир бу чоққача Киев неча юз йиллардан бери омон келди-ку, бу ерларга кимлар келмаган, кимлар ҳужум қилмаган: печенеглар ҳам, торклар ҳам, қипчоқлар ҳам бу ерларга келиб кетган! Уларнинг ҳаммасини бобо ва бобокалонларимиз уриб қайтарганлар. Худо хоҳласа, ҳозир ҳам уриб қайтарамиз!

Чол, Вадимни дуо қилиб, унга аскарый ишда ҳам омад тилаб, жавоб берди.

Вадим билан Кондрат турадиган қамиш томли уйнинг ярми ер тагида бўлиб, уй ичи икки хонага бўлинган, бири каттароқ, иккинчиси кичикроқ эди. Думалоқ печка уйнинг кенг бурчагини олиб турарди.

Катта хона девори бўйлаб қўйилган столчалардаги ясси яшикларга чиройли ишланган идишлар солиб қўйилган эди. Улардан Вадимнинг Кондратга тақлид қилиб, унинг ҳозирги вақтда ташлаб қўйган қийин ва мураккаб ҳунарига уста бўлиб қолганлиги кўриниб турарди. Столлардан бирининг устида крестлар, зирак, узук ва бошқа металл зийнатларни қўйиш учун сланецдан қилинган ҳар хил қолиплар ётарди. Уша ерда ичига бўёқ солинган жуда кўп кичкина-кичкина сопол идишлар ҳам бор эди.

Вадим келганда Кондрат қизгин иш устида эди. Вадим унга кенгашда бўлган гапларни сўзлаб берди. Узур ҳаяжон билан тинглади.

— Нега бундай бўлди? Бизлар гаму кулфатдан хабарсиз маишат кечириб турган эдик, энди бирданига ҳамма нарса алғоқ-далғоқ бўлиб кетди! Демакки «қўрғонга чиқинглар!» деб ҳаммани чақириваётган бўлса, ишни йиғиштиришга тўғри келар экан-да. Хўп, майли, бекиниб ўтирмаймиз! Эл билан бирга биз ҳам борамиз, уйда фақат кекса мушук Мошхон қолади.

Уста ўчоқдаги ўтни ўчирди. Қолипларнинг устига латта ёпди. Кейин қўшнилари билан гаплашиш учун кўчага чиқди. Вадим стол ёнида узоқ ўтирди, лекин иш тўғрисида ҳеч бир ўйламади.

Кечаси икковлари ҳам анча вақтгача ухлолмай ётишди, ҳадеб у ёққа-бу ёққа ағдарилишар, Кондрат оҳ-воҳ қилиб, чуқур нафас олар эди.

Эртаси куни эрталаб уста тоза кўйлак кийди, нон солинган халтани қўлига олди, бир болтани олиб ўз белига қистирди-да, иккинчисини Вадимга берди, икковлари бошлашиб уйдан чиқишди. Кондрат эшикка қулф солди, эшик орқасидан мушужнинг тирмалагани ва миёвлагани эшитилиб қолди.

Қўшни ҳовли эшигида Смиренка ва Софьяца турарди.

— Юринглар сизлар ҳам биз билан! Буйруқ ҳаммага битта. Фақат бир кўза сув, яраларни боғлаш учун тоза латта ола боринглар.

— Ўзимиз ҳам шундай қилмоқчи бўлиб турган эдик. Фақат бувимиз келган заҳоти борамиз.

Татарлар шаҳарни ҳамма ёқдан ўраб олишди. Киевликларнинг ҳаммаси кўчаларга чиқиб кетди. Юқорига, қўрғон тепасига жуда кўп одам тўпланди. Ҳамма, пас-да нима бўлаётганини диққат билан кузатиб турди. Подолдаги аҳоли шаҳарнинг юқори қисмига кўчиб чиқди.

Вадим билан Қондрат эндигина қўрғон деворига чиқишган эдики, бир неча узун-узун татар ўқи учиб келиб уларнинг ёнида қорга қадалди. Орқа тарафдан одамлар:

— Бекининглар! Бекининглар!— деб бақирди.

Қимдир биров зорланиб:

— Малъун, елкага қадалди-я!— деди.

Вадим тикилиб узоққа қарайверди. У шаҳарнинг тепалик қисмини қуршаб турган ички девор устида эди. Ҳамма ёқда одамлар қорайиб кўринар, улар жуда кўп: эркаклар, хотинлар ва ўспиринлардан иборат эди. Пастда эса қор босиб музлаб ётган Днепр ёйилиб ётарди.

— Ана у ёққа, дарёнинг нариги тарафига қара!— деб пичирлади Қондрат.— Ахир улар татарлар-ку, қоп-қора булутдек-а!

Дарҳақиқат, дарёнинг нариги қирғоғига қараш ҳам ваҳимали эди: у ёқда татарлар жуда катта куч тўплаган эди. Сон-саноқсиз гулханлардан тутун чиқар, туяларнинг бўкириши, отларнинг кишнаши ва даҳшатли қўшиннинг ғичирлайдиган жуда кўп араваларининг нари-бери юришидан чиққан бўғиқ овозлар эшитилиб турар, булар ҳар тарафга чопишиб юрган сувориларнинг ҳайқириси, ҳуштак чалиши ва бўғиқ овоз билан бақиршишларига аралашиб кетиб, кўнгилга ваҳима соларди.

Улар жуда кўп эди, шаҳар мудофаачиларига қараганда кўп марта ортиқ эди, шунингдек узоқ уфқдаги қора нуқта бўлиб кўринганлар, ҳали мўғул аскарларининг ҳамон келиб турганидан ва ҳали охири келиб етмаганидан дарак берарди.

Вадим югурганича уйга борди. Очиқиб, ориқлаб кетган ит қувониб унга қарши югурди.

— Энди сени боқадиган ҳам киши йўқ!— деб Вадим унинг бароқ жузли бошини силади.

У девордан қараб қўшни қизларни кўрди. Қизлар бир-бирларига навбат бермай ундан қўрғон тепасида нималар бўлаётганини суриштира бошладилар. Чунки татарлар тўғрисидаги гаплардан шаҳарда ҳукм сураётган шовқин, тўполон ва ташвишлардан қўрқиб қизлар уйдан ҳеч нари кетгилари келмаган, бунинг устига, кампир ҳали ҳам уйга қайтмаган эди.

— Эҳтимол у, биз йўқлигимизда келиб қолар! Уйни ёлғиз ташлаб кетибсизлар деб уришар,— дейишди қизлар.

Кампир кеча энг сўнгги тешик кулчаларини, одатда гидек сотишга эмас, қўрғон тепасидаги мудофаачиларга бериш учун олиб келган ва шу ерда, татар мерганлари отган ўқдан ҳалок бўлган эди. Вадим кампирнинг кеча ҳалок бўлганини билган бўлса ҳам, қўшни қизларга ҳеч нарса демади.

Кейин Вадим ўз ертўласига тушди. Ҳозирча бу ер ҳамон ҳар вақтдагидек тинч эди. Мана, у ҳар доим ўтириб ишлайдиган стол, унинг устида қуйиб қўйилган крестчалар, зирак ва билагузуклар, ҳар хил зийнатлар ясайдиган бир тўп мўлдираб турган ялтироқ қаҳрабо. Кичкина кувачада ҳар хил рангдаги буюқлар бир вақтлари унга қанчадан-қанча қувончлар бахш этарди.

Вадим қотиб қолган нондан бир бурда синдириб олди-да, ярмини итга берди, ярмини тоза бир латтага ўраб қўйнига тикди. Қолганини ерда турган катта бир сопол хумга солиб қўйди. Мушукни чақирган эди, у ҳовлига чиқиб кетган бўлса керак, келмади. Шундан кейин Вадим ўз уйига сўнгги марта ғамгин қараб-қараб қўйди-да, эшикка қулф солди. Ўз эшиклари олдида турган қўшни қизларга қўлини силкитиб хайрлашди ва тез-тез юриб шовқин-сурон эшитилиб турган томонга жўнади. Шу вақт ғалати бир овоз: бир маромда кетма-кет залвор билан урилишдан келган садо Вадимни тамом ҳайратга солди. Бу — мўғуш мажжаниқларининг вайронгарчилик ишларини бошлагани эди.

Сардор Дмитронинг буйруғига мувофиқ, шаҳар қўрғонининг ҳамма ёғига тарқалган киевликлар душманининг асосий зарбаси қаердан бўлишини олдиндан билолмай қолган эдилар.

Шу орада кимдир ваҳимали бир овоз билан:
— Татарлар шаҳарга кирди!— деб бақирди.

Дарҳақиқат, мўғуллар катта манжаниқларни ишга солиб, қаттиқ ҳаракат билан шаҳарнинг Лядский қопқасини бузишга муваффақ бўлган эдилар. Шундан кейин душман суворийлари шаҳарнинг катта кўчасига тошқиндек босиб кирди ва ўзларидан ҳам, руслардан ҳам ўлган жангчиларнинг жасадлари устидан юриб, олға силжийверди. Ҳамма кўчаларда шиддатли жанг бошланиб кетди. Вадим ўзини тўполоннинг ўртасига урди, шу ерда душманлар ўраб олган Кондратни кўриб қолди. Кондрат ўзига қарши бостириб келаётган душманни болта билан даф қиларди. Бировни ўлдириш бугунгача ҳаёлига ҳам келмаган ювош Вадим, ўз дўстини қўриқлаб, душман отининг бошига кучли зарба уриб эди, от эгаси билан ерга қулади. Қутилмаган тўсқинликка йўлиққан иккинчи мўғулнинг ҳам оти қулади-да, Кондрат душман қуршовидан қутулиб чиқди. Шундан кейин Вадимга бир нарса деб бақирди, аммо Вадим олағовурда англолмай қолди.

Қутилмаганда яқин бир кўчадан яна бир мўғул тўдаси чиқиб ҳойҳой-сурон билан тўппа-тўғри Вадимга томон отилди. Вадим ўз қаршисига келиб қолган сержун от тумшукларини, ялтираб турган қиличларнинг серпилишини ва қоп-қора сузук кўзли башараларни кўрди. У ўзини бир томонга олиб қолди-да, орқасини бир дарахтга суяб сиқилиб тураверди. У, суворилардан дубулғаси офтобда ялтираб турган биттасининг кимнингдир найзаси кўксига қадалиб бирдан эгардан қулаганини кўриб қолди. Узангига оёғи илиниб қолган сувориши, узун ёлли асов от ҳуркиб қорда судраб чопиб кетди. Вадим сакраб чиқиб қиличини ҳавога кўтарди, бироқ шу вақт тўсатдан бировнинг бақувват қўли орқасидан келиб бўйнидан бўғиб олганини сезиб қолди, нафаси томоғини куйдириб кетгандай бўлди. Вадим бир интилиб, темирдек мустаҳкам қучоқдан сирғилиб чиқди-да, қиличининг сопи билан мўғулнинг бошига бир солди. Мўғул йиқилиб тушди-ю, Вадимни ҳам судраб йиқитди. Лекин Вадим сакраб ўрнидан туриб душманга яна ҳамла қилай деб турганда, қаёқдандир душманнинг узун бир ўқи келиб унинг кўкрагига қадалди-да, қулаб тушди. Бир неча сувори унинг устидан чопиб ўтиб кетди. Шундан кейин унга гўё ҳамма ёқ жимжит бўлиб қолгандек туюлди. Энди у секин-секин ҳушидан кета бошлади. У ўз устида фақат кўзни қамаштирадиган ёруғ, кўм-кўк

осмонни кўрарди. Осмонми? Йўқ! Бу жуда яқин, шундай таниш, шундай севимли кўм-кўк кўз унинг устига яқинлашиб келарди...

Атроф ловиллаб ёнмоқда эди.

Мўғуллар Вадим турган кўчага етиб борганда, унинг қўшнилари Софьяца билан Смиренкалар жуда қўрқиб кетиб, уйга яшириниб олишди.

Шунда биров эшикни бесўнақай тақиллата бошлади, кўчада вағир-вуғур олишув эшитилди.

— Вой, бекинсак бўларди, қаёққа ҳам бекинамиз?

— Печканинг ичига кириб кетамиз, Смиренка, у бугун ёқилгани йўқ-ку. Шунга бекинайлик. Бизни у ердан излаш ҳеч кимнинг эсига келмайди.

Шундан кейин қизлар печка ичига кириб олишди ва бир-бирларига сиқилиб, энди нима бўларкан, деб ётишди.

Улар сиртдан келаётган шовқиннинг кучайиб бораётганига ва борган сари баттароқ келаётган жизгинак ҳидига аҳамият беришмади, фақат, бизни зolim татарлар топиб олмаса эди, деб ётишаверди.

Шу вақтда кўчадан чопиб ўтаётган бир неча мўғул суворилари, бир ертўланинг эшигига қулф солинмаганини кўриб қолишди. Иккитаси отидан сакраб тушиб, отларини четан деворга боғлади-да, ўзини эшикка урди. Эшик орқасидан беркитилган экан. Иккови зўр бериб уришиб, ниҳоят эшикнинг турмини бузди.

Мўғуллар ичкари кириб ертўлада ҳеч ким йўқлигига ҳайрон бўлиб, икки дераза ўртасида, девор тагида турган катта сандиқни кўриб қолишди. Сандиқнинг қулфини бузиб, унинг ичидаги нарсаларни тез-тез ерга олиб ташлашди. Булар хотинларнинг зебу зийнати, пўстин, каноп кўйлак ва бошқа нарсалар эди.

Бу икки ваҳшийнинг очкўзлиги тутди. Ўзларига ёққан нарсани бир-бирларининг қўлидан юлқиб ола бошлади ва улар талаш, жанжалга берилиб кетиб, тепадан ёниб тушган ёғоч ва тахталарнинг томдаги похолга тегиб ҳамма ёқни ўт олганини билмай қолишди.

Ниҳоят, мўғуллар талаб олган нарсаларини бўғжама қилиб тугиб, эшик томон юриб ҳам эдики, ёниб турган том қулади ва саҳройи йиртқичларни ҳам, печкага бекинган қизларни ҳам босиб қолди.

Ерда ётган Кондратнинг қулоғига черковнинг хори,

хотинларнинг айтиб йиғлагани эшитилгандек бўлди... Йўқ! Бу бўроннинг гувиллагани бўлса керак. Қондрат секин-секин ўзига кела бошлади. Чаккаси лўқиллади. Ёки уни биров тортқилаб, туртяптими?

— Қондрат тоға! Қондрат тоға! Эшитяпсизми? Қўзингизни очинг, туринг! Ё раббим! Нима қилсам экан сизни? Агар ташлаб кетиб қолсам, татарлар сизни бурда-бурда қилиб ташлайди.

Қондрат ўзига келди. Унинг тепасида ёш бир чеҳра энгашиб турарди.

— Мени танимаяпсизми? Ахир мен ўз жиянингиз Любашаман-ку. Мен сизга бир от олиб келдим.

Қондратнинг қўли ва боши шундай қаттиқ оғриб турардики, асло тоқат қилиб бўлмасди. Аммо нима қилиб бўлса ҳам туриш керак ва омон қолган киевликлар кетган тарафга жўнаш керак. У эркакча чопон ва телпак кийиб олган ўз жиянини аранг таниди.

— Ҳушингизга келдингизми? Жуда яхши бўлди! Демак, ҳали узоқ яшар экансиз. Мен сизга яхши бир от олиб келдим. Татарлар бизга яқин жойдан тўп-тўп бўлиб ўтиб кетишяпти, улар Десатинний ибодатхонаси қаршисидаги майдонга томон кетишаётгани кўриниб турибди. Уларнинг бир оти эгасини бир ерда йўқотиб, адашиб юрган экан. Қараб турсам, от бориб бир дарахтга тизгинидан илиниб қолди. Мен ҳам югуриб бориб уни тутиб ола қолдим.

— От ўзингга керак бўлар. Уни миниб олиб жонинг борича бир ёққа қочиб ол. Бу ерда нималар бўлаётганини қара!

— Олинг, Қондрат тоға, олинг! Мен ўзимга бошқасини топиб оламан. Ҳозир эгасиз қолган отлар Киевда жуда кўп. Мен урушнинг охиригача шаҳардан кетмайман. Бошқа ҳаммага ўхшаб мен ҳам мана бу билан жанг қилавераман,— деб қиз белига қистириб олган кичикроқ болтани кўрсатди Қондратга.

Қиз Қондратни отга минишига ёрдам берди. Бу ердан тезроқ кетиш керак эди. Атрофда уйлар ёниб, аланга осмонга, қиздирилган темирдек қип-қизил булутларга ўрларди. Ловиллаб ёниб турган ёғоч ва тахталар ҳавода лапанглаб учар, бурқираган тутун юқори ўрларди.

Любаша олиб келган от бошқачароқ бўлиб, сержун, эгари ҳам ғалати, русча эмас эди. От пишқириб қулоқларини чимираб ва тишламоқчи бўларди.

— Тезроқ! Тезроқ жүнанг!— деб шоширди қиз.—
Ахир ваҳший татарлар бу ерга яна келиб қолиши мум-
кин. Хайр, Кондрат тоға!— деди-да, Любаша ғира-
шира қоронғиликка кириб ғойиб бўлди.

Кондрат ҳар нафасда татарларга дуч келиб қолиши-
ни ўйлаб, тор кўчалардан тез-тез чопиб ўтарди.

. ! ! !
. ! ! !

Туринглар рус халқи, қалқинг оёққа!
Ухламанг асло, ухламанг Киевда,
Пўлат қиличларни чархлаб қайрангиз,
Найза ва ўқларни тоблағиз ўтда!
Келиб қолди ёвуз, маккор татарлар,
Ҳийлакор, шафқатсиз мўғуллар, ёвлар.
Суяклардан бизнинг, сарой солмоқ-чун
Ерларига қобирғамиз ёймоқ-дун.
Рус қўлидан, унинг оппоқ танидан
Саройига ёвнинг тахт қурмоқ учун....

Қўшиқ фиғон чеккандек мунгли эшитиларди. Уни
Кондратнинг шаҳар қўрғони устида ишлаётган жияни
Любаша айтмоқда эди, қўрғон устида Любаша киевлик
бошқа хотинлар билан бирга новдалардан катта-катта
саватлар тўқишар, уларни шу ернинг ўзидаёқ қум ва
тупроқ билан тўлдириб, қўрғоннинг қулаган жойлари-
ни — рахналарини тузатишар эди.

Мана шу оғир кунларда Киевда ҳар кимга ҳам иш,
энг муҳим ва зарур иш топиларди. Болалар тош ташир,
новдаси сўлқилдоқ шохлар олиб келар, чоллар қорамой
қиздириб, сув қайнатарди, қўлига қилич, найза ёки садоқ
ва ичида учи тобланган ўқлари бор ўқдон, ҳеч бўлмаса,
оддийгина болта кўтаришга қурби етадиганларнинг
ҳаммаси ўзларига тайин қилинган жойларида турар ва
уларни бу жойдан фақат ажалгина тушишга мажбур қи-
ла оларди.

Лекин кундан-кунга бу қаҳрамон мудофаачиларнинг
сафлари сийраклашиб, камайиб қолди. Татарлар қамал-
дагиларга ўқни ёмғирдек ёғдириб турди ва ниҳоят, ша-
ҳарга босиб кирганда шунчалик кўпайиб кетишдики,
отлиқлари учраган нарсани босиб-янчиб кетди. Душман
шаҳарни ўз баҳодирларининг қаҳрамонлиги, кучи ёки
жасорати билан эмас, ўз аскарларининг беҳисоблиги
билан, шаҳар мудофаачиларининг кўпчилиги аскар

бўлмай, оддий ҳунарманд ёки илгари қўлига қурол ушламаган ҳар бир рус кишисига қарши учтадан-тўрттадан тўғри келган тажрибакор татар аскарларининг кўплиги билан олди.

Шундай бўлса ҳам, ҳеч ким улардан раҳму шафқат сўрамади, ҳар ким урушнинг охиригача чидаш учун, ўзининг яхши номини ожизлик билан маломатга қўймаслик учун худодан куч ва сабр-тоқат ато қилишини сўрарди. Душман уларни янчиб ташлашини ҳамма биларди, шундай бўлса ҳам ҳеч ким таслим бўлмади.

Кўп кўчалар сўнгги олишувда душман билан аралашиб кетган жасадлар билан тўла эди, душман ҳалқаси борган сари торайиб, қочадиган жой қолмади, шундай бўлса ҳам кишилар душманнинг шунчалик кўп талафот бераётганини, шаҳарга бостириб кирган мўғулларга ёрдамга юборилган тўда-тўда душман аскарларининг биронтаси ҳам қайтиб кетолмаганини кўриб қувонишарди. Қамалдагилар сўнгги дамгача қўлларига нима тушса шу билан душманини қириб, ўз жонларини осонликча бермадилар.

Олтинчи боб

КИЕВНИНГ СЎНГГИ ДАМЛАРИ

Шаҳарда жанг жуда қизиқ турганда Ботухон черковлардан бирининг қўнғироқхонасига чиқиб, бўлаётган воқеаларни кўздан кечириб, чопарларга ҳам шу ердан буйруқ бериб турди.

Мўғуллар қаттиқ қийинчиликлар билан бўлса-да, аста-секин тош ва хода уюмларидан ўтиб, сўнгги даҳшатли жанг бўлаётган қадимий бир ибодатхона олдидаги майдонга етиб келишди.

Ботухон отини чоптириб шу майдонга келганда, ўлган ва ярадор бўлган аскарларнинг жасадлари ҳамда хириллаб, типирчилаб ётган отларнинг тўда-тўда бўлиб ётганини кўрди. Десатинний черковининг баланд эшиклари олдида жанг тамом бўлай деб қолди. Ҳаттоки черковнинг томида ҳам татарларга тош ва ўқ отаётган кўп кишилар турарди.

Яхши совутлар кийган ёши улўғроқ басавлат бир жангчини Ботухонга кўрсатишди. Унинг қилич кесиби

жетган дубулғаси тагидан чиқаётган қон юзига оқиб тушмоқда эди. Бу киши ибодатхона девбрига суялиб турар, оғзини катта очиб, қийналиб оғир нафас оларди.

— Бу зўр баҳодир — шу ердаги аскарларнинг энг улуғ бошлиғи Дмитро экан, — деб тушунтирди тилмоч Ботухонга. — Унинг ишини бартараф қилиш учун навкарлар сизнинг буйруғингизни кутиб туришибди.

— Улигининг менга кераги йўқ. Уни тирик тутиб, шикастлантирмай чодиримга олиб боришсин. Мен у билан гаплашмоқчиман.

Эпчиллик билан улоқтирилган сиртмоқ мажруҳ сардорни сириб олди-да, уни ерга йиқитди. Татарлар Дмитрони боғлаб, отга ўнгаришди-да, арқон билан чандиб, олиб кетишди.

Олтин гумбазли чиройли ғиштин ибодатхонанинг ичи шаҳардаги атоқли кишиларнинг хотин ва болалари билан лиқ тўлган эди, улар бу жойни ўзларига энг сўнги паноҳ деб топган эдилар. Булардан ташқари бу ерга уларнинг қимматбаҳо буюмлари, мўйналар ва кийимлар ҳам келтирилган эди, ҳар бир жангчиси Киевни олгандан кейин битмас-туганмас бойликка эга бўлишни орзу қилиб юрган очкўз, ваҳший мўғул аскарлари мана шу нарсаларни қўлга тушириб олишдан жуда умидвор эди.

Ибодатхонанинг ичи қоронғироқ бўлиб, дим эди, теваракдан дуо ўқиган, оҳ-воҳ овозлари эшитиларди, баъзилари баланд овоз билан дуо ўқиб, бирон муъжиза билан қутулиб қолишни умид қиларди. Болалар тинмай йиғлашарди.

Бир неча киши уч-тўрт кундан бери ўра кавлар, улар ибодатхонадан тепаликнинг нариги ён бағрига чиқиб олмоқчи ва кечаси қоронғиликдан фойдаланиб яқин орадаги ўрмонлардан бирига кириб кетмоқчи бўлдилар.

Қазилган тупроқни ўрадан юқорига ёғоч пақирларда узун арқон билан тортиб олишарди. Ўра энди анча чуқур бўлиб қолди. Кишиларда қутулиб кетиш умиди туғилди. Улар муҳосирачиларга эшикни очиб бермасликка қатъий қарор қилишди.

Бироқ бундан ортиқ кутишга мўғулларнинг тоқати қолмади, чунки атрофда ёниб турган ўт тобора кучайиб борар, бунинг устига тутуш, ўт ва ҳар ер-ҳар ердан ёниб тушаётган тахта ва ёғочларнинг алангаси орасида туриш қийин бўлиб қолган эди.

Шундан кейин Ботухон ғазаб билан буйруқ берди:
— Ибодатхонанинг ғиштин деворини бузинглар!

Шу орада дарров қўрғонтешар манжаниқни судраб келишди. Тажрибали навкарлар уни ибодатхона деворларидан бирининг қаршисига ўрнатди ва учуда темир қалпоғи бор оғир ходаларни силтаб туриб, зўр бериб деворга ураверди, ҳали девор тешилгани ҳам йўқ эдики, чиройли бино бирдан кулаб тушди-да, ичига бекинган кишиларни мол-дунёси билан босиб кўмиб ташлади. Шундай қилиб, мўғуллар бу ернинг ҳеч нарсасидан фойдалана олмадилар.

Майдонда ортиқ туриш мумкин бўлмай қолди, чунки атрофдаги уйлар ёнмоқда эди. Ботухон ўз мулозимлари билан ўт ҳалқасидан аранг ўтиб, жўнаб қолди.

Татар ҳукмдорининг буйруғи бажо келтирилди: Днепрнинг чап қирғоғидаги унинг сафар чодирига навкарлар оёқ-қўли боғланган сардор Дмитрони олиб келишди.

Сарой тарихчиси Ҳожи Раҳим, табиб Тақводор Дуда билан бирга мажруҳнинг яраларини ювиб, шифоли ўтлар билан қонини тўхтатишга ҳаракат қилиб, боғлашди. Дмитро мардонавор чидаб турди ва бир марта ҳам ихрамади. Кейин унинг олдига Ботухон келди. У мажруҳ жангчига узоқ тикилиб, гўё уни таниб олмоқчи бўлгандек, қараб турди ва бир нарсаларни ўйлаб туриб, кейин салмоқлаб гапирди:

— Сен чинакам баҳодир экансан. Менга хизмат қиладиган бўлсанг, мен сени ўз аскарларим қаторига жон деб оламан.

Сардор индамади.

— Менга нима маслаҳат берасан, аскарларим шу ерда, ўрисларнинг ерида қолгани дурустми ёки ҳозирда ноқ «мағриб мамлакатлари»ни бўйсундириш учун олдинга юравергани маъқулми? Тўғри сўз учун мен ҳеч кимни жазоламайман, ҳатто мукофот бераман. Рост гапириб жавоб бергин менга.

Дмитро қийналиб гапирди:

— Татарларнинг бу ерда қолишидан фойда йўқ. Рус ерларини сен ўз қўл остингга киритиб олдинг. Киев шаҳари ёниб кетди. Унда омон қолган бир уй, яраланмаган бир одам қолмади. Сен жангни яхши кўрасан, янги ғолибиятларни ва янги бой шаҳарларни қўлга киритиб олишни истайсан. Бошқа ерларни қўл остингга олиш

учун тезроқ олдинга юргин. Ахир барибир ўзинг ҳам бу ерда қолмайсан-ку.

Дмитро салмоқлаб гапирди, гап орасида у қақраб ёрилиб кетган лабларини ялаб ҳўллаб турди.

Ботухон унга гумонсираб қаради ва Субутой баҳодирга бурилиб, секингина:

— Менимча у, ўз ерини аскарларимнинг талон-торож қилишидан тезроқ қутқариш учун менга бу ердан тезроқ олдинга юришни маслаҳат берапти,— деди, кейин сардорга бурилиб яна савол ташлади.

— Отларимиз учун энг яхши ем-хашакни қаердан, қайси мамлакатдан топа оламан?

— Албатта, кенг можор даштларидан топасан.

— Сен ҳам мен билан бирга борасан,— деди Ботухон,— йўлда менга маслаҳатгўй бўласан.

— Мен сенга яхши маслаҳатгўй бўлолмайман, менинг умрим жуда оз қолди,— деб жавоб берди Дмитро бепарволик билан.— Яқинда мен ўламан ва сенга ҳам шуни тилайман!

Ботухон титраб кетди. Атрофдагилар бир-бирларига қараб олишди. Худди шу вақт энтика-энтика икки татар юзбошиси югуриб келди-да, Ботухонни қўлтиғидан кўтариб ола жўнади ва дарров уни отига ҳам миндириб:

— Буюк жаҳонгир ҳазратлари! Бу ерлар қарғиш теккан ерлар экан! Киевда бизнинг қиладиган ҳеч бир ишимиз қолмади. Энди бу ердан кетишимиз керак,— деди.

Ботухоннинг кетида Киевдан кета туриб Куюкхон ўз яқин кишиларидан бирига секингина деди:

— Абадий кўк осмон — буюк тангри бу ерда фақат Ботухон учунгина эмас, шу билан бирга, менга ҳам ҳеч бир марҳамат кўрсатгани йўқ, жаҳонгир Киевни қамал қилиш учун ўз аскарини юборган вақтда, туман-туман аскар бирин-кетин шу ёққа бораверди-ю, аммо биронтаси ҳам орқасига қайтиб келмади, шундан кейин мен Сайинхонга бундай дедим: «Буюк жаҳонгир ҳазратлари! Уруш тангриси Сулда ғолибиятни фақат шижоатли шонли кишиларга беради. Шўнинг учун ўз туманингиз — ғолибларни бошлаб бу бўйсунмас шаҳарга ўзингиз борсангиз яхши бўлмасмикин? Фақат сизнинг яқинлашиб боришингиз билан шаҳар дарвозалари очилиб кетади ва бизнинг аскарларимизда афсонавий қаҳрамонлардек

янги куч пайдо бўлади». Шунда у менга қаради-да, индамай қўя қолди, лекин мен берган маслаҳатга амал қилмади. Аттанг! Агар ўшанда у менинг сўзимга кириб жангнинг нақ ўртасига кириб қолса, тангрининг инояти билан у ҳам қайтиб келмас эди ва у вақтда мана шу бемаъни сафарларга ҳам хотима берилар эди.

— Агар ўшанда аскарнинг ўзи орқага эмас, нима бўлса ҳам олдинга юришни хоҳлаб қолса-чи? Унда нима бўларди?— деб сўради суҳбатдоши.

— У вақтда шижоатда ундан қолишмайдиган биров Ботухоннинг ўрнини эгаллаб, қўшинларимизнинг раҳбари бўлиб оларди...

— Мана шу одам сиз бўлардингиз-да!

— Тис! Тис! Жим! Деворнинг ҳам қулоғи бор.

Еттинчи боб

БАҒДОД ХАЛИФАСИГА МАКТУБ

Музлаб қор босган кенг Днепрнинг Киев қаршисидаги қиргоғида ўрнашган Абдурахмоннинг кўчма кигиз уйида яллиғлаб ётган гулхан олдида Тақводор Дуда чўкка тушиб ўтириб қамиш қалам билан ингичка узун қоғозга сўнгги сатрларни ёзмоқда эди. У чуқур нафас олди-да, пичирлаб «алҳамдулиллоҳ!» деб қўйди, шундан кейин у яқинроқда ўтирган ўзининг ёш хўжайинига савол назари ташлади.

— Мактубни тугатдингизми?— деб сўради Абдурахмон қипчоқча кенг қўй тери пўстинга ўралиб ўтириб.

— Сиз айтган гапларнинг ҳаммасини ёздим,— деб жавоб берди Дуда.— Ўқиб берайми?

— Ўқинг, донишманд устоз.

Дуда хатни қўлига олиб секин ва худди қуръон ўқиётгандек қироат билан ўқий бошлади:

«Бисмиллоҳ! Ҳақиқат ҳомийси, сахийлик хазинаси, эҳсонлар манбаи, мўъминлар жамоасининг доҳийси, тақводорлар тақводори, донишманд халифайи Бағдод Мустансир ҳазратларига, илоҳий сизни ҳамиша ҳамрўз жаноби ҳақ ўз паноҳида сақлаб, шону шавкатингизни оширсин, аскарларингизнинг сафлари устида ҳилпираб

турган туғларнинг сони кўпайсин, ҳузурингизга келадиган элчиларнинг сони кундан-кунга ортиб борсин! Татар самовий Кўк ўрдасини даҳшатли ҳукмдори Ботухон ҳузурига жанобингиз элчи қилиб юборган садоқатли ва фидокор хизматкорингиз, асов отларни ўргатувчи лақабли Абдурахмон сизга бепоён қорли даштлардан туриб ўзининг самимий қалбидан энг оташин саломларини йўллайди.

Бу галги хатимни йўллаш билан бирга, қалбимнинг ғамгин фиғонлари бўлган бу мактубни олиб бораётган садоқатли чопарларга тоғу дарёлардан, чўлу биёбонлардан ўтиб борадиган мана шу узоқ хатарли йўлларда Хизиру Илёларнинг ҳамроҳ бўлиб муҳофизат қилиб боришларини умид қиламан.

Сўнгра маълум бўлғайким, мен фақир, ўрисларнинг Киев деган ажойиб гўзал, обод шаҳарларининг муҳосираси қандай бўлганини жуда диққат билан кузатиб турдим, мана шу ҳақда ҳаққоният ҳомийси бўлган жанобингизга маълумот бермоқчиман.

Бир неча тепа устига қурилган бу шаҳар уч қават қўрғон билан ўралган экан. Татарлар иккита қўрғонтешир ва битта тошотар манжаниқ билан бир дарвозани бузишга муваффақ бўлдилар, шундан кейин татар отлиқлари тўсиб бўлмайдиган тошқиндек Киевга бостириб кирди. Энг кучли биринчи зарбалар бир неча дарвозаларга берилди, бу дарвозалардан боярларнинг уйлари, дўконлари, энг табаррук саналган ибодатхоналар ва бутун Киев ерлари князининг саройи жойлашган тепаликка борадиган йўллар бошланарди. Қаттиқ жанг қилаётган шаҳарликларнинг орасини ёриб ўтиб, бошқа мўғул отрядларининг олдида кетаётган Иесун Нўҳайнинг отлиқ «бебошлар»и ҳам мана шу йўлдан борди.

Мен сўнги ўлим олдидаги олишув ҳолатида қотиб қолган, тўда-тўда уюлиб ётган ўрис ва татар жангчиларининг жасадлари орасидан аранг ўтиб, мўғулларнинг орқасидан юрдим. Мен татарларнинг бу қаҳрамон халқни нима сабабдан енгаётганларини шунда билдим; чунки татарлар ўрислардан икки-уч баравар кўп экан. Кўчанинги икки тарафидаги уйларнинг ҳаммаси сиртидан қулфланган, яъни бутун аҳоли, бир киши ҳам қолмай. Ўз уйларини ташлаб Киев мудрофаасига чиққан,— бировлар қўрғон деворлари устига ва бировлар шаҳар кўчаларига ўрнашган экан.

Менинг буюк пушту паноҳим бўлган жанобингизга шуни иқрор қилишим керакки, мен ўзимнинг боболаримдан қолган табаррук қиличимни бирон марта қинилан суғурмадим, чунки ўз пойтахтлари учун мардонавор курашиб, жон олиб, жон бераётган бу ўрислар ўз юртларига бўлган муҳаббатлари ва ҳеч нарсадан қўрқмасликлари билан мени жуда ҳайратда қолдирдилар ва менда ўзларига хайрихоҳлик уйғотдилар.

Бироқ шунчалик мардонавор мудофаа қилишларга қарамай Киев мағлуб бўлди.

Сизга маълум бўлса керакки, мўғуллар жанг тамом бўлгандан кейин ўз аскарларидан ўлганларининг жасадларини батамом йиғиб олиб похол, шох-шабба, тахта ва ёғочлар устига қатор-қатор териб, куйдирадилар. Шундан кейин мўғуллар аланга атрофида айланиб юриб, ёниб кул бўлгунча қасида ва марсиялар ўқийдилар. Улар урушда ўлган ўз аскарларининг жасади ўтда куйдирилмай қолиб кетса, буни катта гуноҳ ва хўрлик деб биладилар. Бироқ, Киевда Ботухон бу одатни тарк этишга мажбур бўлди, чунки бутун шаҳар ўт ичида қолиб, ўз-ўзидан катта куйдириш маросимига ўхшаб кетди.

Мўғуллар аланга ичида қолган Киевдан шошилинч равишда жўнаб қолишга мажбур бўлдилар. Ўрисларнинг қиш учун ғамлаган ғарам-ғарам пичанлари ва дон омборлари ҳам куйиб кетди, натижада шаҳарда ҳам, шаҳар атрофида ҳам отлар учун ем-хашак қолмади. Татар ҳукмдори қўшинга «мағриб мамлакатлари»га томон юришни давом эттиришни буюрди, мен ҳам шу томонга жўнайман.

Мен хатни шу ерда тугатаман. Менинг ёрдамимда ўлимдан халос бўлган бир араб савдогари бу хатни Бағдодга олиб бориб, жанобингизнинг муборак қўлингизга топширишни илтимос қилиб қолди.

Савдогарнинг мўғуллар босиб олган ерлардан тезроқ омон-эсон ўтиб олиши учун унга мен, юзида учиб бораётган лочин тасвири бор, бўйинга осиладиган бир дона жез пайзани бир амаллаб топиб бердим. Бу пайза чопарларга катта имтиёзлар беради.

Салтанатингизни оллоҳ барқарор қилиб, ҳар вақт ўз ҳимоясида омон сақласин! Оллоҳ ғолибият ва шон-шарафлар билан ишларингизни осон қилсин! Илгари ёзганимдек, бу сафар ҳам: ғолиб мўғул ҳукмдоридан

эхтиёт бўлишингизни илтимос қиламан! Унинг қонли чангали Курдистон ва Арманистон тоғлари оша Бағдодгача, жанобингизга ҳам узатилиши эҳтимолдан холи эмас. Тезроқ ҳаракат қилиб пайғамбарнинг яшил туғи тагига қудратли ислом лашкарини тўплап, буюк муқаддас шаҳримизни муҳофизат қилишга тайёрланип! Мўғуллар Бағдодга тўсатдан зарба беришга қодир. Улар бу тўғрида ҳозирданоқ гапириб юрибди. Амрингизга мувофиқ мен Ботухоннинг энди бўладиган сафарига ҳам бирга бораман ва янги жанглар, шубҳасиз, татарларнинг янги ғалабалари ҳақида сизга мумкин қадар тезроқ маълумот юборишга тиришаман.

Шуни ҳам айтиб ўтишим керакки, ўрисларнинг пойтахтини олиш татарларга жуда қимматга тушди: бу пойтахт тепаликларида Ботухон шунчалик кўп аскарнинг энг яхши қисми — ярмини йўқотди-ю, лекин тутаб ётган вайронадан бошқа ҳеч нарсани қўлга кирита олмади. Жуда кўп ўлжага ботамиз деб умид қилган татарлар энди нолий бошладилар. Мана шуларнинг ҳаммаси Ботухонни ғазабга келтирди. Мен шу вақтга қадар татар ҳукмдорининг бунчалик қаттиқ ғазабланганини кўрмаган эдим.

Оллоҳ сизни хайрли кунларда, тўқис-тугал, урушнинг хавфу хатаридан холи кўришни менга насиб айласин, омин!»

Саккизинчи боб

ТАТАРЛАР КЕТГАНДАН СўНГ

Татарларга Киевни олишда қурбон бўлган ўз баҳодирлари шарафига ўт ёқиб куйдириш маросими ўтказиш насиб бўлмади. Жуда қаттиқ қор бўрон кишиларнинг ҳаракатига тўсқинлик қилди. Шиддатли совуқ шамол юзни ачитиб, қорни кўзга урарди.

Ботухон ўзининг сафар ўтовига кириб олди. Ҳеч ким ҳеч қачон уни бунчалик ғазабнок кўрмаган эди. Ҳаттоки унинг энг яқин кишилари ҳам жаҳонгирнинг олдига киришга қўрқарди. Чодирнинг эшигида тошдек қотиб турган иккита навкар, ҳар вақт улуғвор ҳукмдорлари чодирда у ёқдан-бу ёққа типирчилаб юрганини, гулдор ипакли тўнани парча-парча қилиб йиртганини, қимматбаҳо ку-

муш қадаҳларни ерга уриб, босиб, мажақлаб ташлаганини, кейин қўллари билан бошини чангаллаб анчагача чўзиб ув тортганини ва бирдан ўзини юмшоқ гилам ёстиқлар орасига отганини ва шу ерда гужанак бўлиб қолганини кўриб ҳайрон қолишди.

Яқинроқдаги бир чодирга чингизийлар йиғилишди, буларнинг орасида ҳар вақт ёншиб юрадиган сержаҳл Куюкхон ҳам бор эди. Шунда мўғуллар:

— Маълум бўлдики, бу шаҳарнинг халқи ўзининг ёвуз инс-жипсларини чиқарибди, улар эса неча юз йиллардан берли бу ерда йиғилиб ётган хазиналарни мўғуллар тополмасин ва талаб кетолмасин деб бизнинг қаҳрамон аскарларимизни қорга кўмиб ташлашга аҳд қилибди,— дейишди.— Бизнинг ҳукмдоримиз оғзидаги ўлжасини олдириб қўйган йўлбарсдек ғазабланиб турибдилар. Ахир мана шу шаҳарнинг кўрғони тагида Ботухон ўзининг енгилмас аскарларининг ярмини, яна энг яхши қисмини, қурбон бериши кимнинг хаёлига келгай эди?

Шунда Куюкхонга яқин кишилар пичирлаб:

— Бу сафарда Ботухоннинг омади келмайди, чулки у расм бўлиб қолган куйдириш маросимини ўтказмай ва лозим бўлган дуойи тажбирни бажо келтирмай марҳум Соҳибқироннинг ғазабларига ўзини ҳам, бизни ҳам дучор қилди,— дейишди.

Эртаси куни эрталаб Ботухон бутун қўшинга элга юришга буйруқ берди ва:

— Бу ерда қурбон бўлган баҳодирларимиз шарафига ёқиладиган алангани бизнинг ўрнимизга абадий кўк осмон — улуғ тангри билан уруш тангриси Сулданинг ўзи ёқди ва бу ўжар шаҳарни абадий йўқ қилиб юборди,— деди.

Бу ердан кетарда мўғуллар, куйиб битган Киевнинг бир четига «ём» — почта ва аскарый бекат қуришди; бу ерга чопарларнинг нариги бекатга бориб олиши учун тайин қилинган бир уюр йилқини боқиб ётадиган отбоқарлар жойлашди. Бу чопарлар Саройдан ва мўғулларнинг катта пойтахти Қорақурумдан келиб турар ёки, аксинча, у томонларга кетиб турарди, шундай қилиб, мўғулларнинг узоқдаги ватани билан ҳамон ғарбга узоқлашиб бораётган Ботухон қўшинлари ўртасида алоқа

узилиб қолмасди. Мўғуллар ўз ёмларининг атрофини девор ёки ғовлар билан ўраб олар, бу ерга яқин келган кишиларга ҳушёрлик билан қараб турарди. Бироқ, баъзи вақтларда ёмидан чиқиб кетган чопарлар бедарак йўқолар эди, бундан бирор ерда яшириниб ётган эпчил интиқомчилар борлигини татарлар сезиб қоларди. Ташлаб кетилган атрофдаги қишлоқлардан озиқ-овқат, ем-хашак излаб юрганлар ҳам ғойиб бўлиб кетар эди.

Мўғул аскарларни ғарбга томон кетиб қолди ва уларнинг хотинлар ҳайдаб юрадиган ҳўкиз ва туя қўшилган ғичилдоқ араваларининг энг сўнггиси Карпат тоғларига борадиган йўлларда кўздан ғойиб бўлди, шаҳар ёнғини шундан кейин ҳам бир неча кун давом этди.

Обод ва гўзал Киев тутаб ётган ва сон-саноқсиз ўликлар қалашиб ётган култепага айланди. Оппоқ қор аста-секин ўзининг совуқ чопони билан кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган даҳшатли қирғин изларини бекитиб қўйди.

У ер-бу ерда вайроналар ва ертўлалардан ўлмай қолган битта-яримта одам кўрина бошлади, улар ҳам ожизлашиб ҳолдан кетган бўлиб, тирик одамдан кўра кўпроқ кўланкага ўхшарди.

Қўрғон деворларидан қайтиб Печёра монастирининг ер таги йўлларига бекиниб қолган озгина монахлар, ўзларининг қадимий пойтахтларини мудофаа қилишда қаҳрамонларча ҳалок бўлган «шаҳид» рус жангчиларига жаноза ўқиб, дуойи-фотиҳа қилишди.

Мана шу монастирь ғорларига ярадорларни олиб келишган эди. Қийналган, оч, мана шу даҳшатли кунлар ҳодисаларини бошидан кечирган кишилар, ҳарқалай, яна шундай пайтлар келишига, унда ҳақиқат билан адолатнинг тантана қилишига, татарларнинг узоқдаги ўз юртларига қайтиб кетишига ва гуллаган, гўзал, эркин ва қудратли янги бир Киевнинг қад кўтаришига ишонарди.

Киев ерлари мана шундай вайрона ҳолида узоқ вақт ётди. Мана шу воқеалардан беш йил кейин (1246) Киев ёнидан ўтган, Румо папасининг хатини буюк хоқоннинг Қорақурумдаги қароргоҳига олиб борган машҳур француз монахи Плато Қарпини бу тўғрида бундай деб ёзган эди:

«Улар (мўғуллар) Киевни муҳосира қилишибди, бу шаҳар Россиянинг пойтахти экан, узоқ вақт муҳосира қилгандан кейин шаҳарни олишибди, шаҳар халқини қириб ташлашибди. Биз бу ердан уларнинг ерларини босиб ўтганимизда далада ётган сон-саноқсиз каллаларни ва ўлган одамларнинг суякларини кўрдик, чунки бу шаҳар жуда катта ва халқи кўп шаҳар бўлган экан, ҳозир эса у шаҳардан ҳеч нарса қолмаган деса бўлади. Ҳозир у ерда икки юз уйга етар-етмас хонадон бор, бундаги кишиларни ҳам улар (мўғуллар) энг оғир қулликда тутар экан. Улар шу ердан қўзғалиб, уруша-уруша бутун Россияни хароб қилибди».

Тўққизинчи боб

«ОЛГА! ТЕЗРОҚ ОЛГА!»

Киев ҳар тарафдан катта гулхандек алангаланиб ёнмоқда. Шаҳар бойлигини талаш билан овора бўлган татарлар ўт ичидан зўрға чиқиб чолиб кетмоқда.

Ботухон биринчи кун қўниш учун кичикроқ бир черков яқинида тўхтади. Мўғул ҳукмдорининг сафар ўтови черков ҳовлисининг ўртасига тикилди. Утовнинг ёнига қоқилган қозиқларга Ботухоннинг отлари боғланди, буларнинг орасида унинг суюкли бўз оти Сетар ҳам бор, у ёпиқланган бўлиб, қизил жул арғамчи билан боғлаб қўйилган. Отлар дағал пичанни истар-истамас емоқда. Ботухон чодирдан тез-тез чиқиб, отларига ўз қўли билан нон егизар ва дурустроқ хашак топиб келолмаганлари учун навкарларни койиб:

— Бу пичан эмас, ўжар ўрислар томига ёпадиган дағал похол-ку,— дерди.

Навкарлар ўзларини оқлаб:

— Яқинроқдаги пичан ғарамларини ўрислар бизларга қолдирмаслик учун ёндириб юборибди. Тезроқ бу ерлардан кетиб, ер бетини қор босмаган жойларга бориб олсак бўларди, у ерлардан отларимизга ўтлоқ топиб олардик. Бу ерда отларимиз ориқлаб кетди; ем-хашак йўқ,— дердилар.

Бошқа навкарлар ўзаро гаплашарди:

— Агар биз шу ерда туриб қоладиган бўлсак, отларимиз қирилиб кетади, ўзимиз яёв қоламиз. У вақтда

жонажон юртимизни, интизорликдан ва очликдан ориқлаб кетган хотинларимизни ҳам, айқириб оққан улуғ Итил дарёси бўйидаги Олтин ўрда яқинида ўзимиз қурган янги пойтахтни ҳам кўролмай қоламиз.

Разведкага юборилган навкарлар қайтиб келиб, черков ичига кекса йўрғаси билан жойлашиб олган Субутой баҳодирга йўлиқишди. Улар ўрисларнинг ичига ёвуз жин-ажиналар кириб олганини, уларнинг биронтаси ҳам таслим бўлмай, ўлгунча олишаётганини айтиб беришди.

Кечқурун Ботухон катта туманбошиларни чақиртириб келди. Аҳвол танг эди. Бошлаб разведка бошлиғи кекса бир мўғул гапирди:

— Ўрис ерларида ҳаво ҳам бизга тўсқинлик қиляпти, ўрис халқининг ўзи бизнинг йўлларимизда ундан ҳам баттарроқ қаршилик кўрсатяпти. Ўрислар ҳали бўйсунгани йўқ. Улар бекиниб олди, бу тинчликка ишониб бўлмайди. Ўрислар бизга ҳар қаерда: чорраҳа йўлларда, сойларнинг ичида қаёқдандир чиқиб қолади-да, аскарларимизни чопиб ташлаб, отларини олиб қочади.

Шундан кейин туманбошилар:

— Бутун ўрис халқи биз билан урушяпти. Агар улар ерларининг бир қисми бизнинг қўлимизга ўтиб, мағлуб бўлса ҳам, ўша ерлардаги ўрислар вақтинча тинч турибди ва бошимизга ҳар бало келтириши мумкин,— дейишди.

Ботухон туманбоши ва мингбошиларнинг ҳаммага маълум бўлиб қолган гапларни айтишганига қулоқ солиб ўтирди. У индамас, юзи тошдек бўлиб кўринарди. Шу вақт икки фикр: Киевни олиш вақтида лашкарининг энг яхши қисми нобуд бўлиб кетгани ва ўз бойликлари билан оламга машҳур бўлган, лекин бутун хазиналари билан бирга куйиб кул бўлган ўрислар пойтахтидан катта ўлжа кутган мўғуллар орасида бошланган гапларнинг хаёлидан нари кетмасди.

Ўтирган ҳарбий бошлиқларга навбат-банавбат совуқ қараш қилиб, Ботухон қарағай шохи билан гулхан чўғини қўзғатиб қўйиб, уларнинг баъзиларидан:

— Хўш, сенинг қандай фойдали гапинг бор бизга айтадиган?— деб сўраб қўярди.

Баъзилари, бу ерда, Киев ерларида, ўрислар билан кураш яна жуда қийинлашиб кетди, деган гапларни айтишди.

Нўҳайхон ҳар вақтдагидек, қувноқлик ва бепарволик билан гапирди:

— Бизнинг жасоратли Сайинхон ҳазратлари Рязань ерларидан тортиб Киевгача ғолибона юриш қилиб ўз душманларини бартараф қилдилар! Энди бизлар галич замини бошланадиган чегарага келиб турибмиз, нарёғи «ғарб мамлакатлари» қиролликлари. Лекин бизлар бу ерда узоқ тўхтаб қолмаслигимиз керак.

Шунда ҳар вақт нолиб юрадиган, писмиқ Куюкхон бундай деди:

— Бизлар бу кетишда орқамизда ўчмасдан ётган исён алангаларини қолдириб кетмоқчимиз. Яна йўлимизда ўрислардан ўжарроқ бошқа душманларга йўлиқиб қолмасмикинмиз? Ўз орқамизда биқсиб ётган ўтни ўчирмай, олдинга кетиш билан яна янги бир хатога йўл қўймаймизми?

— Хато? Сиз менинг сафаримни хато деб атайсизми? Энди бизга қандай маслаҳат бермоқчисиз?— деб гўё бепарводек, секин чўзиб гапирди Ботухон, лекин ўтирганлар унинг сўзлари тагида яширин бир ғазаб борлигини ҳис қилишди; чунки Куюкхоннинг бу гапларида «ғарб мамлакатлари»га бўлаётган сафарни қоралаш нияти борлиги яшириниб турарди. Маълумки, Ботухон бу ишни «осмондан назорат қилиб турадиган, ҳамма нарсани билиб турувчи якка-ю ягона Соҳибқирон»нинг васиятига мувофиқ бошлаган эди. Ҳолбуки унинг иродасини қораловчи, одатга мувофиқ, дарров жазога сазовор бўларди, яъни иккита бақувват паҳлавон унинг умуртқасини синдириб ташлаши лозим эди.

Йиғилганлар ташвиш тортиб пичирлаша бошлади. Ҳамманинг юраги пўкиллаб, энди Ботухон буюк ҳоқоннинг валиаҳдини нима қиларкин, деб кутиб турди.

Бироқ, Куюкхон довдираб қолмай, аввалгидек такаб-бурлик ва дадиллик билан сўзида давом этди:

— Киевни муҳосира қилиб, босиб олишда берилган кўп ўринсиз қурбонлардан кейин бир оз дам олишимиз керак эмасми? Галичдами, Кременецдами ёки бой Волинск ерларининг бошқа шаҳарларидами дам олишимиз керак-да, балки ҳозир у ерларга ўзларининг бутун мол-мулкларини олиб бориб бекиниб ётган машҳур одамлار, бой савдогар анча йиғилиб қолгандир. Мана шу шаҳарларда бизнинг аскарларимиз яхши ўлжа олади ва тө-

ликқан отларимиз боқилади. Шундан кейингина «мағриб мамлакатлари»га сафар қилса бўлади.

— Маълум бўлдики, ўзингиз мана шуни жуда хоҳлаб юрган экансиз-да,— деди Ботухон.— Шунинг учун Волинск ерларини тезлик билан босиб олиш сизга топширилади. Киевнинг мағлуб қилиб босиб олиншини хато бўлди деганингиздек ўзингиз ҳам хато қилиб қўймаслигингиз учун ёнингизга Бурундоё туманбошини аскарлари билан бирга қўшиб бераман. Сизлар у ёққа тездан кетишларингиз керак.

Бу энди қатъий буйруқ эди. Куюкхон ғазабини яширди, қўлини кўксига қовуштириб таъзим қилди ва ўрнидан турмоқчи бўлиб эди, Ботухон уни тўхтатиб қолди:

— Сабр қилинг! Бошқа туманбошиларнинг фикрини ва бизнинг ҳозир нима қарорга келишимизни эшитиб кетинг.

Ут теварагида ўтирганларнинг ҳаммаси оғизларидан бирор сўз чиқариб юбормасликка тиришиб сергакланиб қолишди.

Ботухон сўзида давом этди:

— Тўқсон тўққиз фазилатга эга буюк хоқоннинг ардоқли ўғли, бизнинг Куюкхонимиз дам олиш тўғрисида гапирдилар. Бизнинг тез бораётган сафаримизни тўхтатишга қарор қилганимизни эшитганда, «мағриб мамлакатлари» ҳукмдорлари нима деб ўйларикан? Балки ҳаммангиз бизларнинг олий ҳукмдоримиз буюк хоқон ҳазратларининг «Авлиё» лақабли фаранглар подшоси Людовикка юборган хатларини, уларни ларзага соладиган мактубларини кўрган ёки эшитгандирсизлар?

Шундан кейин туманбошилар қўзғалиб қўйишди ва:

— Бизлар у хат борлигини эшитдик-ку, лекин уни бизга ҳеч ким ўқиб бермади! Уша хатни бизга ўқиб беришларини сўраймиз!— деган овоз эшитилди.

— Уни ҳозир эшитасизлар! Устоз Ҳожи Раҳим! Хатнинг менга аталган нусхаси сизда эди. Ўқиб беринг бизларга.

— Ҳозир ўқиб бераман, хоқоним!— деб жавоб берди буюк сафар тарихчиси.

Шундай кейин у ўзининг эски чарм хуржунини титкилаб най қилиб ўралган бир хат олди ва тиззасига қўйиб уни текислади. Кейин хатни қироат билан ўқишга киришди:

«Бутун оламнинг парвардигори бўлган зотнинг номи-

дан сиз, фарангларнинг подшоҳи Людовикка фармони олиймиз шулки, бу мактубни олгандан сўнг қўл остингиздаги мамлакатингиз билан бизга бўйсунгайсиз ва қандай йўл тутишингизни ошкора эълон қилгайсиз: тинчлик йўлини ёки уруш йўлини? Худонинг иродаси билан бутун олам мени ўзининг ягона ҳукмдори деб таниганда, ер юзида осойишталик барқарор бўлур ва бутун олам халқи бизнинг улар учун нелар қилганимизни билурлар. Лекин агар сиз қайсарлик қилиб бу илоҳий фармонни рад қилишга журъат қилсангиз ва ерингизнинг жуда узоқлиги, тоғларингизнинг баландлиги, денгизларнинг теранлиги сабабли биздан кўрқмаслигингизни баён қилсангиз, у вақтда мушкулларни осон қилувчи, узоқни яқинлаштирувчи қудратли худо сизга бизнинг нималар қилишга қодир эканлигимизни кўрсатиб қўяди».

Ҳожи Раҳим Ботухонга назар ташлади, унинг қўли билан қилган ишоратини кўриб, хатни ўрамлаб, эҳтиёт билан хуржунига солиб қўйди.

Шундан кейин Ботухон Субутой баҳодирга мурожаат қилди:

— Сиз бу хат ҳақида нима дейсиз? Оқилона бир маслаҳат беринг.

Субутой баҳодир терлаб кетган манглайини ени билан артиб сўз бошлади.

— Буюк хоқоннинг фаранглар қиролига ёзган бу мактублари, айни замонда бизлар учун ҳам фармони олийдир. Бизлар йўлимизда учраган бутун халқларнинг қаршилигини синдириб, фаранглар мамлакатига ғолибона юриш билан кириб боришимиз керак, у ерда, гарчи ўзи бориб турган маккор, ёлғончи ва тузалмайдиган жиноятчи бўлса ҳам, ўзига «Авлиё» деб лақаб қўйиб олган қирол ҳукмронлик қилар экан. У, бу кунгача бизнинг мактубимизга жавоб юборгани йўқ, шунинг учун у бизларни фармонбардорлик билан кутиб олишни хоҳлама-са, у вақтда бизлар буюк хоқон ҳазратларининг иродаларини ўзимизнинг найзаларимиз билан бажо келтиришимиз керак, фаранглар подшоҳини тиз чўкишга, ер ўпишга ва бизларга бўйсунушга мажбур қилишимиз керак.

Ботухонга яқинроқ бир жойда ўтирган араб элчиси Абдураҳмон фаранглар ҳақида гапирилганда титраб кетди ва олдинроқ сурилди. Ҳаҳ, бу машаққатли сафар-

дан унинг кутган мақсади бўлган ерлар ҳақида ниҳоят энди гапиришди-я! Фақат ўша ерларга эсон-омон, зиён-заҳматсиз етиб олсайди! Шунда у ўзининг аждодлари билан бир вақтларда жанг қилган халқларга қарши қиличини яланғочларди...

— Жаҳонгир!— деди у, товуши қалдираб.— Мен жаноби олийларидан, фарангларнинг чегарасидан шонли аскарларингиз бир қисмига бошчилик қилиб ўтишимга ижозат беришингизни илтимос қилардим! Менга бир минг сувори беринг, мен такаббур Людовик подшоҳни арқонга судратиб чодирингизга олиб келаман!

Ҳамма Абдураҳмонга бурилиб қаради. Ботухон қошларини кўтарди, кейин табассум қилиб:

— Балли, мард экансиз! Тилагингизни бажо келтирай, сиз менга ғолибият келтиринг.

— Мард экансиз! Мард экансиз!— деб такрорлашди ўтирганлар.

— Шонли аскарларимизни фарангларнинг юртига олиб бориш учун сиз қайси йўлни танладингиз?— деб сўради Куюкхон.

— Олдин шавкатли Субутой баҳодир ўз фикрларини айтсинлар. Кейин мен айтаман.

Бир кўзли кекса саркарда чўчиб бир сесканиб қўйди-да, соғ чап қўли билан лабини арта-арта дудуқлангандай гапга кирди:

— Бизнинг мана шу улуғ сафаримизда энг катта душман ва тўсқинлик — отларга ем-хашак ва аскарларга озиқ-овқат танқислигидир. Лаънати серсоқол ўрислар буни яхши билади. Биз яқин келишимиз билан ғамлаб қўйган озиқ-овқат, ем-хашакларини ёндириб юборади. Шунинг учун фақат тез йўл босиш бизга куч бағишлайди. Хотиржамлик билан ётган халқларга бизлар, уларнинг урушга тайёргарлик кўришларидан олдин ҳамда бизлар фойдаланишимиз лозим бўлган ўзларининг озиқ-овқат ва ем-хашакларини бекитиб қўйишларидан ёки уларни кўйдириб юборишларидан олдин ҳужум қилишимиз керак. Бизлар бу халқларга, худди бир тўда лочин ва қарчиғайлар хотиржам ёйилиб юрган ғоз ва ўрдакларнинг учиб кетишидан олдин човут қилганидек тез ва беҳосдан ҳужум қилишимиз керак. Аскарларимнинг қайси йўлдан боришини, агар хоҳласалар, буюк ҳукмдоримиз жаҳонгир ҳазратлари айтиб берурлар.

Ботухон ўтирганларнинг ҳаммасига бир-бир хўмрайиб қараб чиқди-да, сўзлашга киришди:

«Мағриб мамлакатлари» халқлари бизнинг боришимизни аллақачонлардан бери кутиб ётибди, шунинг билан бирга қўрқиб, бизнинг келмаслигимизни тилаб ўз худоларига ёлвориб ётибди. Менинг айғоқчиларим олиб келган маълумотларга қараганда, у мамлакатларнинг ҳокимлари ҳозирги вақтда бир-бирларига элчилар юборишяпти, кенгашлар ўтказишяпти, тоғ доvonларига қоровуллар қўйишяпти, тоғ ўткилларини катта тош ва ёғочлар билан тўсиб қўйишяпти. Шунинг билан бирга улар, бирлашган қўшинларнинг бош қўмондони ким бўлиши тўғрисида ўзаро баҳслашиб жанжаллашяпти. Улар ҳамон уруш тўғрисида гаплашиб вақтни бекор ўтказишяпти, бизлар эса уларнинг устига булутдек босиб бораётибмиз, шунинг учун мен, уларнинг қўшинларини даҳшатли бир куч қилиб уюштирадиган ва олдин менга ҳужум қиладиган бирор кишини кўрмайман.

— Рост! Рост! — деб бақиринди ўтирганлар, — дарҳақиқат, уларда жаҳонгир ҳазратларининг енгилмас қўшинларига биринчи бўлиб ҳужум қилишга юраксинадиган ҳеч ким йўқ.

— Шунинг учун бизлар олдинга юраверамиз, «сўнгги денгиз»гача борамиз!

Татарлар кўп қурбон берган Киев шаҳаридан, кун ботиш томонга қараб, Галицко-Волинский Рус орқали ўтишди. Мўғул аскарларининг илғор қисмлари йўлларида учраган шаҳарларнинг қўрғонларига келиб яхшилик билан шаҳарни топиширишни талаб қилишди, агар шаҳар халқи дарвозаларни очиб уларни ичкари киргизса, улар шу ондаёқ шаҳарнинг бутун кўчаларига тарқалиб, уйларга кириб кетишди, ундан қўлларига тушган нарсани олишди, худди чигирткадек йўлларида учраган нарсани несту нобуд қилиб, ўлжаларини кичик бўлса ҳам пишиқ мўғул отларига юклаб олишди ва қаршилик кўрсатган кишини ўша ерда ўлдириб кетишди. Шундай қилиб, татарлар баъзан зўрлик билан, баъзан ёлғон ваъдалар билан Колодяжин, Каменец ва бошқа шаҳарларни босиб олишди, лекин Данилов шаҳри аҳолиси дарвозаларини очмади. Шаҳар аҳолиси, теварак қишлоқлардан шаҳарни паноҳ тортиб қочиб келган деҳқонлар билан бирлик-

да қўрғондан туриб тош улоқтиришди, деворга тармашиб чиққанларни болта ва айри найзалар билан уриб йиқитишди, хуллас, шаҳарни мардонавор ва қаҳрамонона мудофаа қилишди.

Мўғуллар Ботухоннинг «кун ботишга ҳаялламай тезроқ юринглар» деган буйруғига риоя қилиб, Данилов муҳосирасини тўхтатишди-да, ғарбга томон жўнашди.

Куюкхон Кременецга келиб уни дарров қўлга киришиб оламан деб хаёл қилди. Ботухоннинг таънали истехзо билан берган буйруғи унинг эсида эди, шунинг учун Кременец шаҳрининг ишини, худди бир тухумни мижгилаб ташлагандек, тезроқ бартараф қилмоқчи бўлди. Бироқ бу ерда иш у кутгандек бўлиб чиқмади.

Унинг олдида шаҳар — тоғ устига қурилган мустаҳкам бир қалъа бўлиб чиқди. Шаҳарга тошлоқ тик бир қиямаликдаги йўлдан чиқиларди. Мустаҳкам қўрғон деворларининг устида мудофаага тайёр турган шаҳар аҳолиси кўриниб турарди. Куюкхон жийрон отининг устида туриб юқоридаги шаҳарнинг берк қопқаларига қовоғини солиб қарарди. Шаҳар қўрғони жойлашган тепаликнинг ён бағирлари ҳам, шаҳарга чиқадиغان йўллар ҳам ойнадек ялтирарди. Бу нима бўлса экан-а? Шундан кейин Куюкхон тилмочни чақириб, унга: «Ёнингга икки сувори олиб шаҳар дарвозасига чиққин, дарров шаҳарни топширишни таклиф қилгин ва таслим бўлган халққа омонлик берилишини ҳамда уларнинг мол-мулкларига тегилмаслигини ваъда қилгин!» деб буйруқ берди. Лекин дарвозага чиқиб бориш мумкин эмаслиги маълум бўлди, чунки шаҳар халқи мўғулларнинг келишини эшитиб тепаликка сув қўйиб юборган, шунинг учун у ҳозир музлаб сирганчиқ бўлиб қолган эди. Тепаликка тармашган отлар сирганиб йиқилди. Қўрғон тепасидан қийқириқ ва қаҳқаҳалар эшитилди, тошлар отилди.

Куюкхон ғазабланиб, аскарнинг кетида келаётган манжаниқларнинг келишини кутиб туришни буюрди. Икки кундан кейин бир донга тошотар манжаниқ келди. Уни ўн икки ҳўкиз судраб юрарди, уни музлаб қолган йўлдан тепаликка судраб чиқиш мумкин бўлмади, шунинг учун уни пастда қолдиришга мажбур бўлишди. Манжаниқ гулдираб катта оғир тошларни шаҳар дарвозасига томон улоқтиришга киришди. Лекин отилган тошларнинг баъзилари етиб боролмади, баъзилари

оралиқнинг узоқ бўлганлиги сабабли мустаҳкам дарвозаларни бузолмади. Мўғул аскарларининг Кременецни олиш учун қилган бутун ҳаракатлари муваффақиятсиз бўлди.

Куюкхоннинг олдига бир неча ярадор асирни тутиб олиб келишди. Улар билан бирга татарлар кўпдан бери олиб юрган бир тилмочни ҳам олиб келишди. Ҳамма ёғи йиртиқ жулдур-жулдур кийим кийган, оёғига оғир кишан солинган тилмоч мўғуллар учун жуда қадрли эди, чунки у куманча ҳам, татарча ҳам, русча ҳам гаплаша оларди.

— Бу лаънати шаҳарни ким мудофаа қиляпти?— деб сўради Куюк.

— Асирларнинг айтишича, Галиция князи Даниил, Кременец шаҳрининг мудофаасини мингбоши Никодимга топширган экан, у шаҳар халқига тепаликка сув қўйиб юбориб, жону жаҳд билан шаҳарни мудофаа қилишни ва татарларга ишонмасликни ҳамда дарвозаларни уларга очиб бермасликни буюрибди,— деб жавоб берди тилмоч.

Куюкхон, Кременец қўрғони тагида бир неча кун бекор туриб, ўз аскарига олға тўмон юришни ва олинган асирларни чопиб ташлашни буюрди.



IX

МУҒУЛ СИРТМОҒИ ЕВРОПА УСТИДА

Биринчи боб

ҒАРБИЙ ЕВРОПА МУҒУЛЛАР ЗАРБАСИ ОСТИДА

Уша замон тарихчиларининг маълумотига қараганда, ваҳший мўғул аскарларининг босиб келаётганини эшитиб ваҳимага тушган Европа давлатлари шошилини чоралар кўриб, аскар тўплаш ва халқни қуроллантиришга киришган.

Ҳамма, бирлашган Европа қўшинининг бошида герман императори Фридрих II Гогенштауфен туриб, уни Ботухоннинг даҳшатли қўшинларига қарши бошлайди, деб ўйлаган эди.

Император эса бу вақтда Италияда эди, у ерда унинг партияси билан бутун католикларнинг бошлиғи бўлган тўқсон ёшли рим папаси Григорий IX партияси ўртасида жуда қаттиқ кураш борарди, папа бутун черковларда император Фридрих II га лаънат ўқишни буюриб, герман ҳукмдорларини янги император сайлаб олишга чақириб хат юборган эди. Папанинг ўзи ўша вақтда Францияда — Лион шаҳрида эди. Папа билан император ва уларнинг тарафдорлари ўртасидаги мана шу битмас-туганмас жанжаллар Европани халос қилиш учун бўладиган ҳар қандай ташаббуснинг муваффақиятли бўлишига тўсқинлик қиларди. Европа давлатларининг бутунлай тайёргарлиги йўқлигини кўрган папа бутун Европа давлатларини мўғулларга қарши умумий салб юриши ташкил қилишга чақирди, ҳаттоки бутун қўшиннинг бошида ўзи тарафидан лаънатланган император Фридрих II нинг қўмондонлик қилишига ҳам рози бўлди.

Фридрих Сицилия оролидаги ўзининг кўркем истироҳат боғидан туриб ўз вассалларига буйруқлар ва узундан-узоқ хатлар юбориб бўлгунча, Ботухон қўшинлари бир неча йўл билан бўлиниб-бўлиниб европа заминиغا кириб ҳам бўлди. Мўғул қўшинларининг Европадаги ҳаракатлари ҳақида бугунга қадар мавжуд маълумотлар жуда ҳам чалкаш бўлиб, бунинг устига жуда оздир. Биз уларнинг ҳар хил тарихий манбалардан олинганларининг баъзиларини қуйида келтириб ўтамиз:

«1240 йил декабрида Киев мағлуб бўлганидан кейин Чингизхон набираларининг каттаси Ботухон беш юз минг мўғул отлиқ аскарини бошлаб ғарбий христианларни бўйсундирмоқ учун «ғарб мамлакатларига» юриш қилди.

Унинг йўлида энг олдин учрайдиган мамлакат Польша эди. 1241 йил қишида мўғуллар Кичик Польшага бостириб кириб, Сандомир ҳам Краков шаҳарларини босиб олиб, ўт қўйиб юборди.

Шундан кейин Боту ўз аскарларини бўлди. Жуда кўп аскардан иборат бўлган каттароқ бир қисми Карпат тоғларидан ошиб ўтиб Венгрия қироллигига қараб юрди. Бу йўлдан ўтиш жуда қийин эди, чунки тоғдаги давон ўтқилларининг ҳаммасига илгарироқдан, неча юз йиллик йўғон-йўғон кекса дарахтлар қалаб ташланган эди. Боту, тўсиб қўйилган бу дарахтларга ўт қўйиб юборишни буюрди, бундай катта ўтнинг бурқираб осмонга кўта-

рилган тутуни аҳолини мўғул аскарларининг келаётганидан хабардор қилиб қўйди.

Мўғулларнинг бир қисми Венгрия чегараларига келиб киргунча, иккинчи қисми шимолга, Буюк Польшага жўнади ва у ердан тўппа-тўғри чехларнинг чегарасига қараб юрди. Бу қутурган ёвнинг даҳшати узоқ ғарбий ерларга ҳам тарқаб кетган эди.

Бироқ Германиянинг хавф яқинлашиб қолган вилоятларигина қуролланишга киришди. Бир неча князь Қуйи Силезияда урушга тайёргарлик кўраётган Польша қирولي Художўй Генрихга ёрдам юборди.

Бошқа князлар тезлик билан Чехияга қўшимча аскар юборди, у ерда қирол Вячислав ҳамма ишни йиғиштириб қўйиб, мудофаага тайёргарлик кўрмоқда эди. Унинг байроғи тагига — қўл остига қирқ мингтача пиеда, олти мингтача отлик аскар тўпланди, у бу аскарларни олиб Прагадан Силезия чегаралари томон Художўй Генрих аскарлари билан қўшилиш ниятида йўлга чиқди. Бу вақтда мўғуллар Пайдар (Пети) бошчилигида Лигница томон зўр бериб юриш қилмоқда эди.

Лигницага яқин бир жойда қирол Генрих қирол Вячеславнинг мўлжалига қарши, унга маслаҳат солмай 1241 йўл 9 апрелда мўғуллар билан бахтсиз бир урушни бошлаб юборди. Бу жангда ўн минг христиан қаҳрамонна урушиб ҳалок бўлди, булар орасида Генрихнинг ўзи ҳам бор эди.

Қирол Вячислав эртаси куниеқ бутун аскарлари билан Лигницага етиб келди, чунки у шу давлат чегараси ичида — Жетовский вилоятида турган эди, агар Генрих уни кутган бўлса, эҳтимол бу уруш бошқачароқ натижа берарди.

Қирол Вячиславнинг келиб қолганини билиб мўғуллар янги жангга киришишга юраксинмади ва ҳамма нарсани ўт ва қилич билан хароб қилиб шошилиш равишида Юқори Силезияга қайтиб кетди.

Вячеславнинг герман иттифоқчилари ўз ерларидан хавф кўтарилганини кўриб тарқалиб кетишди, шунинг учун қирол Вячеслав ҳам фақат Чехия ва Моравия чегараларини муҳофизат қилиш билан чекланиб қолди.

Мўғуллар Глацка вилоятдан ўтиб Чехияга киришга кўп уриниб кўришди: ҳамма ёқдаги тоғ ўткилларига тош қалаб муҳофизатчилар қўйилган эди. Лекин, уч ҳафта ўтгандан кейин, мўғуллар Опавский вилоятини эгаллади-

да, шу ердан Маровияга бориш учун ўзларига йул очиб олди. Улар кетма-кет Опава, Пшеров, Литовль, Йевички ва бошқа шаҳарларни қўлга киргизди. Градишча, Райград ва бошқа жойлардаги қадимий машҳур монастырларга ўт қўйиб юборди. Улар йўлларида учраган ҳамма нарсага ўт қўйиб ва вайрон қилиб, серҳосил Ганани харобазорга айлантирди.

Халқ душманга таслим бўлмаслик учун мол-мулкни ташлаб тоғ ва ўрмонларга қочиб кетди.

Мўғуллар фақат учта шаҳарни — Олоомуц, Брюн ва Уничов шаҳарларини муҳосира қилиб ҳеч иш чиқаролмади. Айрим қўрғон ва қалъаларни баҳодирона мудофаа қилиб, душман ҳужумини қайтардилар. Масалан, Гостинадаги Внеслав ҳам Братиславлар шундан шуҳрат топди.

Шу орада қирол Вячеслав татарларга қарши янги кучлар тўплаб, Моравияга борди. Бунда унга Фридрих Удалой Австрийский ҳам ёрдам қилди.

Татарлар муҳосира қилган Олоомуц ёнида қирғин уруш бўлди: бу ерда чех аскарларининг йўлбошчиси Ярослав татарларга қаттиқ зарба берди ва Пайдархон унинг кучли қўлида ўлди.

Мана шу тўқнашувдан кейин мўғуллар Моравияни ташлаб шошилиш равишда Венгрияга жўнашди ва шу ерда Ботухоннинг асосий қўшинларига қўшилишди.

Иккинчи боб

ЛИГНИЦА ЁНИДА ЖАНГ

(Ҳожи Раҳимнинг «Йўл хотиралари»дан)

«Ё раббим! Ўзинг ҳозир у нозирсан ва ҳамма нарсани билгувчи доносан! Менга мадад бериб, ҳайбатли Ботухоннинг «мағриб мамлакатлари» халқлари устига қилган мана шу фавқулодда юришини ҳаққоният билан тасвирлашда ва унинг паришон ҳолга келган душманларини мағлуб қилиб, уларнинг ерига бостириб киришидаги муваффақиятларининг сабабларини баён қилишда етарли куч ва истеъдод бахш қилишингни умид қиламан.

Ботухон Киевни муҳосира қилиб турган вақтларида-

ёқ, қўшиннинг ўнг қанотини яқинроқдаги жойларни босиб олмоқ ва шунингдек олдинда душманнинг қандай кучлари борлигини аниқламоқ учун разведкага юборган, эди.

Татар тўдаларидан бири Люблин шаҳрига қадар бориб етди ва йўлида учраган ҳамма нарсани вайрон қилиб, кўп ўлжалар билан асосий қўшинга қайтиб келди.

Татарнинг бошқа тўдалари музлаб ётган Вислица дарёсидан ўтиб, обод ва катта шаҳар бўлган Краковга томон бурилди. У ерда мўғул аскарий тўдаларидан бири — краковлик сардор Владимир аскарлари тарафидан тор-мор қилинди, Владимир кечаси душман муҳосирасидаги қўрғондан чиқиб, ухлаб ётган татарларга хужум қилди ва уларни саросимага солиб қўйиб, ўз ватандошларидан кўп қисмини асирликдан қутқарди. Тунги жанг вақтида асирлар ҳар тарафга қочиб ўрмонларга бекиниб олишди. Шундай бўлса ҳам аҳоли Краковни ташлаб чиқди, қочиб кетаётган халқ шаҳарга ўт қўйиб юборди, шаҳар ҳар тарафдан бирданига алангаланиб ёниб кетди».

Ботухон ўзининг улуғ қўшинини беш қисмга бўлиб юборгандан кейин, у Ғарбий Европага хужум қилди.

Мўғул аскарлари жуда кўп бўлганлиги сабабли уларга зарба бериб қайтариш қийин эди. 1241 йил 9 апрелда Лигница ёнида жуда қаттиқ жанг бўлди, шунда «мағриб мамлакатлари» аскарлари бутун оламни ларзага келтирган Чингизхоннинг ваҳший ворислари билан тўқнашиб ўз кучларини синаб кўришди.

Мўғулларга қарши энг олдин чех тоғ халқидан тuzилган пиёда аскарларнинг мунтазам сафлари юриш қилди, булар, ватан учун жон беришга тайёрмиз, лекин чекинмаймиз, деган мазмунни ифода қилиб тўшларига катта оқ крест тикиб олган эдилар. Улар тўғри ва зич саф тортиб жанговар қўшиқ айтиб боришди. Ўзларининг одатдаги ҳийлаларига мувофиқ мўғуллар, гўё тирқираб қочгандек чекинди ва шу билан душманни ботқоққа томон эргаштириб кетмоқчи бўлди. Шундан кейин жасур пиёда аскарлар ўзларини ғалаба қилган ҳисоблаб, мўғулларни қувлашга киришди. Сафлари бузилиб, бошқа аскарлардан ажралиб кетишди, буни кўрган

мўғуллар тўсатдан орқаларига бурилиб, жез қалқонларни даранглатишди, шовқин-сурон билан келиб пиёда аскарларнинг устига ёпирилишди. Татарлар бетма-бет жанг қилишдан ўзларини сақлаб, узоқроқда туриб урушди ва узун ўқлар билан бехато уриб, уларни қириб турди. Чех тоғликлари ўзларини қаттиқ мудофаа қилиб, ҳаммаси шон-шараф билан ҳалок бўлди.

Тоғликларга мадад беришга отилган чех ва поляк аскарларининг бошқа икки тўдаси ҳам мўғулларнинг тезлик билан қилган ҳужумига йўлиқди, булар ҳам қаттиқ урушиб ҳалок бўлди. Ўз одатларига мувофиқ «пона» шаклида саф тортиб тизилган Пруссия Тевтон жамиятининг¹ рицарлари², гўё тўсиб бўлмас оқимдек мўғулларга ҳамла қилди. Бироқ яхши қуролланган бўлишига қарамай, темир совутларга ўралган рицарлар тез қочиб йўқоладиган енгил мўғул сувориларини ҳеч нима қилолмади, чунки мўғуллар қочиб кетаётиб бирданига орқасига қайтиб келар ва рицарларнинг теварагини қуршаб олиб, даҳшатли ҳужум қиларди. Ниҳоят, мўғуллар ўқ ва қилич-найзалар билан урушиб, ўша замонда «мағриб мамлакатлари» қўшинларининг сара аскарлари ҳисобланган машҳур герман рицарлари суворисини тор-мор қилди.

Бу урушда татарларнинг тати отлари ўз ортиқлигини кўрсатди. Темир совутлар кийган рицарлар гарчи даҳшатли кўринсалар ҳам, лекин уларнинг баҳайбат оғир отлари мўғулларникига қараганда астароқ чопарди. Бундан ташқари, улар тагига тортиб кетадиган ботқоқликлардан ўзларини қутқаролмадилар, рицарлар чопиб боғиб ботқоқликка тушиб кетар ва татар тирандозларининг узоқдан туриб ёғдирган ўқлари тегиб, йиқилган жойларидан туриб кетолмасдилар.

Ўша куни бирлашган қўшиннинг қўмондони жасур, лекин урушда бахтсиз Силезия герцоги Генрих қаҳрамонларча ҳалок бўлди.

Мўғуллар Лигница теварагини талаб, лекин аҳолиси мустаҳкам қалъага беркиниб олган шаҳарга тегмай Ратибор томон қайтиб кетишди ва Ботухоннинг қаттиқ буйруғига биноан Моравияга босиб киришди. Улар бу

¹ Ўша замондаги герман қабилаларининг христиан диний-ҳарбий жамияти. (Тарж.)

² Шу жамият аскарлари. (Тарж.)

ерга ўт қўйиб, қирғин қилиб, кейин Богемия томон юришди.

Богемия қироли Венцеслав мўғуллар билан курашга тажрибали чех саркардаси Ярославни юборди, унга буйруқ бериб, мўғуллар билан очиқ майдонда урушмай, фақат Брно шаҳарини мудофаа қилишни таъкидлади. Ярослав Брнога келиб қараса, унда аскар оз экан. Шундан кейин у аскарнинг бир қисмини шаҳар мудофааси учун қолдириб, ўзи беш минг пиёда ва беш юз отлиқ аскар билан Олоомуц томон юрди, мўғуллар шу вақтда бу ерга ҳам яқинлашиб қолган эди. Ярослав эндигина шаҳарга кириб олган ҳам эдики, шаҳарни татар тўдаларининг олдинги қисмлари келиб ўраб олишга киришди.

Бироқ, Ярослав қоронғи тушишини пойлаб ётди-да, ўзи бошлаб мўғулларга ҳужум қилмоқчи бўлди ва тун қоронғилигидан фойдаланиб, уйқуда ётган татар қароргоҳига тўсатдан ҳужум қилди, татарлар эса мудофаа чоралари кўролмаб қолди.

Гарчи мана шу қаҳрамонона тунги ҳужумга қатнашганлардан жуда оз қисми шаҳарга қайтиб келолган бўлса ҳам, ҳарқалай, ғалаба қилинган ҳисобланарди, чунки бу хабар бутун мамлакатга тарқаб, мўғулларни ҳам енгил мумкин эканлигини ҳаммага кўрсатган эди.

Бу даҳшатли тунги жангда мўғулларнинг йирик саркардаларидан бири Чингизхон насли Пайдархон билан Ботухоннинг кичик хотини Юлдуз хотиннинг акаси деб аталиб юрган унинг ҳамроҳи Мушук ўлдирилган эди.

Урушдан бир кун кейин мўғуллар Пайдархон, Мушук ва ўлган бошқа аскарларнинг жасадини катта қилиб уйилган ўтиннинг устига олиб келиб тахлашди, кейин унга ўт қўйиб, йиғи-сиғи қилишди, ҳарбий ашулалар айтиб, ўт теварагида анча вақт айланиб юришди. Ўз ватанидан узоқда ҳалок бўлган мўғул аскарларининг муқаддас арвоқлари шарафига урушда қўлга тушган ва мана шу ўтга ўтин ташиб келган асирларнинг калласи кесилди, мўғулларнинг эътиқодича булар ўлган мўғулларга охиратда садоқат билан хизмат қилармиш.

Улик куйдириш маросимида ёқилган бу ўтнинг тун ва алангаси қип-қизил қон тусида булутларга ўрлаб ёниб турди.

Мўғуллар ўз бошлиқлари ва баҳодирларининг таъ-

зия маросимини ўтказганларидан уч кун кейин, Оло-омуц муҳосирасини қўйиб, Ботухоннинг Венгрияда тўпланишга белгилаган қатъий буйруғини бажо келтириш учун кетишди.

Одатда мўғуллар бирор шаҳарни муҳосира қилиб тездан уни босиб ололмаса, Ботухондан буйруқ келди деган баҳона билан муҳосирани қўйиб, кетиб қоларди, бу ерда ҳам шундай деб ўйлаш мумкин эди.

Учинчи боб

ЖАСУР ҚУШИҚЧИ

Татарлар бир неча кундан бери Сандомирга ҳужум қилмоқда эди. Улар садоқдан узун ўқлар отиб тош қўрғон устидаги қайсар мудофаачиларни йиқитар, кийимлари йиртиқ, ориқлаб кетган асирларни қамчи ва дарралар билан савалаб ҳайдаб юрар, уларга шаҳар қўрғонига тираб қўйилган ва лопиллаб турган шотиларга чиқишни буюрарди. Қўрғондан эса қарғиш, бақирш, шовқин-сурон эшитилар, қўрғонга ҳужум қилаётганларнинг бошига қайноқ сув ва қиздирилган қорамой қуйилиб турарди.

Бир вақтлар ўзининг жозибадор ашулалари, чиройли хотин-қизлари, сирланган кўзачалардаги хушбўй майлар билан ном чиқарган Сандомир шаҳри, энди тутаб ёнган гулханлар қуршаб олиб, йиғи-сиғи, тоқат қилиб бўлмайдиган ғаму кулфатга тўлган эди.

Шаҳар аҳли — ёшлари ҳам, чоллари ҳам — қўрғон деворига тармашган татарларга тепадан тинмай тош улоқтирар, қилич солар, найза санчар, болта билан урар эди.

Қийналган хотинлар қўрқишни унутиб тош ташир, мудофаачиларга озиқ-овқат ва сув келтирар, уларнинг яраларини боғлар эди.

Баъзан туннинг қоронғилиги ёки қаттиқ қор бўрони бўлгани учун мўғулларнинг ҳужуми тўхтаб қолар ва бундай вақтларда шаҳарда фақат йиғи-сиғи, сиртда эса шафқатсиз қисик кўз келгиндиларнинг қашқирдек улигани эшитилар эди.

Мўғуллар қоронғи тунларда гулханлар атрофида чордана қуриб, қип-қизил чўққа қоп-қора ҳаракатсиз кўзларини тикиб узоқ вақт ўтиришар, баъзиларининг

орқаларида ўзлариникига ўхшаш ҳаракатсиз қисиқ кўз-ли, ёноқлари чиққан тошдек қаттиқ бетли итоаткор хотинлари сиқилишиб, аскарлар нима дер экан, бу қайсар шаҳар муҳосираси қачон тугарикин, араваларимизга бўхча-бўхча қонга буланган кийимлар, пойма-пой этиклар, иссиқ пўстинлар ёки кумуш қадаҳлар келиб тушадиган кун қачон келарикин, деб гапга қулоқ солишарди... Ана ўшанда аравалар ортига яна қўллари орқасига қайриб боғланган, оғриқ ва хўрликдан инграган асирлар боглаб судраларди. Агар бахтларига чиройли қизлар, ёш, бақувват хотинлар ёки қаттиқ яра-ланмаган эркаклар тушиб қолса жуда яхши бўларди, чунки уларни қўл бозорига элтиб сотиш ёки ҳеч бўлмаганда бирор жуфт янги чалворга айирбошлаш мумкин бўларди, деб ўйлашарди.

Жаҳонгир Ботухон ўз суворилари «бебошлар» тумани билан шаҳар қўрғони тагига келгандан кейин Сандомир муҳосираси муваффақиятли бўлди. Чунки улар ўзлари билан бирга тўртта ғалати қўргонтешар манжаниқ олиб келган эдилар.

Шундан кейин ҳаво булут бир куни манжаниқлар гумбурлади ва қўрғонга катта-катта тошлар отила бошлади. Отилаётган ҳар бир тош шунчалик оғир эдики, уни тўрт киши аранг кўтариб, манжаниқнинг бошидаги катта чўмичга соларди. Бу чўмичлар қўрғонга ва шаҳарнинг темир дарвозаларига тинмай тош улоқтирар, сабр-тоқатли мудофаачиларнинг кўнглига даҳшат соларди, мудофаачилар энди бу кучли душманнинг ҳийласига қарши ҳеч қандай чора тополмасликларига ишонч ҳосил қилишди.

Кўп ўтмай шаҳар аҳли қаршилиқ қилолмай қўйди. Қўрғоннинг катта қилиб очилган рахнасидан пишқириб турган пакана отлар минган татарлар бўкиришиб, шовқин-сурон кўтариб шаҳарга кириб кетдилар. Улар уйилиб қолган тошлардан йиқилиб-суриниб ўтишди-да, селдек келиб шаҳарнинг тор кўчаларига тарқалиб кетишди.

Энди Сандомир шаҳри олинган эди. Аҳоли ваҳима босиб ўз тақдирини кутмоқда. Мўғуллар уйларга бостириб кириб, кўзларига яхши кўринган ҳамма нарсани талашди ва ярадор шаҳарликларни ўзларидан талаб олинган нарсаларни шаҳар майдонига ўзлари олиб боришга мажбур қилишди, шаҳар майдонида эса мўғул

юзбошилари аскарлар ўртасида ўлжа бўлар ва ўлжанинг бешдан бир қисмини Ботухонга ва яна бешдан бир қисмини бутун татарларнинг узоқ Монголиядаги буюк хоқонига юбориш учун атаб ажратарди.

Шаҳарнинг кўп жойи ёнмоқда. Ёғочдан солинган уйларнинг бир қисмига аҳолининг ўзи ўт қўйиб юборди, чунки ғазабга келган аҳоли азиз хонадонларининг золимлар ифлос қилганидан кўра ёниб кетганини афзал кўрди. Уддасидан чиқа олганлар, бирор нажот бўлиб қолмасмикин деган умидда ертўлаларга бекиниб олишди.

Мўғуллар асирларни ўз шаҳарларининг катта дарвозалари олдидаги хода ва тошларни олиб ташлаб, тозалашга мажбур қилди, шундан кейин туш вақтида Ботухон ўзининг ялтироқ темир совутлар кийган мулозимлари билан Сандомирга кириб келди. Ботухон бошига укпар тақилган кумуш дубулға ва устига олтин суви югуртирилган совут кийган эди. Елкасига ёқаси қора сувсар қизил зардўзи пўстин ташлаб олган. Тагидаги эгар-жабдуғига олтиндан зийнат берилган, барс сингари чипор арғумоқ юрган йўлида ўйноқлаб келарди.

Атроф қишлоқлардан қочиб келган кишиларнинг аравалари қалашиб турган катта шаҳар майдонига келгандан кейин, Ботухон шу ердаги иккита баланд минораси бор катта тош бинога диққат билан қараб қолди.

— Бу лахлар худосининг уйими?

— Айни ҳақиқатни айтдилар, хоқоним,— деди тилмоч.— Мана бу лотинларнинг костёли, унинг ёнидаги узун тош бино — монастырь, у ерда ўз умрларини ибодат билан ўтказишга ва муқаддас китобларни кўчириб ёзишга бахш этган лотин монахлари туради.

— Мен бу ердаги лотин шомонларининг қандай ибодат қилишини кўрмоқчиман. Айт, улар ўз қўшигини айтсин!— деди-да, Ботухон отининг бошини костёл эшиги томон бурди.

Қора дубдан ясалган баланд эшиклар ланг очик эди. Эшикнинг ҳар бир табақасини авлиёларнинг ўйиб ишланган расмлари безаб турарди. Ботухон эшикдан кириши билан деворга чизилган катта расм олдида отини бир нафас тўхтатиб турди.

— Бу расмда тасвирланган кишилар қанақа одамлар ўзи?

— Бу «маҳшаргоҳ»,— деб тушунтирди тилмоч.—

Бу ерда қиёмат қойим бўлганда ўликларнинг гўрдан туриб келиши кўрсатилган. Улар худонинг ҳузурига келади, ҳокими мутлақ бўлган худо ҳар кимнинг тирикликда қилган гуноҳига қараб унга ҳукм чиқаради...

— Анови думи бор, шохи бор, башараси ўзгариб кетган ва пастга қараб шўнғиб бораётган одам ким?

— У ёвузлик худоси, у кишиларни ёмонликка — гуноҳ ишларга бошлайди. Лахлар бундай руҳларни «дьябли», яъни «иблис» деб атайди...

— Лахлар бундай иблисларга ҳам сажда қилдими?

— Йўқ, уларга сажда қилмайди, лекин улардан қўрқади.

— Яхшиси, биздан қўрқсин улар! — деди яқинлашиб келган Ҳрдухон. — Қуллар ўз хўжаларидан қўрқиши керак.

Ботухон костёл ичида икки қатор тизиб қўйилган скамейкалар орасидан ўтди. Мўғул отларининг туёқлари ерга териб қўйилган тош тахталар устида қаттиқ тарақлади. Ботухон меҳроб олдида тўхтаб, бутларда кимларнинг сурати тасвирланганини, меҳроб олдидаги минбарда турган бўёқли ҳайкал қандай хотиннинг ҳайкали эканини, нима учун у гул, маржон ва ленталар тақиб олганини билмоқчи бўлди. У биби Марямнинг ҳайкали эканини билгандан кейин, яна савол берди:

— Ҳофизлар қаёқда? Ибодатхона ходимлари, монахлар қани? Нима учун шу вақтгача келиб мени қарши олмайдилар ва менга қасида ўқиб бермайдилар? Чақиринглар бу ёққа уларни.

Шундан кейин Ботухон отидан тушиб, устига яшил духоба қопланган кенг ўймакор креслога чиқиб, чорда на қуриб ўтирди. Илгари бу креслода ибодат вақтларида сандомир саркардаси ўтирарди.

Навкарлар Ботухоннинг буйруғини бажо келтирмоқ учун югуриб кетди ва кўп ўтмай узун чопон кийган, қўлида суяк тасбеҳи бор кекса бир руҳонийни судраб келишди. Чолнинг юзида қўрқувдан асар йўқ эди. У Ботухоннинг олдида аранг юриб келиб тўхтади ва яқиндан кўрадиган кўзларини даҳшатли татар ҳукмдорининг юзига тикиб қаради.

— Айтгин-чи, чол, қаёқда сенинг шомонларинг? Нега улар бекиниб олишди?

Чол кўзларини кўкка тикиб, шошилмай чўқинди.

— Ибодатхонамиздаги ҳамма биродарларимизнинг жонини жаноби ҳақ ўз ҳузурига чорлади. Улар Исо динининг душманларига қарши жасорат билан урушдилар ва бизнинг бахтсиз шаҳримизнинг қўрғони устида ҳалок бўлдилар, сизнинг шафқатсиз аскарларингиз уларни қириб ташлади. Бу ибодатхонага қараб туриш ва ҳалок бўлган биродарларимга дуойи-фотиҳа қилиш учун ёлғиз мен тирик қолдим.

— Мен бундай ботир душманларни тақдирлайман. Ҳожи Раҳим! Қаёқда Ҳожи Раҳим?

Кресло орқасида турган Ботухон мулозимлари тўпидан тарихчи-донишманд Ҳожи Раҳим чиқиб келди, у бошига оппоқ салла ўраган, эгнига узун қора чопон кийиб, қалами бўз белбоғ билан белини боғлаб олган эди. У қурол-яроғ билан ялтираб турган Ботухон сафдошлари орасида ўзининг камтарлиги ва фақирона қиёфаси билан кўзга чалиниб турарди.

— Ҳурматли устозим! Мана шу лотин ибодатхонаси тўғрисида ва қўрғон устида ҳалок бўлган унинг шомонлари тўғрисида суриштириб билинг. Менинг сафар китобимдан ҳеч бир нарса унутилмаслиги ва тушиб қолмаслиги лозим.

— Амрингизга қуллуқ, буюк хон ҳазратлари! Фақат диққатга сазовор бир нарса тўғрисида бир-икки калима сўз айтишга ижозат беринг: муборак кўнглингизга лаҳлар худосига ибодат вақтида ўқиладиган қасидаларни эшитиш иштиёқи тушганга ўхшайди. Лекин ўқийдиган ҳеч ким қолмабди. Мен мана шу ёнимиздаги майдонда шаҳарма-шаҳар юриб, қўшиқ айтадиган бир қўшиқчини кўрдим. У хўп калтакланиб қийналган, юзидан қони оқиб турибди. Шундай бўлса ҳам у тўдаланган тошнинг устида гердайиб туриб, қўрқмай ашуласини бемалол айтяпти. Бизнинг жангчилар уни чопиб ташлармикин, чунки у жуда ботир экан...

Ботухон ўзининг хос қўриқчиларидан бирига:

— Майдондан ўша қўшиқчини олиб кел!— деди.

Кўп ўтмай ҳалиги турғовут, оқ сариқ сочи елкасига тушиб турган фақирона кийимли бир йигитни қўлидан етаклаб олиб келди. Йигит бир қўлида чолғу тутиб, яна бир қўлидаги рўмолча билан бошини ушлаб келарди. Юзидан қип-қизил қон оқар, татарлар эшигини аллақачон тортиб олган бўлса керак, кенг чалворининг почасини шалвиратиб яланг оёқ турарди. Қўшиқчи йигит

ғұлдираб қарғар, кўкиш кўзларини тикиб, қовоғини солиб қарарди.

Ботухон яқинроқда турган Дудага қараб қўшиқчидан гап сўрашни буюрди.

Шундан кейин Дуда йигитдан гап сўради:

— Бизга айтишларига қараганда сен, майдонда туриб гуноҳқорона ашулалар айтибсан, сандомир аҳлини қаттиқ қарши туришга ундабсан. Шу гап тўғрими?

— Рост, мен шундай қилдим, агар омон бўлсам қўшиқлар билан яна халқимни ўз озодлиги учун курашишга ундайвераман. Лекин мен бундай қўшиқларни, ҳаттоки, бизнинг обод ватанимизни вайрон қилиш учун келган татар ҳукмдорининг олдида айтишдан ҳам ҳайиқмайман.

— Мана шунинг учун ҳам бизнинг шонли Сайинхон ҳазратлари сени чақиртиб келдилар.

Қўшиқчи қаддини ростлади ва индамай ўтирган Ботухонга гумонсираб қаради. Хоннинг юзи тошдек совуқ эди, шунинг учун ковакдек тор, қисик кўзли, ҳар ишга қодир бу йўлбошчининг нима фикр ва қандай хаёл суриб турганини ҳеч ким билолмасди.

— Гарчи менга энг оғир жазо берилса ҳам, бу таклифни бажаришдан қўрқмайман!

Тилмоч, хоннинг айтадиган ҳукмини ўйлаб топишга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ, балки сенга жазо эмас, мукофот берилар, деб тушунтирди.

— Айтсин қўшиғини!— деди Ботухон.

Шундан кейин ашулачи қонга буланган рўмолчани ташлаб, чолғу торларини созлади-да, бўғиқ, лекин дард билан тўлиб-тошган овоз-ла ашула бошлади, тақводор Дуда эса уни секин таржима қилиб турди:

Йиғлайди қишлоқлар, элу юртга аза очдик, дер!
Кул бўлди устухон! Емон, дейди, бизга кулфат дер!
Қизларимиз мева териб ўрмонларга боролмас,
Подачилар мол ҳайдашиб дала-тошга чиқолмас.

Емон, дейди, бизга кулфат дер!

Татарвойлар от чопишиб ошлиқларни бостирди,
Қизчаларни асир олиб, йигитларни чоптирди,

Емон, дейди, бизга кулфат дер!

— Бўйсунмаган халқни шундай қилиш керак-да!— деди Ботухон. — Уруш деган шундай бўлади!

Қабиҳ Боту мижжа қоқмас тунларда!..

Дуданинг тили гўлдираб қолди, бироқ Ботухон бир ўқрайиб қараб эди, яна тез-тез таржима қилаверди:

— Нега Боту, ухламайсан, нега тинчиб ётмайсан?

Дейди Боту: «Киши қонин қона-қона ичгайман...»

Емон, дейди, бизга кулфат дер!

Ҳаромтомоқ мажусийга... Эл қийновчи золимга...

Дуда тўхтаб қолди, лекин унинг кутганига қарши Ботухон, мамнун бўлиб қолган бўлса керакки:

— Буюк ҳукмдор шундай қаттиққўл бўлиши керак-да,— деб юборди.

Дейдиларким, одам гўштин итлар билан қашқир ер,

Гўрдан чиқиб одам қонин сўргувчини симён¹ дер,

Елкасига -қозиқ қоқиб, симёнларни ҳайдаймиз,

Итлар билан қашқирларни таёқ билан «сийлаймиз!»

Ботухон жуда диққат билан қулоқ солиб, ашуланинг ҳаракатига қараб ўтирар ва тоқатсизланиб таржима қилиб беришни талаб қиларди.

Емон бўлур, ёмон бўлур бизниг ёвуз душманга!

Қишлоқларни қуриб олиб, дон сепамиз ерларга!

Жасадидан ёвимизнинг кўприк солиб дарёга,

Хонзодалар бошларини кесиб қадаймиз дорга.

Қабристонда, гўр ичида ётгайсиз тўп-тўп бўлиб!

Уйғон ватан, қўзғал халқим, куч-қудратинг кўрсатиб!

Қўзғал ватан, биродарлар, тозалаб оч йўлингни,

Бир ёқадан бош чиқариб, уриб ҳайда ёвингни!

Ботухон ашулага сир бой бермай вазминлик билан қулоқ солиб ўтирди. Қўшиқчи дармонсизланиб, қўшиқни бирдан тўхтатди-да, гандираклаб кетди, тиззалари букилиб тик туролмаб қолди. Оғзидан қон чиқиб, энгагидан оқиб тушди. Қўлидан ерга тушиб кетган чолғу зорлангандек жаранглади.

¹ Симён — афсоналарга кўра жинлардан бири бўлиб, болаларга тегиб беҳуш қилиб кетармиш, уларнинг қонини сўриб, руҳини ўғирлармиш. (Тарж.)

Шундан кейин Дуда ўрнидан туриб қўшиқчини суяб олди-да, уни тош тахталар устига ётқизиб қўйди.

Ботухон бир четда хаёлга чўмиб турган Ҳожи Раҳимга аста бурилиб қаради.

— Бунга нима дейсиз, донишманд устоз?

Ҳожи Раҳим дарҳол Ботухоннинг ёнига келиб энгашди-да, унинг қулоғига алланималар деб шивирлади.

Ботухон унга чийиллаган товуш билан гапирди:

— Сиз дарвешсиз ва ҳар вақт, ел учирган пардек, тентираган дарвешлигингизча қолаверасиз. Бизнинг мўғулларнинг улуғ жирчиси ҳам мана шундай яхши ва қўрқмай қўшиқ айтади, лекин бу йигит уялмай-нетмай жаҳонни ларзага солган улуғ Соҳибқироннинг ўғилларини айблаб, ҳақорат қилди... Шунинг учун мукофотлаш керакми? Отни олиб кел!

Шу кунни кечқурун ибодатхона ёнидаги монастырнинг торгина бир ҳужрасида Ҳожи Раҳим липиллаб турган жинчиноқ ёруғида ўзининг «Йўл хотиралари» китоби устига энгашиб бундай сўзларни ёзди:

«Даҳшатли татарлар босиб олган лахларнинг Сандмир шаҳарида ғолиб Сайинхон, ўз одатича олижаноблик кўрсатиб, ибодатхона ичида жасоратли ёш бир қўшиқчининг қўшиқларини тинглади, ашулачи унинг олдида лахларни ўз ватанларини мудофаа қилишга мардонавор туриб чақирди.

Шундан кейин жаҳонгир меҳдан бу қўшиқчини нима билан мукофотлаш керак деб сўради. Мен унга:

— Искандари Зулқарнайнинг одатига мувофиқ иш қилинг. Сиз лахларнинг ерини олдингиз, энди ўзингизнинг янги фуқароларингиз кўнглини овлашга ҳаракат қилишингиз керак, бу қўшиқчига устингиздаги қимматбаҳо тўнлардан бирини ҳадя қилинг. Шунда лахларнинг цевара-чевараларигача ҳикоя ва дostonларида сизнинг бу улуғ саховатингизни ҳайрон-ҳайрон қолиб айтиб юрадилар, деб жавоб бердим.

Шу гапни айтганда мен: «Ботухоннинг давлати битта тўн билан камайиб қолармиди, ахир, у маҳкум халқларнинг босиб олинган пойтахтларидан тизилган қимматбаҳо тошлар шодасига яна битта зумрад қўшди-ку», деб ўйлаган эдим.

Балки, қўшиқчи бўлажак бир ҳақиқатни олдиндан айтгандир?.. Эҳтимол асрлар ўтар ва шамол тутунни олиб кетгандек, оламда кўп халқларнинг ному нишони

қолмай ўчиб кетар. Келажакни қим биледи? Лекин буюк фотиҳ Ботухоннинг, ўз юртини ҳаётидан ортиқ севган бир қўшиқчига ўз устидаги қимматбаҳо тўнни ечиб, унинг устига ёнгани кўп асрлар тилларда дoston бўлиб юрар эди. Аммо Ботухон бундай қилмади-да, қўшиқчини ўлимга ҳукм қилди, шундан кейин қўшиқчи лах ибодатхонасининг тош тахталари устида нафас олмай ёлғиз ётаверди».

(Ҳожи Раҳим «Йўл хотиралари»дан)

«Ботухоннинг буйруғига мувофиқ унинг «магриб мамлакатлари»ни босиб олиш учун қилган бу фавқулodда сафарини мумкин қадар муфассалроқ ёзмақ учун мен олдимга олиб келишган асирлардан тинмай суриштириб тураман, улар ўз мамлакатлари ҳақида, унинг ҳаёти ҳақида, аҳолининг хулқ-атвори ҳақида гапириб беришади, шундай қилиб, уларнинг гапларидан, татарларнинг босиб келишига қарши ўша мамлакатлар халқлари бепарво қараб, ҳеч бир тайёрлик кўрмаганларини билиб ҳайрон қолдим. Осиёлик қўшинларнинг шунча олис жойдан бу ерларга етиб келишига ва уларнинг шунчалик кучли эканига можорларнинг биттаси ҳам ишонмабди. Асирлар билан бўладиган бу суҳбатларда араб элчисининг мирзаси «Тақводор» деб аталган Дуда менга жуда кўп ёрдам қилмоқда. Унинг кўп тилларни билиши қизиқ: олиб келинган асирнинг гапини дарров тушунадими-ю, уни менга айтиб беради. Бу суҳбатлардан мен жуда кўп нарсаларни билиб олдим, мен уларни «Йўл хотиралари»мга киритишга ҳаракат қиламан.

Улган Пайдархоннинг аскарлари Лах қироллигини, Силезия ва Моравияни талаб, вайрон қилиб юрган вақтида, Ботухон ўз қўшинларини серўрмон Қарпат тоғлари томон бошлаб, у ердан можорлар мамлакатига босиб кирмоқчи бўлди.

Бу орада Галицкий князи Даниил Киевдан чиқиб можор пойтахти Будага келди, у бу ерда можор қироли Белага йўлиқди. Даниил қиролга ялиниб татарларга қарши биргаликда курашмоқ учун ўрисларнинг ҳарбий кучлари билан мумкин қадар тезроқ бирлашишни ва дармонсизланиб қолган ўрис ерларига ёрдам қилмоқ учун ўз аскарларини тезроқ юборишни илтимос қилди.

Гарчи қирол Бела кучли душманнинг келаётганидан жуда ташвишланган бўлса ҳам, лекин у, мўғулларнинг

чиндан ҳам ўз дўқларини амалга ошириб, **тезда** можор чегараларида пайдо бўлиб қолишларига ишона олмасди. Шунинг учун ҳам у можор ва куманлардан тузилган бир неча тўдани тоғ йўлларини қараб туриш учун Қарпат тоғларига юбориш билангина кифояланди ва уларга дарахт кесиб тоғ йўлларига уйишни, шу билан йўлни тўсиб қўйишни буюрди, холос.

Можор мамлакатига босиб келаётган даҳшатли хавф тўғрисида фақат битта Қўтанхон жон куйдириб гапирди, лекин Беланинг яқинлари унга ишонишмади ва у «қиролнинг кўнглини ўзига ром қилмоқчи» ва «қиролнинг ўнг қўли бўлиб олмоқчи» деган гапларни тарқатишди. Бироқ Қўтанхон ҳаммадан кўра узоқни кўради-ганроқ эди».

Тўртинчи боб

МОЖОРЛАР ЮРТИДА

Киевнинг вайрон бўлиши, ваҳший татар қўшинлари тарафидан тўздириб юборилган кўп рус князликларининг даҳшатли аҳволи ҳақида дастлабки қўрқинчли хабарлар можорлар юртида 1240 йил охирларида эшитилди. Бу хабарлар Можор, Польша, Богемия қиролликлари ва бошқа Марказий Европа давлатлари ҳукмдорларини ўзларининг ҳам бошларига мана шундай ёки бундан ҳам баттароқ даҳшатли кунлар тушиб қолиш эҳтимоли борлиги тўғрисида ўйлашга мажбур қилди. Ярим миллион келаётган ёввойи суворилар Осиёнинг номаълум узоқ жойларидан чиқиб келган, ҳозир можор чегараларига яқинлашиб қолган эмиш, улар ўзларининг тинмай ғалаба қозонишларидан руҳланган ва ўзларининг жуда кўп аскарларини бир ердан иккинчи ерга тез етказиб келишга усталиклари билан жуда ҳам хавфли эмиш, уларнинг аскарлари ҳеч қандай қийинчиликлардан ва тўсқинликлардан қўрқмас эмиш, шунинг учун уларни тўсмоқчи бўлган Европанинг ҳар қандай аскарини мағлуб қила олар эмиш деган овозалар оғиздан оғизга кўчиб юрди.

Бепарво кишилар ўзларига тасалли бериб:

— Татарлар рус князликларини босиб олиб, шунчалик кўп жойни қўлга киргиздиларки, бу билан улар тўйиб қолди ва бундан нари юриш қилмайди,— дейишарди.

Уша замон католик тарихчиси Далмациядаги Спалато шаҳридан чиққан монах Фома можор қироллигининг тақдири ҳақида қайғуриб бундай деб ёзган эди: «Кейинги йилларда мамлакатда ҳукм сурган маъмурчилик ва осойишталик можорларни бепарво қилиб қўйди. Улар ўз истиқболлари учун қайғуришни тамоман унутиб қўйдилар ва ўз ватанларини мустаҳкамлаш ва мудофаа қилиш тўғрисида ҳеч қандай чора кўрмай қўйдилар». Тарихчи, можор зодагонларини тантиқликда жуда қаттиқ айблаб: «Олий табақага мансуб йигитлар тушгача ухлашади, ундан кейин кўпроқ хотинларга муносиб зебу зийнатли кийимларни кийиб, ўз вақтларини бемаъни ўйин-кулги билан ўтказишади. Улар фалокат босиб келаётгани тўғрисидаги даҳшатли хабарларни масхара қилишади ва бирор душман аскарни босиб келиш эҳтимоли борлигига енгилтаклик билан қараб, ишонгилари келмайди. Улар, бу гаплар моҳахлар билан руҳонийларнинг черковга қатнайдиган кишиларни ихлос билан ибодат қилиш ва кўп-кўп садақа беришга мажбур қилиш мақсадида ўйлаб чиқарган бекорчи ҳийлалари деб айтишади» деб ёзган эди.

Можор руҳонийларидан бири 1240 йил охирида «худонинг бу даҳшатли офати» ҳақида Париж бош руҳонийсига муфассал маълумот юборди, унда бу «офат»нинг ҳозирча рус дарёси Днепр устида тургани, лекин унинг баъзи қисмлари можор қироллиги чегараларига келиб қолгани айтилган эди.

Аҳвол шундай бўла туриб, табиий маъмурчиликда яшаган можорлар юртида яхши уюштирилган мунтазам қўшин ва мамлакатда жорий қилинган мустаҳкам тартиб йўқ эди: шунинг учун ҳам ҳар жой-ҳар жойда ўзаро урушлар ва тўқнашувлар бўлиб турарди. Мамлакатнинг эҳтиёжини таъминлаб турувчилар, оддий меҳнаткаш можор деҳқонлари оқсуяклар тарафидан эзилган бўлиб, улар норозигина бўлмай, ўзларини асоратда тутувчи заминдорларга қарши ҳаддан ташқари ғазабнок ҳам эдилар. Улар шу нарсани эсларидан чиқара олмас эдиларки, бир вақтлар уларнинг ота-боболари эркин кишилар бўлиб, мана шу экин ерлари у вақтларда шуларнинг хусусий мулки эди, фақат XIII асрнинг бошида қиролнинг фармойишига мувофиқ ҳамма деҳқонлар крепостной деб эълон қилинди, уларнинг экиб юрган ерлари эса кўпчилиги Саксониядан келган немислардан

иборат атоқли мансабдор помешчикларники деб танилди. Бутун мамлакат жуда кўп майда феодал хўжаликларга бўлиниб кетган эди. Қалондимоғ янги хўжайинлар мазлум деҳқонлар ғазабланган вақтида ўз мамлакатларини ҳар қандай душман ҳужумига қарши мудофаасиз қилиб қўйдилар. Бундан ташқари, олий табақа помешчиклар ўзларини мамлакатнинг энг катта ҳокимлари ҳисоблаб, ҳар хил йўллар билан қирол Беланинг ҳукуматини чеклаб қўйдилар, йиғилишларда унга қарши сўзладилар ва унинг ерсиз камбағал деҳқонларга йўл қўйиш ва енгиллик бериш тадбирларига бутунлай тўсқинлик қилдилар.

Бешинчи боб

ПУШТА

Утган асрда яшаган венгер шоирларидан бири, татар суворилари билан можор қўшинлари ўртасида дастлабки тўқнашув юз берган текис дашт, пуштани бундай тасвирлаган эди:

«Поёнсиз дашту саҳро бўлган пуштада даҳшатли бўронлар ҳукм суради, бу бўронлар қишда қорларни юзга олиб келиб урса, ёзда қумни учириб кўзга тўқади, бу бўронлар шундай кучли бўладики, ҳатто баъзан йўлда кетаётган йўловчини улоқтириб юборади. Пуштани подачилар билан кўчманчилар яхши кўради, лекин у шаҳар аҳлига завқсиздай кўринади. Пуштанинг ҳамма жойидаги чорва моллар сон-саноқсиз қудуқлардан сув ичади. Одатда қудуқлар қумлоқ тупроқдан кавланган тераң чуқурдан иборат бўлиб, атрофларига пастак девор урилган бўлади. Қудуқ сувининг бетида қалқиб юрадиган ёғоч пақир узун ёғочнинг бир учига боғланган бўлиб, бу ёғочнинг иккинчи учи босма ёғочнинг учига суриладиган қилиб боғлаб қўйилган бўлади. Бу босма ёғоч ҳам ерга кўмилган узун бир устуннинг бошига боғлаб қўйилган бўлади. Қудуқ ёнида иккита узун ошлов бўлиб, бири баландроқ, иккинчиси пастроқ туради. Қудуқдан босма билан тортиб олинган сув узун ёғоч охурларга қўйилиб, баландроқ қўйилганидан йилқиларни, пастроғидан ушоқ молларни суғоришади.

Қудуқларнинг яқинида «исталло» деб аталадиган усти ёпиқ шийпон-молқўра бўлиб, унинг ёнида усти очиқ, тевараги ихота қилинган қўтан бўлади, бунга «акол» деб аталади.

Ҳамма ёқ бепоён дала. Онда-сонда баланд ўсган кунгабоқар пайкали кўринади. Ботқоқликлар ва қамиш тўқайлари тез-тез учраб туради, буларда қашқирлар кўп бўлади. Баъзи ерларда якка-якка оддий қўрғонлар кўринади, уларни бароқ жунли кўппак итлар қўриб юради. Бу ерларда, атрофига пичан ва похоллардан баланд-баланд гарамлар уйилган бир неча мўъжаз бинолар бор, холос.

Татарлар ва ундан кейин XV асрда усмонли турклар бу ерларни истило қилиб, бутун биноларни куйдириб вайрон қилганларидан кейин мижор қишлоқлари яна кўп замонагача тўп-тўп ертаги уялар ва чолдевор кулбалигича ётаверди. Бу кулбаларда нодонлик ва фақирлик ботқоғига ботган чувринди, бахтсиз деҳқонлар кўринарди».

Бошқа бир мижор шоири пуштани мана бундай деб тасвирлаган эди:

«Мен яна ўз туғилиб ўсган юртимни кўряпман. Мен саҳролардан ўтиб келдим, бу саҳроларни, ўз боласини эркалаб аллалаётган онанинг қўлларидек Тисса ва Дунай қўллари меҳр билан ўз қучоғига олган. Бу поёнсиз саҳро орқали йўл ўтади. Даҳшатли жазирама иссиқ. Шунинг учун моллар кўм-кўк майсазорларда ўтламай, ҳарсиллаб дам олиб ётибди. Қўтаннинг ёнида кигиз чакмон кийган подачи мудрамоқда. Итларнинг ҳам иссиқдан тинкаси қуриб ётар, ҳаттоки ўткинчиларга қараб ҳам қўймасди.

Мана шу ерда, тор сойнинг ичида бир ўзан чўзилиб ётибди. Унинг оқиши ҳам билинмайди. Фақат ўзан устидан бўлиқчи қушлар учиб қанотлари сувга тегиб ўтгандагина, ўзан сувлари шопиллаб сачрайди. Ўзанга қуйиладиган сувларнинг буралиб-буралиб оқиши жуда ҳам гўзал, тагидаги сариқ қумда чипор зулуклар галалашиб юради ва сув қўнғизлари тинмай чопишади.

Ана, узоқда, бир қудуқнинг баланд босмаси турибди. Унинг бу ғамгин туриши бир вақтлар шу жойда қудуқ бўлгани ва унинг аллақачонлар тўлиб қолганидан дарак бермоқда. Ҳозир бу қудуқнинг ўрнида ўт босиб кетган бир чуқур қолган; холос.

Гўё бу якка босма узоқда кўринган хаёлий бир саробга қараб тургандек кўринади. У томонда бу нимани кўряпти? Қишилар тарк этиб кетган, уйқуга чўмган, бундай жимжит бўшлиқда ташландиқ узун босма ёнида дам олиш учун ялпайиб ётган якка йўлчининг тушига нималар кирмайди!»

Олтинчи боб

ЭГИЗАК ШАҲАРЛАР

Можорлар мамлакатидан ўтган бир йўловчи кўрганларидан олган таассуротларни ўз мактубларида ёзган эди. Мана унинг можор пойтахти Буда ва унинг эгизаги Пешт шаҳарларини тасвирлаган сатрлари:

«Ўрталаридан тинчоқар Дунай дарёси кесиб ўтадиган бу икки шаҳар қадимдан бир-бирига қарама-қарши туради. Муз оқадиган вақтларда ёки баҳорги тошқин кезларида бу шаҳарлар ўртасидаги алоқа бутунлай узилиб қолади. Бошқа вақтларда уларни қишда дарёнинг музи, ёзда эса катта қайиқлар устига қурилган кўприк бирлаштириб туради; бу қайиқлар бир-бирига йўғон арқонлар билан маташтирилиб, икки тараф қирғоққа кўмилган катта қозиқларга боғлаб қўйилади. Кўприк шунчалик кенги, қарши келиб қолган икки арава, ҳаттоки пичан ортган икки арава ҳам унинг устидан бир-бирига тўқнашмасдан бемалол ўтиб кета олади.

Шаҳарларнинг ҳар бири — Буда ҳам, Пешт ҳам кунгурали кўрғон ва чуқур ҳандак билан ихота қилинган. Шаҳарга, ҳандаклар устига қурилган иккита кўтарма кўприк орқалигина кириш мумкин бўлиб, бу кўприклар кечалари занжирлар билан кўтариб қўйилади. Шаҳарнинг темир қопланган оғир, мустаҳкам дарвозаларини пўлат совут кийган қуролли соқчилар қўриқлаб туради. Бундан пойтахтга гўё ҳеч қандай ёв босиб кира олмайдигандек кўринади.

Буда Дунай дарёсининг ғарбий қирғоғига жойлашган бўлиб, Пешт шарқий қирғоғида эди. Мана шу ердан пушта деб аталадиган саҳро бошланади. У қум тепаликлари кўп воҳадан иборат бўлиб, бора-бора кенг даштга айланиб кетади, даштда эса баланд-баланд ўтлар, қа-

мишзор тўқайлар ва майда буталар ҳамма ёқни қоплаб туради.

Пуштада машҳур чопоғон можор йилқилари уюр-уюр бўлиб ёйилиб юради ва уларнинг, «Эсиз ўтган замон-э» деб бошланадиган ашулаларида айтилганидек, можорларнинг аждодлари (хунлар) шу отларга миниб, ўт-лава оқимидек Европа қиролликлари, герцоглари ва бошқа феодал ҳукмдорликлари ерларига ҳужум қилган ва «оллоҳнинг иродаси» уларни ўз бепоён тинч саҳроларига қайтариб келгунча улар ҳамма ёққа даҳшат ва паришонлик солиб турган эдилар.

Буда ҳар ер-ҳар ерида қоровул миноралари бор кунгирали азамат бир қўрғон билан иҳота қилинган. Шаҳарнинг ўртасида қоя тошли бир тепалик бўлиб, унинг ҳамма ёғига сарой бинолари қурилган. Қирол саройи ҳам ўртасида баланд минораси бор бир қалъага ўхшайди, бу қалъа тепасида ҳар вақт атрофни диққат билан назорат қилиб турадиган қоровуллар юриб туради.

Будадаги айрим уйлар ҳам кичкина қалъага ўхшайди. Кўчалар тор ва эгри-бугри бўлиб, тунларда ҳар ер-ҳар ерига кўндаланг занжир тортиб қўйилади. Уйларнинг кўча тарафга қараган даричалари торгина бўлиб, қўрғоннинг ўқ отиш тешикларига ўхшайди.

Мана бу эҳтиёт чораларнинг ҳаммаси махфий бир исён бўлиб қолиш эҳтимоли ва тўсатдан ҳужум қилиб қолиш хавфи борлигидан ташвиш тортиб юришдан дарак беради. Қиролга ҳар тарафдан хавф туғилиб турарди: шаҳарнинг ичидан ҳам, шаҳарнинг сиртидан ҳам, Буда теварагидаги калондимоғ оқсуякларнинг феодал қўрғонларидан ҳам хавф бор эди, унда ҳар бир барон, граф ёки герцог ўзининг герман қироллари ва ажнабий олий аслзодаларига қариндош эканлиги билан мақтанишарди. Улар можор қироллигида ҳукмронлик ва алоҳида мавқе эгаллаб, шунинг учун уларнинг ҳаммаси ҳам ўзини қирол тахтини эгаллашга ҳақли деб ҳисобларди.

Елғиз можор деҳқонларигина ҳамма ва ҳар қандай ҳуқуқлардан, ҳаттоки бир парча ерли бўлишдан ҳам маҳрум эди. Улар қуроол сақлашга ва тутишга ҳам ҳақсиз эди. Бироқ ҳар вақт шундай бўлиб келган эмас: ярим аср илгари булар эркин эдилар. Ҳозир бўлса, ерларни Германия, Силезия, Семиград ва бошқа жойлардан гўёки мамлакатда мустаҳкам давлат ҳокимияти ўрнатиш ва

қирол тахтини муҳофизат қилиш учун келган оқсуяклар эгаллаб олган эди. Бундай аҳволда қиролнинг ҳукмдорлик ҳуқуқи жуда сиқилган ва кесиб қўйилган бўлиб, у мамлакатнинг атоқли кишиларидан тузилган кенгашнинг қўлига қарам эди.

Қирол Бела, Қўтанхоннинг можор қироллиги ерларига куманларнинг кўчиб келишларига ижозат берилганлиги учун ташаккур ва миннатдорлик билдириб ёзган хатини олгандан кейин, у олий қироллик кенгаши аъзоларини чақирди. Мана шу кенгашда, тарихда «Нотарий» номи билан машҳур бўлган сарой тарихчиси ҳам қатнашди. У «солнома» тузар ва ўша замонда юз берган муҳим воқеаларни ёзиб борарди. Бу кишининг чинакам исми номаълумлигича қолаверди, аммо унинг ёзган тарихи «Муаллифсиз солнома» номи билан мана шу кунгача сақланиб келди. Мана шу китобдан, кейинги баъзи воқеаларнинг тафсилотини топиш мумкин.

Бела олий кенгашга Куман хони Қўтанхоннинг яқинда ўз қўшинлари билан етиб келиши ҳақида маълумот берди. Австрия герцоги Фридрих бошчилигидаги кенгашнинг бутун аъзолари қирол Белани, можор халқининг душмани ҳисобланган шунчалик кўп куман қўшинларини мамлакатга киришига розилик бергани учун уни айблаб, таъна қилишди.

Еттинчи боб

ҚУТАНХОННИНГ УЛИМИ

Ўз халқининг ҳаётида жуда кўп марта оғир кулфат ва бахтсизликларни кўрган Қўтанхон, тақдирнинг даҳшатли зарбасига яна бир марта дучор бўлди. Ўзи учун ҳам, руслар учун ҳам оғир мусибат бўлган Калка дарёси бўйидаги жангдан кейин ва даштда татарлар билан ўн етти йил мобайнида узлуксиз олишгандан кейин Қўтанхон можор юртида ўзи учун ҳам, ўз халқи учун ҳам осойишта бир ҳаёт топарман деб умид қилган эди. У олдинроқ Белага элчилар юборди ва қирқ минг ўтовдан иборат бутун куман халқини ўз фуқароси қилиб қабул қилишни ва уларнинг Пуштага кўчиб бориб жойлашишларига ижозат беришни илтимос қилди.

Бу хабарни олгандан кейин қирол Бела хурсанд бўлди, хусусан Қўтанхоннинг можор қироллиги ерига кў-

чиб бориб муқим туришга ижозат беришни илтимос қилгани, қиролга ва ўзининг янги ватани бўлган можор ерларига содиқ муҳофизатчи бўлишга ваъда бергани жиҳатдан қувонди.

Шундай қилиб қипчоқ халқи «куманлар», Карпат тоғларининг жанубий Трансильвания тармоқларидан ўтиб, можор саҳроларига етиб келди. Улар уюр-уюр йил-қилари ва пода-пода моллари билан бепоён саҳрога тарқалиб кетди.

Тўла итоат қилиш ва христиан динига кириш шarti билан куманларни бажону дил фуқароликка қабул қилишдан қиролнинг яширин мақсадлари ҳам бор эди: бунда у биринчидан, рим папасининг янги диндорлар — католикларга эга бўлишни, иккинчидан, ўз қўшини учун бу тажрибақор суворилардан кучли отлиқ қўшин тузишни, учинчидан, шахсан ўзи учун куманлардан гвардия, яъни ўзининг қироллик тахтини ҳар хил қасдлардан сақлаш учун ишончли шахсий сарбозлар тўдаси тузишни кўзлар эди.

Бундан ташқари, Бела татарлар билан бўладиган урушларда куманларнинг ажралмас қадрли иттифоқчи бўлишларига ишонарди, чунки куманлар татарларнинг уруш усуллари ва ҳийлаларини жуда яхши билиб олган эдилар.

Бела ўзининг можор деҳқонларидан ишончли аскар чиқишига кўзи етмасди, бунинг асосий сабаби шу эдики, ҳукмдор ер эгаларининг зулми остида эзилган ва шу билан бирга ўша вақтларда ҳуқуқсиз крепостной-қуллик ҳолатидаги можор деҳқонлари ўзларини эзувчи хўжайинларини жуда ҳам ёмон кўрардилар. Шунинг учун қўлларига қурол теккандан кейин улар ҳаммадан олдин қуролни албатта ўз хўжайинларига қаратсалар керак, деб ўйларди қирол.

Шуниси ҳам борки, қирол Бела Қўтанхонни ўз фуқароси қилиб қабул қилишга рози бўлиши Ботухоннинг унга уруш эълон қилиш сабабларидан бири эди, чунки Бела татарларнинг қон-қардоши бўлган бир халқни ўзига иттифоқчи қилиб қабул қилган эди, шунинг учун Ботухон унга мўғул элчилари юбориб, Қўтанхонни уруғаймоқлари билан жазолаш учун ўзига тутиб беришни талаб қилди.

Бу орада Қўтанхон ўз ўғиллари билан можор пойтахти Будага етиб келди ва Бела тарафидан жуда сами-

мий кутиб олинди. Қўтанхон қиролни муқаррар хавф тўғрисида огоҳлантириб қўйди; чунки куманларнинг кетидан Ботухон қўл остидаги татар қўшинлари босиб келмоқда эди.

Қўтанхон қирол ҳузурида куманларнинг ўзларини қирол паноҳига ва унинг ҳукмига бутунлай топширишларини ҳамда унинг қўшинлари билан бир сафда туриб жанг қилишларини яна бир марта таъкидлади.

Бироқ, можор қироллиги еридаги атоқли заминдорлар куманларга ишончсиз ва ҳаттоки душман деб қарадилар, улар оддий халқни ҳам куманларга қарши кўтаришга тиришдилар. Улар:

«Бу эл, ўзининг қўполлиги, кўчманчилик одатлари билан тинч халқдан кўра кўпроқ душманларимизнинг илғор тўдаларига ўхшайди. Уларга ишонманглар! Булар татар айғоқчилари! Улар бизга муҳофизатчи бўлмайди, бизга хиёнат қилади!» дерди.

Шундан кейин бутун мамлакатга ёйилган келгиндилар билан ерли аҳоли ўртасида тез-тез жанжаллар чиқиб турди. Ҳатто қирол ва унинг яқинлари ҳамма жанжалларда доим куманларни оқлаб, уларнинг тарафини олиб туради, деган овозалар ҳам чиқди.

Мана шу серташвиш машъум йилда, даҳшатли татар қўшинлари кундан-кунга яқинроқ келаётган ва давлатнинг бутун кучлари бирлашиши ҳамда кўкрак кериб душманни даф қилишга тайёргарлик кўриши лозим бўлган бир вақтда бу низо ва жанжаллар мамлакатнинг бошига бир ҳалокат бўлиб тушди.

Атоқли амалдорлар Қўтанхонни албатта татарларга тутиб бериш ва бутун куманларни можорлар юртидан ҳайдаб чиқаришни талаб қилаверди. Бунинг устига, улар Ботухон жадал келаётганини, кучли эканини ва яқин келиб қолганини, тўсатдан пайдо бўлиб қолишини хаёлларига ҳам келтирмасдилар. Улар рим папасининг бутун диндор христиан дунёсини мажусийлар билан курашмоқ учун бирлашишга чақирган хитобномасига ва Европа ҳукмдорларидан баъзиларининг татарларга қарши кучли қўшин тузиш мақсадида қирол Белага ёрдам қилмоқчи бўлиб берган ваъдаларига енгилтаклик билан қараб, уни даҳшатли Ботухоннинг Венгрияга босиб киришини даф қиладиган куч деб хаёл қилишди. Шунингдек, сарой феодаллари қирол Бела олдига музокара учун келган татар элчиларини нодонлик қилиб ўл-

диришди, бу билан Ботухонни қаттиқ ғазаблантиришди.

Қирол Бела бир кенгаш чақирди, унда Қўтанхон ҳам ўғиллари билан бирга келиб қатнашди, шу кенгашда заминдорлар билан обрўли можор оқсуяклари очиқданочиқ:

«Модомики қирол Бела бизнинг ҳалокатимиз учун хоин куманларни чақириб келган экан, энди татарлар билан ҳам ўзи урушаверсин! Модомики бизга қарашли можор ерларини уларга берган экан, энди унга ёрдамни ҳам шулар бера қолсин!» дейишди.

Қиролнинг ўз меҳмони ва қариндоши (Беланинг онаси қипчоқ хонларининг қизи эди) Қўтанхонни қутқариш учун қилган бутун ҳаракати бекор кетди. У мажлисга, Қўтанхоннинг чиндан ҳам хоин ва Ботухоннинг айғоқчисими, йўқми эканлигини олдин яхшилаб текширишни таклиф қилди. Қўтан онт ичиб, қиролга, ўзининг ҳамма аскарларининг можор аскарлари билан бир сафда туриб урушишини ва ўзларининг янги юртларини муҳофизат қилиб ўлажагини айтди. Лекин қуролли амалдорлар: «Хоин! Татар хонининг жосуси! Ўлим хонга!» деб бақириб, Қўтанхонга ҳужум қилишди.

Ёши қайтиб қолганига қарамай, ҳаддан ташқари кучли бўлган Қўтанхон феодаллар чопиб ташлагунча қўлига курси ушлаб ўзини қаттиқ ҳимоя қилди ва феодалларнинг бир нечасини ўлдирди. Қўтанхоннинг ўғиллари ҳам ўлдирилди. Шундан кейин оқсуяклар уларнинг каллаларини кесиб, оломонга кўрсатмоқ учун деразалардан кўчага улоқтиришди ва бақириб:

— Куманларнинг ҳаммаси хоин! Уларнинг ҳаммаси ҳам мана шу тарзда жазоланади!— дейишди.

Куманлар ўзларининг суюкли раҳбарларининг ҳалок бўлганини билганларидан кейин, вақтинча турган жойларидан тезда кўчишди, юкларини ортиб, молларини ҳайдаб Дунайнинг қуйи оқимига, Добруджага, булғор подшоси Коломанга сиғиниб кетишди. Улар можор қироллиги учун энг қийин бир вақтда, мамлакатнинг бутун кучлари мислсиз даҳшатли ёвнинг босиб олишидан ҳимоя қилиш учун бирлашиши лозим бўлган ва ҳар бир жангчи жуда қадрли бўлган бир чоғда можорлар юртидан чиқиб кетишди.

Булғор подшоси куманларни мамнуният билан ўзига фуқаро қилиб олди, мол боқиш учун қулай бўлган саҳро

ерларини уларга берди ва шундан кейин улардан қирқ минг кишилик махсус отлич аскар тузмоқчи бўлганини эълон қилди.

Можор оқсуяклари Будадаги ҳар хил кенгашларда фойдасиз баҳслашувлар билан вақт ўтказиб турган пайтда, Ботухон Қарпатдаги тоғ йўлларини қўриқлаб ётган можор қўриқчи аскарларини тор-мор қилиб, Мункач ва Унгвар доволаридан ошиб, тўсатдан мамлакат ичига кириб келди.

Мана шў ташвишли хабарларни олгандан кейин қирол Бела Будага келган бутун феодаллардан, бирлашган кучли можор қўшинини тузмоқ учун мумкин қадар тезроқ ўз аскарларини йиғиб, қирол ҳузурига етказиб келишларини талаб қилди.

Бела ўзининг Альба ва Стригония шаҳарларида турган аскарларини чақириб олиб, Дунай дарёсидан ўтди ва мустақкам жанговар қароргоҳ қуришга киришди, қароргоҳнинг атрофига тупроққўрғон солдирди. Мамлакатнинг ҳамма ёғига чопарлар юбориб, халқни ватапини мудофаа қилишга чақирди. Ўз оиласи билан давлат хазинасини шимолга, Австрия чегарасига юборган эди, бироқ у ерда Австрия герцоги бу тайёр хазинани дарров босиб олиб қўйди.

Саккизинчи боб

САЙО ДАРЭСИ БЎЙИДА ЖАНГ

Татар қўшинларининг ўнг қаноти Польша ва Германиядан қайтиб, буйруққа мувофиқ қўшиннинг асосий қисми билан қўшилмоқ учун, можор қироллигининг ерларига қараб жўнади. Ўзининг тез юриши билан машҳур Ботухон аскарлари можорларнинг оз миқдордаги илғор қисмларини осонгина тор-мор қилиб, Венгрия ерларига кирди-да, Будага қараб юрди. Шаҳарга яқин келгандан кейин Ботухон катта қароргоҳ қуриб жойлашди ва атрофни талаш учун аскарларининг бир қисмини ҳар тарафга юборди. Айрим суворилар шаҳар қўрғонининг тагигача келиб, қамалда ётганларни алдаб далага чиқаришга ҳаракат қилишди.

Қирол Бела ҳужум қилиб чиқишга журъат қилмади, лекин ўз қисмлари билан Будага келган Қолочский бош

рухонийси Уголан, қиролни қўрқоқ деб таъна қилди ва қиролнинг буйруғига итоат қилмай, ўз қўл остидаги вилоятдан тузилган ўзининг серб аскарларининг кичик бир қисми билан шаҳар сиртига чиқди.

Мўғуллар ҳар вақтдагидек бу ерда ҳам чекинган бўлиб текисликнинг ботқоқлик қисмига қараб қочди, душманни эргаштириб ўзлари ботқоқликдан ўтиб кетди. Бош рухоний Уголан татарларни қувлашга киришди-ю, лекин унинг оғир аслаҳалар билан қуролланган суворилари ботқоқликка кириб, юролмай қолди. Ана шу вақтда мўғуллар орқаларига қайтиб келиб, уларни ҳар тарафдан ўраб олди-да, узоқдан узун-узун ўқлар отиб, қириб ташлади. Уголаннинг ўзи учта сувориси билан бу қопқондан аранг қочиб қутулди. Мағлубиятга учраганига қарамай, Уголан татарларни ўз деб билиб, уларга қарши бутун кучни тўплаб янгидан ҳужум қилишга қирол Белани ундайверди. Бироқ Бела мустаҳкам қароргоҳдан чиқишга журъат қилмади.

Бу орада Ботухон кичик-кичик қисмларни ҳар тарафга юбориб, мамлакатни талаб, хароб қилаверди. Ўзи тўплаган аскар билан Пештга қараб келаётган рухоний Вардейнский, бир мўғул аскарый қисми таланган молларни олиб шу яқин орадан ўтиб кетяпти, деган хабарни эшитиб, шу мўғулларга ҳужум қилди. Татарлар гўё қочган бўлди. Можорлар уларни қувлаб бориб, пистирмада ётган иккинчи бир татар қисмига дуч келиб қолди ва тор-мор бўлди, шундан кейин рухоний ўзи аранг қутулиб чиқиб, қиролга бу қайғули хабарни олиб борди.

Мўғул қўшинлари Буда олдида икки ой тургандан кейин бир куни тўсатдан улар ноғораларини чалиб, жез қалқонларни даранглатиб, узун карнайларини тортиб қўзғалиб қолишди. Қўшин саҳродаги ўз маконларига қайтиб кетаётгандек, яқиндагина келган йўлдан жўнаб қолди.

Ана шундан кейин қирол Бела ўз аскарлари билан Будадан чиқиб, мўғуллар кетидан ўйламай йўлга тушди. У эҳтиёткорлик қилиб (Солена) Сайо дарёсининг ғарбий қирғоғига келиб, арқонлар билан боғланган қайиқлар устига қурилган кўприкка яқин жойда тўхтади. Шу кўприкни қўриқлаш учун можор аскарларидан бир минг киши қўйилган эди. Бироқ татарларнинг бир қисми дарёдан ўтиб, дарёнинг у тараф қирғоғида қўриқчиларга ҳужум қилиш учун қулай фурсатни кутиб ётарди.

Можорлар тездан жанговар қароргоҳ қуришга киришиб, унинг теварагини тупроққўрғон билан қуршаб қўйдилар. Бир неча кун тинч ўтди, шундан кейин мўғуллар кўприкка хитой манжаниқларидан тўсатдан тош ота бошладилар, манжаниқлар катта тошларни тинмай улоқтирар, тошлар анча узоқларга бориб тушарди. Улар шу йўл билан можор қўриқчиларини ҳайдаб юбордилар-да, кейин дарёнинг бериги қиргоғига кўприкдан ҳам, кечувдан ҳам бемалол ўтавердилар. Кўп ўтмай жуда кўп татар аскарлари можорларнинг мустаҳкам қароргоҳларини ўраб, мудофаачиларини нишонга олиб ўққа тутавердилар.

Айрим можор қисмларининг бошлиғи бўлиб турган герман феодаллари ўзларини татарлар ҳар тарафдан ўраб олганини кўргач, қароргоҳда олағовур кўтардилар. Жанговар интизом бузилиб кетди.

Фақат қирол Беланинг иниси герцог Қалман, бош руҳоний Уголан ва герман рицарларининг бошлиғи бир бўлиб душманга қарши шиддатли ҳужум қилишди-ю, бироқ уларнинг бу ҳужумларини татарлар уриб қайтарди, бу жангда можорлар жуда катта талафот кўрди. Шундан кейин қирол Беланинг насиҳатлари ҳам, Уголан билан Қалманнинг мардонавор таклифлари ҳам герман феодалларини янгидан жанг қилмоқ учун ўз аскаррий қисмлари билан қароргоҳдан чиқишга мажбур қила олмади. Улар тупроққўрғон ичига кириб бекинишди ва жуда саросимага тушиб қолишди.

Фақат герцог Қалман мўғулларга яна ҳужум қилишга журъат қилди-да, ўз қисмлари билан қароргоҳдан ташқари чиқди. Можорлар ботирлик билан урушиб турган вақтларида баъзи бир мансабдорлар қочиб қутулиш умидида ўз шахсий соқчилари билан қароргоҳдан чиқди. Мўғуллар жўрттага уларнинг йўлларини очиб қўйишди. Шундан кейин бошқа аскарлар ҳам буни кўриб, қутулиш учун қочишдан бошқа илож йўқ экан, деб ўйлаб, чиқиб кетган қисмлар кетидан эргашди. Ўз аскарларининг қочганини кўриб, қирол Бела ҳам шошиб-пишиб қароргоҳдан чиқиб қочди.

Можорлар ўз қароргоҳларини ташлаб қочганларида мўғуллар олдин уларга ҳужум қилмай, лекин уларнинг тарқалиб кетишларига ҳам йўл қўймай узоқроқдан таъқиб этиб боришди. Ниҳоят, мўғуллар уларга тўсатдан ҳар тарафдан ҳамла қилиб, қириб ташлашга кириш-

ди. Шундай қилиб, мансабдорларнинг қиролга хусумат қилишлари ва ўзаро низолари жатига ҳамда қирол уларни ўзига бўйсундириб ололмагани сабабли қаҳрамон можор қўшинларининг катта бир қисми бекордан-бекорга шон-шарафсиз ҳалок бўлиб кетди.

Қирол Бела жуда оз ҳамроҳлари билан отларининг чопқирлиги ва чидамлиги туфайли қутулиб қолди.

Тонг чоги мўғулларнинг қароргоҳидан бир неча сувори чиқиб, шарқ тарафга йўл олди. Уларнинг олдиларига солиб ҳайдаб кетаётган отларининг устига катта-катта қоплар танғилган эди: бу қадимдан келаётган мўғул одатига мувофиқ, Ботухон қозонган ғалабанинг далили сифатида Қорақурумга юборилаётган даҳшатли ҳадя — урушда ҳалок бўлган душманларнинг жасадларидан кесиб олинган мингта ўнг қулоқ эди.

Бўшаб қолган қароргоҳга кириб мўғуллар у ерда қолган қирол чодирини ва чодир ичида қиролнинг шошилиб унутиб қолдирган олтин муҳрини толиб олдилар. Энди улар ҳийла ишлатишга киришди. Ботухон ўз тилмочларига буюриб, бутун можорларга — ер эгаларига ҳам, оддий халққа ҳам қаратиб қирол Бела номидан қуйидаги мазмунда мурожаатнома ёздирди:

«Бу ит — мўғул ёки татарларнинг ғазаб ва қаттиққўллигидан қўрқманглар. Уйларингизни ташлаб кета кўрманглар. Гарчи бизлар мўғулларнинг тўсатдан ҳужум қилганлари сабабли ўз қароргоҳимиздан чиқиб кетишга мажбур бўлган эканмиз, лекин яқинда яна худонинг ёрдамида қурол кўтариб чиқишимизга ишонамиз. Сизлар фақат душманларимизни тор-мор қилишда худонинг бизга нусрат беришини илтижо қилиб ётаверинглар.

Қирол Бела.»

Бу мурожаатномани тузишда асир тушган бир неча герман мансабдорлари ҳам қатнашди, муҳрни мурожаатноманинг қаерига қай тарзда қўйишни ҳам шулар кўрсатди, кейин бу мурожаатнома жуда кўп миқдорда ёзилиб, вилоятларга тарқатилди.

Ўрмон ва тоғларга қочиб кетмоқчи бўлган кўп можорлар бу хатга алданиб, ўз-ўзини мудофаа қилиш чораларини кўрмай, ўз уйларида бемалол ётавердилар. Шундай қилиб, ҳаммалари раҳмсиз мўғуллар қўлида бекорга нобуд бўлдилар, мўғуллар ҳеч кимни аямай қираверди.

Мўғуллар ҳар иккала катта шаҳар — Пешта билан Будани муҳосира қилиб (бу шаҳарларда аскарлар деярли йўқ эди), ҳужум билан шаҳарни олишди, талаб бўлгач, ўт қўйишди, аҳолини қириб ташлашди.

Шундан кейин мўғул ҳукмдори Ботухон 1241 йили можор қироллигининг муваққат ҳокими бўлиб қолди.

Тўққизинчи боб

«СҮНГГИ ДЕНГИЗ» ГА БОРИЛАДИГАН ЙУЛ

(Ҳожи Раҳимнинг «Йўл хотиралари»дан)

«Марҳум Соҳибқирон жасур набирасининг Сайё дарёси ёқасида бутун можор қўшинларини тор-мор қилганини булутлар устидан томоша қилиб, балки роса завқлангандир.

Шу жангдан кейин Ботухон можор қироллиги ерларига Шайбонийхонни ҳоқим деб эълон қилди. Ҳамма вилоятларга татар «кенас»лари юборилди, айтилишига асосан булар олий судлик вазифасини ҳам бажарарди. Уларга ўзлари турган вилоятдан татарлар учун от, қорамол, ҳадялар, қурол-яроғ, кийим-кечак йиғиш топширилди.

Баъзи бир атоқли ер эгалари ўз ихтиёрлари билан мўғулларга «кенас» бўлиб хизматга киришди, шу кишилар Бела номидан ёзилган сохта хатни, — гўё халқни татарларга қаршилиқ кўрсатмай, — уларга ҳадялар юбориш ва ўз уйларида хотиржам ётаверишга чақирган сохта хатни тарқатишди¹.

Дастлабки вақтларда можорлар татарларнинг қўл остида тинч яшагандек бўлди, бироқ мўғуллардан тайин қилинган «кенас»лар орадан кўп ўтмай аҳолидан чирой-

¹ Бу гапларни тарихчи Рогернус хотиралари ҳам тасдиқлайди, бу киши Венгрияни мўғуллар босиб олган вақтда шу ерда бўлиб, кўп қимматли тарихий хотиралар қолдирган.

ли хотинлар юборишни ва солиқни мол билан тўлашни талаб қила бошладилар. Кейинроқ улар бутун қишлоқлардан эркаклар, хотинлар ва болаларнинг янги қимматбаҳо тортиқлар олиб келишини талаб қилишди ва бу тортиқларни олгандан кейин мўғуллар, тортиқ олиб келганларнинг ҳаммасини қириб ташлашди.

Ботухон бу ишларнинг ҳаммасини билармиди? Билган тақдирда ҳам, бу ишларга у парво қилмас эди. Чунки унинг бирдан бир орзуси: илгари юриш ва қочиб кетган қирол Белани тутиб олиш эди, чунки қирол Бела можорларга қайтиб келишни ва мустақил қиролликни қайта қуришни ваъда қилган эди. Олға юриш жуда ҳам қийин эди, чунки йўлда ҳамма қўшин тоғдаги ёлғизоёқ йўлдан ўтиши керак эди, у ерларда эса отларга озиқ жуда оз ва бунинг устига уларнинг тақасиз отларининг туёқлари ёрилиб кетарди.

Ботухоннинг ўзи разведкачиларини илгари юбориб қўйди-да, қасд билан олға юраверди ва тоғ ён бағирларидаги қияма йўллардан ўтиб, Загреб шаҳрини босиб олди. Ҳамма ерда у: «Қирол Бела ўз мулозимлари билан шу ердан яқиндагина ўтиб кетди» деган хабарни олди. Шундан кейин Ботухон ғарбга — денгиз томон юраверди. Ниҳоят, бир тепаликка чиққанда кўм-кўк денгиз кўринди, шунда ҳамма бир-биридан «Сўнгги денгиз» шуми? деб сўради. Мўғуллар тоғдан денгизга томон тушиб, тевараги баланд тош қўрғон билан ўралган кичикроқ бир шаҳарга келиб қолишди. Бу қадимги Спалато деган шаҳар экан. Унинг кичкина гаванида битта ҳам кема кўринмади. Фақат бир неча оқ елкан узоқда туманланиб турган денгиз ичкарасига кириб борарди.

Ботухоннинг хиёнаткор ва хоин қирол Белани тутиб бериш тўғрисидаги талабига шаҳар аҳолиси бош эгиб шаҳар дарвозаларини очди ва шаҳар ҳокими билан бир неча руҳонийлар бошчилигида тагарларни олдидан чиқиб кутиб олишди. Улар тиз чўжиб, қасамёд қилиб, қирол Бела бу ерда гарчи бир неча кун турган бўлса ҳам орқасидан қувиб келаётган мўғулларнинг етиб келиб ўч олишидан қўрқиб, тонг пайтида ҳамма мулозимлари билан кемаларга ўтириб, денгизга кириб кетганини ва уларнинг катак-катак елканлари анча вақтгача узоқдан кўриниб турганини айтишди.

Шундан кейин Ботухон ғазабланиб, ўз аскарларига бутун шаҳарни тинтиб чиқишни ва ҳеч кимни аямай аҳолининг ҳамма озиқ-овқатларини тортиб олишни буюрди, уларнинг омборхоналарида озиқ жуда ҳам кўп эди, чунки бу ерга озиқни Венеция савдогарлари кемаларда келтирар эди. Тоғ йўлларида очиқиб келган бу осийлик аскарлар тўйиб овқатланиб, шароб ичиб, бебошлик қилишди.

Ботухон тиниқ тўлқинлар кўпириб келиб урилиб қайтаётган тош қирғоққа от суриб борди ва шўр сувни искаб-искаб ичкиси келмай турган отининг бошини тортиб туриб сўзга кирди:

— Букунгача бизнинг ажойиб мўғул отлари кечиб ўтолмаган бирорта ҳам дарё учрамаган эди. Отлар энди чегарага етди, бу ерда менинг иродам ҳам ожиз бўлиб қолди. Оламини ларзага солган буюк Соҳибқирэн бобом шонли отам Жужийхонга, кун ботишгача бўлган ерларнинг ҳаммасидан ўтиб, мўғул отларининг туёғи босиб бора оладиган жойгача боришни васият қилган эди. Мен ўша чегарагача етиб келдимми, йўқми — ўзим ҳам билмайман! Энди отимнинг олға томон юргиси келмай қолди. Энди сувда сузишга тўғри келяпти. Аммо шонли баҳодирларнинг мустаҳкам эгарни чайқалиб турадиган қайиққа алмаштиришлари ярашмайди. Мен ҳали ўз йўлимни қирғоқ бўйлаб Тригестум¹ шаҳригача давом эгтираман. Уша ерда енгилмас қўшинимнинг олға томон юриб, титраб қочиб бораётган итальян, фаранг ва германларни тугиб савашни керакми ёки найзаларни ерга санчиб сафарни тўхтатиши керакми эканини ҳал қиламан!

¹ *Тригестум* — ҳозирги Триест шаҳри.



Х

БОТУХОН АДРИАТИК ДЕНГИЗИ БУИИДА

Биринчи боб

ЕВРОПАДА ВАҲИМА ВА САРОСИМАЛИК

Агар тарихнинг уқур даҳоси одам хаёлининг тезлигида 1241 йилда «мағриб мамлакатлари» устига учиб бора олсайди, шунда у, шарқий чегараларда йиртқич ҳайвон териларига бурканган зоти бетайин татар деб аталган даҳшатли бир халқнинг пайдо бўлгани, уларнинг ҳаддан ташқари тез юриб Польша, Германия, Богемия, Венгриядан ўтиб келгани, Лигница, Люблин, Сандомир, Краков, Бреславль ва бошқа жойлардаги

жангларда атоқли герман рицарлари ҳамда бошқа аскарларни тор-мор қилиб, оқибат Сайо, Буда ва Пештдаги жангларда можор қўшинларини батамом мағлуб қилганини эшитганда, Европа халқлари ва ҳукмдорларининг қандай ваҳима ва саросималикка тушганини кўрар эди.

Бундан кейин татарларнинг Италия ва Францияга босиб кириши муқаррар эди. Бу даҳшатли босқинчиларни нима тўхтата олар эди? Герман империясининг подшоши Фридрих II Гогенштауфен барча қирол, герцог ва баронларига чиройли сўзлар билан хат ёзиб, уларни бирлашган кучли бир армияга уюшиб, Ботухоннинг осиелик ваҳший қўшинларига қарши ботирлик билан қарши туришга чақирар эди-ю, аммо ўзи шаҳардан ташқарида, кўзга кўринмас ва қўл етмас, Сицилия оролидаги саройида бекиниб ётарди.

«Ҳозирги кунда,— деб ёзган эди подшо,— уйқудан уйғонадиган, жисмоний ва маънавий кўзни очадиган фурсат келди. Ҳозир татар ойболтаси наслимизни қуритишга тайёр турибди, бутун христиан оламига ҳалокаат даҳшати солаётган бу душман ҳақидаги хабарлар жаҳонга тарқалди. Татар хавфини аллақачонлардан бери эшитиб келаётган бўлсак ҳам, орамизда қанчадан-қанча ботир халқлар ва қироллар бор, хавф биздан узоқда, деб ўйлаган эдик. Аммо ҳозир ўша подшоларнинг баъзилари ҳалок бўлиб кетган, баъзилари қуллик асоратига дучор бўлган пайтда, энди ваҳший душманга қарши туриб христиан оламига таянч бўлиш ва уни муҳофизат қилиш навбати бизга келди».

Римдан Францияга қочиб бориб Лионда бекиниб ётган рим папаси ҳам ўша ердан туриб узундан-узоқ хатлар ёзиб, барча диндор кишиларни гоҳ булғорларга қарши, гоҳ рус схизматикларига (бидъатчиларига) қарши «муқаддас жангга» чақирар, қўлига қурол ушлаб, ўзини салб фидойиси деб эълон қилган ҳар бир кишига унинг илгариги, ҳозирги ва бундан кейинги гуноҳларини ва энг ёмон жиноятларини ҳам кечиришга ваъда қиларди. Шу билан бирга, папа подшо Фридрих II ни шайтоннинг хизматкори бўлиб татарларни Европага босиб келишга чақирган, деб хоинликда айблар ва унга лаънат ўқирди.

Халқ орасида эса, нима учун авлиё ҳазратнинг ўзлари можор қироллиги чегараларига келмас эканлар ва

ўша ерда йигилаётган христиан қўшинларини руҳлантириб турмас эканлар, дейишарди.

Халқ орасида, биридан бири даҳшатлироқ овозалар тарқалди, бу хабарларда: сон-саноқсиз татар қўшинлари узунига йигирма кунлик йўлни, энига ўн беш кунлик жойни қоплаб келаётган эмиш. Уларнинг кетидан жуда кўп ёввойи от уюрлари келаётганмиш. Татарларнинг ўзи тўппа-тўғри дўзахдан¹ чиқиб келган эмиш, шунинг учун уларнинг афт-ангори бошқа одамларга ўхшамас эмиш, дейиларди.

Мўғулларнинг Болқон ярим оролига босиб киришларини ўз кўзи билан кўрган сплитлик руҳоний олим Фома деган монах ўзининг «Солнома»сида бундай деб ёзган:

«Бу одамларнинг бўйи пастроқ-ку, лекин кўкраклари кенг экан. Уларнинг башараси қўрқинчли: юзлари кўса, ҳам япалоқ, бурунлари тўмтоқ, кўзлари кичкина бўлиб, бир-биридан ораси анча узоқ экан.

Уларнинг кийимлари икки қават теридан жуни сиртига қилиб тикилган бўлиб, ундан совуқ ҳам, нам ҳам ўтмас экан. Дубулғалари ҳам темир ёки теридан бўлиб, қуроллари битта эгри қилич, ўқдон ва садоқдан иборат. Ўқларининг учига ўткир темир ёки суяк ўрнатилган бўлиб, бизнинг ўқларимиздан тўрт бармоқ узун экан. Қора байроқларининг учига бир тутам узун от думи боғланган экан.

Кўпинча яйдоқ мириладиган татар отлари паст бўйлик-ку, лекин пишиқ, қистаб жадал юришларга ва очликка чидамли экан. Отларга тақа қоқилмаган бўлса ҳам, ҳеч бир қийналмай тоғлардан ошаверар ва тоғ эчкиларидай сакраб юраверар, уч кеча-кундуз йўл юриб келгандан кейин озроқ дам олдириб, хашак бериб қўйилса, шунга қаноатланиб кетаверар экан.

Бу одамларнинг ўзлари ҳам озиқ-овқат хусусида унчалик ташвишланмас эканлар, қаттиқчиликларни кўп тортган бўлса керак: нон ейишмайди, гўшт еб, бия сути ва қон ичиб кетаверар экан.

Татарлар ўз ёнларида кўп асир, айниқса куманлардан олинган асирларнинг қўлига қурол бериб олиб юради, улар урушда бу асирларни олдинга солади, агар

¹ «Татар» деган сўз, грекча дўзах маъносидаги «тор-тор» деган сўзга ўхшаб кетарди, шунинг учун ҳам европаликлар татарларни дўзахдан чиқиб келган деб ҳисоблашарди.

жангга киришда сал сусткашлик қилса, уларни ўзлари ўлдириб юборади. Татарларнинг ўзлари жангга биринчи бўлиб киришни унчалик хушламайди.

Ҳеч қандай дарё йўқки, татарлар ўз отлари билан ундан сузиб ўта олмасин. Катта дарёлардан эса ҳарқалай, отларини яйдоқ қўйиб бериб, ичига ел тўлдирилган мешларда ёки қамишдан тўқилган солларда ўтишади.

Уларнинг сафар чодирлари ҳам мата ёки теридан қилинган бўлар экан. Қизиқки, татарлар шунчалик кўп бўлса ҳам, уларнинг орасида ҳеч бир шов-шув ва иттифоқсизлик йўқ,— улар ҳар қандай йўқчилик ва кулфатни сабр билан ўтказди ва жон-жаҳди билан уруш қилади».

Европадаги барча диндорлар татарларга қарши эълон қилинган «муқаддас салб юриши»га энг художўй, тириклигидаёқ «авлиё» аталиб кетган француз қироли Людовик IX бошчилик қилади деб ўйлаган эди. Татар хони Ботунинг Европага босиб кирганини эшитганда унинг қанчалик ташвиш чекканини, қирол сарой руҳонийси монах Матъе Пари ўз «Солнома» сида бундай деб ёзган:

«Худонинг ғазаби бўлган мана шу фалокат устимизга даҳшатли селдек оқиб келганда, тақводор Бланш хоним — Франция қиролининг онаси — бу хабарни эшитиб:

— Қирол Людовик, ўғлим, қаёқдасиз?— деб чақирди.

Қирол онасининг ёнига келиб:

— Онажон, нима дейсиз?— деб сўради.

Шунда қирол онаси хўрсина-хўрсина кўзларидан ёш тўкиб, бу хавф тўғрисида хотинларча, лекин жуда ҳам истеъдодли хонимлардек ўз фикрини гапирди:

— Бундай даҳшатли вазиятда нима қилишимиз керак, ўғлим? Унинг ёқимсиз шовқин-сурони бизга ҳам эшитилиб турибди. Барчамиз, табаррук черковларимиз сингари, татарларнинг қўлида ҳалокатга маҳкуммиз!

Бу сўзларга қирол ғамгинлик билан худога сизиниб жавоб берди:

— Сизга худонинг ўзи таскин беради! Чароки агар ўзини татар деб атаган душман устимизга келса ҳам, ёки уларнинг турган жойига бизлар борсак ҳам, барибир, бизлар жаннатга тушамиз.

Шундай қилиб, у: «Татарларни биз қирамизми ёки татарлар бизни қирадими, бизлар барибир диндорлик

сифатимиз билан ҳам, шаҳидлик сифатимиз билан ҳам олло таолонинг ҳузурига борамиз» деган сўзни айтди.

Қўрқувдан эс-ҳушини йўқотган Европа подшолари орасида сабот-матонатини ва яхши кунлар келишига умидини йўқотмаганлардан бири можор қироли Бела IV эди. Татарлар қувғинига учраганидан кейин у олдин Загреб шаҳрига бекинди, кейин денгиз бўйидаги кичкина Трогир қўрғонига борди, ундан кейин бу ердан ҳам чиқиб кетди-да, қирғоққа яқин кичик-кичик ороллар орасида бирмунча вақтгача Венеция савдо кемаларида ўз оиласи ва мулозимлари билан яшириниб, кутиб ётди. Бу ерда у ўз олдига келган балиқчилардан Адриатик соҳилларида нималар бўлаётганини сўраб билиб турди. Қирол Бела можор халқига хитобнома юбориб, ўз фуқароларини ботирликка ва мамлакатнинг ваҳший босқинчилардан тез қуш ичида озод қилинишига умидсизланмасликка чақирди. Рус князларидан черниговлик Михаил ва галицкийлик Даниил ҳам ўз шаҳарларига қайтиб боришга умид боғлар ва татарлар талон-торож қилган ваташларининг тижкланишига ишонарди.

Қирол Бела ёрдам сўраб ўз элчиларини рим папасига ҳам, герман императори Фридрих II га ҳам, француз қироли Людовик IX га ҳам юборди, лекин у ёлғиз рим папасидангина жавоб олди, бунда папа ҳам татарларга қарши қурол кўтарганларнинг ҳаммасини «дуо» қилишинигина ваъда берган эди, холос.

Иккинчи боб

БУ «СЎНГГИ ДЕНГИЗ» МИ?

Тоғ ҳам водийлардан ошиб, йўлида учраган ҳамма нарсани ағдар-тўнтар қилиб бораётган қаттиқ довулдек, мўғул қўшинлари можор қироллиги ерларидан ғарбга томон йўл олди. Рўдапо пўстин кийган бу даҳшатли суворилар, ҳавонинг қандай бўлишига қарамай, ўз одагларича минг-мингдан, юз-юздан, ўн-ўндан бўлиб сержун пакана отларида барча шаҳар, қишлоқларга кирар, ўрмон ва тўқайларга қўрқиб қочиб кетаётганларнинг орқасидан қувлар, можор ва славянлар ҳайдаб кетган,

очликдан бўжираётган қорамоллар ва маъраётган қўйларини ҳайдаб кетган томонга, тоғ устига ўрмалашарди. Улжа шунчалик кўп эдики, мўғуллар уни нима қилишни билмай қолдилар.

Улар тез-тез базм қилар, бу базмларда мўғуллар илгари ичмаган майлар—можор баронларининг ертўла хазиналардан топилган, устини моғор босган хумча ва пих боғлаган мустаҳкам бочкалардаги ичимликлар ичиларди. Базм асноларида ширакайф бўлган мўғуллар аллақандай қўшиқлар айтишар, бу қўшиқларда бепоён сапсарик Гобий чўлларини, зилол сувли дарёларини ва айиқ, барс, кийик ва тоғ эчкиларининг макони бўлган жонажон Саян ва Хинган тоғларидаги булутларга туташган оппоқ қорли чўққиларни соғиниб, қайғу ҳасрат билан эслашарди.

Маст бўлиб қолган мўғуллар, мудраб ўтириб, қачон бўлса ҳам ахири бир куни «сўнги денгиз»га етамиз дейишар эди. Ушанда Ботухон даҳшатли тўлқинлар келиб урилиб турган қоя устига чиқиб, бобосидан қолган эски арча чорадаги айронни¹ мўғул қабилаларининг ва ўз найзалари билан бутун оламни бўйсундирган енгилмас қаҳрамон баҳодирларнинг пушти паноҳи бўлган осмондаги арвоҳларга атаб денгизга сочади. Ушанда... (Мўғуллар босиб олинган бутун оламни қандай идора қилишларини ҳали билишмасди...) Қим хоҳласа «мағриб мамлакатлари» нинг қўрқоқ халқлари билан бирга қолади ва уларнинг букилган яғринларига қамчи билан савалаб, мўғул туғига итоат қилишни ўргатади. Қим ўз юртини соғинган бўлса, узоқдаги ўз дашту саҳросига қайтиб кета олади, деб тахмин қилишарди.

Мўғуллар қашқирнинг улиганига ўхшаш чўзиқ ва қулоқни батанг қиладиган товуш билан бундай деб жирлашарди:

Неча йиллар сафарда юрдим!
Ботирлигим битди, қартайдим.
Ешлик кетди, сочлар оқарди,
Ғам билмаган шўх йигит эдим.

¹ Мўғулларнинг одатига мувофиқ (ҳозир ҳам) овқатнинг, қимизнинг ва айроннинг олдини арвоҳларга атаб бармоқларини тиқиб ёки кафтларига озгина қўйиб сочиб юбориш одати бор. Бу одат, тўй, зиёфат вақтларида ҳам қилинади. (Тарж.)

Туни буйи тинмай ичсам ҳам,
 Алжимасдим, маст ҳам бўлмасдим.
 Энди бўлса шундай қартайдим:
 Ун уч коса можор шаррби,
 Олур менинг ақлу ҳушимни.
 Тортолмайман мўғиз садоқни,
 Уткир учли бамбуқ пайконим,
 Уролмайди олган нишонни.
 Эй кексалик, бетоб қарилик!
 Ютдинг менинг олтин ёшлигим!

Тўсатдан барча мўғул қароргоҳларига яшин шуъла-
 сидай тез шундай хушxabар тарқалдики, бу хабарда:
 мўғуллар уруша-уруша кўзлаб борилаётган денгизга
 яқинлашиб қолган эмиш, денгиз жуда яқин бўлиб, ўзи
 сертўлқин ва жуда теран эмиш, ҳаво очиқлигида фиру-
 задай кўм-кўк бўлиб турармиш, ёгин-яшинли кунларда
 кўпириб қоп-қора бўлиб кетармиш, дейиларди. Шунинг
 учун ҳамма, сафарнинг сўнги яқинлашиб қолганга ўх-
 шайди, деб қувонди...

Шу орада бошқа хабарлар ҳам келиб қолди-да, мў-
 гулларнинг қувончларини чиппакка чиқарди. Асирларни
 сўроқ қилган таржимонлар бундай дейишди:

— Кўк денгиз жуда яқин жойда-ю, лекин бу ҳар уни
 кечқурун заррин қуёш ботиб, эриб кетадиган «сўнги
 денгиз» эмас, бу торгина бир денгиз, тўғриси денгиз қўл-
 тиғи, бунинг нариги четида гуллаб ётган обод Италия за-
 мини бор, унда бутун «мағриб мамлакатлари» пойтахт-
 ларининг энг обод пойтахти бўлган машҳур Рум шаҳри
 бор.

— Хўш, бизлар ўша жозибадор бой пойтахт Румга
 қандай борамиз?— деб муҳокама қилишарди мўғул-
 лар.— Биз уни босиб олишни биламиз, чунки бутун жа-
 ҳонда қудратли мўғулларнинг ҳужумини рад эта олади-
 ган кучли қўшин ҳали дунёга келган эмас. Лекин бу кўк
 денгизни қандай қилиб ўтиш керак? Бизнинг отларимиз
 фақат дарёлардан ўтишга ўрганган ёки ўмровларига меш
 боғлаб синалган кечувлардангина сузиб ўтишга одат-
 ланган. Бу ердан бўлса, афтидан, кичик-кичик кемалар-
 да ўтишга тўғри келадиганга ўхшайди. Аммо бизларнинг
 олган ўлжаларимиз шунчалик кўпки, агар бу ўлжаларни
 кемаларга юклаб, унинг устига от ва аскарларни солади-
 ган бўлсак, у вақтда кемалар денгизнинг тубига кета-

дию, бизлар ўзимизни ертаги дунёсининг ёвуз иис-жинслари худоси маккор Эрликанинг ҳузурда кўрамиз. Ундан кўра, бу денгиз соҳилларидан айланиб ўтиб кетганимиз осон эмасми?

— Ҳарқалай, ўлжаларимизни вақтинча шу соҳилда қолдириб кетганимиз яхши бўлар,— деб эътироз билдиришарди бошқа мўғуллар.

— Ўлжани бу ерга ташлаб кетиб бўлармиши? Жасур славянлар тоғдан тушади-да, шунча машаққат билан йиққан ўлжаларимизни талаб кетади.

Бу хабарлардан мўғуллар ҳарқалай, хурсанд бўлиб, нима бўлса ҳам бир денгиз яқин экан, энди сафарда бир ўзгариш бўлса керак, балки бу денгизнинг нариги ёғида тагин бир саҳро келар, унда балки кенг ўтлоқлар бордир, деб қувонишди.

Кўп ўтмай мўғул отлик аскарларининг алоҳида илғор қисмлари Адриатик соҳилига егиб келиб, денгиз бўйидаги шаҳарларнинг атрофида тўхташди. Бу шаҳарлар баланд тош қўрғон билан ихота қилинган бўлиб, буларда қўрқиб кетган аҳоли бекиниб ётарди.

Кўчманчилар кўз ўнгида ярқироқ тўлқинлар қирғоққа шарақлаб келиб урилар, ранг-баранг шағаллар ва майда чиғаноқларни ювиб кетарди. Сержун ёлдор отлар сувга тушар, келган тўлқинларни гумонсираб искаб-искаб пишқирар, бетоқат бўлиб, туёқларини сувга уриб, шўр сувни ичмасди.

Мўғулга от ҳам содиқ йўлдош, ҳам вафодор хизматкор, ҳам донишманд устоздир. Шундан кейин мўғуллар бундай дейишди:

— Йўқ! Менга ҳам, отимга ҳам денгизнинг кераги йўқ! Бизнинг тоғдан шарқираб келадиган наҳрларимиз ва саҳродаги кўм-кўк дарёларимиз бундан аллақанча яхши. Уларнинг сувини отларимиз қона-қона ичади. Бу ерда бизлар нима қиламиз? Бу ерда бизнинг отларимизга етарли озиқ йўқлигини улуғ ҳукмдор Сайинхоннинг ўзлари ҳам кўриб турибдилар, отларимиз тоғлардаги буталарнинг ҳаммасини еб бўлди, энди худди туяга ўхшаб, очликдан бурган, шўра ва дарахт қобиқларини ҳам кемирапти. Албатта, Сайинхон билан донишманд Субутой баҳодир ҳамма нарсани биздан яхшироқ билишади, шунинг учун яқинда бизлар, олдинга юришимиз ёки шу ерда тўхташимизни аниқлаб берадиган янги ёрлиқни ҳам эшитиб қолармиз.

Ҳарбий кенгаш учун тайинланган майдон ёнига келиб, Ботухон араб элчисига:

— Уруш тангриси фақат битта — бизларнинг буюк тангримиз Сулдадир. У кўзга кўринмасдир, шунинг учун унга ҳеч қандай бут-санам қўйишнинг ҳожати йўқ. Агар «мағриб мамлакатлари»га қилаётган сафаримни мана шу ерда тўхтатсам, унда мана шу тепа устига тошдан худонинг тасвирини эмас, ўз шарофати билан мўғул қўшинларининг мана шундай улуғ сафарни адо қилишига сабаб бўлган оқ бўз отнинг ҳайкалини қўндириш керак бўларди. Унда бу мўғул отига сажда қиладиган жой бўларди-да, мен барча халқларни бу от ҳайкали олдидан эмаклаб ўтиб, уни зиёрат қилишга ва унинг туёғини ўпишга мажбур қилардим, — деди.

Майдон яқинида кекса бир қарағай турарди, унинг боши синиб тушган ва қорайиб қолган бўлиб, уни гўё уруш тангриси кўкдан пойлаб яшин билан урган эди. Шу ерда бундан бошқа кичик-кичик бир неча дарахт бўлиб, улар одам бўйи келадиган қилиб кесилган ва учлари найзадай ўткир йўнилган эди. Шу ердан ўтган барча мўғуллар буларга кўз қирини ташлаб, ҳукмдоримиз Ботухон ҳазратлари бировларга ғазабланган, гуноҳкорларни шу ерда жуда қаттиқ жазолашса керак деб ўйларди.

Хизматкорлар гиламларни ёзишди. Бу ерга қўшиндаги барча Чингиз авлоди ва айрим қисмларнинг ҳарбий бошлиқлари келиши лозим эди.

Ботухон сафар тахтига — тўққиз қават кигиз от ёпининг устига келиб чўкка тушиб ўтирди. Унг тарафига оғаси Ўрдухон жойлашди, у шундай катта ва шундай оғир эдики, бу баҳайбат суворининг тагига тушиб қолган биронта от ҳам уни узоқ вақт кўтариб юролмас, шунинг учун унинг ёнида ҳар вақт алмашиб миниладиган от юрарди. Унинг ёнига амакиваччаси Мангухон ўтирди, бу киши ҳар вақт серҳаракат ва қувноқ киши бўлиб, Чингиз авлодининг барчасидан кўра Ботухонга яқин ва садоқатли эди. Ундан кейин одатда бутун татарларнинг ҳукмдори, улуғ хоқоннинг ўғли Куюкхон ва унинг мулозимлари ўтирарди, аммо ҳозир бу ерда улардан ҳеч ким йўқ эди.

Ботухоннинг чап тарафидаги гиламга камгап, қовоғи солиқ буюк оталиқ Субутой баҳодир, Германия, Польша ва Чехияга қилинган сафардан қайтиб келган Қурмиши, Бурундой, Қадан каби бошқа атоқли саркардалар ўтиришди. Араб элчиси Абдураҳмон гулдор гиламнинг бир четига, Ботухоннинг рўпарасига ўтирди; унинг ёнига тарихчи Ҳожи Раҳим ва унинг орқасига эса тилмоч Тақводор Дуда жойлашди.

Ҳамма жим. Фақат онда-сонда шивирлаш эшитиларди. Булар обод соҳил шаҳарлари бўлган Тригестум ҳам Венеция орқали Италияга босиб кириш ва ундан нари юриб кетиш планларининг муҳокама қилиниши, ҳамда Ботухоннинг бу ҳақдаги қарорини эшитишни кутиб ўтиришарди.

— Узоқдан чопар келяпти!— деб юборди биров.

Шу вақт икки отлиқ тез чопиб келди-да, тепалик остида отларини тўхтатди. Краков ёнидаги жангда ҳалок бўлган Мушук тайжиннинг ўрнига тайинланган юз соқчининг бошлиғи Арслон мерган қурол-яроғини шалдира-тиб тепаликка чиқди. Сариқ шойи рўмол билан юзини артиб, қаддини ростлади-да, гиламнинг четига келгандан кейин тўхтаб атрофга қаради. Унинг кетидан, терлаб ҳамма ёғи кўпириб кетган, бақалоқ бир мўғул, секин қадам ташлаб келди. Унинг оғзининг икки четида осилиб турган сийрак мурти чангдан оппоқ бўлиб кўринарди.

— Бу ерга, ёнимга келиб тур!— деди Арслон мерган

Мўғул қўлтиғидан қаламдонга ўхшаш бир тери найчани олди-да, икки қўлини чўзиб эҳтиёт билан узатар экан, бошини қуйи солиб, ёдлаб олган шу сўзларни пишиқ ва аниқ қилиб айтди:

— Жужий улусининг ҳукмдори, Кўк ўрда ва «мағриб мамлакатлари» нинг ҳокими Ботухон ҳазратларига бутун мўғул заминининг буюк ҳукмдори малика Туракиндан хат...

Бу гапни эшитиш билан Ботухон ва унинг атрофида ўтирганлар ўринларидан туришди. Аллаким ҳовлиқиб:

— Бўлар иш ахир бўлибди-да!— деб пичирлади.

Ботухон алоҳида бир тантанали товуш билан:

— Бери кел, олдимга!— деди.

Мўғул чопари йўрғалаб бориб гиламга чўкди ва қўлини ерга тираб, гиламни ўпди. Кейин тиз чўкиб туриб, ҳалиги тери найча атрофига боғланган қайишни ечди-да, ичидан най қилиб ўралган шалдиरोқ бир қоғозни суғу-

риб олди. Бу қоғозга хоқоннинг юмалоқ муҳри босилган кўк мум сурғич қизил ип билан боғлаб қўйилган эди. Ботухон қоғозни икки қўллаб олди-да, манглайига ва лабига теккизиб, кўксига босди, кейин очиб ичида ўқиди-да, енги билан кўзини тўсиб бирмунча вақт туриб қолди. Кейин у кўзини очиб хатни муҳрдор Оқ Ҳасанга узатиб:

— Ўқи-чи, буюк тахтни сақловчи менинг азиз ва қадрли янгам Туракин не ёзган экан,— деди.

Оқ Ҳасан хатни икки қўллаб эҳтиёт билан олди ва уни манглайига теккизиб қўйиб, кейин баланд овоз билан қироат қилиб ўқиди:

— «...Ўзининг суюкли мўғул халқига ғамхўрлик қилиб осмондан назар солиб турувчи муқаддас Соҳибқирон, ўз ўғли ва менинг суюкли хўжам, шон-шараф нурлари сочиб турувчи Угдай хоқонни ўз ҳузурларига, сон-саноқсиз осмон қўшинлари қаторига чақириб олдилар. Эндиги сўзимиз шуки, томирларида муқаддас Соҳибқирон ҳазратларининг табаррук қони юриб турган ҳар бир хонзода Қорақурумда бўладиган қурултойга буюк хоқоннинг ноибларини, бепоён мўғул давлатининг янги ҳукмдорини сайлаш учун тездан етиб келсинлар».

Баъзи бир саркардалар қўлларини юқори кўтариб ҳунграб йиғладилар, лекин Ботухоннинг сир бермай совуққонлик билан турганини кўриб, дарров жим бўлдилар.

Ботухон илгаригидек пинагини бузмай кўзларини узоқларга тикиб туриб гап бошлади:

— Бугун ҳам, эртага ҳам, тугал тўққиз кун, бизлар, орамиздан ажралиб, осмондаги арвоҳларнинг маконига кетган буюк хоқонга аза очиб йиғлаймиз. Аммо ҳеч ким менинг буйруғимни олмай бу ердан Қорақурумга кетмасин. Мен бошлаган уруш охирига етмоғи ва «мағриб мамлакатлари» тўла тор-мор қилинмоғи зарур. Буюк қурултой эса, мен тайин қилган вақтда бўлади.

Шундан кейин Ботухон ва ҳамма бирдан секин ерга ўтирди. Чопар таъзим қилиб, тисланиб гиламдан тушди-да, ўрнидан туриб Арслон мерганнинг орқасига ўтди. Ботухон унинг ҳаракатини тикилиб кузатиб турди.

— Бир сўз айтишимга ижозат бергайсиз,— деди Арслон мерган.

— Гапир.

— Куюкхон ўзининг барча мулозимлари ва қўриқчи

қисмлари билан бугун тонг чоғи қароргоҳимиздан чиқиб кетди. Куюкхон шунчалик шошилдики, у ўзининг йилқи, қорамол ва юкларининг ярмини ташлаб кетди. У ўз аскарларига, мен шошилиш равишда Қорақурумга кетаман, деб айтган экан. Мен шундай бўлса ҳам Куюкхонни қувлаб бориб етдим. У отига қамчи босиб, менга: «Сайинхон «сўнгги денгиз»ни излай қолсин, мен бундан бошқа хийла улуг ва муҳим масала билан шуғулланаман: Соҳибқирон ҳазратларининг тўққиз думли туғларини бутун олам халқларининг устига баланд ва даҳшатлироқ қилиб кўтариш билан шуғулланаман», деб айтди-да, кетаверди.

Ҳамма, Ботухон нима дер экан деб кутиб турди. У қўли билан учи йўнилган қозиқларни кўрсатиб, деди:

— Мана, Куюкхоннинг ортгирган баланд мартабаси! Сафардаги жангчи ўз бошлигининг розилигини олмасдан қўшиндан чиқиб кетса, у ўз халқига хоинлик қилади. Куюкхон ҳаммадан олдин итоатсизлик қилган экан, қандай қилиб у ўзи айтган «хийла улуг ва муҳим масала»ни бажара олади? Куюкхон ўз ажалини ўзи яқинлаштиряпти. Уруш тангриси Сулда унинг тепасидан қўшқўллаб уради.

— Бир калима сўз айтишимга ижозат бергайсиз!— деб ўртага чўккан сукунатни бузди араб халифасининг элчиси Абдурахмон.—Жанобингиз: «Мен бошлаган буюк уруш охирига етмоғи зарур» деб донишмандлик билан айтдингиз. Тақдир чархини ўз қўлингиз билан янги йўлга буриб, ўзаро низо ва ёвлашиб ётган «мағриб мамлакатлари» қиролларининг такаббурлик ва ёвузликларини тор-мор қилмагунингизча уруш тугади деб бўлмайди. Бу муддатда буюк хоқон тахтининг сақловчиси Туракии малика, подшоҳлик ишларини ўзининг донишманд ва тажрибакор маслаҳатчиларининг ёрдами билан ўзи бошқариб тура олади. Фақат жанобингизнинг кумушсимон бўз оти тўғини, ер юзини қамраб турган «сўнгги денгиз»нинг тўлқинлари ювиб ўтгандагина сиз ўзингизнинг енгилмас қўшинингизни орқага қайтариб олиб келасиз ва шундагина оламдаги барча халқлар ягона улуг хукмдор — хоқон деб ёлғиз сизни, қочқоқ Куюкхонни эмас, фақат сизни танийди.

— Суюкли буюк Сайинхонимизнинг умрлари узун бўлсин!— деб бақирди Мангухон.

— Яшасин бутун жаҳон халқларини бўйсундирган

шижоатли, енгилмас Сайинхон ҳазратлари! — деб бақирди ўтирганлар ҳаммаси бирдан.

Туртинчи боб

ҚАЙСАР ТОҒЛИКЛАР

Оҳиста тўлқинлар тош қирғоққа келиб урилар, қайтишда шағал ва майда қўшқават қизил чиғаноқларни олиб кетарди. Татарларнинг бир юз суворийси паст бўйли, серёл отларида келиб соҳилга тарқалди. Уларнинг отлари сувга интилди-ю, лекин искаб кўриб, пишқирапишқири тумшуқларини четга бурди. Шу вақт буйруқни бақириб эшиттиришди. Ҳар бири элликдан икки қисм аскар икки тарафга қараб жўнади. Ҳар бир қисмнинг олдида сўлқилдоқ бамбук найзанинг учида хоннинг учбурчак қора байроқчаси ҳилпираб борарди.

Бир тепалик орқасидан яна бир тўда отличлар кўринди. Бу қисмнинг чавқар от минган байроқдори сариқ шойидан қилинган беш бурчакли, бетида чангалига қора қарға тутиб келаётган оқ шунқорнинг тасвири бор Ботухоннинг ўз туғини тутиб келарди. Байроқча чатилган тўққизта йўғон-йўғон от думи ўқтин-ўқтин келаётган салқин шамолда тебраниб келарди.

Кўзлари чақнаб турган, узоқ сафарда бир оз ориқлаган бўлса ҳам, чаққон ингичка оёқлари тинмай ўйнаб турган оқ бўз отнинг жуда ҳам гўзаллиги ҳамманинг эътиборини ўзига жалб қилди. От устида келаётган Ботухон худди сув олдида, майда чиғаноқлар сочилиб ётган ҳўл қирғоқда тўхтади, тизгинини тортиб бирмунча вақт равшан кўринган узоқларга қараб турди.

— Анови қандай кемалар?— деб сўради қўлини чўзиб.

Унинг ёнига чиройли можор жийрон оти минган Абдурахмон от қўйиб келди. Устидаги пўлат совут ва бошидаги кумуш ранг дубулғасини ялтиратиб, офтобдан қорайиб кетган ёш элчи, қўлини пешанасига соябон қилиб, кўзларини жавдиратиб:

— Мен ўйлайманки...— деди.

Ботухон унинг сўзини бўлиб:

— Ҳозир ўйлайдиган вақт эмас,— деди совуққина.— Ҳозир энди ҳамма нарсани аниқ билиш керак.

Шу вақт иккинчи тарафдан катта саман от минн Субутой баҳодир ҳам етиб келди. Қекса саркарда, чў қўли билан тизгинни тортди-да, соғ қўли билан отини бўйнини силаб туриб гапирди:

— Менинг қари отимнинг бу денгизнинг сувини гиси келмаётганини кўряпсизми, Сайинхон! Лекин «сўнгги денгиз» эмас. Бу фақат денгизнинг бир қўлти бунда сиздан қочган қирол Бела тор-мор бўлган қўшининг қолдиғи билан кемаларга ўтириб, биздан бек моқчи бўлиб юрибди. Кўп уринмаёқ қўй, хоин Бе Бизнинг найзамиздан қочганинг билан қутулиб кет майсан!

— Бу кемалардан бирида қирол Бела бор деб м айтди сизга?

— Қўлга тушган асирлар: улар онт ичиб айтди, Б билан унинг мулозимлари мана шу кемаларга туш ел туришини кутиб ётган эмиш.

— Ўша асирлар билан мен ўзим бир гаплашсам д ман.

— Хўп бўлади, хоқоним, дарров уларни бу ерга зир қиламиз.

Субутой отининг бошини буриб, қамчи босди. Сар от текис йўрғалаб кетди.

Ботухоннинг мулозимлари тепалик ён бағрига ж лашйб, бир-бирлари билан ҳазиллашар ва узоқла қараб туришарди. Денгизнинг фирузадек кўм-кўк с ҳида, худди бир гала оққув сузиб юргандек, жуда кемалар шамол йўқлигидан елканлари шалвираб тур ди. Сал-пал чайқалаётган денгиз сатҳида офтобни равшан шуъласи товланарди.

Бу мулозимлар орасида Ботухоннинг касалманд ў Сартак, биродарларидан Ўрду билан Баркашонлар, рихчи Ҳожи Раҳим ва бир неча туманбошилар бор : Қўшар от ва юк ортилган хачир етаклаган хизматкор йўл бўйига тизилишди. Татар отличлари тўда-тўда бў тинмай келиб турарди. Ҳамма мўлжалланган кўк д изга томон интилар, бу денгиз бўйида бирор ўзга бўлишига, «мағриб мамлакатлари»га босиб кириш у хайрлироқ фурсат тайин қилинишига ва янгидан қў тушган ўлжаларнинг тақсим қилинишига умид боғ эди.

Шу вақтда бақирган ва додлаган бир овоз эшити. Бир неча татар отличлари йигирматача асирни ҳай

келарди. Асирлар роса саваланган ва ниҳоятда дабдаласи чиққан эди. Асирларнинг ҳаммаси гулдор кашта тикилган енгсиз қўй тери нимча ва почаси қайиш тасма билан боғланган кенг чалвор кийган эди. Елкаларига тушиб турган узун қора сочлари олишиш пайтида тўзиб кетган эди. Қўллари орқаларига боғланган, бир вақтлар оппоқ бўлган кўйлаклари юлиниб йиртилиб кетган, оёқларида тери чориқ — буларнинг ҳаммаси қаттиқ олишганликнинг асари бўлиб, боғланмаган жароҳатлардан қон ҳали ҳам чиқиб турарди.

Қайбирлари, афтидан, ўзларининг муқаррар ҳалок бўлишларига бўйин қўйган бўлсалар керак, қоқилиб-суришиб юришар, бошқалари қайсарлик қилиб келар, шунинг учун мўғуллар уларни сўкар ва қамчи билан аямай саваларди.

Субутой баҳодир буларнинг орқасидан юриб аскарларни қистарди. Буюк саркарданинг орқасидан кул ранг кекса бир эшакни миниб Тақводор Дуда келарди. У оёғини астойдил эшакнинг биқинига ниқтаб, унинг юришини тезлатмоқчи бўлар эди.

Соҳилга келганда мўғуллар асирларни қатор қилиб тизишди; уларнинг ярми шу ондаёқ ерга ўтириб олди, улар худди қувлаб тутиб олинган ёввойи ҳайвондек қовоқларини солиб, тевараklarига ўқрайиб қарашарди.

Ботухоннинг келган асирларга кўзи тушиб, уларнинг олдига борди. Мўғулларнинг бири ўтирганларни яна савалай бошлади.

— Кўряпсанми, қаршингда бўз арғумоқда ким турганлигини, ўжар махлуқ? Жаҳоннинг буюк ҳукмдори шу киши бўлади.

Ўтирганлар зарбадан ўзларини олиб қочиб, майишарди. Ботухон қўлини кўтариб, аскарни тўхтатди.

— Бас!

— Сенлар кимсан ўзинг, шунча қайсарлик қилиб, бутун оламни бўйсундирганлар билан урушишга журъат қилган?— деб хириллади Субутой баҳодир.

Шу вақт буларнинг олдига етиб келган қўнғир соқол Дуда оламдаги йигирма икки халқнинг тилини билишини исбот қилди. У ҳеч ким тушунмайдиган бир тилда гапириб эди, асирлар бирдан алаң-жалаң бўлиб жонланиб қолишди. Ўтирганлар қарғаганга ўхшаб бақира бошлади.

— Амен!— деб уларнинг сўзини кесди Дуда ва Су-

бутой баҳодирга бурилди.— Бу кишилар тоғлик славян қабилаларидан экан. Улар қўрғонга ўхшаш тош чўққилардаги қишлоқларда туришар экан. Булар шунчалик такаббур халқ бўладики, ҳеч вақт тириклай асир тушмайди, жони чиққунча олишади.

— Ундай бўлса, бу қайсарларни сизлар қандай қилиб қўлга туширдиглар?— деб сўради Ботухон.

Асирларни ҳайдаб келаётганлардан бири:

— Бизларга, асир тутиб келиш буюрилган эди. Бизлар буларга сиртмоқ ташлаб тутиб, тошда судраб келдик, кейин қўл-оёғини боғлаб олдик,— деб жавоб берди.

— Улардан сўрагин-чи, менинг аскарим осмондаги булутдек сон-саноксиз кўп, улар ўзлари шунчалик оз экан, ахир нима учун қарши туришибди?

Дуда эшакдан сакраб тушиб, яна асирлар билан сўзлашди.

Олдин асирларнинг ҳаммаси бирдан бақирди, кейин Дуда уларни тинчлантириб, битта одам гапириши лозимлигини уқтирди. Шундан кейин яраланиб юзлари шишиб кетган чиройли бир йигит, тилиниб кетган лабидаги қонни ялаб туриб бир нима деб қизгин гапирди.

— Нима демоқчи бўляпти у? — деб сўради Ботухон.

— Бу, ҳов анови баланд тоғ устида турган қишлоқлик чўпон экан. У ерда ҳали ҳам жанг бўляпти, ёнаётган кулбаларнинг тутуни осмонга ўрлаб турибди. Улар тоғ орасидаги кичик-кичик ерларга экин қилиб туришар, ҳеч кимнинг тирикчилигига халақит беришмас экан. Улар катта йўлдан жуда узоқ жойлашган экан. Улардан бошқа ҳеч ким бундай баланд чўққиларга чиқиб арпа ва буғдой эколмас экан. Уларнинг ана шу тоғ-тошлари ва ўша ердаги кулбаларидан бошқа ватанлари ва бахтлари йўқ экан.

— Уларга айтгин, биз шундай ботир меҳнаткашларни яхши кўрамиз, агар улар бизга итоат қилиб, мўғул отининг туёғини ўпсалар, эркин кун кўришларига йўл кўямиз.

Дуда асирларга мўғул ҳукмдорининг сўзларини тушунтирди, уларнинг жавобини тинглади, кейин ўзининг қўнғир соқолини силаб туриб гапирди:

— Улар отингизнинг туёғини ўпишга кўнишди, энди сизга садоқат билан хизмат қилишадиган бўлди, бироқ болаларини ўзларига қайтариб беришни илтимос қилиш-

янти. Жангчиларингиз уларни тутиб олиб, ўз қароргоҳларига олиб кетишибди.

— Яхши бўпти!— деди Ботухон.— Бу болалардан бизда тажрибали ботир жангчилар етишиб чиқади. Субутой баҳодир, менга ернинг харитасини кўрсатинг. Тригестум шаҳарининг қанча олисдалигини билмоқчиман.

— Ҳозир кўрсатаман, жаноб!— деди-да, бир кўзли саркарда, чап қўлининг бармоқларини оғзига қўйиб туриб шундай қаттиқ бир ҳуштак чалдики, гўё тоғлардан унинг акс садоси янграб кетгандай бўлди. Бу акс садо эмас, ўз хўжайинининг чалган ҳуштагига унинг хизматкори узоқдан ҳуштак чалиб жавоб берган эди. Кўп ўтмай отлиқларнинг орасини ёриб, гижинг от минган кекса бир мўғул, устига хуржунлар ортган яна бир отни етаклаб етиб келди.

Чол юк ичидан бир тери халта олди-да, Субутой баҳодирга берди. Субутой халтадан бир қоғоз олиб, бу қоғозда можор қироллиги ерлари билан Адриатик денгизининг соҳиллари чизилган эди.

Асирларнинг қўлини ечиб қўйишди; қайиш билан қаттиқ боғланиб турган қўллар увушиб қолгани учун анча вақтгача қимирламади. Улар инқиллай-синқиллай икки букилиб бориб, бепарво турган отнинг туёғини навбат-банавбат ўпишди.

Ботухон қамчиси билан узоқни кўрсатиб, сўради:

— Ҳов анови, ғира-шира кўринган қирғоқдаги қишлоқ ва қўрғонни нима деб атайди?

Асирлардан бири тушунтирди:

— У Спалато деган шаҳар. Румо императорининг саройлари шунда.

— Мен уни бориб кўрмоқчиман. Йўлда яна бошқа шаҳарлар ҳам учрайдими?

— Кичик-кичик қўрғонлар билан кемалар турадиган қўлтиқлар бор. Булардан кейин яна Венеция кемалари тўлиб турган қўлтиғи бор бир обод шаҳар келади, уни Тригестум деб аташади. Уша шаҳарнинг қўрғонида катта бир бошлиқ туради, унинг кўп аскарлари бор.

— Ундан кейин яна нималар бор?

— Ундан кейин Падус дарёсининг денгизга қўйиладиган жойи келади, у ерда катта обод савдо шаҳари — Венеция бор. Мана шу денгизда юрган кемалар Венеция савдогарлариники.

— Жа, Венециядан чиқиб «мағриб мамлакатлари»нинг пойтахти Рум шаҳрига неча кунда етиб борса бўлади?

— Ҳозир у ерга оддий одамлар боролмайди, ҳамма ёққа қоровул қўйилган. У ерда сизларни ҳужум қилиб келиб қолар деб пойлаб ётишибди. Сизлар ҳеч кимдан ижозат олиб ўтирмайсизлар, Рум шаҳрига неча кунда бораман десанглар, шунча кунда бора оласизлар.

— У ерда кўп аскар тўпланганми?

— У ерда аскар нима қилади! Ҳеч кимнинг урушгиси келмайди. Ҳамма қочиб кетяпти. Айтишларига қараганда, ҳаттоки подшонинг ўзи ҳам Румдан қочиб, Сицилия оролига кетган эмиш.

— Олмани узиб ташлашнинг ҳожати йўқ. У ўзи пишган, энди кафтингизга ҳам ўзи келиб тушади! — деди барча фарангларни ёмон кўрадиган Абдураҳмон.

— Бу тоғлик асирларни нима қил дейсиз? — деб сўради Сутубой баҳодир.

Ботухон жавоб бермади, шундан кейин тўсатдан қўлини юқоридан пастга силтади, — бу ишоратдан ҳамма кўрқарди: бу билан у асирларни ўлимга ҳукм қилган эди.

Ботухон кенгаш қурган майдонча бўшаб қолди. Учк йўнилган қоziқлар бошқа бахтсизлар учун ваҳимали хотира бўлиб қолди. Хизматкорлар кенгашдагилар учун ёзилган гиламларни йиғиштириб олишди.

Яқинроқдаги тоғ бағрида чакамуғ туплари орасида қайсар тоғликлар қаттиқ ухлаб ётган кишилардек чўзилиб ётарди. Аммо уларнинг чеҳралари қоп-қора қонга буланган, гўшлари титилиб, суяклари очилиб қолган, лахта-лахта қонлари уйиб қолган эди. Тоғликлар ўлишларини билгандан кейин гайрат билан олишишди, бу тенгсиз курашда ўлгунча мўғуллар билан олишди.

Сарой жаллоди — забардаст бир мўғул серкўз оғир бир гурзи билан уларнинг бошларини навбат-банавбат мажақлаб чиқди. У қатл қилинган асирлар яқинида ҳали ҳам ўзининг даҳшатли гурзисини судраб, нари-бери юриб турарди. У, араб элчисининг мирзаси кўнғир соқол Дуданинг энг кейин қолган асир — эски йиртиқ ридога ўралган камбағал монах билан боядан бери гапини туғашини кутиб юрарди. Монах тинмай гоҳ бармоқлари

ерга теккудай энгашиб таъзим қилар, гоҳ ингичка бир ёғоч крестни боши устида баланд кўтариб, тез-тез дуо ўқир, шамол эса унинг тўзиган соқолини ҳилпиллатиб ўйнар эди.

Мўғул ғазаб билан бўғилиб гапирарди:

— Менга Ботухоннинг ўзлари бу ярамас асирларнинг биронтасини ҳам қолдирмай ўлдириб ташлашни буюрганлар. Сайинхоннинг буйруқларини бажо келтирмай бўладими!

Дуда бўйнидан чўзинчоқ мис пайзани олиб, мўғулнинг юзига яқин тутиб силкитарди.

— Кейин берилган ҳар қандай буйруқ олдингисини бекор қилади,— дерди у.— Ҳозир бу ерга буюк оталиқ Субутой баҳодир келадилар, у киши бу асир шомонни тириклай менинг қўлимга берадилар. Бу менга жуда муҳим бир иш учун даркор. Йўқол, яқин келма!

— Явкка кўзли Субутой баҳодиримиз не буюрсалар буюраверсинлар, аммо Ботухон ҳазратларининг ўзлари,— илоҳий бир минг бир йил подшолик қилсинлар,— менга бирор буйруқ бердиларми, шундан кейин барибир мен ҳеч кимнинг буйругига қулоқ солиб ўтирмайман.

— Ҳозир кўрамиз!— деди Дуда, мўғулни нарироқ итариб юборишга тиришиб. Жаллод қовоғини солиб бир ўқрайди-да, ерда судралиб юрган гурзисини кўтариб олиб ўз олдига қўйди.

Шу орада қуюқ думи ерга судралиб юрган саман отга миниб Субутой баҳодир ҳам келиб қолди:

Дуда Субутойнинг олдига югуриб бориб:

— Тўхтаг, буюк баҳодир! Жуда зарур бир гапим бор,— деди зорланиб.

Субутой отининг бошини тортди. От пишқириб тўхтади.

— Гапир, тезроқ, қисқароқ гапир!

— Шу кишини менга беринг!

— Нима учун?

— У муҳим ишларни билади. У бутун «мағриб мамлакатлари» ерларини юриб чиққан, ҳамма қиролларни ва уларнинг аскарларини кўрган. У ҳаммасини менга айтиб беради, мен бўлсам...

— Ёлғон айтади!— деб сўзини кесди Субутой отини юргизиб.

— Мен синаб кўрдим. Ёлғон гапирмайди!

— Ундай бўлса, унга тегмагин!— деб мўғулга қара-

ди Субутой, кейин Дудага бурилиб:— Лекин сен менга унинг айтган гапларининг ҳаммасини ёзиб берасан. Ҳаммасини! Тез! Бугун кечқурун! У шомонни бунга бергин!— деб ғазаб билан хириллади жаллодга ва ўзининг саман отига қамчи босди. От олға сапчиди, жаллод қўрққанидан қўли билан бошини паналаб бир четга қочди, орқасидан унинг серкўз гурзиси ерда тақир-туқур судралди.

Бешинчи боб

Қ О Н Л И П А Н Ж А

(Ҳожи Раҳимнинг «Йўл хотиралари»дан)

«Бу воқеа мана бундай бўлган эди. Шу йили сафар ойида (мартда) Адриатик денгизи соҳилида кўп учрайдиган кичик шаҳарчалардан бирининг олдига мўғулларнинг отлиқ бир қисми келди. Шаҳар дарвозалари берк эди. Аҳоли бекиниб олган, шаҳар қабристондек жимжит эди.

Бу қисмнинг ичида ўзининг яқин туманбошилари билан бирга Ботухоннинг ўзи ҳам бор эди. Ҳаво бўрондан дарак берарди, шунинг учун Ботухон, бир кечани мана шу шаҳарчада дам олиб ўтказмоқчиман, деб айтди.

Жаҳонгирнинг амри вожиб! Шунинг учун навкарлар шаҳарнинг қадимий дарвозасини тош билан тақиллата бошлади. Қўрғон тепасида қўрқувдан ранги ўчиб, қони қочган бир неча киши кўринди-ю, дарров бекинди.

Шундан кейин Ботухон ёндирувчи ўқлар отишни буюрди. Дарҳол бир неча ёниб турган катта ўқлар шаҳар томон учиб кетди, шаҳарнинг бир жойидан қуюқ тутун кўтарилди. Қўрғон тепасида яна бир неча киши пайдо бўлди, афтидан, шаҳарнинг атоқли кишилари билан монахлар бўлса керак, улар қўлларидаги крестларини силкитиб, бир нарсалар деб қичқиришди.

Иккинчи марта отилган ўқлардан шаҳарнинг тағин бир жойига ўт тушди, бақариш ва дод-фарёдлар кучайиб кетди, ниҳоят, шаҳар дарвозалари очилиб, ундан қимматбаҳо гулдор кийимлар кийган бир ҳайъат пешвоз чиқди. Энг олдинда икки мўйсафид бир лаганда овқат ва бир бахмал ёстиқ кўтариб келди, ёстиқ устида шаҳарнинг катта-катта калитлари ётарди.

Буларни кўриб, Сайинхон:

— Шаҳар ҳокими ким?— деб сўради.

— Мана бу киши!— дейишди ҳамма пешвоз чиққанлар, зардўзи кашта тикилган узун кўк чопонли бир чолни кўрсатиб.

Шаҳар ҳокими ўз йўлдошлари билан бир кўз уриштириб олди, шундан кейин ҳаммалари тиз чўкиб бошлари ерга теккунча таъзим қилишди, ҳоким калит билан ёстиқни Ботухоннинг оёғига қўйди.

— Шаҳарларинг оти нима?

— Салоно! Спалато! Сплит!— деб жавоб беришди ҳоким билан унинг ҳамроҳлари бир оғиздан, ҳамон тиз чўкиб турганлари ҳолда.

— Шундай кичкина шаҳарга жуда ҳам кўп от қўйишган экан!— деди Субутоё баҳодир қовоғини солиб.

— Анови вайрона нима?— деб сўради Сайинхон қамчиси билан нариги тепаликдаги баҳайбат катта тош кўргон ва бузилиб, ярим-ёртиси қолган пештоқларни кўрсатиб.

— Бу Диоклетиан¹ саройининг харобаси.

— Диоклетиан деган киши ким бўлган экан?

— Оҳ!— деди шаҳар ҳокими.— У энг кучли Рим императори эди. У бутун жаҳонни қўлга олган.

— Бутун жаҳонни ўз қўлига олган бундай ҳукмдорни мен ҳеч қачон эшитган эмасман. Фақат бизнинг Соҳибқирон бутун жаҳонни қўлга олганлар, у зотдан илгари бутун жаҳонга ҳоким бўлган Буюк Искандари Зулқарнайн эди. Сизлар айтаётган ҳукмдорни ўзларингиз ўйлаб чиқаргансизлар.

— Йўқ! Бизларга ғазаб қилманг, чин ҳақиқатни айтдик.

— У қачон яшаган экан?

— Бу жуда қадим замонда бўлган. Минг йил илгари. Уша замонда подшо Диоклетиан ўзи учун хос бир сарой қуришни буюрибди ва ўз қўл остидаги Мисрдан хунарманд усталарни чақиртирибди.

— Нега у сарой солиш учун шундай ярамас жойни танлабди?

— Чунки у шу ерлик, диоклей славяни экан, шунинг учун ўз умрининг охирини шу ерда ўтказмоқчи бўлибди.

¹ Диоклетиан — Рим подшоҳи бўлиб, эрамининг 284 йилидан 305 йилига қадар ҳукмрон бўлган ва 313 йили вафот қилган.

У умрининг охирларида ўзининг ҳукуматини халқ тарафидан сайлаб қўйилган учта муовини ўртасида тақсим қилиб, ўзи мана шу олий саройга кўчиб келибди ва мамлакатни идора қилишдан воз кечиб, фақат ўзининг сарой боғида карам ва бошқа сабзавотлар экиш билан машғул бўлибди. Ўзи ҳам фақат мана шу сабзавотларни еб тамадди қилар экан.

— Нима учун шундай яхши сарой вайрона бўлиб ётибди? Сизлар нима учун унга яхши қарамайсизлар?

— Бу жой боболаримиздан бизларга данғиллама сарой ҳолида эмас, шундай вайрона ҳолида қолган.

— Сизлар фақат вайронага муносибсизлар.

Сайинхон вайронани кўрмоқчи бўлди. Бир неча ҳамроҳлари билан шу томонга кета туриб, мени, шаҳар ҳокимини ва бир мулозимни бирга юришга буюрди.

Вайронада саройнинг умумий шакли ҳали ҳам анчагина сақланиб қолган эди. Бино йўнилган катта-катта тошлардан қурилган эди. Бу тошлари бу ерга олиб келиш ишчиларга нақадар оғир бўлганикин! Бино қалъага ўхшарди: ўзи чорси бўлиб, деворлари баланд, тепаси гумбазли бир неча заллари бор, гумбазларнинг бир қисми қулаган, баъзилари омон қолган эди.

Заллардан бирида бизлар катта тахтга ўхшаган бир нимани кўрдик. Тахтнинг ёнида тошдан қилинган афсонавий махлуқнинг — тинч ётган одам бошли арслоннинг тасвири бор эди. Айтишларига қараганда, бу ҳайкал ҳам Мисрдан олиб келинган бўлиб, «сфинкс» деб аталар ва бут ҳисобланар экан, Мисрда ҳамма унга сажда қилар экан.

Бизлар шу ерга келганда отларимиздан тушдик. Хизматкорлар Рим подшоҳининг тахти жойлашган супага гилам ёзишди. Тахтнинг икки тарафига гулхан ёқилгандан кейин Ботухон унинг устига чиқиб ўтирди.

Шаҳар ҳокими Ботухоннинг олдида тиз чўкиб, ҳар хил овқатлар солинган бир лаганни унга тутди. Гумбазнинг қулаб қолган тешигидан осмонда тез сузиб бораётган қора булутлар кўриниб турар ва бўрон бўлишидан дарак берарди.

— Бунинг ҳаммасини сен ўзинг ейсан!—деди Ботухон, шаҳар ҳокимига лаганни кўрсатиб.— Агар буларни еб бўлганидан кейин омон қолсанг, шунда мен сени афв қиламан. Лекин, агар ўлиб қолсанг ёки оғриб қолсанг, унда шаҳрингга ўт қўйиб юборилади.

Шаҳар ҳокими ўз ҳамроҳлари билан қўрқувдан қалтираб бир четроққа боришди-да, бир тош устуннинг синиғига ўтириб, онда-сонда майдан ичиб қўйиб, шоша-шоша ўзлари олиб келган овқатни ейишга киришди. Улар олдида бир навкар қараб турди, баъзан у найзаси билан уларни туртиб қўярди.

Сайинхон ҳам олдин бир оз қараб гурди-да, кейин отини олиб келишни буюрди. Икки навкар югуриб бориб кумушсимон бўз Сетарни олиб келди, от кумуш жабдуқларини шилдиратиб тахтнинг олдида тўхтади. Унинг чақнаб турган кўзларида гулхан оловининг акси ялтираб кўринди.

Ботухон белбоғига осиб қўйган тери халтачасидан бир бўлак новвот олиб отига берди. Кейин кичкина бир пичоқча олди-да, отининг ипаксимон оппоқ бўйнининг бир ерини кесди, лабларини унга қўйиб, отининг қонини сўра бошлади. От типирчилар, қўлдан чиқиб оёқларини кўтариб сакрашга интиларди-ю, бироқ унга осилиб олган икки навкар жиловидан қаттиқ тутиб, бошини босиб турарди.

Ботухон отнинг қонини ичиб қонди: қон унинг юзига суркалиб, отнинг оппоқ қордек бўйнидан оқиб турарди.

— Мана энг яхши ичимлик, уни ҳеч бир ҳадиксинмай ичса бўлади. Шаҳар ҳокими ҳали тирикми?

— Тирик! Тирик!— деб жавоб берди бир неча товуш.

— Тунгача кутамиз. Агар ўлиб қолмаса уни афв қиламиз. Лекин нима бўлса ҳам шаҳарни аскарларимнинг талашига ижозат бераман.

Ботухон отнинг бўйнидаги жароҳатнинг устига кафтини босди ва қонга буланган қўлини тахтнинг силлиқланган ялтироқ орқа суйанчиғига босди. Суйанчиқ юзига Ботухоннинг керилган панжасининг сурати тушиб қолди. Шунда у:

— Бу менинг ҳақимда ва «мағриб мамлакатлари»нинг бир вақтлари буюк ҳукмдори бўлган кишининг саройига келиб кетганим ҳақида эсдалик бўлиб қолади,— деди кишиларга бурилиб.— Мен Итил соҳилига қайтиб борганимда ўзимга сарой қурдириб ўтирмайман, унинг атрофига фойдасиз сабзавотлар эктириб ҳам юрмайман. Халқлар ҳокими бўлган кишига бундан кўра улугроқ ишлар буюрилган. Мен ҳаммадан кўра сафарларда от устида жангчи бўлиб юриб ўлишни афзал кўраман».



XI

НИЗОНИНГ БОШЛАНИШИ

Биринчи боб

БОТУХОН ТРИЕСТ ОЛДИДА

Мўғулларнинг бир тўда отлиқ аскарлари кўк Адриатик денгизининг тошлоқ соҳиллари бўйлаб шимолга томон тез юриб кетди. Тор сўқмоқдан занжирдек тизилиб суворилар, мудраб ётган баҳайбат бир махлуқнинг катта панжаларидек денгизга суқилиб кирган қоя тошли тоғ тизмасининг тармоқларига чиқишди. Ғалати узун пўстин кийган бегона аскарлар, ҳар бир парча ери ҳам қунт билан ишланган бир водийга тушишди ва бир та-

рафда кичикроқ бир ариқни кўриб тўппа-тўғри экинларни босиб-янчиб сувга боришди. У ерда отларини суғориб, йўлларида давом этишди, йўлда улар баъзан баландликка тармашар ёки сойликларга тушар, номаълум келажакка умид боғлаб, ўз даҳшатли ҳукмдорларининг буйруғига тўла амал қилиб, ҳамон олға боришарди.

Денгизнинг ичига кириб турган қоя тошли бир тоғ тармоғидан ўтиб, отлиқлар кўз олдидарида намоён бўлган хушманзарани кўриб, ҳайратдан беихтиёр тўхташди. Пастда катта бир кўм-кўк кўлдек денгиз қўлтиғи ёйилиб ётарди. Усти ям-яшил экинзор, дарахтзор ва боғлар билан қопланган, зинапоядек ҳар тарафга тарқалган пастак тоғлар унинг теварагини ўраб турарди. Соҳилга яқин якка бир тепа устида кичик бир қалъанинг тош деворлари кўринарди.

Қия тоғ ён бағирларининг ҳамма ёғида қишлоқлар, сон-саноқсиз уйлар, оддий кулбалар билан қалин, ям-яшил боғлар орасига жойлашган ингичка учли қўнғироқ миноралари бор тошдан қилинган ибодатхоналар кўришиб турарди. Қишлоқлар орасида кичик-кичик чорси ўтлоқлар ва экинзорлар бўлиб, булар орасида нотаниш кишилар ишлаб юрарди. Йўлларда ҳўкиз қўшилган арвалар тизилиб, пода-пода сигирлар, қўра-қўра қўйлар ва устига юк ортилган гала-гала эшаклар йўлнинг чангини тўзғитиб борарди.

Уйларнинг мўрконидан чиққан тутунлар булутсиз зангори осмонга кўтариларди. Ҳамма нарса серҳосил, қувноқ табиат қўйнида меҳнатсевар насллар узоқ замонлардан бери этиштирган оромбахш ўлка эканини кўрсатиб турарди.

Тоғ тармоқлари, чўзилган қўлдек денгизнинг кўм-кўк қўлтиғига суқилиб кирган, қўлтиқнинг кенг гаванида ранг-баранг елканли кўп кемалар жимираб сузиб юрмоқда.

— Мана, атоқли, обод машҳур Тригестум шаҳри қаршингизда турибди. Қандай гўзал! Қандай обод ўлка! Бу, қўл остингиздаги шаҳарлар ичида энг яхшиси. Бу Тригестумни менсимай, қўлдан чиқариб юрманг тагин, бу ҳалигача қўлингизга кирмаган ёниб турган бир олмосдир. Мана бу жимжит турган баҳайбат катта гаванга бир мингдан ортиқ кема сиғади.

Ўрмонли тоғ ўрқачларининг устига кўтарилган жануб қуёшининг эрталабки балқиб турган нурларида ку-

муш гуллар солинган пўлат совути ва бутун вужуди ялтираб турган Абдурахмон шундай деди. Суворий, сувлигини чайнаб, типирчилаб, тажрибали чавандознинг кучли қўли тортиб турган тагидаги шўх аргумоғига ўхшаб, жони ичига сиғмай, қизишиб турарди.

— Нима кераги бор буларнинг менга!— деб жавоб берди Ботухон зўрға. У қотиб турган кумушсимон бўз отининг устида қовоғини солиб ўтирарди.

— Нега нима кераги бор дейсиз? Нега бутунлай бепарво қараб турибсиз?— деди Абдурахмон.— Пастга қаранг, қанотларини кенг ёзиб парвоз қилай деб турган гала-гала оққувларга ўхшаш, қирғоқ яқинида турган кўп кемаларни кўринг. Улар қочиб кетай деб турибди. Фақат номингиз даҳшати довул қуюнидек енгилмас қўшинингизнинг олдида юриб йўлингиздаги барча қўрқоқ халқларни супуриб ташлайди. Бутун жаҳонни олиш сизга насиб қилган. Ялқовлик ва қулларча мутеликдан бузуқлик йўлига кирган бутун «мағриб мамлакатлари» оёғингиз тагига йиқилишга маҳкум. Аммо сиз марҳум Соҳибқироннинг васиятларини бажо келтиришдан сира кечмасангиз бўларди. Чунки, қўл остингизга кирган қуруқликдан бошқа ҳали бутун жаҳонни ҳар томондан ўраб турган поёнсиз денгиз ҳам бор. Сиз мана шу эркин, фирузадек кўм-кўк денгизни ҳам ўз ихтиёрингизга олишингиз керак. Мана шу ажойиб гавандан сиз денгизларда ҳукмронликни бошлайсиз: оқ елканли минглаб кемаларни қўлга туширсангиз, булар ҳамма мамлакатларга сизнинг буйруғингизни элтиб, бошқа халқлар бойлигини сизга келтиради.

Ахир бу, денгизнинг энг яхши гавани-ку... Мана у, олдингизда турибди, қудратли қўлингизни узатиб, эгарингизга арқон билан боғлаб олсангиз кифоя.

Бошига енгил дубулға кийиб, унга бу сафар бир тўп қора бургут пари тақиб олган бронзасимон қорамтир мўғул ҳукмдори бир тарафга қараб хотиржам бурилди. Унинг кўзлари индамай кутиб турган мулозимлар орасидан гуё бировни излагандек бўлди-да, ниҳоят бир сувори устига келиб тўхтади:

— Иесун Нўҳай! Ёнимизга келишингга ижозат берамиз.

Шижоатли ва қувноқ ёш сувори отини сакратиб сўзловчининг ёнига келди.

— Мана бу шаҳар, шунча кемалар турган шу гаван

ва мана шу сон-саноқсиз боғу бўстонлар сенга манзур бўладими? Абдураҳмон буларнинг ҳаммасини мақтаб, афсонавий мамлакат, бундан яхши юрт бўлмайди, дейди.

— Ҳали бу юртда бизнинг душманларимиз тўлиб ётибди, ҳозирча у менга инс-жинслар ёки чийилдоқ шақаллар уясидан ҳам ёмонроқ кўринади. Аммо сиз уни бўйсундириб, аҳолисини ўзингизга қул қилиб, олға ўтиб кетасиз. Ана шунда уни мен ҳам яхши кўраман.

— Бугун кечқурун мен ҳарбий кенгаш чақираман: эртага ва индинга бизлар нима қилишимиз кераклигини шунда муҳокама қилишимиз лозим.

Иккинчи боб

УЛУҒ ЖИРЧИ ҚУШИҒИ

Ҳар вақт серташвиш Субутой баҳодир гап бошлаб бундай деди:

— Олдинга разведкачилар юбормоқ даркор. Тригестумда қанча аскар борлигини билиб келсинлар. Бироқ бизнинг ҳукмдоримиз сиз Сайинхонга шундай хавфли бўлган айғоқчиликка озгина отлиқлар билан ўзингизнинг боришингиз ярашадими, ахир? Балки у ерда бизнинг босиб боришимизни қайсар Фредерикуснинг¹ ўзи кутиб тургандир. Бу шайтонлар у ёқда, тепаларнинг орқасига бекиниб ётган жуда кўп қўшин йиққан, қатъий жангга ҳозирланиб бу қўшинлар билан сизнинг буқунгача енгилмаган туман-туман аскарингизни бир кунда енгиб, тор-мор қилиб юборишни мўлжаллаётган бўлса ажаб эмас. Агар герман, италян ва фаранг саркардалари ҳали шундай қилмаган, урушга тайёргарлик кўрмаган экан, улар эшак ва мияси йўқ қўйдир... Албатта, улар шошилинич равишда аллақачон, лозим бўлган ишларнинг ҳаммасини қилиб, қилич ва найза тута оладиган ва ўқ ота оладиган ҳаммани аскарликка чақириб олган бўлсалар керак. Абадий кўк осмон — тангри ҳақи онт ичиб айтаманки, олдимизда бир ерда балки, жуда кўп аскар тўплангану, бизлар ғалабаларимиз билан қу-

¹ *Қайсар* — эски шарқ адабиётида кўп учрайдиган бу сўз аслида: «кесар», «цезар» сўзидан бузилган бўлиб, подшо маъносидадир. Шарқда Рум подшоларини қайсар дейилади.

вониб, хотиржам шаҳарга кирганимизда тўсатдан бизларга ҳужум қилар. Ахир улар ҳам, қатъий урушга тайёрлик кўрмай, оғзини очиб анграйиб, бизни кутиб турадиган аҳмоқ эмас-да.

Кўпни кўрган кекса Субутой баҳодирнинг донишмандлигига, эҳтиёткор ва узоқни кўришлигига ўрганиб қолган ҳамма туманбошилар жим ўтиришар ёки бошларини ирғатиб, «маъқул, маъқул» дейишарди.

Фақат ёш Нўҳайхон, ўз одатича, баҳслашиб, ҳаммани ҳайратда қолдирадиган ва ҳатто ҳаммани хурсанд қиладиган тасодифий маслаҳатлар таклиф қилди.

— Шонли Субутой баҳодирнинг ҳозир айтган гаплари тўғри ва тушунарли гаплар. Ҳаммамизнинг ҳурматимизга сазовор бўлган буюк оталиққа бирор нарсани ўргатиш менинг қўлимдан келмайди, албатта. Аммо мен, менга бундай бир шижоат кўрсатишимга марҳамат қилиб ижозат беришларини сўрайман, яъни менга юз ёки майли ўнта бўлса ҳам, ўзимнинг ғайратли каллакесар «бебош»ларим билан тўппа-тўғри Тригестумга боришга буйруқ бергайсиз. Мен ҳозир сизга бизнинг у ерда нималар қилишимизни ва улар бизни қандай қарши олишини айтиб бераман.

— Хўш, хўш, айта қол, сўзингга қулоқ соламиз, гапингдан маъқулини оламиз!— деди Ботухон ўнг қошини кўтариб туриб.

— Бизлар оҳиста текшириб ўтирмаймиз, у ернинг кишиларидан ҳам Тригестумда қанча аскар бор, уларнинг бошлиғи ким, дегандек, сўзларни сўраб юрмаймиз асло. Бизлар қий-чув, шовқин-сурон билан қиличларимизни ўйнатиб, тўппа-тўғри шаҳарга кириб борамиз-да: «Таслим бўлинглар! Буюк жаҳон фотиҳи, даҳшатли Ботухон ҳазратларининг ўзлари келяптилар шаҳарларингизга! Гиладан пояндоз ёзинглар, озиқ-овқат ва майлар тайёрланглар — бугун ҳаммамиз бирга байрам қиламиз!» деб жар соламиз.

Ҳамма туманбошилар кулгиларини яшириб, бир-бирларига қараб қўйишди.

Нўҳай Ботухонга қаради. Ботухон эса узоқларга, кенг денгизга қараб турарди, денгизда жуда кўп кемалар секин-секин юрар ва ўқтин-ўқтин келган шамолдан гоҳ чайқалар, гоҳ елканлари шишиб кўтариларди.

Мангухон Нўҳайга қараб:

— Агар сен Тригестумда нималар бўлаётганини бил-

санг, унда балки ўзинг бизга, уларнинг халқи шаҳарни мудофаа қилишга тайёргарлик кўряптими-йўқми эканини ҳам айтиб берарсан?— деб сўради ундан.

— Э, йўқ! Шаҳар аҳолиси бола-чақасини ва қимматли нарсаларини олиб, ўрмонларга бекинши умидида шаҳардан қочиб кетади. Шаҳар майдонида бадавлат одамлар ва мансабдорлар тўпланишади, уларнинг ҳаммаси ялтироқ совут, хўроз думи тақилган дубулғалар кийиб ясанган, пошналарига ўрнатилган олтин сихни жиринглатиб мақтанишади, сипогарчилик қилиб дўқ қилишади-ю, ўзлари фоздек ғалва қилишади. Улар мўғул қўшинларини худомиз бу ёққа киргизмайди, деб бақиривади. Ахир ҳар бир сипоҳининг ёнида ўн-ўн бештадан яхши қуролланган ёш жангчилари бор. Аммо уларнинг ҳаммаси бир-бири билан жанжаллашади, ҳозиргача битта кучли қўшинга уюша олмайди, шунинг учун улар катта бошлиқларини сайлаб олиш учун келиша олмайди; ҳар ким ўзи бошлиқ бўлгиси келади.

— Хўш, Нўҳайхон, улар сени қандай қарши олади? Сени ҳам зиёфат қиладими?

— Йўқ! Бизнинг борганимизни эшитиб, ҳамма аскарбошлиқлари ўзларининг тош қалъаларига қараб жўнашади ва бизни ўзларининг кунгурадор деворларини бузолмайди деб ўйлаб, унинг ичига бекиниб олишади,— деди Нўҳай.

Ботухон нега индамай турибди? Ҳамма унинг ҳукмини кутиб турарди. Нўҳайнинг сўзидан кейин, Сайинхоннинг бутун аскарга тезлик билан Тригестумга юриш қилишни буюриши гўё шубҳасиздек кўринарди. Лекин у ҳеч кимга ҳам қарамади, унинг юзида баъзан гўё бир нарсадан ранжиганлик яъни ғалати бир аҳвол белгиси кўриниб қоларди.

Ниҳоят Ботухон гапга кирди:

— Шижоатли Иесун Нўҳайнинг гапи юрагимни ўртади. У бундан бошқа гап айта олмасди ҳам. Аммо бизнинг асосий вазифамиз фақат бир шаҳарнинг кетидан бир шаҳарни олаверишигина эмас, балки буюк Мўғул давлатини яхшироқ мустаҳкамлаш ҳамдир, чунки бу давлат энди ўз чегараларини ҳаддан ташқари кенгайтириб юборди ва икки четидан иккита охириги денгизга тиралиб қолди: бир тарафи ҳар куни қуёш чиқиб парвоз қиладиган хитой денгизи, яна бир тарафи қуёш ботиб, сўниб кетадиган «сўнгги денгиз». Бизлар энди нима

қилишимиз керак? Сафаримизнинг бундан кейинги бутун ғалабалари менинг буйруғимга боғлиқ. Ҳар бир қатъий уруш олдида, душман жуда ақлли ва ғалаба қозониш учун энг муҳим ва энг фойдали ишларнинг ҳаммасини қилади, деб ўйлаш керак.

Турганларнинг ҳаммаси индамай бир-бирларига қараб олди.

— Шундай деб ўйлаб, бизлар Тригестумга борганимизда жуда эҳтиёткорлик билан ҳаракат қилишимиз керак,— деб сўзида давом этди Ботухон.— Шунинг учун мен яна бир оз сабр қиламан, чунки мен ҳаммадан кўра кўкнинг — тангрининг хоҳишини билишим зарур. Ҳар нарсадан воқиф шомонлар тездан бу ерга келишсин, афсунларини ўқишсин, кейин уруш тангриси Сулда ва кўкдаги бошқа тангриларнинг иродасини менга айтиб беришсин.

— Сиз ҳозир энг яхши, тажрибакор шомонимизнинг башорат беришини эшитишингиз мумкин,— деди Суботой баҳодир.— У ўз ватанимиздан, Хангай тоғларидан келди, ҳозир шу яқинда, менинг кўчимда турибди. Мен ҳозир унга бир навкар юборсам, у бугун кечқуруноқ гулхан теварагида афсун ўқиб, сизга ўзимизнинг жонажон саҳроларимизнинг қўшиқ ва жируларини айтиб беради.

Уша куни кечқурун баланд бир қоя тошнинг тагидаги кенг ўнғурда ўт ёқилди. Мўғул хонлари ўнғурнинг четларига давра қуриб ўтиришди. Оддий жангчилар сиртда, отларга яқинроқ жойда қолишди.

Шу вақт бирдан бўрон бошланди. Тинмай чақмоқ чақиб, момақалди роқ гулдураб турди. Ҳар сафар яшин яшнаганда ўнғурнинг ичи бир он ёришиб, бир-бирларига зич сиқилишиб ўтирган мўғуллар кўриниб қоларди.

Яқин кунлар ичида олдинга юриш ҳақида ҳеч бир ўйлаш ҳам мумкин эмас эди, чунки шунчалик жала қуйиб бердики, сувлар тоғлардан сел бўлиб оқди, сойлардаги ўзанларнинг сувлари кўлайиб, катта-катта тошларни оқизиб кетди. Бундай пайтларда барча мўғуллар қоя тошларнинг панасига бекинишга тиришиб, ўнғурда. Ботухон ёнида ўтирган бахтли мансабдорларга ҳаваслари келди.

Ўнгурга бир турғовут кириб, машҳур улуғ жирчи — мўғул уруш дostonларини яхши биладиган Бўри-Жихурни олиб келганини ва жирчининг буюк Сайинхон ҳазратларига, у зотнинг саҳродаги барча уруғ-аймоқларидан ўзи бевосита салом айтмоқчи эканини гапирди. Шунда Ботухон унга илтифот қилиб:

— Майли, у бизга жирлаб берсин, бу ерда ҳозирча бўрон қутурапти, тонг саҳарда, эҳтимолки ҳаво тинчланиб, олдинга юриб кетармиз,— деди.

Навкарлар ўтга тутам-тутам бурган ташлаб турдилар. Намланиб қолган ўтин чарс-чурс қилиб, яхши ёнмади. Шунинг учун гулхандан чиққан қуюқ тутун ўтирганлар устида бурқиб сиртга жуда секинлик билан чиқиб турди.

— Ана у!— деб пичирлади ҳамма.— Ана улуғ жирчи ва шомон Бўри-Жихур.

Ўнгурга кийимлари ивиган, икки ўрим оқ ҳайдар кикили қулогининг орқасидан елкасига тушиб турган кекса бир мўғул кирди. Унинг қўлида ялпоқ тери ғилофга солинган дўмбираси бўлиб, бирга бошлаб келган турғовут унинг хуржунини елкасига солиб олган эди.

Ўтирганлар сурилишиб унга жой беришди, Бўри-Жихур уларнинг орасига залвори билан тиқилди. Унинг ўсиқ барақ қошлари тагидан гўё ажабланган ва ёқимлидек кўринган кўзлари милтиллаб боқар ва тутам-тутам жингалак сочлари тушиб турган қорамтир юзида чақнаб кўринарди.

У дўмбирасини ғилофидан олди, унинг кафтига томон букилиб турган бармоқлари тор устида тез-тез силкина бошлади-да, ўнгурнинг ичи жуда ҳам ёқимли, мунгли бир овозга тўлди. У бурилиб ҳаммага бир-бир қараб чиқди, бу қарашида биргина киши унинг диққатини ўзига тортди. Бу киши ўткир қараши ва дубулғасининг манглайига қадалган узун қора бургут пари тақилганлиги билан бошқалардан кўра кўзга яқин эди. Улуғ жирчи аввал атрофдагиларга, кейин бошига пар таққан мўғулга савол назари билан қаради, ўтирганлар, топдинг, деб тасдиқлагандек бош иргатди. Шундан кейин Бўри-Жихур кексаларга хос сал дўриллаган, лекин ёқимли товуш билан бир куйни узоқ чўзиб айта бошлади. Бу куй дам авжига чиқар, дам пасаярди, жирчи нафас олмай ҳамон чўзар ва тингловчилар ажабланиб, унга бунчалик куч қайдан битгану, бунчалик ҳаво унинг кўк-

сига қандай сиққан, дейишарди. Ниҳоят у бир оҳ уриб, нафас олди. Шунда бошига бургут паридан жиға санчган ҳалиги мўғул, буйруқ бергандек эмас, юмшоқроқ бир оҳангда жирчига мурожаат қилди:

— Айтгин бизга, қадрли қўноқ, ажойиб кекса улуғ жирчи, қайда бўлур сеинг узоқдаги маконинг? Номинг недур, наслу насабинг ким? Ҳожатинг кимга-ю, олис йўлдан излаб келган тилагинг кимга? Айтавер барини, яширма, айтавер.

Улуғ жирчи дуторини жўр қилиб, тагин ҳалигидек чўзиб куйлашга киришди:

— Салом сизга, қароғим, болагинам! Кенг ягрину, кенг қулочдан танийман сизни. Дунёдаги кишиларнинг қувончидирсиз! Қора тошли Хангай тоғи ўркачларида даҳшатли ҳайқириб юрган қора чипор барссиз! Бутун халқнинг умиди, қадрли ўғлим! Тоғ чўққиси устида чинқириб учган бургутсиз! Сизнинг эзгу хонлигингиз, давлатингиз лаъл тошидек мустаҳкамланди. Сизга қарам сон-саноқсиз фуқаро бахт-саодатга эришди. Мен ҳам сизга йил сайин уч йўл келиб тургайман.

— Келавергин, буюк мўғул халқининг қандай кун кечираётганини, қандай орзу, қандай қувончи борлигини жирларга қўшиб айтиб беравергин!

Кекса жирчи бундай жавоб берди:

— Қандай қувонч бўлсин бизда, ўғлим? Қаршимизда қора ният ёв—душман турса, қувониб бўлмайди. Ёнимизда ёвуз тўсқин бош кўтарса қувониб бўлмайди. Бутун эл-улус, душманга қандай бас келаётган экан, деб ташвиш билан сизни ўйлайди. Айтишларича, мана шу кун ботишда ёвуз инс-жинслар бор. Ҳамма нарса уларда мукамал-ку. Аммо уларнинг афти-ангори совуқ. Сиз уларнинг пода-пода молларини ва уюр-уюр йилқиларини тортиб олиш учун, халқларини фуқаро қилиш учун келгансиз. Қадимги дostonларда сизнинг етмиш саккиз мамлакатга ҳукмдор бўлишингиз айтилган...

— Етмиш саккиз мамлакат! Рост! Мен шунча мамлакатни олишим даркор!— деди дубулғасига бургут пари қадаган жангчи.

— Тўй устига тўй бўлсин, ов устига ов! — деб бақиришди ўтирганлар бирданига, мўғулларнинг одатдаги қутлов сўзларини айтиб.— Сиз, тек турмас ғайратли душманларни ларзага солиш учун туғилгансиз! Ажнабий подшоларнинг гўзал юртлари ёнли баҳодирларимиз-

нинг қўл остига ўтиб, отларига ортган хуржунларининг кўзларини тўлдирадиган фурсат келди...

Улуғ жирчи Бўри-Жихур туни бўйи кенг, бепоён мўғул саҳролари, ундаги ёйилиб юрган елдек тез, учқур ёввойи қулонлар ёки уюр-уюр гўзал мўғул отлари ҳақида, Хангайнинг қалин ўрмонлари ҳақида, ажойиб, қимматбаҳо ёввойи ҳайвонларга тўла Саян тоғлари ҳақида дostonлар айтиб чиқди. У мўғул баҳодирлари Бум Эрдани, Шарха Бўдана ва Дайна Кюрюлларнинг қаҳрамонлиги ва уларнинг ҳар қандай душмандан ҳам қўрқмай, энг даҳшатли афсонавий махлуқларни енгганлари тўғрисида дostonлар айтиб, уларга мадҳиялар тўқиди...

Тингловчиларнинг ҳаммаси бошларини тебратиб, уҳ тортишди ва қўшиқнинг нақаротини айтгандек куйлаб:

— Оҳ, бизнинг узоқдаги гўзал ватанимиз! Оҳ, кўм-кўк сувли Керулен, олтиндек лойқаб оққан Ўнўн! Ёт юртларнинг машаққатидан, ёт кишиларнинг калонди-моғлигидан тўйиб кетдик! Ёт юртларда вафодор, толмас отингни ардоқла, у сени бахту давлатга эриштиради, сени у фалокатдан қутқаради ва эсон-омон юртингга ҳам етказди!

Учинчи боб

ОЛИС ДАН КЕЛ ГАН Д А Р А К Ч И

Эртаси куни эрталаб бўрон этинди. Селнинг сўнги оқовалари қия сойлардан ҳали ҳам оқмоқда. Ҳаво очиқ, осмон кўм-кўк, тиниқ эди.

Субутой баҳодир соҳилдаги ёлғизоёқ йўлдан аста-секин бормоқда, у осмонга қараб-қараб қўяр, булут яна қуюқлашмасмикин, деб ўйларди.

— Ановини қаранглар, ановини қаранглар! Бу бургут-ку!— деб қичқириб юборди бирдан, қамчиси билан осмонни кўрсатиб.— Балки у бизникидир. Югур Долибхо, кўчга чоп, иккала қушчини мода бургутлари билан олиб кел! Яна қўлдан чиқариб юборишмасин! Улар бир учса, балки қайтиб келмас.

Субутой отини чоптириб бир ёққа кетди-да, дарров кекса хизматкори Сақлаб билан бирга қайтиб келди, Сақлаб бир нимта қўй гўштини кўтариб, чопиб, ҳаллослаб келди. Буюк оталиқ тўхтаб, кўм-кўк тинч, кенг ос-

монга қаради. Осмонда иккита бургут шундай баланд учиб юрардики, улар гўё иккита қора нуқтадек бўлиб кўринарди. Улар давра олиб айланар, бир-бирларига човут солиб, айқашар, тошдек пастга тушар, кейин яна юқори кўтарилиб ҳавода кенг давра олиб парвоз қиларди.

Оппоқ соқолли Сақлаб бир нимгани олиб келди-да, ялпоқ катта бир тош устига қора бир терини ёзиб, унинг устига қўйди. Кейин белидан пичоғини олиб, парча-парча қилиб бўлиб ташлади.

Шу вақт кекса Сақлабнинг устида бирдан бўрон шовиллаб кетгандек бўлди. Осмондан отилган тошдек катта сариқ-қорамтир бир бургут тўғри ҳалиги қўй гўшти устига тушди, катта бир бўлак гўштни чангаллаб, сакраб-сакраб бир тарафга ўтди-да, қанотини кенг ёзиб, учиб кетмоқчи бўлди. Худди шу вақт яқинроқда турган мўғул жангчилари ҳар тарафдан унга қараб югуришди.

Афтидан, бургут ўргатилган ов бургути бўлса керак, одамлар яқинлашиб келганини кўриб, уринмай туриб қолди. Мўғуллар уни чангалидаги гўшти билан тошга ёйиб қўйилган тери устига олиб келиб қўйишди, бургут гўштни чангали билан юлқиб, чўқиб-чўқиб ея бошлади.

— Бор экан, бор экан!— деб бақирди мўғуллардан бири, бургутнинг бўйнидан секин тутиб туриб. У қушнинг қаноти тагига боғлаб қўйилган кафтдек бир тери халтачани ечиб олди-да, икки букилиб Субутой баҳодирга тутди. Баҳодир уни олди-ю, ичини очмай қўйнига солди-да, отига қамчи босиб чопиб кетди.

Тўртинчи боб

С У Н Г Г И Ҳ А Р Б И Й К Е Н Г А Ш

(Ҳожи Раҳимнинг «Йўл хотиралари»дан)

«Э, ҳаммани билувчи доно парвардигори олам, ўзинг мадад бергил, токи мен, мана шу махфий кенгашни ва унда муҳокама қилинган «мағриб мамлакатлари» мўғулларнинг қарамоғига кирсинми ёки йўқми? «Мағриб мамлакатлари» даги ранги ўчиб қони қочган халқнинг устига юриш қилган яхшими ёки вақтинча қипчоқ даштларига бориб, дам олиб, куч тўплаб, кейин мўғул қаби-

лаларининг кўкларда сузиб юрган пушти паноҳи қўлини кун ботиш тарафига қараб чўзиб:

— Ана у ёққа! Бошланглар!— деган вақтида яна олдинга ҳаракат қилмоқ учун ҳозирча яхши ўйлаб эҳтиёткорлик билан отларнинг бошини орқага бурган яхши-ми?— Шуларни ҳаққоний тасвирлашим учун ўзинг кўмак бер.

Кенгашда ўзбошимчалик билан кетиб қолган Куюкдан бошқа Чингиз авлодининг ҳаммаси ва баъзи туманбошилар бор эди. Бунда ёшлардан Ботухон яхши кўриб қолган шўх, қизиқчи, шижоатли мингбоши Иесун Нўҳай, доимий маслаҳатчи Субутой баҳодир қатнашди.

Бизлар кенгашда ҳукмдоримизнинг аввал сўзлашини ёки бирор буйруқ беришини кутиб ҳаммамиз ерга қараб, чурқ этмай қўл қовуштириб ўтирдик. Ниҳоят, Ботухон жимликни бузиб:

— Даракчилар бизни алдамади. Чопар — бургут иккинчи хатни, мени ташвишга солган муҳим хабарни олиб келди. Балки сизлар ҳам бу хатнинг қандай аҳамияти борлиги ҳақида ва энди нима қилишимиз кераклиги тўғрисида ўйлаб қоларсизлар.

Ўтирганлар бир қўзғалиб қўйди.

— Айтингиз бизга, Сайинхон, нима воқеа рўй берди?

— Ўзларингиз биласизларки, мен аллақачонлар узоқдаги рус Новгородининг қорли, совуқ ерларига ўзимнинг содиқ туманбошим Арабшони юбориб унга, нотинч қўноз Искандарнинг ҳар бир қадамини диққат билан кузатишни топширган эдим. Бугун мен ўзимнинг шу яқин орадаги қоровулхоналаримизнинг биридан, Арабшонинг қайтиб келаётгани ва тез кунда бу ерга етиб келиши тўғрисида маълумот олдим. Бундан ташқари, бизнинг яқинроқдаги қоровулхонамиз хабар қилиб, Искандарнинг ўз ерига бостириб кирган душманлари устидан янгигина ғалаба қозонганлигини ва унинг аскарлари бу урушларда анча чиниқиб қолганлигини айтади.

— Бундан шу нарса аниқ бўляптики,— деди Субутой қовоғини солиб,— ўша Искандар борган сари хавфли бўлиб боряпти!

— Хавфли бўлиб нима қилар эди у? Биздан жуда узоқда-ку.

— Ўрисларнинг қўнози Искандар нега хавфли бўлиб қолганини буларга тушунтириб беринг,— деди Боту-

хон, шунда унинг қора қийиқ кўзлари ўтирганларнинг ҳаммасига синчиклаб қараб чиқди.

— Агар сизлар буни тушунмасанглар, Сайинхон ҳазратлари тушунтириб қўйишни буюрсалар, мен тушунтириб берай! — деди салмоқлаб Субутой баҳодир, ҳеч кимга қарамасдан.

Шундан кейин йиғинда шундай жимлик чўкдики, тоғдан оқиб тушаётган сувнинг шариллаши жуда аниқ эшитилиб турди.

Субутой сўзида давом этди:

— Ҳозирда бизлар Ботухоннинг Итил дарёсининг қуйи оқимидаги қароргоҳларидан от алмаштириб миниб юрган кишига икки ойлик олис жойдамиз, бутун мўғулларнинг энг катта пойтахти—Қорақурумдан эса кўп ойлар йўл юриладиган узоқликдамиз... — деди Субутой ва икки қўлини баланд кўтариб ғамгин ҳолда буюк хоқонининг вафотини хотирага олганлик белгиси сифатида бошини ерга қўйиб таъзим қилди. — Бизлар мана шу хон йўлини — улуғ йўлни хатарсиз ва дахлсиз қилиб сақлашимиз лозим, ҳамда шуни эсдан чиқармаслигимиз лозимки, бу йўл уни поёнсиз Гоби ва Қизилқум чўллари орқали Соҳибқирон ҳазратлари биринчи мартаба солиб ўтган йўллариدير, шу билан бирга, бизларни қўллаб-қувватламоқ учун келиб турган ва бундан кейин ҳам келадиган қадрдон ва бирдан-бир садоқатли енгилмас баҳодир — мўғул қисмлари фақат шу йўлдан келади.

— Оҳ, нақадар тўғри гап! — деб биров оҳ тортди.

— Ҳозир бизнинг энг катта ёвимиз ким?— деб давом этди Субутой. — Бу йўлни, жонажон мўғул мамлакати билан бизларни боғлаб турган бу томирни ким узиб ташлай олади? Подшо Фредерикусми? Йўқ! Бу подшо ҳозир похол қўғирчоқ бўлиб қолган. Германлар ва фаранглар энди у билан бизнинг мўғул қароргоҳи теварагида изғиб юрган қўтир итларни ҳам қўрқита олмайди.

— Тўғри, тўғри! — дейишди туманбошилар.

— Хўш, энди бу атоқли подшо қаёққа бекинди?

— Қаёққа бекинарди? Қочиб кетиш осонроқ жойга бекинган-да! — деди нафрат билан илжайиб Иесун Нўҳай.

— Тўғри! Лекин ҳозир бизга ҳар нечук иккита киши хавфли. Обискун денгизининг жанубида, Табриздаги чингизийлардан бўлган хавфли душманамиз Халокухон

бир нарсалар деяётган эмиш. У бизнинг ҳукмдоримиз Сайинхонни ёмон кўради, у зотни кўролмайди, аскар тўплаб бизларга ҳужум қилмоқчи ва Кичик Саройни босиб олмоқчи. Ахир бир кун у билан қаттиқ олишиб, унинг қаддини букиб қўйишимиз керак бўлади.

— Халокунни жойлаш қўлимиздан келади! — деган овозлар эшитилди.

— Ёвимизнинг иккинчиси ким? Уни ҳам айтиб беринг бизга, донишманд оталиқ.

— Буни ўзларингиз топишингиз даркор. Барс ёш вақтида ва онасини эмиб юрганда хавфли бўлмайди. Сут эмганда у ўзига янгидан-янги куч тўплайди, тишлари чиқади, у эркин ва кучли бўлиб, Ханган тоғларининг чўққиларига чиққанда забардаст бўлиб кетади. Ҳозир ҳам шундай...

Субутой жим бўлди. Бошқалар ҳам бирор оғиз сўз айтиб юбормаслик учун дамларини ичларига олиб индамай қолишди. Улуғ оталиқ қўйнидан оғзида ингичка тасма боғичлари осилиб турган кафтдек бир тери халта олди.

— Ҳожи Раҳимга беринг! — деб буюрди Ботухон. — Ўқиб берсин бизга! Бу — хат ташувчи бургут олиб келган Арабшонинг мактуби. Мен бу нар бургутни йўлдаги қоровулхоналардан бирига ташлаб кетган, унинг модасини бу ерда боқтириб турган эдим. Арабшонинг ўзи ҳам бургутнинг кетидан бу ёққа қараб йўлга тушади.

Бу халтачани олиб эҳтиёт билан очдим ва ундан бир неча марта букланган юпқа шалдироқ қоғозни олдим. Ёзиб тўлдирилган қоғозни тиззамга қўйиб текисладимда, олдин ундаги хатни ичимда ўқиб чиқдим, кейин хатдан бошимни кўтариб Сайинхонга қарадим.

— Ўқинг! — деб буюрди у.

Мен қўлларим қалтирагани ҳолда, майдалаб ёзилган сатрларни бирин-кетин оҳиста ўқий бошладим.

Жасоратли Арабшо бундай ёзибди... «Марҳум Соҳибқирон ҳазратларининг кескир қиличларини тутган, самовий Кўк ўрда ерларининг қудратли ҳукмдори бўлган ва «мағриб мамлакатлари»ни бўйсундирган улуғ Сайинхон ҳазратларига садоқатли, вафодор турғовутлари туман-туман салом ва муҳим хабар йўллаб, бахту саодат билан яна бир мингу бир йил умр кўришларини тилайди...»

— Ундан кейин! Ундан кейин!

— «Сониян, етиб маълум бўлсинким, герман суворилари ўз қўл остиларидаги ўрмонда турадиган кўп аҳолини ҳайдаб келиб, новгородлик қўноз Искандар аскарлари билан музлаб қолган катта бир кўлнинг устида тўқнашди. Қўноз Искандар ўз одатича шижоат билан германларга қарши урушди...»

— Хўш, ундан кейин! Ундан кейин! Ким кимни енди! — деб хитоб қилишди мўғул хонлари.

— Ҳозир ўқийман. Мана бу ери бир оз ноаниқроқ ёзилган экан. Ҳа, мана топдим: «Искандар енгиб чиқди ва уларни қўй ҳайдагандек олдига солиб ҳайдади...»

— Ҳа, балли, довюрак ботир! — деб хитоб қилишди ўтирган мўғуллар кулишиб, бироқ Ботунхоннинг ғазабланган кишидек қовоғини солиб ерга қараб турганини кўриб ҳаммалари яна жим бўлиб қолишди.

— Арабшо яна нималар ёзибди? — деб сўради Ботухон.

— У ёзадики: «Новгородлик қўноз Искандарнинг қўшинлари зўр синовдан ўтди, ҳар қандай сафардан ҳам юз ўгирмайдиган ва ўзининг кучига тўла ишонадиган бўлиб қолди, шунинг учун ўрислар, Искандар бутун ўрис ерларини қутқариб олишни ўйлаб юрибди, деб гапира бошлади. Ўзим ҳам бу қанотли даракчининг кетидан кўзим билан кўрганларни айтиб бермоқ учун кечикмай йўлга тушаман».

Ботухон қуриб қолган лабларини ялаб, ғазабланиб тез-тез гапирди:

— Мен ўша Искандарни бир кўрай. Тезлик билан у бу ерга, менинг чодиримга чақирилсин, уни нима қилиш кераклигини мен шу ерда ҳал қиламан.

— Агар Искандар бу ерга келишдан бош тортса-чи? — деб сўради Мангухон.

— У вақтда мен ўз қўшинимни Новгородга қараб сураман, унда ҳар қандай қаттиқ аёз, ёки ботқоқлик, ёки дарёлар тошқини менинг қўшинимни тўхтата олмайди. Унда мен шимолдаги ўрис ерларини, ҳозирги Киев ва бошқа кўп шаҳарларга ўхшаш жонсиз дашту биёбонга айлантириб юбораман.

Ҳамма бир-бирига қаради. Ҳамманинг кўнглига бир хилда ташвишли фикрлар келди. Ўзини ҳеч тўхтата олмайдиган Нўҳай бир неча сўз ташлади:

— Жа, Тригестум не бўлади? Наинки...

Ботухон ҳамманинг кўнглидаги ташвишни пайқаб:

— Саркардага жасорат ва шижоат қандай зарур бўлса, эҳтиёткорлик ҳам шундай зарур, — деди. — Ҳа, энди мен ўйлайманки, қўшинларимизни дашти қипчоққа қайтариб олиб кетсак, отларимизни боқиб дам олдирсак, энг муҳими — қароргоҳимиз Кичик Саройни муҳофизат қилсак, бу энг эҳтиёткорлик бўлади... Ундан кейин янги сафарга чиқмоқ учун тайёргарлик кўрсак...

— Ундай қилманг! — деди Иесун Нўҳай ва Ботухоннинг олдига тиз чўкди. — Ҳаргиз ундай қилманг! Бундай қилишнинг оқибати хунук хато бўлади!

— Утинаман, қўшинни орқага қайтарманг! — деб Нўҳайнинг сўзини қувватлади араб элчиси Абдураҳмон. — Аскарга буюринг, тездан олдинга юриб кетсин. Эртага эмас, индингаёқ Тригестумни оласиз. Бир ҳафтадан кейин илгор қисмларингиз Венецияга бориб киради, бир ойдан кейин эса, буюк Рум пойтахти ва у билан бирга бутун жаҳон ҳукмронлиги қўлингизга киради!

— Иккиланиш керак эмас! Олға, Соҳибқирон ҳазратлари васият қилганларидек, «сўнги денгиз» томон олға юринг! — деб бақирди Субутой баҳодир, якка кўзини олайтириб.

Ботухон Иесун Нўҳайнинг юзини силади ва ўрнига бориб ўтиришга ишорат қилди. Шундан кейин у Субутой баҳодирга қараб, деди:

— Хўш, донишманд устозим, сизнинг фикрингиз қандай: тек турмас Искандарнинг қўшини тўқис-тугал омон турибди, мен бўлсам жуда узоқларга келиб қолдим, энди у менинг қароргоҳим Кичик Саройга юриш қилиб, уни босиб олиш ва олисда қолган юртимизга қайтадиган йўлимизни тўсиб қўйиш қасдига тушиб қолмадимикин? Лекин бу ҳақда сиз менга тотли сўзлар билан таскин берадиган гапларни эмас, чин кўнглингиздаги энг аччиқ ҳақиқатларни айтиб беринг.

— Мен сиз билан Соҳибқирон ҳазратларининг набиралари сифатида сўзлашаман ва сизга кўнглимдаги барча гапларни айтаман. Новгородлик Искандарнинг қўшини шунинг учун енгилмаски, бу қўшин унга ва унинг келгусидаги ғалабаларига ишонади. Агар у бу қўшинни қаёққа бошласа, ўрислар шу ёққа кетаверади, ҳаттоки етти қават ертагидаги жаҳаннамга деса ҳам

бораверади. Қўноз Искандар агар хоҳласа сизнинг қароргоҳингиз Кичик Саройга, сиздан олдинроқ, мабодо сиз у ерга қайтиб бораман десангиз ҳам, барибир сиздан олдинроқ бориб олади. Аскарининг бир қисми сол ва қайиқлар билан, отлич қисмлари эса буюк Итил дарёсининг қирғоқлари билан юриш қилади. Шундан кейин Искандар Кичик Саройдаги хоҳлаган нарсани ола билади, чунки ҳозир отличларнинг юриши осон, ҳар ерда отларга ем-хашак кўп...

Ботухон қўлидаги шойи рўмолчасини ёғимлаб турди-да, шар этиб йиртиб ташлади. Кейин у бошини қуйи солиб, ҳеч кимга қарамай туриб деди:

— Айтинг-чи яна, донишманд устозим, сизнинг фикрингизча, Искандар Кичик Саройга юриш қиладими ёки йўқми?

Бунга қарши Субутой баҳодир иккиланмай жавоб берди:

— Ҳарқалай, мен қатъий ишонаманки, Искандар ундай қилмайди ва шимолдан кўзғалмайди.

— Нима учун?

— Чунки, бошингизга бахт қуши қўнган, доим омадингиз келиб туради. Мен Соҳибқирон ҳазратларининг васиятларини ёдимда тутиб келаётиман, у зот ҳеч қачон янглишган эмаслар. Мен у зотнинг бизларга васият қилиб: «Мўғул қўшинлари «сўнги денгиз»гача етиб боришлари лозим, мўғул қўшинлари бу йўлни уруш тангриси Сулданинг паноҳида Соҳибқироннинг Ясасини ҳамма ерда жорий қилиб осонгина юриб ўтади...» деган гапларини ўз оғизларидан эшитганман. Шунинг учун мен бугун олдинданоч очиқ-ойдин кўриб турибманки, сиз Тригестумни ҳам, Венецияни ҳам, итальянлар пойтахти Румни ҳам ҳаш-паш дегунча олиб қўясиз, «мағриб мамлакатлари» қироллари билан баронлари эса сизга ўз садоқатларини баён қилиб, сизнинг заррача бўлса ҳам илтифотингизга ноил бўлмоқ учун ҳузурингизга бир-бирларидан олдинроқ югуриб келишади. Шунинг учун мен яна бир мартаба қағий тавсия қилиб айтаманки, «мағриб мамлакатлари»ни забт этмоқ учун кўп ўйлаб бошланган бу муборак сафар ниятидан қайтманг. Аксинча, уни давом эттиринг. Германлар билан фарангларнинг бу лаънати мамлакатларини забт этиб, тор-мор қилинг. Ҳозир бизлар жуда кўп иш қилиб қўйдик. Уни тўхтатманг! Эртагаёқ юриш бошлашга фармон беринг!

— Мен эртагаёқ отларнинг бошини орқага, Кичик Саройга буришга буйруқ бераман! — деди Ботухон қатъий бир тарзда.

— Мен сиз билан бирга юрмайман! Энди сиз билан бизнинг йўлимиз айрилади! — деди Субутой бўғилиб.

Ҳамма анқайиб мўғул ҳукмдорига қараб қолди. Бу кунгача Сайинхон билан Субутой баҳодир ҳамма вақт бир фикр ва бир йўлда эди. Уларни нима ажратиб қўйди?

Ботухон сакраб ўрнидан турди. Унинг қўллари титраб кетди-ю, бирдан бақирди:

— Менинг мураббийим бўла туриб, ҳали сиз шу гапни айтмасизми? Менинг буюк оталигим бўла туриб, сиз ҳали менинг хоҳишимни бажо келтиришдан бўйин товлашга журъат қиладиган бўлиб қолдингизми? Сиз менинг фикримни қўллаб-қувватлашингиз ва менинг эҳтиёткорлигимга таҳсин қилишингиз лозим эди-ку. Бизлар мен вужудга келтирган ўша буюк ишни: самовий Кўк Урда хонлигини муҳофизат қилишимиз лозим. Мен бировни риоя қилиб, қилар ишимни тўхтатиб қўймайман. Мени ёзғириб айбловчи, агарчандки сиз бўлсангиз ҳам, қатл этишга буюриб юборавераман...

— Мени ҳам бирга қўшиб! — деди Иесун Нўҳай. — Агар отларнинг бошини орқага бурсангиз, мен ҳам сизнинг ёнингизда турмайман. Ҳозир сизнинг олдингизда, Итил қамишзорлари орасига бекиниб ётган Кўк Урда ва Кичик Саройларингиздан кўра анча улуғроқ бир истиқбол турибди. Ўзимнинг мингта «бебош»ларим билан бирга менга рухсат беринг! Булвор подшоси, Рум — Византияни забт этмоқ учун аллақачонлар мени ўз хизматига чақирган. Лекин Византияни у эмас, сиз, буюк Сайинхон сабт этиши лозим. Менга рухсат беринг!

— Мен ҳам сен билан бирга кетаман, ҳой довурак Иесун Нўҳай, — деб хириллади Субутой баҳодир. Бу гапларни айтганда, у газаб билан бошини силкигиб, кўкрагига уриб гапирди. — Менинг қўйнимда сиздан кўра улуғроқ ҳукмдорнинг буйруқлари турибди, тумор қилиб тақиб олганман, мен унга бўйсунимиз лозим. Ҳа, ҳа, шундай! Бу бобонгизнинг буйруғи, кўнглимни ўз муҳаббати билан ўртаган, жаҳондаги энг улуғ саркарданинг буйруғи. Бу васият — ўша зотнинг васияти! Шу васиятга мувофиқ, бизлар ҳеч тўхтамай «сўнги денгиз» га етгунимизча олға, ҳамон олға бораверишимиз лозим.

У ерда бизлар мўғул отларининг туёқларини унинг тўлқишлари билан ювишимиз лозим. Қўл остимизга кирган барча мамлакатларда Яса қонунларини жорий қилишимиз керак. Донишманд, қаҳрамон ва ягона ҳукмдор бизларга шундай таълим берган. Шунинг учун у зотнинг набиралари бўлган сиз, енгилмас Сайинхон, у зотнинг хоҳишларини бажо келтирмай иложингиз йўқ!

— Субутой баҳодирнинг гапларига кўнинг, Сайинхон ҳазратлари!— деди жуда ҳам ёлвориб Иесун Нўҳай.— «Мағриб мамлакатлари» энди оёғингиз тагида ётибди, товонингизни ялашга тайёр турибди, бўйин эгиб, қуйруғини жилпанглатиб турибди. Сиз энди энг мушкул вазифани бажариб, ўрисларни ва уларнинг пойтахти Киевни тор-мор қилгансиз. Ахир ўрис халқи кўрсатган бундай қаттиқ қаршилиқни ҳеч қачон ҳеч ким кўрсатган эмас ва бундан кейин ҳам ҳеч ким ундай қаршилиқ кўрсатолмайди. Бизларнинг Киевни олишда ҳеч нарсадан қайтмас баҳодирларимиздан қанчаси ҳалок бўлгани эсингиздами? Энди сиз орқага қайтмоқчи бўляпсизми? Бундай қилманг! Кейин ўкинасиз. Қаршингизга янги-дан-янги ғалабалар келиб турибди, қандай қилиб бу ғалабалардан юз ўгирасиз? Ўзингизнинг шундай қарорга келганингиз учун умрингизнинг охиригача афсус қиласиз ва неча минг йиллардан кейинги авлодингиз, Соҳибқирон ҳазратларининг васиятларини бажо келтирмаганингиз учун сизни таъна қилади. «Мағриб мамлакатлари» даги барча мақтанчоқ баронлар ва герцоглар энди бундан кўра баттарроқ мақтанишади ва «Татарлар бизларнинг дубулғаларимизга қадаган хўроз патидан қўрқиб кетди, ҳамма ерда татарлар мағлуб бўлди, Чингизхоннинг мислсиз ва енгилмас баҳодирлари, калтакланган чўлоқ итдек, яёв, судрала-судрала ўзларининг узоқ саҳроларига қайтиб кетди...» деб бизларни таъна қилади...

— Улар ҳаргиз бундай деёлмайди!

— Аммо, улар бу гапларни ҳозироқ айтиб юрибди!

— Бас! Овозингни ўчир! — деб бақирди Ботухон.—

Ҳей, турғовутлар! Бери кел, олдимга!

Шундан кейин иккита мўғул жангчиси югуриб келди ва қиличларининг дастасини тутамлаб тўхташди.

— Амрингизга тайёрмиз! — дейишди улар.

Ботухон ғазабдан титраб, Иесун Нўҳайни кўрсатди-да:

— Тутинглар буни! Умуртқасини синдириб, этини итларнинг олдига ташланглар! Бу беодоб нокасни,— деди бўғилиб.

Турғовутлар саросимага тушиб, орқага чекинишди.

— Нима деб буюрдим мен сенларга? Тутинглар бу юзсиз гуноҳкор Иесун Нўҳайни, олиб бориб қадимги одат бўйича, ўз қонунларимизга мувофиқ унинг умуртқасини синдириглар!

Шундан кейин иккала турғовут ҳам қўрқа-писа Иесун Нўҳайнинг қошига келиб, унинг қўлларини орқасига қайириб боғлашга киришди. Шу чоқ ўтирганлар Ботухоннинг олдига эмаклаб келиб, гуноҳкорнинг гуноҳини афв қилишни сўрай бошлади.

Ботухон тўғри келган кишиларни итариб ташлаб, гашқарига тез юриб чиқди-да, тайёр турган отига сакраб миниб олди. Унинг кетидан турғовутлар қўли боғлиқ Нўҳайни олиб юришди. Нўҳай бошини баланд тутиб мардона қадам ташлаб юрди ва:

— Мен ўлимга маҳкум бўлдим! — деди. — Лекин мен ўлимдан қўрқмайман асло. Чунки ҳар бир жангда мен ўлимга йўлиқаман деб кутардим. Лекин умуртқамни синдирмасдан илгари менинг сиз Сайинхондан сўрайдиган битта тилагим бор: жанговор йўлдошларим қаршисида мўғул жангчисининг ўлим олдида жирлайдиган сўнги хушлашув жирини айтишимга ижозат беринг...¹

— Рухсат! Жирла!— деди Ботухон ўйноқлаб бораётган бўз арғумоғининг бошини тортиб. Бу вақтда Ботухоннинг юзи ғазабдан тортишиб, учиб-учиб турарди.

— Ҳой, кекса улуғ жирчи Жихур бахши! — деб қичқирди Нўҳай.— Бери келиб, ёнимда ўтиргин, саҳро қонунлари — одатларимизга мувофиқ, дўмбирангни чалиб, менга жўр қилгин!

Шундан кейин улуғ жирчи оқсоқланиб келди-да, ерга ўтириб, тасма билан бўйнига осиб қўйилган дўмбирасини ғилофидан олди ва уни тиззасига қўйиб, қийшиқ бармоқлари билан тез-тез черта бошлади. Ботухон қошида бўлган барча чингизийлар билан туманбошилар жирчини қуршаб ерга ўтиришди.

¹ Мўғул ва хитойларда қадимдан шундай бир одат бор эдики, бу одатга мувофиқ, ўлимга маҳкум этилган киши жазолаш жойига ўзининг бутун умрида қилган қаҳрамонликлари ва яхши ишларини баён қилиб жирлаб борарди.

Иесун Нўҳай сознинг куйига мослаб шу онда ичидан қайнаб чиққан дардларини қўшиқ билан ифода қила бошлади:

Улуғ тангрим мунг ва розим, тилак армоним сенга,
Мўғул сарбоз даргоҳинга келди мадад бер унга!
Боғлаганман ҳаётимни қилич, найза учига,
Оч қоплондек чиқдим огир машаққатли сафарга.

Тилагим шу: берма ўлим кексалардек тўшакда,
Хотинларнинг мотами-ю, шомонлар дуосида!
Берма ўлим, гадойлардек буталарнинг тагида,
Дала-даштда дайди карвон бонг садоси остида!

Насиб айла тагин менга қувноқ жанг чақирғин
Баҳодирлар қаторида жангларга кириш бахтин,
Ёвуз ёвдан ватанимни қўриқлаш саодатин
Кўрсатишни сафарларда бобом қаҳрамонлигин!

Оч кўзингни, қўзғал ботир, тезроқ шайла отингни,
От бўйнига кийдир тезроқ кумуш умулдуруқни!
Қилич, найза ўткирмикин? Текшириб боқ ўзингни!
Қайнаб ётган лашкаргоҳга бургил тезроқ йўлингни!

Суворилар чангитади барча йўлда чопишиб,
Қудрати зўр даҳшатли хон туғи бошда ҳилпираб,
Карнай-сурпай овозлари дашт элини уйғотиб,
Ноғоралар чалинади теваракни янгратиб!

Насиб айла, тангрим менга, қизгин жангда ўлмоқни,
Ўқ қадалиб, бош ёрилиб, мард қиличин емоқни,
Тупроқ узра, қора ерда, қонли лойда ётмоқни,
Ялт-юлт этган минг-минг туёқ ўз устимда кўрмоқни.

Сакраб ўтса пойга отлар, ётган гавдам устидан,
Туёқлар-ла тепкиласа мажруҳ таним бир-бирдан,
Содиқ дўстлар қувласалар қўрқоқ ёвни олдимдан,
Тингласам мен садоларин ўлаётган жойимдан.

Йўлдошларим бу сафардан ўлжалар-ла қайтурлар,
Жанг майдондан қурбон бўлган ботирларни изларлар,
Чириб кетган менинг таним шу ерлардан топулар,
Доим мағрур шўх чеҳрамни шунда асло билмаслар.

Таниб олур ўлганда ҳам қилич тутган қўлимни,
Кўтарурлар қонга ботган мучаларим — танимни,
Чалкаштирган найзаларда элтур суякларимни
Гулхан узра айтмоқ учун сўнгги боёртойини¹.

Келтурурлар вафодорим сафардаги дўстни ҳам,
Қоплон каби чипор тусли қўрқмас чопқир отни ҳам,
Юрагига тиқиб менинг ўткир қиличимни ҳам,
Қон-ла боғлаб юבורурлар бизни охиратга ҳам.

Жаҳонгир ҳам бўз Сетардан тушиб, ўтни кутурлар,
Аланга тикилганда қўлни кўзга тутурлар,
Қурбонларга: «Боёрто-ю бой-уралла!» айтурлар,
Арвоҳ бўлиб кўришгунча, «хуш ботирлар!» деюрлар.

Ўт ва аланга қизиб-ёниб, ўрлаганда осмонга,
Ўт бўрони пишқирганда, улашганда кўкларга,
Лочин каби парвоз қилур алангадан кўланка,
Барча ботир арвоҳлари учур арши аълога.

Нўҳай жирлаб турганда Ботухон энги билан кўзини
бир неча марта бекитиб олди. Кейин у секин отидан туш-
ди-да, Нўҳайнинг олдига келди ва белбоғидаги дандон
сопли пичоғини қйнидан суғуриб олиб, ўз қўли билан
Иесун Нўҳайнинг қўлларига боғланган арқонни тез-тез
қирқиб ташлади, кафти билан унинг юзини силади.

— Сен менинг кўнглимни сариқ мойдек эритиб юбор-
динг! Сен чиндан ҳам ажойиб жангчисан! Пешанангга
улуғ ишлар қилиш ёзилган, шунинг учун ўлим сендан
қочади! Мен ҳам сенинг адабсиз сўзларингни кўнглим-
дан чиқариб ташладим. Тила тилагингни, менга айт кў-
нгилдаги орзуларингни!

Ранги қув ўчиб, бўзариб кетган Нўҳай кўзини юмиб
туриб, пичирлади:

— Агар сиз барибир «мағриб мамлакатлари»га тэ-
мон юрмай, отларнинг бошини орқага, саҳрога қайта
бурадиган бўлсангиз, унда менга ўзимнинг «бебош»
туманим билан булғор подшоҳи хизматига боришга ижо-
зат беринг. Мен сизга шундай ваъда бераманки, ёки уни
ўлдираман, ёки сизнинг содиқ хизматкорингиз — итти-
фоқчингиз қилиб келаман. Бундан ташқари, бизлар

¹ Боёртой — хайр, хуш деган сўз. (Тарж.)

сизга Рум — Византияни ҳам олиб берамиз, у сизнинг буюк самовий Кўк Урда мамлакатингизнинг денгиз қоқаси бўлиб қолади.

— Ижозат! — деди Ботухон.

— Ундай бўлса, Иесун Нўҳай билан бирга кетишга менга ҳам ижозат беринг!— деди хириллаб қовоғи солиқ Субутой баҳодир.— Балки у билан бирга «сўнгги денгиз»га ҳам етиб борармиз. Мен жанг сафарларига ўрганиб қолганман, Кичик Саройда гиламлар устида ётиб, ўтган жанговар ҳаётни эсга олиб, хўрсиниб ётишни ёқтирмайман.

Ботухон тўхтади, ўзининг кекса тарбиячисига ишонинқирамай қараб қўйди-да:

— Менинг қанотларим энди етарли даражада ўсди ва мустаҳкамланди,— деди у аччиғланиб.— Мен энди сизнинг ёрдамингизсиз ҳам уча оламан. Мени ташлаб кетишга сизга ҳам ижозат бераман.


Ботухон отига томон юрди-да, бирданига, бўйини хам қилиб турган кекса Субутой баҳодирга бурилди, негадир у бирданига мўнқиллаб қолгандек эди. Уларнинг кўзлари бир-бирига тўқнашди. Улар бир неча нафас индамай қараб туришди-да, бир-бирларига қараб оти-лишди ва қучоқлашиб бошларини елкаларига қўйишди».

Шу кундан бошлаб мўғул қўшинлари юзлаб тоғ сўқмоқлари орқали дашти қипчоққа, Итилнинг қуйи оқимига қайтиб кетмоқ учун шарққа томон юрди.

Субутой баҳодир ғамгин ва хилватнишин бўлиб ўзининг темир аравасида борар ва ташқарига жуда кам чиқарди. Яқинда у Ботухондан ва ўзининг вафодор сафдошларидан жудо бўлиб кетар эди.

Таҳликага тушган ва қўрқиб кетган «мағриб мамлакатлари» орқада қолиб кетди, у ерда мўғуллар кетгандан кейин ҳам анча вақтгача осойишталик ва тартиб ўрнашмади, лекин шундай бўлса ҳам у ерларда сарой шоирлари ўз қасрларига қайтиб келган қироллари, герцог ва баронларини мақтаб, уларнинг уйдирма қаҳрамонликларига мадҳиялар ўқишди.

Европанинг тоғ ва далаларида ўзларининг жонажон ватанларини мудофаа қилиб мардона ҳалок бўлган минг-минглаб номсиз қаҳрамонлар ҳақида уларнинг ҳеч бири мадҳия ўқиб, шеър тўқимади.



XII

ЗАНГОРИ ДЕНГИЗ БУЙИДА

Биринчи боб

ПОДШО БОҒИДА

Рим — герман подшоси Фридрих II Гогенштауфеннинг мармар тўшалган боғи мевазор билан қуршалган бўлиб, бу боғчаларда боши сада бўлиб тўғри ўсган бир неча хурмо дарахтлари силкиниб турарди. Бу боғ Сицилия оролининг шимолий қирғоғида. Палермо шаҳрига яқин ерда эди. Бўрон вақтларида катта тўлқинлар кўприб келиб боғнинг кенг мармар зинапояларига урилди.

Боққа яқинроқ жойдаги кичик бир қўлтиқда яхши жиҳозланган иккита фелука¹ лангар ташлаб қўзғалмай турарди. Бирор хавф туғилиб қолса, подшо буларга тушиб хоҳлаган вақтида Искандарияга ёки Байрутга, араб дўстлари қошига кета оларди.

Узоқ йўл юриб келган чопарлар бу ерга гоҳ бирлашган саксон, чех ва герман қўшинларининг мағлубияти, шунингдек, тевтон рицарларининг Лигница шаҳри ёнида татар отлиқ қисмлари билан қаттиқ урушиб ҳалок бўлганлари тўғрисида, гоҳ Буда муҳосира қилингани, гоҳ Ботухон қўшинларининг Адриатик денгизига келиб қолгани ҳақида муфассал маълумот олиб келишарди.

Қуёш ботиб бормоқда, рум подшоси ўз боғининг айвонида ёлғиз ўтириб, сўнги маълумотларни ўқимоқда. Кейин у креслодан сакраб турди-да, хаёлга чўмиб, асабийланиб нари-бери юрди. Ов ханжарини олиб, қамиш қаламининг учини йўнди, тош босқичларга тинмай уриб турган зангори тўлқинларга қириндиларни йиғиб, сочиб ташлади.

Шу вақт улуғ канцлер² маълумот бермоқ учун кириб келди. Подшо унга, бугун давлат ишлари билан шуғулланмоқчи эмаслигини айтди. Шундай қилиб, муҳим масалаларни ҳал қилиш эртага қолдирилди, ундан кейин, подшо шимолга, Неаполь ёки Генуяга кетмоқчи эканини айтди.

— Балки ундан нари ҳам борарсиз?— деб сўради эҳтиёт билан канцлер, бироқ бу сўзга подшо жавоб бермади.

Канцлер ёйиб қўйилган, сариқ ипга боғлаб қора мумга муҳр урилган хатга кўз қирини ташлади-ю, лекин хўжайинни ташвишга солиб қўйган узоқ шимол хабарлари нималардан иборат эканлигини сўрашга журъат қилолмади.

— Жаноби олийлари, яна бир чопар келди! У Тригестум ноибидан хат олиб келди. Мен уни очишга ботинмадим. Балки жанобларининг бу мактубни эшитишга вақтлари мусоида қилар?

Канцлер айвоннинг тош панжараси олдида ҳамон ҳалиги қимматбаҳо қамишни йўниб турган Фридрихнинг асабий башарасига қаради. Подшо тошдек қотиб

¹ Елкан ва эшаклар билан ҳам юрадиган кема.

² Канцлер — баъзи чет мамлакатларда олий мансабли амалдор. (Тарж.)

жавоб кутиб турган канцлерга бурилди ва ғазабнок кўк кўзларини сузиб, ғижиниб сўради:

— Адриатикдан чопар дейсизми? У нима хабар келтирарди? Тағин ўша қўрқиб кетган ноибнинг оҳи-зори-ю: «шахсан келиб, жуда муҳим ишлардан маълумот беришга» ижозат сўрашидир-да...» Жуда муҳим!.. Ҳақиқатда эса, ноиб келаётган татар отлиқларининг узоқдаги от туёқлари товушини эшитади-ю, қўрққанидан қуёндек қалтирайди, ўзига топширилган шаҳар ва вилоятдан, шахсан муҳим маълумот бермоқ учун, деган баҳона билан чиқиб кетмоқчи... Тўғриси, қочиб кетмоқчи бўлади!

— Албатта шундай бўлса керак. Бу хат жаноби олийларининг каромат билан айтган гапларини тасдиқлайди, холос!

— Уқинг!

Канцлер уч оёғи эгиб ишланган кичкина стол ёнига келди-да, тери қутичани стол устига қўйди. Кейин кумуш калитча билан унинг қулфини очди, ундан қизил ип билан боғланган найсимон ўроғлиқ бир хатни олди-да, паст овоз билан хатни ўқий бошлади, ўқир экан, ҳар бир сўзни аниқ ва тушунарли қилиб ўқишга тиришди. У узундан-узоқ бу хатни ўқиб бўлганда, подшо қамишининг қолганини денгизга отиб юборди ва энсаси қотиб, лабларини буриштириб сўзга кирди:

— Шундай серташвиш фурсатда, ҳар бир хабар қимматли бўлиб турган бир вақтда ноиб нималарни ёзиб юборибди бизга-а? У ҳеч нарса билмас эмиш, унга гўё татарлар кўп, жуда ҳам кўп деб айтишармиш, татарларнинг ҳукмдори Ботухон ҳозир Спалатога келган ва яқинда Тригестумга ҳам келиб қолармиш, кўнгиллилардан тузилган бизнинг қисмлар ўрмон ва тоғларга қочиб кетаётган эмиш, машҳур герцог ва баронлар ўзларининг шахсий соқчилари билан қилич яланғочлаб чиққанда жуда басавлат ботир бўлиб кўринар ва кейин улар ҳам қочиб, ўзларининг тош қўрғонларига кириб бекиниб ётармиш. Хўш, татарларга қарши қўрғон девордек турадиган қўшинимиз қаёқда? Энди татарлар Римга ҳам, Лионга ҳам бемалол ўтиб бораверади. Ғалаба бундай йўл билан қозонилмайди!..

«Мисрга кетиш керак,— деб ўйлади подшо.— У ерга бориб яна араб фалсафаси билан шуғулланаман».

Подшо шартта бурилди ва тез-тез юриб саройнинг ички истироҳатгоҳларига қараб кетди.

КУТИЛМАГАН ДАРАКЧИ

Подшо кечқурун ўз кутубхонасидаги устига кумуш кашта тикилган арабий қора дастурхон ёпиб қўйилган стол ёнида ўтирарди. Унинг олдида чармдан қилинган муқовасига жез бандак ўрнатилган катта китоб очик ётарди. Ўзининг қадрли мулозимлари айтгандек: «мисл-сиз» ва «буюк» зот тўқ қизил духоба бахмал креслода ўтирарди. Креслонинг баланд суяنجиғига Гогенштауфенларнинг қадимий қироллик сулоласининг дуб тахтага санъаткорона ўйиб ишланган зарҳал герби ўрнатилган эди. Кумуш ранг икки арслон оғзини очиб, олдинги оёқлари билан бу тахтани кўтариб турарди.

Зеҳни ўткир герман подшоси Фридрих II кўп нарсалар билан: сипоҳигарчилик санъати билан ҳам, Эллада ва Римнинг қадимий адабиёти билан ҳам, табобат билан ҳам қизиқарди, ҳаммасидан кўра кўпроқ, у Шарқнинг ўтмишига, унинг кўп асрлик билимларига, шарқ олим ва шоирларининг асарларига қизиқар эди. У ёш вақтидаёқ араб тилини ўрганган, Сицилияни босиб олган¹ арабларнинг насли бўлган ўзининг араб хизматкорлари билан ҳам, Палермода ўзи таъсис этган дорилфунунга Бағдод ва Қоҳирадан чақириб келинган араб олимлари билан ҳам араб тилида бемалол сўзлашарди. Хуллас, грекларнинг тўққизта худоси билан шарқнинг битта худоси, яъни ўнта худо, уни ўз содиқ бандам деса бўларди.

Шу бугун кечқурун император давлат ишларини йиғиштириб қўйиб, севган ишига берилган: «Ўргатилган қарчиғай ва қирғий билан ов қилиш» рисоласини тузиш билан машғул эди. Столда яна бир китоб, Фридрихнинг фалсафий асари бўлган: «Уч ёлғончи: Мусо, Исо ва Муҳаммад»² деган китоб ётар, мана шу китоб учун рим папаси яна бир мартаба унга католик черковларининг учинчи лаънاتини эълон қилган эди.

Шу вақт устига қора кўк узун чопон кийиб, бошига олача салла ўраган, қорача юзли бир араб йигит жим-

¹ Араблар Сицилияни босиб олиб, 827 дан 1061 йилларгача, икки ярим аср уни идора қилиб турган.

² Баъзи олимлар бу мунозара китобини Фридрих II нинг асари бўлмаса керак, деб тахмин қилишади.

гина кириб келди-да, қўлларини кўксига қовуштириб столдан икки қадамча нарида тўхтади.

Фридрих бошини кўтарди ва сал-пал оқ тушган ба-совлат сочли бошидаги қалпоқчасини гардани томон суриб қўйиб:

— Нима гап?— деб сўради арабчалаб.

Ходим кўзларини ола-кула қилиб, сирли бир тарзда таъзим қилди ва пичирлагандай секин товуш билан гапирди:

— Қоровул юзбошини чақирди, юзбоши камергерни¹ чақирди, камергер фақир ходимингиз мени: садоқатли Усмонни чақириб, сиз жаноби олийга шу хабарни етказишни буюрдикки, қаттиқ бўрон бўлишига қарамай, денгиздан бир балиқчи келибдир, у, фақир дарвешлар-дек, жулдур кийим кийган чопар — бир монахни олиб келибдир, монахнинг жанобингизга айтадиган муҳим бир гапи бор экан.

— Камергер Иоахим ўша чопарни бу ерга, менинг олдимга олиб кирсин.

Шундан кейин ҳалиги араб тўқ қизил бағдодий гиламдан яланг оёқ юриб, оҳиста чиқиб кетди.

Подшо тиззасидан зангори жияк боғлаб қўйилган оч бинафша рангли пайпоқ кийган сўл оёғини тагига босиб олди, кейин олмос кўзли узук таққан бармоқларини чалкаштириб, қалин қора ўймакор эшикка бесаранжом қараб ўтирди.

«Қандай муҳим хабар экан?— деб ўйларди у.— Ҳозир ҳамма хабарлар ҳам муҳим... Тинчимаган араб султонининг ҳужумими?.. Мен билан француз қиролини ёвлаштириш учун кундан-кунга ёвузлашиб бораётган епископларнинг иблисона хуружимикин?.. Герман герцогларининг янги жанжалмикин?.. Йўқ! У эмас! Шундай бўронда кайиқда келибдими? Чувринди монах эканми? Ҳозир мен учун энг муҳим нарса татар қўшинларининг Тригестумдан ўтиб Венецияга ҳужум қилишидир. Хавф мана шу! Келаётган бало мана шу! Бепарво, серқуёш Италиянинг ёниб ётган қишлоқларини чанг, кул, тутун билан ўраб олиши мумкин бўлган қора булутлар мана шулар... Дайди дейдими? Чувринди монах дейдими? Наники ўша ёқдан келган бўлса?»

¹ Камергер — баъзи монархияли давлатларда сарой аҳлларига бериладиган унвонлардан бири. (Тарж.)

Подшо қора чироқнинг пилигини қисқич билан тузатиб қўйди.

Шу вақт эшик очилди. Кейин устига қизил духоба камзул кийиб, бўйнига ингичка олтин занжир таққан камергер Иоахим кириб келиб тўхтади... У чор қирра қилиб қирқилган оқ соқолини силаб, орқасида келаётган кишини кутди. Унинг кетидан узун қора монах кийими кийган киши секин юриб кирди-да, кўзларини шипга тикди, шошиб-пишиб чўқиниб дуо ўқиди.

— Берироқ кел!— деди подшо. У қўлини иягига тираб олдинга энгашди ва бунга ишонса бўлармикин деб, монахга синчиклаб қаради.

— Жаноби олийлари!— деди одоб сақлаб мулойим товуш билан камергер, кумуш тугмалар тақилган қизил кавуш кийган оёқларини жуфтлаштириб.— Сизни безовта қилганим учун кечиргайсиз. Чопар қасам ичиб, ўзининг дахшатли татар қароргоҳидан келганини ва муҳим хабар келтирганини айтди.

Фридрих ажабланиб ўзини креслонинг суянчигига ташлади ва монахга қаттиқ тикилди.

— Салом, диндош биродар!

— Донишманд подшоҳимиз ҳазратларини худойи таоло кўп йиллар ўз ҳифзи ҳимоясида сақлағай,— деб жавоб берди монах ва букилиб таъзим қилди, унинг бошидаги кўлдан бери қирилмаган тонзури¹ кўриниб кетди.

— Қимсиз? Номингиз нима? Қаердан келдингиз? Худди исповед² вақтидагидек ҳеч нарсани яширмай айтаверинг.

Монах жим турарди. Унинг юзлари офтобда қоп-қорайиб кетган эди. Оқ кириб қолган соч ва соқоллари ҳурпайиб турарди. Кўкрагида мис занжирга осилган хурмо ёғочидан қилинган крести бор эди. Устидаги узун чопони офтобдан ва ёмғирдан айнаб кетган эди. Сарпойчан оёғида ғижимланган ва каноп билан чандиб боғланган чориқ, титилиб кетган енглари ва озиб кетган юзлари унинг узоқ ерларни кезганлигидан хабар берарди-ю, лекин кўзлари тетик, жавдираб турарди.

¹ Тонзур — католик руҳонийларининг бош тепасидаги доим қириб қўйиладиган нуқта. (Автор.)

² Исповед — христиан руҳонийлари олдида бир йиллик гуноҳларига иқрор бўлиб, тавба қилмоқ. (Тарж.)

— Менинг номим — биродар Иаков, туғилган жойим Болониядир. Тамплиерлар мазхабидаги бир бандаман. Жаҳоннинг бепоён йўлларини кездим, Спалато яқинига...

— Спалато?!— деди подшо ажабланиб.— Ҳа, у ёғини гапир!

— Шундай, буюк подшо ҳазратлари! Спалато яқинига келганимда мени татар отличларининг илғор қисмлари тутиб олди. Уларнинг бири мени чопиб ташламоқчи эди, мен кўксимдаги мана бу крестни ва тепаси қирилган узун сочимни кўрсатдим, шунда бошқа бир татар келиб мени сақлаб, ҳалокатдан қутқариб қолди. Шундан кейин бўйнимдан арқон боғлаб ўз қароргоҳларига судраб олиб боришди...

— Татар қароргоҳигами?

— Ҳа, подшо ҳазратлари!..— деб монах гандирак-лаб бориб столнинг бир четини ушлаб қолди.— Ожизлигим учун кечирасиз мени! Очликдан дармоним қуриб кетди.

Подшо ёнида осиглиқ турган арабий жез қалқонни чўп билан бир урди. Ундан оҳангдор овоз чиқди. Шундан кейин эшикда араб хизматкор пайдо бўлди.

— Бир кўзада яхши май, нон, апельсин ва бир парча пишлоқ олиб кел!

— Ерга ўтиришимга ижозат берасизми?— деб монах гиламга чўққайиб ўтирди.

— Ҳозир май сизга дармон киргизади. У келгунча сиз биродар Иаков, кўрган ва билганларингизни айтаверинг.

— Худонинг бу крести сизни сақлабди!— деди маънодор қилиб камергер.

— Татарлар ўзларининг буюк хонларининг буйруғига мувофиқ, христиан руҳонийларини ва монахларини жуда ҳурмат қилади, уларни ўлдирмайди.

Монах ўз ҳикоясига подшонинг қизиқаётганини кўриб, хизматкор олиб келган кумуш қадаҳдаги майни ҳузур қилиб, тамшана-тамшана оз-оздан ича бошлади ва ўз ҳикоясини чўзиб давом эттирди:

— Мени татарларнинг энг катта императорининг қароргоҳига олиб келишди...

— Император фақат битта, яъни рим императори жаноб олийларидир!— деб тузатди камергер.

— Мен дайди — нодонни афв қилишингизни сўрай-

ман! Мен ҳамманинг устидан чексиз ҳукмрон татар ҳукмдори Ботухонни кўзда тутган эдим.

— Сиз уни кўрдингизми?— деб сўради Фридрих.

— Кўрдим ҳам, унинг панжасидан аранг қутулиб ҳам чиқдим.

— Қандай қилиб қутулиб чиқдингиз?— деб подшо камергерга бир ишорат қилди, камергер монахнинг қўлидаги қадаҳга яна май қуйди.

— Татарлар мени судраб денгиз соҳилига олиб келишди, шу ердаги бир тепа устида татарларнинг катта аскар бошлиқлари гилам солиб ўтиришган экан. Булар орасида Ботухоннинг ўзи ҳам бор экан, унинг олдига келган ҳамма киши мукка тушиб таъзим қилар экан.

— Афти-ангори қанақа экан унинг?

— Ўзи ҳали ёш, ориқ, қорамтир, ўрта бўйли, кўзлари қисикроқ бўлиб, дубулғасига қора жиға қадаб олган экан. Кулган вақтда бўрининг тишига ўхшаган оппоқ ўткир тишлари кўриниб турар экан. Қараганда ҳар қандай кишини кўзи билан тешиб юборгудай бўлар экан... Унинг чодирини ёнида бир неча дарахтни одам бўйи келадиган жойидан кесиб, учини найзадек ўткир қилиб қўйишибди. Кимки хоннинг газабини қўзгатса, уни ана шу қозиқларга қадаб қўяр экан. Уни кўриб менинг ҳушим учди-ю, қўл-оёғимгача музлаб кетди.

— Сизни олдингизда ҳам бировни қадашдимми?

— Йўқ, подшоҳим, бундай даҳшатли томошадан худо мени сақлади. Мен билан бирга татар суворилари тоғлик бир неча славянларни ҳам олиб келишди.

— Асирларми?

— Шундай, подшоҳим. Улар ботир славянлар экан. Энг баланд тоғда туришар экан. Улар қарши туриб татарларни анча қийинчиликка солишибди, шунинг учун бир неча асирни тутиб, Ботухоннинг олдига олиб келишган экан. Бу қандай ботир славянлар экан, деб унинг ўзи кўрмоқчи бўлибди. Уларни унинг ўзи сўроқ қилди ҳам ўз қўшинига киришга таклиф қилди. Яраланган, таёқланиб қоп-қора қонига буланган бу славянлар сира ҳам қўрқмай: «Бизни уйимизга, бола-чақаларимиз олдига юборгин. Сиз татарлар билан бизнинг йўлимиз бир эмас» деб айтишди. Шундан кейин Ботухон уларни мақтаб, ҳар бирининг бўйнига битгадан, хоннинг оти ёзилган, «пайза» деб аталадиган тахтача осиб қўйишни буюрди. Бундай тахтачаси бор одам катта одам ҳисоб-

ланар экан ва бутун татар қўшини орасидан бемалол ўтиб юра олар экан, бундайларга ҳеч ким тега олмас экан... Орадан сал фурсат ўтмаёқ Ботухоннинг ўзи яна ҳалигиларни ўлдиришга буюриб юборди...

— Шундай тахтачадан сизга ҳам беришдими?— деб сўради подшо, ғазаб билан қошини чимириб.

— Йўқ, жаноби олийлари! Менинг ишим бошқача-роқ бўлди...

Камергер яна май қўйди, монах эса апельсиннинг пўстини арчиб, сўзида давом этди:

— Татарларнинг таржимони ёши улғайиб қолган, мусулмон руҳонийларига ўхшаб ола байроқ тўн кийиб, бошига оқ салла ўраган киши экан. Оқ кирган узун сариқ соқолли бу киши шундай яхши славянча гапирардики, славянлар уни ўзларига поп қилиб олиш учун ўз юртларига чақиришди. Лекин қўнғир соқол таржимон кулиб, ўзининг татарлар ҳузуридаги хизмати яхши экани ва ундан ортиғи керак эмаслигини айтди.

— Узун қўнғир соқолли дедингизми? — деб сўради ўйлаб туриб Фридрих. — Тахминан неча ёшларда бор?

— Олтмиш ёшлардамикин деб ўйлайман, агар ундан ортиқ бўлмаса, кам эмас... У мени ўз чодирига олиб борди...

— У сизни сўроқ қилдими? Менинг қанча қўшним борлигини сўрадими? Сиз унга айтиб бердингизми?— деб сўради-да, подшо ғазаб билан ўрнидан туриб кетди.

— Жаноби олийлари! Мен унга ҳеч нарса айтганим йўқ, биби Марям номи билан қасамёд қиламан! Унинг ўзи ҳам мендан бирор нарса сўрагани йўқ, биз бутунлай бошқа нарса тўғрисида сўзлашдик...

— Агар сиз унга бирор нарса айтиб қўйган бўлсангиз, мен ҳам сизни ўлимга ҳукм қилишим лозим. Бу гап татарларнинг Италияга босиб киришларига журъат бахш этади!

— Худо сақласин! Жаноби олийлари, рухсат берсангиз, ўзимнинг бу ерга нима туфайли келганимни айтиб берай.

Шундан кейин Фридрих тинчиб креслога ўтирди ва яна монахнинг юзига синчиклаб қаради, афтидан, монахга шоҳнинг зийнатли боғида юмшоқ гилам устида ўтириб яхши май ичиш, апельсин ва узум ейиш жуда ҳам ёқиб қолганга ўхшарди.

— Энди мен энг муҳим гапга кўчаман. Ўша мени

Ўз чодирига олиб борган таржимоннинг оти Дуда эди..
— Дуда?! — деб хитоб қилди подшо. — Новча, қотма, қўнғир соқолми?

— Шундай, жаноби олийлари!

— Хўш, у ёғини гезроқ гапир. Орадан шунча йил ўтиб кетибди-ю, у қанчадан-қанча оғир машаққатларни бошидан кечириб, ҳали ҳам барҳаёт экан-а!

Монах сўзида давом этди:

— Таржимон Дуда мени пўстакка ўтқазиб қўйиб: «Мен сени татарларнинг қароргоҳидан эсон-омон чиқариб юбораман, бунинг бадалига сен менинг илтимосимни бажо келтирасанми?» деб сўради. Мен «Бажону дил!» деб жавоб бердим... Шундан кейин у: «Агар улуг мукофотларга ноил бўлгинг келса, тез юриб Тригестумга боргин, ундан Венецияга ва ундан кейин Сицилия оролига ўтиб олгин-да, у ерда император Фридрих жаноби олийларининг ҳузурларига боргин. Мана бу хатни мумкин қадар бетма-бет бўлиб, ўз қўлинг билан жаноби олийнинг ўз қўлларига топширишга ҳаракат қил, мен сенга йўл харажати учун бир ҳовуч кумуш танга бераман...» деди.

— Хўш, хат қани?!— деб хитоб қилди подшо.— Нега уни менга дарҳол бермадинг?! Эзма шайтон!

Шундан кейин монах ирғиб ўрнидан турди, ўзининг кенг чопонининг қатларига қўлини тиқиб, олдин ўнг чўнтагини, кейин чап чўнтагини кавлади, кейин қўрққанидан кўзларини олайтириб, титроқ қўллари билан қидира бошлади.

— Ўлиб кетай, рост, бор эди! Қаёқда қолди экан у? Худога шукур, эсимга тушди. Мен уни иштонбоғимга бекитиб қўйган эдим!..—деб монах бир ҳовуч катта-катта ёнғоқни липасидан олди-да, кирлаб-кетган кенг кафтида подшога узатди.

— Нима қиялсан, мени масхара қилмоқчимисан? Бу қандай хат бўлади?

— Жаноби олийлари, бу ёнғоқларни эҳтиёт билан очсангиз, буларнинг ичидан бир неча парча хат чиқади. Таржимон Дуданинг ўзи бу хатларни буклаб, палларнинг ичига солган ва елимлаб қўйган.

Подшо кўкимтир олмос нурлари ялтираб турган юмшоқ бармоқлари билан ёнғоқларни авайлаб олди. Ёнғоқларнинг у ёқ-бу ёғини синчиклаб қаради, кейин столдан кичкина бир ханжарни олиб, ёнғоқларнинг пал-

ласини айирди. Дарҳақиқат, ҳар бирининг ичида юма-лоқланган қоғоз бор эди. Подшо уларни тиззасига қўйиб эҳтиёт билан текислади, кейин стол устига қўйиб ўқишга киришди.

«Бу нима ўзи? — деб ўйлади у. — Арабча ёзувми?» У тагин ўқиб унинг — санта Мария! — эканини, лотинча сўз араб ҳарфи билан ёзилганига қаноат ҳосил қилди. Император бу муаммо хатни лотин ҳарфи билан кўчириб ёза бошлади ва шундан кейингина хатга тушунди...

Учинчи боб

ТАҚВОДОР ДУДАНИНГ ХАТИ

«Буюк император жаноби олийларига!

Жанобингизнинг собиқ табибингиз, содиқ фидокор мухлисингиз, араб симиё ва кимиёсини¹ тадқиқ қилувчи «Тақводор Дуда» номли ходимингиз сизга салом йўлаб, сизга узоқ умр, бахту саодат ва шону шуҳрат тилайди.

Ҳузури олийингиздан чиққандан кейин мен жанобингизнинг хоҳишингизни тўла бажардим ва тарбиянгида ўсган вифлеемлик ёш қиз Мария Клармонтани ўзингиз тайин қилган кемага ўтқазиб қўймоқ учун, унинг ёнидан бир қарич ҳам айрилмай, денгиз томон бошлаб бордим. Бир кун кечаси тоғ орасида карвонимизга араб қароқчилари ҳужум қилиб, ҳамма йўловчиларни ўзларининг маконларига олиб бордилар. Қулликка дучор бўлганлар орасида Мария билан биз ҳам бор эдик. Араб тилини билганимиз бизнинг жонимизга ора кирди. Мен қароқчиларга ўзимни мусулмон табиби, донишманд ва соҳиби каромат экашлигимни, Мария эса менинг набирам эканини, мен бир зарурат билан крест тақувчилар орасига тушиб қолиб, ўзимни ёлғондан христиан динига эътиқод қилувчи қилиб кўрсатганимни айтдим. Кейин мен араб жангчиларини жуда яхши даволаб, яраларини тикиб боғлаб юрдим, бунга қарши ҳеч қандай хизмат ҳақи олмадим, шундан кейин улар мени ҳурмат қилиб ихлос қўйишди ва улар ҳам мени «Тақводор Дуда» деб

¹ *Симиё* — духонлиқ ва кўзбойлогичлик; кимё — ҳозирги химиянинг бошланғичи бўлиб, «алхимия» деб аталарди. (Тарж.)

атади. Кейин бизларни Бағдодга элтиб сотишди, у ерда биз бир неча йил туриб қолдик.

Энди мен сизга бир қайғули хабарни ҳам билдириб қўйишим даркор. Тақдирнинг бу оғир зарбасини сабр билан ўтказишга тиришгайсиз. Тарбиянгизда ўсган гўзал, бегуноҳ Мария сизни соғиниб ичикди ва кундан-кунга сўниб борди. Оғзидан жони чиққунча улуғ номи-нгизни тилидан туширмади. У шунча ориқлаб қуруқ суяк бўлиб қолган эдики, ўлгандан кейин одатда бўладиган сасиш, чириш кабилар унда сира ҳам бўлмади, шунинг учун уни ўз қўлим билан «ўқиган замбилда гул ва хуш-бўй ўтлар орасида бир неча кунгача худди ҳозир ухлагандек бўлиб ётди, шу сабабли мен уни кўмишга ботинмай юрдим.

Мен турган уйда кичкина туйнукли бир ҳужра бор эди. Кундузлари мен туйнукни хира пашшалардан қўриқлаш учун қопқоқ қўйиб бекитиб юрдим, кечалари эса очиб қўярдим, туйнукдан тушган ой, ўзининг кумуш-симон ҳазин нуруни Мариянинг гўзал чеҳрасига тушириб ўтарди... Ҳар куни кечаси мен ёшгина ўлган асранди қизингизга аза тутиб, кўз ёшлари тўкиб чиқардим, бечора сўнгги кунларгача «шундай бахтли фурсат келадик, мен кемаларга тушиб жонажон Сицилияга бораман ва император жаноби олийларини тағин кўришга ноил бўламан» деб умид қилар эди.

Бағдод халифаси татар хони ҳузурига юбораётган элчилари қаторида менинг ҳам боришимга буйруқ берган куни, мен бир чолни ёлладим, биз маъсума Мариянинг жасадини, Фирот дарёсининг баланд бир қирғоғидаги қабристонга олиб бордик. Уша ерда биз ёлғиз хурмо дарахти тагидан қабр қазидик. Мен, юзига араб ҳарфи билан «Мариям» деб ёзилган ва хурмо шохларининг расми ўйилган кичикроқ бир мрамар тошни қабр устига қўйдим.

Шундан кейин, араб шаҳзодаси Абдураҳмоннинг табиби ва мирзаси бўлиб хотиржам сафарга чиқдим, бағдод халифаси Абдураҳмонни қудратли татар подшоҳи Ботухон ҳузурига элчи қилиб юборган эди. Бу даҳшатли саркарданинг қўшинлари билан араб шаҳзодасининг хизматида Адриатик денгизигача келиб етдим ва Спалато шаҳри ёнида мана шу яхши монахни, биродар Иаковни даҳшатли ўлимдан, қозикнинг учига қадаб ўлдиришдан қутқариб қола олдим, кейин монах менинг

бу хатимни, сиз ҳукмдоримиз ва ҳимоячимиз жаноби олийларининг уз муборак қўлларига етказиб топширишга оинт ичиб, ваъда қилди. Энди мен жанобингизнинг ҳар доим саховатли, табаррук қўлингиз билан бу кишига ўз хизматига лойиқ мукофот беришингизни илтимос қиламан.

Менинг истиқболим қоронғи. Фақат шуни айта оламнки, Ботухон қўшинлари билан вайрон ва талон-торож қилинган шунча мамлакатлар орқали ўтиб, мен шундай дўзахни кўрдимки, бундан даҳшатлироқ дўзахни одамлардан бирортаси хаёлига ҳам келтиролмайдди. Агар мўғуллар рум ва фаранг ерларига ҳужум қилса, у вақтда бутун олам ғам ва қонга ботган бўларди.

Хатимнинг охирида сизга шундай бир хабарни ёзиб ўтайки, бу хабардан менинг жонажон халқим, итальян халқи ҳам бениҳоят хурсанд бўлсин: даҳшатли Ботухон бугун араб шаҳзодасига хабар қилиб, ўзининг ғарбга қилаётган сафарини тўхтатишни ва аскарни ўзининг Итил дарёси оғзидаги қароргоҳига қайтариб кетишини эълон қилган.

Агар менинг бу хатим жаноби олийларининг назари муборакларига етиб борса, тинч Италия устига қараб бораётган уруш ўтнининг, унинг чегараларида тўхтаб қолганлигини хабар берувчи бўлишим билан бениҳоят хурсанд бўлардим. Мен ўзимнинг қадрли ватанимга қайтиб боришни, шарқ мамлакатларида кўрган-кечирганларимнинг ҳаммасини мустаҳкам китоб саҳифаларига ёзиб қўйишни хоҳлар эдим, бироқ менинг тақдирим худойи таолонинг қўлидадир».

Подшо креслонинг орқасига суянди. Унинг кўзлари жавдираб, юзидан ёш томчилари думалади. Камергер буйруқ кутиб жим тураверди.

— Хабар жуда ҳам муҳим! Менга садоқатли бир киши, татарлар тўхтаб қолди, улар шубҳасиз орқасига қайтиб кетади... — деб хабар берди.

— Оҳ, санта Мария!— деб хитоб қилди камергер ва ихлос билан чўқинди.

— Агар бу хабар Тригестум ноибининг маълумотлари билан тасдиқланса, у вақтда бунда, татар қўшинларининг тўлқини бизнинг чегараларимизгача етиб келгану, ўзларининг ёввойи, ваҳший саҳроларига қайтиб

кетди деган хулоса чиқади... Татарларни нима тўхтатдикин? Ҳозир буни билиш мушкул! Ахир улар ўт қўйиб, қилич яланғочлаб бутун Италия, Франция, Испания ерларидан босиб ўтишлари ва ҳамма ёқда минг йиллаб давом этадиган ўз ҳукмронликларини ўрнатишлари, мажусийлик динини тарқатишлари ва Чингизхоннинг ваҳшиёна даҳшатли қонунларини юргизишлари мумкин эди. Мен бу чопар монахни мукофотлайман.

Монах гилам устида қўлини пахмоқ бошига ястаб, ёнбошлаб ётар, хуриллар ва пишиллларди... Подшо бу хатни эҳтиёт билан буклаб, стол тортмасидан олган садаф қутичага солиб қўйди.

Шундан кейин у жез қалқонни чўп билан урди, ичкари кирган араб хизматкорга:

— Кемачига айт, мен Мисрга қиладиган сафаримни қолдирдим, — деди.



ХIII САФАРНИНГ СЎНГГИ

Биринчи боб

ДУНАИ БУИИДА СУҲБАТ

(Ҳожи Раҳимнинг «Йўл хотиралари»дан)

«Тез орада йўл хотиралари китобим тугайди, мен уни ҳар вақт ёнимда олиб юрдим, кундузлари от устида юрганимда хуржунимда сақладим, кечалари ёзиб чарчаганимда ҳорғин бошимга қўйиб ёстиқ қилдим. Ҳозир унинг жуда оз оқ бети қолди. Буларга мен бир вақтлари шогирдим бўлган ва ҳозир эса бўйсундирилган

кўп халқларнинг ҳукмдори бўлиб қолган зот билан бугун қилган суҳбатимни ёзмоқчиман.

Ботухоннинг хоҳишига бўйсуниб бугун мўғул қўшинлари Тригестумга қўл теккизмай, орқага қайтди. Вайрон қилинган эгизак шаҳар — Буда ва Пешт ёнида Дунай дарёсидан ва можор дашти пуштудан ўтиб, дам олиш учун қўшин Болгария чегарасида тўхтади.

От боқиш учун қулай бўлган бу ўтлоқ текисликда жаҳонгир ўзининг ҳар ёқдан тўпланган ва сафлари анча сийраклашиб қолган қўшинларига кўрик ўтказди, урушларда ҳалок бўлганларнинг хотирасига аскарий ўйинлар ўтказди. Энди, шу ерда, эртага: татар аскарлари энди қай тарафга юриши кераклиги ҳақида ўз иродасини эълон қилади.

Бугун кечга яқин Сайинхон чодирдан чиқиб, мени тез оқар Дунай дарёси қирғоғига олиб бориб, ўз ёнига ўтказди. Шу ерда дарё тор тоғ оралиғидан чиқиб бурилади-да, кейин кун чиқишга томон денгизга қараб тинч оқиб кетади.

Ёнимизда яқиндагина қайтиб келган ва новгородлик Искандар, унинг ери ҳам қўшинлари тўғрисида кўп муҳим нарсалар айтиб берган Арабшо ҳам бор эди.

Дарёнинг нариги бетида кўкаламзор ва кичик-кичик ўрмонлари бор серҳосил булғор ерлари ёйилиб ётарди. У ерлар бўшаб қолган: татар қўшинларидан кўрққан аҳоли мамлакатнинг ичкарасига кўчиб кетган эди. У ёқда фақат икки-уч марта қўлларига қисқа-қисқа найза тутган булғор суворилари узоқдан кўринди.

Ботухон Арабшога мурожаат қилиб, деди:

— Балки сен ҳам: нима учун йўл устидаги кичкина булғор давлатини тор-мор қилиб ўтмаймиз, деган мубоҳасани эшитгандирсан? Бизлар кучлимиз, бу халқни отларимизнинг оёқлари поймол қилиб ўтиши биз учун ҳеч гап эмас! Майли, бошқалар шундай деб ўйласа ўйлай қолсин. Аммо мен сиз икковингизга сиримни айтишим мумкин: мен бундан буён ўз баҳодирларимни «арвоҳлар қўшини» орасига юбора олмайман. Бизлар яқинда яна ўрис ерларига сафар қиламиз. Эҳтимолки, новгородлик Искандар у ерда бизни пойлаб туриб, анча ожизлашиб қолган қўшинимга ғалабалар-ла ном чиқарган сарбозлари билан зарба берар, биз олган ўлжа ва асирларимизни тортиб олар! Йўқ! Биз булғорга

хужум ҳам қилмаймиз, йўлда ҳам тўхтаб ўтирмаймиз! Тезроқ уйга, Кичик Саройга! Сен бизнинг садоқатли дўстимиз Арабшо Новгородда, Искандар қошига қайта борасан. Уйлайманки, ҳали кеч эмас. Уни яхши таъқиб қил ва менга ҳар тўғрида ёзиб тургил. Мен уни Кичик Саройга келишга буюраман! Уни ўзим ҳам кўрсам ва у билан гаплашсам дейман. Сен у тўғрида жуда кўп қимматли маълумотлар айтиб бердинг; у ҳам хавфли, ҳам кучли, ҳам ақлли душман...

Бизлар шу куни кечқурун Ботухон билан анча узоқ гаплашиб ўтирдик. Ҳукмдорнинг сафардан қайтиб келаётганини айтиб, Юлдуз хотинни севинтириш учун у мени эртага унинг бир қисм қўшини билан Олтин Ўрда томон юришга буюрди.

Шундай қилиб, тақдир мени беихтиёр гувоҳ қилиб қўйган ўша ҳайрон қоларли воқеалар, жанглар, шаҳарларнинг вайрон қилиниши, дарё-дарё оққан қон ва кўз ёшлари тўғрисидаги дostonнинг сўзларини қамиш қаламиннинг учидан туширишдан тўхтайдиган кунларим яқинлашиб қолди.

Лекин мен сафарда бирга юрган ва энди мендан ажралиб кетган ўша ажойиб одамлар тақдири тўғрисида қисқача бўлса ҳам гапириб ўтмоқчиман.

Ботухоннинг ижозати билан Иесун Нўҳай ўзининг «бебош»лари билан бирга булғор подшосининг аскарларига қўшилмоқ учун Дунай дарёсидан ўтиб кетди. У рум маликаси Дафнийни ҳам ўз ёнида олиб кетди, малика сафарларда сабр ва матонат билан унга йўлдош бўлиб юрди ва ўзининг ҳозиқ табиблиги билан Киевни олишдаги жангларда қаттиқ ярадор бўлган Нўҳайнинг ҳаётини сақлаб қолди. Византия пойтахтига киришда ёрдам беришга ваъда қилган ҳам мана шу хотин эди.

Бундан бошқа, у билан бирга араб халифасининг элчиси Абдураҳмон ҳам кетди, бу кишининг мардлиги ва олижаноблиги Ботухоннинг ўринсиз шафқатсизликларидан кўп кишиларнинг ҳаётини сақлаб қолди. У Бағдодга, ўз халифасининг ҳузурига қайтиб кетди, Бағдодга бориб у халифани, унинг чамандек гуллаб турган юртига ҳам, худди довулдек, тўсатдан фалокат босиб келиш эҳтимоли борлигини айтиб огоҳлантирмоқчи бўлди. Бу шонли йигит бир вақтлар Итил дарёси бўйида экан, унга бир фолбин айтган кўнгилсиз ҳодисалардан холи бўлди, йигит сафарда шуларни эслаб юрарди, фол-

бин айтган ҳодисаларнинг содир бўлмаганига жуда хурсанд бўлдим.

Қайсар буюк оталиқ Субутой баҳодир ҳам биздан айрилиб кетди, у ўзининг тарбиясида ўсган ва шогирди бўлган Ботухоннинг «сўнгги денгиз»гача боришдан бош тортганидан норози бўлиб, ранжиб қолган эди.

Ҳаммадан олдин Тақводор Дуда ҳам бизларни ташлаб кетди, бу одам шундай ғалати эдики, у билан шунча вақт бирга юриб, бирга туриб, дўст бўлиб юрганлигимизга қарамай, унинг шу вақтгача кимга жон куйдириб хизмат қилганини ва ҳозир қаёққа кетганини билолмадим.

Узоқ вақт саргардонликдан кейин, ниҳоят ўзининг мақсад ва умид каъбасини олисдан кўрган йўловчи бахтлидир!»

Иккинчи боб

ЮЛДУЗ ХОНИМНИНГ ЮЛДУЗИ ҚАНДАЙ СУНДИ

(Ҳожи Раҳимнинг «Йўл хотиралари»дан)

«...Мен Кичик Саройга қайтиб борганимда кутилмаган ва кишини ларзага соладиган бир воқеанинг устидан чиқиб қолдимки, уни ҳам ёзиб ўтишим даркор. Борганимда йўлда кийимимни ҳам, соқолимни ҳам, толиққан чидамли йўрғамни ҳам чанг босган эди.

Мен Итил дарёсига етиб бориб, ўтиргич тахтага темир занжир билан боғланган ўн икки эшкакчиси бор катта қайиққа тушиб, дарёнинг нариги қирғоғига ўтдим, буюк Итилнинг сувида юз-қўлларимни ювиб, мени «мағриб мамлакатлари»га бўлган фавқулодда сафарда безарар сақлаган ҳамда курашларда саркаш, ҳарис Ботухоннинг янгидан солдираётган пойтахтини яна кўришни насиб этган худойи таолога шукурлар айтдим.

Узоқ бир тепанинг устида «олтин уйча»нинг қораси жуда ажойиб кўринарди, унда татар ҳукмдорининг умр йўлдоши, ёқимли Юлдуз хоним унинг қайтиб келишини кутиб ўтирарди. Биз кетгандан бери дарёнинг қия қирғоғи бўйлаб кўп капалар ва паҳса девор, қамиш томли уйлар қурилибди. Бу уйларга турли мамлакатлардан келган савдогарлар ва ҳунармандлар кўчиб кирибди. Ҳамма ёқда жулдуз кийим кийган ҳар хил бедармон

асирлар калавлаб юрар, кўпчилигининг яланг оёқларига кишан солинган эди.

Мен отимни етаклаб дўнгликнинг қумлоқ ён бағридан секин-секин юриб чиқдим. Гарчи атоқли кишиларга муносиб жой яхши отнинг эгари ҳисобланса ҳам, лекин мен дарвеш, ҳар нечук бир парча гилам устида ўтириб шам олдида маъноли китоб билан суҳбатлашишни ортиқ кўраман. Энди менга ватан бўлиб қолган бу ёш шаҳар заминини босиб турганимни кўриб жуда хурсанд бўлдим ва бутун бало гирдобларидан қутулганимни ҳис қилдим.

Мен келганда «олтин уйча» дарвозаси олдида икки қоровул тўртошиқ ўйнаб ўтирарди. Мени кўриши билан улар ўрииларидан туриб, югуриб келиб этагимни ўпишди. Улар бошларини чайқаб, гоҳ қўлларини юқори кўтарар, гоҳ ўз юзларига урарди.

— Афсус! Афсус! Сайинхоннинг юрагини ўртайдиган ғам бўлди! Ҳаммамизга катта ғам ва қайғу бўлди!

— Айтинглар тезроқ, нима бўлди ўзи?

— «Қора хабар»ни энг олдин сизга айтганимиз учун бизни айбламасангиз айтамыз.

— Қўрқманглар, айтаверинглар!

— Шафқатли бекамиз Юлдуз хоним қазо қилди!

Шу гапни айтиб, қоровуллар югуриб дарвоза ёнига боришди, қўлларига найзаларини олиб, дарвозанинг икки томонида қотиб туришди.

— Абдулла! Содиқ! Югуринглар тез! — деб бақирди уларнинг бири.

Дарвоза очилди. Хизматкорлар югуриб чиқиб, отимнинг жиловини қўлимдан олишди, мен эс-ҳушимни йўқотиб, нима бўлган, қазосига нима сабаб бўлганини тушунолмай ҳовлига кирдим ва мотам белгилари боғланган зинапоядан юқори қаватга чиқдим...

Юқори хонада силлиқ рандаланган тахталардан ясалган оқ бир тобутда ранг-баранг шойи ёстиқларда Юлдуз хоним ётарди. Унинг эғнида гулдор шойи кийим. Қичкина қўллари кўксига қовуштирилган. Бир қўлида бир неча янги узилган гуллар. Менга таниш ва қадрли чеҳрага қарашга қўрқаман. Қиз бола чоғида, менга сут ва пон олиб келганда, биринчи марта кўрганимдан бери неча йиллардан буён мен уни яхши кўриб юрардим.

Мен ўзимнинг чексиз муҳаббатим ҳақида унга ҳеч бир оғиз очмаган эдим, ҳатто уни мен жонимдай кўришимни, тириклигим қувончи, ҳаётимнинг мазмуни эканини унга ўзимнинг бирор ҳаракатим билан ҳам изҳор қилмаган эдим.

Тобутнинг нариги тарафида гулдор оқ «таъзия рӯмоли»га ўралган хитой хотин И Ля-хэ гиламда ўтирарди. Бир вақтлар у эридан ва бутун болаларидан жудо бўлган эди... Энди у сўнгги кўнгил қўйган кишисидан ҳам маҳрум бўлди. У, хитой санамларига ўхшаб, жони йўқдек қотиб, тўқ қизил ёқут тасбеҳ доналарини ўгириб, қўлларига тикилиб ўтирар эди. Мен билан ҳатто саломлашмай, у аста пичирлаб:

— Тобутни донишманд дўстимиз сарой меъмори Ли Тун-по ўз қўллари билан чопдилар, — деди. — У киши бизнинг қадрли кишимиз ҳалок бўлмасдан икки кун олдин келдилар. Юлдуз хоним, сафар тўғрисидаги унинг гапларини диққат билан тинглади. Ботухоннинг юборган ҳадялари уни хурсанд ҳам қилмади. Қон томчиларига ўхшаган бу тошлар менинг қайғу-ҳасратларимни бундан кейин ҳар вақт эсимга тушириб туришини фаҳмлагандек, шу ондаёқ менга бу ҳадяларнинг ичидан мана шу ёқут тасбеҳни берди. Ли Тун-по эҳтиётсизлик қилиб Пайдархон билан бирга унинг оғаси деб юрилган Мушукнинг ҳалок бўлганини айтиб юборганда, у айниқса ўзини йўқотиб қўйди. «Қаерга кўмилди у?» деб сўради ранги қордек оқариб. — Унинг жасади Пайдархон ва ҳалок бўлган бошқа жангчиларнинг жасади билан ўтда куйдирилди, — деди Ли Тун-по. — Барча шонли кўшинимиз ўтнинг атрофида уч марта айланиб, ҳалок бўлган баҳодирларга қасида ва марсиялар ўқишди.

Шу гаплардан кейин Юлдуз хоним тошдек қотиб қолди. У кечалари ҳам, кундузлари ҳам уйнинг бир бурчагида мунғайиб ўтирар, кўпинча йиғларди. Ботухон Юлдуз хонимнинг бир ўғил туғиб беришини орзулаб юрар эди, сизлар сафарга кетгандан кейин, сал ўтмай, бекач бир ўғил кўрди, уни чақалоқлик вақтидаёқ заҳарлаб ўлдиришди, мен Юлдуз хонимни ўшандагина мана шундай қаттиқ қайғу чекканини кўрган эдим. Шундай қилиб, у ўз ёнига ҳеч кимни киргизмасди. Бир кун унинг олдига Сайинхоннинг икки хотини келди, улар, албатта, Юлдуз хонимнинг ғам тортиб ўтирганини кўриб, қувониш учун келган эди. Улар узум, олма ва

бол солиб пиширилган тўқочлар олиб келишди. Мен бекачга, улар олиб келган нарсаларни емасликни шивирлаб айтдим. У менга: «Энди менга барибир» деб жавоб берди. Хонимлар кўп ўтирмай кетишди, улар кетгач, Юлдуз худди заҳарлангандай қийналди. У оҳвой қилар, тўлғанар ва тобора дармонсизланиб борар эди. Чақирилган табиблар, мунажжимлар ҳеч қандай ёрдам беролмади. У вақтда сиз йўқ эдингиз. Шундан кейин... — хитой хотин ҳалқумига тиқилиб келган кўз ёшларини ютиб, Юлдуз хонимнинг жасадини кўрсатди.

Мен бошимни кўтариб, умид-армоним ва саргардон ҳаётимнинг қувончи бўлган марҳуманинг юзига назар солдим. Унинг ҳар вақтдагидек нафис ва гўзал чеҳрасида ёқимли табассум кўринмас, у улуғвор, жиддий ва хотиржам эди. Ингичка қора қошлари сал чимирилган. Юлдуз ер юзида қолдирган мана шу жасаидан гўё жуда узоқда эди. Киприклари сал қимирласа-ю, унинг ҳар вақт фусункор кўзлари бир очилишини орзулаб, кўнглимда астойдил дуо қилардим...

Сукут ичида у гўё менга: «Мени сўнгги марта кўриб қол. Мен узоқ Ҳулкар юлдузига учиб кетяпман. Қачон учрашаркинмиз — билмайман, бу сенга боғлиқ, мен сени ўша ерда кутаман...» дегандек бўларди.

Менга шундай оғир бўлдики, ақлу ҳушим бошимдан учди. Бошим айланиб кетди. Ахир, у мени кута олармиди?

Шу вақт хонага Ли Тун-по кириб келди. Иккимиз қадрдон дўстлардек қучоқлашиб кўришдик, иккимизнинг ҳам кўзларимиз нам ва кўнгилларимиз тўла ғам эди. Бу қайғу бизни яна ҳам бир-биримизга яқинлаштирган эди.

Бизлар ўтириб, энди нима қиламиз? Юлдуз хонимни қаерга дафн қиламиз, деб маслаҳатлашдик. Юлдуз, гарчи Ботухонга ҳамма хотинларидан аъло бўлса ҳам, Чингиз авлодидан бўлган буюк ҳукмдорнинг фақат маъшуқаси эди-да.

Шунда доно хитой хотин И Ля-хэ бундай деди:

— Менинг олисдаги ватаним хитойда бундай одат бор: хитой хоқони ўз севгилисининг хотирасини қадрламақчи бўлса, уни илгари шу хотин турган сарой боғига дафн қилдиради. Бундай қабр устига мармардан ёки қоя тошдан хотира қўйдиради. Сизлар энг яқин кишиларшигина чақиринглар, ҳурматли бекачимизнинг

жасадини шу ерга, мана шу хушманзара кичкина сарой боғчасига дафн қиламиз. Сизлар санъаткор бир сангтарош уста топсанглар, унга оқ бир мрамр қабр тошини йўндириб, унинг юзига сипиқ гул шохлари ва буларнинг устига Юлдузнинг тавсирини ўйдирамиз.

Ли Тун-по, хитой хотиннинг таклифини жуда мақтади ва бу хизматни ҳеч кимга бермай, Ботухон келгунча бундай хотирани ўзи ясаб қўйишини айтди.

Бугун кечқурун кун ботиши олдида кичкина бекачимиз Юлдуз хонимнинг жасадини ажойиб бир боғчага қўйдикки, унинг ўзи бу боғчада кўп вақтини ўтказган эди. Бу қайғули маросим тугагандан кейин ўзим ёлғиз қабр бошида қолдим. Чўкаётган оқшомнинг бу муқаддас сукунатида ўзимнинг бутун шу саргардонликда ўтган ҳаётим, севгисиз, бахтсиз ҳаётим кўз олдимдан бир-бир ўтди. Энди қандай таскин топаман? Бошимни кўтариб, қоронғилашиб келаётган кўкка қарадим, унда якка турган ёруғ бир юлдузни кўрдим. Шундан кейин бу — бошқа оламга ҳижрат қилган Юлдуз хонимнинг руҳи узоқдан менга салом йўллаяпти, деб ўйладим. Аммо коинотнинг сирини топиш кимнинг қўлидан келади? Эвоҳ, эсизгина Юлдуз.

Ўзимнинг «Йўл хотиралари»га Ботухон қўшинларининг ғолибона сафарларини ёзиш билан бирга, мана шундай қайғули хотираларни ҳам ёзиш пешонамда бор экан».

Учинчи боб

БОТУХОННИНГ ТАШВИШЛАРИ

(Ҳожи Раҳимнинг «Йўл хотиралари»дан)

«Ботухон Қичик Саройга келганда бу «қора хабар» ни, Юлдуз вафотини ҳеч ким унга айтишга журъат қилмади. Мен бу хабарни унга айтдим. Ўз одатига ҳилоф равишда хон мени ўлдиртирмади, ҳеч нарса сўрмай, у баттар ўйчан ва индамас бўлиб қолди, афтидан, бошқа бир нарса унинг кўнглини ташвишлантириб турган эди.

Шундан бир неча кун ўтгандан кейин у мени ёнига чақириб, бундай деди:

— Кўнглим яна бир нарсадан хафа бўлди. Мен ўғлим Сартоқнинг ҳарбий машғулоти қандай бораётганини текшириб кўрмоқчи бўлдим. Мен унга хабар қилмай, унинг ўтови жойлашган чодирлар орасига бордим.

Мен, Сартоқнинг ҳар вақт, ҳаттоки сафарда ҳам, тўхтаган жойда ҳар куни эрталаб, ёнига қўйилган хитой олими билан суҳбатлашиб туришни топширган эдим, ҳозир у мана шу машғулотни давом эттириб, ўша олимнинг «Саркардалар учун ёки ғалаба қилмоқ учун қўлланма» деган муҳим китобини ўқиши керак эди. Бу ҳарбий ўқитувчини «мағриб мамлакатлари»га сафар қилиш олдида мўғул қўшинларининг сўл қанот бошлиғи Мухули хитой мамлакатидан бизга юборган эди. Бу тортиқ қандай бўлди?

Мен Сартоқнинг ўтовига аста юриб бордим, мени кўриб эшик пардасини очмоқчи бўлган турговутнинг қўлини ушлаб қолиб, ичкарига қулоқ солдим. Ўтов ичидан секин овоз келарди. Шивирлашиб гаплашарди, лекин мен афсун ўқиладиганини пайқадим! Нотаниш бир овоз ғуриллаб дерди: «Бу қимматли дорн Маккаий мукаррамдан келган. Уни кўршапалак талқони, оқ каптар юраги ва еттита қора чаён талқони билан аралаштирилади. Буларнинг ҳаммасини бир товага солиб, ўт устида секин қовуриш керак. Шундан кейин у ҳамма душманларингизга қарши сеҳрли бир кучга эга бўлади... Уларнинг ҳаммаси ўлиб қолади...»

Мен чодирга тўсатдан кирдим. Сартоқ гулхан ёнида ўтирарди, гулхан устига қўйилган сепоянинг устида това қизиб турарди. Ўғлимнинг ёнида бир мусулмон ўтирарди. Бошига ўраган кўк салласига қараганда, Муҳаммад авлодидан бўлса керак. Мени кўриб иккови ҳам тошдек қотиб қолди.

Сипоҳгарчиликни ўргатадиган кекса муаллим эса нарироқда, гилам устида, олдида бир сопол кўзача билан май солинган чиройли бир пиёлани қўйиб, ёнбошлаб ётарди. У кўзларини юмиб ётиб: «Ҳаммаси гўзал, қуёш ботаётганда тепанинг устида турган қизнинг қораси ҳам, йўлдаги изларга тушиб турган тол шохларининг кўланкаси ҳам...» деб хиргойи қиларди.

Сартоқ билан мусулмон кўзларини катта очиб, индамай менга қараб туришар, товадан эса, бошни айлантирадиган тутун чиқиб турарди.

Мен мусулмонга қараб:

— Сенинг фолинг бугун нималар дейди?— деб сўрадим.

У шу ондаёқ тез ва ишонч билан сўзлаб:

— Сартоқхоннинг келажакда узоқ йиллар шубҳасиз подшолик қилишларини хабар қилади,— деди.

Кейин мен ундан:

— Жа, фолбинлигинг сен донишманд мусулмон ҳақида не дейди?— деб яна сўрадим.

Бу сафар жодугар ғўлдираб қолди ва тутила-тутила:

— Менинг ҳақимдами? Менинг ҳақимда шундай дейдики, мен жаноби олийнинг сарой табиби ва мунажжими бўлиб кўп йиллар хизмат қиламан, саховатли мукофотларингизга ноил бўлиб, неварачеваралар кўриб, бахтли, пири бадавлат бўламан,— деб жавоб берди. Шунда мен унга:

— Кўп йиллардан кейин келадиган гаплар тўғрисида бекор валдираяпсан, ҳолбуки сен ўз устингда бугун, ҳозироқ бўладиган гапларни кўролмаёпсан-ку. Демак, келажакдан бераётган хабарларинг ҳаммаси ёлғон ва ҳеч кимга даркор эмас. Бугун сенинг калланг кесилади. Турғовутлар! Олиб боринглар мана бу каззоб алдамчини оғам Баркахоннинг қошига, бу кераксиз жодугарни савалаш ва қийнаш учун сизга бериб юборди, денглар. Баркахон мусулмонларни яхши кўради ва ҳар вақт теварагига уларни тўплайди,— деб Ботухон менга қараб тикилди-да, сўзида давом этди:

— Мен шундай буйруқ бердим. Билимдон Ҳожи Раҳим, сиз нима дейсиз, тўғри иш қилибманми?— деди.

— Мен нима дер эдим, мен, азим туп дарахт шохлари устида паррандалар ютиб қўйишидан қўрқиб, жонини ҳовучлаб, ўрмалаб юрган кичкина қуртдек ожиз бир одамман. Шундай бўлса ҳам, Соҳибқирон доно бобонгиз нима деган ва нима қилганларини эслатиб қўяйми дейман! Айтайми?— дедим.

— Гапир!— деди Ботухон.

Шундан кейин мен:

— Теварагингизда мусулмонлар кўп. Лекин сизнинг энг кучли ишончли таянчингиз улар эмас, ўз туғишганларингиз Гоби, Керулин, Унўн ва Хингандан келган мўғуллардир. Бир мўғулга ўнтадан, балки йигирмадан қипчоқ тўғри келади,— деб жавоб бердим.

Шунда Ботухон бундай деди:

— Сиз менга, мен аллақачонлардан бери биладиган гапларни айтяпсиз, лекин мен сиздан бошқа бир нарса ни билмоқчиман: агар мен бугун отим билан Итилнинг нариги томонига ўтаётиб, ўлиб кетсам, ўрнимга ким ўтиради? Уғлим Сартоқми? Мен унга ишонмайман, шу билан бирга, мен ўрисларнинг қўнози суздаллик Ярославга ҳавасим келади. У мен тор-мор қилган қўнозликларни жон-жаҳди билан қайтадан тиклаб, мустаҳкамлашга ҳаракат қилиб юрибди. Мен унга шунинг учун ҳавасим келадик, унинг, Искандардек, ёш бир ўғли борки, у ҳозирданоқ бир қанча ғалабалар қозонди ва отасининг ўз юртини обод қилиш ва мустаҳкамлаш устидаги ишларини давом эттиряпти. Мен, албатта, бунга йўл қўймайман ва ўрисларни, уюр-уюр соғин биядек тизгинлаб қўлда тутмоқ учун, ўрисларни янчиб ташлашга тиришаман. Аммо...

Ботухон ўйлашиб қолди ва қўли билан шарқ томонни, мўғул даштлари тарафини кўрсатиб:

— Кўк ўрданинг келгуси улуғлиги шу тарафда гуллайдими ёки орқада, кечагина мен тор-мор қилган мамлакатлардами?— деб сўради.

Мен бунга эҳтиёт билан жавоб бериб:

— Агар сиз чинакам улуғликни истасангиз, улуғлик бир мамлакатдагина эмас, ҳамма ёқда бўлиши керак,— дедим.

Энди Ботухон қизишиб гапирди:

— Жа, бу улуғлик ким учун бўлади? Ўрнимга ким ўтиради? Бобомнинг муқаддас тигини ким баланд кўтаради? Сартоқми? У ҳализгача бирорта жангда қатнашгани йўқ. Душман қўлидан отилган ўқлардан биронтаси ҳам унга тегмасин, деб турговутлар уни ардоқлаб келди. Новгородлик Искандар бўлса, Арабшонинг айтишига қараганда, ўзини жангнинг қалин жойига урар, ҳаттоки озгина аскар билан ҳам кутилмаган ғалабаларга эришар экан... Мен сафарда эканимда, Кичик Саройга қайтиб борсам, мени Юлдуз хоним кутиб олади, ўзининг нозик қўллари билан менинг отам Жужийхондек ёки сиз яхши кўрадиган Искандари Зулқарнайндек чехрасидан баҳодирлик нишонаси кўриниб турган бир ворис тақдим қилади, деб умид қилган эдим. Бироқ, умидим бу сафар ҳам пучга чиқди. Куюкхон тарафдори бўлган хуфия душманлар менинг ворисимни ҳам, унинг онасини ҳам ҳалок қилибди. Улар менинг шафқатсиз ўч олишим-

дан қутулиб кетамиз деб ўйламасин! Мен ҳеч нарсани унутмайман! Мен ҳали уларни излаб топаман, тириклай дош қозонда қовуртираман!

Ҳозир менинг кўнглимда улуғ ниятлар ва юракни ўртаб бораётган ғаму ғуссалар бор. Биз бугун яна Сартоқнинг ўтловига борамиз ва уни текшириб боқамиз, балки Сартоқ, янги баҳодирона ҳарбий сафарларни ўйлаб чиқиб, ўз устози билан баҳслашиб ўтирганмикин? Агар мен ўз фикримда хато қилган бўлсам, Сартоқ чинакам жангчи ва саркарда бўлиб етишадиган бўлса, мен ўзимни қандай бахтли ҳисоблардим!..

Биз яна бирмунча вақт ўтирдик, «мағриб мамлакатлари»га қилинган сафарда ҳалок бўлиб, жонажон саҳрони ва қурилаётган Кичик Саройни кўриш насиб бўлмаган қўлдошларни эсга олдик. Мулойим, меҳрибон Юлдуз хоним тўғрисида ҳам кўп гаплашдик, илгари бизларнинг «олтин уйда» ўтказган кечаларимизнинг кўрки бўлган унинг ёқимли ашулалари ва доно кенгашларини эсладик.

Сартоқнинг ҳарбий машғулотлари қандай бораётганини билмоқ учун Ботухон билан мен йўлга тушганимизда, қоронғи тушиб қолган эди. Биз етиб борганда Сартоқнинг ўтови олдида уч киши турган экан, бизни кўриб ҳаммалари ҳам тиз чўкиб таъзим қилишди, улар: ҳукмдоримизнинг оғаси Баркахон, ўлимга ҳукм қилинган жодугар мусулмон ва «ғазаб қиличи» бўлган жаллод экан.

Ботухон оғасини қучоқлаб, унинг чаккасини ялади, кейин:

— Сиз ҳозир нима тўғрида илтимос қилмоқчи бўлиб турганингизни биламан,— деди унга қараб.— Ўйингизга олиб кетинг бу алдамчини ва унинг ёлғон кароматларини эшитинг! Лекин эсингизда бўлсинки, бугун у ўзининг сеҳрли талқон дориси билан мени заҳарламоқчи бўлди, балки эртага сизга ҳам шундай оғувдан бирини тайёр қилар. Бироқ у бу ишларни албатта кимнингдир қутқиси билан қиляпти. Сиз унинг хўжайини ким, уни бу ишга ким солаётганини билишга ҳаракат қилинг. Бунинг ўзи ҳам, чодирларимиз яқинида ерга қоқиб қўйилган учи найза қоziқлар борлигини, у шулардан бирининг устида жон беришини эсидан чиқармасин.

Шундан кейин биз чодирга кирдик. Гулхан ёнида хитой ўқитувчи ўтирарди. Унинг олдида, чироқпояда шам ёнарди. Ориқ, касалманд Сартоқ одоб билан отаси-

нинг олдига келиб, бош эгди, хон илтифот қилиб унинг юзини силагунча шу ҳолда индамай турди. Кейин бизлар ташлаб қўйилган ёстиқларга бориб ўтирдик. Хитой ўз олдига битилган қоғозларни ёйиб қўйди. Бу қоғозларда ажнабий кийим кийган ва нотаниш қурол-яроғ таққан аскарлар тасвирланган, қалъа ва хандаклар чизиб кўрсатилган эди. Бу хитой билан илгари ҳам учрашиб бир неча марта сўзлашган эдим. У оқариб қолган сийрак соқолли чол бўлиб, гиёҳни кўп истеъмол қилгани учун ранги заъфарондек саргайиб кетган эди. У гиёҳ истеъмол қилишни менга ҳам тарғиб қилиб, ҳаётнинг барча ғам-ғуссаларини унутдириб, чеккан кишини бошқа бир оламга олиб бориши ҳамда қадимги энг машҳур кишилар билан суҳбат қилдириши, кишига ҳаддан ташқари роҳат бахш этиши тўғрисида гапирган эди. Аммо ўзининг қўли доим қалтириб турарди, шунинг учун мен унга ўхшаб ўз иродамни, руҳий тетиклигимни йўқотиб қўйишни хоҳламадим.

Ботухон ўғли Сартоққа қараб:

— Менга қулоқ сол, ўғлим. Отам бир воқеани менга кўп марта айтиб берган эди: бир вақтлар катта бувинг мўғул чўлларида кезиб юрган экан. Уни лаънати керайтлар¹ қувлашибди, шунда бувинг қашқирдек ҳийлакорлиги ва тиришқоқлиги туфайли асирликдан ҳам, ҳалокатдан ҳам қутулиб қочган экан. Мана шундай машаққатли оғир бир пайтда йўлда у бир ўғил бола, менинг шавкатли отамни туғибди. У қаҳратон қишнинг қаттиқ совуғидан сақлаш учун болани ўрайдиган нарса тополмай, бир парча хамирга йўргаклаган, шундай қилиб, боласини омон-эсон уйга олиб келган экан. Бувим бобонгни мана шундай очлик ва йўқчиликлар билан боқиб ўстирган. Сен бўлсанг, шойи ёстиқлар устида туғилдинг, сувсар йўргаклар билан йўргакландинг. Энди сен чиниққан, кучли жангчи, довиорак баҳодир бўла оласанми? Мен сенинг ёнингга жуда олим хитойни қўйдим, у қадимги буюк фотиҳларнинг барча ҳийла ва барча ҳунарларини билади. Ундан бир нарса ўрганяпсанми? У сенга ўзинг хоҳлаган, билишинг лозим бўлган билимларнинг барчасини айтиб бераяптими, йўқми?

¹ *Керайтлар* — буюк қипчоқ халқининг катта бир уруғи бўлиб, ўша замонларда Олтой ва Мўғулистонда зўр бир давлат курган халқ. Ҳозир ҳам улар «Керайтлар» деб аталади. (*Тарж.*)

— Мен ҳаммасини тушуниб олишга ҳаракат қиляпман,— деди Сартоқ таъзим билан шивирлаб.— Лекин сизнинг қилган жангларингиз ва ғалабаларингиз, менга устознинг барча айтганларидан кўра кўпроқ нарсаларни ўргатиб қўйди.

— Қани энди, бўлмаса, устознинг менга сипоҳигарчилик санъатини гапириб берсин-чи, мен эшитиб боқай, балки унинг менга ҳам фойдаси тегиб қолар.

Шундан кейин хитой қўлларини жуфтлаштириб, Сайинхон тарафга қараб чўзди-да, уни бир неча марта силкитди,¹ кейин мўғул тилида бир тарзи сўзлади. Убу тилни мўғуллар қўлида кўп йил асир бўлиб юрганида ўрганган эди.

— Энг машҳур ва энг билагон хитой олимлари ўзларининг ҳаммага мақбул асарларида айтадиларки, урушда саркарда учун энг муҳим қоида: ҳийла, ижодкорлик ва алдашдир...

— Муҳим қоида!— деди Ботухон.— Аммо бунинг ўзи кифоя қилмайди!

— Ҳамма атоқли хитой саркардаларида шу сифатлар бор. Ҳарбий қисмдаги энг муҳим қоида — алдаш, тез ҳаракат қилиш, душманни чалғитиб қўйишдир. Шунинг учун кучли бўла туриб — ожиз бўлиб кўриниш керак, урушга қобил бўла туриб — ноқобил бўлиб кўриниш керак, агар яқин турилган бўлса, узоқда тургандек кўриниш керак, шунингдек, душмандан узоқда турганда эса, яқин тургандек кўриниш керак.

Ботухон муаллимнинг бундан кейинги гапларини ҳам диққат билан тинглаб туриб, ниҳоят:

— Мана шуларнинг ҳаммаси буюк саркарда бўлмоқ учун даркор дейсанми?— деди.— Сен сипоҳигарчилик санъатининг устози эмас, кўршапалак экансан!

Кейин у Сартоққа кўз қирини ташлади, Сартоқ уйқусираб анграйиб ўтирарди.

Ботухон ўрнидан турди. Хитой муаллим сўзини бўлиб бир неча марта таъзим қилди. Биз чодирдан чиқдик. Тепамизда юлдузлар чарақлаб турарди. Теваракда,

¹ Бунда ҳамма бармоқларни кафтга қисиб бош бармоқ устида қолдирилади, жуфтлаштирилган кафтлар қаршидаги киши томон чўзилиб, бир неча марта силкитилади. Хитойларда бошни бир оз букиб шундай қилиш — таъзим ва сажда қилиш ўрнида туради. (Тарж.)

узоқ ва яқинда гулхан ўтлари милтиллаб кўринарди. Ботухон деди:

— Мана, кўрдингиз, ўғлимни халқларга ҳукмдорлик қиладиган ҳақиқий жаҳонгир қилиб етиштириб бўладими?.. Кимга ишониш керак? Устимдаги ташвишларимнинг бир қисмини кимнинг темир елкасига ортишим керак, кимга беришим керак? Бизлар ўрис ерларидан яқиндагина ўтдик. Мен бу буюк улусга ишонмайман, у сўлқилдоқ дарахтдек эгилади-ю, аммо синмайди. Мен уларни аямай қириб ташладим, яна бош кўтаришяпти, уй-жой қуришяпти, тўдаларга уюшяпти деган гапларни айтишяпти. Мен ўрисларни бош кўтармайдиган қилиб ташлайман деб, уларнинг ерида энг яхши аскаримдан айрилдим. Киевни вайрон қилиб ёндирганимдан нима фойда чиқди! Мен у ерда ўрни тўлмайдиган кўп талафот кўрдим. Киев энди йўқ. Бой, обод пойтахт ўрнида, ўликлар билан қопланган бир тепалик қолди, ўликлар шунчалик кўпки, биз енгилмас фотиҳлар ўзимизнинг муқаддас вазифамизни — урушда ўлганларни куйдириш маросимини бажо келтира олмай қолдик. Киев тепаликлари ўн минглаб ўликлар билан қопланган, бизнинг ҳам, ўрисларнинг ҳам аскарларининг жасадлари аралашиб кетган, буларнинг орасида ўрисларнинг оғзидан жони чиққунча урушган хотинлари билан болалари ҳам бор...

Энди мен ўзим тузган хонлигимнинг пойтахти самовий ўрда — Кичик Саройни кенгайтириб, мустаҳкамламоқчиман. Киев ва ўрисларнинг бошқа шаҳарларидан олинган асирларнинг орасидан ҳунарманд усталарини танлаб олишни буюрган эдим. Бу кишилар ҳар хил ҳунарни билади ва бизга фойдалидир.

Мени узоқдаги юртимиз Қорақурумга, бутун мўғулларнинг янги буюк хоқонини сайлашга чақиришяпти, лекин мен унга бормайман. Энди менинг янги ватаним бор, мен бу хонликни ўз қўлимда қаттиқ тутиб қолишим керак. Агар қурултойда мени буюк хоқон қилиб сайлашса ҳам мен ундан воз кечаман ва ўз ўрнимга тўғри сўзли, жасоратли оғам Мангухонни сайлашни тавсия қиламан. Аммо кўнглим сезиб турибдики, қурултойда ҳамма ўзи бева хотин бўлса ҳам ўткир, ҳозирги муваққат ҳукмдор янгамиз Туракиннинг хоҳишига бўйсунди, ҳеч нарсага қобилияти йўқ унинг ўғли ёвуз Куюкхонни сайлайди. Майли, бу уларнинг иши! Менинг

бутун куч ва қудратим шу ерда, дашти қипчоқ саҳро-ларидадир. Энди мен, Соҳибқироннинг арвоҳлар қўши-нига сафар қилганимдан кейин, ўзим тузган мана шу давлат нима бўларикин деб ўйланиб қолдим. Уғлим Сартоқ қудратли мўғул отини тизгинидан маҳкам ту-тиб, ўйнатиб юра оладими? Мен урушиб олган бу улус мамлакатни бизлар учун кимнинг темирдек маҳкам қў-ли тутиб, сақлаб келади? Буларни мен кимга топшириб кетаман? Маккор Куюкхоннинг сафарда ёнимдан кетиб қолгани яхши! Аммо мени тарбия қилган кекса Субутой баҳодир ҳам, менга ишончли таянч ва ёрдамчи бўлар деб эътимод қўйиб, ўзим тарбия қилган ёш Иесун Нў-ҳай ҳам кетиб қолди. Кеча сиз ҳам бу ердан кетиши-нгизни айтдингиз... Қолбуки, ҳали шимолда, кўнгилни хира қилиб, новгородлик Искандар барқарор турибди. Борди-ю, у устимизга қўшин тортиб келиб қолса нима бўлади? Мана шу ўйлар мени кеча-ю кундуз қийнамоқ-да. Аммо бу тўғрида биронта одам сезмаслиги лозим. Менга хонлигимнинг истиқболи қоронғи ва бетинч бў-либ кўриняпти...

Ботухон билан қилган энг кейинги суҳбатим шу бўлди. Энди бу китобни тамомлаб, мана шу ўтган даҳ-шатли йилларда эшитган ва кўрганларимни бир-бир эсимга тушириб, китобхонларимга киши ҳаётидаги энг даҳшатли, шафқатсиз, маъносиз, ҳамма нарсани барбод қилувчи уруш бўронларини бошдан кечирмасликларини тилайман».

1941—1951

Москва.

МУНДАРИЖА

I

«ВОҚЕА БАҒДОДДА БУЛГАН ЭДИ...»

<i>Биринчи боб.</i> Муҳр ўювчи Тақводор Дуда	5
<i>Иккинчи боб.</i> Худди ярим кечада	7
<i>Учинчи боб.</i> Буюк халифа саройида	11
<i>Тўртинчи боб.</i> «От юриши»	16
<i>Бешинчи боб.</i> Эркин овчининг сири	19

II

ИТИЛ ДАРЕСИ ЭТАКЛАРИДА

<i>Биринчи боб.</i> «Ел эркаси»	24
<i>Иккинчи боб.</i> Ажойиб ишлар	28
<i>Учинчи боб.</i> Мўғул қоровули	30
<i>Тўртинчи боб.</i> Абдураҳмон фолбин ҳузурида	39
<i>Бешинчи боб.</i> Доно биби Қундуз	44
<i>Олтинчи боб.</i> Араб савдогарларникида	50

III

БОТУХОННИНГ ҚАРОРГОҲИДА

<i>Биринчи боб.</i> «Олтин уйча»	55
<i>Иккинчи боб.</i> Ботухон сўзлайди	58
<i>Учинчи боб.</i> Ажал қаноти	61
<i>Тўртинчи боб.</i> «Жаҳон зийнатлари»	69
<i>Бешинчи боб.</i> Араб элчиси татар хони ҳузурида	73
<i>Олтинчи боб.</i> «Қўк пойтахтнинг яратилиши»	75

• IV

НОВГОРОД ЭЛЧИСИ БОТУХОН ҲУЗУРИДА

<i>Биринчи боб.</i> Рус асирларини сўроқ қилиш	79
<i>Иккинчи боб.</i> Рус соллари келмоқда	84
<i>Учинчи боб.</i> Айиқ ўйини	87
<i>Тўртинчи боб.</i> Хира меҳмонлар	94
<i>Бешинчи боб.</i> Оғир йўл	100
<i>Олтинчи боб.</i> Ботунинг марҳамати	103
<i>Еттинчи боб.</i> «Ўйинчоқлар»	111
<i>Саккизинчи боб.</i> Учта сўз	113
<i>Тўққизинчи боб.</i> Ниҳоят уйда!	121
<i>Ўнинчи боб.</i> Акслик	124
<i>Ўн биринчи боб.</i> Қайғу-ҳасрат ўтига ёниб	128
<i>Ўн иккинчи боб.</i> Монастирда	130

V

ҚОРА БУЛУТ ҚУЮҚЛАШМОҚДА

<i>Биринчи боб.</i> Муаккилнинг огоҳлантириши	135
<i>Иккинчи боб.</i> Қип-қизил нурларда	137
<i>Учинчи боб.</i> Ботухоннинг ғазаби	141
<i>Тўртинчи боб.</i> Нўҳайхоннинг одобсизлиги	150
<i>Бешинчи боб.</i> «Бебошлар» қароргоҳида	156
<i>Олтинчи боб.</i> Белгиланган сафар	164

VI

**«МАҒРИБ МАМЛАКАТЛАРИНИ ҚОРА
БЎЛУТ БОСМОҚДА**

<i>Биринчи боб.</i> Мангухон Киев олдида	169
<i>Иккинчи боб.</i> Қўтанхон чодирида	173
<i>Учинчи боб.</i> Тамбердиннинг ҳикояси	178
<i>Тўртинчи боб.</i> Қипчоқ дашти ёнмоқда	182
<i>Бешинчи боб.</i> Юзбоши Азарга Таҳъянинг араваси	185
<i>Олтинчи боб.</i> Темир арава	188
<i>Еттинчи боб.</i> Мўъминлар халифасига хат	188

VII

Д Н Е П Р Д А

<i>Биринчи боб.</i> Новгороддан жўна!	193
<i>Иккинчи боб.</i> Вадим Киевда	200
<i>Учинчи боб.</i> Саҳрофилар дўсти	205

VIII •

КИЕВНИНГ СЎНГГИ ДАМЛАРИ

<i>Биринчи боб.</i> Киевда бесаранжомлик	211
<i>Иккинчи боб.</i> Князь саройида	214
<i>Учинчи боб.</i> Киевнинг сўнгги кенгаши	222
<i>Тўртинчи боб.</i> Ботухон чодирини ёнида	231
<i>Бешинчи боб.</i> Вадимнинг ўлими	236
<i>Олтинчи боб.</i> Киевнинг сўнгги дамлари	244
<i>Еттинчи боб.</i> Бағдод халифасига мактуб	248
<i>Саккизинчи боб.</i> Татарлар кетгандан сўнг	251
<i>Тўққизинчи боб.</i> «Олга! Тезроқ олга!»	254

IX

МУҒУЛ СИРТМОҒИ ЕВРОПА УСТИДА

<i>Биринчи боб.</i> Ғарбий Европа мўғуллар зарбаси остида	263
<i>Иккинчи боб.</i> Лигница ёнида жанг	266
<i>Учинчи боб.</i> Жасур қўшиқчи	270
<i>Тўртинчи боб.</i> Можорлар юртида	279
<i>Бешинчи боб.</i> Пушта	281
<i>Олтинчи боб.</i> Эгизак шаҳарлар	283
<i>Еттинчи боб.</i> Қўтанхоннинг ўлими	285
<i>Саккизинчи боб.</i> Сайё дарёси бўйида жанг	289
<i>Тўққизинчи боб.</i> Сўнгги денгизга бориладиган йўл	293

X

БОТУХОН АДРИАТИК ДЕНГИЗИ БЎЙИДА

<i>Биринчи боб.</i> Европада ваҳима ва саросималик	296
<i>Иккинчи боб.</i> Бу «сўнгги денгиз»ми?	300
<i>Учинчи боб.</i> Бўлар иш	304
<i>Тўртинчи боб.</i> Қайсар тоғликлар	308
<i>Бешинчи боб.</i> Қонли панжа	315

XI

НИЗОНИНГ БОШЛАНИШИ

<i>Биринчи боб.</i> Ботухон Триест олдида	319
<i>Иккинчи боб.</i> Улуғ жирчи қўшиғи	322
<i>Учинчи боб.</i> Олисдан келган даракчи	328
<i>Тўртинчи боб.</i> Сўнгги ҳарбий кенгаш	329

XII

ЗАНГОРИ ДЕНГИЗ БҮЙИДА

<i>Биринчи боб.</i> Подшо богида	342
<i>Иккинчи боб.</i> Кутилмаган даракчи	345
<i>Учинчи боб.</i> Тақводор Дуданинг хаги	352

XIII

САФАРНИНГ СУНГГИ

<i>Биринчи боб.</i> Дунай бўйида кенгаш	356
<i>Иккинчи боб.</i> Юлдуз хонимнинг юлдузи қандай сўнди	359
<i>Учинчи боб.</i> Ботухоннинг ташвишлари	363

На узбекском языке

ЯН-ЯНЧЕВЕЦКИЙ ВАСИЛИЙ ГРИГОРЬЕВИЧ
„К ПОСЛЕДНЕМУ МОРЮ“

Р о м а н

Гослитиздат УзССР — Ташкент — 1963 г.

Перевод с издания Гослитиздата 1960 года

Редактор *М. Исломов*
Рассом *М. Рейх*
Расмлар редактори *Г. Остапенко*
Техн. редактор *Е. Ҳаймов*
Корректор *И. Қобилов*

Босмахонага берилди 18/II-63. Босинга рухсат этилди 23/III-63. Формати 84×108^{1/2}мм. Босма лист 11,75. Шартли босма листи 19,27. Нашриёт листи 20,44. Тиражи 30000. Индекс *ба*.

ЎзССР Давлат бадний адабиёт нашриёти,
Тошкент, Навоий кучаси, 30. Шартнома № 94/61.

ЎзССР Маданият министрлиги Уzglavиздатининг Ихтисослаштирилган ҳарф терув фабрикаси тайёрлаган матрицадан 1-босмахонасида босилди. Тошкент, Ҳамза кучаси, 21. 1963 й.

Заказ № 845. Баҳоси 77 т.